



**М. ГОРЬКИЙ**

**АСАРЛАР**

**ЎН**

**ТОМЛИК**



**ГАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ**

**Тошкент — 1968**

# М. ГОРЬКИЙ

## АСАРЛАР

### I ТОМ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
Тошкент - 1968

Р2  
Г75

*Редколлегия:*

ОЙБЕК, А. ҚАҲҲОР, К. ЯШИН, Ҳ. ҒУЛОМ, А. МУХТОР,  
Т. РУСТАМОВ, Л. ҚАЮМОВ.

Индекс: 7-3-2

## ИСТЕЪДОД ВА ЗАКОВАТ САЙҚАЛИ

Бундоғ қаралса, кекса тарих олдида 50 йил ҳеч гап эмас. Лекин совет жамиятининг ярим аср давомидаги амалий ишлари жақон тарихи ва инсоният келажagini белгилаб берганиям бор ҳақиқат. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча даҳоси билан яратилган буюк давлат ва бепоён мамлакат қон-қардош халқларининг метин имони шундан гувоҳ; социалистик маданиятимиз ва бу одампарвар маданият жонкуяр намояндаларининг жасур меҳнати шундан далил; яқинда туғилганига 100 йил тўлишини нишонлашга ҳозирлик кўрилайётган Алексей Максимович Горькийдек оташнафас сиймонинг сўнгсиз ҳаёти — абадияти шундан хабар.

Ҳаёт тириклай ўлик кимсаларни ва ўлгандан кейин ҳам абадий барҳаёт одамларни билади. Бизнинг Алексей Максимович Горький ана шундай ҳамиша тирик, Ватанимиз тақдирида, совет кишиларимиз жасоратида ва бутун дунё меҳнат аҳли орзу-умидларида тинмай яшовчи беқиёс инсондир. Ҳа, ақл ва ижод камолотини истеъдод ва заковат сайқалининг осмонига кўтаролган ёзувчи асло ўлмас экан.

### 1

Чиндан ҳам Алексей Максимович Горький жақон аҳамиятига эга бўлган гениал рус қаламкаши, социалистик реализм адабиётининг асосчиси дир. Горький инсониятнинг бадий тақомили тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берган ёзувчи, энг илғор ижтимоий идеали — коммунизм идеалини дастлаб куйлаган азамат санъаткордир.

Россия пролетариатининг Коммунистик партия раҳбарлигида кундан-кунга ривожланиб борган революцион ҳаракати А. М. Горькийни буюк пролетар ёзувчиси қилиб етиштирди. В. И. Ленин

### V

лан жуда яқин муносабатда бўладилар. Л. Н. Толстой Горькийнинг ўзига хос талантига катта ҳурмат билан қарарди.

Горький А. П. Чехов билан ҳам дўстона муносабатда бўлган эди. Горький А. П. Чеховнинг талантини, ёзган асарларини жондиди билан севар эди. А. П. Чехов ҳам Горькийни Россиянинг буюк фарзанди деб биларди./ Горькийнинг фахрий академикликка сайланиши Николай II буйруғи билан бекор қилингандан сўнг, бу адолатсиз қарордан ғазабланган А. П. Чехов ёзувчи Короленко билан биргаликда академикликдан воз кечадилар, Фанлар академиясининг залини ташлаб чиқиб кетадилар. Бу илғор Россиянинг Горькийга бўлган буюк муҳаббатининг ифодаси эди. /

Горький ўзининг ижодий фаолиятини давом эттириш билан бир қаторда қизгин революцион иш ҳам олиб борди. Горький марксизмни ўрганди: у 1900-йилларнинг бошларида ленинчи революционерлар — «искра»чилар билан яқинлашди ва большевиклар партияси ташкилотларида актив иштирок қилди.

«Чинакам революционерликни мен худди большевикларда, Ленин мақолаларида, унинг изидан борувчи зиёлиларнинг нутқларида ва асарларида кўрдим»,— деган эди Горький.

1901 йили Горькийнинг «Бўронқуш ҳақида қўшиқ» асари босилганида, полиция департаменти бу асар ҳақидаги махфий хатида шуларни ёзган эди: «Мазкур шеър (халққа — автор) жуда кучли таъсир кўрсатди... бинобарин, Горькийнинг ўзини «бўронқуши»гина эмас, балки «бўрон жарчиси» деб ҳам юрита бошладилар, чунки у фақат бўлажак бўрон ҳақида хабар бериш билан чекланмасдан, балки «бўронни қўзғатади».

Горькийнинг бу каби асарлари ва умуман ижтимоий-адабий фаолияти подшо маъмулларининг ғазабини уйғотади. Горький қувғин остига олинади — 7 йил давомида 1898—1905 йиллар орасида бир неча марта қамалади. У Тбилиси, Нижегород турмаларига, Петропавловск крепостида ташланади. Кенг жамоатчилик подшо жандармасининг бу ҳаракатларига қарши кучли норозилик билдиради, Горькийнинг озод қилинишини талаб этади. Натижада, ёзувчи подшо жандармасининг йиртқич чангалидан қутилади ва ўзининг қизгин революцион ишини давом эттириш имкониятига эришади.

Горький атрофига ўша давр рус адабиётининг энг илғор кучлари, демократик ва реалистик лагерь ёзувчилари — Серафимович, Вересаев, Куприн каби ёзувчилар тўпланган эди. Бу илғор ёзувчиларнинг ижоди реакцион фикрларни, декадентчиликни, тушқуликни ташувчи адабиётга қарши курашда чиниқди, ғоявий-бадий жиҳатдан янада ўсди.

Горький 1905 йилги революцион воқеаларга фаол ва яқиндан қатнашди. У 9 январь — «Қонли якшанба» арафасида беҳуда қон

## VIII

тўкишнинг олдини олиш учун кўп ҳаракат қилди. 9 январь воқеасидан сўнг эса халқнинг тинч демократик намоишини ўққа тутишни буюрган Николай II ҳукуматини, самодержавиени ағдариб ташлашга чақирувчи мурожаатнома ёзди. Ёзувчининг бу мурожаатномаси самодержавиега нисбатан ўтли нафрат ва чексиз ғазаб билан суғорилган эди. Бу мурожаатнома учун Горькийни 1905 йил 12 январда Петропавловск крепостига қамайдилар. Турмада Горький «Қуёш болалари» пьесасини яратади. Жамоатчиликнинг кучли норозилиги туфайли бир ойдан кейин, 14 февралда турмадан озод этилган Горькийнинг иштироки билан 1905 йилда большевикларнинг «Новая жизнь» деган легаль газетаси нашр қилина бошлайди. В. И. Лениннинг тарихий «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласи ҳам биринчи марта шу газета саҳифаларида босилган эди.

1905 йил декабрида Москвада бўлган қўзғолон кунларида Горький қўзғолончилар учун қурол сотиб олиш ишига ҳам ёрдам кўрсатди. Жанговар дружина раҳбарларининг мажлислари ҳам Горькийнинг уйида ўтар эди.

1905 йилнинг революцион кунларида Горький биринчи марта В. И. Ленин билан учрашди. Шундай қилиб, Горький ўзининг 1900 йилларнинг бошлари ва айниқса 1905 йил революция кунларидаги фаолияти билан большевиклар партиясининг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлиб қолди.

Горький 1906 йилда Ғарбий Европага ва сўнгра (партиянинг топшириғи билан) Америкага боради. Чет элларга қилган саёҳати йилларида Горький бир қанча ажойиб асарлар яратади. Унинг Америка ҳақида ёзган очерк ва памфлетлари — Америка империализмининг жирканч моҳиятини очиб ташловчи «Сариқ иблис шаҳри» ва бошқа асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Горький 1906 йилда ўзининг машҳур «Она» романини — социалистик реализм адабиётининг биринчи асарини яратган! Подшо ҳукуматининг таъқиби туфайли Алексей Максимович Горький чет элда қолишга мажбур бўлиб, 1913 йилгача Италиянинг Капри оролида яшади.

Бу даврда Горькийнинг ҳаётида юз берган энг муҳим воқеалардан бири унинг пролетар революциясининг буюк доҳийси В. И. Ленин билан самимий ва дўстона муносабат ўрнатиши бўлди. Улар, юқорида эслатилганидек, биринчи марта 1905 йили учрашган эдилар. Иккинчи марта улар 1907 йилда РСДРП нинг Лондонда бўлган V съездида учрашадилар. Горький бу съездда маслаҳат овозига эга бўлган делегат сифатида қатнашган эди.

«Тепа сочи тушган, чучук тил, тўладан келган, бақувват бу киши бир қўли билан сократона пешанасини силаб... дарҳол «Она»нинг

## IX

рурлигини бу журнал орқали пропаганда қилди. Горькийнинг бу журнали ёш рус пролетар ёзувчиларини тарбиялашда ҳам катта роль ўйнади. В. Маяковскийнинг «Уруш ва тинчлик» поэмаси биринчи марта шу журналда босилган эди.

Горький 1917 йилда «Пролетар ёзувчилари тўплами»нинг икки китобини нашр қилдирди. Ёзувчи бу тўпламнинг биринчи китобига ёзган сўз бошисида пролетар адабиёти ва санъатининг яқин кела-жақда гуллаб-ўсишидан дарак берган эди.

! Шундай қилиб, биринчи жаҳон империалистик уруши йилларида Горький тинчлик ва озодликнинг оташин жарчиси бўлиб майдонга чиқди.!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг биринчи кунларидан бошлаб Горький эски интеллигенциянинг илғор вакилларини Совет ҳокимиятига хизмат қилдириш йўлида катта ишларни бажарди, барча маданий тadbирларни ташкил этишда ҳормай-толмай ишлади.

Горький В. И. Лениннинг кўрсатмаси ва бевосита раҳбарлиги остида олимлар ва ёзувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ишига актив қатнашди, олимлар учун ёрдам комиссияси тузди, «Наука и её работники» журналинини таҳрир қилди. У бадий адабиётнинг энг яхши асарларини кенг меҳнаткашлар оммаси орасига ёйишда ҳам катта хизмат кўрсатди. Мана шу мақсадда, Горькийнинг ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» нашриёти ташкил этилди.

Горький ҳикоя, очерк ва мақолалари билан совет матбуотида актив қатнашиб турди. «Коммунистический интернационал» журналида унинг бир қанча мақолалари босилди. Горькийнинг актив иштироки билан Совет Иттифоқининг биринчи адабий-бадий журнали — «Красная новь» нашр этила бошлади.

1921 йилда Горькийнинг соғлиғи ёмонлашди ва В. И. Лениннинг қистови билан даволаниш учун чет элга кетди; Италиянинг Сорренто деган жойида яшай бошлади. Лекин унинг ўз Ватани билан алоқаси бир минут ҳам узилмади. У совет кишилари билан хат ёзишиб турди, узоқдан туриб бўлса ҳам, ёш ёзувчиларнинг ўсишига жиддий ёрдам берди. У Италияда ҳам ёзувчилар, журналистлар ва ишчилар билан яқин муносабатда бўлди. Горький буржуазия маданиятининг чирий бошлаганини ва Совет мамлакатига қилинаётган ишларнинг улугворлигини чуқур ҳис этар ва ўзининг янги, социалистик ҳаёт қураётган Ватанига қайтишини сабрсизлик билан кутар эди. Ниҳоят, Горький 1928 йилда Совет Иттифоқига — ўз Ватанига қайтди. Горький жаҳон адабиёти хазинасини янги буюк асарлар билан бойитди. «Артамоновлар иши» ва «Клим Самгиннинг ҳаёти» романлари, «В. И. Ленин» ва «Совет Иттифоқи бўйлаб» очерклари, «Егор Буличев ва бошқалар», «Достигаев ва бошқалар», «Сомов ва бошқалар» деган пьесалари мана шундай асарлардандир.

## XII



Горький жамоат арбоби сифатида ҳам жуда қизгин иш олиб борди, «Гражданлар уруши тарихи», «Фабрика ва заводлар тарихи» ва «Шоирнинг кутубхонаси» сериясидаги китоблар, «Наши достижения», «За рубежом» каби журналлар бевосита Горькийнинг ташаббуси билан нашр қилинди.

Совет даврида Горькийнинг публицистик фаолияти ҳам ниҳоятда юксалди. Горький ўзининг публицистик асарларида империализмни фош этди. Совет қурилиши ғалабаларининг улуғворлигини куйлади, совет ватанпарварлиги ғояларини улуғлади.

Совет адабиётига бошчилик қилишда ҳам Горькийнинг роли бе­ниҳоя каттадир. У Коммунистик партиянинг кўрсатмалари асосида совет ёзувчиларини уюштирди, тарбиялади. Бу вазифани бажаришда унинг социалистик реализмнинг моҳиятини тушунтирувчи, адабиётдаги формализм ва маслаксивликни қораловчи, ғоявий-бадий жиҳатдан юксак асарлар яратишга чақирувчи, бадий асар тилининг софлиги ва бойлиги учун ундовчи мақолалари алоҳида роль ўйнади. Горький «Литературная учёба» («Адабий таълим») журналин ташкил этди ва унинг редактори бўлиб ишлади.

У ёш совет ёзувчиларининг меҳрибон дўсти, талабчан устози ва принципаал танқидчиси эди. 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида ёзган «Саводли бўлишнинг фойдаси ҳақида», «Яна саводхонлик ҳақида», «Ёш ёзувчилар ҳақида», «Ёш адабиётчиларга мактублар» ва бошқа мақолаларида Горький ёш ёзувчиларнинг асарларидаги ютуқ ва камчиликларни чуқур анализ қилиб берди, уларга ўз тажрибаларини сўзлади, уларни ғоявийликка ва бадий маҳоратга ўргатди. Горький М. Шолохов, К. Федин, Ф. Гладков, А. Фадеев, А. Макаренко каби кўп атоқли ёзувчиларнинг ижодий ўсишига бевосита ёрдам кўрсатди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида» (1932 йил 23 апрель) чиқарган тарихий қароридан сўнг, Горький Совет Ёзувчилари союзини тузиш учун олиб борилган барча тайёргарлик ишларининг бошида бўлди. 1934 йилда у Совет Ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съезди ишнини бошқарди ва съездда совет адабиётининг тараққиёт йўллари тўғрисида катта доклад қилди.

Съезд Алексей Максимович Горькийнинг Совет Ёзувчилари союзининг раиси қилиб сайлади.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, В. И. Лениннинг дўсти, совет халқининг севикли санъаткори, империалистик дунёни шафқатсиз фош этувчи Алексей Максимович Горький бутун дунё меҳнаткашларининг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлди.

Алексей Максимович Горький 1936 йил 18 июнда вафот этди.

### ХIII

Алексей Максимович Горький 90-йиллардан бошлаб адабиётга кириб келди. Бу даврда Россия тарихида муҳим воқеалар юз бермоқда эди.

Ишчилар синфининг капитализмга қарши кураши тобора ташкилий тус олиб юксала борди. Россияда ишчилар ҳаракатининг ўсиши заминида марксистик ташкилотлар тузила бошлади. 1895 йилда В. И. Ленин «Ишчилар синфи озодлиги учун кураш союзи» ни тузди.

Революцион марксистлар билан народниклар ўртасидаги кураш кескин тус олган эди. Бу кураш народниклар идеологиясининг тор-мор қилиниши ва марксизмнинг ғалабаси билан тугади. Горький ижодига кучли таъсир кўрсатган асосий ижтимоий-сиёсий факторлар пролетариат синфининг тарихий кураш майдонига чиқиши ва революцион марксизмнинг катта муваффақият билан ривожланишидир.

90-йилларда адабиёт соҳасида ҳам жиддий кураш бормоқда эди. Бу даврда рус классик реализмининг йирик намояндalари — Л. Толстой, Чехов, Короленколар ҳаёт бўлиб, ижод этмоқда эдилар. Шунингдек, бу давр адабиётида рус классик реализмининг илғор тенденцияларига бутунлай қарама-қарши бўлган натурализм, декадентчилик ва символизм оқимлари ҳам бор эди. Натуралист ёзувчилар ҳаётга пассив ёндашардилар, ҳаётнинг қуруқ суратинигина чизардилар, ҳаётда юз бераётган тарихий процессларнинг ички моҳиятини очмасдилар. Натурализм оқимининг реакцион характери ҳам мана шундан иборатдир.

Уларини «декадентлар» деб юритган ёзувчиларнинг асарларида эса «соф санъат», «санъат санъат учун» деган формалистик қарашлар, руҳий тушкунлик куйланарди. Улар ҳар жиҳатдан разолат ботқоғига ботиб бораётган, чириётган буржуазия жамиятининг идеологлари сифатида майдонга чиққан эдилар. Символистар ҳам материализмга қарши, рус адабиётининг илғор ижтимоий традицияларига қарши шиддатли кураш олиб бордилар. Улар халқдан қўрқар эдилар, «соф санъат» назариясини тарғиб қилиб, китобхонлар диққатини турмушдаги ижтимоий-сиёсий масалалардан четга тортишга тиришар эдилар. Улар тушкунлик маслагини — мистика, пессимизм, ўлим мотивларини кўтариб чиққан кимсалар эди.

Мана шундай ижтимоий-сиёсий ва адабий вазиятда Горькийнинг адабиётга кириб келиши ниҳоятда муҳим воқеа бўлди.

Горький рус бадний адабиётида биринчи бўлиб ишчилар синфининг голибона юришидан дарак берди. У пролетариат революцияси бўронининг жарчиси бўлди.

Горький натурализм, декадентчилик, символизм каби антиреалистик оқимларга қарши кескин кураш олиб борди. Рус классик ада-

биётининг энг яхши традицияларини изчиллик билан ривожлантирди. Шу билан бирга, Горький геннал новатор ёзувчи эди. У адабиётга ўзига хос янги овози билан кириб келди, жаҳон адабиёти хазинасига янги дурдоналар қўшди.

Горький 90-йилларда ёзган асарларида икки асосий темани — капиталистик тузумнинг йиртқич, адолатсиз тузум эканлиги темасини ва ишчилар синфининг революцион кураш йўлидаги қаҳрамонлиги темасини куйлади.

Горький ўз асарларида «Зерикканликдан» (1898) ҳикоясида мешчанлар ҳаётининг жирканч манзарасини чизиб берди. Тўғри, соф кўнгилли одамнинг хўрланишини ва қурбон бўлишини кўрсатди. Горький «Хулоса» (1895) ҳикоясида хотин-қизларнинг ваҳшиёна хўрланишига қарши чиқди.

Горькийнинг оч-яланғоч, ялангоёқлар ҳаётидан олиб ёзган асарларида буржуазия тузумидаги фожиали қарама-қаршилиқлар ўз ифодасини топган. Горький асарларида тасвирланган Коновалов, Орлов, Емельян Пиляйлар буржуа-помещиклар тузумининг қурбонидирлар.

Халқнинг пастки табақалари ҳаётини диққат билан кузатиш, ўрганиш олдин ҳам илғор рус адабиётига хос хусусият эди. Бу ҳол 60—70-йиллардаги демократ ёзувчилардан А. Н. Некрасов (1821—1878), Г. И. Успенский (1843—1902) ва Ф. М. Решетников (1841—1871) га айниқса хосдир. Горький эса бу ёзувчиларнинг энг яхши традицияларини давом қилдирган ҳолда, халқ ҳаётини чуқурроқ тасвир этди. Унинг халқ ҳаётидан олиб ёзган асарларининг қаҳрамонлари ўзларининг мураккаб ва чуқур кечинмалари билан, озодлик йўлидаги тинмай изланишлари билан ажралиб турадилар. Коновалов новвойхонадаги ишни маҳорат билан бажаради. У — хушбичим ва кучли одам. Разин ҳақидаги ҳикояларни зўр диққат билан тинглайди. Озод ва адолатли ҳаётни орзу қилади. Григорий Орлов ҳам худди мана шундай шахс. Чуқур руҳий кечинмалар эгаси бўлган бу одам ҳам яхши ҳаётни излайди, озод меҳнат ҳақида ўйлайди.

Горький халқнинг «қуйи» табақаларида снёсий онгнинг уйғонишини, ижтимоий норозиликнинг ўсишини, эркин ҳаётга бўлган интилишини тасвирлайди.

Горькийнинг бу йиллардаги асарларининг яна бир хусусияти шундан иборатки, ёзувчи халқнинг қашшоқ ва уқубатли ҳаётини капиталистик тузумнинг асосий қарама-қаршилиқлари билан боғлайди. Шу жиҳатдан «Челкаш» ҳикояси характерлидир.

Ҳикоя катта портдаги қизгин ва жонли ҳаёт манзарасини кўрсатиш билан бошланади. Мана шу меҳнат манзараси орқали капиталистик тузум туғдирган шафқатсизликлар ҳаётнинг барча неъмат-

ларини, барча бойликларини яратувчи меҳнаткашлар билан бу неъмат, бойликларга эга бўлиб олган текинхўр синфлар ўртасидаги қарама-қаршилик очиб берилади.

«Челкаш» ҳикоясидаги Гаврила хусусий мулк учун, пул учун Челкашни ўлдирмоқчи бўлади. У пул йўлида ҳар қандай жиноят қилишга тайёр, Горький кишиларни қулга айлантирган ва шахсиятпараст қилган капитализмнинг моҳиятини бу эпизод орқали фош этиб ташлайди.

Горький буржуа оламидаги мулкпарастларни, судхўр, тамагир, балохўр ва шахсиятпарастларни ғазаб билан қоралайди, буржуа синфи вакиллариини ўтли нафрат билан тилга олади. Шу билан бирга, Горький меҳнаткаш халқнинг у ижтимоий шароитдан қаттиқ норози-лигини ва янги, адолатли турмуш сари интилишини ҳам тасвирлайди.

Горький ўз қаҳрамонларини сира идеаллаштирмайди. У Коновалов, Орлов ва бошқа шахслардаги якка исёнчиликнинг сохталигини, стихияли тарзда ва кўр-кўрона қаршилик кўрсатишнинг асоссизлигини қайд этиб ўтади. Коновалов ёруғ йўлни тополмасдан ўз-ўзини ўлдиради. Орловнинг исёни ҳам натижа бермайди.

Демак, Горький илк асарларидаёқ капиталистик тузумнинг йирт-қичлик моҳиятини фош этади ва меҳнаткашларнинг янги, адолатли турмушга бўлган интилишини куйлайди.

Горький дастлабки ҳикояларидаёқ озодликни куйлади. Унинг романтик қаҳрамонлари ўз идеаллари учун курашда ўлимдан ҳам қайтмайдилар, инсон шахсиятининг гўзаллигини, унинг жасоратини, қудратини, руҳий кучини ўзларида акс эттирадилар. Горькийнинг бу романтик образлари озодлик учун курашувчиларни — революционерларни тарбиялашда жиддий роль ўйнади.

Горький классик прогрессив романтизмнинг энг яхши традицияларини ўзлаштирди ва ўз асарларида уни революцион романтизм даражасига кўтарди, унинг романтизми ёлғиз идеалнигина эмас, ишчилар синфининг кураш тажрибаларини ҳам акс эттирди. Горький асарларидаги романтизм революцион романтизмдир. Унинг қаҳрамони меҳнаткаш халқнинг озодлиги учун, ўз идеалига эришиш учун фидокорона курашувчи жасоратли кишидир.

Горькийнинг «Лочин қўшиғи», «Қиз ва ўлим», «Изергиль кампир» асарлари бахтиёр келажак учун курашга чақирувчи революцион романтизм асосида ёзилган. Ёзувчи реал заминда мусоҳақкам тургани учун, ҳаётнинг илғор тенденциясини чуқур ҳис этгани учун революцион романтик образлар ярата олди. Горькийнинг революцион романтик асарларида ботирларнинг довюраклиги зўр эҳтирос билан куйланади.

«Ҳаётнинг ҳикмати — ботирларнинг довюраклигидадир! — деб ёзади Горький «Лочин қўшиғи»да. — О, жасур Лочин! Душманлар

ила урушда қонга беландинг... Бироқ бир кун келарки, ҳар бир томчи қайноқ қонинг учқун каби чақнаб, ҳаёт зулматини ёритар ва кўп жасур юракларда озодлик, ёруғликка интилиш оловини ёқар!

Майли, сен ўлдинг! Лекин руҳан жасур ва кучли бўлганларнинг қўшиқларида сен ҳамиша жонли бир ўрнаксан, озодлик ва ёруғлик учун мағрур бир чақириқ бўлиб яшайсан!..»

Горькийнинг революцион романтизм руҳида ёзган асарлари, ҳақиқатан ҳам, озодлик ва ёруғлик учун, буюк революцион ҳаракатга мағрур бир чақириқ эди.

«Лочин қўшиғи» асарида: «Мен шараф билан яшадим!.. Мен бахтнинг нималигини биламан!... Мен қаҳрамонларча олишдим!... Оҳ, лоақал кўкларга яна бир бор кўтарилсайдим! Душманни мен... кўксимнинг яраларига босардим ва ... у қонларим ичида бўғилиб ўларди»,— деган Лочин, илиқ ва зах ерни ўзига макон қилган, курашлардан четда турган қўрқоқ Сариқ илонга қарама-қарши қўйилади. Лочин жасур ва доно бўлса, Сариқ илон қўрқоқ ва аҳмоқдир. Лочин озодлик йўлида ўз жонидан кечिशга ҳам тайёр бўлса, Сариқ илон бемақсад, бемаслак ҳаётини бузмаслик учун курашдан қочади.

Горький бу икки типдаги характери бир-бирига қарама-қарши қўйиб, Лочин қуши орқали революцион қаҳрамонлиқни куйлайди.

Шундай қилиб, 80—90-йилларда натуралист адабиётнинг иродасиз, заиф, йиғлоқи персонажлари билан таниш бўлган китобхонлар қаршисида янги қаҳрамонлар — баҳодир, мукамал, иродали қаҳрамонлар пайдо бўлади. Китобхонлар бу қаҳрамонларни севиб қоладилар.

Лекин революцион қаҳрамонлиқнинг гўзаллиги ва улуғворлигини куйлаган Горький бу даврда ҳали озодлик учун курашнинг реал истиқболини аниқ кўра олмаган эди. Шунинг учун Лочин ҳалок бўлади. Гарчи Лочин ўлим олдида келажак учун курашга чақирса ҳам, у келажакнинг қандай бўлишини, бахтиёр келажакка қайси йўллар билан бориш мумкинлигини билмас эди.

Бу даврда Горькийнинг озод ҳаёт ҳақидаги идеали ҳали аниқ ва конкрет сиёсий тус олмаган эди. Унинг ижобий қаҳрамонларининг қиёфаси реал тарихий конкретлик касб этмаган эди. Шунга қарамасдан, унинг асарларидаги қаҳрамонлик пафоси ҳаётда юз бераётган тарихий процесснинг бадий ифодасидир. Горькийнинг революцион романтикаси ишчилар синфи революцион ҳаракатининг ўсиб бориши билан боғланган эди.

Горькийнинг 90-йиллардаги ижодида «Изергиль кампир» ҳикояси алоҳида ўрин тутлади. Бу ҳикоянинг голий мазмуни буржуа индивидуализмининг фош этиш, халқнинг озодлиги ва бахти учун кўрсатилган қаҳрамонлиқни улуғлашдан иборатдир.

«Изергиль кампир» ҳикояси уч эпизоддан — Ларра ҳақидаги афсона, Изергилнинг ўз ёшлиги ҳақидаги ҳикояси ва Данко ҳақидаги афсонадан иборат.

Горький Ларра образи орқали буржуазия оламига хос маънавий қашшоқлик, эгонизм ва индивидуализмни фош этади. Ўзини ҳаммадан юқори кўювчи одам ҳеч қачон ҳақиқий қаҳрамон бўла олмайди. Чинакам қаҳрамонлик халқ бахти йўлида мардона курашдан, халқ бахти учун ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр бўлишдан иборатдир.

Революцион романтика билан суғорилган Данко мана шундай қаҳрамон. У ўзининг бутун кучини, қудратини юксак ва олижаноб мақсад учун хизмат қилишга, ҳаммадан олдин халққа хизмат қилишга бағишлайди.

Данко халқни севади. Халқнинг ҳаёти хавф остида қолганда, Данко буюк қаҳрамонлик кўрсатади: озодлиқ сари йўл бошлайди. Лекин офат ўрмонидан тезроқ чиқишга шошилган кишиларнинг йўлида кутилмаган қийинчиликлар, оғир тўсиқлар пайдо бўлади. Кишиларда руҳий тушкунлик, умидсизлик, Данконинг раҳбарлик қила олишига шубҳа ҳислари туғилади. Улар яна орқага қайтмоқчи бўладилар. Бироқ Данконинг юраги қийин аҳволда қолган одамларни ўлим хавфидан қутқазиш ва тинч ҳаёт йўлига олиб чиқиш орзуси билан ёнар эди. У бирдан ўз кўксини ёради ва ичидан юрагини юлиб олиб, боши узра баланд кўтаради.

«У худди қуёшдай, қуёшдан-да ёруғроқ ёғду бериб ловилларди, мана энди одамларга бўлган буюк муҳаббат машъали билан ёриган бутун ўрмон жим қолди, зулмат эса ёғдудан қочиб, ўрмоннинг ҳув ичкарисидаги сассиқ ботқоқлик оғзига беркинди. Одамлар ҳайратдан тошдай қотиб қолдилар.

Данко одамларнинг йўлини ёритиб ёниб турган юрагини баланд кўтарди ва ўзи олдинга тушиб:

— Юринглар!— деди».

Данко — халқ қаҳрамони, ўз ҳаётини халқни бахт-саодатга эриштириш учун бағишлаган романтик образ.

Халққа чексиз муҳаббат ва халқ бахти йўлида ўзини қаҳрамонларча қурбон қилиш Данко афсонасининг ғоявий мазмуини ташкил этади.

Горькийнинг революцион романтикаси реал ҳаёт билан чамбарчас боғланган. Унинг революцион романтика руҳида ёзган асарлари заминда ҳам реал ҳаёт этади. Халқ гўзаллик ва қаҳрамонлик тўғрисидаги романтик идеални ташувчидир. Халқнинг тасавурида фақат инсонни севувчи, унинг учун ўз ҳаётидан ҳам кечишга тайёр турувчи одамгина ҳақиқий қаҳрамондир. Халқнинг тасавурида кибр-ҳаволи, ўзига бинноси Ларра каби шахслар нафратга сазовор махлуқлардир.

## XVIII

Бу шуни кўрсатадики, Горькийнинг революцион романтик руҳдаги асарлари халқ оғзаки ижодининг кучли таъсири остида ёзилган. Унинг «Макар Чудра», «Изергиль кампир», «Лочин қўшиғи» асарларида халқ ижоди традицияларининг мавжудлигини очиқ кўриш мумкин.

Горькийнинг революцион романтик асарларида тасвир этиш усули ҳам ўзига хос хусусиятга эга. У ўз асарини махсус кўтаринки руҳ билан эмоционал бўёқлар билан яратади. Бунга эришувда Горький баъзан ритмик прозага ҳам мурожаат этади. Табиат манзаралари (воқеалар табиат манзаралари фониди кўрсатилади) ранг-баранг, чиройли бўёқлар орқали чизилади. Горькийнинг дастлабки асарлари жанр жиҳатидан ҳам ўзига хосдир. У афсона, эртак, қўшиқ жанрларида асарлар яратган.

Демак, Горький 90-йилларда яратган асарларида капиталистик тузумнинг адолатсиз тузум эканини акс эттирди. Унда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни фош этди; революцион қаҳрамонликнинг оташин куйчиси сифатида майдонга чиқди. Горький асарларидаги чуқур ҳаётий ҳақиқат, буржуазия жамиятига ўтли нафрат билан қараш мотивлари, келажак ҳақидаги оптимистик орзу — буларнинг барчаси янги ижодий метод, социалистик реализм методи элементларидан дарак беради.

Пролетариатнинг тобора революцион тус олиб ривожланаётган озодлик кураши Горькийнинг ижодида ўз аксини топди. Ёзувчининг большевиклар билан яқин алоқа боғлаши бунда жуда катта роль ўйнади: унинг сиёсий тушунчасини кенгайтди, унга тарихий тараққиётнинг аниқ йўлини кўрсатиб берди. Горькийнинг машҳур «Бўронқуш ҳақида қўшиқ» асари унинг ижодида революцион қарашларнинг ўсиб, чуқурлашиб бораётганини яққол кўрсатди.

Агар ёзувчининг 90-йилларда яратган асарларида қаҳрамонлик йўлида қурбон бўлишнинг гўзаллиги ва улуғворлиги куйланган бўлса, «Бўронқуш ҳақида қўшиқ»да революция ғалабасининг яқинлиги ва муқаррарлигига зўр ишонч мотивлари янграйди. Бўронқуш ғолибона революцион юриш бошлаган қудратли кучнинг тимсоли сифатида тасвирланади:

Булулар билан денгиз оралиғида,  
Мағрур парвоз қилмоқда Бўронқуш,  
Мисоли қора яшиндай.  
Гоҳ тўлқинларга қанот уриб,  
Гоҳ булуларга ўқдай отилиб  
Қичқиради у.  
Шунда жасур қуш наърасининг  
Шодиена садосини эшитади қора булулар.  
Бу қичқириқда бўронга ташналик бор!  
Ғазаб шиддатини, эҳтирос алаңасини,

## XIX

Зафар ишончини эшитади қора булутлар  
Бу қичқирикдан!

«Бўронқуш ҳақида қўшиқ» 1901 йилда «Жизнь» («Ҳаёт») журналида босилган эди. Шундан сўнг чор маъмурлари журнални ёпиб қўйдилар. Чунки «Бўронқуш ҳақида қўшиқ» асарининг революцион таъсири жуда ҳам зўр эди. У курашга чақирар, халқни революция ғалабасининг яқинлигига ишонч руҳида тарбиялар эди.

Горький ижодий тақомиланинг янги фазилатларидан бири шуки, у Россия ижтимоий воқелигининг кенг реалистик манзарасини яратди. Езувчи рус жамиятида мавжуд бўлган турли синфлар ва ижтимоий қатламлар ҳаётини анализ қилиб, буржуазияни янада ўтқирроқ ва янада кучлироқ тарзда фош эта бошлади.

Горький «Фома Гордеев» повести (1899) да биринчи марта капиталистик тузумнинг кенг кўламдаги реалистик манзарасини тасвирлаб берди. Горькийнинг ўзи, бу «адабий ҳаётимнинг янги формага» ўтишини англади, деб ёзган эди.

Повестда Маякин, Игнат Гордеев, Шуров образлари орқали капиталистик жамият вакиллариининг жирканч ва йиртқич башараси кўрсатилади. Буни Маякиннинг афористик сўзларидаёқ очиқ-ойдин кўриш мумкин:

«Огайни Фома, турмуш жуда содда қурилган: ё ҳамманинг қонини сўр, ёки юзингни балчиққа ур... Бу дунёда, огайни, бирон одам билан алоқа қилмоқчи бўлсанг, чап қўлингда асал, ўнг қўлингда заҳар ушлаб тур».

Асарда Фома Гордеев образи Маякинлар оламидан ажралиб туради. Горький ёзган эдики, повесть «замонасининг кенг, сермазмун манзарасидан иборат бўлиши керак, шу билан бирга, унинг фониде ўз кучига яраша иш изловчи, ўз куч-гайратини қаёққа қўйишни билмовчи, гайратли, соғлом одам жўш уриб туриши керак».

Фома Гордеев бутун вужуди билан буржуазия синфининг вакилидир. Лекин у ҳали Маякинлар каби йиртқич эксплуататор даражасига бориб етмаган. Унинг табиатида ҳали оддий ва табиий инсоний ҳислар яшайди.

Фома Гордеев капиталистлар дунёсининг шафқатсиз, жирканч томонларини ўз кўзи билан кўради. Бу аччиқ ҳақиқатнинг кучли таъсири остида у капиталистик дунёга қарши қўзғалади.

Лекин Фома Гордеевнинг исёни мақсадсиз ва натижасиз исёндир. Чунки Фома Гордеевнинг бу қизгин, самимий сўзларининг пировард-оқибати шу бўлдики, Маякин уни ақлдан озган киши, деб эълон қилади.

Горький «Фома Гордеев» повестида эксплуататорлар синфининг чириб бораётганини очиқ ташлайди, Фома Гордеевнинг исёни ҳам



буржуазиянинг заифлиги, кучсизлигидан дарак беради. Бу исём буржуазия синфининг инқирозга юз тутганининг, ўлимга маҳкум этилганининг аломатларидан эди.

«Фома Гордеев» повестида буржуазиянинг фош этилишининг сиёсий моҳияти шу қадар кучли эдики, бу повесть революцион пропаганданинг қуролларида бирига айланди.

Горький 1900-йилларда яратган асарларида фақат буржуазия ҳаётини тасвирлаш билан чекланмади. Ёзувчи этилиб келаётган революцион воқеаларнинг ҳамма табақадаги кишилар учун жиддий синов бўлажagini жуда яхши англади. Шунинг учун ҳам Горький интеллигенциянинг революцион ҳаракатдаги роли ва ўрни масалаларини кўрсатувчи асарлар ёзишга киришди.

Горький «Мешчанлар» (1901), «Чорбоғчилар» (1904), «Қуёш болалари» (1905) пьесаларида халқдан узилиб қолган, фақат ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловати пайида бўлган ва капиталистларнинг мўмин-қобил малайларига айланиб қолган буржуа интеллигенциясини қаттиқ танқид қилади.

Пётр Бессеменов («Мешчанлар») — бир вақтлар студентлар қўзғолонида қатнашган одам. Энди бўлса ўз ўтмишига нафрат билан қарайди, ўз ватанини севмайди ва мешчанларча тинч, беташвиш ҳаёт кечирганини орзу қилади.

«Бу аҳмоқона галаёнларда қаёқдан ҳам қатнашиб қолдим!— дейди у,— нима, мен-ку, университетга ўқигани келган эдим, ўқий-версам бўлмасмиди...»

«Чорбоғчилар» пьесасида инженер Суслов ўз-ўзини фош этади. У ўзининг ҳаётий идеали ҳақида шундай дейди: «Ёш улғайиб қолгач, тинчгина қорин тўйдириб, ҳузур-ҳаловатда яшасак деймиз— бизнинг бўлган-турганимиз шу».

Горький буржуазия интеллигенциясини «чорбоғчилар» деб атади. Чунки улар ўз ватанларида вақтинча, омонатгина яшовчи шахслар, халқдан узилган ва маънавий жиҳатдан пуч одамлар эди.

Буржуазия интеллигенциясининг Пётр Бессеменов, Суслов каби вакилларига ёзувчи революцион ишчи Нилани, шунингдек, халқ билан чамбарчас боғланган, ўз ҳаётини халқ манфаатларига содиқ хизмат этишга бағишлаган интеллигентларни қарама-қарши қўяди. «Чорбоғчилар» асаридаги Марья Львовна, Влас, Зимин ва Соня ана шундай кишилар образидир.

Горькийнинг интеллигентлар ҳаётини тасвирлашга бағишланган пьесаларининг асосий гоявий мазмунини фақат ўз тақдирини халқ ва Ватан тақдири билан яқиндан боғлаган интеллигентгина, фақат революцион курашга қатнашган интеллигентгина ҳақиқий ҳаёт йўлини топкиши мумкин, аксинча, буржуа-мешчанлар йўли билан

борса, у, албатта, разил ва маънавий жиҳатдан пуч махлуқ бўлиб қолади, деган чуқур фикр ташкил этади.

«Тубанликда» пьесаси Горькийнинг энг ёрқин ва кучли драматик асарларидан бири. Горький бу асарни 1902 йили Москва Бадний академик театри (МХАТ) учун ёзган эди. Горькийнинг бу театр билан ижодий ҳамкорлиги 1901 йилдан бошланиб, ўттиз беш йил, яъни ёзувчи ҳаётининг сўнгги кунларига қадар давом этди... Бу ижодий ҳамкорлик қонуний бир ҳол эди. Чунки 1898 йили ташкил этилган Москва Бадний академик театри санъатда демократик ғояларни, бадний реализм, ҳаётий, ҳақиқат ғояларини илгари сурди. Горький ҳам мана шундай демократик принциплар учун курашиб келмоқда эди. Горький Москва Бадний академик театрини, «Энг яхши театр», «Русларнинг чинакам ифтихори» деб биларди. У, бу театрни севмаслик мумкин эмас, «унинг учун ишламаслик жиноят» деб ҳисобларди.

Горькийнинг Бадний театр коллективи билан бўлган ижодий ҳамкорлиги катта натижалар берди. Театр саҳнасида Горькийнинг йирик ижтимоий-сиёсий масалаларни кўтарувчи «Мешчанлар», «Тубанликда», «Қуёш болалари» каби бадний юксак асарлари қўйилди. Кейинчалик буюк ёзувчининг ижодий фаолиятига қирқ йил тўлиши муносабати билан, 1932 йилда Москва Бадний академик театрига Горький номи берилди.

«Тубанликда» пьесасининг саҳнага қўйилиши олдин чор цензураси томонидан ман этилган эди. Фақат жуда кўп ҳаракатлардан сўнг, шунда ҳам асар муваффақиятсизликка учрар, деган умид билан, унинг саҳнага қўйилишига ижозат берилди.

Москва Бадний академик театрининг ижодий коллективи пьесани саҳнага қўйди. «Спектакль жуда зўр муваффақият қозонди,— деб эслайди К.С. Станисловский.— Режиссёрларни, барча артистларни... ва ниҳоят, Горькийнинг ўзини тинмай саҳнага чақирад эдилар».

Шундан сўнг пьеса Россиянинг кўп театрлари ва чет эл театрлари саҳнасида ҳам қўйилди ва зўр муваффақият қозонди.

Пьесанинг шу қадар муваффақият қозонишининг сабаблари нимада? Бу ғалабанинг сабаби шундаки, асарда томошабинлар тубанликка ташланган—хўрланган кишилар ҳаётининг зўр маҳорат билан тасвирланган реалистик манзарасини биринчи марта кўрдилар; чуқур ҳаётий ҳақиқат билан танишдилар. Чунки «Тубанликда» пьесаси капиталистик жамият тузумига нафрат ва янги, адолатли ҳамда озод инсоний ҳаёт учун курашга дадил чақирик туйғулари билан сугорилган эди. Бу илғор фикрлар халқнинг 1905 йил революцияси арафасидаги демократик кайфиятининг бадний

ифодаси эди. Асарнинг муваффақият қозонишининг асосий сабаби ҳам шунда.

Демак, биринчидан, шуни қайд этиб ўтиш керакки, «Тубанликда» пьесасида социал тенгсизликни фoш қилиш, буржуазия жамиятига хос фoжғали қарама-қаршиликларни очиб ташлаш ўзининг муқаммал ифодасини топган.

Асарда зўр пафос билан куйланган иккинчи мотив—гуманизм мотивидир. Турмушнинг барча машаққатларини тортаетган, эминистон вайроналарда оч-яланғоч кун ўтказаётган бечоралар орасидан инсон ҳақидаги, унинг бурчи, унинг қудрати ва унинг гўзаллиги ҳақидаги сўзлар тантанали гимн каби эшитилади. «Инсон!.. бу — кўркам бир нарса. Бу мағрур... садо беради!»

Инсоннинг қандай бўлиши кераклиги ва қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида зўр ифтихор билан айтилган бу сўзлар ёзувчи тасвир этган ҳаётда инсон мавқеининг манзарасини янада яққол чизиб ўтишга катта имкон беради. Ёзувчи яшаш ва ижод этиш учун туғилган одамларни одамгарчиликдан чиқазиб қўйган шароитни кўрсатиш орқали кучли контраст яратади ва чуқур мазмунни ифодалайди. Бу контраст ўткир революцион маъно олади.

Агар инсон ўз моҳияти билан гўзал бўлса ва фақат буржуазия тузуми уни тубанликка тушириб қўйган бўлса—демак, шу ярамас тузумни йўқ қилиш учун ҳамма чораларни кўриш керак, инсоннинг ҳақиқатан ҳам озод ва гўзал бўлиши учун барча имкониятларни яратиш лозим. Пьесадан мана шундай революцион хулоса келиб чиқади.

Горький «Тубанликда» пьесасида, одамни одамгарчиликдан чиқарувчи, инсонни ҳаётнинг тубига итқитувчи капиталистик тузумдан фақат революцион кураш йўли билан қутулиш мумкин, деган фикрни илгари суради.

Горькийнинг биринчи рус революцияси даврида ёзган «Душманлар» пьесасида ҳам тобора кучайиб борган синфий кураш, тез оурьатлар билан ривожланган рус воқелигининг революцион тараққиёти ўзининг реалистик ифодасини топган. Ёзувчи бу асарда чириётган капитализм дунёсини кескин фoш этди, пролетариат революцион ҳаётининг ҳаққоний манзарасини яратди.

«Душманлар» пьесаси сюжетининг марказида тарихий-ҳаётий воқеалар, ижтимоий ҳаракат, синфлар ва партияларнинг кураши туради. Шуниси харақатерлики, пьесада ишчилар иқтисодий талаблар учун қўзғолон кўтармайдилар, балки инсоний ҳуқуқларининг оёқ ости қилинганига қарши адолатсизликка ва меҳнаткаш халқнинг хўрланишига қарши чиқадилар.

Горький пьесасининг асосий ғоявий мазмунини пролетариатнинг бутун капиталистлар синфига қарши, чор самодержавиясига қарши онгли кураши ташкил этади.

Горький «Душманлар» пьесасида пролетариатнинг таъсири на-  
тижасида революционлашиб бораётган деҳқонлар проблемасини,  
буржуазиянинг чириб бораётганини ва ишчилар синфининг тобора  
кучга тўлиб, революцион курашда галаба қилаётганини партиявий  
руҳ билан, санъаткорона ишланган образлар орқали кўрсатиб  
берди. Шунинг учун ҳам асарнинг саҳнага қўйилиши ман этил-  
ган эди. «Ишчилар билан ишлатувчилар ўртасидаги муросасиз  
душманлик,—деб ёзган эди цензор ўз докладыда,—бу саҳналарда  
очиқ-ойдин қайд қилинади. Бинобарин, биринчилари (ишчилар)  
белгиланган мақсадларига эришув сари—капитални янчиб ташлаш  
учун онгли равишда ҳаракат қилаётган қатъиятли курашчилар си-  
фатида тасвирланса, сўнгилари (ишлатувчилар) ўта эгоист шахслар  
қилиб тасвирланган. Шуниси ҳам борки, ишгирок этувчилардан  
бирининг сўзига кўра, хўжайиннинг қандай феълли киши бўлиши-  
нинг бутунлай аҳамияти йўқ, ишчиларнинг душмани бўлиш учун  
унинг хўжайин бўлишининг ўзи кифоя эмиш. Автор фабрика ди-  
ректори укасининг хотини Татьянанинг тили билан ишчилар гала-  
баси тўғрисида каромат қилади. Бу саҳналар мулкдор синфларга  
тамомила қарши қаратилган бўлгани учун ҳам асарнинг қўйилиши-  
га ижозат бериш мумкин эмас».

«Мешчанлар», «Чорбоғчилар», «Тубанликда», «Душманлар»  
пьесаларида Горький драматургиясининг хусусиятларини яққол  
кўриш мумкин. Горький Чехов драматургиясини давом эттирувчи  
эди. Лекин ҳаётий ҳақиқатни тарғиб қилиш учун курашда, саҳна  
реализми учун курашда Горький рус драматургиясини бойитди.  
Худди Чехов каби, Горький ҳам ҳаётий ҳақиқатга эришиш учун  
жиддий иш олиб борди. У ўз асарларида ортиқча мураккаб интри-  
галардан, чалкаш сюжетлардан қочди; асарда воқеани шоммасдан,  
ташқи эффектларсиз ривожлантирди. Горький драмалари равшан  
ифодаланган идеологик конфликтлар асосига қурилган. Горький  
драмаларининг марказида ғоявий кураш, социал принцип, сиёсий  
қарашлар туради. Буни «Мешчанлар»да Петр Бессеменов  
билан Нил ўртасидаги ғоявий курашда, «Тубанликда» пьесасида  
кишига таскин беришдан иборат реакцион философиянинг гуманист-  
тик қарашларга қарама-қарши қўйилишида очиқ-ойдин кўриш  
мумкин.

Горький пьесаларида дунёқараш ва ғояларнинг кескин кураши  
кўрсатилади. Езувчининг бу курашдаги позицияси, юз бераётган  
воқеаларга бўлган муносабати очиқ ва аниқ кўринади. Горький  
пьесаларидаги қаҳрамонлар ва персонажларнинг характеристикаси  
воқеанинг ривожланиши, қаҳрамонларнинг ҳаракатлари орқали  
очилади. «Пьесалар ҳақида» мақоласида Горький: «Пьеса ҳар бир  
иштирок этувчи шахснинг автор ёрдамисиз, фақат ўз сўзи ва ўз

ишлари билан равшан характерлаб берилишини талаб қилади» деб уқтириб ўтади.

Бу фикрда Горький драматургиясининг энг муҳим хусусияти ифодаланган. Горький пьесаларидаги ҳар бир иштирок этувчи шахс ўз тили, ўзига хос индивидуал хусусияти билан кишининг кўз олдида яққол гавдаланади.

Горький драматургиясининг хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, ёзувчи қаҳрамонни бутун мураккаб томонлари билан тасвирлайди, шу билан бирга ундаги етакчи, муҳим ва ҳал қилувчи хусусиятни, синфий ва социал белгиларни бўрттириб беради.

«Психика»нинг етакчи ва ҳал қилувчи ташкилотчиси,—деб ёзади Горький,—«Синфий хусусият» экани шубҳасиздир, кишининг сўзи ва ишларига у доимо турли даражада ранг-баранг бўёқ бериб туради». Шу мақоланинг ўзидаёқ Горький яна бундай дейди:

«...Тасвир этилган ҳар бир шахсда умумсинфий хусусиятлардан ташқари, унинг учун энг характерли бўлган ва ниҳоят, унинг ижтимоий хулқини белгиловчи индивидуал негизни ҳам топмоқ керак».

Саҳна образлари яратишда синфий моҳият билан индивидуал хусусиятларнинг бирлиги учун кураш—Горький драматургиясининг марказий масаласидир. Горький ўз пьесаларида кишининг ижтимоий сифатларини мавҳум ҳолда кўрсатмайди, киши образининг характерини унинг бутун шахсий хусусият ва хислатлари орқали очиб беради. Натижада қаҳрамоннинг ижтимоий-сиёсий қиёфаси бутун тўлалиги билан очилади.

«Пьесада инсонни шундай яратиш керакки,— дейди Горький,— унинг ҳар бир сўзининг, ҳар бир ҳаракатининг маъноси тамомиларавшан бўлсин, худди тирик одамдай унга нафрат билдириш, уни ёмон кўриш ёки севиш мумкин бўлсин».

Горький ~~ўша вақтда~~ ёзган прозаик асарларида ҳам, драматик асарларида ҳам 1905 йил арафасида юз бераётган тарихий процесснинг муҳим томонларини ёритиб берди. У ўз ижоди билан революция гоёсини тарғиб қилди, революцияни гоёвий жиҳатдан тайёрлашда қатнашди. Буни ёзувчининг Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган даврдаги энг буюк асари—«Она» романида яққол кўриш мумкин. Ҳақиқат шундан иборатки, «Она» романи фақат рус адабиётидагина эмас, балки XX аср бошларидаги жаҳон адабиётида ҳам муҳим бир воқеадир.

Горький «Она» романида эксплуататорларга қарши курашувчи янги ижтимоий кучнинг—ишчилар синфининг революцион ҳаракатини тасвирлади. Романда Горькийнинг дастлабки ижодидаги романтик образлар озодлик учун курашга отланган реалистик образлар билан узвий равишда бирлашди. Революцион ишчиларнинг типик образини

яратиш, ишчилар ҳаракатининг реал манзарасини акс эттириш ва уларнинг келажак ҳақидаги орзуларини куйлаш—романнинг асосини ташкил этади.

Реал кишилар ва реал тарихий воқеаларнинг акс этиши «Она» романининг характерли хусусиятидир. Шунга кўра «Она» маълум даражада документал романдир. Горький 1901—1902 йилларда Нижний Новгород ва Сормовода юз берган воқеаларни (1902 йили Сормовода бўлган Биринчи май намойиши ва шаҳар партия ташкилоти аъзолари суд қилинишини) романга асосий материал қилиб олади.

Аммо роман 1902 йилдаги Сормово воқеасини акс эттириш билангина чекланиб қолмайди. Ёзувчи Сормово воқеасига 1905 йил революциясидан олган жуда катта тажрибалари асосида ёндашиб, ишчилар синфининг революцион кураш фактларини умумлаштириб, революциянинг истиқболини коммунистик партиявийлик нуқтаи назаридан тасвирлайди.

Горький романда буюк пролетар санъаткори сифатида Россиядаги революцион курашнинг реалистик бадий манзарасини чизиб берди ва большевикларнинг, революционер ишчиларнинг ажойиб типларини яратди.

Павел Власов ва унинг онаси Пелагея Ниловна романининг асосий қаҳрамонларидир. Булар кўп жиҳатдан Сормово намойишида иштирок этган Пётр Андреевич Заломовга унинг онаси Анна Кирилловнага ўхшайдилар.

«Максим Горький,—деган эди М. И. Калинин,—биринчи бўлиб «Она» романида ишчилар синфидан чиққан революционерларнинг бадий образини яратди ва бу билан пролетариат бадий адабиётини бошлаб берди.»

Янги, революцион ғоявий мазмунни куйлаган «Она» романи ўзининг ижодий методи—социалистик реализм методи билан ҳам тамомила янги ҳодисадир. Горькийнинг бу ажойиб асаарида янги ижодий методнинг қандай хусусиятлари ўз ифодасини топган!

Горький «Она» романида ҳаётни революцион тараққиётида, эскилик билан янгиликнинг, ўлиб бораётган нарса билан пайдо бўлаётган нарсанинг курашида кўрсатди. Ёзувчи ғалаба ҳозирги пайтда ҳукмрон ва сон жиҳатидан устун бўлган кучлар томонида эмас, балки тобора ривожланаётган, келажаги порлоқ кучлар томонида эканини кўра олди. 1900-йилларнинг бошларида кўп одамларга капитализм ва самодержавиени гўё енгилш мумкин эмасдек, революцион пролетариат ва унинг партияси эса кучсиздек бўлиб кўринар эди. Горький бўлса келажакка назар ташлаб, капитализм ва самодержавиенинг ўлимга маҳкум эканини, ишчилар синфи албатта ғалаба қозониши ва ҳокимиятни қўлга олиши муқаррар эканини ўз романида тарғиб қилган эди.

1900-йилларнинг бошларида ишчилар синфи орасида Павел ва Ниловна каби одамлар ҳали озчиликни ташкил этар эдилар. Лекин улар янгилик тарафдорлари, узлуксиз олға интилувчи кишилар эдилар. «Она» романи ёзилганидан 11 йил ўтгандан сўнг, Коммунистик партия раҳбарлигида минглаб ва ўн минглаб Власовлар буржуа ва помешчиклар қўрғонини штурм қилишга отланди, эксплуатация занжирларини парчалаб ташлади. Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик ватанимиз халқлари оммавий қаҳрамонлик кўрсатиб, бутун дунёни қойил қолдирдилар. Ҳозир эса совет халқи коммунизм қурмоқда, бутун дунёда мустақам тинчлик учун курашувчиларнинг олдинги сафида бормоқда.

Горький ўз романининг марказий фигураси қилиб ижобий қаҳрамонларни—тарихий прогрессни акс эттирувчи кишиларни олди. Павел Власов ва унинг дўстлари—ижодий, актив ва яратувчи кишилардир. Улар ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинлари, халқ ҳақиқатини, революцион ҳақиқатни ўзларида мужассамлантирган кишилардир.

Горький ўз романида адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги ленинча принципни амалга оширди. Ёзувчи «Она» романини ёзиб, В. И. Лениннинг пролетариат билан, унинг социализм учун кураши билан очиқдан-очиқ боғланган адабиёт яратиш талабини амалда бажарди.

Горькийнинг романи революцион курашнинг қаҳрамонона романтикаси билан суғорилган асардир. Горький Павел ва унинг дўстлари образини яратар экан, натуралистик деталлар, манший тафсилотларга берилмайди. У ўз диққатини марказий масалага—революцион курашга ва бу курашнинг мақсадини очишга жалб этади. У персонажларнинг қаҳрамонлик характерини, бахтли келажакка бўлган буюк ишончлари ва шу ишонч йўлида ҳар қандай азоб-уқубатларга, ҳатто ўлимга ҳам тайёр эканликларини алоҳида қайд қилиб ўтади. Романда келажакка бўлган романтик интилиш чуқур ва изчил ҳаётний ҳаққоният билан чамбарчас боғланган.

«Она» романида машаққатли ҳаёт, оғир кураш, вақтинча мағлубият ва муваффақиятсизликлар ҳикоя қилинишига қарамасдан, у чуқур оптимизм билан суғорилган асардир.

Роман бошдан охиригача Россиянинг бахтли келажаги учун курашда рус пролетариатининг буюк роль ўйнаяжиги ҳақидаги юксак оптимистик фикр ва ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган. Бу ҳолат реакция йилларида турли найранглар билан омmani революциядан бездиришга интилган хонналар ва умидсиз кишиларга қарши курашда, революцион идеологияни мустақамлашда гоят катта аҳамиятга эга бўлди.

Янги ижодий метод романининг композицион қурилиши ва тилида ҳам ўз ифодасини топган. «Она» романининг композицияси қаҳ-

рамонларнинг ўсиш процессини очишга, омма сиёсий онгининг уйғо-  
ниб боришини ва пролетариатнинг озодлик учун кураши кучайиб  
боришини кўрсатишга бўйсундирилган. Лекин роман сюжетининг  
ривожланиши ва композициясининг яна бир муҳим хусусияти бор.  
У ҳам бўлса роман қаҳрамонларининг ҳаётий ишлари ва тақдири  
асарда тасвирланган воқеалар билан тугамаслигининг, чекланмасли-  
гининг автор томонидан таъкидлаб ўтилишидир. Павел Власов би-  
лан Пелагея Ниловна қамоққа олинадилар. Аммо Павелнинг сўзлари-  
дан Ниловнанинг хитоб билан айтган гапларидан, улар бошлаган ҳаё-  
тий ишнинг, ҳақиқат учун курашнинг тўхтамаслиги, балки янада  
шиддат билан давом этиши, ривожланиши ва пировардида ғалаба  
қилиши китобхонга маълум бўлиб туради. Горькийнинг ижоди  
пролетариат революциясининг ғалабасига ишонч руҳи билан тў-  
либ-тошгандир.

Романнинг тилини ишлашда ҳам социалистик реализм принципи-  
га амал қилинган. Горький «Она» романи билан гениал сўз санъ-  
аткори сифатида майдонга чиқди. Роман марказида халқ ҳаёти  
туради. Бироқ бу романнинг тили, халқ ҳаётидан олиб ёзилган  
бошқа кўп асарларнинг тилига нисбатан жуда пишиқ ишлангандир.

Роман 1907 йилда нашр қилинди. 1905 йилдан сўнг Россияда  
реакция йиллари бошланган эди. Бу давр ижтимоий ҳаёти ва қис-  
ман, адабиётда тушкунлик ва бузилиш кучайган эди. Меньшевик-  
лар революциянинг янгидан юксалиши мумкинлигига ишонмасдан,  
ваҳимага тушиб, орқага чекиндилар. Улар партия программасининг  
революцион талабларидан ва партиянинг революцион шиорларидан  
юз ўгириб, шарманда бўлдилар. Большевиклар революцион ҳаракат-  
нинг янгидан юксалишига ишонар эдилар, улар бунга тайёрланди-  
лар, ишчилар синфининг кучларини тўладилар. Роман мана шу  
даврда, реакция авж олган вақтда майдонга чиқди. Бу ҳол роман-  
нинг таъсир кучини ва тарбиявий аҳамиятини янада оширди. Горь-  
кийнинг ўзи асарнинг мақсадини қуйидагича изоҳлаган эди:

«Менинг вазифам — турмушнинг қора ва ёвуз кучларига қарши-  
лик кўрсатувчиларнинг тушкун руҳига далда беришдир».

Горький ўзининг бу вазифасини тўла-тўқис бажарди. Яширин  
революцион ташкилоти, пролетар революционерларининг бутун  
маънавий гўзаллиги ва қаҳрамонлигининг моҳиятини тасвирлаш,  
омманинг озодлик учун курашини ифодалаш адабиётда тамомла-  
янги ҳодиса эди.

Дунёдаги кўпгина халқларнинг тилига таржима қилинган «Она»  
романи оммани революцион руҳда тарбиялашда буюк роль ўйнади  
ва ўйнамоқда. Роман жаҳон меҳнаткашларининг энг севикли китоби  
бўлиб қолди.

## XXVIII



Алексей Максимович Горькийнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган ижодида унинг автобиографик трилогияси ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Трилогиянинг биринчи қисми — «Болалик» 1913 йили нашр этилди. Иккинчи қисми — «Одамлар хизматида» 1916 йили ёзилди. Учинчи қисми — «Менинг университетларим» эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг, 1923 йилда ёзилди.

Бу автобиографик трилогия Горькийнинг энг кучли ва гўзал асарларидан биридир. Трилогияда авторнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг маданият чўққисига кўтарилиши, революция учун курашувчилар қаторига қўшилиш йўли революционер санъаткорга хос самимият билан баён қилинади. Ҳаётни кенг кўламда ҳаққоний, тарихан конкрет ва типик шароитда ифодалаш, қарама-қарши кучлар ва синфларнинг курашини тасвирлаш, ижобий қаҳрамоннинг шаклланиш ва ўсиш процессини кўрсатиш каби хусусиятлар Горькийнинг трилогиясини социалистик реализмнинг машҳур асарлари даражасига кўтарди.

Революцион адабиётнинг машҳур арбоби Горький Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини зўр қувонч билан қарши олди. «Шубҳа йўқки,—деб ёзган эди В. И. Ленин 1917 йилда,— Горький ғоят катта санъаткор талант эгасидир, у бутун дунёдаги пролетар ҳаракатига жуда кўп фойда келтирди ва бундан кейин ҳам келтиради».

### 3

Инсоният тарихида бутунлай янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг Алексей Максимович Горькийнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти гуркираб яшнади, ғоявий-бадиий такомилнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Горький революцияга қадар доим озод кишиларнинг эркин ижод қилишини орзу қилар эди. У ўзининг бутун умри давомида эркин ижод қувончини куйлади, эркин ижод қувончи учун курашди. Горькийнинг бу олижаноб орзуси фақат Октябрнинг ғалабасидан сўнг, совет социалистик мамлакатига рўёбга чиқди.

Социалистик ғоявийлик, коммунистик партиявийлик санъаткор Горький куч-қувватининг сўнмас манбаи эди.

Горький капитализм тузумининг емирилишини ва революциянинг ғалабасини, социалистик ҳаётнинг ғолибона қадам ташлашини ўз кўзи билан кўрди. У бу тарихий ўзгаришларнинг снэсий, иқтисодий сабабларини чуқур ўрганиб чиқди. Шунинг учун ҳам ёзувчининг Октябрь революциясидан сўнгги ижоди айниқса чуқур умумлашма характерга эга. У совет даврида яратган «Артамоновлар иши», «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Егор Буличов ва бошқалар»,

«Достигаев ва бошқалар» номи асарларида ўзининг бутун ижоди-га хос асосий тема ва образларга яна мурожаат этди, уларни яна-да кенгроқ умумлашган формада қайтадан ишлади, тўлдирди, мукаммаллаштирди.

Горький ўз асарларида социалистик революциянинг тарихий қонунияти муқаррарлиги ва зарурлигини бадий тарзда очиб берди. Россиянинг босиб ўтган тарихий йўлини ғоявий-бадий жиҳатдан пухта ишланган кенг кўламдаги асарларда кўрсатиб берди. Буни «Егор Буличев ва бошқалар», «Достигаев ва бошқалар» каби драмаларида очиқ кўриш мумкин. «Артамоновлар иши» романи ҳам худди шу типдаги асарлардандир.

Ёзувчининг «Артамоновлар иши» романи 1925 йилда нашр қилинди. Романда 1863 йилдан 1917 йилгача бўлган жуда катта тарихий давр ўзининг ёрқин ифодасини топган. Романда савдогарлар ва фабрикантлар оиласи—Артамоновлар оиласи уч авлодининг тарихи тасвирланади; капиталистик жамиятнинг ўсиши ва Артамоновлар оиласининг мустаҳкамланишидан тортиб бу жамиятнинг инқирозга юз тутиши, Артамоновлар оиласининг чириши ва ҳалокатга учрашигача бўлган давр пухта ишланган, ихчам форма ва зўр санъаткорлик билан кўрсатилган. Ёзувчи Артамоновлар оиласи мисолида буржуазия синфининг инқирозга юз тутиши ва ҳалок бўлишининг реалистик манзарасини, чизиб берган.

Романнинг ғоявий мазмунини ҳукмрон эксплуататорлар синфининг чириши, емирилиши натижасида ҳамда пролетариат синфининг сиёсий активлиги, онглилиги ва ташкилотчилигининг ўсиши туфайли пролетариат революциясининг қонуний тараққиёти муқаррар ва зарурлигини ифода қилиш ташкил этади.

Горький «Клим Самгиннинг ҳаёти» романида ҳам худди шу темани ривожлантирди. Бу романи ёзиш фикри 1905 йилда туғилган эди, лекин ёзувчи фақат 1925 йилда, «Артамоновлар иши»ни тугатгандан сўнг, «Клим Самгиннинг ҳаёти» устида ишлаш имкониятига эга бўлди. У умрининг охиригача шу асар устида қизгин ижодий иш олиб борди. Аммо романнинг тўртинчи томини тугатиб улгурмасдан вафот этди.

Горькийнинг бу эпосеяси воқеликни қамраб олиш жиҳатидан тенги йўқ асардир. Эпосеяда Россия ғоявий-сиёсий ҳаётининг 40 йил мобайнида содир бўлган асосий воқеалари китобхоннинг кўз ўнгидан бирин-кетин тизилиб ўтади: ҳародникларнинг мағлубиятга учраши, марксизмнинг туғилиши, революцион марксистларнинг ўз сиёсий душманларига қарши кескин кураши, Нижний Новгород ярмаркаси, Николай II нинг тахтга ўтириши, одамларни йиртқичларча қириши, 1905 йил воқеалари, жаҳон уруши ва 1917 йилнинг қизгин кунлари каби тарихий воқеалар романда ўз аксини топган.

Бу тарихий воқеаларнинг фониди бир-бирига зид икки идеологиянинг—буржуазия ва социализм идеологиясининг кескин кураши кўрсатилади. Буржуа идеологиясининг вакили сифатида Клим Самгин берилса, революционер-большевик Кутузов сиймосида социализм лагери вакилининг образи гавдалантирилади.

Кутузов — профессионал революционер, камбағал тегирмончининг ўғли, икки йил давомида қишлоқ ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Қозон университетиди ўқиган. У сиёсий билим доираси кенг одам. Унинг сиймосида большевикларга хос ташаббускорлик, ирода, ақл, қатъият ва революциянинг ғалабасига тўла ишонч мужассамланган. Клим Самгин маданиятсиз, бирор фазилатга эга бўлмаган кишининг образи тарзида тасвирланган бўлса, Степан Кутузов образи, аксинча, ёрқин, маънавий жиҳатдан бой ва ақли расо шахс сифатида яратилган. Горький бу контрастлар воситасида капитализмнинг одамдаги инсоний хислатларни поймол қилишини, социализмнинг эса киши ижоди ва ташаббусини уйғотувчи буюк манба эканини алоҳида қайд қилиб ўтади.

«Клим Самгиннинг ҳаёти» романининг гоёвий-бадий аҳамияти буюкдир. Чунки ёзувчи бу романда капитализм оламининг чуқур негизини — буржуазия индивидуализмининг усталик билан фош этиб ташлади ва буржуазия мафкурасининг инқирозини кўрсатди. Романда социализм гоёси, пролетариат революцияси гоёси зўр пафос билан куйланди. Шунинг учун ҳам бу асар революция ва социализм душманларига қарши ўткир қурол вазифасини бажарди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда. Горькийнинг бу икки асари—«Артамоновлар иши» ва «Клим Самгиннинг ҳаёти» романлари капитализмнинг йиртқич башарасини фош этувчи ва социализмнинг улуғворлигини кўрсатувчи йирик реалистик асарлардир.

Горькийнинг совет даврида яратган асарлари орасида «В. И. Ленин» очерки (1924—1930) муҳим аҳамиятга эгадир.

В. И. Лениннинг вафоти Горькийни чексиз қайғуга солди. У ўз мактубларидан бирида ёзган эди: «...Мен Ильични чуқур, қизгин севар ва қадрлар эдим, ўзимни ҳеч қачон у вафот этган йилдагидек ғариб, кучсиз ҳис этмагандим...»

Буюк санъаткор ўз очеркида Владимир Ильич Ленинга бўлган ана шу самимий муҳаббати ва чуқур ҳурматини изҳор этди. Очерк В. И. Ленин вафот қилган 1924 йилнинг ўзидаёқ ёзилади ва 1930 йилда қайтадан кўриб чиқилиб тўлдирилади.

Очерк композицион жиҳатдан икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмда Горькийнинг революциядан бурун чет элларда—Лондонда, Парижда, Каприда В. И. Ленин билан учрашувлари ҳикоя қилинади. Иккинчи қисмда эса ёзувчининг В. И. Ленин билан совет давридаги, В. И. Ленин жаҳонда биринчи социалистик давлатни бошқараётган даврдаги учрашув ва суҳбатлари баён қилинади.

Очеркнинг ички тузилиши, материалларни танлаш ва жойлаш принципи В. И. Лениннинг буюк сиёсий арбоб ва оддий бир киши сифатида ҳар томонлама кенг тасвирлашга, ҳаётий ва бадний жиҳатдан ҳаққоний образ яратишга асосланган.

Омmanın ижодий кучига ишонч В. И. Ленин фаолиятидаги энг муҳим хусусиятдир. Горький ўз очеркида В. И. Лениннинг бу фазилатини кўрсатишга катта аҳамият беради. В. И. Лениннинг рус халқининг қудратига, айрича талантига тўғри баҳо бера олганини ва рус халқининг куч-қудратини Россия манфаати учун, бутун меҳнаткаш инсоният манфаати учун йўналтира олганини таъкидлайди.

«У рус кишиси эди. У (Россиянинг) потенциал кучига, халқнинг гоятда талантли эканига тўғри баҳо берди...»

Очеркнинг энг яхши хусусияти шундаки, ёзувчи буюк давлат арбобига хос сифатларни ва Владимир Ильичга хос шахсий инсоний сифатларни ажралмас бирликда кўрсатди; В. И. Лениннинг маънавий қиёфасида меҳнаткашлар оммасининг улуғ доҳийсига хос энг муҳим хусусиятлар мужассамланганини таърифлади.

Фақат рус ишчилар синфигина эмас, балки бутун дунё меҳнаткашлари В. И. Ленинни ўзининг энг яқин дўсти ва энг улуғ доҳийси деб билади.

«Унда қандайдир бир магнит қуввати бор эди,—деб ёзади Горький,—ва у қувват меҳнат кишиларининг қалблари ва муҳаббатларини унга томон тортар эди. У итальян тилида сўзламасди, лекин Шаляпинни ва бошқа кўпгина атоқли рус кишиларини кўрган Капри балиқчилари бирданига, қандайдир бир ички туйғу билан Ленинни айрича ўринга кўтардилар».

Очеркда В. И. Ленин чин ватанпарвар, ҳақиқий гуманист, меҳнаткаш халқ оммасининг улуғ ғамхўр дўсти сифатида тасвирланади; унинг эксплуататорларга шафқатсиз экани кўрсатилади.

«Владимир Ленин вафот этди. Унинг ақл-идрок ва ирода ворислари барҳаёт. Улар барҳаёт ва шундай муваффақият билан ишламоқдаларки, дунёнинг ҳеч қаерида ҳеч ким, ҳеч қачон бундай муваффақият билан ишлаган эмас», деган сўзлар билан очерк тамом бўлади. Бу сўзларда улуғ ёзувчининг Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига бўлган садоқати ифода этилган.

А. М. Горькийнинг ижодий биографиясида унинг публицистик фаолияти ажойиб янги бобни ташкил этади. Горькийнинг публицистик асарлари хилма-хил энг зарур масалаларга, чунончи, социалистик реализм адабиётининг назарий ва амалий масалаларини, социалистик ҳаёт ва совет маданияти соҳаларидаги буюк ўзгаришларни, империализмнинг йиртқичлик башараси ва босқинчилик сиёсатини ёритишга бағишлангандир.

Оташин публицист ёзувчининг «Советлар Иттифоқи бўйлаб» номли бир туркум очерклариди Ватанимиз халқларининг ўтмишдаги аянчли тарихи ва Улуғ Октябр социалистик революциясининг ғалабасидан кейинги ҳаёти, яратувчан меҳнати, бахт-саодати зўр санъаткорлик билан тасвирлаб берилган. Горький ўтмиш билан бугунининг жонли манзарасини тасвирлаш орқали В. И. Ленин ташкил қилган Коммунистик партиянинг буюк иродасини, Совет воқелигида юз бераётган ажойиб ўзгаришларни, озод ва ижодкор совет кишининг қудратини яққол кўрсатиб беришга эришган.

Горький ўз публицистикасида икки дунёни—капитализм ва социализм дунёсини тасвирлайди. Биринчисининг—капитализм дунёсининг ўлимга маҳкум эканини, иккинчисининг—социализм дунёсининг кундан-кун мустақамланиб ва ривожланиб бораётганини ёрқин пафос билан кўрсатади. У революция ғалабаларининг жаҳон миқёсидаги тарихий аҳамияти ҳақида, совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида жаҳон тарихида янги даврни—инсониятни буржуазия зулмидан озод қилиш даврини, коммунизм даврини бошлагани ҳақида ёзади. Горький совет кишиси билан фахрланади, совет кишиси «меннинг шодлигим ва ифтихорим», дейди.

Оташин совет ватанпарвари Горький буржуазиянинг жиноят-корона телбалигини ғазаб билан фош этади, капитализм маданият ва прогресснинг ашаддий душмани эканини очиб ташлайди, социалистик ҳаёт қураётган Совет Иттифоқини ва унинг янги, олижаноб гуманизминини буржуа оламига қарши қўяди.

Горький кишиликни янги уруш гирдобига ташламоқчи бўлган Европа ва Америка империалистларига қарши кескин кураш олиб борди.

Горький «Маданият арбоблари, сизлар ким билан?» мақоласида: «Буржуазия тарихи—буржуазиянинг маънавий қашшоқланиш тарихидир», «Буржуазия маданиятга душмандир ва душман бўлмаслиги мумкин ҳам эмас»,—деб ёзади.

Горький ўз публицистик мақолаларида «Сариқ иблис шаҳри»нинг чирик, мунофиқ маданиятининг Сариқ иблисга—олтинга сотилган, капиталистларнинг империалистик сиёсатига бўйсундирилган маданиятнинг шармандалигини кескин фош этди. Горький Америка империалистларининг ваҳшиёна ирқий назарияси ва уруш сиёсатининг барибир барбод бўлишини жанговар руҳ билан тасвир этди; уруш оловини ёқувчи империалист ёвузлар ва қонхўрларнинг шармандасини чиқарди, бутун дунё меҳнаткашларини тинчлик ва бахт учун курашга чақирди.

Горькийнинг курашчан совет гуманизми моҳиятини ўзида тўла акс эттирган публицистикаси социалистик Ватанимиз душманларига қарши курашда ўткир қуролдир.

Алексей Максимович Горький совет адабиётининг йирик назарётчиларидан биридир. Унинг «Адабиёт ҳақида» (1930), «Социалистик реализм ҳақида» (1933), «Тил ҳақида» (1934) каби мақолалари, Совет Ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съезида қилган доклады ва бошқа адабий-танқидий асарлари бунини очиқ кўрсатади.

Горький бу адабий-танқидий асарларида ёш совет адабиётининг ютуқлари ҳақида ифтихор билан сўзлади. Совет адабиётининг ҳаётни кенг кўламда акс эттириши ва бойлигини, социалистик гоёвийлигини алоҳида уқтириб ўтди. «Бизнинг ёш адабиётимиз,— деб ёзган эди Горький,— бутун меҳнаткаш халқни ягона маданий революцион куч қилиб бирлаштиришга ғайрат билан хизмат қилмоқда».

Горький совет адабиётининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай кўринишларга — маслаксиялик, формализм, вульгар социологизм, натурализм ва декадентчилик қолдиқларига қарши мурасасиз кураш олиб борди.

Горький адабий-танқидий мақолаларининг марказий масалаларидан бири социалистик реализм принципларини ишлашдир. Горький мақолаларида социалистик реализм методининг чуқур маъноси анализ қилинди: социалистик реализм методининг асосий мақсади улугвор ва қаҳрамонона совет воқелигини акс эттириш экани, совет ёзувчилари меҳнатни ўз асарларининг бош қаҳрамонлари қилиб олишлари кераклиги, революцион романтизм социалистик реализмининг ажралмас қисми экани кўрсатилди.

«Ёш ёзувчиларимизнинг вазифаси — оғир, мураккаб вазифа,— деб ёзган эди Горький.— Бу вазифа эски воқеликни танқид қилиш, унинг зарарли қусурларини фож этиш билан чекланмайди. Уларнинг вазифаси янги воқеликни ўрганиш, ифодалаш, тасвирлаш ва шу йўл билан уни тарғиб қилишдир... Ёш ёзувчилар ҳаётнинг янги шодликлари ҳақида, мамлакатда ижодий кучларнинг барқ уриб гуллаётгани ҳақида кўп гаплар айтишлари мумкин. Улар илҳом ва материални ҳаётнинг янги формаларини яратаётган меҳнатнинг кучли ва жўшқин оқимидан излашлари керак, улар давримизнинг ижодий иродасига мумкин қадар яқинроқ туришлари лозим. Бу ирода ишчилар синфида мужассамланган».

Тил масалалари Горькийнинг танқидий мақолаларида муҳим ўринни эгаллайди. У тил масалаларига социалистик реализм проблемалари билан узвий боғлиқ равишда қарайди.

«Тил,— дейди Горький,— адабиётнинг биринчи элементиدير». Ҳаётнинг ички моҳиятини чуқур, мукамал, тўла ва ёрқин тасвир этишни мақсад қилиб қўйган бадий асардан «пухта, расо тил, син-

чиклаб танланган сўзлар талаб қилинади». Горький расо, пухта, аниқ тил учун курашни социалистик маданиятнинг энг муҳим масалаларидан бири деб биларди. «Янги социалистик маданият яратиш соҳасидаги улкан вазифалар қаторида,— деган эди Горький,— бизнинг зиммамизга тилни тартибга солиш, уни паразит, эски-туски сўزلардан тозалаш вазифаси юклатилган». Бу муҳим вазифани амалга оширишда совет адабиёти ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Шу сабабдан Горький айрим совет ёзувчиларининг асарларидаги «паразит, эски-туски сўзлар»ни вульгар, жаргон сўзлари, «маҳаллийчилик»ни қаттиқ танқид қилди, пухта, аниқ, соф ва жанговар бадий тил учун кескин курашди, совет ёзувчиларини халқнинг тил бойлигини ва классик ёзувчилар асарларининг тилини пухта ўрганиб чиқишга чақирди.

Горькийнинг совет адабиётининг назарий проблемаларига, тил масалаларига бағишланган адабий-танқидий мақолалари ва нутқлари совет маданиятининг равнақ топиш йўлини, совет адабиётининг бой, сермазmun адабиёт бўлиб гуллаб-яшнаш йўлини ёритиб берди.

Алексей Максимович Горький социалистик реализм адабиётига асос солган одам. Барча совет ёзувчилари буюк Горькийни ўзлари учун устоз деб биладилар. Горькийнинг гениал асарлари барча совет ёзувчилари ва чет эл прогрессив адабиёти намояндларининг ижодий университети бўлиб қолди.

Горький Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ҳам қардош халқлар адабиётига зўр қизиқиш билан қараган, қардош халқлар адабиётини ўрганган эди. У украин халқининг атоқли фарзанди, революцион-демократ шоир Т. Г. Шевченко ижодига юксак баҳо берди, украин адабиётининг классик ёзувчиси М. М. Коцюбинский билан дўстона муносабатда бўлди. Коцюбинский ижодида демократик ғояларнинг куйланишига жиддий таъсир кўрсатди. Шунингдек, Горький белорус адабиётининг йирик вакиллари Янка Купала билан Якуб Коласнинг ижодий такомилни зийраклик билан кузатиб борди. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Октябрь социалистик революциясининг галабасидан сўнг эса Горький кўп миллатли совет адабиётини уюштиришда катта хизмат қилди, Коммунистик партиянинг совет адабиётини ривожлантириш ҳақидаги қарорларини бажариш учун зўр ғайрат билан курашди.

Горькийнинг совет даврида миллий адабиётларни ривожлантириш йўлидаги фаолияти социалистик миллатларнинг бузиламас дўстлиги принципига асосланган.

«Бизнинг марксист ёшларимиз,— деб ёзади Горький,— ўзини ўзбеклар ва қирғизлар... билан бир қаторга қўяди, уларнинг ҳар қайсисини ўзи сингари тенг ҳуқуқли ҳисоблайди. Бу маданий аҳамияти жуда катта бўлган фактдир. Бу фактнинг моҳияти шундаки,

адабиёт Советлар Иттифоқининг барча халқларини, фақат ўз революцион идеологиясининг кучи билангина эмас, балки ўзининг киши «юрагини» англашга, унинг қадимий ҳаётини, кўп асрлик урф-одатларини ўрганиш ва ёритишга ўртоқларча актив интилиши билан ҳам бирлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг ёш адабиётимиз бутун меҳнаткаш халқни ягона маданий революцион куч қилиб бирлаштиришга ғайрат билан хизмат қилади».

Дарҳақиқат, Коммунистик партия миллий сиёсатининг оғишмай амалга оширилиши натижасида СССРдаги барча халқларнинг мазмунан социалистик, шаклан миллий адабиёти кун сайин гуллаб-яшнамоқда. Иттифоқимиздаги барча социалистик миллатларнинг адабиётлари бир мақсадга — совет кишиларини коммунизм ғоялари руҳида тарбиялаш мақсадига хизмат этади. Кўп миллатли совет халқлари адабиётлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик масаласи социалистик тузумимизнинг характеридан келиб чиқади.

Горький СССР халқлари адабиётининг ривожланишида ва омалашувида бадий таржиманинг ролини юксак баҳолади. 1919 йили Горькийнинг ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» нашриёти ташкил қилинди. Нашриётда СССР халқлари адабиёти намуналарини нашрга тайёрлаш принциплари ишлаб чиқилди ва шу принциплар асосида миллий республикалар адабиёти намуналари рус тилига таржима қилиниб, катта тиражларда босила бошлади. Горький 1928—1929 йилларда Украина, Озарбайжон, Грузия, Армения ва Татаристонга борди, у ердаги ёзувчилар билан учрашди ва уларга совет адабиёти олдида турган улғувор вазифаларни тушунтириб берди.

1928 йилда «Правда» газетасида Горькийнинг «СССР халқларининг адабий ижодиёти» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Бу мақоласида Горький миллий адабиётларнинг энг яхши намуналарини янада кенг пропаганда қилиш масаласини кўйди.

СССР халқлари адабиётининг ривожланишида Совет Ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съезди ва бу съездда Горький томонидан қилинган доклад катта роль ўйнади.

Горький социалистик реализм адабиётининг энг яхши намуналарини яратди. Шунинг учун ҳам Горький асарларини ўрганиш совет ёзувчилари учун зўр ижодий университет бўлди. Совет ёзувчилари бу «ижодий университет»дан воқеликни унинг революцион тараққиётида олиб, тарихан конкрет равишда тасвирлашни, коммунистик партиявийликни, замонамиз илғор кишисининг типик образини яратиш, даврнинг актуал масалаларини юксак бадий формада гавдалантириш йўлларини ўргандилар.

Горький ижоди ва унинг совет адабиёти ташкилотчиси сифатида олиб борган қизгин фаолияти кўп миллатли СССР халқлари



адабиётининг тараққиётида нақадар катта роль ўйнаганини ўзбек совет адабиёти мисолида яна бир марта очиқ-ойдин кўриш мумкин

Ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида рус совет адабиёти, айниқса, унинг йирик намояндалари Горький ҳамда Маяковскийнинг ижоди буюк роль ўйнади. Ўзбек халқи ва унинг илғор адабиётчилари Октябрь революциясига қадар ҳам Горький асарлари билан таниш эдилар. Лекин фақат революциядан сўнггина улуғ пролетар ёзувчиси асарларини кенг ва чуқур ўрганиш имконияти туғилди. Революциядан сўнг ўтган қисқа давр ичида Горькийнинг деярли барча асосий асарлари ўзбек тилига таржима қилинди, кенг ўзбек меҳнаткашлари оммаси орасига ёйилди. Ҳозир ўзбек халқи улуғ ёзувчининг «Макар Чудра», «Челкаш», «Коновалов», «Лочин қўшиғи», «Бўронқуш ҳақида қўшиқ», «Она», «Болалик», «Малайликда», «Менинг университетларим», «Артамоновлар иши» ва бошқа кўп асарларини ўз она тилида ўқийди. Булар ўзбек китобхонларининг севимли асарларига айланди. Горькийнинг Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрида қўйилган «Мешчанлар», «Егор Буличев ва бошқалар» каби драматик асарлари ўзбек реалистик саҳна санъатининг ривожланишида алоҳида роль ўйнади.

Алексей Максимович Горькийнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти чиқараётган «Ўн томлик» республикамиз маданий ҳаётидаги бебаҳо ҳодисалардандир.

Горький ижоди билан чуқур танишиш ва айниқса унинг ғоявий-бадиий юксак асарларини ўзбек тилига таржима қилиш устида қунт билан ишлаш ўзбек ёзувчиларига улуғ ёзувчининг ижодий лабораториясига янада чуқурроқ киришга, унинг ижодий «сир»ларини тезроқ фаҳмлаб олишга кенг имкон бермоқда.

Горький ижоди ўзбек совет ёзувчилари учун социалистик реализм методини ўргатувчи асосий манбалардан бўлди. Шунинг учун ҳам Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Яшин, Уйғун, Зулфия, Шайхзода, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин каби ҳар бир ўзбек ёзувчиси босиб ўтган ижодий йўлига назар ташлар экан, совет адабиётининг асосчиси Алексей Максимович Горькийнинг номини ҳурмат билан тилга олади ва ўз ижодий юксалишида Горькийнинг таъсирини самимият билан қайд этади.

Ўзбек совет адабиётининг йирик вакилларида Ҳамид Олимжон «Горькийни ўрганиш» мақоласида шуларни ёзган эди:

«Бу 1928 йилда бўлган эди. Мен Горький ҳақида бир неча мақоалар ўқидим. Бу мақоалар ўз маълумотини оширувчилар учун ёзилган эди. Бу мақоаларда Горькийнинг оғир ҳаёти (революция-

га қадар) тасвирланган эди. Ҳеч қандай мактаб кўрмаган бу одам тажриба билан, ўз маълумотини ошириш йўли билан буюк ёзувчи бўлибди, буларнинг ҳаммаси унинг автобиографик асари «Менинг университетларим»да тасвирланган эди. Бу вақтда мен ўзбек тилида ёзилган бир-икки роман ва рус тилидан таржима қилинган бир қанча кичик-кичик асарларни ўқиган эдим... Мен «Менинг университетларим»ни ўқий бошладим. Бу китобни ўқишим менинг бадий адабиёт ҳақидаги соддача тушунчаларимни тамоман ўзгартириб юборди. Бу асар менинг фикр ва ҳиссиётимга шундай таъсир қилдики, шу вақтга қадар мен бу таъсирни ифодалай олмаيمان.

...Шундан сўнг мен Горькийнинг бошқа асарларини ўқишга киришдим.

Мен унинг «Она» романини ўқий бошладим... Бу китоб Россия ишчилар синфининг эксплуататорларга қарши кураш тарихини кўрсатиб берди. Бу миллионларни тарбияловчи, адашганларга йўл кўрсатувчи китобдир...

Бу икки асар мен учун қандай тарбиявий аҳамиятга эга бўлганини сира унутмайман».

Ҳамид Олимжон ижодининг юксалишига, унинг атоқли совет ёзувчиси бўлиб етишувига улуғ Горький ижодининг кўрсатган кучли таъсири шак-шубҳасиздир.

Ёзувчи Ойбек ижодининг юксалишига рус адабиёти кўрсатган таъсирни таъкидлаб шундай ёзади: «Менинг қаламим рус адабий-бадий фикрига жуда-жуда бурчлидир. Рус адабиёти мактабидан олган сабоқларим бениҳоя кўп ва қимматлидир. Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навойи», «Олтин водийдан шабадалар» романлари, «Болалик» повестини яратишда эришган муваффақиятларида, шубҳасиз, Горькийдан ўрганиш айрича аҳамиятга эга бўлди.

Горький ижодининг кучли таъсирини ёзувчи Садриддин Айнийнинг асарлари мисолида ҳам очиқ кўриш мумкин. Бу тўғрида С. Айнийнинг ўзи шундай дейди: «Мен совет жамоатчилиги олдида тўғридан-тўғри айта оламанки, менинг ижодий тажрибамнинг ўсиши Горький асарларини ўрганишим билан узвий боғланган. Мен у буюк мастердан образ яратишни, қаҳрамонларнинг характерини тасвирлашни ўргандим; содда ифодаларни мен ундан ўргандим».

Шундай қилиб, ўзбек совет адабиётининг, айниқса ўзбек реалистик прозасининг ривожланишида коммунистик партиявийлик учун кураш, бадий соддалик, конкретликка интилиш, замонамиз қаҳрамонининг образини яратиш масалалари Горький традицияларини ўзлаштириш билан бирга қўшиб олиб борилди. Буни биз ёзувчиларимизнинг ҳаётни революцион тараққиётида кўришга, халқни тарихнинг ижодчиси сифатида тасвир қилишга интилишла-

рида, совет кишиларнинг ижодий меҳнатини, олижаноб хислатларини кўрсатишга интилишларида очиқ-ойдин кўришимиз мумкин.

Демак, Алексей Максимович Горький 50 йилдан бери тинмай ривожланаётган кўп миллатли СССР халқлари адабиёти ва унинг ажралмас қисми бўлган ўзбек совет адабиётининг камолот тарихида буюк устозлик ўринни эгаллади. Унинг гениал асарлари ўзбек совет ёзувчилари учун ҳам зўр ижодий университетдир.

Революция бўронининг оташин жарчиси, буржуазия тузумини кескин фош этувчи, чин ватанпарвар Горькийда рус халқига хос энг яхши фазилатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган эди.

Алексей Максимович Горькийнинг баҳодир ижоди — истеъдод ва заковат сайқали коммунизм ғолибона қудратининг ёрқин гувоҳномасидир. Устод ҳамisha тирик, коммунистик жамият қурувчиларининг олдинги сафида бормоқда.

*Сарвар Азимов*



Ҳикоялар



Эртаклар



Поэмалар



## МАКАР ЧУДРА

Денгиздан нам, совуқ шамол эсиб, қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг ўйчан куйини ва соҳилдаги дарахтларнинг шовиллашини чўлга учириб кетар эди. Баъзан шамол хуруж қилиб, бужмайган сап-сарик япроқларни гулханга келтириб ташларди-да, ёлқинни елпир эди; атрофимизни ўраб олган кузги тун қоронғиси, гўё чўчиб тушгандай чекиниб, сўл ёқдан — поёнсиз даштни, ўнг ёқдан — чексиз денгизни ва бир лаҳза нақ тўғримда ўтирган қари лўли — Макар Чудранинг гавдасини очар эди. Макар Чудра биздан эллик қадам нарида жойлашган ўз таборининг<sup>1</sup> отларини пойлар эди.

Чол муздай шамол тўлқинлари чакмон барларини кўтарганига, жун босган кўкрагини очиб, аямай савалаганига парво қилмасди, у юзини менга ўгириб, гўзал қиёфада паҳлавончасига ёнбошлаб ётар ва каттакон трубкасини дамбадам тортиб, оғзидан, бурнидан бурқсатиб тутун чиқарарди, кўзларини алақайга, менинг бошимдан оша чўлнинг ўлик каби унсиз зулматига тиккан ҳолда, шамолнинг кескин зарбаларидан сақланиш учун бирон ҳаракат қилмасдан, мен билан тинмай сўзлашар эди.

— Шундай кезиб юрибман дегин? Яхши! Яхши йўл танлабсан, лочин! Шундай бўлиши ҳам керак: кез, оламни кўр, кўриб тўйдингми, ёт ва ўл — бутун гап шунда!

— Ҳаёт? Бошқа одамлар?— «Шундай бўлиши керак» деганига билдирган эътирозимни шубҳа билан тинглаб, сўзида давом этди:— Э-ҳе, у ёғи билан нима ишинг бор?

---

<sup>1</sup> Т а б о р — лўлилар мазгили

Ахир, сен ўзинг — ҳаёт эмасми? Бошқа одамлар сенсиз яшайдилар ва сенсиз ҳам ҳаёт кечирадилар. Хўш, сен бировга керакман деб ўйлайсанми? Сен нон ҳам эмассан, таёқ ҳам эмассан, ҳеч кимга керагинг ҳам йўқ.

— Ўрганиш ва ўргатиш дейсанми? Сен одамларни бахтли қилиш йўлини ўргана оласанми? Йўқ, ўргана олмайсан. Аввал соч-соқолинг оқарсин, кейин ўргатиш керак, деб гапир. Ниманиям ўргатиш мумкин? Ҳар ким ўзига кераклигини билади. Ақллироқлар ҳаётда нима бўлса — шунини оладилар, аҳмоқлар эса, ҳеч нима ололмайдилар. Ҳар ким ўзи ўрганеди...

— Сеннинг ўша одамларинг қизиқ. Ҳаммалари бир жойга гуж бўлиб олиб, бир-бирини сиқади, холос, аммо ер юзида жой кўп, уни қара, қанча,— у қўлини кенг ёзиб, даштга ишора қилди.— Ҳаммаси ҳам ишлайди. Нима учун? Кимга? Ҳеч ким билмайди. Одамнинг қандай ер ҳайдаганини кўрасан-да, ўйлайсан: мана, у қатра-қатра тер тўкиб; бор кучини ерга сарф қилади-да, сўнгра ўзи ҳам бир кун ер тагида чирийди. Ундан ҳеч асар қолмайди, ўз даласидан ҳам ҳеч нима кўрмайди, қандай туғилган бўлса, аҳмоқ бўлиб шундай ўлиб кетади.

— Хўш, у ерни қазиб-қазиб, ҳатто ўзига гўр қазиб олишга ҳам улгурмай ўлиб кетиш учун туғилганми ахир? Эркинлик нималигини биладими? Дашт кенглигини тушунадими? Денгиз тўлқинлари шовиллашидан завқлана оладими? У қул, туғилгандан бери қул, бутун умри бўйи қул, мана шу! У ўзини нима қила олади? Бир оз ақли кирса, ўзини бўғиши қолади, холос.

— Мана, мени кўр, эллик саккиз ёшга кириб шунча нарса кўрдимки, агар уларнинг ҳаммасини қоғозга ёзса, сенинг халтангга ўхшаш халталарнинг мингтасига ҳам сиғмайди. Қани, айт-чи, мен қандай ўлкаларда бўлмадим? Айтолмайсан. Мен бўлган ўлкаларни сен билмайсан ҳам, ялло қилиб юра бер, шундай яшаш керак — ҳамма гап шунда. Бир жойда кўп тўхтама — ундан нима фойда? Кун ва тун ер атрофида бир-бирини қувиб чопишади, ҳаётдан кўнглим қолмасин десанг, сен ҳам худди ўшалар сингари ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалардан қоч! Уйлаб ўйингга етсанг, ҳаётдан кўнглинг совийди. Ҳар вақт шундай бўлади. Мен ҳам шундай бўлган эдим. Э-ҳе! Кўп нарсани кўрдим, лочин!

— Галичинада турмага ҳам тушганман. Турмада юрагинг қон бўлиб кетади, лочин, шундай диққат бўлар эдим—



ки, азбаройи жоним ҳалқумимга келганидан: «Нима учун дунёда яшаб юрибман?» деб ўйлар эдим. Деразадан далага қарасам борми, қалбимни ҳасрат гўё омбур билан қисиб олгандай бўларди. У нимага яшайпти, дейдиган одам бор дейсанми? Йўқ, ҳеч ким бундай демайди, лочин! Бу тўғрида ўзингдан сўраб қийналиб ўтирмасанг ҳам бўлади. Яша, ҳамма гап шунда. Атрофингга назар солиб юр, ана шунда ҳасрат сени ҳеч вақт эзмайди. Мен ўшанда сал бўлмаса ўзимни камар билан бўғиб қўяёздим. Мана шундай ишлар бўлди!

— Ҳе! Мен бир одам билан гапиришган эдим. Жуда қатъий одам, ўзи ҳам сизларнинг русларингиздан эди. У менга, ўзинг хоҳлагандай эмас, худонинг каломида дейилгандек яшаш керак, деган. Худога сиғин, нима сўрасанг, у сенга ҳаммасини беради, деди. Ўзини кўрсанг, уст-боши йиртилиб, титилиб кетган. Мен унга, худодан ўзингга янги кийим сўра, дедим. Унинг жаҳли чиқиб, мени сўка-сўка ҳайдаб юборди. Ҳозиргина унинг ўзи одамларни афв этиш керак, уларни севиш керак, деб турган эди. Менинг гапим уни хафа қилган экан, мени ҳам кечирса бўлмасми эди? Шу ҳам устоз бўлдими? Улар оз егин деб ўргатадилару, ўзлари бўлса бир кунда ўн марталаб овқат ейдилар.

У гулханга бир туплади-да, жим бўлди ва трубкасига яна тамаки сола бошлади. Шамол секин ва ҳазин инграрди, қоронғида отлар кишнардди, табордан нафис ва эҳтиросли қўшиқ эшитилар эди. Бунди Макарнинг қизи гўзал Нонка куйлар эди. Мен унинг қўшиқ айтганида ҳам, «салом» деганида ҳам, ҳар вақт аллақандай ажойиб норозилик акс этувчи овозини англар эдим. Унинг қорача, тиниқ юзида маликанинг кибри кўринар, аллақандай соя силаб ўтган қуралай кўзларида гўзаллигининг ўткир шуъласи порлар ва ўзидан бошқа ҳар нарсага нафрат билан қараш сезилар эди.

Макар менга трубкасини узатди.

— Чек! Қўшиғи чакки эмас-а? Яхши! Шундай қиз сени севишини хоҳлармидинг? Йўқ дейсанми? Яхши! Шундай бўлиши ҳам керак. Қизларга ишонма, улардан ўзингни нарироқ тут. Мен трубка чекишдан қанчалик маза қилсам, қиз ўпишишдан ундан ҳам кўпроқ лаззатланади. Лекин уни ўпдингми — шу он қалбингдаги эрк ҳам ўлади, у сени кўзга кўринмас бир нима билан ўзига шундай боғлаб оладики, ундан асло қутулиб бўлмайди, сен ҳам жонингни унга бағишлайсан. Шундай қизлардан эҳтиёт бўл! Улар ҳар

вақт ёлгон гапирадилар! Дунёда ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ сени севаман, дейди, аммо сен унга игнанинг учини тегизиб кўр-чи, юрак-бағрингни парчалаб ташлайди. Мен буни биламан! Э-ҳе, мен кўп нарсаларни биламан! Қани, лочин, истайсанми, мен сенга бир воқеани айтиб берай. Сен уни эсингда тут, эсингда тутдингми — умр бўйи қушдек озод бўласан.

«Дунёда Зобар деган ёш бир лўли бўлган, Лойко Зобар. Уни бутун Венгрия ва Чехияда, Славонияда ва денгиз атрофида қандай мамлакат бўлса, барида билар эдилар — у шундай азамат йигит эди! У мамлакатларда аҳолисидан тўрт-бештаси Лойкони ўлдириш учун онт ичмаган битта ҳам қишлоқ йўқ эди! У эса бемалол яшар эди. Унга биронта от ёқиб қолсами, у отни пойлаш учун бир полк аскар қўйсанг ҳам барибир, Зобар ўғирлаб, уни миниб ўйнатар эди. Э-ҳе! У ҳеч кимдан кўрқмасди! Башарти, шайтон бутун мулозимлари билан унинг устига юриш қилса, Зобар унга пичоқ урмагандаям, сўкиб-сўкиб юборар эди, жинларнинг тумшуғига биттадан тепки ҳадя қилиши турган гап!

Бутун таборлар уни танир ёки унинг тўғрисида эшитган эди. У отнигина севарди, лекин бу ҳам кўпга бормас, бир оз миниб юрарди-да, кейин сотиб юборар эди. Ақчасини ким хоҳласа, ўша оларди. Унда кўнгил орзулари йўқ, сенга унинг юраги керак бўлса, ўзиёқ кўкрагидан узиб олиб беришга тайёр эди, бундан сенга яхшиликкина етса бас. У ана шундай йигит эди, лочин!

Бизнинг таборимиз ўша вақтларда Буковинада кўчиб юрар эди, у бундан ўн йил илгари эди. Бир куни — баҳор кечаси мен, Кошут билан бирга жангларда бўлган аскар Данило, қари Нур ва Данилонинг қизи Радда ҳамда бир неча киши ўтирар эдик.

Сен менинг Нонкамни биласанми? Малика қиз! Раддани эса у билан тенглаштириб бўлмайди, Нонка у билан тенглаштиришга ҳам арзимайди. Раддани мақташга сўз ҳам тополмайсан киши. Радданинг гўзаллигини эҳтимол, скрипкада чалиб тасвирлаш мумкин бўлар, шунда ҳам скрипка чалишни яхши биладиган одам бўлса!

У кўп йигитларнинг юрагини эзган, кўп юракларни! Моравада бир бадавлат кекса одам уни кўриб, турган жойида қотиб қолган. Безгак тутгандай титраб, оти устида ўтирганича, кўзини ололмай қараб қолган. У одамнинг ўзи ҳам байрамда ясанган шайтондай гўзал эди. Эгнида зар

чопон, белида қилич, от сал қимирласа чақмоқдай ялтираб кетади, қиличнинг ҳамма ёғи асил тошлар билан безалган, шапкасининг кўк духобаси худди бир парча осмонга ўхшайди. У гердайган бой бир чол эди. У Раддага узоқ вақт қараб турди-турди-да: «Ҳой, мени бир ўпсанг, бир ҳамён пул бераман»,— деди. Радда эса, юзини тескари ўгириб олди. Бой бирданига ҳовуридан тушиб: «Агар хафа қилган бўлсам кечир, ҳеч бўлмаса кулиб қара»,— деди-да, унинг оёғи остига каттакон ҳамённи ташлади. Катта ҳамён, ука! Радда уни, гўё арзимаган нарсадай, лойга тепиб юборди.

— Оҳ, қиз!— деб у оҳ тортди ва отини қамчилади, кетидан булутдай чанг кўтарилиб қолди.

Эртасига яна келди. «Унинг отаси ким?»— деган овози таборда момақалдироқдай янгради. Данило чиқди. «Қизингни сот, нима хоҳласанг, ол!»— деди. Данило унга жавобан: «Панларгина чўчқаларидан тортиб, то ўз номусларигача ҳамма нарсаларини сотадилар, мен эса, Кошут билан бирга жанг қилганман, ҳеч нарса сотмайман!»— деди. У бўкириб, қиличига қўл узатиб қолди, лекин орамиздан биров унинг отининг қулоғига лахча чўғни тиқиб юборган эди, от уни олиб қочиб кетди. Биз у ердан кўчиб, йўлга тушдик. Бир кун юрдик, икки кун юрдик, қарасак, бизни қулаб етиб келиб: «Ҳой, қулоқ солинглар, худонинг олдидаям, сизларнинг олдингиздаям менинг виждоним пок. Қизни менга хотинликка беринг, бор нарсамни сиз билан бўлашаман, мен жуда бойман»,— деди. Аъзойи бадани ёнар, эгарда ўтираркан, шамолда қимирлаган новдадай титрарди. Биз ўйланиб қолдик.

Данило секин:

— Қани, қизим, ўзинг гапир-чи!— деди.

— Агар она бургут қарғанинг инига ўз ихтиёри билан кирса, у нима бўлиб қолади?— деб сўради биздан Радда.

Данило кулиб юборди, унга қўшилиб биз ҳам кулишдик.

— Баракалла, қизим! Эшитдингми, бой! Ишинг чатоқ! Каптарга ўхшаганини қидир, улар тезроқ гапга кўнадиган бўлади...— Биз яна олдинга қараб юрдик.

Ҳалиги бадавлат киши эса, шапкасини олиб ерга бир урди-да, отини шундай чоптириб кетдики, ерлар титраб кетди. Радда мана шундай эди, лочин!

Хайр! Бир кун кечаси ўтирибмизу, дашт узра сувдай оқиб келаётган музика товушини эшитиб қолдик. Яхши

музыка эди! Унинг таъсирдан томирларимиздаги қонлар ёнар ва у бизни қаёққадир чақирар эди. Ана шу музикани тинглар эканмиз, кўнгил шундай бир нимани қўмсардики, унга етишгандан кейин яшашнинг ўзи ҳам керак бўлмай қолар эди, агар яшасанг ҳам бутун ер юзига ҳоким бўлиб, подшоларча яшамоқни истардинг, лочин!

Қоронғилик ичидан бир от пайдо бўлди, унинг устида ўтирган киши музыка чалиб биз томонга келар эди. У, гулхан ёнига келиб чалишдан тўхтади-да, жилмайиб бизга қаради.

Данило севиниб:

— Зобар, сенмисан!— деб қичқириб юборди.

Бу Лойко Зобар эди.

Мўйловлари елкасига тушган ва жингалак сочлари билан чирмашган, кўзлари чақноқ юлдузлардай ёнади, табасуми эса — бутун бир қуёш, худо ҳаққи! Бамисоли уни оти билан бирга бир парча темирдан қуйганлар. У, гулхан қаршисида туриб кулар экан, тишлари ярқираб кетади! Мен билан бир оғиз ҳам сўзлашмасдан, ҳатто ёруғ дунёда бор-йўқдигимни сезмасдан туриб, уни худди ўзимдай яхши кўриб қолмаган бўлсам, лаънатлар бўлсин менга!

Мана, лочин, шундай одамлар бўлади! У кўзларингга бир қараши билан қалбингни асир этади, лекин заррача хижолати йўқ, ҳатто сен учун фахрдир. Бундай одам билан бирга бўлсанг, ўзинг ҳам яхши бўлиб қоласан. Бундай одамлар оз, биродар! Хўп, оз бўлса ҳам, майли, дунёда яхши нарса кўп бўлса уни яхши деб ҳисобламас эдилар. Рост гап! Қани, бу ёғини эшит бўлмаса.

Радда унга: «Яхши чалар экансан, Лойко! Бундай жангларга қирқиб ва нозик скрипкани сенга ким ясаб берди?»— деди. У бўлса кулди: «Ўзим ясадим! Буни ёғочдан эмас, қаттиқ севганим ёш қизнинг кўксидан ясадим, торларини эса, унинг юрагидан эшдим. Скрипка бир оз ёлғон садо ҳам чиқариб қўяди, аммо мен камонни қандай ушлашни яхши биламан!»

Маълумки, бизнинг йигитлар, юрагимизга ўт солмасин, балки қиз ўзи ишқимизда ўртансин, деб унинг кўзига яхши кўриниш пайдан бўладилар, Лойко ҳам шундайлардан бўлган. Лекин қиз унақалардан эмасди. Радда ундан юзини ўгирди-да, энаб: «Зобарни ақлли ва чаққон деб эшитгандим, одамларнинг ёлғон гапиришини қара-я!»— деб жўнаб қолди.

— Ҳой, гўзал қиз, тилинг жуда ўткир экан!— деди Лойко отдан тушаркан, кўзларини чақнатиб.— Салом, оғалар! Мана, мен ҳам келдим!

— Марҳамат, меҳмон!— деди Данило унга жавобан. Кўришдик, гаплашдик, сўнг ухлагани ётдик... Қаттиқ ухлаб қолибмиз. Эрталаб туриб қарасак, Зобарнинг боши латта билан боғланган. Бу нима десак, ухлаб ётганда от босиб олган экан.

Э-э-э! Бу отнинг ким эканлигини биз фаҳмлаб қолиб, жилмайиб қўйдик. Данило ҳам илжайди. Нима, Лойко Раддага арзимайдими? Йўқ, ундай эмас! Қиз нақадар яхши бўлмасин, юраги тор ва саёз, унинг бўйнига бир пуд олтин оссанг ҳам, барибир, ўзи қандай бўлса, шундайлигича қолаверади, бу билан яхши бўла олмайди. Ҳа, майли!

Биз ҳамон ўша жойда яшар эдик, у вақтларда ишларимиз яхши, Зобар ҳам биз билан эди. У ҳақиқатан ҳам ўртоқ эди! Қариялардай доно, ҳамма нарсадан хабардор, рус ва мадьяр тилларини тушунарди. Баъзан гапга тушиб кетса — бир умр ухламасдан тингласам дердим!

У музикани шундай чалардики, агар дунёда биров шундай чала олса, яшин урсин мени! Камончани тор устидан юргизса борми, юрагинг эзилиб кетади, яна бир юргизса, юрагинг бардош бера олмайди. У бўлса илжайиб туриб чалаверади. Уни тинглар экансан ҳам йиғлагинг, ҳам кулгинг келар эди. Гўё шу дамда аллаким аччиқ-аччиқ фарёд қилиб, ёрдам сўрайди, кўкрагингни пичоқдай тилади. Гўё чўл кўкка қарата ривоятлар, қайғули эртақлар сўзлайди. Ботир ўғлонни сафарга узатаётган қиз йиғлайди! Ботир ўғлон уни даштга чорлайди. Бирданига — эҳ! Қўшиққа жон кириб момақалдироқдай гулдурайди ва унинг оҳангига қуёшнинг ўзи ҳам рақега тушиб кетгуси келади! Мана, шундай эди, лочин!

Баданингдаги ҳар бир томир у қўшиқни сезар ва сен унинг қули бўлиб қолар эдинг. Агар шунда Лойко: «Пичоқни олинглар, ўртоқлар!» деса, ҳаммамиз у кўрсатган киши билан пичоқлашиб кетар эдик. Одамни у ҳар нима қила билар эди, ҳамма уни севар эди, қаттиқ севар эди. Ёлғиз Раддагина бу йигитга қарамасди. Шу билан чекланса ҳам майли эди-я, тагин уни масхара ҳам қиларди. У Зобарнинг юрагини қаттиқ тилган эди, жуда қаттиқ тилган эди! Лойко тишларини ғижирлатади, мўйловини юлади, ўпирилган ўрадек қоронғи кўзлари билан қарайди, баъзан кўзлари чақмоқ чаққандек ярқираб кетардики, одамни ва-

ҳима босарди. Лойко кечалари даштнинг бир чеккасига чиқиб кетарди ва эрталабгача унинг скрипкаси фиғон қиларди, йиғлайвериб Зобарнинг эркини банди этарди. Биз бўлсак ётиб уни тинглаймиз ва «нима қилсак экан?» деб ўйлаймиз. Биламизки, икки тош бир-бирига қараб юмаласа, улар ўртасига тушиб бўлмайди — пачоқ-пачоқ қилиб ташлайди. Иш шундай кетаверди.

Бир кун ҳаммамиз йиғилишиб ўтириб, ишларимиз тўғрисида гаплашар эдик. Зерикиб кетдик. Данило Лойкодан: «Зобар бир қўшиқ айтиб кўнглимизни кўтар!» деб сўради. Ўзидан бир оз нарида осмонга қараб ётган Раддага кўз қирини ташлади-да, чала кетди. Скрипка шундай куйладики, чиндан ҳам торлари у қиз қалбидан ясалган эди. Лойко ашула бошлади:

Ҳой! Кўкракда ёнади олов,  
Кенг чўл эса, қандай бепоён!  
Елдай учар остимда бедов,  
Қўлда жилов бардамман чунон!

Радда бошини ўғирди, ўрнидан бир оз кўзғалиб қўшиқчининг кўзларига қараб жилмайди, Лойко шафақ каби қизариб кетди:

Ҳой, ҳой, ҳой, ҳой! Қани ўртоқжон,  
Чопмайликми отда илгари?  
Чўлни босган зулмат ва тўзон,  
Бизни кутар тонг ёғдулари  
Кунни қаршилашга учайлик,  
Уч, юксал энг баланд жойга!  
Фақат, ёлинг тегизмайин чиқ—  
Чиройли, кўркам ойга!

Айтишини қаранг-а! Ҳозир ҳеч ким унақа қўшиқ айта олмайди! Радда эса, захрини сочиб:

— Сен бунчалик баланд учмасанг бўларди, Лойко, йиқилиб тушиб, бурнинг билан балчиққа ботарсан, мўйловингни ифлос қиларсан, эҳтиёт бўл,— деди. Лойко унга йиртқичдай қараб қўйди, лекин ҳеч нима демасдан сабр қилиб, яна куйлай бошлади:

Ҳой, ҳой! Бирдан туғилади кун,  
Икковлон-чи, ҳамон ухлаймиз.

Ҳой, у чоқда иккимиз бутун—  
Уят оловида ёнгаймиз.

— Мана буни қўшиқ дейдилар!— деди Данило,— бунақа қўшиқни ҳеч эшитган эмасман. Агар ёлгон гапирсам, шайтон мени ўзига чилим қилиб олсин!

Қари Нур мўйловини бурар, елкасини қисар, Зобарнинг мард қўшиғи ҳаммамизнинг ҳам кўнглимизга ёқар эди! Фақат Раддага ёқмаган эди.

— Бир куни чивин бурут овозига тақлид қилиб, худди шундай гинғиллаган экан,— деб қиз устимизга худди қор отгандай бўлди.

— Радда, сен қамчи хоҳлаб қолганга ўхшайсан?— деб Данило унга томон чўзилди. Зобар эса шапкасини ерга уриб, тупроқдай қорайиб:

— Тўхта, Данило! Уйноқи отга — пўлат жилов! деган эканлар. Қизингни менга хотинликка бера қол!— деди.

— Шуюм гап бўлдими!— кулимсиради Данило.— Қўлингдан келса ола қол!

— Бўпти!— деди-да, Лойко Раддага қаради:— Ҳой қиз, кеккаймасдан менга бир оз қулоқ сол! Сендақа қизларнинг кўпини кўрганман, кўпини! Лекин менинг юрагимни ҳеч бири сендай эзган эмас. Оҳ, Радда, кўнглимни мафтун этдинг сен! Майли, нима ҳам деб бўлади? Бўлганича бўлди, энди... Шундай бир от йўқки, унга минсангу ўзингдан узоқлашиб кетсанг!.. Тангри олдида, виждоним олдида, отанг ва бу одамлар олдида мен сени хотинликка оламан. Лекин эҳтиёт бўл, хоҳишимга қарши чиқма, мен эркин одамман, қандай хоҳласам, шундай яшайман!— У тишларини қисиб, кўзларини чақнатиб қизга яқинлашди. Биз қараб турибмиз. Лойко қўлини унга узатди.— Мана, энди чўл отига Радда жилов тақди!— деб ўйлаб турибмиз. Бирдан қарасак, Лойко қўлларини узатиб орқаси билан ерга гуп этиб йиқилди.

Нима бало? Йигитнинг юрагига гўё ўқ қадалгандай бўлди. Кейин билсак, Радда унинг оёқларига қамчи солиб, ўзига қарата тортган экан, Лойко йиқилиб тушган.

Қиз бўлса, индамай, илжайиб қўйди-да, қимир этмасдан ётаверди. Биз нима бўлар экан, деб қараб турибмиз, Лойко эса, ўтирган жойида ҳадеб қўллари билан бошини сиқади, гўё боши торс ёрилиб кетадигандай қўрқади. Кейин у секин турди ва ҳеч кимга қарамасдан даштга қараб кетди. Нур менинг қулоғимга: «Унинг орқасидан бор!»

деб шивирлади. Мен ҳам тун қоронғисида Зобарнинг орқасидан даштга кетдим. Шундай бўлди, лочин!»

Макар трубкадан кулни қоқиб, яна тамаки тиқа бошлади. Мен шинелга ихчамроқ ўралиб, ётган жойимда унинг шамолдан ва офтобдан қорайган қари юзига боқар эдим. У бошини қаҳр ва жиддият билан чайқаб, ичида бир нималар деб шивирлар эди; унинг оқарган мўйловлари қимирлар ва сочларини шамол ҳилпиратарди. У яшин уриб куйдирган, лекин ҳали бақувват, маҳкам ва ўз кучига ишониб гердайган қари чинорга ўхшар эди. Денгиз аввалгидай қирғоқ билан шивирлашиб сўзлашарди, шамол ҳам унинг ивир-шивирини дашт узра учуриб юрар эди. Нонка энди куйламас: кўкда тўпланган булутлар эса, куз кечасини яна ҳам қоронғилаштирган эди.

«Лойко секин-секин қадам босиб, бошини қуйи солиб, қўлларини шалвиратиб борарди. У, жарга тушиб булоқ ёнидаги тошга ўтирди-да, оҳ тортди. Шундай оҳ тортдики, унга ачинганимдан юрагим қонга тўлди, шундай бўлса-да, унга яқинлашмадим. Қайғуни сўз билан тарқатиб бўлмайди, тўғрими?! Ҳа, шундай! Бир соат ўтди — ўтираверди, икки соат ўтди — ўтираверди, уч соат ҳам ўтиб кетди — миқ этмай ўтираверди.

Мен ҳам нарироқда ётибман. Кеча ойдин, ой бутун даштга кумуш нурини ёйган, узоқдаги нарсалар ҳам кўринадди.

Бир вақт қарасам, табордан шошиб-пишиб Радда келяпти.

Мен севиниб кетдим! «Радда юракли қиз! Қандингни ур!» деб ўйлайман. Радда унинг ёнига келди, Лойко буни сезмади ҳам. Радда қўлини унинг елкасига қўйди. Лойко сесканиб кетди, қўлларини олиб, бошини кўтарди ва сакраб туриб пичоққа қўл узатди! Қараб турсам, қизга пичоқ солмоқчи, мен дод деб таборга томон югурмоқчи бўлиб туриб эдим, бирдан:

— Қўй! Бошингни мажақлайман!— деган овозни эшитдим. Қарасам, Радданинг қўлида тўппонча, у Зобарнинг пешанасини нишонга олипти. Қизнинг шайтонлигини қара! Ҳа, энди кучда улар баравар бўлди-ку, қани, нима бўлар экан,— деб ўйлаб турибман.

Радда тўппончани белига қистирди-да, Зобарга қараб:— Менга қара!— Мен сени ўлдиргани эмас, сен билан ярашгани келдим, ташла пичоқни!— деди. У пичоқни ташлаб, қизнинг кўзларига ўқрайиб қаради. Бу ажойиб манзара



эди, ука! Иккиси ҳам бир-бирига йиртқичларча қараб туришипти, аммо иккиси ҳам — азамат, довюрак одамлар. Уларга фақат тиниқ ой ва мен шоҳид, холос.

— Қани, энди гапимга қулоқ сол, Лойко: мен сени севаман! — деди Радда. Лойко эса оёқ-қўллари кишанлангандай, фақат елкасини қисиб қўйди.

— Мен азамат йигитларнинг кўпини кўрганман, аммо сен қалбинг ва чеҳранг билан улардан гўзалроқ ва мардроқсан. Мен кўзимни қиссам, уларнинг ҳар бири мўйловини қирқиб ташлайди, агар мен истасам, уларнинг ҳар бири ўзини оёғим остига ташлайди. Лекин, бундан нима фойда? Улар унчалик мард эмас, унақаларнинг ҳаммасини аёлга айлантириб қўярдим. Дунёда мард лўлилар кам қолди, жуда кам, Лойко, мен ҳеч вақт бировни севган эмасман, Лойко, лекин сени севаман. Сендан бошқа эркинликни ҳам севаман! Лекин Лойко, сендан кўра эркини кўпроқ севаман! Сенсиз яшай олмайман, сен ҳам менсиз яшай олмайсан, шунинг учун бутун жони танинг билан меники бўлишингни истайман, эшитяпсанми? — Лойко кулимсиради.

— Эшитяпман! Сенинг сўзингни эшитиш юрагимга нашъа беради! Қани, яна сўзла!

— Яна гапим шуки, Лойко! Барибир, қанча уринсанг ҳам мен сени енгаман, сен меники бўласан. Энди вақтни бекорга ўтказма — сени келажакда менинг ўпишларим, эркалашим кутади... Сени астойдил ўпаман, Лойко, менинг ўпишим таъсирида сен мард ҳаётингни унутасан... Лўли йигитларни шундай севинтирадиган жонли қўшиқларинг даштлар узра ортиқ янграмайди — сен нафис, ишқий қўшиқларингни менга, Раддага куйлайсан... Энди вақтни қўлдан берма, мен шундай дедимми, демак, эртага сен, каттакичкка бўйсунгандек, менга итоат қиласан. Бутун табор олдида менинг оёғимга бош эгасан, ўнг қўлимни ўпасан — шунда мен сенинг хотининг бўламан.

Шайтон қизнинг хоҳлаган нарсасини қаранг-а! Бу ҳеч бир қулоқ эшитмаган гап; қадим замонларда қоратоғликлардагина шундай одат борлигини кексалар гапиришар эди, лўлиларда эса — ҳеч вақт бўлган эмас! Қани, лочин, бундан қизиқроқ нарсани ўйлаб топа оласанми? Бир йил бош қотирсанг ҳам ўйлаб тополмайсан!

Лойко бир томонга ташланди-да, кўкрагидан яраланган кишидек, даштга қараб бақирди. Раддани қалтироқ босди, лекин у сир бой бермади.

— Майли, эртагача хайр, айтганимни эртага бажарасан, эшитдингми, Лойко!

— Эшитдим! Бажараман,— деб ингради Зобар ва унга қўлини узатди. Радда унга аҳамият бермади ҳам. Лойко эса, шамол синдирган дарахтдек чайқалиб ерга йиқилди. У, ҳам кулар, ҳам йиғлар эди.

Лаънати Радда йигитни мана шундай азобга солди. Мен уни зўрға ҳушига келтирдим.

Одамларнинг қайғу ўтида ёнишлари қайси махлуққа керак! Инсон қалбининг ҳасратда эзилиб инграшини тинглашни ким севар экан? Мана буни ўйлаб кўр!..

Мен таборга қайтиб, воқеани кексаларга сўзлаб бердим. Улар ўйлашди ва бундан нима чиқишини кўриш учун сабр қилиб туришга қарор беришди. Бундан мана шу чиқди: оқшом биз ҳаммамиз гулхан атрофига йиғилганимизда, Лойко келди. Унинг табияти хира эди, бир кечада жуда озиб, кўзлари киртайиб, ичига тушиб кетган эди; у кўзларини ерга тикиб, бошини кўтармасдан, деди:

— Ўртоқлар, иш мана шундай: мен бу кеча ўз қалбимга қарадим ва унда илгариги эркин ҳаётни топа олмадим. Унда фақат Радда яшайди, холос! Мана гўзал Радда, малика каби табассум қилади! У ўз эркини мендан кўпроқ севади, мен эса, уни ўз эркимдан ҳам ортиқроқ севаман ва унинг буйруғига мувофиқ оёқларига бош уришга қарор қилдим, токи унга қадар қарчиғай ўрдаклар билан ўйнашгани сингари, қизлар билан қон ўйнашган мард Лойко Зобарни Радданинг ҳусн-жамоли қандай асир этганини ҳамма кўрсин! Кейин у менинг хотиним бўлади, мени ўпади, овутади, шунда сизга қўшиқ айтиб беришга ҳавасим ҳам қолмайди, ўз эркимни ҳам унга фидо қиламан! Шундайми, Радда?— Лойко кўзларини ердан узиб, унга жиддий тикилди. Қиз сукут этиб, бошини қатъий қимирлатди ва қўли билан оёқларини кўрсатди. Биз ҳеч нима англамай қараб турар эдик. Лойко Зобарнинг қиз оёғига, гарчи, у Радда бўлса-да, йиқилишини кўрмаслик учун бир ёққа қочиб кетишни истар эдик. Нимадандир уяларнинг, раҳминг келар, ранжирдинг, киши.

— Қани, бўл!— Зобарга қичқирди Радда.

— Э-ҳа, шошма, улгурасан, зеркиб ҳам қоларсан ҳали.— Кулиб юборди Зобар. Унинг кулиши — пўлатнинг жаранлаганига ўхшарди.

— Мана, энди ҳамма иш тамом бўлди, ўртоқлар! Яна нима қолди? Энди менинг Радданнинг юраги, у менга кўр-

сатгандай мустақкамми, йўқми, буни синаб кўриш қолади. Қани, синаб кўрай-чи, кечиринг мени, оғалар!

Биз ҳали Зобарнинг нима қилмоқчилигини пайқаб ололганимизча ҳам йўқ эди, кўрсак, Радда ерда ётибди: кўкрагига Зобарнинг эгри пичоғи сопиғача санчилган. Биз тошдай қотиб қолдик.

Радда эса, пичоқни суғуриб олиб, уни бир томонга улоқтирди-да, ярасини бир тутам қора сочлари билан ўраб, қисиб олиб, илжайди ва қаттиқ, бурро овоз билан:

— Алвидо, Лойко! Шундай қилишингни билган эдим!..— деб жон берди...

Кўрдингми, қизни, лочин! Минг лаънат менга, у шундай девсимон қиз эди!

— Эҳ! Мен оёқларингга сажда қиламан, мағрур малика!— деб Лойко Зобар даштни бошига кўтариб ҳайқирди-да, ўзини ерга отиб, жонсиз Радданинг оёқларига лабларини қўйганича қотиб қолди. Биз шапкамизни олиб, жим турар эдик.

Бунга нима дейсан, лочин? Шунақа! Нур: «Уни боғлаш керак!..» демоқчи бўлди. Лекин Лойко Зобарни боғлаш учун қўл бормас, ҳеч ким қўлини кўтара олмас эди. Буни Нур ҳам билар эди, у қўлини силкиди-да, бир чеккага чиқди. Данило эса, Радда улоқтирган пичоқни қўлга олди, оқарган мўйловларини қимирлатиб, анчагача унга қараб қолди. Пичоқда ҳали Радданинг қони қотмаган, пичоқ эгри ва ўткир эди. Сўнгра Данило Зобарга яқинлашиб, пичоқни унинг елкасига — юрагининг худди қаршисига суқди. Кекса солдат Данило ҳам Раддага лойиқ оталардан эди.

Лойко Данилога томон қайрилиб, бурро овоз билан:

— Шундай бўлдими?— деди-да, Радданинг кетидан у ҳам кетди.

Биз эса, қараб турар эдик. Бир тутам сочларини тутган қўлини кўкрагига маҳкам босиб Радда ётар эди. Унинг очиқ кўзлари кўкка тикилганди. Оёқларида эса, мард Лойко Зобар чўзилиб ётарди. Унинг юзига жингалак сочлари ёйилган, юзи кўринмас эди.

Биз турган жойимизда ўйлардик. Кекса Данилонинг мўйловлари титрар, қалин қошлари уюлган эди. У кўкка тикилиб жим турарди. Соч-соқоли қордек оқарган Нур бўлса, мукка тушиб ётиб олиб, шундай йиғлардики, букчайган елкалари ҳадеб қалт-қалт қиларди.

Шундай пайтда йиғласанг арзир эди, лочин!

...Йўлга чиқдингми, ўз йўлингдан боравер, ҳеч ёққа бурилма, тўғри кетавер. Балки, бекорга нобуд бўлмассан. Гап шундай, лочин!»

Макар жим бўлди, трубкани киссасига солиб, кўкраги-га чакмонини ёпди. Майдалаб ёмғир томчиларди, шамол кучайиб, денгиз асабийлашиб, бўғиқ овоз билан ҳайқирар эди. Учаётган гулханга отлар бирин-кетин яқинлашиб, катта ва зийрак кўзлари билан бизга қарар эдилар, атрофимизни зич ўраб олиб, жимгина турардилар.

Макар отларга:

— Моҳ, моҳ, эй жонивор!— деди-да, яхши кўрган қора отининг бўйнини кафти билан силаб-сийпади ва менга боқиб:

— Ухлайдиган вақт ҳам бўлди!— деди. Кейин боши билан чакмонига бурканиб, арслондай чўзилиб ётиб олди-да, жим бўлди. Менинг уйқум келмади. Қоронғи даштга ва уфққа қарадим, кўзим олдида Радданинг салобатли, гўзал ва мағрур сиймоси гавдаланди. У бир тутам қора сочларини тутган қўлини кўкрагидаги жароҳатга маҳкам босганди, қорамтир нозик бармоқлари орасидан томчи-томчи қонлар олов юлдузчалар шаклида ерга томарди.

Унинг орқасидан изма-из мард йигит Лойко Зобар сузар эди. Унинг юзини қоп-қора ва қалин жингалак сочлар қоплаган, сочлар тагидан муздай кўз ёши қатра-қатра бўлиб кетма-кет томчиларди.

Ёмғир тобора кучаймоқда, денгиз эса, бир жуфт мағрур ва гўзал лўлига Лойко Зобар билан кекса солдат Данило-нинг қизи Раддага ўзининг ҳазин ва тантанали марсиясини куйлар эди.

Улар иккиси тун қоронғисида секин-секин сузиб айланишарди, лекин гўзал Лойко, мағрур Радда билан ҳеч бир тенглаша олмас эди.

## ҚИЗ ВА ҲЛИМ

Эртак

### I

Қишлоқдан ўтарди жангдан қайтган шоҳ,  
Юрагида алам, кек дағдағаси.  
Бутажор ичида янгради ногоҳ  
Қиз қаҳқаҳаси.

Сариқ қошларини чимириб ёмон,  
Депсинди подшоҳ отини сурди.  
Совут шарқиратиб мисоли бўрон,  
Шиддат-ла келди-ю, қизга дўқ урди:  
«Ҳай қиз,— деб қичқирди дарғазаб, дағал,—  
Нега кўрсатасан тишингнинг оқин?  
Ғалаба қозонди душманам бу гал,  
Лашкарим қирғинга учради бутун.  
Асир тушиб кетди талай мулозим,  
Қайта куч йиққали элимга келдим,  
Мен — сенинг шоҳингман, аламдан ўлдим,  
Тентак кулишларинг менгами лозим?»

Очиқ сийнасини беркитар экан,  
Шоҳга жавоб берар қиз ўша замон:  
«Чекил — ёрим билан гаплашмоқдаман,  
Яхшиси, йўлингдан қолма, отахон».

\* \* \*

Севдингми, писандмас подшоҳлар ҳам,  
Шоҳлар-ла суҳбатга фурсатинг бўлмас!  
Баъзан севги шундай ёнар тез-илдам,  
Меҳробдаги шам ҳам бундай ёнолмас.

Подшоҳ ғазабдан қалтираб кетди,  
Содиқ қулларига тез фармон этди:  
«Бу қизни зиндонга ташланг, қулф уринг  
Ва ёки, яхшиси, бўғиб ўлдилинг!»

Шоҳнинг сайислари, амалдорлари  
Тиржайиб, бужмайтиб макрли юзни,  
Қизга ташландилар жинлар сингари  
Ва ўлим қўлига бердилар қизни.

## II

Иблисларга Ўлим бош эгар ҳар дам,  
Аммо кайфи ўша кун эди нохуш,  
Ахир, ишқ баҳорида жўш уради-ку,  
Ҳаёт уруғи ҳатто ўлимда ҳам.  
У зерикар доим имирсилашдан,  
Доим бадбўй мурда ҳидин ҳидлашдан,  
Турли касал билан қириб ташлашдан,  
Вақтни ажал пайти билан ўлчашдан,  
Ўлим ҳам лақиллаб юрмоқни хоҳлар.  
Жонига текканди: бемаъни қўрқув,  
Муқаррар учрашда — фарёд ва қий-чув,  
Жонига текканди мотам, тобутлар.  
Ўзи-ку энг қабиҳ ишлар билан банд,  
Оламнинг юзида ифлос, иллатлар,  
Ўз ишини билиб бажарар, гарчанд —  
Одамлар Ўлимни ортиқча билар,  
Бу эса Ўлимга кўп алам қилар.  
Аччиғини чиқарар одам подаси,  
Баъзан жаҳли чиқиб у олиб кетар  
Дунёдан энг яхши одам боласин.  
Кошки эди — Ўлим Иблисни севса,  
Жаҳаннам ўтида нафас олсайди,  
Жингалак олов соч иблис-ла бирга  
Севгининг дардида зор йиғласайди!

## III

Қиз Ўлим олдида дадил туради,  
Даҳшатли зарбани бемалол кутиб.  
Ўлим-чи, ачинди ва ғулдиради;  
«Жуда ёш экансан! Шоҳни нима деб,

Кўп хафа қилибсан, кўпол сўзлабсан?

Шунинг учун сени ўлдирмоқчиман».

«Аччиғинг келмасин,— деди қиз шунда,—

Нимага сен мендан хафа бўласан?

Кўм-кўк бутазорнинг кўланкасида

Биринчи бор ўпди севгилим, эркам.

Кўзга кўринарми подшоҳ ўша тоб.

Нетайки, қайтаркан урушдан хуноб.

Шоҳга шартта айтдим мен ўша замон,

Яхшиси, йўлингдан қолма, отахон!

Ёмон гап айтмадим шекилли, аммо,

Қарасам, бошимга гушипти бало!

Нетай? Сендан қочиб, қайга борардим,

Уламан шекилли, севгига тўймай,

Жон Улим! Утиниб сендан сўрардим —

Рухсат эт, ёр билан яна ўпишай!»

Бу сўзлар Улимга қизиқ бир нарса —

Бундай ўтинч қилмас ҳеч ким Улимга.

Ўйлар: «Ўпишмоқни одам тарк этса —

Нетарман дунёда? Керакман кимга?»

Кўклам қуёшининг иссиғида жим

Суякларин тоблаб ўлтирган Улим —

Илонни имлаб, дер: «Боргил, ўпиш тез!

Тун сеники, тонгда ўлдираман, қиз!»

Ва тошга ўтириб Улим кутарди,

Унинг чалғисини яларди илон.

Қиз бахту қувончдан фарёд кўтарди.

Улим ғулдираб, дер: «Борсанг-чи, чаққон».

#### IV

Кўклам қуёшида исинган Улим

Эскирган, тўзиган чоригин ечди.

Тошга ёнбошлади ва ухлаб кетди.

Ёмон тушларида шу ҳоллар кечди:

Гўёки, Улимнинг отаси Қобил —

Эвараси бўлмиш Иуда билан —

Тоққа тирмашармиш, бемадор, кучсиз,

Худди ўрмаловчи иккита илон.

Қобил кўкка қараб нурсиз кўзлар-ла —

«Эй худо!»— деб инграр, ҳазин ва нолон.

Ёвуз Иуда ҳам ғамгин сўзлар-ла —  
 «Худо!»— дерди ердан кўз олмай ҳамон.  
 Тоғ устида, алвон булут ичида  
 Ёнбошлаган худо, ўқирди китоб.  
 Юлдуз-ла ёзилган китоб бетлари,  
 Сомон йўли бир бет, кичкина бир боб!  
 Тоғнинг чўққисида турар Микоил,  
 Унинг оқ қўлида бир боғлам чакмоқ,  
 Йўлчиларга сўйлар қаҳр билан ул:  
 «Худо қабул қилмас! Йўқолинг тезроқ!»  
 «Микоил!— деб Қобил илтижо қилди:—  
 Биладан дунёда қилдим зўр гуноҳ!  
 Ерқин Ҳаёт қотили мендан туғилди.  
 Мен разил Улимнинг отаси, эвоҳ!»  
 «Микоил! Биладан,— дерди Иуда,—  
 Қобилдан баттароқ менман гуноҳкор —  
 Чунки мен у малъун Улимга сотдим —  
 Қуёшдай ёп-ёруғ худо дилини!»  
 Ялиниб-ёлворар икков баравар:  
 «Микоил! Сен айтгин, раҳм қилсин у,  
 Бир оғиз сўз айтса, биз учун етар,  
 Ундан биз кечирим. сўрамаймиз-ку!»

Микоил секин дер уларга қараб:  
 «Арзингни худога айтдим, мен уч бор.  
 Жавоб бермади у менга икки гал,  
 Охири бош чайқаб дер парвардигор:  
 «Тураркан ҳаётни сиртмоқлаб Ажал.  
 Қобил, Иудага бўлмас кечирим!  
 Улимни абадий енгар бўлса ким,  
 Иккисин ўша куч кечирсин, майли».

Қотил билан Сотқиннинг ҳушлари учди,  
 Бир-бирин қучоқлаб, зор йиғлаб шу он  
 Сассиқ ботқоқликка ағнаб тушишди.  
 Ботқоқда жинлару алвасти, шайтон  
 Шодланиб, қутуриб, тортишиб ясов,  
 Қобил, Иудага тупура бошлар,  
 Сассиқ ботқоқликда кўкимтир олов.

## V

Улим туш пайтида уйқудан турди.  
 Атрофга қаради — бедарак-ку қиз!  
 Улим уйқусираб минғирлаб дерди:



«Тун қисқа бўлдимиз? Бешарм, адабсиз!»  
Четан орқасидан узиб пиستاني  
Ўлим ҳидлар эди, тўйиб боқарди.  
Терак барглари қуёш нурлари  
Зарга ўрагани унга ёқарди.

Қуёшга боқди-ю ўлим тўсатдан,  
Бошлади хунук бир куй билган ердан:

«Ҳеч аямай кишилар

Дўстини ўлдирар.

Кўмгандан сўнг куйлашар:

«Жойинг жаннатда бўлсин!»

Тушунмайман мен шунга!

Зулм қилади золим,

У ўлгач дерлар доим:

«Жойинг жаннатда бўлсин!»

Ўлганда яхши одам,

Ёки ўғри, чекиб ғам,

Куйлашади унга ҳам:

«Жойинг жаннатда бўлсин!»

Аҳмоқми, ҳайвон, нодон,

Ўлдираман беомон,

Лекин куйлашар ҳамон:

«Жойинг жаннатда бўлсин!»

## VI

Қўшигин тугатар, келар аччиғи,  
Вақт ўтди бир кеча-кундуздан кўпроқ,  
Қиз эса келмайди, бу не қилиғи,  
Бу — ёмон! Ўлим-ку ҳазилдан йироқ...

Тобора хит бўлиб, тошарди жаҳли,

Чориқ ва жандасин кийди у нотинч.

Ой чиқишин зўрға кутиб, аламли

Йўлга тушди, кузги булутдай қўрқинч.

Анчадан сўнг кўрди: ўрмон панасида

Шудринг тушган ёнғоқ тагида гул юз,

Атлас майсазорда, ой шуъласида

Кўклам парисидай ўтирарди қиз.

Навбаҳор еридай бўлиқ яланғоч,—

Мармардай сийнаси ҳаёсиз очиқ,

Ипакдай танида, гул юзида оч —

Бўсаларнинг изи юлдуздай сочиқ.

Маммалар юлдуздай кўксини безар,

Кўзлар ҳам юлдуздай чақнаб пирпирар,  
Осмонга, зангор соч тун сўқмоғига —  
Еруғ — Сомон йўлга тикилиб қарар.

Кўзлари остида кўкимтир ҳалқа  
Ўпишдан қип-қизил лаблари, бети.

Унинг тиззасига қўйиб бошини,

Чарчаган кийикдай мудрар йигити.

Улим қаради-ю, бўш чаноғида

Яллиғланган нафрат олови сўнди:

«Нега, Момо Ҳаво каби, тангридан —

Қочиб, бутазорга бекидинг?» — деди.

Ой-юлдуз порлаган кўкдай тани-ла

Ерини Улимдан тўсиб жонона

Жавоб қайтарди у дадил, мардона:

«Тўхта, мени сўкма! Ҳали кўп шошма,

Бақирма, қўрқитма шўрлик ёримни,

Чалғинг жаранглатиб ҳаддингдан ошма!

Мен ҳозироқ бориб кираман гўрга.

Умрини узоқ қил бу дилдоримнинг!

Вақтида келмадим сен айтган ерга.

Айб менда, ўйладим — ўлим узоқмас,

Йигитни қучоқлай яна бир нафас.

Мен билан ўтириш кўнгилли унга!

Ўзи ҳам кўп яхши! Заб ўғил бола!

Мана кўр, юзимда ва оқ сийнамда —

Не излар қолдирди — оловли лола —

Кабии яшнаб ётар нафис танамда!»

Улим ҳам уялиб, жилмайди секин:

«Тўғри, ўпишибсан қуёш-ла, лекин,

Ўзинг ҳам ўйлаб кўр, сен битта эмас,

Мингларни ўлдирмоқ керак! Вақт кутмас.

Мен вақтга виждонан қиламан хизмат,

Иш кўпу фурсат оз, қаридим энди —

Ҳар дақиқа учун куяман. Бўлди —

Қани, қиз, тайёрлан! Бас — етди фурсат!»

Қиз деди: «Ёр мени қучоқлаган пайт —

На ер ва на осмон кўзга кўринар.

Дилимга тўлади самовий қувват.

Дилимда самовий бир олов ёнар.

Тақдирнинг олдида ортиқ титраш йўқ,

На худо, на одам бўлади даркор!

Шодлик бола каби шодланар ўзи,

Севги — ўз-ўзидан бўлар миннатдор!»

Ўлим жим ўйланиб қолди жиддийроқ!  
Кўрди — қиз қўшиғин ҳеч тўхтатолмас!  
Дунёда қуёшдан гўзал худо йўқ.  
Ва севги ўтидан гўзал ўт бўлмас!

## VII

Ўлим жим туради, қизнинг сўзлари  
Ҳасад оловида ёқар суягин.  
Уни элтар гоҳ ўт, гоҳо муз сари,  
Жаҳонга не берар Ўлим юраги?

Ўлим она эмас ва лекин хотин,  
Унинг ҳам юраги ақлидан устун.  
Бордир ўлимнинг ҳам шум юрагида —  
Шафқат-да, нафрат-да, ғам куртаги-да.  
Ўлим кимни қаттиқ севса, ўшанга —  
Сукунатнинг улуғ нашъасин сўйлар,  
Кимки шум дард билан куйса ўшанга  
Тунлари меҳри-ла шивирлаб куйлар!  
Ўлим деди: «Бўлсин мўъжиза! Сенга —  
Рухсат бераман, бор! Яшайвер, яша!  
Фақат ёнингда мен юраман бирга,  
Муҳаббат ёнида бўлғум ҳамиша!»

\* \* \*

Ўшандан бери то шу кунга қадар  
Севги билан Ўлим опа-сингилдай —  
Севгининг кетидан ажралмай юрар;  
Ўткир чалғи судраб, худди совчидай.  
Синглиси Муҳаббат сеҳрлангандай  
У билан ҳар ерда ўтказар вақтин,  
Тўю азада ҳам, тузар ҳеч толмай  
Муҳаббат шодлигин ва ҳаёт бахтин.

1892.

## ИЗЕРГИЛЬ КАМПИР

### I

Бу ҳикояларни Бессарабияда, денгизнинг Аккерманга яқин қирғоғида эшитганман.

Бир кун кечқурун, мен билан бирга ишловчи молдаванлар, кундузги узум теришни тамомлаб, ҳаммаси денгиз бўйига кетди; мен билан Изергиль кампир икковимиз тоқларнинг қалин кўланкасида ерга чўзилишдигу, денгиз томон кетаётган одамлар қорасининг тунги зулмат қўйнида аста-секин эриб боришини жимгина томоша қилиб ётдик.

Улар ашула айтишиб, кулишиб кетдилар; эркаклар — бронза тусли, қора шопдай мўйловли, қалин, қўнғироқ сочлари елкаларига тушган, калта нимча ва кенг чолвор кийишган; хотинлар ҳам, қизлар ҳам — шўх, эпчил, қўзлари кўм-кўк, булар ҳам бронза тусли. Буларнинг ипакдай майин қора сочлари орқалари билан битта бўлиб ёйилиб ётади; илиқ ва майин шабада уларнинг сочлари билан ўйнашиб, кокилларининг учларига тақилган тангаларини жиринглади. Шабада кенг ва текис тўлқин сингари оқади, баъзида эса, кўринмас бир нарса устидан ҳатлагандай бўлади-да, янада кучайиб, хотин-қизларнинг сочларини бошлари атрофида ажойиб бир тусда ҳурпайтиради. Бу ҳол аёлларни ғалати ва афсонавий кўрсатарди. Улар биздан ҳамон узоқлашиб борардилар, тун ва фантазия эса, уларни яна ҳам дилбарроқ қилиб кўрсатарди.

Аллаким скрипка чалиб боради... қизлардан бири майин ва ёқимли товуш билан куйлайди, кулгилар эшитилади...

Ҳаво денгизнинг ўткир ҳиди ва кечки пайт ёққан кучли ёмғирдан ивиган ернинг буғлари билан тўлган. Кўк

юзиди шакли ва ранги ғалати пахмоқ булут парчалари ҳа-ли ҳам кезиб юришибди: яқиндагилари — тутун сингари майин, оч кўк ва кул рангга мойил мовий, узоқдагилари эса — қоя синиқлари каби қиррадор, қорамтир ё жигар ранг. Булутлар орасидан юлдузларнинг дурдоналари-ла безалган тўқ мовий осмон парчалари эркаланиб қараб туради. Бу товушлар ва хушбўй ҳидлар, булутлар ва одамлар — ҳаммаси шунча ҳам чиройли, шунча ҳам мунгли эдики, кишига ажойиб бир афсонанинг бошидек кўринарди. Ниҳоят, ҳар бир нарса ўсишдан тўхтагандек, ўлгандек бўлди; овозлар узоқлашган сари ғамгин бир оҳга айланиб, сўнгра тамоман сўнди.

— Сен нега улар билан бирга бормадинг? — деб сўради Изергиль кампир, боши билан имлаб.

Замон уни букчайтирган, бир маҳаллар қоп-қора бўлган кўзлари энди хиралашган, ёшланган. Овози қуруқлигидан ғалати эшитилади, худди суяклари билан гапираётгандай ғичирлайди.

— Хоҳламайман, — деб жавоб қилдим мен.

— Ух!.. Онадан қари туғилгансизлар, сиз руслар. Ҳаммангиз ҳам девга ўхшаш ҳайбатлисиз... Қизларимиз сендан кўрқишади... Сен ахир ёшсан, кучлисан...

Ой чиқди. Унинг доираси катта, қип-қизил қон рангида. У мана шу ер бағридан чиққандай кўринади. Ер бўлса ўз умрида жуда кўп одам гўшти еган, қон ичган, шу сабабли бўлса керак, жуда семиз, баракали бўлиб қолган. Баргларнинг гажим сояси устимизга тушиб, бизни тўрдай ёпди. Ойнинг мовий ёғдусига чўмган булут кўланкалари чап ёғимиздаги дала юзидан сузиб ўтдилар, улар яна ҳам тиниқроқ, ёрқинроқ бўлиб қолдилар.

— Қара, ҳув ана, Ларра келяпти!

Мен, кампир қинғир бармоқли титроқ қўли билан кўрсатган томонга қарадим: у ёқда жуда кўп булутлар сояси кўринади; шулардан бири — бошқаларидан қорароқ ва қуюқроғи — шерикларидан пастроқда, тез-тез сузиб бормоқда; бу соя бошқа соялардан ерга яқинроқ бўлган ва улардан тезроқ сузиб келаётган бир парча булутдан тушар эди.

— У ёқда ҳеч ким йўқ-ку! — дедим.

— Сен мен кампирдан ҳам бешбаттар кўр экансан. Қара, ҳув ана қораси, далада югуриб келяпти-ку!

Мен яна қарадим, лекин соядан бўлак ҳеч нима кўрмадим.

— Соя-ку! Нега Ларра дейсан?

— Негаки, Ларра — шу. У энди соя бўлиб қолган. Умр уни шу кўйга солган. Минг йиллардан бери умр кўради у; қуёш қаддини, қонини, суякларини қуритди, шамол бўлса тўзитди. Худо, кибру ҳавога борган одам боласини ана шу кўйга солди!..

Бу даштларда тўқилган ажойиб эртақлардан бири эканини сезиб:

— Бунинг қандай бўлганини айтиб бер!— деб илтимос қилдим кампирдан.

Кампир ҳам менга шу эртақни айтиб берди.

«Бу воқеа юз берганига неча минг йиллар бўлган. Денгизнинг ул юзида, узоқ кунчиқар ёқда, катта сой мамлакати бор; у мамлакатда ҳар бир дарахт барги ва ҳар бир кўкат қуёшнинг жазирама иссиғидан сақланмоқ учун одамларга етгули соя бериб туради.

Уша мамлакатнинг ерлари ана шундай сахий!

У ерда қудратли бир қабила яшар, ундаги одамларнинг кунни пода боқиш билан ўтарди, улар бутун куч ва жасоратини ҳайвон овлашга сарф этишар, овдан кейин базм қуриб, ашула айтишар, қизлар билан ўйнашар эди.

Бир кун, базм маҳалида, бир бургут осмондан тушиб, тун каби нозик қора соч бир қизни кўтариб кетиб қолди. Эркақларнинг бургутга отган ўқлари ночор ерга қайтиб тушди. Шундан кейин қизни излашга тушдилар, лекин қиз топилмади. Охири, дунёда ҳамма нарса эсдан чиққанидай, қиз ҳам эсдан чиқди».

Кампир хўрсиниб тўхтади. Унинг ғичирлаган товуши шундай бир оҳангда чиқардики, гўё унутилган асрларнинг ҳаммаси хотиралар соясига айлангану унинг сийнасига тўпланиб, нола қилаётганга ўхшарди. Балки денгиз ўз бўйларида тўқилган эски афсоналардан бирини аста-секин такрорларди.

«Лекин йигирма йилдан кейин қизнинг ўзи қайтиб келди: қийналган, қоқ суяк бўлиб қолган, ёнида йигирма йил аввалги ўзи сингари чиройли, кучли бир йигитча ҳам бор эди. Қиздан қаерда бўлганини сўраганларида, ўша бургут тоғларга олиб чиқиб кетганини, бургут билан эру хотин бўлиб турганини айтди. Бу бола унинг ўғли эмиш, бургут эса дунёдан ўтибди — куч-мадори кета бошлагач, охирги марта осмонга баланд кўтарилибди-да, қанотларини йиғиб туриб, ўзини ўткир тошга келтириб урибди, шу билан мажақ-мажақ бўлиб ўлибди...»

Ҳамма ҳайрон бўлиб бургут ўғлига қараб қолади ва унинг ўзларидан ҳеч қандай афзал эмаслигини, фақат кўзлари, қушлар подшосиники сингари мағрур ва совуқ эканини кўради. Ундан гап сўрашганларида, хоҳласа жавоб қилди, хоҳламаса жим тураверди. Қабилла оқсоқоллари келганда, улар билан ўз тенгқурларидай гаплашди. Бу нарсаси оқсоқолларни хафа қилди, улар йигитни, уни чархланмаган патсиз ёй, деб атадилар ҳамда ўзларини мингламача ундақалар ва ундан катталар ҳам ҳурмат қилишларини гапларига қулоқ солишларини айтдилар. Йигитча эса, оқсоқолларнинг юзларига тик қараб, дунёда унга тенг келадиган ҳеч ким йўқлигини, уларни ҳамма ҳурмат қилганда ҳам, ўзи ҳурмат қилмаслигини айтди. О!.. Шунда оқсоқоллар жуда қаттиқ аччиқландилар. Аччиқларига чидамасдан:

— Бизнинг орамизда унга жой йўқ! Хоҳлаган ерига кетаверсин!— дедилар.

У кулди, кейин хоҳлаган ерига — ундан кўзларини узмай, тикилиб турган гўзал бир қиз ёнига борди; яқинига келиб, уни қучоқлаб олди. Қиз эса, уни қоралаган оқсоқоллардан бирининг қизи эди. Йигит чиройли бўлса ҳам, қиз уни итариб ташлади, чунки отасидан қўрқар эди. Қиз уни итариб юбориб кетаверди, йигит етиб келиб урди, қиз йиқилгач, кўкрагига чиқиб олиб шундай депсадикки, қизнинг оғзидан қон тирқираб осмонга сачради; қиз бир хўрсинди-ю, илондай тўлғаниб, жон берди.

Буни кўрганларнинг ҳаммасини ваҳм босди — уларнинг кўз олдида хотин киши биринчи марта ўлдирилаётган эди. Оғзидан қон чиқиб, кўзлари очик ётган қизга ва унинг ёнида, оломон қаршисида ёлғиз ўзи турган йигитга ҳамма тикилиб, узоқ жимиб қолди; йигит мағрур эди — ҳар қандай жазога тайёрман, дегандай бошини ғоз кўтариб турарди. Оломон ўзига келгандан сўнг уни тутиб боғлади-да, шу ҳолда қолдирди: уни ҳозир ўлдириш — йигит учун осон қутулиш бўлади, жамоат ҳам қаноатланмайди, деб ўйлади».

Тун улғайиб, тобора кучайиб аллақандай ғалати, майин товушларга тўлмоқда. Даштда юмронқозиқлар ғамгин чийиллашади, ток баргларида чигирткалар чириллашади. япроқлар шитирлашиб, пичирләшәтгандай бўлади, боя қон рангида қизариб турган тўлин ой ердан йироқлашган сари оқариб, даштга кўпроқ мовий ёғду сочиб кўтарилади...

«Шундай қилиб, оқсоқоллар йигитни жиноятига яраша жазолагани тўпландилар... Уни икки отга боғлаб, йириб ташламоқчи бўлган эдилар, бу ҳам уларга оз кўринди,

ҳамма унга биттадан ўқ отсин, деган гап бўлган эди, буни ҳам рад қилдилар; ўтга ташлаб куйдирсакмикин, дейишди-ю, тортадиган азобини тутун тўсиб қолади, деб буни ҳам қилмайдиган бўлишди; жуда кўп таклифлар бўлди, лекин ҳаммага ёқаيدиган яхшироқ жазо топилмади. Йигитнинг онаси эса, улар ҳузурида тиз чўкиб, чурқ этмай турар, йиғламоқ учун на кўз ёши, ўғли учун афв сўрашга на сўз топа оларди. Улар узоқ ақлашдилар, охири донишмандлардан бири узоқ ўйлагандан сўнг:

— Нима учун бундай қилганини ўзидан сўрайлик-чи? — деди.

Йигитдан сўраган эдилар, у:

— Қўлимни бўшатишлар! Қўлим боғлиқ — гаплашмайман! — деб айтди.

Қўлларини бўшатишганда эса:

— Сизларга нима керак? — деб сўради; бу саволни у шундай бердики, ҳузуридагилар гўё унинг қуллари эди... -

— Нима кераклигини эшитдинг... — деди донишманд.

— Қилмишимнинг сабабини сизларга айтиб нима қиламан?

— Ана шу сабабларни бизлар ҳам билайлик-да. Ҳой мағрур бола, қулоқ сол! Ахир, барибир, ўлиб кетасан... Шундай бўлгандан кейин, қилмишимни англашиб кетганинг маъқул. Биз қоламиз, шунинг учун, билганларимиз устига яна янги нарсаларни ҳам билсак, фойдадан холи бўлмайди...

— Хўп, бўлган ҳодисанинг сабабини, аҳтимол, ўзим ҳам нотўғри тушунарман, шундай бўлса ҳам айтиб бераман. Назаримда, мени итариб юборгани учун ўлдирган бўлсам керак... Ҳолбуки, у менга керак эди.

— Ахир у сеники эмас-ку! — дедилар унга.

— Ҳали сизлар фақат ўз мулкларингиздангина фойдаланасизларми? Кўриб турибманки, ҳар бир одамнинг фақат тили, қўллари, оёқлари бору... яна ҳайвонларни, хотинларни, ер-сувни... ва бошқа бир талай нарсаларни ҳам эгаллаб олибди.

Унинг бу сўзига шундай жавоб қилишди:

— Одамзод олган нарсаси эвазига ўзини беради: ўз ақлини, куч-қувватини, баъзан — жонини ҳам.

Йигит бўлса, ўзини бутун сақлаш ниятида эканини айтди.

У билан узоқ баҳслашдилар, охири билсалар: у ўзини дунёда биринчи одам деб ҳисоблар, ўзидан бўлак ҳеч кимни писанд қилмас экан. Йигит ўзини ана шундай мудҳиш



ёлғизликка мубтало қилаётганини ҳамма англаб, даҳшатга тушди. Унинг учун на қабила, на она, на чорва ва на хотин бор эди; у булардан ҳеч бирини хоҳламасди.

Одамлар унинг шунақалигини билганларидан кейин, унга қандай жазо берсак экан, деб яна ўйлай бошладилар. Лекин бу сафар узоқ гап ташлаб ўтиришмади, шу дамгача гапга аралашмай ўтирган бояги донишманд тилга кирди:

— Шошманглар! Жазоси бор! Лекин бу жуда ёмон жазо; сизлар минг йил ўйласангизлар ҳам бунақасини тополмайсизлар! Унга бериладиган жазо — унинг ўзида! Қўйиб юборинглар, ҳур-озод юраверсин... Унинг жазоси шу!

Шу пайт ғалати бир мўъжиза юз берди. Булутсиз кўкда момақалди роқ гулдуради. Бу осмон қудрати — донишманднинг сўзини тасдиқлар эди. Одамлар таъзим қилиб тарқалдилар. Энди Ларра, яъни рад этилган, қувилган деб ном олган ҳалиги йигит, ташлаб кетган одамлар орқасидан қаттиқ кулди, ўзи ёлғиз қолиб, отаси каби ҳур ва озод бўлиб олгани учун кулар эди. Лекин унинг отаси — одам эмас... Бу эса — одам эди. Шундай қилиб, у қуш сингари эркин ҳаёт кечира бошлади. У одамлар орасига келиб, ҳайвонлардан, қизлардан, хоҳлаган нарсаларидан ўғирлаб кетиб юрди. Унга ўқ отардилар, лекин энг олий жазонинг кўзга кўринмас пардаси тўсиб турган гавдасига ўқ ўтмасди. Чаққон, йиртқич, кучли, бағритош эди у; одамлар билан юзма-юз келиб кўришмасди. Уни фақат узоқдан кўрардилар. У одамлар атрофида узоқ вақт ёлғиз, танҳо айланди, у бир неча ўн йиллар шундай юрди. Охири, кунлардан бир кун, ўзи одамларга яқин келди, одамлар унга ҳамла қилишган эди, жойидан ҳам жилмади, ўзини ҳимоя қилиш ғамини ҳам емади. Шунда одамлардан бири сирни пайқаб қолиб, баланд товуш билан:

— Тегманглар! Улгиси келибди! — деб қичқирди.

Одамлар тўхтадилар, улар ўзларига шунча ёмонлик қилган кишини ўлдириш билан унинг мушкулини осон қилишни хоҳламадилар. Ҳамма уни масхара қилиб кулди. У бўлса, бу кулгиларни эшитиб, дағ-дағ титрар, қўллари билан кўкрагини тимирскилаб, ниманидир излар эди. Ана шундан кейин қўлига тош олиб, одамларга ҳужум қилди. Одамлар ўзларини тошдан паналадилару, лекин унга ҳеч зарар етказмадилар, пировардида, у мажолдан кетиб ерга йиқилганда, ҳамма четга чиқиб, томоша қилиб турди. Ана энди ўрнидан турди, у билан курашда кимдир йўқотган пичоқни топиб олиб, ўз кўксига урди. Лекин пичоқ, тошга

теккандай синди. Ана шундан кейин ўзини ерга отиб, ҳадеб бошини ерга ураверди. Лекин ер ҳам ундан ўзини олиб қочди — боши теккан жойдаги тупроқ ботиб, чуқурлик ҳосил бўлди.

— Улолмаяпти! — деб суюнишди одамлар.

Одамлар уни ташлаб кетдилар. У чалқанча тушиб ётди ва баланд осмонда қора нуқталардай бўлиб учиб юрган қудратли бургутларни кўрди. Ана шунда кўзларини шу қадар кўп ғусса босдики, у билан ер юзидаги бутун инсонларни қайғуга солса бўлар эди. Шундай қилиб, ўшандан бери у ажал ахтариб, ўзи ёлғиз, ҳур-озод юради. Шунинг учун ҳар ерда санқиб, изғиб юради... Кўрдингми, соянинг ўзи бўлиб қолибди, энди умрбод шундайлигича қолади! У одамларнинг тилини ҳам, амалини ҳам, ҳеч нимани билмайди. Фақат излайди, юради, санқийди... Унинг учун ҳаёт ҳам йўқ, ажал ҳам қайрилиб боқмайди. Одамлар орасида ҳам юролмайди... Кибру ҳавога берилган одам боласи мана шундай жазо тортди!»

Кампир хўрсиниб, жим бўлиб қолди, калласи кўкрагигача эгилиб, бир неча марта ғалати силкинди.

Мен унга қарадим. Кампирни уйқу босгандай кўринди. Билмадим, нимагадир унга жуда раҳмим келиб кетди. Ҳикоянинг охирини баландпарвоз, пўписали оҳангда айтган бўлса ҳам, барибир, овозида юраксизлик, қуллик оҳанги янграб турар эди.

Денгиз қирғоғидан ашула, жуда ғалати ашула кела бошлади. Олдин ёқимли хотин киши овози эшитилди: бу овоз икки-уч банд айтгач, ашулани бошдан такрорлаган иккинчи овоз келди. Биринчи овоз эса, ҳамон олдинда тараннум этарди... Шу тариқа ашулага учинчи, тўртинчи, бешинчи овозлар қўшилди. Бирданига худди шу ашулани эркаклар хори яна бошдан такрорлади.

Ҳар бир хотиннинг овози алоҳида чиқарди. Бу овозлар, баайни ранг-баранг ирмоқлар сингари, баланд бир ердан поғонама-поғона юмаланиб, отилиб, жаранглаб тушгандай эшитиларди, кейин эса, юқорига силлиққина кўтарилаётган эркаклар товушининг азамат тўлқинига аралшиб чиққандай бўларди, гоҳ бу йўгон овозлар тўлқинидан ажраб чиқар, гоҳ уни босиб тушарди-да, яна бақувват, беғубор бўлиб, бир-бирининг орқасидан юксакларга парвоз қиларди.

Бу овозлар остида денгиз тўлқинларининг шов-шувлари эшитилмайди...

Изергиль бошини кўтариб ва тишсиз оғзи билан кудимсираб:

— Ҳеч ерда шунақа ашулани эшитганмисан?— деб сўради.

— Эшитмаганман. Ҳеч вақт эшитмаганман...

— Эшитмайсан ҳам. Биз куйлашни яхши кўрамиз. Фақат гўзалларгина, яшашни севадиган гўзалларгина яхши куйлай оладилар. Биз яшашни севамиз. Уни қара, ҳув куйлаётганлар кун бўйи ишлашиб, чарчашмадимикан? Кун чиққандан кун ботгунча ишлашди, ой туғди дегунча куй бошлашди! Яшаш йўлини билмаганлар шу топда донг қошиб ухлаб ётишибди. Яшашни азиз кўрган, унинг қадрига етганлар бўлса, куйлашяпти.

— Лекин тани сиҳатлик...— деб сўз бошлаган эдим, кампир сўзимни бўлди:

— Тани сиҳатлик ҳамма вақт умрга етади. Тани сиҳатлик эмиш! Ажаб, пулинг бўлса харжламай ўтирармидинг? Тани сиҳатлик ҳам — олтин деган сўз. Биласанми, ёшлик чоғларимда мен нималар қилар эдим? Кун чиққандан кун ботганга қадар қимирламай ўтириб, гилам тўқир эдим. Мен офтоб нуридай жонли бўлсам ҳам, тошдай қимирламай ўтиришга мажбур эдим. Шундай қаттиқ ўтирардимки, гоҳи маҳаллар суякларим зирқираб кетар эди. Кеч кирди дегунча ёр ёнига елиб бориб, ўпишардим. Ишқим борича, уч ой ёр кулбасига югурдим; ўша кечаларнинг барини ёр бағрида совурдим. Мана шу ёшга етдим — қоним кифоя этди! О, қанча одамларни севдим! Қанча ўпишлар олдим, қанчадан-қанча ўпишлар бердим!..

Мен унинг юзига боқдим. Кўзлари ҳамон сўник, бу хотиралардан жонланмаган эди. Ой унинг қуриб, ёрилиб кетган лабларини, оқ тук босган узунчоқ иягини, бойқуш тумшугига ўхшаш эгилган, ажин босган бурнини ёритиб туради. Бетлари ўрнида иккита қора чуқурча қолган, улардан бирини бошига ўраб олган қизил латта тагидан чувалиб чиққан бир тутам кул ранг соч тўсиб олган. Юз, қўл ва бўйин териларини тамом ажин босган; қари Изергиль қимирлагудай бўлса, қуруқ териси йиртилиб, лахтак-лахтак бўлиб тушади-ю, кўз ўнгимда қора кўзлари сўник қуруқ скелет қолади, деб ўйлаш мумкин эди.

У гичирлаган товуш билан яна ҳикоя бошлади:

«Мен онам билан Фальма ёнида, Бирлат дарёсининг нақ қирғоғида яшар эдим; у бизнинг хуторимизга келганда, мен энди ўн бешга кирувдим. Бўйгинаси баланддан келган, чаққон, мўйловлари қора, шўх йигит эди. Қайиқда ўтирган жойида деразамизга қараб: «Ҳой, виноларинг йўқми?.. Овқат-повқат-чи!»— деб қичқирди. Деразадан туриб, шумтол шохлари орасидан қарасам: дарё суви ой ёғдусида ҳаво ранг тус олган, у бўлса, оқ кўйлак кийиб, учлари осилиб тушган катта қизил белбоғ боғлаб, бир оёғини қирғоққа, иккинчисини қайиққа қўйиб турган экан. Ҳадеб тебранади, аллақандай ашула айтади. Мени кўриб: «Уҳ-ҳу, бу ерда қандай жонон турар экан!.. Мен билмабман-а!»— деди. Худди мендан бўлак гўзалларни ҳам билгандай гапирди-я! Мен унга вино билан пиширилган чўчқа гўшти бердим... Тўрт кундан кейин эса, ўзимни ҳам бус-бутун топширдим... Кечалари икковимиз қайиққа тушиб ўйнардик. У келарди-да, юмронқозиққа ўхшатиб, секин чийиллаб қўярди, мен бўлсам, деразадан дарёга балиқдай сакраб тушардим. Ана шундан кейин кетардик... У Прут дарёсидан келган балиқчи эди; бир кун онам сиримни билиб қолиб, мени урганда, у Добружага ва ундан нари Дунай этакларига кетайлик, деб менга кўп ялинди. Лекин ўша пайт ундан кўнглим қолган эди, нимага десанг, нуқул ашула айтишни-ю ўпишишни билади, бошқа ҳеч нимада йўқ! Буни си меъдамга тегди. Ўша маҳал у ёқларда денгиз қароқчилари тўп-тўп бўлиб юришар, ҳар бирининг бу ерларда севган ёри бўлар эди... Маза ана шуларники эди. Гоҳи қизлар ўзларининг карпатлик ёрлари йўлида соч тараб, йигитлар турмага тушиб ё муштлашда ўлиб қолдимикан, деб зоринтизор бўлиб ўтирганда, қарабсанки, ёри ё ўзи, ё бўлмаса икки-уч ўртоғи билан осмондан тушгандай кириб келади. Қимматбаҳо совға-саломлар келтиради — рост-да, уларга мол қаҳатми? Шундай қилиб, йигит қиз билан айшу ишрат қилади, ўртоқларига севгилисини мақтаб қувонади. Бундан қизнинг боши осмонга етади! Мен ҳам қароқчидан ёр тутган бир дугонамга, уларни менга ҳам таништириб қўйсанг, деб ялиндим... Оти нима эди-я ўша дугонамининг? Эсимдан чиқибди... Энди ҳамма нарса эсимдан чиқаверадиган бўлиб қолди. Эҳ-эҳ, жуда кўп йиллар ўтди-ку, эсдан чиқади-да, албатта! Дугонам мени бир йигитча билан таништириб қўйди. Яхши эди... Жийрон — мўйловлари ҳам, сочлари ҳам жийрон эди! Ерга урса кўкка сачрарди. У маъюс кўринар, лекин гоҳида мулойим бўлиб, гоҳида

йиртқич ҳайвондай ўкириб, муштлашиб кетарди. Бир кун юзимга шапати тортиб юборди... Мен ҳам кўкрагига шундай сакраб чиқдим, бир бетини маҳкам тишлаб олдим... Уша ери чуқурча бўлиб қолди; чуқурчасидан ўпишим унга ёқар эди...»

— Балиқчи нима бўлди? — деб сўрадим.

«Балиқчимиз? У ҳам... ўша ерда эди.. Уша гуцулларга қўшилиб кетди. Олдин — мени хўп авраб кўрди, сувга ташлаб юбораман, деб дўқ ҳам урди; кейин — иши бўлмай қолди, уларга қўшилди-ю, ўзига бўлак ёр тутди... Пировардида, икковини — балиқчини ҳам, гуцулни ҳам — дорга осиб ўлдиришди. Мен ҳам кўргани бордим. Добружада осиди. Балиқчи дор остига ранги ўчиб, йиғлаб келди, гуцул бўлса, трубкасани буруқсатиб борди. Парво қилмай, баҳузур чекиб келяпти, қўлларини чўнтақларига солиб олибди, бир мўйлови елкасида, иккинчиси эса, кўксида осилиб ётибди. Мени кўриб, оғзидан трубкасани олди-ю: «Хайр энди!» деб қичқирди... Бир йилгача доғини чекиб юрдим. Эҳ!.. Улар ўз Карпатларига жўнаймиз деб туришганида шу балага гирифтор бўлиб қолишди-да. Хайрлашиб келиш учун бир руминникига меҳмон бўлиб боришган экан, ўша ердан тутиб кетишибди. Атиги иккитасини ушлашибди, бир қанчаси ўлибди, бошқалари қочибди... Кейин руминнинг ҳам хўб таъзирини беришди... Уйини ҳам, тегирмонини ҳам, ғалласини ҳам куйдиришиб, ўзини гадо қилиб қўйишди.

— Сен қилгандирсан-да? — деб, ўсмоқчилаб сўрадим.

— Гуцулларнинг ёр-оғайнилари кўп эди, бир мен эмас... Уларнинг энг яхши дўсти ким бўлса, азани ўша тутди...»

Денгиз бўйидан келаётган ашула овози ҳам тинди, энди кампир ҳикоясини денгиз тўлқинларининг шувиллашларигина такрорлар — бу ўйчан, исёнкор шовқин эса, исёнкор ҳаёт ҳикояси учун ажойиб бир такрор эди. Тун ҳамон майинлашиб, ойнинг мовий ёғдулари тобора ошиб борарди, кўзга кўринмас жониворларнинг жонсарақ ҳаёт нафаси — ноаниқ товушлари эса, авж олаётган тўлқин шовқини остида тобора секинлашар, бўғиларди... Чунки шамол кучайиб борар эди.

«Айтмоқчи, яна бир туркни ҳам яхши кўрганман. Ускудордаги ҳарамида бутун бир ҳафта турдим, ёмон бўлмади... Лекин одам жуда зерикиб кетар экан... Атрофингдагилар нуқул хотинлар. Саккизта хотини бор эди... Кун бўйи оғизлари овқатдан, кўзлари уйқудан тинмайди, бетайин гапларни гапиришади... Ё бир-бирини қарғашиб, товуқлар-

га ўхшаш ҳадеб қақиллашади... Туркнинг ўзи ҳам анча ёшга бориб қолган, соч-соқоллари оқарган, басавлат, бадавлат киши эди. Гапирганда — хону беклардай гапиради... Кўзлари бирам қора, бирам ўткирки, юракка ўқдай ботади... Одамнинг ич-ичини кўриб туради. Ўзи ўлгудай намозхон. Мен уни Букурештида кўрувдим... Бозорда подшога ўхшаб кеккайиб юрган экан, бирам димоғдорки... Тишимнинг оқини кўрсатиб қўювдим, ўша куни кечқуруноқ мени кўчадан тутишиб, унинг олдига олиб келишди. У шамшод билан хурмо савдогари экан. Букурештига бўлса бир нима олгани келибди.— Мен билан кетасанми?— деди:— Жон деб кетаман!— дедим.— Соз!— деди. Шундай қилиб, у билан кетдим-вордим. Жуда бой турк экан. Қорагина, чаққонгина ўғилчаси ҳам бор экан... Ёши ўн олтиларда. Ана шу бола билан қочиб кетдим... Қочиб, Болгарияга, Лом-Паланкага бордим... У ерда бир болгар хотин унашиб қўйган кишисиданми ё эриданми қизганиб — эсимдан ҳам чиқиб кетибди — кўкрагимга пичоқ урди.

Бир ибодатхонада узоқ бетоб бўлиб ётдим. Хотинлар ибодатхонаси эди. Менга бир поляк қиз қаради... Эсимда, Ацер-Паланка яқинидаги бошқа бир ибодатхонадан ҳалиги қизнинг олдига акаси келиб турарди, у ҳам монах эди... Шундайки... худди чувалчанг дейсанг, менинг олдимда нуқул буралгани буралган. Тузалганимдан кейин ўша билан унинг юртига... Польшага кетдим.

— Шошма!.. Ҳалиги турк бола нима бўлди?

— Болами? Ҳа, у бола ўлди. Уйини соғинганиданми ё ишқининг зўрлигиданми... ҳар қалай, офтобнинг ортиқча қиздиришига чидаёлмаган ёш кўчат сингари сўлий бошлади... Шу тахлит хазон бўлди... Эсимда, ранги рўйи ўчиб, муздай кўкариб ётса ҳам, қалбида ишқ ўти алангаланар эди... Яланг:— Эгил, мени ўп,— дейди... Мен уни севардим, эсимда, жуда кўп ўпдим... Кейин аҳволи ёмонлашди — қимирлашга мадори қолмади. Эртадан кечгача қимирламай ётади, гадои садақа сўрагандай, у ҳам ёнига келиб иситиб ётишимни ялиниб-ёлвориб сўрайди. Мен ҳам келиб ётаман. Ётдим дегунча... ўт бўлиб ёниб кетади. Бир кун эрталаб уйғонсам, ёнимда музлаб... ўлиб ётибди... Бошида зор-зор йиғладим. Ким билсин? Балки, уни мен ўлдиригандирман. Ахир ўша вақтлар мен ундан икки баравар катта эдим-да. Иннайкейин, ўзим ҳам кучга тўлган, шарбатдай томиб турган кезларим эди... У-чи? У нима, бир ёш бола эди-да!..»

Кампир чуқур хўрсинди ва уч бор чўқиниб, қурушқоқ лаблари билан бир нималар деб пичирлади. Унинг бу қилиғини биринчи марта кўришим эди.

— Ҳай, шундай қилиб, Польшага ҳам кетдинг...— деб луқма солдим.

«Ҳа... ўша кичкина поляквачча билан. У бирам бедаво, аблаҳ эдики! Хотин даркор бўлса, худди эркак мушукдай яланар, тилидан бол томар эди-ю, керак бўлмай қолсам, тилини қамчи қилиб савалаб кетарди. Бир кун дарё ёқалаб кетаётувдик, нима ҳам бўлди-ю, менга гердайиб, хунук бир сўз айтди. У! У!. Жуда ёмон жаҳлим чиқиб кетди! Ғазабим қайнади! Ердан ёш боладай даст узиб олдим, баланд кўтариб, икки биқинидан шундай қисдимки, кўм-кўк кўкариб кетди. Ўзи кичкина, чуваккина эди, у ёқ-бу ёққа лапанглатиб туриб қирғоқдан дарёга отиб урдим. Додлаб юборди. Жуда қизиқ додлади. Юқоридан қарасам: сувда шалолаб, энтикиб юрибди. Этагимни силкиб кетавердим. Кейин уни ҳеч кўрмадим. Бу тўғрида бахтим бор эди: бир маҳаллар яхши кўрган кишиларим билан кейин ҳеч учрашмасдим. Бу ҳам ўликлар билан учрашгандай ёмон нарса».

Кампир хўрсиниб тўхтади. Унинг хотирасида тирилган одамлар кўз олдимдан бирма-бир ўтавердилар. Мана, ранги рўйи жийрон, мўйлови буралган гуцул, трубкасини бамайлихотир тортиб, ўлим сари кетаётир. Унинг кўзлари ҳамма нарсага диққат ва шиддат билан қарайдиган совуқ, кўк бўлса керак. Ана прутлик қора мўйлов балиқчи ҳам ёнида кетяпти; у ўлгиси келмай ҳўнг-ҳўнг йиғлайди, ўлим қайғуси сарғайтирган юзида шўх кўзлари сўнган, кўз ёшлари билан ивиган мўйловлари эса, қийшиқ оғзининг икки четида осилиб қолган. Мана, қари, димоғдор турк, балки у тақводор, ғаддордир; ёнида ўғли — ўпишлар билан заҳарланган заҳил, мўрт шарқ гули. Мана, шуҳратпараст, кўнгли қаттиқ, тили бийрон, табиати совуқ поляк олифтаси... Уларнинг ҳаммаси туссиз сояларгина, уларга ўпиш бериб юрган жонон эса ёнимда — тирик; лекин умр уни қуритган, этдан, қондан айирган, орзусиз юрак, нурсиз кўзлар билан қолган — у ҳам сояга айланган.

Кампир ҳикоясини давом эттирди:

«Польшада ҳолим қийин кечди. У ернинг одамлари совуқ, ёлғончи бўлар экан. Мен уларнинг илонникига ўхшаш тилини билмас эдим. Ҳаммаси вишиллашади... Нима деб вишиллашади-а! Ёлғончи бўлганлари учун худованди ка-

рим уларга шундай илон тили ато қилган-да. Ўзим ҳам билмай, қаёққадир кетаётган эдим, уларнинг сиз русларга қарши қўзғолон кўтаришмоқчи бўлиб турганларини кўрдим. Охири Бохния деган шаҳарга келдим. У ерда мени бир жуҳуд сотиб олди; ўзи учун эмас, албатта, танимни сотиш учун. Мен рози бўлдим. Яшаш учун бирон нарса қила билиш керак. Мен бўлсам, ҳеч нима қилишни билмас, ўзимни сотишга мажбур эдим. Мен ўша маҳал: юртим Бирлатга бориб олишга етгули бир оз пул топсам бўлди, мени боғлаб турган занжир қанчалик кучли бўлмасин, барибир, узиб кетаман, деб ўйлаган эдим. Шундай қилиб, ўша одамникида туриб қолдим. Олдимга бой-бадавлат панлар келиб, мен билан ишрат қилишарди. Бу нарса уларга, албатта, жуда қимматга тушарди. Мени талашиб, бир-бирлари билан муштлашар, хонавайрон бўлишар эди. Биттаси менга етишиш учун кўп уриниб кўрди, ахир бир кун малайига бир қопни кўтартириб кириб келди. Пан қопни қўлига олиб, бошим устига ағдарди. Тилла пуллар бошимдан шариллаб тўкилар, ерга тушиб жаранглаганда эса, суюнчим ичимга сиғмай кетар эди. Шундай бўлса ҳам, уни ҳайдаб чиқардим. Юзи ўлгудай семиз, хом ошқовоққа ўхшаган, қорни — болишдай каттакон эди. Одамга худди семиз чўчқага ўхшаб қарарди. Ҳа, менинг бошимдан тилла сочаман, деб бутун ер-сувини, уй-рўзгорини, от-уловларини сотиб келганини айтди, шундай бўлса ҳам, барибир, қувиб чиқардим. Мен ўша кунлари юзи тиртиқ, ўзимга муносиб бир панга кўнгил бериб қўйган эдим. Яқиндагина греклар томонида туриб урушга борганда, турклар юзини қилич билан жуда ёмон тилимлаб ташлашган экан. Тавба, шунақа ҳам одам бўладими?.. Ўзи поляк бўла туриб, грекларнинг тарафини олиб юрса-я! Шунақа, греклар юртига бориб, уларнинг ёвлари билан олишибди. Ҳамма ёғини кесиб ташлашибди, бир кўзини уриб чиқаришибди, чап қўлининг икки бармоғини қирқишибди... Ўзи поляк бўла туриб, грекларнинг тарафини олиб юрса-я! Кейин билсак: у мардлик кўрсатишни яхши кўрар экан. Кимда-ким мардлик кўрсатишни яхши кўрса, кўрсатадиган жойини ҳам топади, кўрсатади ҳам. Биласанми, ҳаётда ҳам қанча мардлик кўрсатаман десанг, ўрни топилади. Кимки мардликнинг ўрнини тополмабдими — у ё ялқов, ё қўрқоқ, ё бўлмаса ҳаётнинг нималигини тушунмайди, нимага десанг, одамлар ҳаётнинг маъносига тушунганларида, ҳар бир одам ўзидан кейин бирон нишона қолдириб кетиш ғамини еган



бўлар эди. Ана шундай қилишганда, ҳаёт ҳам одамзодни бенишона ямлаб юборавермасди... О, ўша юзи тиртиқ кўп яхши киши эди-да! Бир иш чиқиб қолса, дунёнинг нариги бурчига бориб, битириб келишдан ҳам қайтмасди. Қўзғолон маҳалида сизнинг одамларингиз ўлдириб юборишган бўлса керак уни. Ҳай, нега сизлар мижорлар билан бориб уришдинглар? Қўй-қўй, гапирма!..

Мени жимишга буюриб, Изергиль кампирнинг ўзи жимиб қолди — уни ўй босди.

— Мен бир мижорни ҳам танир эдим. У қиш кунларининг бирида менинг олдимдан чиқиб, дому дараксиз бўлиб кетди; баҳор кириб, қорлар эриганда, даладан топилди — бошидан ўқ еб ўлган экан. Уни қара! Ишқ деган нарса одамларни вабодан кам қирмайди; агар ҳисоблаб кўрилса — камлик қилмайди... Нима деятувдим? Ҳа, Польша тўғрисида... Мен охириги ўйинимни ўша ерда ўйнадим. Бир поляк бойваччасига рўпара келиб қолдим... Ана ҳусну! Сухсурдай. Мен бўлсам қариб, шўрим қуриб қолган эди! Қайдам, қирқларга кириб қолувдиммикан? Ҳа, ажаб эмас... У бўлса бирам кеккайган, хотинларга арзанда эди. Ўзи ҳам менга жуда қиммат тушди... ҳа. У мени осонгина қўлга туширмақчи бўлди-ю, лекин мен бўш келмадим. Мен ҳеч қачон бировнинг хасми, қули бўлган эмасман. Жуҳуд билан бўлса, жуда кўп пул топиб бериб орани очиқ қилиб олувдим... У вақт Краковда турардим, ҳамма нарсам: отларим, олтинларим, хизматкорларим бор эди... Уша мағрур иблис менинг олдимга келиб-кетиб турар, ўзимни оғушига ташлашимни кутар эди. Биз гаров ўйнашдик... Гаров жонимга ҳам тегиб кетди. Эсимда, узоқ чўзилди-да... Ахир мен енгиб чиқдим: у тиз чўкиб, менга ялинди... Лекин муродига етди-ю ташлаб ҳам кетди. Ана шунда билдимки, қариб қолибман... Ўҳ, бу савдо бошимга бало бўлди! Зўр бало бўлди!.. Мен ахир уни, ўша иблисни яхши кўрардим... У бўлса, мен билан учрашганда, мендан куларди... номард! Бошқаларга ҳам мени мазах қиларди, билардим буни мен. Ростини айтсам, менга бирам алам қилардики! Хайриятки, у яқин ўртада турар, тез-тез кўриб, маза қилиб юрар эдим. У сиз руслар билан уришгани кетди-ю, мен ёлғиз қолиб, этимни ея бошладим. Ўзимни босишга ҳаракат қилдим, лекин босолмадим... Ахири орқасидан боришга жазм этдим. У Варшава ёнида, ўрмонда эди.

Борсам: уларни сизларнинг одамларингиз енгишибди... уни асир қилишиб, яқин бир қишлоққа олиб кетишибди.

Энди уни бир умр кўрмас эканман-да!— деб ўйладим. Лекин жудаям кўргим келарди. Шундай қилиб, кўриш ҳаракатига тушдим... Гадойча кийиндим, юзимга рўмол ўраддим, кейин оқсоқланиб, йўлга равона бўлдим — уни олиб кетишган қишлоққа бордим. Ҳамма ёқда казаклару солдатлар... У ерга етишим осон бўлмади! Поляклар ўтирган жойни топдиму, лекин кириш жуда қийин. Аммо киришим керак эди. Шундай қилиб, улар ўтирган ерга кечаси эмаклаб бордим. Полизга кирдим, жўяк ичида эмаклаб кетаётиб қарасам, йўлимда қоровул турибди... Полякларнинг ашуллари, бақириб-чақириб гапирганлари қулоғимга етиб кела бошлади. Ҳаммаси бир ашулани... Биби Марямга муножотни айтишяпти... Унинг овози келяпти... менинг Аркадэгимнинг овози. Бир маҳаллар менинг йўлимда эмаклашарди... Мана, вақтики келибди, ўзим бировнинг орқасидан ерда илондай сурканиб, эмаклаб бораётибман, балки ажалимни ўша ердан топарман, деб ўйладим; бу ўйлар юрак-бағримни эзиб ташлади. Солдат бўлса, шарпамни билиб, ҳезланди. Мен ортиқ нима қила олар эдим? Урнимдан туриб, тўғри у томон юрдим. Менда на пичоқ бор ва на бошқа нарса — қуруқ қўлу тилим, холос. Пичоқ олиб келмаганимга афсус қилдим. «Шошма!» деб шивирладим. Солдат бўлса, найзасини бўғзимга қадаб олди. Мен унга шивирлаб: «Санчма, тўхтаб тур, сенда ҳам юрак бўлса, гапимга қулоқ сол! Сенга бергулик ҳеч нимама йўқ, фақат сендан сўрайман...»— дедим. Милтиғини тушириб, у ҳам паст овоз билан шипшиди: «Йўқол, бу ердан, ҳой хотин! Йўқол! Нимага келдинг?» Уғлим шу ерда қамалиб ётибди, дедим... Тушундингми, солдат — ўғлим! Сен ҳам бир муштипар онанинг ўғли эмасмисан? Мана, менга қара, менинг ҳам сенга ўхшаш ўғлим бор, фақат у қамоқда! Кел, айланай, боламни бир кўриб қолай, балки бугун-эрта ўлиб кетар... Ким билсин, сени ҳам эртага ўлдириб қўйишар... Онанг йиғлар-а, сенга ҳам? Онангни кўрмай ўлиб кетишинг сенга ҳам осон бўлмас-а? Менинг ўғлим ҳам шунақа. Узинга ҳам, унга ҳам, мен муштипар онага ҳам раҳм қил!..

Уҳ, мен унга қанча ялиниб-ёлвордим! Ёмғир қуйиб энгил-бошимизни ивитиб юборди. Шамол гувиллайди, ўкиради, гоҳ орқамдан, гоҳ кўкрагимдан итаради. Мен у тош кўнгилли солдат олдида туриб, тебранардим... У бўлса нуқул «Йўқ!» дейди. Унинг бу совуқ сўзини эшитган сарим Аркадэкини кўриш тилаги юрагимда олов бўлиб ёнади... Оғзим гапда бўлса, кўзларим уни чўтлаш билан овора: ўзи

кичкина, чуваккина солдат эди, тўхтовсиз йўталарди. Шундай қилиб, ўзимни унинг оёқлари остига ташладим, тиззаларини қучоқладим, оташин сўзлар билан ялиниб-ёлвориб туриб, шартта ерга йиқиб олдим. У лойга тушди. Мен дарров юзини ерга қаратдим-да, бақирмасин, деб калласини лойга тиқиб юбордим. Бақирмади, лекин мени устидан тушириб юборишга уриниб, ҳадеб типирчилайверди. Мен бўлсам, бошини икки қўлим билан маҳкам ушлаб лойга бешбаттар тиқиб юбордим. Ана шундан кейин бўғилиб ўлди... Мен поляклар қамалган омборга чопиб келдим, девор ёруғидан: «Аркадэк!..» деб пичирладим. Поляклар жуда ҳушёр бўлишадди — овозимни эшитиб, дарров ашулани тўхтатишди. Ана, кўзи кўзимга тушди. «Бу ердан чиқшнинг иложи борми?»— деб сўрадим. «Бор, пол тагидан!»— деди у. «Бўлса, чиқ тезроқ». Шундай қилиб, омбор тагидан тўрт киши чиқиб келди: учтаси бошқа-ю, бири менинг Аркадэгим. «Қоровул қани?»— деб сўровди Аркадэк. «Ху ана, ётибди!»— дедим. Ана шундан кейин ерга энгашиб секин-аста жўнаб қолдик. Ёмғир ёғар, шамол қутуриб гувиллар эди. Қишлоқдан чиқиб, ўрмон оралаб, узоқ вақт чурқ этмай боравердик. Жудаям тез юрдик. Аркадэк қўлимдан ушлаб олди, қўли ўт бўлиб ёнар, ҳадеб титрар эди. О!.. У гапирмасдан, чурқ этмасдан ёнимда кетаётган ўша минутлар менга қанчалик лаззат берди! Менинг ташна ҳаётимда бу энг сўнгги минутлар — яхши минутлар эди. Ахийри бир кўкаламзорга чиқиб тўхтадик. Тўрттови ҳам менга миннатдорлик билдирди. Уҳ, алланималар деб менга узоқ гапиришди! Мен уларнинг сўзларига қулоқ солиб, ўз панимдан кўз узмай турдим. У нима деяр, нима қиларкан, деб кутардим. Бирдан мени қучоқлади-ю, кеккайиб, алланималар деди... Нима дегани эсимдан чиқибди, лекин мазмуни шуки, қутқазиб юборганим учун миннатдорлик юзасидан энди менга астойдил кўнгил қўйибди... Ана шундан кейин олдимда тиз чўкди-ю, жилмайиб туриб: «Менинг маликам!»— деди. Ана шунақа ёлғончи ит эди у!.. Орқасига ўхшатиб бир тепдим, энди юзига ҳам шапати тортиб юбормоқчи бўлиб турганимда, бир сакраб тушди-ю, ўридан туриб кетди. Рўпарамда ранги ўчиб, даҳшат солиб туриб олди... Қолган учови ҳам хўмрайиб турибди. Ҳеч биригиқ этмайди. Авзоларига қарадиму... бирданига юрагим сиқилиб кетди. Эсимда, шундай бир ялқовлик босдики... «Майли, кетаверинглар!»— дедим. У итлар бўлса: «Биз кетган йўлни бориб айтмоқчимисан?»— деб сўрашди. Ана

қандай паст одамлар-а! Хуллас, кетишди. Кейин мен ҳам кетдим... Эртасига эса, сизларнинг одамларингиз мени тутиб олишди, лекин тез қўйиб юборишди. Ана шундан сўнг ўзимга ин солиш, какку сингари кечириб келаётган ҳаётимга хотима бериш пайти келганини англадим! Ўзим ҳам анча оғирлашган, қанотларим қайрилган, патларимдан айрилган эдим. Ҳа, вақт келган эди! Шундан кейин Галицияга, у ердан Добружага кетдим. Мана энди ўттиз йилчадан бери шу ерда яшайман. Молдавандан ҳам бир эр қилдим; бултур ўлди. Мана, энди шу аҳволдаман! Бир ўзим... йўқ, бир ўзим эмас, ҳув анавилар билан бирга турман».

Кампир қўлини денгиз ёққа силтади. У ёқ жимжит эди. Гоҳида кишини адаштирадиган калта-култа товушлар эшитилади-ю, яна дарров йўқ бўлиб кетади.

«Улар мени яхши кўришади. Мен уларга ҳар хил нарсалар айтиб бераман. Улар учун бу жуда керак. Ҳали улар ёш... Шулар билан бирга турганимга ўзим ҳам хурсандман. Уларга қараб: бир маҳаллар мен ҳам шулардақа эдим, деб ўйлайман... Шуниси борки, менинг замонамда одамларнинг қуввати ҳам, ўти ҳам кўп бўларди, шунинг учун турмушлари яхшироқ, хушчақчақ эди... Шундоқ!..»

Кампир жимиди. Енида индамай ўтираверишдан юрагим сиқилди. У мудрар, бошини чайқаб, бир нималар деб шивирлар эди... Билмадим, дуо ўқиётувдимикан?

Денгиз томондан тоғ силсиласига ўхшаш баҳайбат, зилдай бир қора булут кўтарилди. У даштга қараб сузиб келарди, аммо ундан ажралган парча-парча булутлар олға югуришиб, юлдузларни бирин-кетин ўчириб юборар эди. Денгиз ҳамон гувиллайди, яқинимиздаги тоқлар тагидан ўпишганлар товуши, шипшишлар, оҳ-воҳлар эшитилади. Даштнинг узоқ бир ерида ит ҳуради... Ҳаводан асабларни қитиқловчи ғалати ҳидлар келиб, бурунларни қичиштиради. Булутлардан ерга қуюқ соялар тушади, булар ер бағирлаб сузиб боради-да, охири йўқ бўлиб кетади, яна пайдо бўлади. Ой ҳам ойлигини йўқотиб, унинг ўрнида сарғиш, хира доғ қолади, уни ҳам оч-яшил булут парчалари дам-бадам тўсиб олади. Энди бутунлай қорайиб, даҳшатли тусга кирган, ўз ичига аллақандай бир сирни яшириб, гўё пусиб ётган бепоён даштнинг узоқ ерларида майда-майда ҳаво ранг ўтлар чақнаб кетади. Бу ўтлар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда лип этиб чақнайди-ю, лаҳза ўтмай яна ўчади, бу манзара гўё даштда бир-биридан узоққа тарқалиб

кетган бир талай одам гугурт чақиб, алланима қидираётганга, лекин чақилган гугуртларни шамол дарҳол ўчираётганга ўхшаб кўринарди. Даштда липиллаган бу ҳаво ранг галати ўтлар ажойиб бир афсонадан дарак берарди.

— Учқунларни кўряпсанми?— деб сўради Изергиль кампир.

— Ҳув анави, ҳаво ранг ўтларними?— дедим мен ҳам даштга ишора қилиб.

— Ҳаво рангми? Ҳа, ўшалар... Демак, ҳали ҳам учиб юришибди! Ҳи-ҳи!.. Мен ҳеч кўрмайман. Кўп нарсани кўрмайдиган бўлиб қолдим.

— Бу қанақа учқун?— деб сўрадим кампирдан.

Бу учқунларнинг пайдо бўлишлари ҳақида қулоғимга ҳар хил гап чалинган бўлса ҳам, бу сафар Изергиль кампирнинг ўз оғзидан эшитгим келди.

— Бу учқунлар Данконинг ёниб турган юрагидан чиқади. Дунёда шундай бир юрак бўлгану, лекин бир кун келиб ёниб кетган... Бу учқунлар ўшандан. Бунинг қиссасини сенга айтиб бераман. Бу ҳам қадимги эртақлардан... Қадимги, ҳаммаси ҳам қадимги! Кўрдингми, қадим замонда ҳар хил нарсалар қандай кўп бўлган?.. Мана, энди тузуккина ҳеч нима йўқ: на иш, на одам ва на қадим замондаги сингари эртақлар... Нега бундай?.. Қани, айт-чи! Айта олмайсан... Нима ҳам билардинг сен? Сиз ёшларнинг ҳаммангиз нима ҳам билардингиз? Эҳ-ҳа!.. Кўзингизни катта очиб ўтмишга қарасангиз, кўп сирларнинг калитини топасиз... Сизлар қарамайсизлар, шунинг учун ҳам яшаш йўлини билмайсизлар... Мен нима, ҳаётни кўрмайманми? Уҳ, кўзларим ожиз бўлса ҳам, ҳамма нарсани кўриб турибман! Одамлар яшаётганлари йўқ, нуқул чўтлашяпти, умрларини ҳам шунга сарф қилишяпти — кўриб турибман. Умрларини зое кетказиб, ўзларини бутунлай хароб қилишгандан сўнг тақдирларидан нолий бошлайдилар. Тақдир нима қилсин? Ҳар кимнинг тақдири ўз қўлида! Шу кунларда ҳар хил одамларни кўраману, лекин бақувватлари йўқ! Қаёқда қолишди баҳодирлар?.. Гўзаллар ҳам борган сайин камайиб кетяпти.

Кампир кучли ва чиройли одамлар қаёққа кетгани тўғрисида ўйлаб қолди; ўйлаб туриб, худди жавоб излаётгандай қоронғи даштга кўз югуртирди.

Мен жимгина ўтириб, унинг ҳикоясини кутар, хаёлини паришон қилмаслик учун, савол беришдан қўрқар эдим.

Ниҳоят, кампир эртақни бошлади.

### III

«Қадим замонда, ер юзида бир тўда одамлар яшар экан. Улар турган жойнинг уч томони қалин ўрмону, тўртинчи томони дашт экан. Ўзлари шўх, кучли ва дадил одамлар экан. Шундай бўлса ҳам, кунлардан бир кун бошларига кўп ёмон кулфат тушибди: аллақердан бўлак қабила келиб, уларни ўрмон ичкарасига қувиб юборибди. Ўрмоннинг ичи бўлса, ботқоқликдан ва қоронғи зулматдан иборат экан, нимагаки, ўрмон жуда кекса бўлиб, шох-новдалари бир-бирига чирмашиб кетган экан. Шунинг учун осмон ҳам кўринмас, офтоб нурлари ҳам қалин барглар орасидан ботқоқликка зўрға-зўрға етиб келар экан. Лекин офтоб нури ботқоқ сувига тушганда, шундай бир сасиқ ҳид пайдо бўлар эканки, унга чидаш бера олмасдан одамлар бирин-кетин қирила берибдилар. Бунни кўриб, хотинлар билан болалар доду фарёд кўтаришибди, эркаклар бўлса, ўйлавериб, ғам денгизида ғарқ бўлишибди. Бу ўрмондан чиқиб кетиш керак, лекин фақат икки йўл бор: бири — орқага қайтиш, аммо у ерда кучли, ёвуз душман турарди, иккинчиси — олдинга кетиш йўли, уни эса, қудратли шохлари бир-бирига чирмашиб, чандир томирлари ботқоқликнинг тағларига кириб кетган азамат дарахтлар тўсиб олганди. Азбаройи чайирлигидан метинга айланган бу дарахтлар кундузлари ғира-шира кул ранг ёруғда ҳаракатсиз жим турсалар-да, кечқурунлари гулханлар ёқилганда, одамлар устига бостириб келаётгандай ваҳима солишарди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам доим қоп-қоронғи зулмат, гўё одамларни бўғиб ўлдиришга чоғлангандек, ўраб олганди, ҳолбуки улар кенг яйловларга ўрганиб қолган эдилар. Айниқса, шамол дарахтларнинг учларини силкитиб, ўрмон бўғиқ товуш билан гувиллаб турган пайтда, жуда ҳам қўрқинчли бўлиб кетарди; ўрмоннинг гувиллаши одамларга даҳшат солар, гўё аза тутиб, улар учун мотам куйини куйлаётганга ўхшарди. Лекин бу одамлар ҳар ҳолда кучли эдилар, улар бир карра ғолиб чиққан душман билан беллашиш учун ўлимдан қўрқмай тикка бора олардилару, лекин жангларда ўлиб кетолмасдилар, чунки улар ота-боболар васиятига қаттиқ амал қилишар, мабодо ўлиб кетишса, ҳаётда ўша васиятдан асар ҳам қолмаслиги мумкин, деб қўрқардилар. Шу сабабдан улар узун кечалар ўрмоннинг бўғиқ гувиллаши ва ботқоқликнинг заҳарли сассиғи ичида ўтириб ўйлар эдилар. Аммо гулхан шуълалари аллақандай

сояларга ўхшаб, ўтирган одамлар атрофида ирғишлашиб унсиз рақс тушарди ва бу нарса одамларга соялар рақсига ўхшаб эмас, балки ўрмон ва ботқоқ жинларининг танта-насига ўхшаб кўринади... Одамлар ўтиришиб олиб, нуқул ўйлашади. Ҳолбуки, дунёда ҳеч нарса — на иш ва на хотин — одамзоднинг тани билан руҳини эзувчи ғамгин ўйчаллик хароб қилолмайди. Ўйлайвериб ҳаммаси бўшашиб қолди... Орага ваҳима тушиб, уларнинг қўл-оёқларини боғлади, сассиқ заҳридан ўлганлар ва қўрқувдан ўзларини йўқотган тириклар шўри устида йиғлашган хотин-халажнинг фарёидан даҳшат туғилди. Ўрмонда қўрқув нидолари: аввалига қўрқа-писа секин эшитилиб, тобора авж ола бошлади. Ниҳоят, ўлим ваҳимаси олдда қуллик ҳаётини афзал кўрган бу одамлар, душман ҳузурига бориб, унинг оёқлари остига ўз эркини ташламоқчи бўлиб турувдилар ҳамки, бирдан Данко пайдо бўлди-ю, ҳаммасини бир ўзи қутқариб қолди».

Кампир, афтидан, кўпинча Данконинг ёнар юраги ҳақида ҳикоя қилса керак. Гаплари силлиқ, равон эди; ғичилаб, хириллаб чиққан овози, ботқоқликларнинг заҳарли нафасидан ўлган бахтсиз ва қувғин одамлар яшаган ўрмоннинг гувиллашини кўз олдидан равшан гавдалантирди...

«Данко — ўша одамлардан бири, гўзал бир йигит эди. Гўзаллар ҳаминиша юракли бўлади. У ўз ҳамроҳларига қараб, шундай дейди:

— Отилган тошни ўйлаган билан қайтариб бўлмайди. Ҳеч нима қилмаган одамга ҳеч нима бўлмайди. Нима учун куч-қувватимизни ўю ғамга сарф қиламиз? Туринглар, ўрмон ичига кирайлик ва ёриб чиқамиз, ахир, бу ўрмоннинг ҳам кети бордир — дунёда кети йўқ нарса бўлмайди! Юринглар! Халойиқ! Кетдик!..

Одамлар ялт этиб унга қарадилару, унинг ҳаммадан яхши эканини кўрдилар, негаки, кўзларида бениҳоя куч бор ва кўзлари оловдай ёниб турар эди.

— Бошла бизни! — дейишди улар.

У ҳам бошлаб кетди...»

Кампир жимиди-ю даштга қаради: дашт эса, тобора зулматга айланмоқда... Данконинг ёниб турган юрак учқунлари аллақайларда, узоқ-узоқларда фақат бир лаҳзагина очилиб, яна сўнгани учун, мовий рангли ҳаво чечакларига ўхшаб кетарди.

«Данко йўл бошлади. Одамлар ҳамжиҳатлик билан эргашди, чунки ҳамма унга ишонар эди. Бу йўлнинг ма-

шаққати кўп оғир бўлди! Қоронғи эди, ҳар қадамда ботқоқ-лик ириган оғзини аждардек очиб, одамларни ютар, дарахтлар баҳайбат девор сингари йўлларини тўсар эди. Дарахт шохлари чирмашиб томирлари ҳар ёққа илондай чўзилиб кетган, шу сабабли, бу ерлардан ўтиб олиш учун жуда кўп тер ва қон тўкишга мажбур бўлдилар! Узоқ юрдилар... Ўрмон қалинланиб, одамлар бўлса сийракланиб қолди. Охири одамлар, бу йигит ўзи билмаган йўлга бизни бекор эргаштириб келди, деб Данкодан нолий бошладилар. Данко бўлса уларнинг олдида тетик, дадил бораверди.

Бир вақт ўрмон устида момақалдироқ гулдуради, дарахтлар даҳшат солиб шовиллай бошлади. Ушанда ўрмон шунақа ҳам қоронғи бўлиб кетдики, дунё яралгандан буён қанча кеча ўтган бўлса, гўё ҳаммаси шу ерга йиғилган эди. Яшиннинг даҳшатли гулдуриси остида каттакон дарахтларни оралаб кетаётган одамлар кичкина бўлиб кўринарди. Азамат дарахтлар тебраниб гужурлашади, жаҳл билан дўнғиллаб куйлашади; яшин бўлса, дарахтлар тепасида барқ уриб, совуқ ёғдуси билан ўрмонни бир лаҳза ёритиб ўтади-да, яна тез ғойиб бўлиб, одамларни қўрқитади. Муздай яшин ёғдусида ёришган дарахтлар худди тирик махлуққа ўхшаб, зулмат асоратидан қочиб бораётган одамларни тобора қуршовга олаётгандай, қинғир-қийшиқ, узун-узун новдаларини қалин тўр каби чирмаштириб, одамлар йўлини тўсишга шайлангандай кўринарди. Шох-новдалар орасидаги зулмат орасидан уларга аллақандай қора, мудҳиш, совуқ бир нарса қараб туради. Бу йўл кўп мушкул эди, йўл азобидан ҳориб-чарчаган одамларнинг кўнгиллари синди. Лекин мадорлари қуриганини бўйинларига олгани уялишиб, олдинда кетаётган Данкога қаҳр-ғазаб ёғдира бошладилар. Уни раҳбарлик қилолмасликда айбладилар, кўрдингми!

Ҳамма тўхтади. Ўрмоннинг дағдағали шовқин ва қаттиқ зулмати ичида, ҳорган-толган ва ғазабга минган одамлар Данкони қоралай бошлади:

— Сен ярамассан, биз учун зарарли одамсан!— дедилар.— Сен бизни йўл юргизиб чарчатдинг, бу қилмишинг учун калланг кетади!

— Ўзинглар «бошла!» дединглар, мен ҳам бошладим!— деб қичқирди Данко, кўкрагини кериб.— Мен йўл бошлашга мардман, шунинг учун сизларни бошлаб келдим. Сизлар-чи? Ўз фойдангиз учун нима қилдингиз? Фақат юришни билдингиз, холос, кучингизни узоқроқ йўлга ета-



диган қилиб тежамадингиз! Сизлар қўй подасига ўхшаб бемалол юриб келавердинглар!

Лекин бу сўзлар одамларни яна бешбаттар аччиғлантирди.

— Улишинг керак! Сенга ўлим! — деб бўкирди одамлар.

Ўрмон уларнинг ҳайқириқларини акс эттириб, ҳадеб гувиллайверди, яшин бўлса, зулмат пардасини парчалаб, йиртиб ташлади. Шу одамларни деб кўп заҳмат тортган Данко уларга қараб қолди: ҳаммаси йиртқичдай тикилган. Уни жуда кўп одам ўраб олган, лекин ҳеч бирининг юзида миннатдорчилик кўринмас, ҳеч бирдан шафқат кутиб бўлмасди. Шундан кейин Данконинг юрагида ҳам нафрат уйғонди, лекин одамларга раҳми келгани учун нафрати дарҳол йўқолди. У одамларни севар, мен бўлмасам, балки ҳаммаси қирилади, деб ўйлар эди. Ана шунда, уларни қутқариш, осон йўлга чиқариш орзуси билан юраги ўт олди, бу жўшқин ўт ёлқинлари кўзларида акс эта бошлади... Одамлар Данконинг кўзларида чақнаган ёлқинни кўриб, бунга газаб ўтига йўйдилар, ҳамла қилишини кутиб, бўри сингари пайт пойладилар, уни осонгина тутиб ўлдириш учун тобора ҳалқани торайтириб яқинроқ келавердилар. Данко бўлса, уларнинг нияти ёмонлигини пайқаб қолди, юраги баттар алангаланиб кетди, чунки бундай ёвуз ният кўнглини бутунлай вайрон этганди.

Ўрмон ҳамон ғамгин қўшиғини куйлар, момақалди роқ гуриллар, ёмғир ёғар эди...

— Мана мен одамлар учун нима қила оламан?! — деди Данко, момақалди роқдан ҳам қаттиқроқ бақириб.

У бирдан кўксини ёрди, ичидан юрагини юлиб олиб, боши устида баланд кўтарди.

У худди қуёшдай, қуёшдан ҳам кучлироқ ёруғ бериб ловиллар эди; мана, энди одамларга бўлган буюк муҳаббат машъали билан ёришган ўрмон жим бўлди; зулмат эса ёруғдан қочиб, ўрмоннинг ичкарасидаги ҳув ўша сассиқ ботқоқлик оғзига беркинди. Одамлар ҳайратдан тошдай қотиб қолдилар.

— Юринглар! — деб қичқирди-да, Данко ёниб турган юрагини баланд кўтариб ўз жойига ўтди-ю, юраги билан одамлар йўлини ёритиб олға бошлади.

Оломон эриди, унга эргашиб югурди. Ўрмон ҳам тааж-жублангандай дарахт учларини силкитиб, яна гувиллай бошлаган бўлса ҳам, лекин югуриб борувчи одамларнинг

тапир-тупурлари остида унинг шовқини эшитилмай қолди. Ловиллаб ёнаётган ажойиб юрак орқасидан ҳамма дадил, тез одимлар билан чопиб борарди. Лекин бу кетишда одамлар ўлса ҳам нолимай, йиғламай ўлардилар. Данко бўлса, ҳамон олдинда борар, юраги боягидай ловиллаб ёнарди.

Бирданига ўрмон тисарилди, одамларга йўл берди-да, чурқ этмай орқада қолаверди. Данко билан бу одамлар эса, ёмғир ювиб ўтган тоза ҳавога, қуёш нурларига фарқ бўлдилар. Момақалдироқ — орқада, ўрмон устида гувиллайди, бу ерда эса — офтоб ярқирайди, дашт-чўл эркин нафас олади, ёмғир гавҳарларга кўмилган кўкатлар йилт-йилт қилади, дарё олтин каби товланади... Кечки пайт: шафақ нурларига чўмган дарё суви, Данко юрагини юлиб олганда тирқираб чиққан иссиқ қонга ўхшаб, қизариб кўринади.

Азамат Данко олдида ясланиб ётган кенг далага кўз югуртирди, бу эркин даштга шодиёна назар ташлаб, мағрур-мағрур кулди. Сўнгра йиқилиб тушди-ю, жон берди.

Суюнган ва юраклари умидга тўлган одамлар на унинг ўлганини сездилар ва на жасади ёнида ҳануз ёниб турган ботир юракни кўрдилар. Фақат бир эҳтиётчан киши кўрди-ю, бир нимадан кўрқиб, мағрур юракни босиб ўтди... Юрак учқунга айланиб сочилди-кетди-да, сўнди-қолди...

Момақалдироқ гулдурашидан олдин даштда пайдо бўладиган ҳаво ранг учқунлар ана шу юракдан тарқалган!»

Кампир ажойиб эртагини тугатганда, дала-дашт сув қуйгандек жимжит эди: одамлар йўлида ўз юрагини ёндирган ва бунинг эвазига ҳеч нима тама қилмаган ботир Данконинг куч-қувватидан ҳатто дашт ҳам ҳайратда қолгандай эди. Кампир мудраб кетди. Мен унга қараб: «Унинг эсида яна қанча эртак ва хотиралар қолдйкин?» — деб ўйладим. Данконинг ёниб турган буюк юраги ҳамда шу қадар гўзал ва зўр афсоналар яратган инсон фантазияси ҳақида ўйланиб қолдим.

Шамол турди, тобора қаттиқ уйқуга кетаётган Изергиль кампирнинг жулдур кийимини титкилаб, қуруқ суяги қолган кўксини очди. Мен унинг баданини ёпиб қўйиб, ўзим ҳам ёнига чўзилдим. Дала жимжит, қоронғи. Осмонда ҳануз қора булутлар аста-аста сузиб юради... Денгиз бўғиқ, ғамгин овозда гувиллайди.

## ЧЕЛКАШ

Чангдан қорайган мовий жануб осмони хира кўринади; иссиқ қуёш эса кўкиш денгизга гўё кул ранг юпқа дока орқали қарагандек. Тор лиманда из солиб тўрт томонга қатнаб турган қайиқ эшакларининг, пароход парракларининг, турк фелюгаларидаги<sup>1</sup> ва бошқа кемалардаги ўткир килларнинг<sup>2</sup> зарби билан тилинган сув бетида қуёшнинг акси йўқдек. Гранит чангалига тушган денгиз тўлқинлари, елкаларида ўрмалаган тоғдай оғирлик остида эзилиб, ўзларини кемалар ёнига, қирғоқларга урадилар: урадиларда, оқ кўпикка айланиб, турли-туман ахлат билан ифлосланиб, зорланмоққа бошлайдилар.

Лангар занжирларининг шарақлашлари, бир-бирига уланаётган юк вагонларининг тарақа-туруғи, аллақаяқдан тош йўлга тушаётган тунукаларнинг данғиллаши, ходаларнинг гумбурлаши, извошларнинг ғижирлашлари, пароходларнинг гоҳ қулоқни ёрар даражадаги қаттиқ, гоҳ бўғиқ эшитиладиган чинқиришлари, ҳаммоллар, матрослар ва божхона солдатларининг ҳай-ҳулари — хуллас, бу товушларнинг ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, меҳнат кунининг гангиратувчи музикасини ташкил этарди-да, исёнкорона талпиниб, гаваннинг<sup>3</sup> қоқ тепасида муаллақ туриб қолганди. Ердан улар сари янги-янги товуш тўлқинлари кўтариларди-да, гоҳ гувиллаб, ўшқириб, теварак-атрофга ларза солар, гоҳ ҳайқириб, ўкириб, мисдек қизиган чанг ҳавони ёриб ўтарди.

<sup>1</sup> Фелюга—кичкина елканли кема.

<sup>2</sup> Киль—кеманинг энг остидаги учлик жой.

<sup>3</sup> Гавань—денгиз қирғоғида пароходлар тўхтайдиган жой.

Гранитлар, тунукалар, ходалар, лимандаги тош йўл, кемалар ва одамлар — ҳаммаси Меркурийга<sup>1</sup> бағишланган оташин муножотнинг қудратли товушлари билан нафас оладилар. Муножот товушлари орасида одамлар овози аранг эшитилади, у жуда заиф ва кулгили. Бу шовқинларни бошлаб туғдирган одамларнинг ўзлари ҳам кулгили ва аялч: уларнинг чангга беланган, уводага ўралган елкаларидаги юкларнинг оғирлигидан букчайган жонсарак гавдалари эса чанг булутлари, кун қизиғи ва товушлар денгизида гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ивирсиб чопишади; улар ўраб олган баҳайбат темир иншоотлар, тўп-тўп моллар, гулдураган вагонлар ва ўзлари вужудга келтирган тамомий бошқа нарсага нисбатан жуда-жуда ожиз. Одамлар ўзлари яратган нарсаларга қул бўлиб, инсонлик қиёфасини йўқотиб қўйганлар.

Буғ чиқариб турган гигант кемалар ҳуштак чалиб, вишиллаб, оғир-оғир нафас олишади; улардан чиққан ҳар бир товушда — пароход палубаларида<sup>2</sup> ўрмалашган, чуқур омборларини қуллик меҳнатларининг маҳсулоти билан тўлдираётган кўримсиз, чанг босган одамларни масхара қилиш, улардан жирканиш оҳанги сезилади. Ўз қоринларини тўйғазиш учун бир неча қадоқ нон ишлаб олиш пайида нон бўладиган ўша ғалладан мингларча пудини елкаларида кўтариб, кемаларнинг темир қоринларига ташиётган турнақатор ҳаммоллар кишини йиғлатар даражада кулгили. Бир томондан уст-бошлари йиртиқ, терга ботган, шовқин-сурон ва жазирама иссиқдан силласи қуриб меров бўлиб қолган одамларни, иккинчи томондан ўз қудратини ва ҳайбатини офтобда кўз-кўз қилиб, ялтираб турган ва лекин мана шу одамларнинг ўзлари яратган, ҳали ҳам бўлса буғ билан эмас, балки ўз ижодкорларининг мускул ва қонлари билан ҳаракатга келтириладиган машиналарни бир-бирига таққослаб кўрилса, даҳшатли бир киноя достони ҳосил бўлади.

Шовқин одамни руҳан эзар, чанг димоғни қитиқлар, кўзни ачиштирар, жазирама офтоб баданни куйдириб, дармонни қуритар ва гўё атрофдаги тамомий нарса ҳаяжонга тушганга, сабр косаси тўлиб, аллақандай буюк зўр фалокат — портлаш юз берадиганга ўхшарди ва бу портлашдан кейин тозаланган ҳавода эркин ва енгил нафас

---

<sup>1</sup> Меркурий — қадимги Рим мифологиясига кўра савдо-сотил ва сафар худоси.

<sup>2</sup> П а л у б а — пароход ёки кеманинг саҳни.

олиш мумкин бўладигандай, ер юзида сукунат ва тинчлик ўрнашадигандай туюларди. Одамни гангиратувчи, ғашни келтирувчи, хуноб қилиб, жиннилик даражасига етказувчи чанг-тўзон ва шовқин-сурон эса бутунлай йўқолади-ю, шундан сўнг шаҳарда, денгизда ва кўкда тинчлик, мусаффолик ва яхшилик ўрнашади, деб ўйлаш мумкин эди.

Ун икки марта бир маромда урилган қўнғироқнинг жанрагланган товуши эшитилди. Қўнғироқнинг сўнгги овози сўнган вақтда, меҳнатнинг ёввойи музикаси ҳам пасайиб қолган эди. Бир минутдан сўнг бу музика ғовур-ғувур шикоятга, норозилик садосига айланди. Энди одамларнинг овози ва денгизнинг шовиллаши аниқроқ эшитила бошлади. Бу — тушки овқат пайти бўлганини кўрсатарди.

## I

Ҳаммоллар ишларини ташлаб, тўда-тўда бўлиб, ғалаговур билан гаванга ёйилишди-да, озиқ-овқат сотаётган аёллардан бирор егулик нарса олишиб, тош йўл бўйидаги соя жойга ўтиришиб, ўша ернинг ўзидаёқ тушки овқат қила бошладилар. Бирданига Гришка Челкаш пайдо бўлиб қолди. Гавандаги ҳамма кишилар яхши таниган бу бўризада бўлган ўтакетган пианиста, эпчил ва довюрак бир ўғри эди. У яланг оёқ, шапкасиз, эскириб ранги ўнгиб кетган чийдухоба чолвор, кир ва ёқаси йиртиқ чит кўйлак кийган бўлиб, жигар ранг териси остидан туртиб чиққан қиррадор суяклари кўриниб турарди. Битта-яримта оқ оралаган, ҳурпайиб кетган қора сочларига салқиган чўзинчоқ юзи-ю ваҳшиёна афт-башарасига қаралса, эндигина уйқудан тургани маълум бўларди. Қорамтир мўйловининг бир томонига сомон ёпишган, яна биттаси чап мўйлови орасига кириб қолган, қулоғига эса, янги узилган арғувон баргини қистириб олган эди. Ўзи новча, қотма ва бир оз букчайган бўлиб, секин-аста қадам ташлаб, тош йўлдан борар, қирра бурнини жийриб, атрофга ўқрайиб назар ташлар, кул ранг, совуқ кўзларини чақнатиб, ҳаммоллар орасидан аллакимни ахтарарди. Унинг қалин ва узун қорамтир мўйлови, мушукники сингари дам-бадам учиб турар, орқасига қилиб олган қўллари эса, узун ва қийшиқ, чангалдек бармоқларини бир-бирига чатиштириб тажанглик билан ишқаларди. Ҳатто шу ерда, ўзига ўхшаш юзлаб асл яланг-оёқлар орасида ҳам, қарчиғайга ўхшаганлиги, оч бўридай

озгинлиги учун ҳамманинг диққатини дарҳол ўзига тортарди; нега десангиз, қадам ташлашлари сиртдан мулойим, чиройли ва беҳавотир кўрингани билан, аслда ўзи шу қадар зийрак, кўнгли бесаранжом эдики, бир нарсани мўлжаллаб учиб юрган қарчиғайни эслатарди.

У кўмир тўла саватлар соясида ўтирган бир тўда яланг оёқ ҳаммоллар ёнига етганида эси пастроқ, юзи моматалоқ, бўйинлари тимдаланган, афтидан, шу яқин орада яхшигина калтак еган, жуссаси йўғонгина бир йигит ўрнидан турдида, Челкашнинг ёнига келиб, паст овоз билан сўзлай бошлади:

— Кемачилар икки той газмолни ўмаришибди... Қидиришяпти.

Челкаш пинагини бузмай, йигитга кўз югуртириб чиққач:

— Хўш?— деб сўради.

— Нимаси хўш? Қидиришаётганмиш, вассалом...

— Қидиришга ёрдам берсин, деб мени йўқлашибдими?

Челкаш мийиғида кулиб, «Кўнгилли флот» ширкати-нинг омборлари томон қаради.

— Йўқол кўзимдан!

Ўртоғи орқасига қайрилди.

— Ҳой, шошма! Сени ким мунча безади? Афт-башарангни дабдала қилишибди-ку... Шу ўртада Мишкани кўрмадингми?

Йигит ўз шериклари ёнига қайтаркан:

— Анчадан бери кўрганим йўқ,— деб жавоб қилди.

Челкаш яна ўз йўлига кетди; уни ҳамма энг яхши танишидек қаршиларди. Лекин у ҳар доим қувноқ ва киноячи бўлса-да, бугун таъби хиралигиданми, гап сўраганларга калта-култа қилиб шартта жавоб берарди.

Аллақайдан, уюлиб ётган моллар орқасидан божхона қоровули чиқиб келди: туси қорамтир, ҳамма ёғи чанг, уришқоқ одамлар сингари қаддини қаққайтириб олганди у. Чап қўли билан ханжар сопини ушлаб, даҳшатли қиёфада йўлини тўсиб, рўпарасида туриб олди.

— Тўхта! Қаерга?

Челкаш бир қадам орқага чекиниб, қоровулга қарадида, кулимсираб қўйди.

Қоровулнинг сода-муғамбирлиги акс этиб турган қипқизил юзи бирданига қўрқинчи тусга кириб, юм-юмалоқ бўлиб шиша бошлади, баттар қизариб кетди, қошлари пир-пираб, кўзлари олайиб, афт-башараси кулгили тус олди.

У пўписа қилиб ўшқирди:

— Гаванга кира кўрма деб айтилган сенга, йўқса, қовурғангни синдираман! Яна келдингми?

Челкаш у билан бемалол сўрашди:

— Омонмисан, Семёнич! Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди,— деди-да, унга қўлини узатди.

— Кошкийди бир умр кўрмасам сени! Йўқол! Йўқол!..

Шундай бўлса ҳам, қоровул узатилган қўлни қисиб кўришди.

Челкаш, қоровулнинг қўлини ўзининг чангалдек қўллари билан маҳкам ушлаб, қалин дўстлардек, бетакаллуф силкита-силкита, сўзида давом этди:

— Сен менга шуни айт: Мишкани кўрдингми, йўқми?

— Мишкаси нима тагин? Мишка-пишкани билмайман! Йўқол, оғайни, бу ердан! Йўқса, омбор бошлиғи кўриб қолиб, нақ сени...

— Малла Мишка-чи? Утган сафар мен билан бирга «Кострома»да ишлади-ку!— деб қистайверди Челкаш.

— Сен билан бирга ўғирлик қиладиган болами? Шундай дегин-да! Сенинг Мишкангни касалхонага олиб кетишди, оёғини чўян эзиб юборибди. Жўна, оғайни, яхшиликча жўнаб қол, бўлмаса орқанга бир тепиб жўнатаман!..

— Ҳа-а, сени қара! «Мишкани билмайман!» дейсан, билар экансан-ку! Нега бунча жаҳлинг чиқди, Семёнич?

— Ҳай, менга қара: бекорга гашимни келтирмасдан, йўлингга бор!..

Қоровул аччиқлана бошлади. У теварак-атрофига кўз югуртирар, қўлини Челкашнинг чангалидан қутқаришга уринарди. Челкаш бўлса, пинагини бузмай, қалин қошлари остидан унга тикилар, бироқ қўлларини қўйиб юбормасдан сўзида давом этарди:

— Мени қўй, қистайверма. Сен билан тўйгунча гап-лашаману, кейин кетаман. Хўш, қани, гапир, ўзинг қалайсан?.. Хотин, бола-чақаларинг омонми?— Сўнгра у кўзларини чақнатиб, масхара қилгандай тишларини иржайтириб деди:— Сеникига бир меҳмон бўлиб бормоқчиману, сира вақтим йўқ-да, ичганим ичган...

— Ҳай, ҳай, бунақа гапларни қўй! Сен, қоқ суяк шайтон, ҳазилингни ташла! Мен, оғайни, у ёғини сўрасанг... Ҳали сен уйма-уй, кўчама-кўча юриб ҳам ўғирлик қилмоқчимисан-а?

— Нега энди? Бу ердаги давлат ҳали сен билан бизга ўлгунча етади. Худо ҳаққи, етади, Семёнич! Айтгандай,

яна икки той газмолни туя қилибсанми? Эҳтиёт бўл, Семёнич, ҳа! Қўлга тушиб қолмагин тагин!

Аччиғи келган қоровул дир-дир қалтирар, тупукларини сочиб, бир нималар демоқчи бўларди. Челкаш унинг қўлини қўйиб юбориб, узун оёқлари билан аста қадам ташлаб, орқага — гавань дарвозаси томонга кетди. Қоровул ҳам, қаттиқ сўкиниб, унинг орқасидан кетди.

Челкашнинг вақти чоғ, тишлари орасидан чиқариб аста ҳуштак чалар, қўлини шимининг чўнтагига солганича, битта-битта қадам қўяр, ёни-веридагиларга пичинг аралаш тикандай ҳазил-мутойиба гап ташларди. Унинг пичинг ва ҳазиллари жавобсиз қолмасди.

Шу вақт, тушки овқатдан кейин ерга ағанашиб дам олаётган ҳаммоллардан бири:

— Гришка, ишинг йирик-ку, бошлиқлар сени қўриқлашини қара-я!— деди.

— Мен яланг оёқман, шунинг учун Семёнич, оёғига бирор нарса кириб кетмасин, деб орқамдан юрибди,— деди Челкаш...

Дарвоза ёнига келдилар. Икки солдат Челкашнинг ёнларини титиб кўрди-да, аста туртиб, кўчага чиқариб қўйди.

Челкаш кўчанинг у бетига ўтиб, майхона эшиги рўпарасидаги ғўлага ўтирди. Гавань дарвозасидан юк ортилган аравалар гумбур-гумбур қилиб, турнақатор бўлиб чиқиб турарди. Бу ёқдан эса, бўш аравалар кириб борар, арава устидаги аравакашлар сакраб-сакраб тушардилар. Гавань увилаган, қалдираган товушлар ичида заҳарли чанг қусарди...

Бу ҳаддан ташқари ғала-ғовур ичида Челкаш ўзини жуда яхши сезарди. Уни, оз меҳнат ва кўп эпчиллик талаб этадиган каттагина даромад кутмоқда эди. Эпчиллиги етиб ортишига ишонарди у, шунинг учун кўзларини сузасуза, эртага чўнтаги пулга тўлгандан кейин, эрталабдан бошлаб кайф-сафога киришиши тўғрисида ширин хаёл сурарди... Бирданига эсига ўртоғи Мишка тушди — оёғи синмаганда, боласи тушкур, шу кеча иш берарди-да. Челкаш Мишкасиз бир ўзи иш чиқара олмаслигини ўйлаб, ўзича сўкиниб қўйди. Энди бу кеча қандай бўлар экан?.. У осмонга қаради ва кўчани ҳам бир кўздан кечириб чиқди.

Ундан олти қадамча нарида, тош йўл тротуарга туташган жойида, ёшгина бир йигит ғўлага суяниб ўтирарди; бу йигитнинг эғнида олача кўйлак, олачипор чолвор, оёғи-



да чипта кавуш, бошида йиртиқ малла шапкаси бор эди. Унинг ёнида кичкинагина бўҳча, похол арқон билан яхшилаб чирмалган сопсиз чалғи ётарди. Яғрини кенг, сочлари малла, юзи офтоб ва шамолдан қорайган бу норғул йигит катта-катта мовий кўзларини жавдиратиб Челкашга ишонч билан мулойим боқарди.

Челкаш тишларини иржайтди, тилини чиқарди ва афтини хунук қилиб туриб, чақнаган кўзлари билан йигитга тикилди.

Йигит аввал ҳайрон бўлиб кўзини пирпиратди, сўнгра бирданига қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди-да, кулги аралаш: «Эй, девона-ей!» дея қичқириб, ўрнидан турмасданоқ, бўҳчасини чанг ерда судраганича чалғининг даста томонини тошдан тошга шарақлатиб қўполлик билан Челкашнинг ёнига ўтиб олди.

— Ҳай, оғайни, тоза кайф қилганга ўхшайсан-а!— деди Челкашнинг чолворидан тортиб.

Челкаш кулиб туриб:

— Ҳа, бўлган эди, бўталоқ, шунақа ишлар бўлган эди!— деди иқрор бўлиб. Челкашга бу барваста, оқ кўнгил, кўзлари равшан йигит ёқиб қолди.— Бугдой ўроғдан келяпсанми?

— Бўлмаса-чи!.. Бир чақирим ер ўрдик, бир чақага эга бўлдик. Ишларнинг мазаси йўқ! Ҳамма ёқни одам босиб кетди! Очлар ёпирилиб келиб, ўроқчи нархини шундай тушириб юборишдики, асти қўявер! Кубанда фақат олтмиш тийиндан тўлашди. Аҳвол шунақа! Илгари уч сўмдан, тўрт ва беш сўмдан тўлаган эмиш.

— Илгари-я!.. Илгари у ерда рус йигитни бир кўришга — кўрмана учун уч сўлкавойдан чўзишарди. Бундан ўн йилча бурун менинг касбим шу эди-да. Кубаннинг бирорта қишлоғига бориб: «Мен русман» дедимми, бас! Дарҳол сени силаб-сийпаб, у ёқ-бу ёғингни ушлаб, роса томоша қилишарди-да, дарров уч сўмликни узатишарди! Яна тагин едириб-ичириб, қорнингни тўйғазишарди. Маза қилиб, хоҳлаганингча юра берар эдинг.

Йигит Челкашнинг гапларини тингларкан, аввал оғзи очилиб қолди, юмалоқ башараси азбаройи таажжублангани ва завқланганидан тиржайиб кетди, лекин бу жулдурвоқи одамнинг лақиллатаётганини кейин пайқаб қолиб, лабларини чапиллатди-да, хохолаб кулиб юборди. Челкаш эса, кулгисини мўйловлари остига яшириб, жиддийлигича турарди...

— Телба! Худди ростдек қилиб гапирасан-а, мен ҳам сенга ишониб ўтирибман... Йўқ, азбаройи худо, илгари у ерда....

— Ҳа, мен нима деяпман? Мен ҳам шуни айтяпман-ку, илгари у ерда шунақа..

— Қўй-э!..— деди йигит қўл силтаб.— Этикдўзмисан? Ё машиначимисан?.. Кимсан ўзинг?

— Мени айтяпсанми?— деб сўради Челкаш. Сўнгра бир оз ўйланиб туриб:— Балиқчиман,— деди.

— Балиқчи-и! Сени қара-ю! Нима овлайсан, балиқчи?..

— Нега балиқ бўлсин? Бу ерлик балиқчилар фақат балиқ овламайдилар. Кўпинча, сувга чўкиб ўлганларни, эски лангарларни, ботган кемаларни — хуллас, ҳаммасини овлайди. Бу касбнинг ўзига хос қармоғи бўлади...

— Гапир-э, ёлғонни!.. Сен тагин:

Биз тўрларни ташлаймиз,  
Ерларга, қирғоқларга,  
Уйларга, омборларга...

деб ашула айтадиган балиқчилардан бўлмагин?

Челкаш мийиғида кулиб йигитга тикилди-да:

— Ўзинг кўрганмисан ўшандақа балиқчиларни?— деб сўради.

— Йўқ, кўриш қаёқда? Эшитганман...

— Еқмадими сенга?

— Уларми? Бўлмаса-чи?! Ёмон одамлар эмас, ҳаммаси эркин, озод.

— Сенга нима кераги бор озодликнинг?.. Наҳотки сен ҳам озодликини яхши кўрсанг?

— Нега яхши кўрмайин? Ўз ихтиёринг ўзингда, қаерга хоҳласанг — борасан, нимани хоҳласанг — қиласан.. Қани энди! Ўзингни бир режада олиб юролсанг, айниқса, бўйнингда осилиб турган тошинг бўлмаса — энг соз иш-ку! Ўйна, кул, билганингни қил, худони унутмасанг бўлгани.

Челкаш, нафратлангандай бир тупурди-да, йигитга тескари ўгирилди. Йигит сўзида давом этди:

— Мана, ҳозир, менинг ишимни олсанг... Отам ўлиб кетган, рўзгоримиз кичкина, онам қариган бир кампир, еримиз кучсиз, хўш, нима қилишим керак? Яшаш керак. Лекин қандай қилиб? Буниси номаълум. Мен балки яхши бир хонадонга куёв бўларман. Хўп. Қизнинг тегишини аж-

ратиб берсалар яхшику-я!.. Йўқ, ахир, қайната ўлгур қизнинг ҳақини ажратармиди? Ажратмагандан кейин, ноилож қайнатангга ишлайсан-да. Бир йил эмас, бир неча йил! Кўрдингми, шунақа ишлар!.. Агар, бирор юз эллик сўлкавой ишлаб олсам борми, дарҳол ўзимни ўнглаб олардим-да, Антипнинг ёнига бориб — ма, мана, татиб кўр! — дердим. Марфанинг ҳиссасини ажратиб берасанми-бермайсанми? Ҳай, майлинг! Худога шукур, қишлоқда сенинг қизингдан бошқа ҳам қиз тўлиб ётибди. Шу билан мен эркин, ихтиёрим ўзимда бўларди... Шунақа! — Йигит шу ерда бир уҳ тортиб қўйди. — Энди бўлса, куёв бўлиш учун бировнинг эшигида қарол бўлишдан бошқа илож йўқ. Мен бундай ўйлаган эдим: Кубанга бориб, бирор икки юз сўм туширсам — бўлди. Ундан кейин, мен ўзим хўжайин!.. Афсуски, ҳеч нарса чиқмади. Батракликка кирман энди. Ўз хўжалигимни ҳеч қачон, ҳеч йўл билан эплай олмайман! Эҳ-ҳа!

Йигит ичкуёв бўлишни сира истамас, ўтирган жойида типирчиларди. Шу топда унинг юзи ҳам хафалиқдан синиб кетганди.

— Энди қаерга бормоқчисан? — деб сўради Челкаш.

— Қаерга бўларди? Маълум — уйга-да.

— Мен қайдан билай, оғайни, балки сен Туркияга кетмоқчидирсан?

— Туркияга-а? — деб чўзди йигит. — Православ динидаги одам у ерга бориб бўпти! Гапни қаранг!..

Челкаш оғир нафас олиб:

— Аҳмоқ экансан! — деб қўйди-да, яна тескари бурилди. Бу соғлом қишлоқи йигит унинг кўнглида аланимани қўзгатарди...

Секин-аста етилиб келаётган аллақандай туманми, кўнгилни ғаш қилувчи туйғу хаёлини чалғитар, кўксининг аллақайси бир ерида гивирлаб, фикрларини бир ерга тўплашга ва шу кеча қилинажак ишни яхшилаб ўйлашга йўл бермасди.

Йигит ҳақорат эшитиб, аразлагандай бу ялангоёққа онда-сонда кўз қирини ташлаб, паст овоз билан бир нималар деб ўзича ғулдиарди. Унинг икки лунжи шишиб, ғалати бўлиб, лаблари дўрдайди, қисик кўзлари одамнинг кулгисини қистатадиган даражада тез-тез пирпирай бошлади. У афтидан, бу мўйловлар ялангоёқ билан бошланган суҳбатнинг бунчалик тез тугашини, кети хафагарчиликка айланишини кутмаган эди.

Ялангоёқ энди унга сира парво қилмасди. Утирган жойида хаёл суриб ҳуштак чалар, кирлаб кетган товони билан бир мақомда ғулани тепарди.

Йигит у билан ора очиқ бўлмоқни истарди.

— Ҳой, балиқчи! Сен шунақа тез-тез ичиб турасанми?— деб эндигина гап бошлаган эдики, бирданига Челкаш унга тамоман ўгирилиб олди-да:

— Менга қара, бўталоқ! Бугун кечаси мен билан бирга ишга чиқасанми? Айт дарров!— деди.

— Нима иш?— деб сўради йигит ишонқирамай.

— Нима иш бўларди!.. Нимани буюрсам — қиласан... Балиқ овлашга борамиз. Эшкак босасан...

— Хўш... Нимаям дердим! Майли. Ишласак ишлайлик, фақат шуниси борки... Сен билан юриб бир балага йўлиқмасам гўргайди... Сен ўзинг жудаям индамас экансан... ичингдагини билиб бўлмайди...

Челкаш кўкрагини алланарса куйдиргандек бўлиб, эшитилар-эшитилмас овозда жаҳл билан шундай деди:

— Ақлинг етмагандан кейин вайсама. Қоқ бошингга мушт билан бир тушираман, дарров эсинг жойига тушади.

У ғўла устидан ирғиб тушди-да, чап қўли билан ўз мўйловини ушлаб тортди, ўнг қўлини маҳкам мушт қилиб олди, кўзларида ўт чақнаб кетди.

Йигит қўрқиб кетди. Теварак-атрофга олазарак қараб олиб, қўрқувдан кўзларини пирпиратганича у ҳам ўрнидан турди. Бир-бирининг кучини синашаётгандай кўз уриштиришиб, иккаласи ҳам жимиб қолди.

— Хўш?— деди Челкаш газаб билан.

У анчайин ёшгина йигитдан ҳақорат эшитгани учун ўтдек ёнар ва дир-дир қалтирарди. Ҳали гаплашиб ўтирганида ундан нафратланган бўлса, энди биратўла ёмон кўриб қолган эди. Нима учун? Шу учунки, у йигитнинг кўзлари тиниқ ва мовий, соғломлиги офтобда қорайган юзидан билиниб турибди, қўллари катта ва бақувват, шу учунки, унинг аллақайларда ўз қишлоғи бор, қишлоқда ўз ҳовлиси бор; шу учунки, ўзига тўқ бир деҳқон уни куёв қилмоқчи, унинг кечмиши, келажаги — ишқилиб, тўла турмуши бор, айниқса, шу учунки, Челкашга қараганда анчайин бир ёш бола бўлган бу йигит озодликни яхши кўради, гарчи, қадрига етмаса ҳам ва унга мутлақо даркор бўлмаса ҳам, эркинликни севишга журъат қилади! Ўзингдан ёмон ва паст деб билган одаминг, сен яхши кўрган нарсани яхши кўрса, сен ёмон кўрган нарсани ёмон кўрса-

да, шу билан сенга ўхшаб ўтирса, албатта бу кишига алам қилади-да.

Йигит Челкашга қаради ва уни худди ўз хўжайинидек сезди:

— Мен, ахир... йўқ демайман,— деб сўз бошлади.— Ўзим ҳам иш ахтариб юрибман. Сенга ишлайманми, бошқагами — барибир. Мен фақат шунигина айтдимки, сен ишчи одамга ўхшамайсан, сен жудаям ҳалиги... жулдурвоқисан. Лекин биламанки, ҳамма ҳам шу ҳолга тушиши мумкин. Тавба, кошки мен умримда пианисталарни кўрмаган бўлсам экан! Эҳ-э-э, қанчасини кўрганман!.. Сендан беш-баттарлари ҳам кўп учрайди.

Челкаш энди бир оз юмшади:

— Ҳа, бўпти, бўпти! Борасанми?

— Мени айтасанми? Жон деб бораман, жон деб!.. Пулини гапир!

— Пули ишга қараб бўлади. Ов қандай бўлса, пули ҳам шундай. Беш сўлкавой олишинг мумкин. Уқтингми?

Энди масала пулга келиб тақалди; қишлоқи йигит пухта ва аниқ байлашиб олмоқчи бўлиб, ёлловчидан ҳам анигини айтишини талаб қилди. Унинг кўнглида шубҳа уйғонган эди.

— Бу менга тўғри келмайди, оғайни!

Челкаш ўз ролига кира бошлади.

— Гапни бас қил! Юр, майхонага кирайлик!

Иккаласи кўчада ёнма-ён кетишди. Челкаш, хўжайинлар сингари мағрур, мўйловини бураб борарди, йигит бўлса сўзсиз итоат қилишга тайёр қиёфада, лекин шунда ҳам сира ишонгиси келмай, қўрқа-писа қадам қўярди.

— Отинг нима?— деб сўради Челкаш.

— Гаврила!— деди йигит.

Улар ис босган ифлос майхонага келиб кирганларидан кейин, Челкаш буфет ёнига борди-да, майхонанинг доимий мижозидек, бетакаллуфлик билан бир шиша ароқ, карам шўрва, қовурилган гўшт ва чой буюрди, сўнгра, керакли нарсаларни яна бир марта санаб чиққач, буфетчига қисқагина қилиб: «Ҳаммаси насияга!»— деди. Буфетчи «хўп» дегандек, бош ирғаб қўйди. Шунда Гаврила, бу хўжайиннинг кўриниши ўғрига ўхшаб кетса-да, бунчалик ишонч ва обрўга эгаллигини кўриб, унга нисбатан бирданига қалбида зўр ҳурмат пайдо бўлди.

— Мана, энди еб-ичиб ўтириб, бемалол ҳангамалашамиз. Сен ўтириб тургин, мен баъзи бир жойга бориб келаман.

Челкаш чиқиб кетди. Гаврила теварақ-атрофни томоша қила бошлади. Майхона ертўлада бўлиб, унинг ичи зах ва қоронғи эди, бунинг устига ароқ, тамаки, арава мойи, яна тагин аллақандай ўткир бир нарсанинг нафасни бўғувчи ҳиди билан тўлган эди. Гавриланинг рўпарасида, бошқа бир столда, малла соқол, ҳамма ёғи кўмир хокаси билан арава мойига беланган, матросча кийинган маст бир одам ўтирарди. Дам-бадам ҳиқичоғи тутиб турган бу одам, гулдираб бир қўшиқ айтардики, қўшиқнинг сўзлари бошдан-оёқ нотўғри ва бузуқ бўлиб, ҳарфлари гоҳ ши-шилаб, гоҳ ги-гилаб чиқарди. У, афтидан, рус эмасди.

Унинг орқасида молдаванлик икки аёл ўтирарди; устбоши жулдур, сочлари қоп-қора, юзлари офтобда қорайган бу аёллар ҳам маст овоз билан чирқираб ашула айтардилар.

Сўнгра қоронғиликдан вазоҳати ҳар хил одамлар чиқиб келишди. Ҳаммаси алланечук озиб-тўзиб кетган, ширакайф, бақироқ ва нотинч эди...

Гаврила ваҳимага тушиб, хўжайиннинг тезроқ қайтиб келишини истаб қолди. Майхонадаги ғовур-ғовур товушлар бир-бирига қўшилиб, гўё аллақандай баҳайбат ҳайвон бўкираётгандай туюлар, юзларча хилма-хил овозга эга бўлган ҳайвон гўё бу чуқурдан чиқиб кетмоқ учун тажангланиб жон-жаҳди билан уринаётганга, бироқ ташқарига чиқиш йўлини тополмаётганга ўхшарди... Гаврила аллақандай маст қилувчи оғир бир нарса тобора баданига сингиб бораётганини сизди, шундан унинг боши айланди, қўрқув аралаш қизиқсиниб, майхона ичида зир югурган кўзлари тинди...

Челкаш қайтиб келди, шундан кейин, иккови гаплашиб ўтириб, овқат ейишга, ичишга киришишди. Учинчи рюмкадан кейин Гаврила маст бўлиб қолди. Унинг таъби очилиб кетиб, шундай мазали овқатлар билан меҳмон қилган бу қадар ажойиб хўжайинга бирор яхши гап айтгиси келди. Лекин тўлқиндай ёпирилиб келган сўзлар томоғида тўхтаб қолар, бирданига оғирлашиб қолган тилига, негадир, гап келавермас эди.

Челкаш унга қаради-да, истехзоли кулимсираб деди:

— Тамом бўпсан-ку! Э-эҳ, мишиқи! Беш рюмка билан-а?.. Энди қандай ишлай оласан?

— Дўстим!— деб гудранди Гаврила.— Қўрқма! Мен сени хурсанд қиламан! Кел, бир ўпиб олай!.. Хўпми?..

— Қўй, қўй!.. Ма, яна битта кўтар!

Гаврила ичавериб охири шу даражага етдики, унинг кўз ўнгида ҳамма нарса бир текис, тўлқинсимон ҳаракат билан тебрана бошлади. Бу ҳол унинг ғашини келтирар, кўнглини айнитарди. Юзи аҳмоқона ва тантанавор тусга кирди. Гаврила бир нарса демоқчи бўлиб, одамнинг кулгисини қистатадиган даражада лабларини чапиллатиб гўнғилларди. Челкаш унга тикилиб қараркан, алланарсани эслагандек бўлар, ҳадеб мўйловларини бурар, борган сари жаҳл аралаш илжайар эди.

Майхона бўлса мастлар қийқириғи билан ўкирарди. Малла матрос стулга суяниб ухларди.

— Қани, юр!— деди Челкаш ўрнидан тураётиб.

Гаврила ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, туролмади, болохонадор қилиб сўкиниб олди-да, маст-аласт ҳолда бемаъни кулги билан хохолаб юборди.

Челкаш унинг рўпарасидаги курсига яна қайтиб ўтираркан:

— Тоза ланж бўлди!— деб қўйди.

Гаврила маъносиз кўзлари билан хўжайинига қараб куларди. У ҳам кўз узмай ўйчанлик билан унга қаттиқ тикилиб қарарди. Челкаш қаршисида турган ва ҳаёти унинг йиртқич чангалига тушган одамни кўрарди. Ўзида шундай бир куч сезардики, у куч билан бу йигитни ҳар қандай кўйга солиб ўйнатиши мумкин. Истаса, бу йигитни карта сингари букиб синдираар, ёки деҳқончилигини тиклаб олиш учун унга ёрдам қилиш Челкашнинг қўлидан келади. У бировга хўжайин бўлиб олганини сезган сайин: «Тақдирнинг менга тутган косаси бу йигитга ҳеч қачон nasib бўлмас», деб ўйларди... Шу сабабдан бу ёш йигитга гоҳ ғайирлиги, гоҳ раҳми келиб, ундан куларди, бироқ унинг яна ўзига ўхшаган бирор кишининг қўлига тушиши мумкинлигини тасаввур қилиб, унга қайғурарди... Охири бориб, Челкашнинг хилма-хил ҳислари бир-бирига қўшилиб кетди-да, алақандай оталик, хўжайинлик ҳиссига айланди. Йигитга раҳми келди, йигит ҳам унга керак эди. Шунда Челкаш уни қўлтиғидан суяди-да, тиззаси билан орқасидан оҳиста турта-турта майхона ҳовлисига олиб чиқди, тахлоғлиқ саржин ўтин соясига ётқизди-ю ёнига ўтириб, трубкасини чека бошлади. Гаврила жиндак уриниб гўнғиллади-да, сўнгра ухлаб қолди.

## II

Челкаш эшкаклар билан овора бўлиб турган Гавриладан секин:

— Қани, бўлдингми?— деб сўради.

— Ҳозир! Мана бу ҳалқаси бўшаб қолибди, эшкак билан бир урсам майлими?

— Йўқ-йўқ! Тарақлата кўрма! Қўлинг билан қаттиқроқ босгин, ўзи жойлашиб қолади.

Иккови жимгина қайиқ билан овора эди. Қайиқ эса, эман тахтачалари ортилган елканли кемалардан бирининг кетига боғланганди, у ерда бу хил кемалардан ташқари, хурмо, сандал<sup>1</sup> ва йўғон-йўғон сарв ғўлалари юкланган турк фелюгалари турар ва ҳаммаси бутун бир флотилияни ташкил этарди.

Тун қоронғи, кўкда қуюқ ва пахмоқ булутлар сузмоқда, денгиз эса тинч, лекин қорамойдай қоп-қора эди. Денгиз рутубатли ва тузли ҳаво билан нафас олар, кемаларнинг ёнларига ва қирғоқларига оҳистагина урилиб, Челкашнинг қайиғини сал-пал тебратиб, ширин-ширин куйларди. Қирғоқдан тортиб то олисларгача, денгиздаги кемаларнинг қоралари, уларнинг кўк бағрига санчилган учли мачталар<sup>2</sup> чўққисидаги ранг-баранг чироқлар кўринарди. Денгиз, чироқ шуълаларини акс эттирган, унинг сатҳини жуда кўп сариқ доғлар босиб кетган эди. Бу доғлар эса, денгизнинг бахмалдай майин, тим қора жилосиз юзида чиройли товланарди. Денгиз, кун бўйи ишлаб чарчаган ишчининг соғлом ва қаттиқ уйқуси билан ухларди.

Гаврила эшкакларни сувга ташларкан:

— Кетдик!— деди.

— Бўпти!— деди-да Челкаш, рулни қаттиқ силкиб қайиқни кемалар оралатиб сувга туширди, қайиқ сип-силлиқ сув бетиде тез-тез сузиб кетди, сув ҳам эшкаклар зарби остиде, фосфор рангли кўкимтир шуълалардан ялтиради, лентасимон чўзилган узун шуъла акси йилт-йилт қилиб, қайиқ кетидан бурала-бурала ўрмалай бошлади.

Челкаш меҳрибонлик билан:

— Ҳа, бошинг қалай? Оғрияптими?— деб сўради.

— Жуда!.. Чўяндек оғир. Ҳозир ҳўллаб оламан.

---

<sup>1</sup> Иссиқ мамлакатларда ўсадиган хушбўй, эфир мойига бой бир хил дарахт.

<sup>2</sup> Кеманинг ўртасидаги узун дор ёғоч.



— Нима кераги бор? Сен, мана буни олиб, томоғингни ҳўлла, эҳтимол тезроқ босилар.— Гаврилага шишани узатди.

— Ростми? Эй худо, ўзинг мадад бер!..

Қулт-қулт этган товуш эшитилди.

— Ҳой, бас қил! Етар!— деб Гаврилани тўхтатди Челкаш.

Қайиқ кемалар орасида шарпасиз ва енгилгина чайқалиб, яна тез сузиб кетди... Қайиқ кемалар орасидан очиқликка чиқиши билан бирдан икковининг кўз ўнгида, олисларга чўзилиб кетган бепоён ва азамат мовий денгиз кенг ёйилди! Олисларда эса, денгиздан осмонга четларни сариқ, момиқ ҳошияли, кўк аралаш бинафша рангдаги, денгиз сувидай яшил рангдаги тоғдай-тоғдай булутлар ҳамда қўрғошиндай оғир, соя солувчи, диққинафас қилувчи ғамгин булутлар кўтариларди. Булутлар секин-секин сузиб борарди, гоҳ бирга қўшилишиб, гоҳ бир-биридан ўзишиб, бирини бири ютиб юборарди-да, яна қайтадан пайдо бўлиб, улуғвор ва баҳайбат шаклларда сузиб кетардилар... Уларнинг оҳиста ҳаракатидан аллақандай бир фалокатнинг ҳиди келарди. Гўё денгизнинг нариги чеккасида булутларнинг ҳадди ҳисоби йўқдай, доим шу хилда лоқайдлик билан кўкка ўрмалаб чиқаверадигандай туюлар, уйқуга кетган денгиз тепасидаги осмонни нурдан бенасиб қилмоқ, миллионларча олтин кўзли, алвон рангли юлдузларни сўндирмоқ учун уларнинг нияти бузилганга ўхшарди; хаёлга чўмган бу йилтироқ юлдузлар инсонда юксак ҳиссиёт ва тилаклар уйғотгани учун ҳам уларнинг мусаффо нури одамлар учун жуда қимматли.

— Денгиз яхши-а?— сўради Челкаш.

— Чаккимас! Лекин қўрқяпман,— деди Гаврила, кучли зарб билан эшакларни бир текис босиб. Сув эшитилар-эшитилмас шалоплар, узун эшакларнинг зарбидан сачраб, фосфорнинг илимиқ мовий шуъласидек йилтирарди.

— Қўрқар эмиш! Аҳмоқни қаранг!— дея кулди Челкаш.

Бу ўғри денгизни севарди. Унинг доим қайнаб турган таассуротга жуда оч мизожи, бу поёнсиз қоронғиликни, эркин ва азамат кенгликни томоша қилишдан сира тўймасди. Шунинг учун севган нарсасининг гўзаллиги тўғрисида савол бериб, бу хилда жавоб эшитгани унга алам қилади. У, қайиқнинг орқа томонида ўтириб, сувни руль

билан ёриб борар ва бу барқутдай сип-силлиқ сув сатҳида бемалол олға тикилар, кўнгли жуда узоқларга кетмоқ орзу-си билан лиммо-лим тўлиб яйрар эди.

Денгиздалиқ вақтларида доим унинг қалбида кенг ва иссиқ бир ҳис уйғониб, кўнглини бутунлай қамраб олар ва турмушда илашган ҳаром-хариш нарсалардан бир қадар тозаларди. Челкаш бу ҳисни қадрлар ва ўзини шу ерда, ана шу сув ва ҳавода яхши бир одамга айланган ҳолда кўришни ёқтирарди, чунки бу ерда ҳаёт тўғрисидаги ўйлар ўткирлигини, ҳаётнинг ўзи эса — қимматини йўқотади. Кечалари денгизнинг уйқули нафасидан шувиллаб чиққан майин товуш денгиз узра сузарди ва бу сеҳрли товуш руҳига таскин беради, ундаги ёвуз ниятларни юмшоқлик билан енгиб, кўнгилда улуғвор хаёлу орзулар туғдиради...

Гаврила бирданига бесаранжом бўлиб, қайиқнинг у ёқ-бу ёғини қаради-да:

— Балиқ тутадиган лаш-лушларинг қани?— деб сўраб қолди.

Челкаш сесканиб кетди.

— Лаш-лушми? Мана шу ерда, орқа томонда.

Челкашга алам қилди: ёш боланинг олдида ёлгон гапирганига, унинг саволи орқасида ширин ўйлари ва ҳислари барбод бўлганига ачинди. У аччиғланди. Ҳар сафаргидай бу гал ҳам бирданига кўкси ўртаниб, томоқ остлари лип-лип уча бошлади. Челкаш ваҳимали товуш билан Гаврилага қаттиқ ўшқирди:

— Сен-чи, ҳай, ўтирган жойингда индамай ўтир! Бировнинг ишига ҳадеб суқила берма, сени қайиқ ҳайдашга ёлабманми, ҳайдайвер, тилингни тиймасанг, ўзингга ёмон бўлади. Уқтингми?

Қайиқ бир силкинди-ю, таққа тўхтади. Эшкаклар кўпик тарқатиб сувда қолаверди. Гаврила эса, ўтирган жойида безовта бўлиб, типирчиланди.

— Ҳайда!

Қаттиқ сўкишдан ҳаво ларзага келди. Гаврила қулочкашлаб эшкакларни сувга урди. Қайиқ худди ҳурккандай, сувни ёриб, юлқина-юлқина тез сузиб кетди.

— Текис ҳайда!..

Челкаш эшкакни қўлидан чиқармасдан, совуқ кўзларини Гавриланинг сўлғин юзларига қаттиқ тиккан ҳолда, ўрнидан сал кўтарилди. У олдинга энгашиб олгани учун худди сакрашга тайёр турган мушукка ўшарди. Тишлари

ғазаб билан ғижирлагани, аллақандай суякларнинг оҳиста қисирлагани эшитиларди.

Денгиздан қаттиқ бир ҳайқириқ эшитилди:

— Ким у бақирган?

— Ҳой, иблис, ҳайдасанг-чи, ахир!.. Жим!.. Ҳлдириб ташлайман, итвачча!.. Ҳайда дейман сенга!.. Бир, икки! Қани, дамнингни чиқар-чи!.. Бурдалаб ташлайман!— деб вишиллади Челкаш.

Қўрқувдан ва зўр бериб эшкак босишдан мадори қуриган Гаврила эса, дағ-дағ титрар:

— Ё биби Марям...— деб пичирларди.

Қайиқ оҳиста бурилиб, орқага — гала-гала чироқларнинг ранг-баранг ёруғи, баланд матчаларнинг ёғочлари кўринган гавань томонга қайтди.

Яна бояги овоз эшитилди:

— Ҳой! Ким у бақирган?

Аммо бу сафар овоз, аввалгига қараганда олисроқдан келарди. Челкаш хотиржам бўлди-да, овоз келган томонга қараб:

— Ҳзинг бақиряпсан!— деди, сўнгра ҳали ҳам имон келтириб турган Гаврилага юзланди:— Эй, ука, бахтинг бор экан! Бу лаънатилар агар кетимизга тушгудек бўлса, тамом бўлардинг. Пайқайсанми? Мен сени бир нафасда балиқларга ем қилардим, ҳа!..

Энди, Челкаш хотиржамлик, ҳаттоки мулоимлик билан гапира бошлагандан кейин, ҳали ҳам қўрқувдан қалтираб турган Гаврила:

— Ҳой, менга қара, менга жавоб бер,— деб ёлворди.— Худо ҳаққи учун сўрайман, жавоб бер! Бирор жойда қирғоққа чиқариб қўй! Ай-яй-яй!.. Тоза расвом чиқди. Кел, худодан қўрқ, жавоб бер! Мени бошингга урасанми, мен буни қила олмайман. Бундай ишларни ҳеч қилган эмасман... Биринчи марта бу... Худойим-ей! Расво бўламан энди! Ҳой дейман, қанақа қилиб ақлимни ўғирладинг-а? Худодан қўрқсанг-чи!.. Охиратингдан ажрайсан!.. Зап ишлар...

— Қанақа ишлар?— дея сўради Челкаш шиддат билан.— А? Ҳўш, қани, қанақа ишлар?

Челкаш йигитнинг қўрққанини кўриб завқланар, «Гавриланнинг қўрқишини қаранг!», «Ҳзим ҳам, лекин, ёмон ваҳимали одам эканман-а?» деб ўйлаб, роҳат қиларди.

— Хунук ишлар, оғайни... Худо ҳаққи, менга жавоб бер!.. Нима керагим бор сенга? А?.. Ҳон ўртоқ...

— Бас қил энди! Керак бўлмасанг, сени олмас эдим. Уқтингми? Ҳа, бас қил!

— Эй худойим,— дея оғир нафас олди Гаврила.

Челкаш уни афсусланишга ҳам қўймай:

— Бас дедим! Нолиб кўр, қани?

Лекин Гаврила ортиқ бардош қила олмасдан, аста хўрсиниб йиғлади, бурнини тортди, ўтирган ерида типирчилади, лекин эшкакларни зўр бериб, бутун кучи билан эшарди. Қайиқ ўқдек учиб борарди. Йўлда яна кемаларнинг қорайган қовурғалари кўрина бошлади; қайиқ кемалар орасидаги торгина сув сатҳида соққадек ғириллаб кўринмай кетди.

— Ҳой, мега қара! Биров бир нарса сўрагундай бўлса, дамингни чиқарма, йўқса, жонингдан умидингни уз! Уқтингми?

Бу шиддатли буйруққа жавобан Гаврила:

— Вой-эй, вой-эй!..— деб ноумид бир уҳ тортди ва қаттиқ ачиниш билан илова қилди:— Шўргинам қурсин менинг!

— Нолима!— Пичирлади Челкаш ваҳимали қилиб.

Гаврила бу пичирлашнинг ваҳимасидан гангиб қолди ва фалокат бўлишини сезиб, ўликдек қотиб қолди. У тамоман беихтиёр ҳаракат қилар, эшкакларни сувга ботириб, ўзини орқага ташларди-да, эшкакларни сувдан олиб яна сувга ташларди, аммо икки кўзини оёғидаги чоригидан олмасди.

Тўлқинларнинг мудроқ товуши маъюс ҳамда ваҳимали эди. Гавань кўринди... Унинг гранит девори орқасидан одамлар овози, сувнинг шалоплаши, қўшиқлар ва ингичка ҳуштак овози келарди.

— Тўхта! — деб пичирлади Челкаш.— Эшкакларни ташла! Қўлингни деворга тира! Секинроқ, лаънати!..

Гаврила қўли билан силлиқ деворга ёпишиб, қайиқни девор бўйлаб олиб кетди. Қайиқ тошга ёпишган шиллиқ устидан ёни билан шарпасиз сузиб борарди.

— Тўхта!.. Эшкакларни бер! Бу ёққа узат. Паспортинг қани? Бўхчадами? Бўхчани узат бу ёққа! Тезроқ бўл! Қочиб кетмагин деб шундай қиляпман, ўртоқжон... Энди кетолмайсан. Эшкак бўлмаса ҳам, бир амаллаб қоча олардинг, аммо паспортинг бўлмаса қочолмайсан, қўрқасан. Кутиб тур! Билиб қўй! Дамингни чиқардинг — ўлигингни денгиз тагидан топасан!..

Челкаш қўллари билан алланимага ёпишиб шартта юқори кўтарилди-да, девор устида ғойиб бўлди.

Гаврила сесканиб тушди... Кўз очиб юмгунича кўринмай кетгани ғалати эди. Шунда Гаврила бу мўйлови шопдай ориқ ўғри олдида елкасида босиб турган зилдай оғирлик ҳам, лаънати кўрқув ҳам энди секин-аста йўқола бошлаганини сизди... Энди қочиш керак!.. Гаврила эркин нафас олиб, теварак-атрофига қаради. Чап томонда мачтасиз бир кеманинг баланд қора гавдаси кўринарди, бу кимсасиз ва бўш кема — каттакон тобутга ўхшарди... Унинг биқинига келиб теккан ҳар бир тўлқин зарби, худди уҳ тортганга ўхшаш бўғиқ ва гулдураган акс садо берарди. Ўнг томонда, сув бўйлаб чўзилган, захлаб кетган тош девор худди ранги совуқ, каттакон илонга ўхшарди. Орқада ҳам алақандай кемалар қорайиб кўринар, олдинда эса — девор билан ҳалиги тобут нусха кеманинг орасидан, устини қора булут қоплаган сокин денгиз кўринарди. Баҳайбат ва оғир қора булутлар қоронғилик орасидан даҳшат солиб, ўз оғирлиги билан одамни янчиб ташлашга шайлангандай, секин-секин силжирдилар. Тамомий нарса қорага айланиб, совуқ ва машъум тус олган эди. Гаврилани ваҳима босди. Бу ваҳима Челкашнинг ваҳимасидан ҳам ёмонроқ эди: у Гавриланинг кўксини ўз кўксига маҳкам босди, анчайин бир кесак сингари эзиб, қайиқнинг ўтиргичига қадаб қўйди...

Теварак-атроф жимжит, денгизнинг уҳ тортишидан бошқа овоз йўқ. Қора булутлар ҳали ҳам боягидек, одамни зериктирадиган даражада имиллаб кўкда ўрмалашарди, лекин тобора кўпайиб денгиздан шундай кўтарилишардики, шу топда осмонга қараган киши булутларни ҳам бир денгиз деб ўйлайди, аммо бу талвасага тушган бир денгиз бўлиб, уйқуга чўмган, тинч ва текис денгизнинг устига тўнкарилган. Қора булутлар эса пахмоқ ва оппоқ чўққилари билан қуйига, ерга қараб шўнғиган тўлқинларга ҳам, бу тўлқинларни шамол судраб олиб чиққан денгиз қаърига ҳам, эндигина пайдо бўлаётган, лекин қутуриш ва ғазаб аломати бўлган кўкимтир кўпик ҳозирча қопламаган пўртана ўркачига ҳам ўхшардилар.

Гаврила бу хафақон жимжитлик ва гўзаллик таъсири остида бутун вужуди эзилиб кетаётганини сезиб, тезроқ хўжайинини кўргиси келиб қолди. Агар хўжайин ўша ёқда қолиб кетса-чи?.. Вақт эса кўкда имиллаб юрган қора булутлардан ҳам секин ўтарди... Жимжитлик ҳам борган

сари юракка ваҳима соларди... Мана, худди шу пайт тош девор орқасидан шалоп этган, шитирлаган ва шивирлаб гапирганга ўхшаш бир товуш эшитилди. Гавриланинг назарида, ҳозир жони чиқиб кетадигандай туюлди.

Челкашнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Ҳой! Ухлаб қолдингми? Ма, ол!.. Эҳтиёт бўл!..

Аллақандай тўрт бурчак ва оғир бир нарса девордан тушиб келди. Гаврила уни олиб қайиққа қўйди. Ўша нарсадан яна биттаси туширилди. Кейин деворда Челкашнинг новча бўйи кўринди, аллақайдан эшаклар пайдо бўлди. Гавриланинг бўхчаси ҳам оёғи остига келиб тушди, сўнг-ра ҳансираб нафас олаётган Челкаш қайиқнинг кет томонига келиб ўтирди.

Гаврила унга қараб, шодлигидан қўрқа-писа кулимсиради.

— Чарчадингми?— деб сўради у.

— Чарчамай бўладими, девона?— деди Челкаш.— Қани, эшакларни бос-чи! Кучинг борича ҳайда!.. Сен, ука, яхшигина ишлаб олдинг. Ишнинг ярмини битирдик: энди анави лаънатиларнинг олдидан ўтиб олсак бўлгани, кейин пулингни оласану, «Қайдасан Машкам?»— деб жўнай берасан. Машкамг борми ўзи? Ҳой, бола?

— Йўқ!— Гаврила кўрагини темирчининг дамидек, қўлларини пўлат пружинадек ишлатиб, бор кучини сарф қиларди. Қайиқ остида сув шалдирар, орқа томонида эса, мовий чизик энди анча кенгайган эди. Гаврила терлабни пишиб кетди, лекин ҳамон бор кучи билан эшакни босарди. Шу бир кечанинг ичида икки марта қаттиқ қўрққанидан кейин, энди учинчи марта яна шу аҳволга тушишдан қўрқар ва фақат биргина нарсани: бу лаънати ишни тезроқ битиришни, қуруқликка чиқиб олишни, кейин, бу одам ўлдириб қўймасдан ёки турмага элтиб тиқмасдан бурун, унинг қўлидан қутулиб қочишни истар эди. У Челкаш билан ҳеч нарса тўғрисида гаплашмасликка, унга қарши турмасликка, нима буюрса — қилишга ва агар унинг қўлидан омон-эсон қутула олса, эртагаёқ Николай авлиёнинг арвоҳини йўқлаб тиловат қилишга жазм этиб қўйди. Шу топда қизғин дуолар ҳам ихлос билан кўнглидан отилиб чиқишга тайёр эди. Аммо у ўзини босиб, кичкина паровоз сингари пишқирар ва Челкашга ер остидан қараганича индамай борарди.

Қотма, новча, олдинга энгашганроқ, учмоқчи бўлиб, толпиниб турган қушга ўхшаш Челкаш бўлса, қушникидек

Ўткир қўзлари билан қайиқ олдидаги қоронғиликка тикилар ва қарчиғай тумшугига ўхшаш эгри бурнини у ёқ-бу ёққа жийиган ҳолда, бир қўлида руль дастасини маҳкам ушлаб, бир қўли билан табассумдан пирпираб турган мўйловларини силар, юпқа лаблари ҳам табассумдан қийшайиб кетган эди. Челкаш ўзидан ҳам, ўз муваффақиятидан ҳам, хўжайиндан бунчалик қўрқиб, унинг қулига айланган ана шу йигитдан ҳам хурсанд эди. Гавриланинг бу қадар қаттиқ уринганини кўргач, унга раҳми келиб кўнглини кўтармоқчи бўлди.

Кулимсираб туриб, астагина деди:

— Ҳой! Нима бўлди, ёмон қўрқдингми-а?

Гаврила нафаси борича хўрсинди-да:

— Ҳеч нима!..— деди томоғини қириб.

— Энди эшкакка кўпам зўр беравермагин. Энди бўлди... Яна битта жой қолди, шуни ҳам ўтиб олсак эди... Жиндек дамингни ол-чи!

Гаврила «хўп» деб тўхтади, енги билан юзидаги терларни артди, сўнгра яна эшкакларни сувга ташлади.

— Ҳой, секин-секин ҳайда, ишқилиб, сувнинг овози чиқмасин, битта дарвозадан ўтишимиз керак. Секинроқ, секин дейман... Йўқса, укам, бу ерда ёмон одамлар бор... Худди милтиқнинг ўзгинаси билан ҳазил қилишлари мумкин. Нақ пешанангдан тешик очиб қўяди, «оҳ!» деялмай қоласан.

Қайиқ энди сув бетида жимгина сузиб борарди. Фақатгина эшкаклардан қатра-қатра мовий сув томчиларди, томчи томган жойда денгизда кўм-кўк доғ пайдо бўлиб, бир нафас ичида яна йўқоларди. Тун борган сари қорайиб, сукунат ҳукм сурмоқда эди. Энди осмон ҳам талвасага тушган денгизга ўхшамас: кўкдаги қора булутлар теп-текис ёйилиб, сув бетига жуда яқинлашиб, оғир соябон сингари денгизни қоплаб, қимирламай туриб қолган эдилар. Денгиз эса, янада тинчланди, баттар қорая бошлади, илиқ шамол ҳиди, шўр ҳиди яна ҳам кучайди. Лекин боягидай кенг ва бепоён кўринмасди.

— Эҳ, қани энди шу топда бир ёмғир қуйиб берса!— деди Челкаш шивирлаб.— Худди пардага буркангандек ўтиб олардик.

Қайиқнинг чап ва ўнг томонларида қоп-қора сувдан қад кўтарган аллақандай бинолар кўринди: булар — ишдан чиққан баржалар бўлиб, ҳаммаси ваҳм солиб қорайиб турарди. Улардан бирида чироқ ушлаб юрган одам кўрин-

ди. Денгиз баржаларнинг биқинларини силаб, бўғиқ овоз билан ёлворгандек бўлар, улар эса, гулдурлаган хунук овозда акси садо билан жавоб қайтариб, гўё алланарса хусусида ён бергилари келмагандек тортишардилар.

— Соқчилар!..— эшитилар-эшитилмас пичирлади  
Челкаш.

У эшкакни секинроқ босишни буюрган дақиқадан бошлаб Гаврила жон-жаҳди билан шайланиб, ниманидир кутар эди. У бутун вужуди билан олдинга — қоронғилик томонга энгашиб олганди, назарида бўйи ўсиб бораётгандай, суяк ва пайлари чўзилиб сирқираётгандай туюларди, боши аллақандай бир фикр билан банд бўлиб қаттиқ оғрир, орқа терилари ҳадеб дирилларди; оёқларига ўткир, муздай игначалар санчилар, қоронғиликка зўр бериб тизкилганлигидан кўзлари толиб, гўё қоронғиликдан бир нарса чиқиб келадигандай ва буларга қараб: «Тўхта, ўғрилар!..» деб бақирадигандай туюларди.

Челкаш «соқчилар!» деб пичирлаши биланоқ Гаврила чўчиб кетди: ўткир ва ёндирувчи бир фикр унинг бутун вужудини оралаб ўтди, шу ўтишда таранглашган асабларга тегиб кетди, у дод демоқчи, ёрдамга одам чақирмоқчи бўлди... Оғзини ҳам очди, кўксини олдинга чиқаргани ҳолда, ўтирган жойидан бир оз кўтарилди ҳам, кўксини дўппайтириб ҳавога тўлдириб нафас олди-да, эндигина додламоқчи бўлганида, тўсатдан келиб тушган қамчи зарбига ўхшаш даҳшатли бир нарсадан эси оғиб, кўзлари юмилди ва ўтиргичдан пастга ағанаб кетди.

...Қайиқнинг олдида, йироқдаги уфқларда, денгизнинг қоп-қора суви тагидан кўкимтир олов рангли каттакон қилич кўтарилиб, тун қоронғилигини кесиб ўтди-да, ўткир тиғи билан осмондаги булутлардан сирганиб бориб, жуда кенг мовий чизиққа айланди-ю денгиз бағрига ёнбошлади. У ёнбошлагандан кейин шуъласи тушган ерларда, қоронғилик ичидан, ҳалигача кўрилмаган зим-зиё тун зулматига бурканган қоп-қора унсиз кемалар чиқиб келдилар. Гўё бу кемалар бўроннинг қудратли кучи билан денгиз тагига кириб, кўп вақтларгача ўша ерда қолишгану, мана энди, денгиздан туғилган олов қиличнинг фармони билан юзага чиқишган — осмонни кўриш ҳамда сув устида нимаики бўлса, барини томоша қилиш учун чиққандай туюларди... Мачталарни эса, кемадаги асбоб-ускуналар ўраб олганга, гўё бу асбоб-ускуналар ҳам ана шу баҳайбат қоп-қора азаматлар билан бирга денгиз қаъридан чиқиб келган ва



уларни ёпишқоқ бақатўн ўз тўрлари билан чирмаб олганга ўхшар эди. Даҳшатли мовий қилич яна дегиз қаъридан чиқиб юксақларга кўтарилди, осмонда ялт-юлт этиб, зулматни ёриб ўтди-да, энди бу сафар бошқа томонга ёнбошлади. У ёнбошлаган жойда, илгари кўринмаган кемаларнинг гавдаси кўринди.

Челкашнинг қайғи тўхтади ва худди эсанкирагандек сув бетида қалқиб қолди. Гаврила юзини қўллари билан ёпиб, қайиқ тагида ётар, Челкаш эса, уни оёғи билан туртиб, ғазаб билан, лекин паст овоз билан шивирларди.

— Эй, аҳмоқ, бу ахир, божхонанинг кемаси... Анави электр чироқ-ку!.. Тур ўрнингдан, ҳўкиз! Ҳозир устимизга ёруғ тушириб қолишади!.. Ўзингни ҳам нобуд қиласан, мени ҳам, эй лаънати! Қани, бўл!..

Ниҳоят, этик пошнасининг зарбларидан бири Гавриланинг елкасига олдингиларидан кўра қаттиқроқ теккан эди, кўзларини очишга ҳали унча ботиномласа ҳам, ўридан ирғиб турди: курсига ўтиб ўтирди, сўнгра тимирскиланиб эшкакларни топгач, қайиқни олға сурди.

— Секин! Худди жонингни оламан! Секин дедим!.. Падарига лаънат сендай аҳмоқнинг!.. Нимадан қўрқдинг? А? Тўнғиз! Чироқ дедим-ку, чироқ! Эшкакни секинроқ эш!.. Алвасти!.. Улар контрабандачиларни қидирипти, энди бизга тегмайди, олислаб кетишди. Қўрқма, бизга тегмайди, энди биз...— Челкаш тантана билан атрофга қараб олди.— Ҳа-а, ўтиб олибмиз!.. Уҳ-ҳу!.. Тоза бахтли экансан-ку, аҳмоқ!..

Гаврила индамас, ҳадеб эшкакка зўр берар ва оғир-оғир нафас олган ҳолда, ҳали ҳам дам кўтарилиб, дам тушиб турган ўша олов қилич томонга қараб-қараб қўярди. Челкашнинг: «Бу чироқ», деган сўзига сира ишона олмасди. Тун қоронғисини ёриб, денгизни кумушдек ярқирашга мажбур қилаётган бу мовий зиёда, ақл етмайдиган аллақандай бир сир борга ўхшарди, шу сабабдан Гаврила яна ўша қўрқувнинг таъсири остида ваҳимага тушиб қолди. У худди машинадек эшкак босар ва юқоридан аниқ бир зарба кўтаргандек, борган сари қимтинарди, унда ҳозир ҳеч қандай истак деган нарса қолмаган — у қуп-қуруқ ва руҳсиз гавдага айланган эди. Шу бир кеча ичида кўрган-кечирганлари, ниҳоят, ундаги одамгарчиликни тамоман маҳв этиб кетган эди.

Челкаш эса, хурсанд, боши осмонда эди. Унинг болоқазони писанд қилмайдиган асаблари ўрнига тушган, мўй-

ловлари кайф-сафо ҳидини сезгандай учмоқда, кўзларида олов ёнмоқда эди. У ўзини жуда яхши сезар, тишларининг орасидан чиқариб ҳуштак чалар, денгизнинг нам ҳавосини тўйиб-тўйиб шимиради, теварак-атрофга қарар ва кўзлари Гаврилага тушган чоқларда, мулойимлик билан унга жилмайиб қўярди.

Шамол келди-да, денгизни уйғотиб юборди, денгиз бирданига жимира-жимира қилиб ўйнаб кетди. Қора булутлар алланечук юпқалашиб, оқара бошладилар, лекин кўк юзини ҳамон ўша булутлар қоплаб олган эди. Шамол ҳали унчалик кучаймаса-да, денгиз юзида эркин эсиб турарди, лекин шунга қарамасдан булутлар қимирамас, гўё аллақандай бетайин, зериктирувчи ўйга ботгандек эди.

— Ҳой, иним, кўзингни оч-э! Сени қара-я, худди танингдан жонингни сиқиб олгану, фақат бир қоп суякдан бўлак ҳеч нарса қолмаганга ўхшайди-я! Ахир, иш тамом бўлди-ку! Ҳой!..

Гапираётган Челкаш бўлса ҳамки, шу топда одам овозини эшитиш Гаврилага ёққан эди.

— Эшитяпман,— деди у астагина.

— Ҳа, балли! Лавашанг... Қани тур, рулга ўт, мен эшкак эшаман, ўт бу ёққа, чарчагандирсан!

Гаврила дарров жойни алмаштирди. Челкаш у билан жой алмаштираётиб, унинг юзига қаради ва унинг оёқлари қалтираб гандираклаганини кўргач, бу йигитга янада раҳми келиб, елкасига қоқиб қўйди.

— Бас энди, бас, қўрқма! Аммо яхши ишладинг, лекин мен сега, иним, пулни катта бераман. Йигирма бешталикдан олишни истайсанми? А?

— Менга ҳеч нарса керак эмас. Қирғоққа етиб олсам бўлгани...

Челкаш қўл силтаб «тфу!» деди-да, узун қўллари билан эшкакни қулочи борича орқага силтаб эша бошлади.

Денгиз уйғонди. У кичкина-кичкина тўлқинлар яратар, уларни кўпикдан ҳошиялар билан безаб, бирини бирига уриштириб, майда-майда зарраларга бўлар, улар билан ўйнашар эди. Кўпиклар эриб йўқоларкан, вишиллашар ва хўрсинишарди; шундай қилиб, бутун теварак-атроф шовиллаган ва шалпиллаган мусиқий садоларга тўлган эди. Қоронғиликка гўё жон киргандек бўлди.

— Хўш, қани, менга айтиб бер-чи,— дея сўз бошлади Челкаш.— Қишлоғингга борасан, уйланасан, ер ҳайдай бошлайсан, бугдой экасан, хотининг кўп бола туғиб бера-

ди, топганинг етмайди, шундай қилиб, бутун умринг қарздор-абгорлик билан ўтади... Оқибати шуми? Хўш, бундан нима маъни чиқди?

Гаврила титраб-қалтираб зўрға жавоб берди:

— Маъни қаёқда дейсан!

Шамол қора булутлар сафини унда-мунда ёриб юборди; шундай жойларда очилган тешикда бир парча мовий осмон ва икки-уч дона юлдуз кўринарди. Уйноқи денгизнинг юзида акс этган бу юлдузлар дам йўқолиб, дам яна ялтираб кўриниб, тўлқинлар устида сакрашарди.

— Унгароқ тут!— деди Челкаш.— Ҳозироқ етиб оламиз. Шунақа!.. Тамом қилдик. Иш жойида! Кўриб қўй буни, бир кечанинг ичида ярим мингни ўмардим!

Гаврила аввалига ишонмасдан:

— Ярим минг?— деб чўзиб сўради, кейин ўзи қўрқиб кетиб, қайиқдаги той-той молларни оёғи билан туртиб, шоша-пиша яна сўради:— Мана булар қанақа буюм ўзи?

— Булар қимматбаҳо буюм. Буларни агар баҳосига етказиб сотсанг, мингга ҳам етади. Аммо мен қиммат сўраб ўтирмайман... Ҳунарим жойидами?

Гаврила савол тарзида:

— Йўғ-э-й?..— дея чўзиб жавоб берди.— Менга ҳам шунақасидан тегса-ку!— У дарҳол ўз қишлоғини, қашшоқ рўзғорини, ўз онасини, ишқилиб, ўзига яқин бўлган ва ҳозир олисларда қолиб кетган ҳамма нарсасини — ҳаммасини ўйлади: ахир, ўшаларни деб иш ахтариб уйдан кетган, ўшаларни деб шу кеча бунчалик қийналган эмасми? Гаврила шу топда ўз қишлоқчаси тўғрисидаги хотиралар тўлқинига шу қадар ғарқ бўлган эдики, у қишлоқ типпатик тоғнинг ён бағрига жойлашган, этаги сой бўйига бориб туташган, сой эса, қайину сандип, тол ва шумурт дарахтларидан иборат чакалак ичида кўринмас эди...— Эҳ, кошкйди бўлса!..— дея оғир нафас олиб қўйди.

— Албатта!.. Менимча, сен ҳозироқ поездга тушиб уйингга жўнаб қолардинг... Уйингга борсанг, қизлар сени бирам яхши кўришардики, нимасини айтасан! Хоҳлаганингни ол! Ўзингга бир уй ҳам солдириб юборардинг. Ундай десак, уй солдиришга пулинг озроқ...

— Бу гапинг тўғри... Уй солдиришга етмас. Биз томонда ёғоч қиммат.

— Қиммат бўлса нима? Эски уйингни тузатиб олардинг. Хўш, отдан қалайсан? Борми?

— Отми? Борку-я, қариб қолди ҳаром ўлгур.

— Ундай бўлса, от оласан, битта я-яхши от! Сигир... Қўй... Товуқ-мовуқ... а?

— Нимасини айтасан!.. Эй, худойим! Маз-за қилиб яшардим-да!

— Албатта иним, турмушинг чакки бўлмасди... Бунақа ишларга менинг ҳам балодай ақлим етади. Бир вақтлар менинг ҳам ўз уйим бор эди... Отам қишлоқнинг энг катта бойларидан эди...

Челкаш секин-секин эшкак босарди. Қайиқ эса, икки четига шўхлик билан урилиб чайқалган тўлқинлар орасида тебрана-тебрана қоронғи денгизда аранг олға силжирди, денгиз эса, борган сари шўхлигини орттирарди. Икки киши қайиқда тебраниб, ўйчанлик билан атрофга қаранарди, иккови ҳам хаёлга чўмган эди. Челкаш Гаврилани тинчитмоқ ва кўнглини бир оз кўтармоқ мақсадида, ўз қишлоғи тўғрисида ўйлашга қизиқтирди. Олдинига у мийиғида кулиб гап бошлади, аммо кейин суҳбатдошига луқма ташларкан, қачонлардир ўзининг кўнгли қолиб, унутиб юборган ва эндигина эсига келган деҳқонлар ҳаётининг роҳатларини мақтаб, Гавриланинг эсига соларкан, Челкаш ўзи ҳам бора-бора қизиқиб кетиб, қишлоқ ва деҳқончилик ишлари тўғрисида йигитдан гап сўраш ўрнига, энди беихтиёр гапга тушиб кетганини ўзи билмай қолди.

— Деҳқоннинг ҳаётида энг муҳим нарса, мен сенга айтсам иним, эркинлик! Ўз-ўзингга хўжайинсан. Ўз уйинг бор экан, баҳоси бир чақага бўлса ҳам — ўз уйинг-да. Ўз еринг бор, ҳаммасини йиғиштириб келганингда бир қарич келмайди, лекин ўз еринг! Сен ўз ерингда пошшосан! Сенда обрў бор. Ҳаммадан иззат-ҳурмат талаб қилишинг мумкин. Шундай эмасми?— Челкаш ўз сўзини ҳаяжонланиб тамомлади.

Гаврила унга қизиқиб қарар ва қараган сари ҳаяжонланиб руҳи кўтариларди. Бу суҳбат вақтида у, ким билан гаплашиб ўтирганини алақачон унутиб юборган: ўз олдида худди ўзига ўхшаган — неча-неча авлодларнинг пешана тери билан, болалик хотиралари билан бир умр ерга боғланиб қолган, лекин ердан ва ернинг ташвишларидан ўз ихтиёри билан юз ўгирган ва юз ўгиришнинг жазосини кўп тортган бир деҳқонни кўрарди.

— Рост айтдинг, оғайни! Рост бўлганда қандоғ! Мисол учун, мана, ўзингни олиб кўр, еринг йўқ, нимага арзийсан? Ер деган нарса, оғайни, онадай гап, унутиб бўлмайди.

Челкаш энди ўзига келди... Ҳар сафаргидай бу гал ҳам кўкси ўртана бошлаганини сезди, чунки бу гап унга қаттиқ ботди; унинг иззат-нафси шу қадар кучли эдики, агар бирор киши, айниқса, унинг назарида қиммати бўлмаган биронта одам тегиб қўйса, дарҳол ана шу ғашини келтирувчи нарса пайдо бўларди.

— Ол-ҳа!..— деди у ғазаб билан.— Сен, ҳали, бу гапларимни чин деб ўйлаяпсанми? Чучварани хом санабсан!

Гаврила яна қўрқувга тушиб:

— Қизиқ одам экансан!..— деди.— Сени айтяпманми? Сенга ўхшаганлар жуда кўп! Дунёда шўр пешана одамлар тўлиб ётипти!.. Беватанлар...

— Эшқакка ўт, ҳой анқов!— деб калтагина буйруқ берди Челкаш. У тилининг учида турган ҳақорат сўзларни айтишдан негадир ўзини тийиб қолган эди.

Улар яна жойларини алмаштирдилар, аммо Челкаш тойлар орасидан ўтиб, руль ёнига ўтаркан, нияти бузилганини, Гаврилани бир тегиб сувга ағдаргиси келиб турганини сезди.

Калта суҳбат тамом бўлди, лекин энди Гаврила жим қолса ҳам, унинг бу жимлигидан Челкашнинг димоғига қишлоқ ҳиди келиб турарди... Челкаш ўтмишини эслаб кетиб, қайиқни идора қилишни унутди; қайиқ эса, тўлқинлар гирдобида, денгиз қўйнида алақайларга қараб кетмоқда эди. Тўлқинлар гўё бу қайиқнинг йўлдан адашганини аниқ билгандай, уни тобора юқорироқ ирғитиб, у билан энгилгина ўйнашар, ўзининг ёқимли, мовий нурлари билан эшқак тагида ялтирардилар. Челкашнинг кўз ўнгидан ўтмишнинг, узоқ ўтмишнинг, ҳозирги вақтдан ўн бир йил наридаги, бўйдоқлик давридаги ҳаётининг манзаралари гавдаланиб лип-лип ўтарди. У ёш болалик даврини, ўз қишлоғини, мулойим кўк кўзли, қизил юзли, тўладан келган онасини, азамат гавдали, малла соқоли, доим қовоғи солиқ отасини кўз олдидан ўтказди. Ўзини куёв ҳолида кўрди: қора кўзли, узун сочли, тўлачагина, юмшоққина, қувноқ қаллиғи Анфисани кўрди; шундан кейин ўзини яна чиройли йигит қиёфасида, гвардиячи солдат қиёфасида кўрди: сўнгра яна отасини — энди, соч-соқоли оқариб, меҳнатда букилган отасини, юзларини ажин босган, мункайиб қолган онасини кўрди. Аскарлик хизматидан қайтганида қишлоқда уни қандай қарши олишганини ҳам кўрди; отасининг бутун қишлоқ олдидан ўз ўғли Григорий билан мақтангани, мўйлови шопдай азамат солдат, чаққон

ва гўзал йигит бўлиб етилганидан қандай фахрлангани кўз ўнгидан ўтди... Хотира — бу бахтсизлар бошига битган шундай бир балоки, ҳатто ўтмишдан қолган тошларга ҳам жон киргилади, ҳатто бир вақтлар ичилган заҳарга ҳам асал томизади...

Челкаш ҳозир ўзини, қандайдир, кўнгилга таскин бериб эркалатувчи, жонажон қишлоғининг ҳидини эслатувчи ҳаво оқимида гарқ бўлгандек сезардиким, бу ҳаво билан бирга муштипар онасининг ширин сўзлари, асл деҳқон бўлган отасининг салобатли гаплари ва унутилган кўпгина бошқа товушлар қулоғига чалингандай, она ернинг ширали бўйи, эндигина қори эриган, эндигина шудгор қилинган, эндигина зумраддек ям-яшил кузги буғдой майсаси билан қопланган тупроқнинг роҳатбахш ҳидлари димоғига ургандай бўларди... У ўзини тамоман ёлғиз сезар, ҳаёт қучоғидан, туғилиб ўсган еридан, ундаги тартиб-қоидалардан бир умр четлатилган деб ҳис этарди, ҳолбуки, томирларида қайновчи қон ўша ҳаёт қучоғида пишиб етишган эди.

Гаврила бирданига:

— Ҳой! Биз қаерга кетяпмиз? — деб сўради.

Челкаш чўчиб тушди-да, безовта бўлган қарчиғай қараши билан орқасига қайрилиб қаради.

— Эҳ-ҳэ-э, қаёқларга кетиб қолибмиз!.. Эшакларни тезроқ қимирлат-чи...

— Хаёл об қочдими? — деб сўради Гаврила кулимсираб.

— Чарчадим...

Гаврила оёғи билан тойчаларни тепаркан:

— Бундан чиқди, биз энди манави нарсалар билан қўлга тушмас эканмиз-да? — деди.

— Йўқ... Хотиржам бўл... Мана, ҳозир топшираману, пулини оламан. Шунақа!..

— Беш юз-а?

— Кам эмас.

— Бу жуда катта пул! Мен шўрликка тегсайди!.. Қандайга сарф қилишни бир кўрсатардим-да!

— Нимага сарфлардинг, деҳқончиликками?

— Худди ўшанга! Ҳозироқ мен...

Гаврила хаёл қанотига миниб, уча кетди. Лекин Челкаш чурқ этмасди. Унинг мўйловлари шалпайиб, тўлқин сувлари сачраган ўнг биқини ҳўл бўлиб қолган, кўзлари киртайиб, ўз нурини йўқотган эди. Унинг важоҳатидаги

ваҳшиёна томонлари хомушлик таъсири остида, ҳаттоки кир кўйлагининг бурмалари орасидан ҳам кўриниб турган маъюс ўйчанлик таъсири остида бўшашган, билинмай қолганди.

У қайиқни шартта бурди-да, сувдан кўтарилиб чиққан аллақандай қора нарса томон ҳайдади.

Кўк юзи яна қора булутлар билан қопланиб, ёмғир ёға бошлади, майда-майда илиққина ёмғир томчилари тўлқинларга тегиб, қувноқ овоз билан шитирлай бошлади.

— Тўхта! Секинлат!— деб буюрди Челкаш.

Қайиқнинг тумшуғи кичкинароқ бир юк кемасининг биқинига бориб тегди.

Челкаш юқоридан осилиб тушган аллақандай арқонга чангак билан тирмашаркан:

— Ухлаб қолганми бу лаънатилар!— дея гудранди...— Трапни<sup>1</sup> тушир!.. Яна ёмғир қуйди, илгарироқ ёғса бўлмасмиди! Бормисиз дейман, ҳой анқовлар! Ҳой!..

Юқоридан мушукнинг миёвлашига ўхшаш, лекин мулоғим бир овоз эшитилди:

— Селкашми бу?

— Трапни тушир тезроқ!

— Калимера<sup>2</sup>, Селкаш!

Челкаш бўкирди.

— Трапни тушир, ҳой, мохов башара!

— А, бугун жаҳди чиқиб келибди... Элоу!

— Қани, чиқ, Гаврила!— деди Челкаш ўртоғига му-рожаат қилиб.

Бир минут ичида улар палубага чиқдилар, у ерда қорамтир юзли уч киши бор эди; улар аллақандай бир ғалати сучук тилда ўзаро гаплашишар, Челкашнинг пастда турган қайиғини томоша қилишарди. Узун бир хламидага<sup>3</sup> ўралган тўртинчиси эса, индамасдан Челкашнинг ёнига келди-да, у билан қўл сиқиб кўришгач, гумонсирагандай Гаврилага қаради.

— Эрталабгача пул тайёрлаб қўй,— деди калтагина қилиб Челкаш.— Энди мен ухлагани бораман. Гаврила, қани, юр! Қорнинг қалай?

— Жон деб ухлар эдим...— деди Гаврила. Беш минутдан кейин у хуррак тортиб ухлар, Челкаш эса, унинг ёнгинасида ўтириб, бировнинг этигини оёғига ўлчаб кўрар

<sup>1</sup> Кемадаги қуруққа тушириладиган кўприк.

<sup>2</sup> Юнонча—кун, ойдин.

<sup>3</sup> Бурунги румоликлар кийими.

ва ўйчанлик билан ёнига тупуриб, тишларининг орасидан чиқариб мунгли ҳуштак чаларди. Сўнгра қўлларини боши остига қўйиб, мўйловларини учириб, Гавриланинг ёнига чўзилди.

Ўйноқи сув устида кичкина кема аста тебранар, аллақайдаги бир ёғочнинг нолигандай гийчиллаган овози келар, палубага майдалаб ёмғир ёғар, пастда тўлқинлар кема биқинига ўзини урадилар... Тамомий нарса қайғуда, ҳаммасининг овози — ўғлини бахтли қилишдан умидини узган онанинг алласига ўхшайди...

Челкаш тишларини иржайтиб, бошини бир оз кўтарди, теварак-атрофига қаради, алланималар деб пичирлади-да, яна ётди... Узатилган оёқларини икки ёққа кенг ёйиб юборди-ю, каттакон бир қайчига ўхшаб қолди.

### III

Энг аввал Челкаш уйғонганди. У кўзини очар-очмас безовталаниб теварак-атрофига назар ташлади-да, дарҳол кўнгли ўрнига тушиб, ҳали ухлаб ётган Гаврилага қаради. У бўлса, хуррак отиб, ширин ухлар ва ёш боланикидай соғлом, офтобда қорайган юзлари билан алланарсага тушида куларди. Челкаш оғир нафас олиб, торгина арғамчи шотидан юқорига чиқиб кетди. Трюмнинг<sup>1</sup> ёруғидан кўкнинг қўрғошин рангли бир парчаси кўринарди. Ҳаво ёруғ бўлса ҳам, куз фаслига хос хиралик сезиларди.

Челкаш икки соатлардан кейин қайтиб келди. Юзлари қизарган, мўйловлари олифталик билан юқорига қилиб буралган эди. Оёқларига узун ва пишиқ этик, устига куртка ва тери шим кийиб олганди, шу кийимда у худди овчига ўхшарди. Унинг костюми эски бўлса-да, ҳали пишиқ ҳамда унинг қаддини кенгайтириб, қоқ суякдан иборат танини беркитиб турар, жанговар бир тус берганлигидан, жуда ҳам ярашар эди.

У оёғи билан Гаврилани туртди:

— Ҳой, бузов, тур!

Гаврила сапчиб турди, лекин уйқу аралаш Челкашни таний олмасдан, қўрқув ила хира кўзларини олайтириб, унга тикилди. Челкаш хохолаб кулиб юборди.

Оғзининг таноби қочиб тиржайган Гаврила:

---

<sup>1</sup> Кеманинг паст томонидаги омбор қисми.



— Хў-хўв, буни қаранг-а!..— деди ниҳоят.— Нақ хў-жайин бўлиб кетибсан-ку!

— Бизда бунақа нарсалар тез бўлади... Ўзинг ҳам дейман, тоза қўрқоқ экансан-да! Кеча кечаси неча марта ўлимга ҳозирландинг?

— Ўзинг ўйлаб кўр, ахир, бундай ишларга умримда биринчи марта аралашган бўлсам! Ширин жондан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас-да, ахир!

— Яна бир марта борармидинг, а?

— Яна?.. Бу тўғрида, энди сенга нима десам экан? Хўш, нимани деб бораман, нимани? Гап шунда!

— Хўш, агар иккита оқидан бўлса-чи?

— Иккита юз сўмлик демоқчисан-да, а? Ёмон эмас... Унда борса бўлади...

— Шошма! Ширин жондан ажралиб қолмайсанми?..

— Ким билади... Эҳтимол... ажралмасман!— дея кулиб қўйди Гаврила.— Ажралмасман, қайтага бир умрга одам бўлиб, қаддимни тиклаб оларман.

Челкаш қувониб, хохолаб кулди.

— Ҳай, бўлди! Ҳазил бас энди, юр, қирғоққа жўнайлик...

Шундай қилиб, улар яна қайиққа ўтиришди. Челкаш рулда, Гаврила эшкакда. Уларнинг тепасида мовий осмон булутлар бир текис ёйилиб кетган, хира кўк рангдаги денгиз шовиллаб, қайиқни тўлқинлар устига иргитиб ўйнайди, лекин бу тўлқинлар ҳали унча катта бўлмаса-да, кемаларнинг четларига оппоқ ва шўр қатраларни сачратиб шўхлик қиладилар. Қайиқнинг бурун томонида — ҳу олисларда сарғайиб қумли қирғоқ кўринади, қайиқнинг орқа томонида эса, тўлқин галалари ўйдим-чуқур қилиб юборган денгиз йироқларгача чўзилиб, оппоқ кўпиклар билан безаниб ётади. Худди ўша томонда аллақанча кемалар кўринади, аммо чап ёқда, йироқда эса, нуқул мачталардан иборат бутун бир ўрмон ва шаҳар бинолари оқариб кўринади. Ўша томондан, денгиз бетидан гулдураган бўғиқ овоз сузиб келади ва тўлқинлар чайқалиши билан қўшилиб, яхши ва кучли бир музыка яратади... Ҳаммасининг устига кул ранг тумандан юпқа парда ташланган, туман эса, тамомий нарсани бир-биридан йироқлаштиради...

— Эҳ, кечки пайтга бориб роса қутуриб кетади!— деди Челкаш ва бошини буриб денгизга қаради.

Гаврила қайиқни кучи борица тўлқинлар орасидан ҳайдаб бораркан:

— Бўронми?— деб сўради. Шамол денгизни тўзитиб сачратган қатралардан у бошидан оёғигача шалаббо бўлган эди.

— Ҳа!— деб тасдиқлади Челкаш.

Гаврила бир нарса билмоқчи бўлгандек унга қаради... Челкашнинг гап бошлашга раъйи йўқлигини кўрганидан кейин, ниҳоят:

— Хўш, қанча бердилар сенга?— деб сўради.

Чўнтагидан бир нарсани олиб Гаврилага чўзаркан:

— Мана!— деди Челкаш.

Бу ола-була қоғозларни кўргандан кейин Гавриланинг кўз ўнгида ҳамма нарса ялтираб, камалакдек товланиб кетди.

— Эҳ!.. Сен мени алдаяпсан, деб ўйловдим... Қанча ўзи?

— Беш юз қирқ?

Яна қайтиб чўнтакка тушган беш юз қирқ сўмни Гаврила суқтой кўзлари билан кузатаркан:

— Қандингни ур!— деб ўзича пичирлади.— Эҳ-ҳе!.. Мунча пул, агар...— деди-да, аламзадалик билан хўрсиниб қўйди.

Челкаш терисига сигмасдан қичқириб юборди:

— Иккимиз тоза айш қилиб ўйнаймиз, йигитча! Эҳ, қўймаймиз. Қўрқма, оғайни, сенга ҳам ажратиб бераман... Қирқ сўмни бераман. Розимсан? Етадими? Бер десанг, ҳозир берай?

— Агар сенга оғир келмаса, нима дердим? Оламан-да!

Гаврила юрагини тимдалаётган ўткир интизорликдан дир-дир қалтирарди.

— Вой, тасқарага ўхшаган лаънати-ей! Оламанмиш! Ол, оғайни, ол, марҳамат! Ялиниб-ёлвориб сўрайман, ол! Билмадим, бунча пулни қаерга қўяр эканман! Шундан мени қутқариб қўйгин, ола қол, ма!..

Челкаш Гаврилага бир неча қоғоз узатди. У эса, қалтираб турган қўллари билан қоғозларни олди-да, эшкакни ташлаб, қўйнининг қаеригадир беркита бошлади; шу онда унинг кўзлари очкўзлик билан борган сари сузилар, ўзи бўлса, худди ични ёндирувчи бир нарса ичгандек пишилатиб ичига ҳаво ютарди. Челкаш эса, истеҳзоли бир табассум билан унга қараб-қараб қўярди. Гаврила яна эшкакларни қўлига олди-да, алланарсадан қўрққандай ерга қараб олиб, асабийлик билан шошилиб эша бошлади. Унинг кифтлари учар, қулоқлари дир-дир титрарди.

Челкаш ўйчанлик билан деди:

— Очкўз экансан!.. Яхши эмас... Ундай десам, бунинг ҳайрон қоларлик нимаси бор? Деҳқонсан-да...

Бирданига Гаврила ҳирс васвасасидан тутақиб кетиб:

— Ахир, пул бўлса, ҳар нарса қилиш мумкин-да!..— деди. Шундан кейин, худди ўз фикрининг кетидан қувлагандек, шоша-пиша оғзига келган чалакам-чатти сўзларга тармашиб, қишлоқда пуллик ва пулсиз қандай турмуш кечириш мумкинлиги тўғрисида ҳовлиқиб гапира кетди. Иззат, роҳат, айш!..

Челкаш диққат билан қулоқ соларди, жиддий тус олган юзида ва сузилган кўзларида аллақандай ўйчанлик зоҳир эди. Баъзан у хурсандлик билан кулиб қўярди.

Ниҳоят, Гавриланинг сўзини бўлиб:

— Келдик!— деди.

Тўлқин қайиқнинг тагидан кўтариб, уни секингина қумга келтириб қўйди.

— Мана, оғайни, сафар тамом бўлди. Қайиқни нарироққа олиб бориб қўйиш керак, йўқса, тўлқин олиб кетиб қолади. Кейин олиб кетишади. Сен билан бизга, энди, хайр-маъзур!.. Бу ердан шаҳаргача саккиз чақиримча бор. Хўш, қани, сен яна шаҳарга қайтасанми? А?

Унинг юз-кўзларида оқ кўнгиллик билан айёрлик аралаш бир табассум порларди, ўзига жуда ёқадиган ва Гаврила учун сира қутилмаган бир нарса тўғрисида ўйлаб турганга ўхшарди Челкаш. Қўлини чўнтагига солиб, қоғоз пулларни шилдиратарди.

Гаврила, бўғзига бир нарса тиқилгандай, тутилиб-энтикиб:

— Йўқ... Мен қайтмайман... Мен...

Челкаш унга тикилиб:

— Нима жин урди сени?— деб сўради.

— Ҳеч...

Лекин Гаврила гоҳ қизариб, гоҳ бўзарар, ё Челкашнинг устига ташланмоқчи бўлиб, ё бажарилиши қийин бўлган бошқа бир тилакнинг оғирлиги остида эзилиб, турган жойида талвасаланарди. Гавриланинг бундай талвасаланишини кўриб, Челкашнинг жаҳли чиқди. Аммо у кетини маъна бўлишини кутарди.

Гаврила йиғлаганга ўхшаш ғалати бир товуш билан пиқирлаб кула бошлади. Боши қуйи солингани учун Челкаш унинг юзидаги аломатларни кўра олмас, фақат гоҳ қизариб, гоҳ оқариб турган қулоқларини кўрарди, холос.

Челкаш қўл силкиб:

— Эй, арвоҳ урсин сени!— деди.— Нима бало, менга хуштор бўлиб қолдингми? Худди қиз боладай қилтанглайсан?.. Ё мен билан ажралишни ўйлаб, кўнглинг ғаш бўлдимми? Хой, гўдак! Гапир, нима бўлди? Йўқса, мен кетавераман!..

— Кетасанми?— деди Гаврила чинқириб.

Унинг бу чинқиригидан қумлик босган қирғоқ ларзага келди, денгиз тўлқинлари билан ювилган сарғиш қум тўлқинлари тебрангандек бўлди. Челкаш ҳам сесканиб кетди. Бирданига Гаврила турган жойидан қўзғалиб, ўзини Челкашнинг оёқларига ташлади-да, унинг оёқларини қучоқлаб ўзига тортди. Челкаш гандираклаб бориб қумга гуп этиб ўтириб қолди. У тишларини ғижирлатган ҳолда муштумини маҳкам қисиб, узун қўлларини шартта кўтариб Гаврилага ўқталди. Лекин уролмади, чунки унгача Гаврила уятчан овоз билан ялиниб-ёлвора бошлади:

— Азизим!.. Ўша пулларни менга бергин! Худо йўлига, менга бер! Пулнинг сенга нима кераги бор?.. Сен бир кечада, бир кечада топасан... Мен бўлса, неча йилгача ишлашим керак! Менга бер, ҳаққингга дуо қиламан! То ўлгунимча уч черковга шам ёқтириб, охиратинг учун дуо қилай!.. Сен уларни шамолга совурасан... Мен бўлсам, ерга сарфлардим. Берсанг-чи, менга! Пулга зорикқан жойинг борми?.. Сенга пул қаҳатми? Бир кеча ишласанг, яна бойсан! Бир яхшилик қил! Сен, ахир, бўлганча бўлиб қолгансан... Сен энди ҳақ йўлни тополмайсан... Мен бўлсам, ўху!.. Бу пулларни менга бер!

Чўчиган, ажабланган ва аччиғи келган Челкаш, гавдасини орқага ташлаб, қўлларини ерга тираб, қум устида индамай ўтирар, кўзларини қўрқинчли тарзда бақрайтириб Гаврилага қарарди. Гаврила эса, бошини Челкашнинг тиззасига қўйиб, ҳансирай-ҳансирай, пичирлаб ялинишини қўймасди. Ниҳоят, Челкаш уни итариб юборди-да, ўридан турди, чўнтагига қўл солиб қоғоз пулларни олди-да, Гавриланинг олдига ташлади.

Азбаройи тутақанидан, ҳамда бу очкўз қулга ҳам ачингани, ҳам нафратланганидан титраб-қалтираб:

— Ма! Тўй!..— деб қичқирди Челкаш. Пулни йигитнинг олдига ташлагандан кейин ўзини қаҳрамондек ҳис этди.

— Ўзим ҳам сенга кўпроқ бермоқчи эдим. Кеча кўнглим юмшаб кетди, қишлоқ эсимга тушди... Шу йигитга

бир ёрдам қилай, дедим. Нима қилар экан бу, сўрармикин, йўқмикин, деб кутиб турсам, сен... Эҳ, латта! Гадой!.. Пул деб, ўзини шунча қийнайдимки киши? Эҳ, аҳмоқ! Ҳамманг ҳам ўлгудек очкўзсан!.. Ўзларингни унутиб қўясан... Бир мирига ўзларингни сотасан...

— Азизим!.. Худо ўз паноҳида асрасин сени! Ахир, қўлимдаги манави нарса нима, биласанми?.. Мен энди... бойман, бой!— Гаврила севинганидан сесканар ва пулни қўйнига жойлаб туриб, чийилларди.— Эй, сен, азизим!.. Бир умр эсимдан чиқармайман!.. Ҳеч қачон!.. Хотин бола-чақаларимга ҳам ҳаққига дуо қил деб буюраман.

Челкаш унинг шодиёна сўзларини, арз-дуоларини тинглар, очкўзликнинг касридан хунукланган, лекин севинчдан порлаб турган юз-кўзларига қарар ва шундай ҳис қилардики, ўзи ҳар қанча ўғри ва бузуқ, туғилиб ўсган муҳитидан ажраган одам бўлса ҳам, ҳеч қачон бунга ўхшаб очкўзлик, тубанлик ва ўзини йўқотиш даражасига бормайди. Ҳеч қачон бундай ҳолга тушмайди! Мана шу фикр ва мана шу сезги унинг бутун борлигини «мен эркинман-ку!» деган онг билан тўлдириб, денгизнинг шу биёбонга ўхшаш қирғоғида, Гавриланинг ёнида тўхтатиб турарди.

— Сен мени бахтли қилдинг!— деб қичқирди Гаврила ва Челкашнинг қўлини ушлаб, ўз юзларига суртди

Челкаш жим турар ва бўрига ўхшаб тишини ғижирлатарди. Гаврила ҳамон ялинишда давом этарди:

— Мен нималарни ўйлабман денг? Бу ёққа қайтишимизда... қайиқда, сени эшкак билан... битта солсам!.. Пулни ўзим олсам... Сени-чи, сени... денгизга ташласам, дебман. Ким сени ахтариб юрарди? Топганларида ҳам ким қилган, қандоқ қилган, деб суриштириб ўтирармидилар? Кошки сен жар солиб ахтариладиган кишилардан бўлсанг!.. Ҳеч кимга керагинг йўқ! Ким унга жон куйдириб чиқарди, дебман.

Челкаш Гавриланинг ёқасига ёпишиб, итдек ириллади:

— Бер пулларни бу ёққа!..

Гаврила бир-икки юлқиниб кўрди, лекин унгача Челкашнинг яна бир қўли келиб, илондек чирмашди... Кўйлакнинг «тarr!» этиб йиртилган овози чиқди-ю, шу он Гаврила қумга юмалади, кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У энди бармоқлари билан ҳавога тармашмоқчидай ҳадеб уринар, оёқларини типирчилатарди. Узун бўйли, чайир, калхатга ўхшаш Челкаш эса, тишларини ғазаб билан ир-

жайтириб, захарханда билан пиқирлаб кулар, асаби қўзиганидан мўйловлари дик-дик учиб турарди. Челкаш Гаврилани бирам аямай урардики, умрида ўзи ҳеч кимдан бундай калтак еган эмас ва ҳеч қачон бунчалик ғазабланган эмасди.

— Хўш, энди бахтли бўлдингми?— деб сўради у Гавриладан кулги аралаш, сўнгра унга орқасини ўгириб, шу бўйича шаҳар томон юра бошлади. У ҳали беш қадам ҳам босгани йўқ эдики, Гаврила худди мушукдек букилди, ирғиб ўрнидан турди, қўлига думалоқ бир тошни олди-да, роса мўлжаллаб туриб:

— М-мана бўлмаса!— деган ғазабли қийқириқ билан Челкашга қараб отди.

Челкаш додлаб бошини чангаллаганича олдинга гандираклаб кетиб Гаврила томонга бурилди-да, юзи билан қумга йиқилди. Гаврила унга тикилганича қотиб қолган эди. Ана, Челкаш оёғини қимирлатди, бошини кўтармоқчи бўлди ва чолғу торидай қалтираган ҳолда, чўзилиб қолди. Шундан кейин Гаврила йироқларни кўзлаб, туманли қир устида пахмоқ қора булут тўпланган қоронғи томонга қараб қоча бошлади. Тўлқинлар қум устига чопиб чиқишар, қумга қўшилишиб, кейин яна шириллаб қайтиб келишарди. Кўпиклар вижиллашар, сув саҳраб, зарралари ҳавода учишарди.

Ёмғир томчилай бошлади. Аввалига сийрак томчилаб турган ёмғир бирпасда жалага айланди. Осмондан тизиллаб қуйилаётган ёмғир оқимлари худди сувдан эшилган ингичка иплар сингари бир-бирига чатишиб, шундай бир тўр тўқиб ташладик, бу тўр олисдаги қир ва денгизни бир зум ичида қоплаб олди. Гаврила ҳам ўша тўр орқасида ғойиб бўлди. Анча вақтгача мана шу ёмғирдан, денгиз бўйидаги қумлоқда чўзилиб ётган новча кишидан бўлак ҳеч нарса кўринмай қолди. Ана, ёмғир орасида яна Гаврила пайдо бўлди, у чопиб келаётир, худди қушдек учиб келаётир. Ана, Челкашнинг ёнига келди, унинг олдида тиз чўкди ва уни қимирлата бошлади. Қўли қип-қизил, иссиқ ва суyoқ бир нарсага тегди... Гаврила сесканиб кетди, афти ғалати бўлиб ранги қув ўчган, телбалик даражасига етган ҳолда орқасига тисарилди.

Ёмғирнинг шувиллаши аралаш Челкашнинг қулоғига:

— Оғайни, турсанг-чи!— деб пичирлади.

Челкаш ўзига келиб, Гаврилани туртиб юборди-да:

— Йўқол!..— деди хириллаб.

Гаврила Челкашнинг қўлларидан ўпаркан, хирилдоқ овоз билан:

— Биродар! Кечир мени!.. Шайтон йўлдан урди...— деб шивирлади, титраб-қалтираб.

— Бор!.. Йўқол!..— деди Челкаш.

— Гуноҳимни кечир, гуноҳимни!.. Жигарим! Кечиргин!..

Челкаш бирданига:

— Қўй... Йўқол дейман!.. Очиқ мозорга бор!..— деб қичқирди ва ўрnidан туриб қум устига ўтирди. Унинг юзлари сўник, ғазабли кўзлари туманли, гўё уйқуси келгандай юмулиб борарди.— Яна нима керак сенга? Ишингни битирдинг-ку... Кетавер! Йўқол!— Шу топда у, бутунлай қайғуга ботган Гаврилани бир тепмоқчи бўлди-ю, бироқ эплолмади: агарда Гаврила елкасидан қучоқлаб ушлаб қолмаганда, яна ерга думаларди. Икковининг юзи ҳозир ёнма-ён. Иккови ҳам оқариб кетган ва кўрқинчли эди.

Челкаш ўз хизматкорининг кенг очилиб турган кўзига:

— Тфу!— деб тупурди.

Гаврила чурқ этмай, энги билан кўзларини артиб, пичирлади:

— Нима қилсанг қил... Ҳеч нарса демайман.. Худо ҳаққи, кечир!

— Ифлос!.. Ёмонликни ҳам эплай олмайсан!..— Нафратланиб қичқирди Челкаш, сўнгра курткаси остидаги кўйлагини йиртди-да, ора-сира тишларини ғижирлатиб, индамасдан бошини бойлашга киришди.— Пулни олдингми?— деб ғазаб билан сўради.

— Олганим йўқ, оғайни! Менга кераги йўқ!.. Ҳамма бало ўшандан!..

Челкаш курткасининг чўнтагига қўл солиб, бир боғлам қоғоз пул олди-да, битта шалдироғини чўнтагига солди, қолган пулнинг ҳаммасини Гавриланинг олдига ташлади.

— Ол, йўқол!

— Олмайман, оғайни... Ололмайман! Кечир!

Челкаш кўзларини олайтириб:

— Ол дейман!..— деб бақирди.

Гаврила кўрқди.

— Кечир!.. Кечирсанг оламан...— деб ёмғир қуйиб турган ҳўл қумнинг устига, Челкашнинг оёғига йиқилди.

Челкаш қатъий оҳангда:

— Ёлгон айтяпсан, ифлос! Оласан!— деди-да, Гаври- ланинг сочидан тортиб бошини зўрға кўтариб туриб, пул- ни унинг бетига урди.

— Ол! Ол! Бекорга ишлаганинг йўқ! Қўрқма, олавер! Одамни ўлдириб қўйишингга сал қолди, лекин хижо- лат бўлма! Мендек одамнинг ўлиги учун ҳеч ким даъ- вогар бўлмайди. Билсалар раҳмат ҳам айтадилар. Ма, ол!

Гаврила Челкашнинг кулаётганини кўриб, бир оз ен- гил тортди. У пулни маҳкам чангаллаб олди.

— Оғайни! Мени кечирасанми, а? Ё кечирмайсан- ми, а?— дея кўзига ёш олиб сўради Гаврила.

Челкаш гандираклаб ўрнидан тураркан, худди Гаври- ла гапирган оҳангда:

— Жигарим!.. Нимани кечираман? Кечирадиган ҳеч нарса йўқ! Бугун сен мени, эртага мен сени... шунақа дунё,— деди.

Гаврила бош чайқаб, хафаҳол уҳ тортди-да:

— Эҳ, оғайни, оғайни!..— деб қўйди.

Челкаш унинг олдида тураркан, ғалати бир тарзда ку- лар, бошидаги оқ латта эса, секин-секин қизариб, тобора туркларнинг дўпписига ўхшаб борарди

Ёмғир челақлаб қуйгандек қуярди. Денгиз бўғиқ овоз билан увиллар, тўлқинлар қутуриб ва ғазабланиб ўзини қирғоққа урардилар.

Икки киши чурқ этмасди.

Челкаш, йўлга тушаркан, истехзоли йўсинда:

— Хўп, хайр энди,— деди.

У гандираклар, оёқлари қалтирар, худди бошини йўқо- тиб қўйишдан қўрққандек, алланечук ғалати қилиб ушлаб борарди.

Гаврила яна бир марта:

— Кечир, оғайни!..— деб илтимос қилди.

Челкаш йўлга тушаркан, совуққина қилиб:

— Майли!— деб қўйди.

У кетди, бироқ ҳадеб гандираклар, чап қўлининг каф- ти билан бошини ушлаб, ўнг қўли билан қорамтир мўйло- вини оҳиста тортқиларди.

Челкаш ёмғир ичида кўздан йўқолгунча, Гаврила унинг орқасидан қараб қолди; ёмғир ҳам тобора кучайиб, булутлар орасидан ерга тушиб, унинг ингичка-ингичка туганмас оқимчалари пўлат рангли зулмат пардаси билан қирни бутунлай ўраб олди.



Сўнгра, Гаврила ивиган картузини бошидан олиб чўқинди, кафтида сиқимланган пулларга қаради, эркин ва чуқур нафас олди, пулларни қўйнига беркитди, шундан кейин, катта-катта ва дадил-дадил қадам ташлаб денгиз бўйидан, Челкаш кетган йўлнинг тескарисига қараб кетди.

Денгиз увиллар, каттакон ва оғир тўлқинларни қирғоқ бўйидаги қумлоққа ирғитиб, уларни кўпикларга қориштириб ўйнарди. Ёмғир зўр бериб сувни ва ерни қамчилар... шамол бўкирарди. Теварак-атроф бутун увиллаш, бўкириш ва гувиллаш садолари билан тўлган эди... Ёмғирдан нарида на денгиз кўринар ва на осмон.

Кўп ўтмай, ёмғир билан тўлқиндан сачраган сув — Челкаш ётган ердаги қизил доғни ҳам, Челкаш билан ёш йигитнинг қирғоқ бўйидаги қумлоқда қолган изларини ҳам ювиб кетди... Шу билан, икки киши ўртасида рўй берган кичкинагина драмадан денгизнинг бепоён қирғоғида ҳеч қандай асар қолмади.

## ЛОЧИН ҲАҚИДА ҚҶШИҚ

Қирғоқда эринчоқлик билан қалқиб турган ҳайбатли денгиз уйқуда, мовий ой нурига чўмган олислари эса — жимжит. У юмшоқ, кумуш ранг денгиз узоқларда мовий жануб осмони билан туташган ва сийрак булутларнинг тиниқ пардасини ўзида акс эттириб, ширин уйқуга кетган. У булутлар шу қадар ҳаракатсиз, шу қадар тиниқки, юлдузларнинг кўкка ёйган олтин нақшларини ҳам тўсолмайдилар. Осмон гўё уйқусирагандай, қирғоқлар томон ўрмалаётган бетоқат тўлқинларнинг пичирлашини эшитгиси келиб, денгиз сари яқинлашиб бораётгандай туюлади.

Шарқ-шимол шамолида эгилган дарахтлар билан тўла тоғлар ўз чўққиларини кўм-кўк фазога қадаган, уларнинг баҳайбат қоралари жануб кечасининг илиқ, майин қоронғилиги ичида силлиқ бўлиб кўринади.

Тоғлар чуқур ўйга чўмган. Тўлқинларнинг серҳашам яшилтоб қирраларига тоғлардан қора соялар тушиб, қоплаб олди, гўё у ягона ҳаракатни тўхтатмоқ, сувларнинг тинимсиз шилдирашларини ва кўпикларнинг энтикишларини — ҳали тоғ чўққилари орқасидан кўтарилмаган ойнинг кўкимтир-кумуш нурлари ила бирликда атрофга ёйилган у сирли жимликни бузиб турувчи ўша ягона шарпани босмоқ истайди.

— О-олло-о-ҳу акбар!..— деб Нодир Раҳим ўғли секингина уҳ тортди; қримлик бу новча чўпон — соч-соқоллари оқарган, бадани жануб қуёшида қорайиб куйган, ўзи ориқ, доно бир чол эди.

Биз қум устида, бир каттакон тош ёнида ётардик; жонажон тоғидан ажраб тушган, бахмал ўт босган, соя-салқин-

даги бу каттакон тош гамгин, бадбуруш эди. Унинг денгизга қараган томонига тўлқинлар бақатўнларни, сув ўсимликларини келтириб урган, у шу кўкатлар ичида чулғаниб қолгани учун тоғ билан денгиз оралигидаги торгина қумлоққа боғлаб қўйилганга ўхшаб кўринади. Гулханимиз алангалари тошни тоғ ёқдан ёритиб туради, аланга тебранади, чуқур-чуқур дарзлари чатишиб кетган эски тош устида соялар югуради.

Биз Раҳим иккимиз, ҳозиргина тутган балиқларимиздан шўрва пишираётимиз; ҳар иккаламиз ҳам шундай кайфиятдамизки, ҳамма нарса бизга ўзини кўрсатишга тайёрдай, тиниқ, жонли кўринади, қалбимиз шу қадар тоза ва осойиштаки, ўйлашдан бошқа ҳеч орзумиз йўқ.

Денгиз бўлса, қирғоққа ястаниб келади, тўлқинлар-чи, улар шу қадар юмшоқ чайқаладиларки, гўё гулхан ёнида пича исиниб олишга рухсат сўраётгандай туюлади. Баъзан сув шов-шувининг умумий оҳанги ичида бир қадар баландроқ ва шўхроқ товуш эшитилиб қолади — у биз томонга ўқтин-ўқтин урилаётган тўлқинлардан бирининг товуши.

Раҳим бошини денгиз томонга ўгириб олиб, қумда мук тушиб ётади: тирсақларига таяниб, бошини қўллари орасига қўйган, кўзлари эса туманли олисларга ўйчанлик билан тикилган. Жунни ўсиқ барра папағи гарданига сурилиб тушган, майда ажин босган кенг пешанасига муздай денгиз ҳавоси урилиб туради. У файласуфлик қилади, лекин сўзларига қулоқ солаётибманми-йўқми, бу билан иши йўқ, худди денгиз билан гаплашаётгандай гапирди:

— Оллоҳга садоқатли кишининг жойи жаннат. Хўш, оллоҳ ва пайғамбарга сиғинмаган одамники-чи? Ким билсин, эҳтимол, жойи шу ерда, анави кўпиклар ичидадир... Сув юзидаги анави кумуш доғлар, эҳтимол ўшадир... ким билсин?

Кенг қулоч ёйган азамат, қорамтир денгиз ёриша боради, чала-чулпа тушиб турган ёғду у ер-бу ерда кўриниб қолади. Ой энди бароқ чўққили тоғлар орқасидан кўтарилиб чиққан ва уни қарши олиб секин-секин чайқалаётган денгизга, қирғоққа ва ёнимиздаги тошга ёғдуларини ўйчанлик билан соча бошлайди...

— Раҳим!.. Биронта эртак айтиб берсанг-чи...— деб саза қиламан чолдан.

Раҳим эса, менга қайрилиб ҳам қарамасдан:

— Нимага энди?— деб сўрайди.

— Шундай! Сенинг эртакларингни яхши кўраман.

— Эртакларимнинг барисини айтиб бердим... Бўлак билмайман...

Бу унинг ялинтиргиси келгани. Мен тагин сўрайман.

— Бўлмаса бир қўшиқ айтиб берай, хоҳлайсанми?— дейди Раҳим рози бўлиб.

Эски бир қўшиқни эшитгим келади, у ҳам, қўшиқнинг ўзига хос таронасини сақлашга тиришиб, ҳазин товуш билан айта бошлайди.

## I

«Сариқ илон тоғнинг юқорисига чиқиб бир зах унгурга кирди-да, кулча бўлиб олиб, денгизга қараб ётди.

Қуёш баланд кўкдан ёғду сочар, тоғлар иссиқ нафасини осмонга пуфлар, пастда тўлқинлар тошларга келиб уриларди...

Дара ичида қоронғида сув сачратиб оқаётган сой, тошларни шарақлатиб денгизга интиларди...

Оппоқ кўпиклар ичида оқарган, кучга тўлган бу сой тоғни ёриб, жаҳл билан денгизга ўкириб тушарди...

Сариқ илон кулча бўлиб ётган ўша унгурга бирданига осмондан кўкси эзилган, қанотлари қонга бўялган бир Лочин тушди.

У ғийқ этиб ерга тушди-да, дармонсизлик аламига чиолмай, кўксини қаттиқ тошга ура бошлади...

Сариқ илон қўрқиб кетиб ўзини четга олди, лекин қушнинг икки-уч минутли умри қолганини дарҳол англади...

У абжақ бўлган қуш ёнига судралиб келди-да, унинг кўзларига тикилиб туриб пичирлади:

— Нима бўлди, ўляпсанми?

Лочин чуқур уҳ тортиб, жавоб қилди:

— Ҳа, ўляпман! Аммо мен яхши яшадим!.. Мен бахт нималигини биламан!.. Мен қаҳрамончасига олишдим!.. Мен осмонни кўрдим... Сен уни менчалик яқиндан кўролмайсан!.. Эҳ, бечора!

— Хўш, осмон нима бўпти? Анчайин бўш ер-да!.. Мен у ерда қандай ўрмалай оламан? Менга шу ер яхши... зах ва илиққина!

Сариқ илон озод қушга шундай жавоб қилиб, унинг жаврашига ичидан кулиб қўйди.

Сўнгра ўйланди: «Хоҳ уч, хоҳ ўрмала — оқибат бир: охири ерда ётасан, тупроқда чириб кетасан...»

Аммо довюрак Лочин бирдан типирчилади, бир оз кўтарилиб, унгурга кўз югуртирди.

Кул ранг тошлар орасидан сув сизиб чиқар, қоп-қоронғи унгурнинг ичи ҳам дим, ҳам қўланса ҳидга тўлган эди.

Лочин бутун кучини тўплаб туриб, дарду алам билан қичқирди:

— О, кошкийди осмонга бир бор чиқсам! Душманни мен... кўксим яраларига босардим ва... қонларим ичида бўғилиб ўларди у!.. О, кураш гашти!..

Сариқ илон бўлса ўзича ўйланди: «Унинг бунчалик фарёд қилишидан, кўкда яшашнинг чиндан ҳам гашти бор шекилли!..»

Сўнгра у озод қушга шундай таклиф қилди: «Сен жар лабига сурилиб бору, ўзингни пастга ташла. Зора қанотларинг сени кўтарса-ю, ўз табиатингга яраша яна бир оз яшаб олсанг».

Шунда Лочин сесканиб, мағрур бир оҳангда қичқирди-ю, тирноқлари билан тошларни тимдалаб жар лабига келди.

Жар бўйига келиб, қанотларини ростлади, ич-ичидан бир уҳ тортди, кейин кўзларини чақнатиб, пастга қулади.

Лочин худди тош каби тошларга урилиб, қанотлари синиб, патлари тўкилиб тез-тез туша бошлади...

Тез оқар сой тўлқинлари уни бағрига олди, қонини ювиб, танини кўпикларга ўради, кейин денгизга оқизиб кетди.

Денгиз тўлқинлари ғамгин наъралар билан тошларга урилади... Қуш жасади эса, денгиз юзида кўринмайди...

## II

Сариқ илон унгурда ётиб, қушнинг ўлими, унинг кўкка интилиши тўғрисида узоқ ўйлади.

Ниҳоят, у бахт-саодат тўғрисидаги хаёллар билан доимо кўзни қувонтирувчи олисларга боқди.

— Ахир ўша, ўлган Лочин, бу уч-кети йўқ тубсиз бўшлиқда нималарни кўрган экан? Нима учун ўшандайлар, ҳалиги Лочин сингарилар жон бераётиб ҳам кўкларга учиш орзуси билан юракни тирнаркинлар? Улар кўкда ни-

мани кўрган эканлар? Ахир мен ҳам, бир озгина бўлса-да, кўкка учсам, шуларнинг ҳаммасини кўриб билиб олардим...

Сариқ илон шу сўзларни айтди ва айтганидай қилди. У ҳалқадай буралиб, ўзини юқорига отди, офтобда энсиз бир лента сингари ялтираб кетди.

Урмалаш учун туғилган нарса учишга ярамайди!.. У бу нарсани эсдан чиқариб, тошга йиқилди-ю, лекин шикаст емади, фақат кулиб юборди...

— Э-э, кўкка учишнинг гашти шунда экан-да! Йиқилишда экан! Қушлар қизиқ-да! Ерни билмасдан, унда зерикишади-да, ҳадеб осмонга интилишади, жазирама фазодан ҳаёт излашади. У ёқ фақат бўшлиқ. У ёқда ёруғ кўпу, лекин егулик, тирик жон учун тиргак йўқ. Ғурур нима даркор-а? Упкалар нега? Булар — ўз орзуларининг бемаънилигини яширмоқ ва ўзларининг тирикчиликка яроқсизликларини ёпмоқ учунми? Қушлар қизиқ-да?! Энди уларнинг гапи мени алдаб бўпти! Ҳамма нарсани ўзим биламан! Мен осмонни кўрдим... Мен осмонга учиб чиқдим. Уни ўлчадим, йиқилишнинг гаштини сурдим, лекин абжақ бўлмадим, фақат ўзимга маҳкамроқ инонадиган бўлдим. Майли, ерни сева олмаганлар алданиб юраверсинлар! Мен ҳақиқатни биламан. Шунинг учун улар чақирган йўлга юрмайман, чунки ишонмайман. Мени ер яратган, мен ерда яшайман.

Шундан сўнг у ўзига бино қўйиб, тош устида кулча бўлиб олди.

Денгиз ой нурига чўмиб ярқиллар, тўлқинлар жаҳл билан қирғоққа урилари.

Уларнинг шер каби бўкиришларида мағрур қуш қўшиғи гуриллар, уларнинг зарбларидан қоялар титрар, даҳшатли қўшиқдан кўклар ларзага келарди:

Ботирларнинг довьюраклиги — ҳаёт ҳикматидир! О, жасур Лочин! Душманлар билан олишиб қонларинг тўкилди... Бироқ вақт келарки, ҳар бир томчи қайноқ қонинг ҳаёт зулматида учқундай оловланар ва кўп жасур юракларда озодликнинг, ёруғликнинг қизғин ўтларин ёқар!

Майли, сен ўлдинг!.. Лекин руҳан довьюрак ва бақувват бўлганларнинг қўшиқларида сен ҳар вақт жонли бир ўрнак, озодлик ва ёруғлик учун мағрур бир чақирёқ бўлиб яшайсан!

Ботирларнинг довьюраклигига мадҳиялар ўқиймиз!..»

...Денгизнинг жимжимадор олислари жимжит, тўлқинлар қум устида куйлагандек чайқаладилар, мен ҳам денгизнинг йироқларига қараб жим ўтираман. Ой ёғдусидан сувларда тобора кумуш доғлар ортиб боради... Қозонимиз секин-секин қайнай бошлайди.

Тўлқинлардан бири ўйноқлаб қирғоққа сапчийди-да, ҳаддидан ошиб Раҳимнинг бошига томон ўрмалайди!

— Сенга йўл бўлсин? Жўна!— деб Раҳим унга қўл силтайди, тўлқин ҳам итоат қилиб, денгизга қайтиб кетади.

Раҳимнинг тўлқинлар билан гаплашиши мени ҳеч қанча кулдирмас, қўрқитмасди. Теваракдаги тамоми нарса тирикдай, ғалати, майин, меҳрибон бир тарзда боқади. Денгиз ҳам шу қадар таъсирбахш жимжитки, унинг кундузги ҳароратдан ҳали совумаган тоғларга уфурган иссиқ нафасларида жуда кўп яширин қувват, куч борлиги сезилиб туради. Тўқ мовий кўк юзида, юлдузларнинг олтин нақшлари билан аллақандай тантанали, кўнгилни мафтун этувчи, мияни аллақандай бир башоратнинг ширин умидила банд қилувчи ажойиб нарса ёзилган.

Тамоми нарса мудрайди, лекин жуда зийраклик, сергаклик билан мудрайди, гўё бир секунддан сўнг ҳаммаси уйғонадиганга ва англашиб бўлмайдиган ширин товушларнинг оҳангига уйғунлашиб куйлайдиганга ўхшайди. Шундай туюладики, бу товушлар дунёнинг сирларини айтиб берадилар, уларни мияга қуядилар, сўнгра мияни милтиллаб турган ўтдай ўчириб, руҳни ҳам ўзлари-ла тўқ мовий фазоларга олиб чиқиб кетадилар, у ерда буларни юлдузларнинг жимжимадор нақшлари ҳам ажойиб башорат музыкаси билан қарши оладилар...

## КОНОВАЛОВ

Хаёлим қочган ҳолда газетага қараб ўтириб, Коновалов деган фамилияга кўзим тушиб қолди-да, қизиқиб, қуйидагиларни ўқидим:

«Кеча кечаси Муром шаҳарлик Александр Иванович Коновалов деган бир мешчан маҳаллий турманинг 3-камерасида ўзини печканинг туйнугига осиб ўлдирибди. Ёши қирқда. Саёқлиги учун Псковда қамоққа олиниб, ўз юртига этап билан қайтариб юборилаётган экан. Турма бошлиқларининг айтишларига қараганда, у камгап, ювош ва хаёлчан бир одам экан. Турма доктори берган хулосага қараганда, Коноваловнинг ўз-ўзини ўлдиришга сабаб меланхолия<sup>1</sup> касали эмиш».

Қисқа хабарни ўқиб чиқиб, бу хаёлпараст одамнинг дунёдан ўтиш сабабларини балки, бир қадар равшанроқ изоҳ этишга эришарман, деб ўйладим, чунки мен у одамни билардим. Ҳатто унинг ҳақида индамай кетишга ҳақим ҳам йўқдир, ахир у, яхши одам эди, бундайлар ҳаётда камдан-кам учрайди.

...Коноваловни биринчи дафъа учратганимда, ўн саккиз ёшда эдим. У вақтларда мен новвойхонада новвойга шогирд бўлиб ишлардим. Новвой илгари «музикачилар командаси»да хизмат қилган солдат бўлиб, ўлгудек ароқхўр эди; кўпинча хамирни ачитиб қўяр ва маст бўлиб олиб, мингирлаб хиргойи қилар, бармоқлари билан ҳар хил куйларнинг усулини чертиб ўтирарди. Агар хўжайин нон бузилгани ёки эрталабгача тайёр қилинмагани учун

---

<sup>1</sup> Хафақон.



койий бошласа, новвой жиғибийрон бўлиб, хўжайинни ўлгудек сўкар ва ҳар сафар ўзининг музыкага бўлган талантини пеш қилар эди.

Солдат сап-сариқ шопдай мўйловини диккайтириб ва негадир, ҳамиша ҳўл, қалин лабларини чапиллатиб:

— Ҳамир ачибди! Ноннинг сирти куйибди! Пишмабди эмиш! Ҳа, тил тортмай ўлгур, ғилай, ялмоғиз! Ахир, мен дунёга шу ишни деб келибманми? Минг лаънат ўзинга ҳам, ишинга ҳам! Мен музыкачиман! Тушундингми? Биласанми, альтчи ичиб, ишга келмай қолса — альтни ҳам ўзим чалар эдим; гобойчи қамалиб қолгудек бўлса — гобойни ҳам чалиб кетаверар эдим; корнет-а-пистон касал бўлиб ётиб қолса, ўрнини ким босар эди? Мен! Тим-таррам-да-дди! Сен мужиксан, қацапсан! Жавобимни бер!— дерди.

Кўзлари ҳар хил, хотин башара, хомсемиз хўжайин эса қорнини селкиллади, йўғон ва калта оёқлари билан ер тепиниб чийиллар:

— Балога гирифтор қилдинг! Хонавайрон қилдинг! Кофир!— деб бақирарди. Калта-калта бармоқларини кериб, қўлларини осмонга кўтарарди-да, қулоқни кар қилгудек чинқириб:— Агар исён кўтарганингни полицияга бориб айтсам-чи?— деб дўқ урарди.

— Подшо ва ватан хизматкорини полицияга тутиб бермоқчимисан ҳали?— деб бақирарди солдат ва мушт кўтариб хўжайинга ўдағайларди. Хўжайин эса тутатиб, бурнини торта-торта ва тупура-тупура чиқиб кетарди. Албатта унинг қўлидан бошқа ҳеч нарса келмасди ҳам, негаки, қоқ ёз палласида Волга бўйидаги бу шаҳардан бирон-та дурустроқ новвой топиш маҳол эди.

Бундай можаролар ҳар куни бўлиб турарди. Солдат ичгани ичган, ҳамирни бузгани бузган ва ҳадеб маршлар, вальслар ёки ўз ибораси билан айтганда, «номерлар» чалиб ўтиргани ўтирган эди; хўжайин хуноб бўларди, бунинг орқасида менга ҳам икки кишининг ишини қилишга тўғри келарди.

Бир куни хўжайин билан солдат ўртасида бўлиб ўтган бир можародан жуда қувониб кетдим.

Юзи мамнун, кўзлари заҳарханда билан чақнаган хўжайин новвойхонага кириб келди-да:

— Қани, солдат, лунжларингни шишириб, юриш маршингни бир чалиб бер-чи!— деди.

Ўз одатича ширакайф бўлиб, хамир қориладиган тоғора устида чўзилиб ётган солдат қовоғини солиб туриб сўради:

— Хўш, яна нима деб гинғиллаяпсан?

— Туёғингни шиқиллатиб қол дейман!— деди хўжайин, суюнчи ичига сигмай.

— Қаёққа?— деб сўради солдат. ётган ерида оёғини тушириб ва хунук воқеа юз берганини пайқаб.

— Қаёқни хоҳласанг, шу ёққа...

— Бу нима деганинг?— аччиғланиб ўдағайлади солдат.

— Бу деганим — менга ортиқ керагинг йўқ деганим! Ҳисоб-китобингни қил-да, жўна, тўрт томонинг катта йўл!

Солдат ўз қадр-қимматини ва хўжайиннинг иложсизлигини ҳис этишга одатланиб қолган эди, шу сабабдан хўжайиннинг гаплари унинг эс-ҳушини анча жойига келтириб қўйди: ўз ҳунарига ношудлиги орқасида бошқа бирон жойдан иш топа олиши қийинлигини тушунди.

Солдат ўрнидан турди-да, ташвишли бир товуш билан:

— Бекор айтасан!..— деди.

— Жўна, дедим, жўна...

— Жўнаверайми?

— Йўқол дедим-ку!

— Бундан чиқди, ишлаб бўбмиз-да,— деди солдат ва куюниб бош силтади.— Қонимни сўриб-сўриб, эндиликда жўна экан-да? Жуда уста экансан! Вой, сендақа ўргимчакни қара-я!

Хўжайинга алам қилиб кетди:

— Мен ўргимчакманми ҳали?

— Ҳа! Сен — қонхўр ўргимчаксан!— деди солдат шартта ва гандираклаганича эшик томонга юрди.

Хўжайин унинг кетидан заҳарханда кулиб турар, кўзларида севинч акс этарди:

— Қани, энди бирон жойга бориб иш топиб кўр-чи! Эҳ-ҳе-е! Шунақанги таърифингни қилдимки, текинга ишлайман десанг ҳам ҳеч ким сени ишга олмайди. Ҳеч ким...

— Янги одам олдингизми?— деб сўрадим мен хўжайиндан.

— Янги деса ҳам, эски деса ҳам бўлади. Ўз қўлимда шогирд бўлиб ишлаган. Баҳоси йўқ новвой-да! Олтин! Аммо, у ҳам ўтакетган пияниста! Бир ичса, ичиб кетади... Ишга келади-да, енг шимариб, шундай ишга киришиб кета-

дики, уч-тўрт ой отдай ишлайди! На уйқу, на ҳаловатни билади, қанча пул олишини ҳам суриштириб ўтирмайди, ишлаганда ҳам ашула айтиб ишлайди! Ашулани шундай боппайдики, чидаб туролмайсан, юракларингни эзиб юборади. Айтади-айтади-да, кейин сурункасига ичади!

Хўжайин бир уҳ тортиб, ноилож қўл силтади.

— Бир ичишга киришдими, бўлди, сира ўзини тия олмайди. Касал бўлиб ётиб қолгунча ё бор-йўғидан ажраб, қип-яланғоч бўлгунча ичаверади... Шундан кейин уяладими, билмадим, қаёққадир йўқолиб кетади. Ана, ўзи ҳам келиб қолди... Бутунлай келдингми, Лёса?

— Ҳа, бутунлай,— деган йўғон овоз эшитилди остонадан.

Утгиз ёшларга кирган, яғрини кенг, новча бир киши эшик кесакисига суяниб турарди. Кийимига қарасанг, худди саёқнинг ўзи дейсан, афти ангоридан асл славян кўринарди. Устида кирлаб кетган жулдур қизил кўйлак, кенг сурп чолвор, бир оёғида йиртиқ резинка бот, иккинчисида — чориқ. Сарғиш пахмоқ сочларига чўп-чор ва сомон илашган, кўкрагини беркитиб турган елпиғичдай сариқ соқоли ҳам худди шунақа, меҳрибонлик билан боқиб турган катта-катта кўк кўзлари, рангпар ва чўзинчоқ ҳорғин юзини ёритиб турарди. Лаблари бир оз гезарган бўлса-да, лекин чиройли эди, малла ранг мўйловлари тагидан жилмайиб турарди. Жилмайиши шу қадар нозик эдики, гўё у гуноҳкордай:

«Бўлган-турганим шу... Айбга буюрмайсизлар», демоқчи бўлаётганга ўхшарди.

— Киравер, Сашок, киравер, мана сенга шогирд,— деди хўжайин, янги новвойнинг барваста қоматига суқланиб қараб ва қўлларини ишқалаб. Янги келган киши индамасдан ичкарига қадам қўйди-да, билаги бақувват узун қўлини менга чўзди; икковимиз кўришдик. У скамейкага ўтириб, оёқларини узатди, сўнгра оёқларига тикилиб:

— Василий Семёнович,— деди хўжайинга,— менга икки сидра кўйлак, оёғимга эски-туски бошмоқ... бошимга сурп қалпоқ олиб берасан.

— Ҳаммаси бўлади, қўрқма! Қалпоқ ўзимда бор, кўйлак билан чориқ кечкурунгача бўлади. Ҳозирча ишлайвер, сенинг кимлигингни биламан, хафа қилмайман... Коваловни ҳеч ким хафа қилмайди, чунки унинг ўзи ҳеч кимни хафа қилмайдиган одам. Хўжайин йиртқич бўлади

деб ким айтган? Ўзим ҳам ишлаганман, бошимдан ўтган. Хайр энди, йигитлар, мен кетдим...

Икковимиз ёлғиз қолдик...

Коновалов скамейкада атрофга жимгина қараб, кулимираб ўтирарди. Новвойхона гумбаз шифтли, уч деразаси ердан анча пастга қурилган подвал ичида эди. Унга ёруғ оз тушар, ҳаво ҳам етишмас, бунинг устига новвойхонанинг ичини зах босган, ифлос ва ун гарди билан тўлган эди. Девор тагида бири хамирли, иккинчиси хамиртурушли, учинчиси бўш узун-узун хамир тоғоралар кўринарди. Бу идишларга деразадан ғира-шира ёруғ тушиб турарди. Каттакон тандир печка новвойхонани қарийб учдан бир қисмини эгаллаган; печка олдидаги ифлос ерда, қопда унлар ётарди. Печкага қаланган узун-узун палён ўтин ловиллаб ёнар, моғорлаб кетган деворга тушган аланга шуьласи, худди бир нарсани унсиз ҳикоя қилаётгандай тебрана ва титрар эди.

Қоп-қора ис босган гумбаз шаклидаги шифт худди одамни тепадан босиб тургандай туюларди, кундузги ёруғ билан печь оловининг қўшилишидан ҳосил бўлган нотайин ёруғлик кўзларни толиқтириб юборарди. Новвойхона деразаларидан ичкарига кўчанинг шовқин-сурони, чанг-тўзон ёпирилиб кирар эди. Коновалов буларнинг барисини кўздан кечириб чиқди-да, бир уҳ тортиб маъюс овоз билан:

— Бу ерда анчадан бери ишлайсанми?— деб сўради.

Мен «ҳа» дедим. Кейин жимиб қолиб, бир-биримизга ётсираб қараб ўтирдик.

— Худди турманинг ўзи-я!— деди у, бир ўксиниб.—

Юр, кўчага чиқиб, дарвоза тагида пича ўтирайлик!

Шундан кейин дарвоза олдидаги скамейкага чиқиб ўтирдик.

— Мана бу ерда нафас олсанг бўлади. Менинг бу зиндонга кўникишим қийин. Ўзинг ўйлаб кўр, ахир, мен денгиз бўйидан келган бўлсам... Каспий денгизида балиқчилар артелида ишлаб келиб... мана энди, ўшандай кенг бир жойни ташлаб, бирдан чуқур ўранинг ичига тушиб қолсам-а!

Коновалов ғамгин ҳолда илжайиб менга қаради-да, кейин кўчадан ўтган-кетганларни кузатиб, жим қолди. Унинг кўм-кўк, тиниқ кўзларида ҳасрат-алам акс ётарди. Қош қорая бошлади; кўча дим, шовқин-сурон, чанг; йўлга уйларнинг соялари тушиб туради. Коновалов деворга суя-

ниб, қўллари қовуштириб, ипакдай майин соқолини бармоқлари билан ўйнаб ўтирарди. Мен унинг чўзиқ ва нурсиз юзига ён томондан қараб ўтириб, бу қанақа одам экан, деб ўйлардим. Аммо олдин сўз очишга ботинолмас эдим, чунки у менинг бошлиғим эди, яна шунинг учунки, у ўзига нисбатан менда ажиб бир ҳурмат туйғуси уйғотган эди.

Пешанасига учта ингичка ажин тушган бўлса ҳам, лекин улар гоҳ-гоҳда йўқолиб, билинмай кетар ва мен бу одамнинг нималар ўйлаб ўтирганини билгим келарди...

— Юр энди, кирайлик, вақт бўлди. Сен иккинчи тоғорадаги хамирни муштлаб тур, мен учинчисига хамир қориб қўяй.

Дунёнинг хамирини зувала қилиб бўлиб, иккинчи тоғорага хамир қориб қўйиб, чой ичгани ўтирдик; Коновалов қўйнига қўлини тиқиб, мандан:

— Хат ўқишни биласанми?— деб сўради.— Мана буни бир ўқи-чи,— деди-да, қўлимга ғижимланиб, кираб кетган бир варақ қоғозни узатди.

Мен ўқидим:

«Азизим Саша! Дуойи саломимдан кейин сени ғойибона ўпаман. Аҳволим ночор, шу қадар зерикиб кетдимки, сен билан бирга кетадиган ё сен билан бирга турар кун қачон келаркин, деб кўзларим тўрт; бу ер юггур турмуш, гарчи бошда менга ёққан бўлса ҳам, жонимга тегди. Ўзинг буни яхши тушунасан, сен билан танишганимдан кейин ўзим ҳам тушуниб қолдим. Ўтинаман, тезроқ хат қил, хатингга жуда-жуда интизорман. Ҳозирча хайр, азизим, ўзимнинг серсоқол ёрим, жонимнинг ороми. Гарчи сендан хафа бўлган бўлсам ҳам, сендан гина қилмайман, ўзинг биласанки, бевафолик қилиб, мен билан хайрлашмасдан кетиб қолдинг. Шундай бўлса ҳам, сендан яхшиликдан бўлақ ҳеч нарса кўрмадим: мен кўрган ва билган одамларнинг ҳаммасидан сен яхши экансан, шунинг учун ҳам бир умр ёдимдан чиқмайсан. Саша, мени бу ерда бўшатиб олиш тўғрисида уриниб кўришнинг иложи йўқми? Қизлар сенга, агар бўшаттирсанг, сени ташлаб қочиб кетади дейишибди, лекин бу гапларнинг турган-битгани ёлгон. Агар менга раҳминг келиб, мени бу ердан бўшатириб олсанг, бўшаганимдан кейин худди вафодор итингдай кетингдан эргашиб юрардим. Бу иш сенинг қўлингдан келади, менга эса жуда қийин. Менинг олдимга келганингда, шундай турмуш кечиришга мажбур эканман, тақдирим шунақа

экан, деб йиғлардим, аммо сенга айтмасдим. Хайр энди. Сенинг Капитолинанг».

Коновалов хатни қўлимдан олди-да, хаёлга ботиб, уни бир қўлининг бармоқлари орасида айлантириб, иккинчи қўли билан соқолини бураб ўтирарди.

— Хат ёзиш ҳам қўлингдан келадими?

— Келади...

— Сиёҳинг ҳам борми?

— Бор.

— Менга бир хат ёзиб бермайсанми, а? У мени аблаҳга чиқариб, бутунлай унутди деб ўтиргандир... Ке, ёзиб бер!

— Майли. У ким ўзи?..

— Фоҳиша... Мени бўшатиб ол деб ёзганини ўзинг ўқидинг-ку. Гап шундаки, мен полицияга, унга уйланаман деб тилхат берсам, полиция паспортини қўлига қайтариб беради-да, унинг қўлидаги книжкасини қайтариб олади, ана шундан кейин у қутулади, бемалол юраверади! Тушундингми энди?

Ярим соатдан кейин унга ёзилган жуда таъсирли хат тайёр бўлди.

— Қани, бир ўқи-чи, қанақа чиқдийкин?— бетоқат бўлиб сўради Коновалов.

Хат шундай чиққан эди:

«Капа! Сен мени паст одам экан, мени эсидан чиқариб юборибди, деб ўйлама. Йўқ, эсимдан чиқарганим йўқ, фақат ичкиликка берилиб кетиб, бор-йўғимдан ажрадим. Ҳозир яна ишга жойлашдим, эртага хўжайиндан пул олиб, Филиппнинг номига юбораман, у сени бўшаттириб олади. Йўл кирангга пул етади. Ҳозирча хайр. Сенинг Александринг».

— Ҳим...— деди Коновалов, бошини қашлаб,— тузук хат ёзишни билмас экансан. Хатингда ачиниш йўқ, кўз ёши деган нарса йўқ. Иннайкейин, мен сендан, мени ҳар хил сўзлар билан сўкиб ёз деб айтган эдим, шуни ёзмабсан...

— Нима кераги бор бунинг?

— Ахир, уялганимни, унинг олдида ўзимни қандай гуноҳкор сезганимни билсин-да. Бўлмаса, хатдан нима фойда? Қуруққина қилиб ёзибсан қўйибсан! Жиндак кўз ёшидан ҳам томизиб қўй!

Хатга кўз ёшидан томизишга тўғри келди ва бунга мен яхшигина эришдим. Хат Коноваловга ёқди, қўлини елкамга қўйди-да, самимий бир оҳангда деди:

— Мана энди жойида бўпти! Отанга раҳмат! Дуруст бола кўринадан, икковимиз аҳил бўлиб кетамиз.

Мен бунга шубҳа қилмас эдим; ундан Капитолина воқеасини айтиб беришни илтимос қилдим.

— Капитолинами? Қиз бола, ҳали гўдак деса ҳам бўлади. Ўзи вяткалик бир савдогарнинг қизи экан... Нима бало бўпти-ю, йўлдан озибди. Бориб-бориб ахир ислотхонага тушиб қопти... Мен бориб кўрсам — баайни ёш боланинг ўзи! Ё парвардигор! Бу қандай гап? — деб ўйладим. У билан танишдим. У йиғлади, кўз ёши қилди. Мен унга: «Майли, сабр қил. Шошмай тур, ўзим сени бу ердан қутқазиб олиб кетаман», дедим. Ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйгандим, пулим ҳам бор эди, бошқа нарсаларим ҳам тайёр эди... Нима бало бўлди-ю, ичкиликка берилиб кетиб, бир маҳал қарасам, Астраханга бориб қолибман. Кейин бу ерга келдим. Менинг ҳақимда унга бир киши айтган экан, у мана шу хатни ёзипти.

— Ушанга уйланмоқчимисан? — деб сўрадим мен.

— Бе-е, менга уйланиш қаёқда! Ичкиликка муккаси-дан тушиб кетган одам қандай қилиб уйлансин? Йўқ, ўзим, шунчалик... Уни қутқазиб оламану, кейин тўрт томонинг очиқ, хоҳлаган томонингга кетавер дейман. Бирор жой топиб олар, балки одам ҳам бўлиб кетар.

— У сен билан турмоқчи-ку, ахир...

— Бе-е, тентаклик қиляпти. Хотин деганнинг ҳаммаси шунақа... Мен уларни жуда яхши биламан. Кўпини кўрганман. Ҳатто бир савдогарнинг хотини ҳам... У вақтда циркда отбоқар бўлиб ишлардим, мени кўриб қолиб, хуштор бўлиб қопти. Бир маҳал: менга кучер бўл, деб қолди. Уша кезлари цирк ҳам ўзимнинг жонимга тегиб юрганди, майли дедим-да, кучерликка кирдим. Шундан кейин, деса... у ҳадеб менга ёпишаверди, ёпишаверди... Дангиллама уйлари, отлари, малайлари бор эди, дворянлардек турмуш кечиришарди. Эри худди бизнинг хўжайинга ўхшаган пак-лакана, хўппа семиз эди, хотиннинг ўзи эса қотмадан келган, мушукдек абжир, ниҳоятда ҳирсли эди. Мени бағрига босиб, лабларимдан ўпиб қолса борми, худди юрагимга чўғ солгандай бўларди. Шунда аъзойи баданларим жимирлаб, титраб кетарди, ҳатто қўрқиб ҳам кетардим. Упарди-ўпарди-да, кейин елкаларини учириб йиғларди. «Верунька, нега бунақасан?» десам, у: «Сен ҳали ёшсан, Саша, ҳеч нарсага ақлинг етмайди», дерди. Жонон нарса эди... Рост айтарди, ҳеч нарсага ақлим ет-

майдиган, тентак одамман, буни ўзим ҳам биламан. Қилган ишимни ўзим билмайман. Қандай кун кечираётганимни ҳам ўйламайман.

Коновалов жим бўлди-да, кўзларини катта очиб, менга қаради: унинг кўзларида қўрқувми, ё савол аломатими, ишқилиб, қандайдир хавотирланиш акс этардики, бундан унинг кўркам юзи янада ғамгин ва чиройли бўлиб кетарди...

— Хўш, савдогар хотиннинг воқеаси нима билан тугади?— деб сўрадим мен.

— Гоҳ-гоҳда мени шунақанги ғам-ҳасрат босадик, оғайни, шунда дунё кўзимга тор кўриниб, жонимдан тўйиб кетаман, дунёда тургим ҳам келмай қолади. Худди ёруғ дунёда ёлғиз ўзим, мендан бошқа ҳеч бир тирик жон йўқдай. Шунда ҳамма нарса кўнглимга уради; ўзимга ўзим дардисар бўлиб қоламан, одамлар ҳам юрагимга сиғмайди, бари қирилиб кетса ҳам чурқ этмасдим, дейман. Бу мендаги бир дард бўлса керак. Шунинг орқасида ичкиликка берилиб кетганман-да... Хўш, шунда мен: «Вера Михайловна! Менга энди жавоб бер, ортиқ туropolмайман», дедим. «Ҳа, мендан тўйдингми?» деди у. Шу гапни айтиб бирам кулди, бирам кулдик, жуда хунук кулди. Мен: «Мен сендан-ку зерикканим йўқ-ку, ўзим ўзимга дардисар бўлиб қоляпман», дедим. Бошда гапимга тушунмади, менга ўшқирди, қарғади... Кейин тушунди. Бошини эгдида: «Ундай бўлса, майли, зорим бор, зўрим йўқ, кетавер!» деди. Шундай деди-да, йиғлаб юборди. Кўзлари қоп-қора. Сочлари ҳам қоп-қора, патила-патила. Таги савдогар зотидан эмас, амалдор оиласидан эди... Хў-ўш... унга жуда раҳмим келиб кетди, ўшанда ўзим ҳам ўзимга хунук кўриниб кетган эдим. У, албатта, ўзининг шундай бесўнақай эри билан туришга сира тоқати йўқ эди, эри баайни ун тиқилган қопга ўхшарди... Тоза йиғлади, менга жуда ўрганиб қолган эди... Ўзим ҳам уни роса эркалардим-да: қўлларимга олиб, кўтариб юриб тебратар эдим, қўлимда ухлаб қоларди, кейин юзига тикилиб ўтирардим. Одам боласи ухлаганда жуда яхши, содда бўлиб кетаркан; нафас олади-ю, жилмаяди, холос. Ё бўлмаса, дачада турган вақтларимизда, извошда сайр қилиб чиқиб кетардик; у извошни елдай учиришни яхши кўрарди. Ўрмоннинг хилват жойларига борардик-да, отларни боғлаб қўйиб, ўзимизни салқин майсазорга урардик. У менга, бошингни тиззамга қўйиб ёт, дерди, мен ётардим, ўзи бўлса менга ки-



тоб ўқиб ўтирарди. Мен эшитиб ётиб ухлаб қолардим. Жуда аломат воқеалар ёзилган китобларни ўқиб берарди. Шу воқеалардан биттаси — соқов Герасим билан унинг ити ҳақидаги воқеа сира эсимдан чиқмайди. Бояқиш соқов қувғинда экан, уни итдан бошқа ҳеч бир зот севмас экан. Ҳамма уни масхара қилиб, озор бераркан, шунда қочиб итнинг ёнига бораркан. Юракни шундай эзадиган воқеаки!.. Бу ҳодиса крепостнойлик замонида бўлган экан... Бойвучча унга: «Ҳой соқов, бор, итингни сувга ташлаб кел, увиллайвериб жонга тегди», депти. Соқов нима қилсин, итини етаклаб олиб кетипти... Итни қайиққа соптида, жўнапти... Шу ерига келганда мен титраб-титраб кетардим. Ё парвардигор! Тирик одамнинг дунёдаги ягона овунчоғидан ҳам жудо қилишса-я! Бу нима деган гап? Жуда ғалати воқеа! Ростини айтганда, шуниси ҳам тузук: шунақа одамлар бўладики, уларнинг дунёда фақат бир нарсасигина, масалан, итдан бўлак овунчоғи бўлмайди. Нега итдан бўлак? Шунинг учунки, уларни итдан бўлак ҳеч ким яхши кўрмайди. Бирор меҳр-муҳаббат бўлмаса, одам дунёда турулмайди: ахир, севиш учун одамда юрак яратилган-да... У хотин менга жуда кўп воқеаларни ўқиб берарди. Яхши хотин эди, ҳозиргача ҳам унга ачинаман. Тақдирим бунақа бўлмаганда-ку, у мени ҳайдаб юборгунча ё орамиздаги можарони эри билиб қолгунча ўлсам ҳам ташлаб кетмас эдим-а. Унинг энг яхши хислати шу эдики, бирон нарсани инъом қилиш билангина меҳрибонлик қилмай, балки юракдан меҳрибон эди. Мен билан ўпишарди, ўйнашиб ўтирар эдик, ўз оти билан хотин киши эди-да... Аммо, бирданига ювош бўлиб қоларди. Ажабки, жуда ажойиб одам бўлиб қоларди. Худди қалбингга тикка боқиб тургандай, бамисоли энага ёки туққан онадек эртақлар айтиб берарди. Шундай вақтларда мен беш яшар боладай бўлиб кетардим. Шундай бўлсаямки, уни ташлаб кетдим — юрагимни ғам эзиб юборди! Аллақаерларга кетгинг келади... Хайр, Вера Михайловна, кечир мени, дедим. Хайр, Саша, деди у ҳам. Шундан кейин, тентак, энгимни тирсагимгача шимарди-да, карт гўштимдан тишлаб олса бўладими! Дод деб юборишимга сал қолди! Этимнинг бир бўлагини узиб олди-да, ўзиям. Қўлим уч ҳафтагача оғриб юрди. Мана, ҳали ҳам ўрни бор.

Коновалов маъюс бир ҳолатда жилмайди-да, чиройли ва мускулли оппоқ қўлини очиб кўрсатди. Тирсагининг этида бир-бирига қўшилиб кетган икки ярим доирадан

иборат тиш изи аниқ кўриниб турарди. Коновалов тиш изларига кулимсираб қараб туриб, бош чайқади:

— Во-е, тентаг-ей! Эсида қолсин деб тишлаган-да.

Бунга ўхшаш воқеаларни мен илгари ҳам эшитган эдим. Ҳар бир саёқнинг ўтмишда «савдогар хотини» ёки «асил зот бойвуччаси» бўлган деса бўлади, ҳамма саёқларнинг ҳар сафар ҳар хил қилиб айтиб берадиган бу ҳикояларида «савдогар хотини» ёки бойвучча ҳар сафар ҳар хил афсонавий тусга киради, уларга бир-бирига қарама-қарши жисмоний ва руҳий хислатлар бериларди. Агар бугун кўк кўз, баджаҳл ёки дилкаш қилиб тасвирланса, муқаррар айтиш мумкинки, бир ҳафтадан кейин қора кўз, меҳрибон ва йиғлоқи бўлиб қоларди. Одатда саёқ, хотин киши тўғрисида гапирганда уни пастлаштириб юборади, ҳар хил икир-чикирларни ҳам айтиб, уни ерга уриб юборишга ҳаракат қилади.

Аммо Коновалов гапириб берган воқеада ҳаққоният борлиги шундай ҳам сезилиб турарди; унда китобхонлик, Коноваловнинг азамат гавдасига болалар сифатини бериш каби илгари мен эшитмаган хислатлар бор эди...

Коноваловнинг қўлларида бошини унинг кенг кўксига босиб ухлаб қолган хипча бел хотинни кўз олдимга келтирган эдим, бу манзара ғоят гўзал кўриниб кетди ва айтиб берган ҳикоянинг ростлигига мен янада кўпроқ ишондим. Иннайкейин, «савдогар хотин»ни эслаб айтган сўзларидаги гамгин ва майин оҳанг ҳам жуда ажойиб бир оҳанг эди. Асил саёқ одам, хотинлар тўғрисида ҳам, бошқа нарсалар тўғрисида ҳам ҳеч вақт шундай оҳангда гапирмайди — саёқ одам, ер юзида унинг ҳақоратини эшитмаган нарса йўқлигини кўрсатишни яхши кўради.

— Нега индамайсан, ё мени ёлғон айтаётипти деб ўйлайсанми? — деди Коновалов; унинг овозида ҳаяжон янгарарди. У, ун солинган қоп устида бир қўлида стаканда чой ушлаб, иккинчи қўли билан аста соқолини силаб ўтирарди. Унинг кўм-кўк кўзлари худди мени синаб кўраётгандек боқар, пешанасидаги ажинлари чуқурлашиб борарди...

— Йўқ, ишонавер... Ёлғон гапириб нима қиламан? Ростини айтганда, биз тоифа саёқлар ҳикоя айтишга жуда уста бўлади... Бундан бошқа илож ҳам йўқ-да, оғайни: одам боласи умрида бирон яхши нарсани кўрмаган бўлса, нима қипти, битта-яримта эртакка ўхшаган нарса тўқиб олса, ҳақиқатда бўлган деб ҳаммага айтиб, мақтаниб

юрса... Айтади-ю, ўзи ҳам шунга ишонади, ўзига ҳам ёқиб кетади, шу билан юпанади. Кўп саёқлар шундай қилади. Начора... Аммо, мен сенга бўлган воқеани айтиб бердим. Ё бунинг бирон ғалати жойи борми? Хотин киши яхши турса-ю, зерикса... Тўғри, мен кучерман, аммо бунинг хотин киши учун сира фарқи йўқ, негаки, кучер ҳам, бойвачча ҳам, офицер ҳам — бари эркак... Хотин киши олдида ҳаммамиз чўчқамиз, ҳаммамиз бир нарсанинг илинжида юрамиз, ҳар биримиз кўпроқ олсагу, камроқ берсак деймиз. Аммо содда одам андиша қилади. Мен жудаям соддаман... Хотинлар менинг шундайлигимни яхши билишади, кўришадикки, мен уларга озор бермайман, хўрламайман. Хотин киши гуноҳ қилишга қилиб қўяди-ю, кетидан кулги бўлишдан, масхара бўлишдан қўрқади, чунки улар биздан кўра андишалироқ. Биз эсак, муродимизга етдикми, бўлди, жуда бўлмаса бозорга борамиз-да, ҳозир бир хотинни бошлаб келдим, деб мақтанамиз. Аммо, аёл бечора қайга борсин? Ҳеч бир одам унинг гуноҳини қаҳрамонлик қаторига қўшмайди. Хотинларнинг энг пасткаши ҳам биздан анча андишалироқ бўлади, оғайни.

Мен унинг гапларини тинглаганман: «Наҳотки бундай ножўя гапларни гапирувчи бу одам ўзига ўзи ишонаркин?» деб ўйлардим.

У эса, болаларнинг кўзига ўхшаш кўзларини хаёл ичида менга тикиб, гаплари билан мени тобора ҳайратда қолдирар эди.

Тандирда ўтин ёниб бўлди, уюлиб ётган қип-қизил чўғлар новвойхона деворига қизғиш шуъла ташлайди...

Бир парча кўм-кўк осмон ва ундаги икки дона юлдуз деразамиздан ичкарига мўралаб турарди. Улардан бири — каттаси худди зумрадга ўхшаб товланар, иккинчиси — унинг ёнидагиси, гира-шира кўзга чалинарди.

Орадан бир ҳафта ўтди, Коновалов иккимиз дўстлашиб кетдик.

— Жуда содда йигит экансан! Бу ишинг дуруст! — дерди Коновалов жилмайиб ва каттакон қўли билан елкамга қоқиб.

У ишлаганда жуда зўр маҳорат билан ишларди. Етти пуд келадиган хамирни ёйишини, юмалатишини ё тоғора тепасига энгашиб олиб, кучли қўлини тирсагигача хамир-

га ботириб муштлаганларини, елим каби ёпишқоқ хамирнинг унинг пўлатдай қаттиқ панжаларида чапиллашини томоша қилиш ниҳоятда мароқли эди.

Бошда, мен идишлардан унинг белкурагига зўрға улгуриб ташлаб турган хамирни тандирга тез-тез ёпишини кўриб, устма-уст ёпиб юбормасайди, деб қўрқдим; аммо уч тандир ёпгандан сўнг ҳаммаси сингитиб, қип-қизартириб пиширилган бир юз йнгирмата нондан биттаси ҳам «оқиб тушмаганини» кўриб, бу одамнинг ўзига хос бир артист эканини билдим. У ишламай туролмасди, ишлаганда ҳам жон-дили билан ишларди: тандирдан нон ёмон чиқса, ё хамир секин ошса, юраклари қон бўлиб кетарди, хўжайин намиққан ун сотиб олса, Коноваловнинг жаҳли чиқиб, сўкарди; нонлар тандирдан дум-думалоқ, қалин, етилиб сингиб чиқса, сирти курсиллама бўлса, худди ёш боладай севинарди. Шундай бўлардики, энг яхши етилиб пишган нонни тандирдан узиб, белкуракда олиб, бир қўлидан иккинчи қўлига ташлар, қўлини куйдириб, хушчақчақлик билан:

— Эҳ, нонмисан нон бўлиптими, а?..— дерди.

Бутун меҳрини ўз ишига қўйган бу улкан гўдакни томоша қилиш завқли ва мароқли эди; ахир, ҳар бир киши, қайси ишда ишламасин, ўз ишига шундай меҳр қўйиши керак-да...

— Саша, яхши ашула айтармишсан?— деб сўрадим мен бир куни ундан.

— Ҳа, айтаман... Фақат, ҳушим келганда... Бир айтсам айтиб кетавераман... Юрагим сиқилганда, зерикканларимда айтаман... Агар ашула айта бошласам — ҳасратга ботаман. Сен бу тўғрида дамингни чиқарма, менинг ҳавасимни келтирма. Ўзинг-чи, ўзинг ҳам айтасанми? Оббо-е! Яхшиси, менинг ашула айтадиган кайфим келишини кутатур... Кейин икковимиз бирга айтишамиз. Хўпми?

Мен, албатта, бунга кўндим ва ашула айтгим келган пайтларда ҳуштак чалиб юрдим. Аммо баъзан ўзимни тутолмай, овозим чиқиб кетар ва хамир муштлаб ёки нон ёпа туриб, мингиллаб ашула айта бошлар эдим. Коновалов ашуламни эшитиб қолиб, лабларини пичирлатар ва бир оздан кейин индамасликка ваъда берганимни эсимга солиб қўярди. Баъзан менга:

— Бас қил войвойингни!— деб ўшқириб берарди.

Кунлардан бир кун мен сандигимдан бир китоб олдим-да, дераза тагига бориб ўқий бошладим.

Коновалов хамир қорилган тоғора устида мудраб ётар эди, мен унинг қулоғининг тагида ўқиб ўтирган китоб варақларининг шитирлашидан кўзларини очди.

— Нима тўғрисида ёзилган китоб?

Бу «Подлиповоликлар»<sup>1</sup> деган китоб эди.

— Овозингни чиқариб ўқи-чи,— деб илтимос қилди Коновалов.

Шундан кейин мен дераза тоқчасига ўтирдиму, ўқий бошладим. Коновалов эса, хампа устига ўтириб олиб, бошини менинг тиззамга энгаштирган ҳолда тинглай бошлади... Баъзан мен китобдан бошимни кўтариб, унинг юзига қараб-қараб қўяман-да, унинг кўзларига тўқнаш келаман, катта-катта очилган, диққат билан тикилиб турган кўзлари ҳали ҳам эсимда... Икки қатор оппоқ ва теп-текис тишли оғзи ҳам сал очилган. Унинг баланд кўтарилган қошлари, кенг пешанасидаги тиришган ажинлари, тиззаларини қучоқлаб олган қўллари, унинг қимир этмай ўтирган ва диққатга толган гавдаси мени рағбатлантирарди, мен ҳам Сисойка билан Пиланинг ғамгин воқеасини мумкин қадар тушунарли ва образли қилиб ўқиб беришга ҳаракат қилардим.

Ахири ўқишдан чарчаб, китобни ёпдим.

— Тамом бўлдими?— шивирлаб сўради Коновалов.

— Яримдан озроғи...

— Ҳаммасини ўқиб берасанми?

— Истасанг.

Коновалов:

— Эҳ!— деди-да, бошини икки қўли билан чангаллаб, хампа устида, ўтирган жойида тебранди. У худди бир нарса сўрамоқчи бўлгандек, оғзини гоҳ очиб, гоҳ юмиб, негадир кўзларини қисиб қўярди. Китоб унга бунчалик таъсир қилишига кўзим етмаган эди, бунинг маъносига тушунмас эдим ҳам.

— Жуда бошлаб ўқиркансан-да!— деди Коновалов шивирлаб.— Овозинг ҳар хил бўлиб кетади-я! Ҳаммаси худди тирикдай... Апроськани айтмайсанми! Пилани-чи... Вой аҳмоқлар-ей! Эшитиб ўтирибману, кулгим қистайди. У ёғи нима бўлади? Эй, парвардигор! Ахир, бу нарсаларнинг бари чин ҳақиқат-ку! Ахир, улар ҳақиқий инсон бо-

<sup>1</sup> «Подлиповоликлар»— рус ёзувчиси Ф. Решетниковнинг романи. Утган асрда рус деҳқонларининг ҳуқуқсиз, қашшоқ ва оғир турмушидан баҳс этади.

лалари-ку... ротакам мужиклар-а... Овозлари ҳам, афтлари ҳам худди тирикдай... Менга қара, Максим! Ке, нонни ёпиб бўлайлик, кейин у ёғини ўқийсан!

Нонни ёпдик, иккинчи сидрасига ўт ёқиб қўйдик, кейин мен яна бир соату қирқ минут китоб ўқидим. Кейин яна тўхтадик: нон пишган экан, уздик, яна ёпдик, яна хамир қордик, унинг кетидан яна хамиртуруш ивитиб қўйдик... Бу ишларнинг ҳаммасини чурқ этмасдан, апил-тапил қилардик.

Коновалов қовоғини солиб, онда-сонда менга калта-калта қилиб буйруқ берар, ўзи эса, қўли қўлига тегмай ишлар эди.

Тонг отгунгача китобни ўқиб туширдик, тилим худди ёғочдай қотиб қолган эди.

Коновалов ун солинган қоп устида тиззасига суяниб, менга ғалати-ғалати қараб, индамасдан ўтирарди...

— Яхши эканми?— деб сўрадим мен.

У бош чайқади ва кўзларини қисиб, негадир яна шиврлаб гапира бошлади:

— Ким тўқиган бу китобни, а?— Унинг кўзларида сўз билан таърифлаб бўлмайдиган бир ҳайрат акс этарди, юзига бирдан қайноқ ҳислар югурди.

Китобни ёзган кишини айтиб бердим.

— Зап одам экан! Жудаям боплаптими, а? Ҳатто, одамни даҳшат босади-я! Нақ юрагингга бориб тегади-я, шунчалик боплапти. Ҳай, ёзган кишига нима бўлдикин?

— Нима бўларди?

— Масалан, мукофот ё бирон нарса тегмаганмикин дейман-да?

— Нима учун унга мукофот бериш керак экан?— деб сўрадим мен.

— Нега энди, нима учун бўлсин? Китоб... худди полиция актига ўхшайди. Одамлар уни ўқиб, Пила, Сисойка деганлар ҳам бор экан... улар қанақа одамлар экан, дейди... Ҳамма уларга ачинади, уларга... Қора халқ бўлса... Ушаям тирикчиликми дейди... Шундан кейин...

— Шундан кейин нима бўлади?

Коновалов менга уялинқираб қаради-да, хижолат билан:

— Биронта буйруқ чиқса керак. Ахир, улар ҳам одам-ку, уларга ёрдам қилиш керакми?— деди.

Бунга жавобан мен узундан-узоқ лекция ўқиб бердим... Афсус! Лекциям кутгандек таъсир этмади.

Коновалов хаёлга ботди, бошини эгиб, бутун гавдаси билан тебранди-да, гапимга халақит бермай, уҳ тортиб ўтираверди. Гапиравериб, гапиравериб, ахир тинкам қуриди, жимиб қолдим.

Коновалов бошини кўтариб, ғамгин бир қиёфада менга қаради.

— Демак, шундай қилиб, унга ҳеч нима беришмапти-да?— деб сўради.

Решетников эсимдан чиқиб кетган экан, мен:

— Кимга?— деб сўрадим.

— Китобни ёзган кишига-да?

Дунё масалаларини ҳал этишга ўзини ожиз санаган ҳамсуҳбатимдан энсам қотиб, саволига жавоб бермадим.

Коновалов, менинг жавобимни ҳам кутмасдан китобни қўлига олди-да, эҳтиёт билан у ёқ-бу ёғини айлантириб қаради, ичини очди, кейин ёпиб, яна жойига қўйди-да, чуқур уҳ тортди.

— Мунчаям доно одам экан!— деди секин.— Бир одам китоб ёзипти... қоғозга ҳар хил нуқталар қўйипти-да, китоб ҳосил бўпти. Ёзипти-ю... Ўлганми ўзи?

— Ўлиб кетган,— дедим мен.

— Ўзи ўлипти-ю, китоби қопти, уни одамлар ўқийди. Одамзод унинг китобига қарайди-ю, ўқиб кетаверади. Сен бўлсанг эшитасан, дунёда Пила, Сисойка, Апроська деганлар ўтган экан дейсан... Уларни умрингда кўрмаган бўлсанг ҳам, улар сенинг ҳеч киминг бўлмаса ҳам, уларга раҳминг келади! Уларга ўхшаганлар кўча-кўйларда ўнлаб дайдиб юргандир, уларни кўрасану, аммо улар ҳақида ҳеч нима билмайсан... Улар билан ишинг ҳам бўлмайди... Улар ёнингдан ўтаверади... ўтаверади... Аммо китобдан эшитсанг, уларга шундай раҳминг келадики, юрак-бағриларинг эзилиб кетади... Буни нима деса бўлади?.. Китобни ёзган киши мукофот олмасдан ўлиб кетаверадими, а? Унга ҳеч нима беришмапти?

Менинг жаҳлим чиқди, китоб ёзувчиларга бериладиган мукофотларнинг қанақа бўлишига айтиб бердим...

Коновалов қўрққанидан кўзларини катта-катта очиб, э аттанг дегандай, лабларини чапиллатиб, гапимни тинглаб ўтирарди.

— Шу ҳам тартиб бўпти-ю,— деди у, чуқур нафас олиб ва чап мўйловини қимтиб, бошини маъюсона эгди.

Шунда мен, рус адиблари ҳаётида майхоналарнинг машъум родини, оғир заҳматлар билан тўлган ҳаётлари-

нинг ягона овунчоғи бўлмиш ароқдан ҳалок бўлиб кетган буюк ва асил талантларни гапириб бера бошладим.

— Ийя, улар ҳам ичишадими, а?— шивирлаб сўради Коновалов. Унинг катта-катта очилган кўзларида менга ишонмаслик, қўрқув, шу билан бирга у одамларга нисбатан раҳм-шафқат акс этарди.— Ичишар экан-да, а? Улар қандай... китобни ёзиб бўлиб, кейин ичишадими?

Менимча, бу ўринсиз савол эди, жавоб бермадим.

— Албатта, кейин ичишади-да,— деган қарорга келди Коновалов ўзича.— Улар турмуш кечиришади, турмушнинг қанақалигини кузатиб юришади, одамларнинг дард-ғамларини кўришади. Уларнинг кўзи бошқача бўлса керак... Юраклари ҳам... Турмушни кўриб-кўриб, дард-аламлари ошиб кетади... Шу дард-аламларни кейин китоб қилиб ёзишади... Бу нарса уларга тасалли бермайди, юракларини бўшатмайди, чунки юрак қонга тўлиб кетган бўлади, ундаги дард-ҳасратни ўчириб бўлмайди... Шундан кейин юрак ўтига ароқ сепишдан бошқа чоралари қолмайди. Мана шу таҳлитда ичишса керак... Гапим тўғрими?

Мен «тўғри» дея қолдим. бу нарса унга далда бергандай бўлди.

— Шунинг учун ҳам,— деб ёзувчиларнинг психологиясини таърифлашда давом этди Коновалов,— шунинг учун ҳам уларнинг қадрига етиш керак дейман-да. Гапим тўғрими? Чунки улар бошқалардан кўра кўпроқ тушунишади, бошқаларга ҳар хил тартибсизликларни очиб беришади. Мана, масалан, мени олайлик: мен кимман? Бир саёқ, дайди, пияниста, ақлдан озган бир одамман. Менинг турмушимдан ҳеч нима фойда йўқ. Бундай назар солинса, дунёда нима учун яшайман, кимга ҳам фойдам тегади? На ватаним бор, на хотин бола-чақам ва на буларни орзу қилишга тоқатим. Яшайман, аламим ичимда... Нега? Билмайман. Менда барқарорлик йўқ — тушундингми? Нима деб айтсам бўларкин... Юрагимда ёндирувчи учқун йўқ... ғайрат десаммикин... Хуллас, менда бир нарса кам-да! Гапимга тушундингми? Мана шундай қилиб, дунёда яшайману, ўша нарсани излайман, ўшанинг доғини чекаман, аммо ўзининг нима эканлигини билмайман, тагига тушуниб етолмайман...

У бошини ушлаб менга қараб ўтирар, чеҳрасида ўзига ифода изловчи фикр-хаёллар акс этарди.

— Хўш, у ёғи-чи?— дедим мен, уни яна гапиртирмоқчи бўлиб



— У ёғими?.. У ёғини билмайман... Аммо, биронта китоб ёзадиган одам келиб, менга дурустроқ тикилиб қараса — менинг бутун тарихимни тушунтириб бера олармиди, а? Сен қандай деб ўйлайсан?

Мен унинг тарихини ўзимоқ тушутириб бера оламан, деб ўйладим ва назаримда осон ва равшан кўринган бу ишга шу ондаёқ киришдим. Мен шароит ва муҳит тўғрисида, тенгсизлик тўғрисида, ҳаёт қурбонлари ва ҳаёт ҳокимлари бўлмиш одамлар тўғрисида гапира кетдим.

Коновалов гапимни диққат билан тинглаб ўтирди. У рўпарамда қўлини чаккасига тираб ўтирар, кенг очилган хаёлчан ва доно кўк кўзлари аста-секин туман ичига яширингандай бўлар, пешанасидаги ажинлари баттар тиришарди, гапимнинг тагига тушуниб етиш учун нафасини ҳам олмасдан тинглар эди.

Бу нарса менинг иззат-нафсимни қондирди. Мен унинг ҳаётини ўзига ҳаяжонланиб тасвирлаб берар, унинг шу аҳволга тушганлигига ўзи айбдор эмаслигини исбот қилардим. У шароитнинг бадбахт қурбони, ўз табиатига кўра, ҳамма билан тенг бу инсон, кўп тарихий адолатсизликлар орқасида ижтимоий жиҳатдан йўқ даражага тушиб қолган бир вужуд. Мен гапимни:

— Сенда гуноҳ йўқ... Сени хафа қилганлар...— деб тугатдим.

Коновалов мендан кўзларини узмай, жим ўтирарди; у кўзларда меҳрибон ва ёрқин бир табассум порлаганини кўрдим, сўзларимга қандай жавоб бераркин, деб тоқатсизлик билан кутиб ўтирдим.

Коновалов майингина кулди-да, аёлларга хос нозик бир ҳаракат билан менга томон чўзилиб, қўлини елкамга қўйди.

— Жудаям тилинг бийрон эканми, оғайни? Бу гапларни қаердан биласан-а? Китобданми? Ҳаммасини китобдан ўқиб билганмисан? Эҳ, қанийди, мен ҳам сенчалик ўқиган бўлсам!.. Аммо, ҳаммадан ҳам ачинарли қилиб гапирар экансан... Бунақанги гапларни умримда биринчи эшитишим. Қизиқ! Одамлар ўз бахти қоралиги учун бир-бирларини айбласа, сен бутун турмушни, бутун тартибни айблайсан. Сенингча, одам боласи ҳеч бир марсадан айбдор эмасу, пешанасига нима битилган бўлса — шу бўларкан, саёқ деб битилган бўлса саёқ бўлиб ўтиши керак экан. Аристонлар тўғрисидаги гапинг ҳам қизиқ: одамлар иш топилмагани учун ўғирлик қилишади, ҳар кимнинг ҳам

нафси бор дейсан. Бу нарсаларни жуда ачиниб, ҳасратланиб гапиришинг-чи! Кўнгли бўш одамга ўхшайсан!..

— Шошма,— дедим мен,— гапимга қўшилсанми? Тўғри гапирдимми?

— Тўғриминотўғримини, ўзинг биласан, саводли одамсан... Сирасини айтганда, бошқа одамларга нисбатан ҳамма гапинг тўғри... Менга қолганда эса...

— Сенга қолганда-чи?

— Менинг йўлим бошқа... Менинг ароқхўр бўлиб кетганимга ким айбдор? Павелка деган бир укам бор, сира ичмайди, Пермь деган шаҳарда новвойхонаси бор. Мана мен, ундан минг марта яхши ишласам ҳамки, барибир саёқ ва пиянистаман, бундан бошқа номим ҳам йўқ, қисматим ҳам... Бўлмасам, иккимиз ҳам бир онадан туғилганмиз! Тағин, у мендан кичик ҳам. Бундан чиқди, айб менинг ўзимда экан-да. Мен ҳамма одамлардан бошқачароқ бўлиб туғилган бўлсам керак. Ҳамма одамлар тенг деб ҳозир ўзинг айтиб турибсан-ку. Менинг йўлим бошқа... Ёлғиз мен эмасман, албатта, мендақалар жуда кўп. Биз бошқача одамлармиз... Ҳеч қандай тартибни билмаймиз. Бизга бошқача назар билан қараш керак... Қонунлар ҳам бошқача бўлиши керак... Шунақанги қонун бўлсинки, бизни бутунлай ер юзидан супуриб ташлайдиган бўлсин. Негаки биздан тарикча ҳам фойда йўқ, бекорга жойни банд қилиб бошқаларнинг йўлини тўсамиз... Ким айбдор? Ўзимиз айбдор... Шунинг учун яшашга ҳам ҳавасимиз йўқ, ўзимизни ҳам ҳурмат қилмаймиз!

Болаларнинг кўзига ўхшаган кўзлари чақнаб турган бу кап-катта киши ўзини ҳаётдан ажратиб, ҳаётга кераксиз, шунинг учун таг-томири билан юлиб ташланиши керак бўлган одамлар қаторига шу қадар осонгина ва кулиб туриб қўшиб қўйдики, ўзини шу қадар пастга уришини кўриб, мен довдираб қолдим: мен, ҳаммадан ажралган, ҳаммага душман кўзи билан қарайдиган ва ишонмаслик кучини ҳаммага ишлатишга тайёр турган саёқларнинг кўпчилигида ҳеч қачон бу ҳолни кўрмаган эдим. Шу дамгача мен фақат ҳамиша айбни бошқаларга юклайдиган, ҳаммадан зорланиб юрадиган, ўзларининг айбли эканлигини исботловчи далилларни ўзларидан соқит қилувчи одамларни учратар эдим, улар ўз нотавонликларининг гуноҳини тақдирга, ёвуз кишиларга тўнқар эдилар... Коновалов эса, сира тақдирни қораламасди, одамлардан ҳам зорланмасди. Ўз ҳаётининг ҳамма ишқалликларида ўзинигина айб-

ларди, мен унинг «муҳит ва шароит қурбони» эканлигини қанчалик ўлиб-тирилиб исбот этишга тиришсам, у ўзининг шўр пешанаси учун ўзи айбдор эканлигига мени шунчалик ишонтиришга уринарди... Бу янги ва жуда ажойиб гап бўлса-да, менинг аччиғимни келтирарди. У ўзини ерга уриб танқид қиларкан, бундан завқ оларди; айниқса, менга оҳангдор бир товуш билан:

— Ҳар ким ўзига ўзи хўжайин, агар мен аблаҳ одам эканман, бунинг учун ҳеч ким айбдор эмас!— деганда унинг кўзлари янада завқ билан чақнарди.

Бу сўзлар бирон ўқимишли одамнинг оғзидан чиққанда мен ҳайрон бўлмаган бўлардим, сабаби шуки, «интеллигент» деб аталган мураккаб ва чигал руҳий организмда ундай дард бўлмайди. Лекин саёқ одамнинг оғзидан, гарчи, у ҳам тақдир томонидан хўрланганлар, очлар, яланғочлар ва шаҳарларнинг ифлос чалдиворларини тўлдирган ярим одам, ярим йиртқич ёвузлар орасидагина интеллигент бўлса-да, саёқ кишининг оғзидан бундай сўзларни эшитишнинг ўзи ажиб бир нарса эди. Мен ҳақиқатан ҳам Коноваловнинг йўли бошқа экан, деган хулоса чиқаришга мажбур эдим, аммо бунга ҳеч ҳам кўникким ва ишонгим келмасди.

Сиртдан қараганда, Коновалов асил саёқлардан эди, аммо унга бўлган назар-эътиборим ошган сари, аллақачон синф ҳисобланиши керак бўлган ва ғоят даражада оч, муҳтож, ғазабли ва анча ақлли эканликлари туфайлидан эътиборга сазовор одамлар орасидаги тасаввуримни барбод этган кишиларнинг бир хилига дуч келганимни билдим.

Бизнинг баҳсимиз тобора қизғинлашиб борарди.

— Шошмагин,— деб бақирардим мен,— ҳар ёғингдан бало-қазолар бостириб келаверса, қандай қилиб оёқда тура олади одам?

— Оёғингни маҳкамроқ тираб тур!— дерди Коновалов, қизишиб ва кўзларини чақнатиб.

— Ахир, нимага тирай?

— Тирагич топ-да!

— Ўзинг нега оёғингни маҳкам тираб турмадинг бўлмаса?

— Мен ҳам шуни айтяпман, тентак одам, ўз толеимга ўзим айбдор дейман... Мен ўз нуқтамни топа олмадим! Қидираман, ахтараману, аммо топа олмай юрибман!

Ноннинг гамини ейишимиз керак эди, шунинг учун ўз фикрларимизнинг тўғрилигини бир-биримизга исбот эта-эта, ишга киришиб кетдик. Албатта, бир-биримизга исбот эта олмадик, ишни тугатиб, иккимиз ҳам ҳаяжонланган ҳолда ётиб ухладик.

Коновалов новвойхонанинг полига чўзилиб, тезда ухлаб қолди. Мен ун солинган қоплар устидан унинг хамир тоғоралари ёнидаги чипта устида паҳлавонларча чўзилиб ётган серсоқол гавдасига қараб ётардим. Иссиқ нон, ачиган хамир ҳиди келарди... Кун ёриша бошлади, ун гарди босган дераза ойналаридан сур ранг осмон кўринди. Кўчада шарақлаб арава ўтди, подачи сивизғасини чалиб, молларни тўпларди.

Коновалов хуррак отиб ётарди. Мен унинг кенг кўкрагининг кўтарилиб тушишига қараб ётиб, уни ўз эътиқодимга тезроқ оғдириш йўлларини излардим, аммо ҳеч илож тополмай ухлаб қолдим.

Эрталаб туриб хамир оширдик, ювиниб бўлиб, хамир тоғора устида чойга ўтирдик.

— Хўш, яна китобинг борми? — деб сўради Коновалов.

— Бор...

— Ўқиб берасанми?

— Бўлади...

— Яша! Менга қара! Мен бир ой ишлаб, хўжайиндан пул олиб, ярмини сенга бераман!

— Нимага?

— Китоб оласан... Ўзингга ёққан китобларни оласан, менга ҳам ол, иккита бўлса ҳам майли. Менга мужиклар тўғрисида ёзилганини ол. Масалан, Пила билан Сисойкаларга ўхшаган китоб... Кулдирадигани бўлмасин, юракни эритадиган бўлсин, дурустми?.. Баъзи китоблар жудаям бемаза бўлади. Панфилка билан Филатка — ичида суратлари бўлса ҳам, жуда бемаза китоб экан. Пошехоньеликлар ҳақидаги ҳар хил эртақлар. Бунақаларини ёқтирмайман. Сенинг китобингга ўхшаган китоб борлигини билмас эканман.

— Стенька Разин ҳақида ёзилган китобни ўқиб берайми?

— Стенька ҳақида? Яхшими?

— Жуда яхши...

— Опке!

Бирпасдан кейин мен Костомаровнинг «Стенька Разин исёни» деган китобни ўқий бошладим. Бу талантили асарни

бутун бошлик эпик поэма деса бўлади, аммо бошда менинг соқоли тингловчимга ёқмади.

— Нега бу китобда одамлар гапиришмайди, а?— деб сўради у, китобнинг ичига қараб. Бунинг сабабини айтганимдан кейин ҳомуза торғди, ҳомузасини яширмоқчи бўлган эди, яширолмади, кейин уялди-да:

— Ўқий бер, жойида! Мен шунчаки, ўзим...— деб қўйди.

Тарихчи бир рассом каби, Степан Тимофеевичнинг сиймосини чизган сари ва китоб бетларидан «Волга ҳур кишиларининг беги» қаддини кўтариб борган сари, Коноваловнинг кайфи ўзгариб борарди. Бошда зериккан ва лоқайд кўринган, кўзларини мудроқ босиб ўтирган Коноваловнинг ҳайрон қоларлик даражада аста-секин ўзгариб, бутунлай бошқача бўлиб кетганини сезмай қолдим. У рўпарамдаги хамир тоғорада тиззаларини қучоқлаб, соқолини қўлларига шундай қўйиб ўтирар эдики, соқоли оёқларини тўсиб олганди; хўмрайган қошлари орасидан кўзлари менга ғалати бир ҳирс билан тикилиб қарар эди. Мени ҳайрон қолдириб юборган болаларча содда диллигидан ҳозир асар ҳам қолмаган ва кўм-кўк меҳрибон кўзларидан,— кўзларини энди парда босган, қисиқ эди,— акс уриб турган соддалик, аёлларга хос майялик аломатлари қаергадир ғойиб бўлган эди. Унинг мускулли қотма гавдаси худди шерга ўхшар ва оловдай ёниб тургандай туюлар эди. Мен жим қолдим.

— Ўқи,— деди у секин, лекин қатъий оҳангда.

— Сенга нима бўлди?

— Ўқи!— деди яна, унинг товушида илтимос билан бирга зарда ҳам эшитиларди.

Мен яна ўқий бошладим, ора-сира унга қараб-қараб қўярдим, унинг ҳамон қизишиб, ҳаяжонланиб бораётганлигини кўрардим. Ундан мени ҳам ҳаяжонлантирувчи, маст қилувчи аллақандай иссиқ бир ҳарорат чиқиб турар эди. Ахир, Стеньканинг қўлга тушган жойига етдим.

— Тутишдими, а!— деб бақириб юборди Коновалов.

Унинг бу хитобида алам, ачиниш ва ғазаб янграрди.

Пешанасидан тер чиқиб, кўзлари олайиб кетди. Тоғора устидан ерга сакраб тушди-да, қаршимда ҳаяжон-ла тўлган баланд қоматини ростлаб туриб, қўлини елкамга қўйиб, баланд овоз билан шошиб-пишиб гапира бошлади:

— Шошма! Ўқима... Айт-чи, бу ёғи нима бўлади? Йўқ, тўхта, айтма! Ўлдиришадими? А? Ўқисанг-чи тезроқ, Максим!

Буни кўрган киши, Разиннинг туғишган укаси Фролка эмас, балки Коноваловнинг ўзгинаси деб ўйлаши мумкин эди. Уч юз йилдан бери совумаган ва чамбарчас бўлиб боғланган қандайдир қариндошлик бу саёқ одамни Стенька билан боғлаб келгандай туюларди, бу саёқ ҳам жонли, бақувват гавдасининг барча куч-қуввати билан руҳий «нуқта»сиз йўлида дард чекиб юрган барча эҳтироси билан, уч юз йил бурун ушланган ҳур шунқорнинг оғриғи ва дардини сезиб тургандай бўлар эди.

— Ҳа, ўқисанг-чи, худо ҳаққи!

Мен юрагимнинг уриб турганлигини сезиб, ҳаяжон ичида ҳовлиқа-ҳовлиқа ўқир, Стеньканинг ҳасратига Коновалов билан бирга шерик бўлар эдим. Ниҳоят, қийнаш ва азоблаш тасвирига келдик.

Коноваловнинг тишлари гижирлаб кетди. Кўм-кўк кўзлари чўғдай ёнарди. Елкамга суяниб олиб, у ҳам китобдан кўзларини узмай қарарди. У нақ қулоғим тепасида туриб нафас олар, сочларимни кўзларимга учириб туширар эди. Мен бошимни силкитиб, сочларимни тўғрилаб кўярдим, Коновалов буни кўриб, катта кафтини бошимга қўйиб турди.

«Шу чоқ Разин тишларини шундай гижирлатдики, қон аралаш тупуриб ташлади...»

— Бўлди!.. Падарига лаънат!— деб бақириб юборди Коновалов ва қўлимдан китобни тортиб олиб, кучининг борича ерга отди-да, ўзи ҳам ерга йиқилди.

У йиғларди, аммо кўз ёшларини кўрсатишдан ва ҳўнграб йиғлаб юборишдан уялиб, аллақандай бир оҳангда оўқирарди. Бошини тиззалари орасига олиб йиғлар ва кўзларини кир чолворига артарди.

Мен унинг олдида, каттакон ун сандиқ устида уни қандай юпатишимни билмай ўтирардим.

— Максим!— дерди у ерда ўтириб.— Даҳшат-ку бу! Пила, Сисойка! Уларнинг кетидан мана бу Стенька... а? Бу қандай кўргилик, а? Тишларини тупуриб ташлаганини қара!

Унинг бутун гавдаси сесканиб-сесканиб кетарди.

Стеньканинг тишларини тупуриб ташлагани уни айниқса, ҳайратда қолдирган эди, оғир ҳасрат ичида кифт қоқиб, нуқул тупуриб ташлаган тишдан гапирарди.

Азобли ва шафқатсиз қийнов манзараси таъсиридан икковимиз ҳам маст кишиларга ўхшаб қолган эдик.

— Бу китобни менга яна бир марта ўқиб берасан, хўпми?— дерди Коновалов, китобни ердан олиб ва менга узатиб.— Қани, тиш тўғрисида ёзган жойини менга бир кўрсатчи?

Мен кўрсатдим, у ўша сатрлардан кўзини узмай қараб ўтирди:

— Худди: «Тишларини қон аралаш тупуриб ташлади» деб ёзилганми, а? Ҳарфлари ҳам бошқа ҳарфларга ўхшайди... Ё парвардигор! Жони қандай оғриган экан, а? Тишларини ҳам айтмайсанми... Ҳа, кейин нима бўлади? Қатл этишадими? Ҳа-ҳа! Худога шукур, ахир қатл этишаркан-да?

Бу шодликни у шундай эҳтирос билан, кўзларидан шундай қониқиш билан билдирар эдики, қийноқ остида қолган Стенькага ўлим тиловчи бу дардни кўриб, мен сесканиб кетдим.

Бу кунимиз худди туман ичида ўтгандай бўлди: нуқул Стенькадан гаплашдик, унинг ҳаётини, унинг ҳақидаги қўшиқларни ва унинг қийналганларини эсладик. Коновалов бир-икки марта жарангли баритон товуши билан ашула айтди-ю, яна жимиб қолди.

Шу кундан бошлаб биз бир-биримиз билан янада қалин дўст бўлиб кетдик.

Мен унга «Стенька Разин исёни», «Тарас Бульба» ва «Бечора кишилар»<sup>1</sup> деган китобларни яна бир неча марта ўқиб бердим. Менинг тингловчимга Тарас ҳам жуда маъқул тушди, аммо у Костомаров китобидан олган ёрқин таассуротнинг ўрнини босолмасди. Макаар Девушкин билан Варяни<sup>2</sup> Коновалов сира тушунолмасди. Фақат Макаар ёзган хатларнинг тилигина унга кулгили кўринар, Варяга эса, ишонқирамай қарар эди.

— Уни қара-я! Чолнинг пинжиги кирмоқчи-ку... Ай-ёр... Эркагини айтмайсанми, худди тасқарага ўхшайди. Ке, қўй, Максим, бу бош оғриқни! Бунинг нима қизиги бор? Униси бунисига хат ёзса, буниси унисига хат ёзади... Шунча қоғоз бекорга сарф бўп кетипти... қуриб кетсин!

<sup>1</sup> «Бечора кишилар». Ф. Достоевский повести.

<sup>2</sup> Шу повестнинг қаҳрамонлари.

Ачинадиган жойи ҳам йўқ, куладиган жойи ҳам: нима учун ёзилган-а, ўзи?

Мен подлиповоликлар воқеасини унинг эсига солган эдим, у менинг сўзимга қўшилмади.

— Пила билан Сисойка — бошқа гап! Улар тирик одамлар, улар яшашади, курашади, булар-чи? Бири бирига хат ёзгани ёзган. Одам зерикиб кетаркан! Булар ҳатто одам ҳам эмас, шунчаки уйдирма бир нарса экан. Аммо Тарас билан Стенькани ёнма-ён қўйса — бошқа гап бўларди... Эҳ-ҳе-е-е! Нималарни қилишмасди! Шундай бўлганда Пила била Сисойка ҳам дадиллашиб қолармиди, а?

Коновалов замон масаласини яхши тушунмасди, шунинг учун ҳам у ўзининг яхши кўриб қолган қаҳрамонлари билан бир вақтда яшайди, фақат иккитаси Усольеда, биттаси «хохоллар юрти»да ва яна бири Волгада яшайди, деб ўйларди... Мен уни, агар Пила билан Сисойка Кама дарёсидан пастга қараб сузиб келганда ҳам, барибир Стенька билан учраша олмас эди, агар Стенька ҳам «Дон казаклари юрти орқали хохоллар юрти»га ўтиб келганда ҳам, барибир у ердан Бульбани топа олмас эди, деб зўр-базўр ишонтирдим.

Коновалов, гапнинг тагига етгач, хафа бўлди. Емелькага қандай қараркан деб, мен унга Пугачёв қўзғолони ҳақида китоб ўқиб бера бошладим. Коновалов уни бракка чиқарди.

— Вой ҳароми-ей! Ўзига подшоҳ отини қўйиб олиб, ҳамма ёқни лойқатиб юрганини қара... Қанчадан-қанча одамнинг бошига етди. Итвачча! Стенька-чи? Стеньканинг йўли бошқа, оғайни! Унинг олдида Пугачни бит деса бўлади! Важоҳатини қара-я! Стенькага ўхшаганлар ҳақида ёзилган китобдан яна йўқми? Бир қидириб кўр-чи... Анави таъвия-тараққос Макарингни қўй, қизиқ эмас экан. Ундан кўра, Степаннинг қатл этилган жойини яна бир марта ўқиб берганинг яхши...

Байрам кунлари Коновалов иккимиз дарёнинг нариги томонига, чаманзорларга чиқиб кетар эдик. Бир оз ароқ, нон ва китоб олиб, Коновалов айтмоқчи, «эркин ҳавога» яйрагани чиқиб кетар эдик.

«Шиша заводи»га боришни айниқса, яхши кўрардик. Шаҳарга яқин бир жойдаги далага солинган бу бино нима учундир «шиша заводи» деб аталарди. Бу бино — томлари ўпирилиб тушган, дераза рамлари синиб кетган, под-



валлари ёз бўйи сассиқ балчиқ билан тўла, уч қаватли гиштин бир иморат эди. Яшилсимон — сур ранг тусли ва худди чўкиб қолгандай кўринган бу хароба, бузуқ-синиқ деразаларининг қоронғу кўзлари билан даладан шаҳарга хўмрайиб қараб турар ва тақдир қарғишига қолиб, шаҳар доирасидан суриб чиқарилган, ўлим тўшагида ўсал ётган майиб инвалидга ўхшаб кўринар эди. Дарё тошқинлари бу бинони йилдан-йилга емиоиб борарди. аммо томидан то пойдеворигача пўпанак босиб кўкариб кетган ва полиция бостириб келаверишидан ҳимоя этувчи қўлмак сувлар билан ўралган бу бино қалъадай мустахкам турар ва гарчи, томи бўлмаса ҳам, ҳар хил бетайин ва бемакон одамларга паноҳ эди.

Бу бинода ундай одамлар жуда кўп бўлгучи эди: кийимлари жулдур, чалақурсоқ, офтоб нуридан қочувчи бу одамлар худди бойқушларга ўхшаб яшашарди. Коновалов иккимизни улар, худди азиз меҳмонларни кутиб олгандай кутиб олишарди, чунки новвойхонадан чиқиб кетаётганимизда Коновалов ҳам мен ҳам бир буханкадан оқ нон оливолардик, йўлдан бир чирпит ароқ билан бир қути «иссиқ овқат» — жигар, ўпка, юрак, қорин сотиб олардик. Икки-уч сўм сарф қилиб, Коновалов айтгандек, «шиша одамлар»ни қуюқ зиёфат қилар эдик.

Бу зиёфатлар эвазига улар бизга ҳар хил ҳикоялар айтиб беришарди, бу ҳикоялардаги даҳшатли, жонни ларзага солувчи ҳақиқат гаплар энг оддий ёлғон гаплар билан бемалол аралашиб кетган бўларди. Ҳар хил ҳикоя бизга худди жимжимадор тўрға ўхшаб туюлар, унинг кўпгина қора иплари ҳақиқат бўлиб, у ер-бу ерида ялтираб кўринган ёрқин иплари эса — ёлғон эди. Бу тўрлар мия билан юракка ботар, кишининг жонини азобловчи хилма-хил шакллари билан мияни ва юракни сиқиб эзарди. «Шиша одамлар» бизни ўзларича яхши кўрар эдилар — мен уларга тез-тез ҳар хил китоблар ўқиб берардим, улар ҳар сафар диққат билан тинглар эдилар.

Ҳаётдан ташқарига улоқтириб ташланган бу одамларнинг ҳаётни ниҳоятда чуқур билишлари мени ғоят ҳайратлантирар эди, уларнинг ҳикояларини мен ҳаммиша ҳавас ва завқ билан тинглардим. Коновалов эса, ҳикоячининг фалсафасига қарши чиқиш ва мени бу баҳсга тортиш учунгина эшитарди.

Коновалов, жулдур кийинган, тили ниҳоятда бийрон ва гапдон бирон ҳикоячи айтиб берган ҳаёт ва тубанлик-

ка юз кетиш тарихини, ҳамма вақт ўзини оқлашга тиришиб айтилган бирон тарихни эшитиб бўлгач, ўйланқираб кулимсирар ва маъқулламай бош чайқар эди. Унинг бундай қилганини сезар эдилар.

— Ишонмайсанми, Лёса?— деб қоларди ҳикоячи.

— Йўқ, ишонаман... Одамга ҳам ишонмай бўладими! Башарти, ёлгон айтганини билиб турсанг ҳам ишон, ишонда, нима учун ёлгон гапираётганини тушунишга тириш. Баъзан одамнинг ичидагини рост гапдан кўра ёлгон яхшироқ очиб беради. У ёғини суриштирганда, ўз тўғримизда қандай ҳақиқат гапни ҳам айта оламиз? Ўзимизнинг разиллигимизни айтамыз-да... Ёлгонни эса, қотириш мумкин... шундайми?

— Шундай,— деб қўшилади ҳикоячи, унинг гапига.— Аммо, нима учун боя бошингни қимирлатдинг, айт-чи?

— Нима учун дейсанми? Шунинг учунки, сен нотўғри фикр юритдинг. Сен шундай гапирдингки, сенинг бутун ҳаётингни ўзинг эмас, балки қўни-қўшнилари, ўтган кетганлар шундай қилган деб тушунишга тўғри келади. Ҳа, ўзинг қаерда эдинг ўша вақтда? Нима учун ўз тақдирингни яхши йўлга солиб юбориш учун ҳеч бир уриниб кўрмадинг? Бу қандай гап ахир, ҳаммамиз нуқул одамлардан зорланамиз, ҳа ўзимиз-чи, ўзимиз ҳам одаммиз-ку? Бундан чиқди, биздан ҳам бошқалар зорланса бўларкан-да? Бизнинг ҳаёт кечиришимизга одамлар тўсқинлик қиларкан, демак, биз ҳам бировларнинг турмушига тўсқинлик қилган бўламиз, тўғрими? Хўш, буни қандай тушуниш мумкин?

— Шундай турмуш қуриш керакки, у ҳеч кимга тор бўлмасин ва биров бировга халақит ҳам бермасин,— деб жавоб беришарди Коноваловга.

— Ҳа, баракалла, ким қуриши керак ўша турмушни?— деб ғолибларча хитоб қиларди Коновалов ва жавобини оғзидан илиб олмасин деб қўрқиб, дарҳол ўзи жавоб берарди:— Биз! Ўзимиз қуришимиз керак! Хўш, бу иш қўлимиздан келмаса, ўзимизнинг турмушимиз бадбахт бўлса, қандай қилиб ундай турмушни қура оламиз? Бундан, ўзимизга ўзимиз суянишимиз керак, деган фикр келиб чиқади, оғайни! Энди, ўзимизнинг ким ва нима эканлигимиз ҳаммага маълум...

Сухбатдошлар ўзларини оқлаб эътироз билдиришар, у эса бировга биров айбдор эмас, ҳар ким ўзи учун айбдор деб сўзида туриб оларди.

Уни бундай фикрдан қайтариш, унинг одамлар ҳақидаги бу фикрларига тушуниш қийин эди. Унинг тасаввурича, бир томондан одамлар эркин ҳаёт қуришга қодир бўлса, иккинчи томондан заиф, ношуд ва бир-биридан зорланишдан бўлакка ноқобил бўлиб чиқарди.

Туш пайтларида бошланган бу баҳслар кўпинча ярим кечага бориб тугарди, Коновалов икковимиз «шиша одамлар» олдидан қоронғида тиззамиздан лой кечиб, уйга қайтар эдик.

Бир куни кечаси қайтишда ботқоқликка чўкиб кетишимизга сал қолди, яна бир куни облавага тушиб қолиб, полиция нуқтаи назаридан шубҳали одамлар ҳисобланган «шиша заводи»даги ҳар хил ошналаримизнинг йигирмата-часи билан участкада ётиб чиқдик. Баъзан, фалсафабозликка ҳушимиз келмаса, дарёнинг нариги томонидаги олис чаманзорларга кетардик, у ерда дарё тошганда сув оқизиб келтирган майда балиқлар билан тўла кичкина кўллар бўлар эди. Шундай кўллардан бирининг ёнида, чакалакзорда, атрофимиздаги манзара янада кўркам бўлсин учун, гулхан ёқар эдик-да, китоб ўқиб ўтирардик ё бўлмаса турмуш ҳақида суҳбат бошлардик. Баъзан Коновалов хаёлга берилиб:

— Максим, ке, осмонга қараб ётамиз!— деб қоларди.

Биз чалқанчасига тушиб, тепамиздаги таги йўқ осмонга қараб ётардик. Олдинига теварак-атрофимиздаги япроқларнинг шитир-шитирини, кўл сувларининг шилдирашини эшитиб, тагимиз мустаҳкам ер эканлигини сезиб ётардик... Кейин кўм-кўк осмон худди бизни секин-аста ўзига тортиб кетаётгандай бўларди, биз ўзимизни йўқ бўлиб қолгандай ва худди ердан узилиб, мудраб ётган хаёлот дунёсида ғарқ бўлиб ва бу ҳолларимизни сўз билан ҳам, бирон ҳаракат ё қимирлаш билан ҳам бузмасликка тиришиб, осмону фалакда сузиб юргандай бўлардик.

Шу зайлда бир неча соат ётардик, кейин руҳан ва жисман янгиланган ва ғайратланган ҳолда, ишимизга қайтардик.

Коновалов табиатни пинҳона қаттиқ севарди, даладами ё дарё бўйларидами, қаерда бўлмасин, ҳамиша аллақандай сокин меҳрга тўлиб-тошиб юрарди, бу нарса эса унинг болага ўхшашлигини янада кучайтириб юборар эди. Аҳён-аҳёнда чуқур нафас оларди-да, осмондан кўз узмай:

— Эҳ!.. Қандай роҳат-а!— дерди.

Табиатнинг ниҳоятда нозик ва ажойиб гўзаллигидан

самимий завқланиб ва мароқланиб эмас, балки одамлар ўртасидаги нозик табиатли киши деган шухратларига пу-тур етказмаслик учунгина ўз ҳисларига либос кийдирувчи шоирларнинг ғайри самимий сўзларидан кўра, Коноваловнинг худди мана шу хитобида маъно ва ҳис кўпроқ бўлар эди...

Поэзия касб бўлиб қолгандан кейин у ҳам, ҳамма нарса сингари, ўзининг муқаддас соддалигини йўқотади.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб, орадан икки ой ўтиб кетди. Коновалов билан кўп нарса тўғрисида гаплашдим, унга бир талай китоблар ўқиб бердим. «Стенька исёни»ни шу қадар кўп ўқиб берардимки, у бутун китобни бошдан оёқ ўз сўзлари билан бемалол айтиб берадиган бўлиб қолган эди.

Таъсирчан болага айтиб берилган сеҳрли эртак болага қандай ёқса, бу китоб ҳам Коноваловга шунчалик ёқиб қолган эди. Ишлаганда қўлига оладиган асбобларни ўз қаҳрамонларининг номи билан атарди; бир куни полкадан нон идиши тушиб синиб кетган эди, Коновалов куюна-куюна зарда билан:

— Вой лашкарбоши Прозоровский бўлмай кет!— деб юборди.

Ёмон чиққан нонга Фролга деган ном қўярди, хамир-турушни «Стеньканинг ўйлари» деб атарди; Стеньканинг ўзи эса, тенги йўқ одам, катта бахтсизлик ва шўрпешона синоними эди.

Шу ўтган вақт ичида, Коновалов билан танишган куним хатини ўқиб, жавобини ҳам ўзим ёзиб берган Капитолина сира тилга олинмади.

Коновалов, Филипп деган бир кишидан қиз учун полицияга кафил бўлишни сўраб, унга пул юбориб турса ҳам, на Филиппдан, на қиздан жавоб келар эди.

Бир куни оқшом пайт Коновалов икковимиз нон ёпмоқчи бўлиб турган эдик, бирдан новвойхона эшиги очи-либ, қоронғи ва зах даҳлиздан бир хотин кишининг ҳа-диксираган ва шу билан бирга қўнғироқдай жаранглаган овози эшитилиб қолди.

— Кечирасизлар...

— Сизга ким керак эди?— деб сўрадим мен. Коновалов куракни ерга тираб, худди уялгандай, соқолини юлиб турарди.

— Булкачи Коновалов шу ерда ишлайдими?

Энди у остонага келиб турганди, осма лампанинг ёруғи унинг оқ жун рўмол ўраган бошини ёритиб турарди. Рўмол тагидан кўхликкина, бурни пучуқ, қалин ва қип-қизил лаблари жилмайганда кулдиргич пайдо бўладиган кулчадек юзи мўралаб турарди.

— Шу ерда ишлайди!— деб жавоб бердим мен.

— Шу ерда, шу ерда!— деди Коновалов, бирдан жуда қаттиқ суюниб кетиб ва қўлидаги куракни ташлади-да, меҳмон сари илдам юрди.

— Сашенька!— Қиз «оҳ» деб унга томон юрди.

Икковлари қучоқлашиб кўришдилар, Коновалов қизга энгашди.

— Қани, хўш? Қандай? Қачондан бери? Ҳа баракалла, қутулдингми? Жуда соз! Мен айтмовдимми?.. Мана энди, яна йўлинг очилди! Қаддингни кўтариб, дадил юраверасан!— Коновалов ҳамон остонада туриб, қизнинг елка ва белидан қучоқлаганича, шошиб-пишиб гапирарди.

— Максим, бугун нонлар билан ёлғиз ўзинг олишиб туратур, оғайни, мен мана бу хотин кишининг иши билан бўлай, Капа, қаерга тушдинг?

— Тўғри шу ерга, сенинг олдингга келдим...

— Шу ерга-я? Йўқ, бу ерга тушишинг бўлмайди... бу ерда нон ёпилади... иннайкейин... сира иложи йўқ! Хўжайинимиз жуда жаҳли тез одам. Бу кечани бирон бошқа ерда ўтказиш керак... масалан дейлик, номер-померда. Юр, кетдик!

Иккови бошлашиб чиқиб кетди. Мен нонлар билан олишиб қолдим ва Коноваловни эрталабдан илгари келар деб ўйламаган эдим, бироқ уч соат ўтмасдан қайтиб келганини кўриб, ҳайрон бўлдим. Унинг юзида шодланиш нурлари ўрнига ҳорғинлик, кайфи бузуқлик ва ҳасрат аломатларини кўриб, ҳайратим янада ошди.

— Сенга нима бўлди?— деб сўрадим, дўстимнинг ҳодисага мос тушмаган бузуқ кайфиятига қизиқиб.

— Ҳеч...— деб ночоргина жавоб бера қолди Коновалов ва бир оз жим туриб, зарда билан ерга тупурди.

— Ҳа, бир нарса бўлдими ўзи?...— қистаб сўрадим мен ундан.

— Ҳа, нима дейсан?— деди у чарчаган бир товуш билан, ун солиб қўядиган яшикка чўзилиб ётиб.— Ҳар ҳолда... ҳар ҳолда... минг қилсанг ҳам, хотин-да!

Уни зўрға гапиртирдим, ахири бўлган гапни тахминан, шу сўзлар билан тушунтириб берди:

— Хотин киши минг қилсанг ҳам хотинлигича қолар экан! Узим аҳмоқ бўлмасам, бу ишлар ҳам бўлмас эди. Тушундингми? Сен бўлсанг хотин киши ҳам одам дейсан. Биламан, хотин зоти тўрт оёқлаб юрмайди, хашак ҳам кавшамайди, тили бор, гапиради, кулади, демак, ҳайвон эмас. Шундай бўлса ҳам, биз эркакларга баравар бўла олмайди... Сабаби нима? Узим ҳам билмайман! Бизга тўғри келмаслигини сезаману, аммо нима учун тўғри келмаслигига сира ақлим етмайди... Мана, масалан, Капитолинани ол; унинг тутган йўли шуки: «Сен билан эру хотин бўлиб тураман, дейди. Сенинг итинг бўлай дейди...» Ҳеч ҳам ақлга тўғри келмайдиган гапде! «Ҳой оппоқ қиз, аҳмоқ бўлма, ахир, ўзинг бир ўйлаб кўр, мен билан қандай туриб бўлади?»— дедим.— Аввало, мен ичкилик гадосиман, иккинчидан, бирон бошпанам бўлмаса, қолаверса, саёқ одам бўлсам, бирон жойда қунт қилиб туролмасам»,— дедим. Яна шунга ўхшаш кўп нарсаларни айтдим. Айтсам, у: «Ичкилик ҳеч гап эмас,— дейди.— Ҳамма мастеровой эркаклар ашаддий пианиста, шундай бўлсаям ҳаммаларининг хотинлари бор,— дейди,— агар хотининг бўлса бошпана ҳам топилади, ҳеч ерга қочиб кетолмайсан»,— дейди... Мен унга: «Капа, мен бу йўлга ҳеч ҳам кира олмайман, сабабки, бундай турмуш қуришга қурбим етмайди, бунга ўргана олмаслигимни ҳам биламан» десам, у сира унамайди-да! «Бўлмаса ўзимни дарёга ташлайман»,— дейди! Мен унга: «Аҳмоқ экансан...» деб эдим, бирам сўкиб кетдики, асти қўявер! «Ҳа, сен ғаламиссану, шарму ҳаёсиз шайтонсану, алдоқчисан»,— дейди! Шу бошлаб кетди, бошлаб кетди, шунақанги қутуриб кетдики, сал бўлса қочиб ҳам кетардим. Кейин йиғлашга тушди. Йиғлади, таъна қилди: «Сенга кераклигим йўқ экан, нега мени у ердан чиқариб олдинг?»— дейди. «Нега мени у ердан алдаб келтирдинг, энди қаёққа бораман?»— дейди. «Ху, жонингни олгур сариқ аҳмоқ!»— дейди. Оббо, энди уни нима қилсамикин, а?

— Рост-да, нима учун уни у ердан қутқазиб олдирдинг ўзинг?— деб сўрадим мен.

— Нимага дейсанми? Тентақ экансан! Ахир, ачинганимдан-да! Бир одам жувонмарг бўлиб кетаётгандан кейин... ёнидан ким ўтса ҳам унга ачинмай қолмайди, ахир! Аммо лекин, уй-рўзғор қуриш... ё шунга ўхшаш бирор нарса қилишдан мени худо сақласин! Мен бу йўлга ҳеч ҳам киролмайман. Мен уй-рўзғор тута олармидим? Агар

бундай ниятим бўлса, аллақачонлар уй-рўзгор қилиб олган бўлардим. Сеп ҳам олишим мумкин эди... Аммо бу нарсага қурбим келмаса, бунга қандай кўнай? Кўз ёши қилиб ўтирипти... албатта бу яхши эмаску-я... Лекин нима қилай? Ололмайман!

У, куюна-куюна «ололмайман» деркан, ҳатто бунинг тасдиқига бош чайқаб ҳам қўйди, қўллари билан соқолини қашлаб, бошини пастга эгиб, тупура-тупура новвойхона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Максим!— деди у, хижолатланиб ва нлтижо билан:— Унинг олдига бир борсангу, нима учун уйлана олмаслигимни ётиғи билан тушунтирсанг... а? Бир бориб кел, оғайни, а?

— Нима дейман бориб?

— Гапнинг пўскалласини айтасан!.. У сени ололмайди, де. Сира тўғри келмайдиган иш, де... Ё бўлмаса, ёмон касали бор, деб айта қол!..

— Ахир, ёлғон бўлади-ку бу!— деб кулдим мен.

— Ҳим... Ёлғонликка-ку ёлғон-а... Аммо жуда боп баҳона эди-да! Ҳаҳ, қуриб кетгур-а! Иш жуда чатоқ бўлди-ку! А? Ахир, хотин олиб, қаерга жойлаштираман уни?

Шу сўзларни айтаркан, қўлларини шу қадар ҳайрат ва қўрқинч билан кердики, ҳақиқатан ҳам хотинни кўядиган жойи йўқлиги равшан эди. Бу воқеанинг қанчалик кулгили бўлишига қарамасдан, унинг фожиавий томони мени қизнинг тақдири устида қаттиқ ўйлантириб қўйди. Коновалов бўлса, ҳамон новвойхона ичида юрар ва ўзи билан ўзи сўзлашгандек сўйларди:

— Бу сафар ўзи ҳам менга ёқмай қолди, ҳеч ҳам ёқмайди! Худди мени авраб, ботқоқликка судраб кетаман, дейди. Мен анойи эмасман, мени сира ҳам эр қила олмайсан! Унча доно бўлмаса ҳам, жуда қув қиз экан!

Назаримда, бу — доимо эркинлик сари толпиниш, дайдилик ҳисси бўлса керак, бу дайдиликка тажовуз қилинмоқда эди.

— Йўқ, мени бу қармоққа илинтира олмайсан, мен катта балиқман!— дерди Коновалов мақтаниб.— Мен шундай қиламанки... ҳа-а, агар чиндан ҳам шундай қилсам нима қилади?— деди-да, новвойхонанинг ўртасида тўхтаб, кулиб туриб ўйга ботди. Мен унинг ҳаяжонланган юзидаги ўзгаришларни кузатиб, нима қилмоқчи эканлигини билишга тиришардим.

— Максим, юр, Кубанга кетамиз!

Мен буни кутмаган эдим. Менинг унга нисбатан баъзи бир адабий тарбиявий режаларим бор эди, мен уни хат-саводли қилиш ва ўша вақтда билган ҳамма нарсаларимни унга ҳам ўргатишни ният қилиб қўйган эдим. У, ёзи билан ҳеч қасбга жилмайман, деб менга сўз берган эди, бу эса менинг вазифамни енгиллаштирарди, мана энди бирданга...

— Э-э, бу гапинг бемаъни гап!— дедим мен, бир оз ҳаяжонланиб.

— Бўлмаса, нима қилай?— деб хитоб қилди у.

Мен унга, Капитолинанинг тажовузи сен ўйлаганча жиддий эмас, ишнинг охириги ва натижасини кутиш керак, деб насиҳат бера бошладим.

Ҳатто, у қадар кўп кутишга ҳам тўғри келмади.

Биз тандир олдида деразага орқамизни ўгириб гаплашиб ўтирар эдик. Вақт ярим кечага бориб қолган, Коноваловнинг қайтганига ҳам бир ярим, икки соатча бўлиб қолган эди. Тўсатдан орқамиздаги дераза ойнаси жаранглаб синди, каттакон бир тош ерга гурс этиб тушди. Капалагимиз учиб, иккимиз ҳам ирғиб ўрнимиздан турдик-да, югуриб дераза олдига бордик.

— Тегизолмадим-да!— деган чинқириқ овоз эшитилди кўчадан.— Аттанг! Боплаб уролмадим-да! Бўлмаса-ю...

— Ю-у-ур!— деб бўкирарди ҳайвон бўкиришга ўхшаш бир овоз.— Ю-у-ур, кейин ўзим унинг адабини бериб қўяман!— Синган деразадан кишининг асабларини тимдаловчи, қаттиқ чинқирган маст-аласт қаҳқаҳа эшитиларди.

— Ий-я, Капитолина-ку!— деди Коновалов, юраги ачишган бир ҳолда.

Мен фақат дераза олдидаги чуқурчага осилиб турган икки оёқнигина кўрдим. Бу оёқлар ғалати бўлиб осилган ва туриш учун жой қидираётгандек, чуқурнинг гиштин деворига товони билан урилиб, ликиллаб турар эди.

— Ҳа, юрсанг-чи-и!— деб пўнғиларди йўгон овоз.

— Қўйвор! Тортма мени, қўй аламинни олиб олай! Хайр, Сашка! Хайр...— кейин, айтиб бўлмайдиган ҳақорат эшитилди.

Деразага яқинроқ бориб, Капитолинани кўрдим. У, қўларини ерга тираб, пастга энгашиб, новвойхона ичини кўришга тиришар, унинг тўзиб кетган сочлари кўкрак ва елкаларига ёйилиб тушган эди. Бошидаги оқ рўмоли бир ёққа сурилиб кетган, кўйлагининг кўкраклари йиртилиб кетган эди. Капитолина маст эди, у ҳиқичоқ тута-тута сў-



кинар, шаллақиларча қичқирар, аъзойи бадани қалтирар эди, сочлари тўзиган, қип-қизариб кетган юзларидан мас-тона кўз ёшлари оқиб тушарди, ўзи оёқда туролмай, гандиракларди...

Унинг тепасига новча бир киши энгашиб, бир қўлини Капитолинанинг елкасига, иккинчисини деворга тираб, ҳадеб:

— Ю-у-ур!— деб бўкирарди.

— Сашка! Мени хор қилдинг... эсингдан чиқарма! Минг лаънат сендай сариқ шайтонга! Бўйинг гўрда чири-син! Мен умид қилувдим... сен мени масхара қилдинг, жаллод! Майли! Вақт келар, ҳисоблашармиз! Бекиниб олдинг-а! Уяласан-да, башаранг қургур! Саша... жоним!

— Мен бекинганим йўқ...— деди Коновалов ғамгин бир оҳангда, деразага яқин келиб ва хампа устига чиқиб.— Беркинмайман... ўзинг бекорга шундай қиялсан... Мен сенга яхшилик қилай девдим, кети яхши бўлар деб ўйловдим, сен бутунлай ярашмаган ишларни қилиб юрибсан...

— Сашка! Мени ўлдириб қўя қол!

— Нега ичиб маст бўлдинг, а? Ахир, билмасмидинг-ки... эртага...

— Сашка! Саша! Мени сувга чўктириб ўлдириб қўя қол!

— Бўлди-и! Ю-у-ур!

— Аблах! Нега ўзингни яхши одам қилиб кўрсатиб юрдинг?

— Бу нима шовқин? Булар ким?

Суҳбатга тун қоровулининг ҳуштаги қўшилиб, суҳбатни тўхтатди-да, ўзи ҳам тинди.

— Сенга ишонмай, мен ўлай,— деб ҳўнг-ҳўнг йиғларди қиз, дераза тагида туриб.

Кейин бирдан қизнинг оёқлари қимирлади, юқорига лип этиб чиқди-да, қоронгида ғойиб бўлди. Бўғиқ овозлар, ур-сурлар эшитилди.

— Бормайман полицияга! Саша-а!— деб қичқирарди қиз, дардли овоз билан.

Тош йўлдан оғир-оғир қадамларнинг гурсиллаши эшитилди.

Ҳуштаклар чалинди, бўғиқ ҳай-хувлар, дод-фарёдлар эшитилди...

— Саша-а! Жоним!

Худди бировни биров шафқатсиз сурадга қийнаётгандай бўлиб туюларди. Бу шовқин-ғавғолар тобора биздан узоқлашиб, худди даҳшатли туш каби, ахийри тинди.

Кўз очиб юмгунча бўлиб ўтган бу можародан Коновалов икковимизнинг таъбимиз хира бўлиб, қоп-қоронғи кўчадан кўзимизни узмай, йиғлаш, бўкириш, сўкиш, хўжайинларча ўшқиритиш, дардли инграшлардан ўзимизга келолмай турар эдик. Мен айрим товушларни эслардим ва булар чиндан ҳам ўнгимда бўлганига зўрға ишонардим. Бу кичкина, аммо оғир фожиа кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди.

Коновалов даҳшат солиб, қараб турган қоронғи кеча сукунатига деразадан яна бирпас қулоқ солиб турди-да, қандайдир ювош ва содда товуш билан:

— Тамом!— деди. Бир неча секунддан сўнг:

— Мени қанақасига олиб сўкди-я!— деди ҳали ҳам ҳайратланиб. У ҳамон боягича хампа устида чўкка тушиб, деразанинг нишаб тоқчасига қўллари билан суяниб ўтирар эди.— Полицияга тушди... ўзи маст... бир аблаҳ билан бирга... Бирпасда бир ёғлиқ қипти-да ишни!— Коновалов чуқур уҳ тортди-да, хампа устидан тушиб, ун солинган қопга ўтирди, қўллари билан бошини ушлаб, чайқалди ва мендан секин:

— Менга айтиб бер-чи, Максим, нима гап бўлди ўзи-а?— деди.— Бу масалада менинг айбим нима?

Мен айтиб бердим. Энг олдин, нима қилмоқчи эканлигини билишинг ва ишни бошлаганингда бу ишнинг оқибатини кўз олдинга келтиришинг керак, дедим. Бу нарсаларга у тушунмасди, билмасди, шунинг учун ҳам ҳамма нарсада айбдор бўлиб чиқарди. Менинг жуда жаҳлим чиқди — Капитолинанинг оҳ-додлари, маст кишининг «ю-у-ур!» дейишлари ҳали ҳам қулоғимдан кетмасди, шунинг учун ҳам мен дўстимни аямасдим.

У бошини эгиб, сўзимни тинглади, гапимни тамом қилганимдан кейин бошини кўтариб қараган эди, унинг юзида қўрқув ва ҳайрат аломатларини кўрдим.

— Ана холос!— деб хитоб қилди у.— Тоза бопланибман-ку! Хўш, энди бу ёғи нима бўлади? А? Қандай бўлди бу ёғи? Уни нима қилсам экан энди?

Унинг сўзларида қиз олдидаги гуноҳига болаларча соф диллик билан самимий иқрор бўлиш ва ожизона ҳайратланиш шу қадар зўр эдики, бечора ошнамга раҳмим ке-

либ кетди ва унга жуда қаттиқ гапириб юборибман-да, деб ўйладим.

— Негаям уни жойидан қўзгатдим-а!— дерди Коновалов, пушаймон бўлиб.— Э, аттанг! Энди у мени қандай... Мен полицияга бориб, бир ҳаракат қилиб кўраман... Уни кўрмасам бўлмайди... Нима керак бўлса қиламан... Унга... бирон сўз дейман-да, бориб... Борайми?

— Қизни бориб кўришдан ҳеч қандай фойда бўлмаса керак,— дедим мен. Бориб, Капитолинага нима ҳам дерди? Бунинг устига, Капитолина маст, балки ухлаб ҳам қолгандир.

Аммо Коновалов гапида қаттиқ туриб олди.

— Бораман, қўявер. Ҳар нима бўлса ҳам, мен унга яхшилик тилайман... минг қилсанг ҳам... У ердаги одамлар унинг нимаси? Бораман. Сен бу ерда ўзинг... мен тез қайтаман.

Бошига қалпоғини қўндирди-да, ҳатто одатда олифтачилик қилиб кийиб юрадиган эски бошмоғини ҳам киймай, новвойхонадан тез чиқиб кетди.

Мен ҳамма ишларни битириб, ётиб ухладим ва одатдагича эрталаб уйғониб қарасам, Коновалов жойида йўқ.

У фақат кечга яқин қош-қовоғи солинган, сочлари тўзиган, пешанасидаги ажинлари янада чуқурлашган ва кўк кўзларини қандайдир парда босган ҳолда кириб келди. Менга қарамасдан тоғора олдига келди-да, қилган ишимни кўриб, чурқ этмасдан ерга чўзилди.

— Хўш, кўрдингми уни?— деб сўрадим мен.

— Кўрай деб бордим-да.

— Хўш, нима бўлди?

— Ҳеч нима.

Унинг гапга ҳуши йўқлиги аниқ эди. Ундаги бу кайфият узоққа чўзилмаса керак деб, мен ҳам унга савол бермай қўя қолдим. Коновалов кун бўйи индамади, фақат иш тўғрисида зарурат юзасидан қисқа-қисқа гапириб, бошини эккан ва келгандагидай кўзларини парда босган ҳолда новвойхона ичида айланиб юрди. Унинг ичида худди бир нарсаси сўнгандай эди; ўз хаёлларига берилиб, секин ва лоқайд ишларди. Кечаси охирги нонларни тандирга ёпиб бўлиб, куйиб кетмасин, деб ухламай ўтирганимизда, мендан:

— Қани, Стенька ҳақида бирон нарса ўқиб бер,— деб илтимос қилди.

Унга ҳаммадан ҳам қийнаш ва қатл этиш тасвири қаттиқ таъсир қилишини билиб, мен худди шу жойини ўқий бошладим. У чалқанчасига қимирламасдан ётиб эшитар ва кўзларини юммасдан ис босган шифтга қарарди.

— Ана, одамни ўлдиришди қўйишди,— деди секингина.— Ҳар қалай, у вақтларда яшаш мумкин эди. Ҳурлик бориди. Қаерга десанг, шу ерга кетаверардинг. Энди бўлса, ҳамма ёқ жимжит, ҳамма ювош бўлиб қолган... Агар четдан туриб қаралса, турмуш жудаям суст. Китоблар кўп, хат-савод жойида... Шундай бўлса ҳам, халқнинг ҳимояси йўқ, халқ қаровсиз яшайди. Гуноҳ қилиш таъқиқ этилгану, аммо гуноҳ қилмай илож йўқ. Шунинг учун кўчаларда тартибу, кўнгилда — ғалаён. Биров бировга тушунолмайдди.

— Хўш, шундай қилиб, Капитолинани нима қилдинг?— деб сўрадим мен.

— А?— Коновалов бир сесканиб тушди.— Тамом...— деди-да, қўлини шартта силкитди.

— Демак, тамом қилдим дегин?

— Манми? Йўқ... унинг ўзи тамом қилди.

— Қандай қилиб?

— Шундай қилиб-де... Яна ўз йўлига кириб олди, вассалом... Яна бояги-бояги. Фақат, илгари ичмас эди, энди ичадиган бўпти... Нонларни ўзинг узиб қўй, мен ётиб ухлайман.

Новвойхонани жимлик босди. Чироқ сасир, аҳён-аҳёнда печканинг қопқоғи қирсиллаб қолар, полкалардаги иссиқ нонларнинг сиртлари ҳам чирсиллар эди. Кўчада, деразамиз рўпарасида тунги қоровуллар ҳангамаллашиб турарди. Баъзан кўчадан яна аллақандай ғалати бир товуш қулоққа чалинарди: ё қандайдир вивеска ғижирлагандек, ё аллаким инграгандек бўларди.

Мен нонларни узиб бўлиб, ухлагани ётдим, аммо уйқум келавермади, тунги товушларга қулоқ солиб, кўзларимни чала юмиб ётардим. Бир маҳал қарасам, Коновалов секин ўрнидан турди-да, полка олдига бориб, Костомаровнинг китобини олди, китобни очиб кўзларига яқинлаштирди. Унинг хаёлга ботган юзини аниқ кўриб ётардим, бармоғини сатрлар устидан юргизганини, бош чайқганини, китобни варақлаганини, яна китобга тикилиб, кейин менга қараганини кўриб ётардим. Унинг ўйчан, сўлғин юзи аллақандай ғалати, худди савол бергандай менга узоқ тикилиб қолди, мен учун бу боқиш янгилик эди.

Мен унга қизикқанымни яширмай,— нима қилаётибсан,— деб сўрадим.

— Мен сени ухлаб қолдинг деб ўйлабман...— деди у хижолат бўлиб, кейин қўлидаги китоб билан тепамга келди-да, ёнимга ўтириб, тутила-тутила:— Мен сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим, деди.— Турмуш тартиб-қоидалари ҳақида биронта китоб йўқми? Қандай яшаш йўллари кўрсатиб берадиган? Қайси ишлар зарарли, қайсилари тузук, мен буларни ажрата билишим керак... Билсанг, мен ўз ишларимдан ўзим хижолат бўламан. Бошда менга яхши бўлиб кўринган иш охирида ёмон бўлиб чиқади. Масалан, Капка масаласини ол.— У, нафасини ростлаб, худди илтимос қилгандай товуш билан давом этди:— Бир қидириб кўр, қилмиш тўғрисида биронта китоб йўқмикин? Кейин ўқиб берасан.

Орага бир неча минутлик сукунат чўкди.

— Максим!..

— А, лаббай?

— Капитолина мени роса бопладими, а?

— Ҳа, бўлди энди... Қўй...

— Албатта, энди гапдан нима фойда... Менга қара... унинг ҳақи бормиди?

Бу анча қалтис савол эди, аммо мен ичимда ўйлаб кўриб, ҳа деб жавоб бердим.

— Мен ҳам шундай дейман-да... Ҳақи бор эди...— деди Коновалов маъюс бўлиб, кейин жимиб қолди.

Сўнгра, қуруқ ерга солинган чипта устида анчагача у ёқдан-бу ёққа тўлганиб ётди, бир неча марта ўрнидан туриб тамаки чекди, дераза олдига бориб ўтирди, кейин яна ётди.

Кейин мен ухлаб қолдим, уйғониб қарасам, Коновалов новвойхонада йўқ, кечга яқин қайтди. Унинг ҳамма ёғини чанг босгандай кўринар, туманлашган кўзларида худди бир нима қотиб қолгандек туюлар эди. Картузни полкага ташлади-да, оғир уҳ тортиб, ёнимга келиб ўтирди.

— Қаерда эдинг?

— Капкани кўргани борувдим.

— Хўш, нима бўлди?

— Иш тамом, оғайни! Мен сенга айтмовдимми!..

— Майли, бундай одамларни йўлга солиб бўлмас экан-да...— Мен унинг хафалигини тарқатиш учун одам-

нинг қудратли кучи ва ҳозир жўяли бўлган нарсалар тўғрисида гапира бошладим. Коновалов индамай ерга қараб ўтирарди.

— Йўқ, бундай эмас! Гап бунда эмас! Тўғриси, ўзим зарарли кишиман... Дунёда яшашга муносиб эмасман. Мендан заҳар ҳиди келиб туради. Бирон одамнинг ёнига бордимми, унга ҳам заҳрим юқади. Кимга яқинлашмай, бошига фалокат орттираман... Ахир, ўзинг бир ўйлаб кўр: бутун умримда ким мендан роҳат кўрипти? Хеч ким! Бўлмаса, умримда жуда кўп одамларни кўрганман... Чирий бошлаган одамман ўзим...

— Бўлмаган гап!

— Йўқ, рост айтаман!..— қатъий оҳангда деди Коновалов, бош силкитиб.

Мен уни бу фикридан қайтаришга тиришардим, ammo у, менинг сўзларимдан ўзининг ҳаётга ноқобил эканига баттар ишонарди.

У тез ва бирданига ўзгариб кетди. Хаёлчан, ланж бўлиб қолди, китобга бўлган ҳаваси ҳам сўнди, илгаригига ўхшаб берилиб ишламас, индамасдан, одамга қўшилмай ишлайдиган бўлиб қолди.

Бўш вақтларида ерга чўзилиб, ҳадеб шифтга тикилиб ётарди. Чеҳраси сўлғинлашган, кўзларининг болаларники сингари равшан чақнаши ҳам сўнган эди.

— Саша, сенга нима бўлди?— деб сўрадим мен.

— Ароқ хумориси тута бошлади,— деди Коновалов,— яқинда ароққа шўнғиб кетаман... Юрагим ёняпти... билсанг, худди жиғилдоним қайнагандай... Вақти келди... Агар бу воқеа юз бермаганда, ҳали-бери бўш келмаган бўлардим-а. Бу иш мени тинмай ғажияпти... Қандай бўлди бу? Мен одамга яхшилик қилай десам, бирдан ишлар бунақа бўлиб кетди... Сира тушунолмай қолдим! Шундай, оғайни, турмушда тартиб-қоида бўлиши жуда зарур нарса... Наҳотки, одамларни бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилдирадиган ва бирининг гапига бири тушунадиган қонун ўйлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса? Ахир, одамлар бир-бирига элашмай, бир-бирига қовушмай яшаши сира мумкин эмас! Наҳотки, ер юзида тартиб-қоида ўрнатиш ва одамларнинг кўзини очиш кераклигини доно кишилар тушунмаса?.. Тавба!

Коновалов турмушда тартиб-қоида ўрнатиш кераклиги ҳақида ўйга чўмиб, менинг сўзларимни эшитмас эди. Ҳатто ўзини мендан опқоча бошлаганини ҳам пайқадим. Бир

куни турмушни қайта қуриш ҳақидаги режамни юз биринчи марта тинглаб бўлиб, жаҳли чиқиб кетди.

— Қўйсанг-чи!.. Эшитганман бу гапларни!.. Гап турмушда эмас, одамда! Ҳамма гапнинг боши — одам... Туншиндингми? Вассалом, бошқа гап йўқ... Сенингча, турмуш ўзгариб бўлгунча, одамлар шу тахлитда туравериши керак экан-да? Йўқ, сен олдин одамни ўзгартир, унга йўл-йўриқ кўрсат... Бутун ер юзи ёришсин, унга торлик ҳам қилмасин, одамзод учун мана шу нарса керак. Ўз йўлини қандай топишини ўргат.

Мен бунга эътироз билдирардим, у, қизишиб кетар, қовоқларини солиб, зериккан одамдай:

— Ке, қўй!— дерди.

Бир куни кечқурун чиқиб кетиб, ишга кечаси ҳам қайтмади, эртасига ҳам. Унинг ўрнига ташвишланган хўжайин келди ва:

— Лёскамиз ичкиликка мункиб кетди-ку. «Стенка»да ўтирипти.

Янги новвой топмасак бўлмайди...— деди.

— Балки, ўзи қайтар?

— Бе-е, энди гўрда қайтадим... Биламан мен уни...

Мен ғиштин девор ичига бошлаб жойлашган «Стенка» деган қовоқхонага бордим. Бу қовоқхонанинг қизиғи шунда эдики, унинг деразалари йўқ, ёруғ шифтдаги туйнукдан тушар эди. Аслини суриштирганда, бу юпқа тахта билан ёпилган тўрт бурчакли бир ўра эди. Ундан тупроқ, махорка, ачиган ароқ ҳиди келарди, унинг ичи ҳамиша аллақандай номаълум одамлар билан тўла бўлгучи эди. Улар, ичкилик дарди тутган бирон мастеровой келиб қолмасмикин, бор-йўғини шилиб, ичиб юборардик, деб уззукун шу ердан силжимаёй ўтиришарди.

Қонозалов қовоқхона ўртасидаги катта стол ёнида ўтирарди. Унинг атрофида эса, олти нафар жаноб унинг сўзларини ҳурмат ва хушомадгўйлик билан тингларди. Кийимлари одам кийимига ўхшамаган бу хароб одамларнинг қиёфалари худди Гофман<sup>1</sup> ҳикояларидаги қаҳрамонларнинг қиёфаларига ўхшар эди.

Улар ароққа пиво қўшиб ичишар, кесакка ўхшаш бир гарса еб ўтиришар эди...

---

<sup>1</sup> Гофман Эрнст-Теодор-Амаде (1776—1822)— немис романтик ёзувчиси; унинг ҳикояларида фантастика билан мистика кучли эди.

— Ичинглар, оғайнилар, ҳар ким тўйгунча ичсин. Менда пул ҳам бор, уст-бош ҳам бор... Уч кунга бемалол етади. Барини ичиб битираман-да... кейин бас қиламан! Ортиқ ишламайман ҳам, бу ерда турмайман ҳам...

— Жуда расво шаҳар бу!— деди, Джон Фальстафга ўхшаш бир киши.

— Ишми?— деди иккинчиси, кўзини шифтга тикиб ва ажабланиб сўради:— Одам дунёга иш учун келган деб ким айтган ўзи?

Ҳаммалари бирдан вағиллашиб, Коноваловнинг бор-йўғини ичкиликка сарф қилишга ҳақи борлигини исбот қилар ва бу ҳақни, яъни фақат шулар билан ўтириб ичишни, Коноваловнинг мажбурий вазифаси даражасига кўтара бошладилар.

— Э-э, Максим!.. Тўрваси ҳам елкасида!— деб қочирим қилди Коновалов, мени кўриб.— Қани, китобхон ва фарисей одам, сен ҳам бир ич! Мен буткул йўлдан оздим, оғайни. Тамом! Қип-яланғоч қолгунимча ичмоқчиман... Баданимда битта туким қолгандагина бас қиламан. Сен ҳам бошлай қол, а?

У ҳали маст эмас эди, кўм-кўк кўзларигина ҳаяжон ичида жавдирар, кўкрагини ипак елпигичдай беркитиб турган кўркам соқоли ҳадеб силкинарди, чунки унинг пастки жағи асабий тарзда титрарди. Кўйлагининг тугмалари ечиб ташланган, оппоқ пешанасида майда тер томчилари йилтирар, менга пиво узатиб турган қўли қалтирар эди.

— Қўй, Саша, кетайлик бу ердан,— дедим мен қўлимни унинг елкасига қўйиб.

— Ташла дейсанми?..— деб кулди у.— Қанийди, бундан ўн йил илгари келиб, ташла десанг... ўшанда ташлардим. Энди ташламаганим яхшироқ... Нима ҳам қилардим бўлак? Ахир, мен ҳамма нарсани сезаман, турмушнинг бутун борди-келдисини сезаман... аммо тушунишга келганда — ҳеч нима тушунмайман ва ўз йўлимни ҳам билмайман... Билиб туриб ичяпман, нега десанг — бошқа иложим йўқ... Ич!

Унинг улфатлари менга очикдан-очик душманлик билан қарар, ўн икки нафар кўзнинг ҳаммаси менга ўқрайиб тикилар эди.

Бечоралар, Коноваловни опкетиб қолади, бир ҳафтадан бери кутилган зиёфатдан маҳрум бўламиз, деб кўрқар эдилар.



— Оғайнилар! Бу — менинг дўстим, ўзи донишманд одам, қурмағур! Максим, Стенька китобини шу ерда ўқиб бера оласанми? Эҳ... оғайнилар, дунёда қандай китоблар бор экан! Пила тўғрисида... Максим, а?.. Оғайнилар, бу китоб эмас, нақ қон билан кўз ёшларининг ўзи... Ахир, Пила — худди менинг ўзим-ку, а? Максим!.. Сисойка ҳам менинг ўзим... Худо ҳаққи! Ана, ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлди!

У қўрқувли кўзларини катта очиб менга қарар, пастки лаби ғалати бир тарзда титрарди. Коноваловнинг жўралари менга истар-истамас ёнларидан жой бердилар. Коновалов пиво қўшилган бир стакан ароқни шимириб бўлай деганда мен унинг ёнига ўтирдим.

У ўзини бу селаво билан тезроқ маст қилмоқчи бўлгандай эди. Стаканни шимириб бўлгач, тарелкадаги кесакка ўхшаш нарсадан бир бўлак олди,— у қайнатиб пиширилган гўшт эди,— қўлида у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди-да, елкасидан ошириб, қовоқхона деворига улоқтирди.

Улфатлар худди бир гала оч ит сингари, минғиллаб, хириллаб ўтирарди.

— Мен тамом бўлган одамман... Нима учун онам мени туғди экан, а? Маълум эмас!.. Қоронғи... Дунё тор!.. Мен билан ичкинг келмаса, хайр, Максим! Новвойхонага бормайман. Хўжайинда пулим бор, менга келтириб бер, ичиб юборай... Йўқ, ўзинг китоб сотиб ола қол! Оласанми? Олмайсанми? Олмасанг олма... Хоҳласанг — ола қол. Агар шундай қилсанг, чўчқа экансан... Тур кет, ёнимдан! Йўқо-ол!

У маст бўла бошлаган, кўзлари ваҳшиёна чақнарди.

Унинг улфатлари мени ўз ораларидан қувиб чиқаришга шайланиб ўтирар эдилар, мен буни кутиб ўтирмасдан, ўзим чиқиб кета қолдим.

Уч соатлардан кейин яна «Стенька»га қайтиб бордим. Коноваловнинг улфатларига яна икки киши қўшилипти. Уларнинг бири ғирт маст, Коновалов эса ширакайф эди. У столга суяниб, туйнукдан осмонга қараб, ашула айтиб ўтирарди. Пиянисталар унинг ашуласини ҳар хил қиёфада тинглаб ўтирар, баъзиларини ҳиқичоқ тутар эди.

Коновалов баритон овоз билан куйлар ва барча мастеровой ашулачилар сингари, авжига чиққанда овози ингичкалашиб кетарди. Қўлини чаккасига тираб, мунгли сўзлари ҳазин куйларни куйларди, ҳаяжонланганидан юзлари

оппоқ оқариб кетган, кўзлари чала юмилган, кекирдаги туртиб чиққан эди. Қип-қизариб кетган саккизта маст башара унинг юзига қараб ўтирарди, ора-сира уларнинг мингиллашлари, ҳиқичоқлари эшитилиб қоларди. Коноваловнинг товуши дириллар, йиғлар, фиғон қиларди — бу аломат йигит ўз дардини шундай куйлаб ўтирардики, кишининг раҳми келиб кетарди.

Қўланса ҳид, терлаб кетган маст башаралар, тутаб ётган иккита керосин лампа, қовоқхонанинг ифлос ва исбосган деворлари, тахтасиз қуруқ ер ва бу ўрани қамраб олган қоронғилик — даҳшатли ва мунгли бир манзара касб этарди. Бу ерда худди тириклайин кўмилган одамлар базм қилиб ўтирганга, улардан биттаси эса, ўлиш олдидан сўнгги марта ашула айтиб, осмон билан видолашаётганга ўхшарди. Уртоғимнинг ашуласидан ҳасрат, алам, умидсизлик, нажотсиз ғам янграрди.

— Максим, шу ердამисан? Менга ясовул бўлмайсанми? — деди у, ашуласини бўлиб ва менга қўл узатиб. — Мен тайёрман, оғайни... Ўзимга шайка тузиб олганман... мана, ўтиришипти... кейин яна одамлар келади... Топамиз! Бу ҳеч гап эмас! Пила билан Сисойкани ҳам чақиртириб келтирамиз... Уларни ҳар кун шовла-ю гўштлар билан боқамиз... Бўптими? Қўшиласанми? Китобларингни ҳам ўзинг билан оливолсанг майли... Стенька ҳақида, бошқалар ҳақида ўқиб бериб юрасан... Дўстим! Э, кўнглим беҳузур, беҳузур... беҳузур-ур бўляпти!...

У кучининг борича гурсиллатиб столни урди. Стақан ва шишалар жаранглаб кетди, улфатлар эса, кўзларини бақрайтириб, қовоқхонани шовқин-суронга тўлдирдилар.

— Ич, йигитлар! Ичинглар! Юракларингни бўшат! Сикқанича ичинглар! — деб бақирди Коновалов.

Мен уларни ташлаб кетдим, кўча эшиги ёнига бориб, Коноваловнинг гапга тили келмай валдирай бошлаганини эшитиб турдим-да, кейин яна ича бошлаганини кўриб, новвойхонага қайтиб кетдим, тунги сукунатда орқамдан беўхшов мастона ашула фарёд қилиб қолди.

Икки кундан кейин Коновалов шаҳардан аллақаяққа ғойиб бўлди.

Маданий жамиятда умр бўйи сабр-тоқат қилиб яшамоқ, инсонни заҳарловчи майда-чуйда ёлғон-сохтачилик кучи билан қонунлаштирилган бу оғир андиша ва юз хотирлар

доирасидан, худбинлик муҳитидан, ғоявий гуруҳбозликлар, ҳар хил самимиятсизликлар доирасидан, хуллас, туйғуларни совутувчи, ақлларни оздирувчи беҳуда маъносизликлар доирасидан чиқиб кетишни истамаслик учун, одам шу маданий жамиятда туғилган бўлиши керак. Мен шу маданий жамият доирасидан ташқарида туғилганман ва тарбия олганман, шунинг учун ҳам мен хурсандманки, у жамиятнинг маданиятини кўп миқдорда ҳазм қилолмайман, агар кўп миқдорда қабул қилиб юборсам, бир оз вақт ўтгандан кейин менда, нима бўлсаям, унинг доирасидан чиқиш ва бу маишатнинг ҳаддан ортиқ мураккаблиги ва дардчил нозиклигидан бир оз бўшаш орзуси пайдо бўлади.

Қишлоқда ҳам худди интеллигенция орасидаги каби, кўнгил чидамайдиган даражада беҳузур ва ғамгин бўлади. Ҳаммасидан яхшиси, шаҳарнинг оч-яланғочлари турадиган чалдиворларга кетишдир, гарчи, у ерлар ифлос ва исқирт бўлса ҳам, аммо содда ва самимий бўлади, ё бўлмаса ватан далалари ва йўлларини кезиб юриш ҳам яхши, кўп нарсаларни кўрасан, биласан, баҳринг очилади, бу эса, чидамли ва бақувват оёқлардан бошқа ҳеч қандай чиқим талаб қилмайди.

Бундан беш йилча илгари мен худди шундай саёҳат қилиб юриб, муқаддас Русь тупроғини кеза-кеза, Феодосияга бориб қолдим. У кезларда у ерда денгиз бўйига мол<sup>1</sup> қура бошлаган эканлар, мен йўлга бир оз пул ишлаб олиш ниятида иншоот тепасига бордим.

Меҳнат манзарасини томоша қилмоқчи бўлиб, олдин тоғ тепасига чиқиб, бепоён ва қудратли денгизни, денгизни жиловлаш учун тўғон қураётган чумолидек одамларни кўриб ўтирдим.

Кўз ўнгимда кенг меҳнат манзараси намоён бўлди: бухта олдидаги харсанг тошли қирғоқнинг ҳамма ёғи ковланиб ташланган, ҳамма ер ўнқир-чўнқир бўлиб кетган; ёғочлар, тошлар, ғалтак аравалар, ходалар, узун-узун темирлар, сепоя қоқиш учун қурилган копёрлар ва ходалардан ясалган яна аллақандай асбоб-ускуналар сочилиб ётар, уларнинг орасида одамлар ивирсиб юрарди. Улар тоғларни динамит билан портлатиб, чўкичлар билан майдалашар, темир йўл солиш учун майдон тозалар эдилар, катта-катта идишларда цемент қорар, цементдан баҳайбат

<sup>1</sup> Мол—денгиз бўйига қурилган тўсиқ.

кублар ясаб, денгизга туширар, тинмас-тинчимас денгиз тўлқинларининг даҳшатли кучига қарши қалқон қилар эдилар. Улар, ўз қўллари билан майиб ва хароб этган тўқ қизил тоғларнинг фониди кичкина бўлиб кўринар ва жануб офтобининг ўттиз даражали жазирама иссиғиди ва чанг-тўзони орасиди уюлиб ётган тошлар ва ёғоч парчалари ичиди қурт-қумурсқадай гувиллардилар. Атрофдаги шовқин-сурон, тепадаги жазирама осмон уларнинг ивирсишига шундай бир тус берардики, гўё одамлар офтоб иссиғиди ва теваракларидаги харобаларнинг ғамгин манзарасидиан худди тоғ ичиди кириб кетаётганга ўхшардилар.

Дим ҳавода одамларнинг ғала-ғовури, гурунглари, чўкичларнинг тошга урилиши эшитилиб турарди, ғалтак араваларнинг ғилдираклари қандайдир ғамгин бир оҳангди ғижирларди; сепоя устига чўян гурзи гурсиллаб тушар, «Дубинушка» янграрди, ходаларни йўнувчи болталар тақиллар, қорайиб кўринган ҳамди чанг босган жонсарақ одамлар хилма-хил товушди қичқирешар, бақирешар ва бўкирешар эди...

Бир тўп одамлар қаттиқ хоҳолаб, бир ердан каттакон харсанг тошни силжитишга уринар, иккинчи бир жойди зилдай харини кўтариб, овозларининг борича:

— Кўта-ар!— деб бақирешарди, тилка-пора бўлиб кетган тоғ ҳам бўғиқ бир овоз билан:

— А-аар!— деб акси садо берарди.

У ер-бу ерга илон изидек ташлаб қўйилган тахта йўллардан одамлар тош солинган ғалтак араваларни чираниб зўрға, аста итариб боришарди, уларнинг рўпарасидиан эса, бошқалар бўш ғалтак араваларни судраб, бир минутлик дамни икки минутга чўзиб, секин-аста қайтишар эди... Копёр ёниди ҳар хил кийим ва ҳар хил қиёғали бир ғала одам тўпланиб турарди, улар орасидиан кимдир биров те-нор овоз билан чўзиб-чўзиб ашула айтарди:

Эҳ, дўстлар, эҳ дўстлар, кун ёнмоқди!

Ҳеч кимса ўйламайди бизлар ҳақди!

Оҳ—эман, оҳ эманим, кел сурайлик!

Оломон сим арқонни тортиб, зўр бериб ҳайқирарди, чўян гурзи юқорига учиб чиқиб, яна пастга тушарди, шунди «ух!» деган овоз эшитилар ва копёр ларзага келарди.

Тоғ билан денгиз ўртасидиаги майдоннинг ҳамма ериди осмонни ўз ҳа-ҳувлари, чанг-тўзон ва тер ҳиди билан тўл-

дирган митти одамлар ғивирлашарди. Улар орасида оқ китель кийган иш бошилар айланишиб юрарди; оқ кительликларнинг темир тугмалари худди аллакимнинг сариқ совуқ кўзлари каби, офтобда чақнаб кетарди.

Туман қоплаган уфқкача чўзилган сокин денгиз ўзининг ойнадек шаффоф тўлқинларини меҳнат қайнаб турган қирғоққа келтириб урарди. Офтоб шуъласида товланувчи денгиз, агар хоҳласа лилипутларнинг ҳамма қилган ишларини бир ҳамлада барбод этишига ишонган Гулливернинг соф дил табассуми сингари табассум билан кулимсираб турганга ўхшарди.

Кети кўринмаган, қудратли, меҳрибон бу денгиз ўз шуълалари билан кўзни қамаштириб ясланиб ётади, унинг қудратли нафаси қирғоққа ёйилади; унинг майиб этилган қирғоқларини шу қадар меҳрибонлик билан эркалатувчи тўлқинларини бўғмоқчи, сиқиб қўймоқчи бўлиб жон куйдираётган ҳорғин одамларни денгиз елпиб туради. Денгиз уларни гўё аяб тургандай: унинг асрларга чўзилган умри, унга қасд қилганлар — қурувчилар эмаслигини англашга ўргатган; у кўп вақтлардан бери биладики, булар қуллар, буларнинг иши — стихия билан юзма-юз туриб курашиш, бу курашда стихия улардан ўч олишга ҳам тайёр. Улар тинмай қурадилар, умр бўйи меҳнат қиладилар, улар тўккан тер ва қонлар ер юзидаги ҳамма иншоотларнинг замини; аммо улар бунинг эвазига ҳеч нима олмайдилар, улар умр бўйи қуришга интиладилар, бутун кучларини шунга сарф қиладилар, бу интилиш ер юзида мўъжизалар яратади-ю, аммо одамларга бошпана бермайди, уларнинг битта нони ҳеч иккита бўлмайди. Улар ҳам — стихия, шунинг учун ҳам денгиз уларга қаҳр қилмайди, балки уларнинг ўзлари учун бир чақалик фойдаси бўлмаган меҳнатларига меҳрибонлик билан кулиб қараб туради. Тоғни талқон қилиб ташлаган бу сур ранг майда қумурсқалар денгизнинг доирасини ҳамшиша кенгайтиришга тиришиб, қирғоқларнинг баланд ва совуқ бағрига ҳаммадан олдин ўзини обориб урадиган ва тошларга тегиб, ҳаммадан олдин ҳалок бўладиган томчиларидан фарқ қилмайди. Бу томчилар ҳам ўзига ўхшайди, сал бўрон туриши билан улар ҳам кучга киради ва барбод этишга мойил бўлади. Саҳроларда пирамидалар қурган қуллар ҳам, ўйинчоқ кўприкларни бузиб ташлагани учун денгизни уч юз калтак билан жазоламоқчи бўлган кулгили Ксеркснинг қуллари ҳам денгизга азалдан маълум. Қуллар ҳамшиша бир хил бўлганлар, улар

ҳамиша бўйин эгиб келганлар, уларни ҳамиша ёмон боққанлар, аммо улар ҳамиша улуғ ва ажойиб мўъжизалар яратиб келганлар, уларни ишлатганларга баъзан чўқинганлар, ўз эгаларидан онда-сонда ғазабланиб, уларга кўпроқ лаънатлар ўқиганлар...

Тўлқинларнинг мангу ҳаракатига тошдан жилов солаётган одамлар тўдаси босиб кетган қирғоққа тўлқинлар секин-аста югуриб чиқиб туради, қирғоққа чиқади-да, ўтмиш ҳақида, асрлар бўйи бу ерларнинг қирғоқларида кўрган нарсалари ҳақида ўзларининг жаранглаган ёқимли ашуларини айтадилар.

...Ишловчилар орасида бошидаги фас устидан қизил салла ўраган, калта кўк куртка, почаси тор, чотлари кенг чолвор кийган қотма, юзлари қорачадан келган ғалати одамлар бор эди. Кейин билсам, улар Анатолия турклари экан. Уларнинг томоқдан чиқувчи йўғон товушлари вяткаликларнинг чўзиқ лаҳжаси билан, волгаликларнинг қаттиқ ва тез гапириши, хохолларнинг майин талаффузи билан аралаш бўлиб кетар эди.

Уша кезларда Россияда очарчилик ҳукм сурарди, бу ерга, бошига офат тушган қарийб ҳамма губерниялардан одам тўпланган эди. Улар кичик тўдаларга бўлинишиб, ҳамшаҳар ва ҳамқишлоқлар бир-бирларига суяниш пайида эдилар, фақат космополит<sup>1</sup> саёқларгина ўзларининг мустақил қиёфалари билан, уст-бошлари билан, ўзларига хос лаҳжалари билан бошқа одамлардан — ҳали ўз ерларининг измидан бўшамаган, у ерлардан фақат очлик зўри билангина алоқаларини вақтинча узган, аммо ҳали унутмаган одамлардан ажралиб турар эдилар. Саёқлар ҳамма тўдада: вяткаликлар орасида ҳам, хохоллар орасида ҳам бор эди, қаерда бўлмасин, улар ўзларини мустақил ҳис қилардилар, аммо кўпчилиги ўзини копёр атрофига олган эди, чунки бу иш ғалтак арава судраш ва чўкич ишлатишдан анча енгил ҳисобланарди.

Мен уларнинг олдига келганимда улар арқон ушлаган қўлларини тушириб, нарядчининг копёр чиғиридаги шикастни — ҳадеб арқон тўхтаб қолувчи жойини — тузатиб бўлишини кутар эдилар. Нарядчи ёғоч ҳовоза устида бир нималар қилиб, нуқул:

— Торт!— деб қичқирар эди.

---

<sup>1</sup> Бу ерда гап бошпанаси бўлмаган, бирон ерда қунт қилиб турмайдиған, саёқ одамлар ҳақида боради.

Одамлар арқонни эринчоқлик билан тортиб қўяр эдилар.

— Тўхта-а! Торт яна! Тўх-та! Бўлди!..

Соч-соқоли ўсиб кетган, юзлари чўтир ва қадди-қоматини солдатчасига тик тутиб турувчи ашулачи кифтини керди-да, кўзларини бир ёққа тикиб, бир йўталиб олиб, ашула бошлади:

— Гурзи сепояни ерга қоқар...

Бундан кейинги мисра сўзлари шу қадар беҳаё эдики, тилга олиб бўлмасди, шунинг учун ҳамма хохолаб кулиб юборди: афтидан, бу сатр ашулачи томонидан ҳозирнинг ўзидаёқ ўйлаб тўқилган бўлса керак, у ўз томошабинлари орасида муваффақият қозонишга ўрганиб қолган артист каби, ўртоқларининг кулгиси остида мўйловларини бураб-бураб қўярди.

— Шош-ма!— деб бақирди нарядчи, тепадан туриб.— Сенларга нукул кулги бўлса!

— Ҳой Митрич, эҳтиёт бўл, ёрилиб ўласан!..— деди ишчилардан бири.

Бу товуш менга таниш туюлди, кўм-кўк кўзлари катта-катта, яғрини кенг бу новча одамни қаердадир кўргандай эдим. Коновалов эмасми? Ундай деса, Коноваловнинг ўнг чаккасидан бошланиб то бурни устигача келган ва бутун пешанасини ёриб ўтган тиртиғи йўқ эди. Коноваловнинг сочлари очроқ эди, бу одамнинг сочлари сингарни майда-майда жингалак эмасди; Коноваловнинг каттакон ва чиройли соқоли бўлар эди, бу одамнинг эса, соқоли қирилган, хохолларга ўхшаб қўйган мўйлови пастга осилиб тушган эди. Мен, ишга кириш тўғрисида кимга учрашиш кераклигини сўраш баҳонасида у билан гаплашмоқчи бўлиб, сепояни қоқиб бўлишларини кутиб турдим.

Одамлар букчайиб ва тиззаларини букиб арқонни тортишар:

— О-оух! О-о-о-ух!— деб қудратли бир овоз билан нафас олишар ва худди ердан узилиб, осмонга учиб кетаётгандек, дарҳол қадларини ростлар эдилар. Копёр қисирлаб ларзага келар эди, яланғоч, офтобда қорайган, жун босиб кетган қўллар арқон билан бирга тепага кўтариларди: уларнинг мускуллари қавариб-қавариб бўртиб чиқса-да, қирқ пудли чўян тобора тепага кам кўтарилар, ёғочга ҳам секин келиб тегар эди. Бу ишга қараб, худди будпарастлар ўзларининг индамас худоларига ибодат қилишяп-

тими, топинишяптими, деб ўйларди одам. Терга ботган, тўзиб кетган сочлари ҳўл пешаналарига ёпишиб қолган кир ва чиранган башаралар, қоп-қорайиб кетган гарданлар, иш зўридан дилдираган елкалар, йиртиқ-ямоқ, қуроқ кўйлақлар ва чориқлар билан наридан-бери бекитилган бу гавдалар атроф-теварақдаги ҳавони сассиқ бадан тери буғига тўлдирган ва ғуж бўлиб олиб, жануб иссиғига, қуюқ тер ҳидига тўлган нам атмосферада бесўнақайлик билан ивирсир эдилар.

— Бўлди-э!— деб бақирди кимдир биров, ғазабли ва ҳорғин бир овоз билан.

Ишчилар арқонларни қўйиб юборди, арқонлар копёр устида шалпайиб осилиб қолди, ишчилар эса, терларини арта-арта, ҳарсиллаб, орқаларини силай-силаё, елкаларини уқалаб, турган жойларида ўзларини таппа ерга ташлардилар-да, худди ғазаби қўзғаб кетган улкан бир йиртқиқнинг бўкиришига ўхшаш бўғиқ овоз билан ўкиришарди.

— Ҳамшаҳар!— дедим мен, кўзимга таниш кўринган бояги кишига қараб.

У истар-истамас менга қайрилиб қаради-да, кўзларини сузиб, тикилиб қолди.

— Коновалов!

— Шошма!..— деди у ва худди томоғимдан бўғмоқчи бўлгандай, бошимни ушлаб орқага қайирди, бирдан юзи севинч ва меҳрибон бир табассум билан чақнаб кетди.

— Максим! Вой... шайтон-эй! Дўстим!.. А? Сен ҳам ўз йўлингдан чиқиб кетибсан-да, а? Ё саёқлар қаторига кирдингми? Жуда соз бўпти-да! Жуда яхши қипсан-да! Қачондан бери? Қаердан келяпсан? Биз сен билан бутун ер юзини кезамиз! Ушайам умримди... ўтган умримиз, а? Ғам-ғусса, бемаъни бир турмуш эди; яшаш қаёқда, чирирдик! Мен ўшандан бери дунёни кезиб юрибман. Қаерларга бормадим, қаерларнинг сувини ичмадим... Йўғ-а, кийиминг жуда бошқача-ку... таниб бўлмайд: кийимингдан худди солдатга ўхшайсан, афтингдан студентга! Қани, хўш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш маза эканми? Стенька ҳам эсимда... Тарас ҳам, Пила ҳам... ҳаммаси эсимда.

У гоҳ мушти билан биқинимга туртар, гоҳ каттакон кафти билан елкамга гурсиллатиб урарди. Мен унинг кетма-кет ёғдирган саволларига бир оғиз ҳам жавоб беролмас ва бу учрашувдан унинг мамнун бўлган ва нурланиб турган меҳрибон чеҳрасидан кўзимни узолмай, илжайиб



қараб турардим. Мен ҳам уни кўриб сеvindим, жуда сеvниб кетдим; бу кўришиш ҳаётимнинг бошланиш даврини эсимга туширдик, у давр ҳаётимнинг кейинги даврларидан, шубҳасиз, анча яхши эди.

Ниҳоят, қадрон ошнамнинг пешанаси тиртиқ ва сочларининг қандай жингалак бўлганини сўрадим.

— Буми? Бир иш бўлди-да... Мен учта шеригим билан Руминия чегарасидан ўтиб, у ерни, Руминияни бир кўрмоқчи бўлиб қолдим. Шундай қилиб, Кагуладан,— Бессарабиянинг худди чегарасида Кагула деган бир шаҳарча бор,— жўнаб кетдик. Кечаси йўлдан секин-аста юриб борар эдик. Бирдан: «Тўхта!» деган товуш эшитилиб қолди! Қарасак, таможня соқчиси экан, ўшанинг олдидан чиқиб қобмиз. Ура қочдик! Шу чоғ бир солдат бошимга бир солиб қолса бўладими! Қаттиқ тегмасаям, ҳар ҳолда госпиталда бир ой ётиб чиқдим. Кети қизиқ бўлди! Солдат менинг ҳамшаҳарим экан!.. Ўзимизнинг муромлик йингит экан... Кўп ўтмай, уни ҳам госпиталга келтиришди — бир контрабандист қорнини чавақлаб кетипти. Иккаламиз ҳам ўзимизга келиб, гапнинг тагига етдик. Солдат мендан: «Сенинг бошингни уриб ёрган мен эмасми?»— деб сўради. «Агар ўзинг иқрор бўлсанг — демак, сенсан-да»,— дедим. «Мен бўлсам керак. Хафа бўлма, хизматимиз ўзи шунақа»,— дейди. «Биз сизларни яширинча мол олиб ўтасизлар деб ўйлабмиз. Мана, энди менинг ҳам қорнимни ёриб кетишди. Нима ҳам қилардинг: турмуш қийин нарса экан»,— дейди. Шундай қилиб, икковимиз дўстлашиб қолдик. Ўзи яхши солдат экан, оти Яшка Мазин... Сочимнинг жингалак бўлганими? Сочим тиф касалидан кейин шундай бўлиб қолди, оғайни. Тиф касалига учрадим. Чегарадан рухсатсиз ўтмоқчи бўлганим учун, суд қиламиз, деб мени Кишинёв турмасига қамашди, турмада ётганимда тиф касали бўлиб қолдим... Ётавериб-ётавериб, жонимга тегди, зўрға оёққа турдим. Бир қиз жон куйдириб касалимга қараб, ўзимни боқмаганда-ку, балки ўлиб ҳам кетармидим... Ҳайрон бўламан: мен-ку унга керак эмасман-а, нега мендан ҳеч нарсасини аямайди, дейман. Мен унга: «Марья Петровна, қўйинг энди бу ишингизни, жуда уят менга» десам, у нуқул кулади. Жудаям меҳрибон қиз эди... Баъзан менга авлиёлар ҳақида китоблар ўқиб бериб ўтирар эди. Мен ундан: «Бошқасидан йўқми?» деб сўровдим, кема ҳалокатга учраганда ўз жонини қутқазиб, одамзод уруғи бўлмаган бир оролга бориб қолиб, ўша ерда

турмуш қурган бир инглиз матроси ҳақида ёзилган бир китобни келтирди. Жуда қизиқ китоб экан! Менга жуда ёқди, иложи бўлса, жон деб ўша матроснинг ёнига кетардим. Биласанми, у ердаги турмушнинг қанақалигини? Орол, денгиз, осмон, ёлғиз ўзингсан, еганинг олдинда, емаганинг кетингда, ўзинг хон, ўзинг бексан! Унинг ёнида яна битта ёввойи одам ҳам бор экан. Мен бўлсам ёввойини сувга чўктириб юборардим, уни бошимга урардим! Мен ёлғиз ўзим ҳам зерикмайман. Сен шунақа китоб ўқиганмисан?

— Қани, хўш, турмадан қандай чиқдинг?

— Қўйиб юборишди. Суд қилишди, оқлаб, қўйиб юборишди. Нимаям қиларди... шунчаки... Менга қара, мен бугун ишламайман, жин урсин ишини! Бас, қўлларимни қаварттирдим, етади шу. Уч сўмча пулим бор, бугунги ярим кунлик ишим учун ҳам қирқ тийин пул тегади. Ана, пул! Бизниқига борамиз... Биз баракда эмас, шу ерга яқин, тоғнинг ичида турамиз... у ерда одам турса бўладиган бир ғор бор. Икки киши турамиз, аммо шеригим касал ётипти, безгак жонини оляпти... Бўпти бўлмаса, сен шу ерда ўтиратур, мен пудратчининг олдиға ғизиллаб бориб келаман... Тезда қайтаман!..

Ошнам ўрнидан турди-да, сепоя қоқувчилар қўлларига арқон олиб энди иш бошлай деб турганларида пудратчини қидириб кетди. Мен атрофимда мавж урган шовқин-суронга ва кўкимтир сокин денгизни тош устида ўтирганимча томоша қилиб ўтирардим.

Коноваловнинг новча гавдаси одамлар ва уюлиб ётган тош, ёғочлар, ғалтакаравалар орасидан шўнғиб ўтди-да, олисда кўздан ғойиб бўлди. У, қўлларини силкитиб борар, эғнида тор ва калта кўк блузка, оёқларида сурп пайтава ва оғир бошмоқ эди. Малла ва қалин жингалак сочлари каттакон калласида силкиниб борарди. У баъзан орқасига қайрилиб, менга қўли билан аллақандай ишоралар қиларди. У бутунлай янгиланган, ғайратли, ўзининг куч-қувватига ишонган, бардам эди. Унинг атроф-теварагида иш қайнарди, ёғочлар тарақлар, тошлар синдирилар, ғалтак-замбиллар мунгли оҳангда гижирлар, осмонни чанг-тўзон босган, алланималар гумбурлаб тушар, одамлар қичқиришиб сўкишар, худди инграгандай ашула айтишар эди. Бир-бирига қўшилишиб чувалашиб кетган бу товушлар ва ҳаракатлар орасида, қайгадир шахдам қадамлар билан кетаётган ошнамнинг келишган қомати унинг кимлигини ту-

шунтириб берувчи бир нарсасдек, жуда равшан ажралиб турарди.

Кўришганимиздан икки соатча ўтгач, иккимиз одам турса бўладиган «гор»да чўзилиб ётар эдик. Дарҳақиқат, гор жудаям боп жой экан — бир вақтлар бу ердан тош олинганда тўрт бурчакли каттагина ҳужра ҳосил бўлган, бунга тўрт киши бемалол сиғарди. Аммо, горнинг тепаси жуда паст бўлганидан ва гор оғзида соябондай каттакон тош осилиб турганидан, олдин ерга ётиб, кейин горнинг ичига судралиб киришга тўғри келарди. Горнинг эни уч газча келарди, аммо бош суқиб киришнинг ҳожати йўқ эди, бунинг устига хавfli ҳам эди, негаки, гор тепасидаги тош тушиб кетса, тил тортқизмай ўлдириши турган гап эди. Биз ўлиб кетишни истамадик ва шу тариқа жойлашдик: гавдамизни горнинг ичига олдик, — горнинг ичи жуда салқин эди, — бошимиз эса ташқарида — офтобда қолди, башарти тепамиздаги тош тушиб кетса бошимиз мажакланарди, холос.

Бемор саёқ икки қадамча нарига, офтобга чиқиб ётди, безгак тутиб турганидан тишларининг такиллаши ҳам эшитилиб турарди. У ориқ ва новча бир хоҳол бўлиб, ўзининг айтишича, «з Пiлтави»дан эди<sup>1</sup>.

У, ҳамма ёғи илма-тешик бўлиб кетган кул ранг чопонига яхшироқ ўралиб олмоқ учун, ерда думаларди ва буни эплай олмагач, ўхшатиб сўкинди, яна сўкина-сўкина думалана бошлади. Унинг кичкина ва қоп-қора кўзлари бир нарсага тикилиб тургандек, сузиларди.

Офтоб елкаларимизни қиздириб куйдирарди, Коновалов ерга қозиқ қоқди-да, менинг солдатча шинелимдан соябонга ўхшаган чодир ясади. Ўйроқдан бухтада қилинаётган ишларнинг шовқини аранг эшитиларди, аммо бизга у ер кўринмасди, ўнг томонимизда — қирғоқда уйлари оппоқ шаҳар ястаниб ётарди, чап томонимиз — денгиз, рўпарамиз ҳам кети кўринмас денгиз эди, у ерда гўзаллиги кўз ва жонга ором берувчи қандайдир ажойиб, майин ва мислсиз бўёқлар хаёлий бир саробга ўхшаб товланарди...

Коновалов ўша ёққа тикилар ва роҳатбахш табассум ила менга:

— Кун ботгандан кейин гулхам ёқамиз, чой қайнатамиз, нонимиз бор, гўштимиз бор. Тарвуз ейсанми? — дерди.

<sup>1</sup> Яъни, Полтава шаҳридан.

Кейин чуқурнинг бир бурчагидан оёғи билан думалатиб тарвуз чиқарди-да, чўнтагидан пичоқ олиб сўяркан, дерди:

— Ҳар сафар денгизга келганимда, нима учун одамлар денгиз бўйига кам макон қуришади, деб ўйлайман. Шундай қилишса, улар минг чандон яхши бўлиб кетарди, чунки дунёда денгиздан меҳрибон нарса йўқ... Уни кўрганда одамнинг кўнглига яхши ўйлар келади. Хўш, қани, кўришмаган йилларимизни ўзинг қандай ўтказдинг, айтиб бер-чи?

Мен унга айтиб бера бошладим. Узоқдаги денгиз сатҳи қизаринқираб, олтин тусга кира борди, офтоб қарши-сидан майин тутунга ўхшаш пушти булутлар кўтарилди. Худди денгиз тагидан, ботаётган қуёш шуъласида оппоқ қорли чўққилари пушти ранг бўлиб қизарган тоғлар кўтарилиб келаётганга ўхшарди.

— Умрингни бекорга шаҳарларда ўтказиб юрибсанда, Максим,— деди Коновалов, менинг қиссамни тинглаб бўлиб.— Шаҳарнинг ўзига тортадиган нимаси бор? У ерларда туриб бўлармиди! На ҳаво бор, на кенглик, одамга зарур бўлган ҳеч нима топилмайди. Одамми? Одам ҳар ерда бор... Китобми? Етар, шунча китоб туширганинг! Сен фақат китоб ўқиш учун туғилмагандирсан, ахир... Китоб ҳам беҳуда гап. Майли, хоҳласанг, сотиб олу, халтанга солиб юравер. Мен билан бирга Тошкентга кетмайсанми? Самарқандгами, ё бирон бошқа жойгами? Кейин, Амур томонга йўл олардик... бўптимми? Мен бутун ер юзини кезиб чиқмоқчиман, ҳаммасидан энг яхшиси шу, оғайни. Кетаверасан-кетаверасан, кўрмаган нарсаларингни кўрасан... Ҳеч ғаминг бўлмайди... Олдиндан шабада эсади-ю, дилингдаги ғуборларни учуриб кетади... Ғаминг йўқ, ўзинг озодсан... Ҳеч ким бировга малол келмайди; қорнинг очса, тўхтайсан, бир сўм, ярим сўмлик иш қилиб қўясан: иш топилмаса, тиланчилик қиласан, нон беришади. Қайтанга, кўп ерларни кўрганинг қолади... Шундай яхши, аломатки... Бўптимми?

Кун ботди. Денгиз устидаги булутлар қорайди, денгизнинг ўзи ҳам қорайди, салқин шабада эсди. У ер-бу ерда юлдузлар кўришиб қолди, бухтадаги шовқинли иш тўхтади, у томондан аҳён-аҳёнда одамларнинг товушларигина эшитиларди. Юзимизга келиб ураётган шабада тўлқинларнинг қирғоққа урилишидан чиққан ғамгин товушларни учуриб келтириб турарди.

Тун қоронғиси тез қуюқлашиб борарди, хохолнинг бундан беш минутгина бурун аниқ кўриниб турган гавдаси энди таниб бўлмайдиган бир нарсага ўхшаб қолди...

— Бир гулхан ёқилса эди... — деди хохол, йўталайўтала.

— Бўлади...

Коновалов аллақаердан бир қучоқ ўтин топиб келиб, гугурт чақиб ёқди; оловнинг ингичка-ингичка алангалари елимли сариқ ёғоч ўтинларни ялай бошлади. Денгиздан кўтарилган нам ва салқин тун ҳавоси буруқсаган тутун билан тўлди. Атроф-теваракни тобора сукунат қамраб борарди, гўё ҳаёт биздан узоқлашиб, унинг овози қоронғида эриб сўниб бораётгандай бўларди. Булутлар тарқалди, кўм-кўк қуюқ осмонда юлдузлар чарақлади; денгизнинг бахмалдай сатҳида балиқчиларнинг чироқлари милтилар, юлдузлар акси чарақларди. Олдимиздаги гулхан худди каттакон қизғиш гулдай барқ уриб очилиб кетди... Коновалов гулханга чойнакни қўйди-да, тиззаларини қучоқлаб, хаёл суриб, ўтга қараб ўтирди. Хохол, худди баҳайбат калтакесак сингари гулхан ёнига сурилиб келди.

— Одамлар шаҳарлар ва уйлар қуриб, ўзлари у ерда гуж-гуж бўлиб олишади, ҳамма ёқни булғатишади, бир-бирларини сиқиб, бўғилишиб ётишади. Шу ҳам турмуш бўлди-ю! Йўқ, турмуш мана бу, бизнинг турмушни турмуш деса бўлади!..

— Бўлмасам-чи! — деди хохол, бошини тебратиб. — Бунинг устига қиш киргунча биронта ёпинчиқ ё биронта иссиққина бошпана топиб олсақ, бойларнинг ўзгинаси бўлиб кетардик-а... — у, бир кўзини қисиб, истеҳзо билан кулди-да, Коноваловга қараб қўйди.

— Ҳим, — деди Коновалов уялинқираб, — сирасини айтганда, қишдан шум нарса йўқ-ку-я. Қишда дарҳақиқат шаҳар керак... Бундан бошқа чоранг йўқ... Аммо, шунда ҳам катта шаҳарлар ортиқча. Икки-уч киши бир-бири билан чиқиша олмайди-ю, шунча халойиқни бир ерга тўплашнинг нима кераги бор? Мен шуни айтаман-да! Аслини суриштирганда, одамзод учун шаҳарда ҳам, дала-дашда ҳам, ҳеч ерда жой йўқку-я. Яхшиси, бундай нарсалар тўғрисида ўйламаслик керак... барибир, ҳеч нарса ўйлаб тополмайсан, қайтанга юрагинг қон бўлиб кетади...

Мен, Коновалов кўчманчи ҳаёт кечириб юриб ўзгариб кетгандир, дастлаб танишганимизда юрак-бағрини қон қилиб юборган дард-алами кейинги йилларда ютаётган эркин

ҳаволар таъсири остида йўқолиб кетгандир, деб ўйлаган эдим, аммо ҳозирги сўзларининг оҳанги эски ошнамни, ҳамон ўз «нуқта»сини излаб юрган ўзимга таниш одамни яна гавдалантирди. Турмушнинг нималигини тушуна олмаслик ва бу тўғридаги заҳарли ўйлар ўз бахтига қарши нозик ва зийрак қалб билан дунёга келган бу бақувват қоматни ҳамон кемириб бормоқда эди. Бундай «ўйчан» одамлар рус тупроғида жуда кўп учрайди, улар бошқалардан кўра анча бахтсизроқ бўлади, чунки ақлнинг кўплиги орқасида ўйлари баттар оғирлашиб боради. Мен дўстимга ачиниб қарадим, у эса, худди фикримни қувватлагандай, қайғу-ҳасрат билан:

— Максим, ўтган ҳаётимиз ва у ерда бўлган ишларнинг бариси эсимга тушди,— деб хитоб қилди.— Ўшандан кейин қанча-ю қанча ерларни кездим, қанча-ю қанча нарсаларни кўрдим... Ер юзида менга яраша ҳеч нарса йўқ экан! Ўзимга жой топа олмадим!

— Бўлмаса, нега ҳеч қандай бўйинтуруқ тўғри келмайдиган бундай бўйин билан туғилдинг?— деб беғараз сўради хохол, ўтда қайнаган чойнакни гулхандан ола туриб.

— Йўқ, сен айтиб бер менга...— дерди Коновалов,— нечун юрагим безовта? Нега ҳамма одамлар туппа-тузук яшайди, ҳамманинг ўзига яраша иши, хотинлари, бола-чақалари бўлади, бошқа нарсалари бўлади? Улар ҳамиша бирон нарса билан шуғулангилари келади? Мен эсам қилолмайман. Кўнглим беҳузур. Нега шундай-а?

— Нега мунча зорланавердинг?— деб ҳайрон бўлди хохол.— Зорланишдан юрагинг бўшайдими?

— Рост айтасан...— деди Коновалов қайғуриб ва хохолнинг фикрига қўшилди.

Хохол ўз дардига бўш келмай, касали билан ҳормай курашган, ўз кучига ишонган одамдай:

— Мен оз гапираману, лекин соз гапираман,— деди.

Уни йўтал тутиб қолди, типирчилай-типирчилай ўтга тупура бошлади. Атрофимиз зим-зиё қоронғи, ҳамма ёқни худди қора парда ёпгандай эди. Тепамиздаги осмон ҳам қоронғи, ҳали ой чиқмаган. Денгиз борлигини сезар эдигу, ўзини кўрмас эдик, кўз олдимизни шу қадар зулмат қамраб олгандики... гўё ер юзига қоп-қора туман тушгандай эди. Гулхан ҳам ўчиб қолганди.

— Ётиб ухлайлик энди,— деди хохол.

Биз ғорга кириб, бошимизни унинг оғзидан чиқариб ётдик. Жим ётардик. Коновалов бошини ерга қўйибоқ тошдек қотиб ухлаб қолди. Хохол тинмай тўлғанар, тиши тишига тегмай қалтирар эди. Мен анчагача гулхан чўғларининг сўниб боришига қараб ётдим: олдин равшан товланиб ёниб турган каттагина чўғ секин-аста кичрайиб борди-да, устини кул босиб, пировардида кулга кўмилиб кетди. Кўп ўтмай гулхандан илиқ бир ҳиддан бўлак ҳеч нарса қолмади. Мен унга қараб ётиб:

«Ҳаммамиз ҳам шундаймиз... Қанийди, чарақлаб ён-сак!» деб ўйлардим.

...Уч кундан кейин мен Коновалов билан хайрлашдим. Мен Кубанга кетаётган эдим, у мен билан кетишни хоҳламади. Аммо, икковимиз ҳам яна кўришармиз деган умид билан ажралишдик.

Кўришиш насиб бўлмади.

1897.

## ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИГИТ ВА БИР ҚИЗ

Поэма

Биз йигирма олти киши эдик, шу йигирма олтита жонли машина зах подвалда эртадан кечгача хамир қорар, крендель ва тешиккулча ясар эдик. Подвалимизнинг деразалари нақ олдигинасидан қазилган ва ғиштдан ишланиб, захдан кўкариб кетган чуқурга қарар эди. Деразаларнинг ромларига ташқарисидан қалин темир панжара қоқиб қўйилганидан, ун гарди ўтирган ойналардан офтоб тушмасди. Уткинчи гадой ва ишсиз юрган оч ўртоқларимизга бир бурда нон узатишимиздан қўрқиб, хўжайинимиз деразаларни шундай темир панжаралар билан тўсиб ташлаган эди; хўжайинимиз бизни муттаҳам деб сўкар, берадиган овқатига ғўшт ўрнига сасиган ичак-човоқ солдирар эди...

Ис ва ўргимчак ини босган, оғир шифтли торгина, пастак тош қути ичида нафасимиз бўғилиб кетарди. Усларини моғор босган, ифлос қалин тош девор ичида оғир кун кўрардик... Биз эрталаб соат бешда уйқуга қонмай ўриндан турардик, орадан бир соат ўтар-ўтмас, хомуш ва лоқайдлик билан стол ёнига ўтириб, биз ухлаб ётганимизда бошқа ўртоқларимиз қориб қўйган хамирдан тешиккулча ясашга тутинардик; эрта тонгдан то кечаси соат ўнгача баъзиларимиз стол ёнидан қимирламай, этимиз увушмасин деб тебраниб, қаттиқ хамирни чўзиб ўтирардик, ўртоқларимиз бу вақтда яна хамир қориш билан банд бўлар эди. Қозондаги крендель пиширилаётган сув кун бўйи тинмасдан мунгли овоз билан биқирлаб қайнар, новвойнинг белкураги зарда қилгандай ҳадеб печь ичини тиқирлатиб, сувда пишган сирғанчиқ, бўлак-бўлак хамирларни қизиган ғишт устига олиб ташларди. Печнинг бир томонида эртадан кеч-



гача ўт ёниб турарди, қизил аланга шуълалари эса, гўё бизни масхара қилиб қулгандай, ишхона деворларида акс этиб, ўйин тушарди. Баҳайбат печь аллақандай афсонавий махлуқнинг бадбуруш қалласига ўхшарди. У, худди пол тагидан чиқиб, аланга тўла оғзини катта очиб, бизга ўтли нафасини уфураётгандай, пешанасидаги иккита қоп-қорэ туйнуғи билан кети узилмас ишимизга қараб тургандай эди. Бу икки қоп-қора туйнук — мудҳиш махлуқнинг шафқатсиз ва совуқ кўзлари эди. Бу кўзлар худди қулларга қарашдан чарчаб, улардан одамгарчилик кутмагандай, доноларча бепарволик билан менсимаганга ўхшар эди.

Ўззукун ун гарди ичида, ҳовлидан оёқларимизда илаштириб кирган лойда, оғир ва қўнғилга урадиган димда хамир устига тер тўкиб тешиккулча ясар эдик; бу ишни ўлгудек ёмон кўрардик, ўз қўлимиз билан пиширган тешиккулчани оғзимизга ҳам олмас эдик, ундан кўра оддий қора нонни афзал кўрардик. Узун стол атрофида ўн саккиз киши рўпарама-рўпара ўтириб олиб, қўлларимиз ва бармоқларимизни беихтиёр қимирлатардик; қўл ва бармоқларимиз ишга шу қадар ўрганиб қолган эдики, биз уларга қарамасдик ҳам. Биз бир-биримизга доим қараб ўтираверганимиздан ҳар биримиз ўртоқларимизнинг бетидаги ҳар бир ажинни билар эдик. Гапирадиган гапимиз йўқ, шунга кўникиб қолганмиз, шунинг учун доим жим ўтирардик, гоҳо-гоҳодагина сўкишиб олардик, негаки, одамни, айниқса, ўз ўртоғингни сўкиш учун доим важ топилади. Аммо сўкишганда ҳам камдан-кам сўкишардик — чала ўлик бўлиб қолган, бутун хислатлари оғир меҳнатдан эзилган одамда қандай гуноҳ бўлиши мумкин? Аммо ҳамма гапини гапириб бўлган одамлар учун жимлик — даҳшатлидир, ҳали ўз сўзини бошламаган кишиларга эса жимлик енгил кўринади... Баъзан қўшиқ айтар эди. Қўшиғимиз ҳам шундай бошланар эди: иш орасида бирон киши ҳориган от сингари оғир нафас олиб қўяр эди-да, ғамгин ва маъюс қўшиқлардан бирини чўзиб хиргойи қила бошларди. Бундай қўшиқларнинг мунгли ва ёқимли оҳанги айтувчининг юрагини бўшатади. Олдин бир киши айтади, ҳаммамиз унинг якка ашуласини эшитиб ўтираемиз. Кузнинг нам кечалари ва қўрғошин тусли осмон ерни босиб турганда, чўлда ёниб турган гулханча бора-бора сўнгани сингари, якка қўшиқ ҳам подвалнинг оғир шифти остида сўнади. Кейин ашулачига яна бир киши жўр бўлади, энди бизнинг тор ва дим ўрамиз ичида икки кишининг овози ғамгин сўз бошлайди. Бирдан бир неча овоз қўшиқни

кўтариб юборади, ашула тўлқин сингари мавж уради, тор турмамизнинг зах ва қалин деворларини суриб кенгайтирмоқчи бўлгандай зўраяди, авжига чиқади...

Йигирма олти киши ҳаммаси барабар қўшиқ айтади; баланд ва бир-бирига уйғун овозлар ишхонамизни тўлдиради, бу жой ашулага торлик қилиб қолади: қўшиқ ўзини тош деворга бориб уради, инграйди, фарёд қилади, юракларни эзади, ундаги эски яраларни, эски қайғу-аламларни қўзғатади... Қўшиқчилар чуқур ва оғир нафас оладилар, улардан биттаси тўсатдан қўшиқ айтишдан тўхтаб, ўртоқларининг ашуласига узоқ қулоқ солиб ўтиради, кейин овозини яна умумий тўлқинга қўшиб юборади. Яна кимдир маъюс бир оҳангда «оҳ!» дейди-ю, кўзларини юмиб, яна қўшиқ айтишга тушади. Балки бу гуркираган овозлар тўлқини унга худди қуёш ёритган олис-олисларга олиб борувчи кенг йўл бўлиб кўриниб кетгандир, балки ўзини шу йўлдан кетаётгандай сезгандир...

Печдаги ўт ҳамон шитирлаб ёнади, новвойнинг белкураги ҳамон ғиштни тирмалайди, қозондаги сув ҳамон биқирлаб қайнайди, деворга тушган аланга шуъласи ҳамон биздан кулиб, ўйнайди... Биз бўлсак, ҳасратимизни, офтоб нуридан жудо бўлган тирик кишиларнинг — ғамини, қуллар жафосини ўзгаларнинг сўзлари билан изҳор қиламиз... Каттакон, тош уйнинг подвалида йигирма олти киши худди шу зайлда кун кечирар эдик. Турмушимиз шу қадар сғир эдики, гўё шу уч қаватли уйни бизнинг елкаларимиз кўтариб тургандай эди...

Аммо, қўшиқдан бошқа яна бир яхши, севимли, офтоб ўрнини босувчи нарсамиз ҳам бор эди. Биз ишлаган уйнинг иккинчи қаватида зардўзлик ишхонаси бор эди. Бу ишхонада бошқа кўп чевар қизлар билан бирга ўн олти яшар Таня деган ходима қиз ҳам яшарди. Даҳлиз билан ошхонамиз ўртасига қурилган дарчанинг ойнасида ҳар кун эрталаб мовий ва қувноқ кўзли қизнинг кичкинагина, қип-қизил чеҳраси кўринарди-да, кўнғироқдай ёқимли овоз:

— Аристонлар, тешиккулчадан узатинглар! — деб қичқирарди.

Ҳаммамиз бу тиниқ овоз келган томонга ўгирилиб, қизчанинг бизга жилмайган пок чеҳрасига севиниб ва кулиб қарар эдик. Ойнага ёпишиб япалоқ бўлган бурни, кулиб турган қип-қизил лаблари орасидан кўринган садафдек

майда тишларига қараб завқланардик. Биз, бир-биримизни итариб, туртишиб, унга эшик очишга югуришар эдик, хушчақчақ ва ёқимли қизча ишхонамизга кириб, бошини бир ёққа сал эгиб, ҳамон жилмайиб, этагини тутиб турарди. Бир ўрам қилиб ўрилган қўнғир сочлари елкасидан кўкрагига тушиб турар эди. Биз кир босган, жоҳил, хунук кишилар пастдан туриб унга боқардик,— ишхонанинг поли остонадан тўрт поғона паст эди,— бошларимизни кўтариб, ундан кўз узмасдик, унга яхши-яхши сўзларни топиб айтардик, салом берардик,— бундай сўзлар фақат унинг учун топиларди. У билан сўзлашганда овозларимиз ҳам майинлашарди. Ҳазилимиз ҳам енгил бўларди. Унинг учун бизда ҳамма нарса топиларди. Новвой печдан энг яхши, қизариб пишган ва курсиллама тешиккулчаларни олиб, Татьяна-нинг этагига ташларди.

— Эҳтиёт бўл, хўжайиннинг қўлига тушма!— деб огоҳлантирардик уни биз. У муғамбирона кулиб, суюниб:

— Яхши қолинглар, аристонлар!— деб қичқирарди-да, худди сичқон лип этгандай, дарров ғойиб бўларди.

Шу холос... Аммо, у чиқиб кетганидан кейин биз унинг тўғрисида бир-биримиз билан ёқимли гаплашиб ўтирар эдик, гапимиз кеча ва ўтган куни айтилган гаплар бўларди, чунки у ҳам, биз ҳам, атрофимиздаги ҳамма нарсалар ҳам кечагидай, боягидай... Киши, ўз атрофидаги нарсаларнинг ўзгармай қолишини кўриб турса, унга ниҳоятда оғир ва мушкул бўлади. Бу нарса унинг руҳини эзиб, бутунлай йўқ қилиб ташламаса ҳамки, муҳитнинг ўзгармай туриши уни янада баттар қийнайди... Биз, хотинлар тўғрисида шундай гапларни гапирар эдикки, ҳатто баъзан ўзимизнинг қўпол, уятсиз сўзларимиздан ўзимиз ҳам уялиб кетардик, бу табиий эди, чунки биз билган ва таниган хотинлар бундан бошқача сўзга арзимас ва номуносиб бўлишлари мумкин. Аммо Таяна ҳақида биз сира ёмон гап гапирмас эдик: ҳеч биримиз унга қўл теккизиш у ёқда турсин, ҳатто қўпол ҳазил ҳам қилмас эдик. Бунинг сабаби балки унинг, биз билан узоқ бирга бўлмаслигидадир: у, худди осмондаги учар юлдуз сингари бир кўринарди-да, дарҳол кўздан ғойиб бўларди, ё бўлмаса, унинг ҳали ёш ва ниҳоятда чиройли эканлигидадир, чунки ҳар бир чиройли нарса, ҳатто қўпол одамларда ҳам ўзига ҳурмат уйғотади. Ва яна: гарчи, оғир меҳнат бизни бефаросат ҳайвон қилиб қўйган бўлса-да, биз инсон эдик ва ҳамма одамлар сингари, бирон нарсага сажда қилмасдан яшай олмас эдик. Атрофимизда

Танядан бошқа ҳеч қандай яхши нарса йўқ эди; бу ҳовлида ўнлаб одамлар турса-да, подвалда яшовчи бизларга Танядан бошқа ҳеч ким эътибор бермасди. Ниҳоят, энг муҳими шу бўлса керакки, биз уни фақат ўзимизга қарашли, бизнинг тешиккулчаларимиз билангина кун кечиради, деб ўйлардик, биз унга иссиқ тешиккулча бериб туришни ўзимизнинг вазифамиз деб билардик, бу — бизнинг ўз илоҳимизга ҳар кун берадиган қурбонимиз эди, бу бизга муқаддас бир одат бўлиб қолган ва бизни бу қиз билан борган сари қаттиқроқ боғлар эди. Тешиккулчадан ташқари, биз Таняга, иссиқроқ кийиниб юр, зинадан секин чиқиб туш, кўп ўтин ташийверма, деб насиҳат ҳам қилиб турардик. У, бизнинг насиҳатларимизни кулиб туриб тингларди, аммо айтганимизни сира қилмасди, бироқ биз ундан ҳеч хафа бўлмасдик, чунки биз фақат унга ғамхўрлик қилаётганимизни кўрсатишимиз керак эди, холос.

Биздан у кўп нарсаларни, масалан, ертўланинг оғир эшигини очиб беришни, ўтин ёриб беришни илтимос қиларди, бу илтимосларни биз бажону дил, ҳатто фахрланиб бажарардик.

Аммо, ичимиздан биримиз битта-ю битта кўйлагини ямаб беришини илтимос қилганда, у жирканиб деди:

— Нега энди? Қилмаган шу ишим қолувдими!..

Биз, гўл ўртоғимизни роса масхара қилиб кулдик, шундан кейин ҳеч биримиз қизчадан ҳеч нарса сўрамайдиган бўлдик. Биз уни севар эдик, вассалом. Киши, гарчи, баъзан ўз севгиси билан ўз яқинини эзса, уни булғатса, ҳаётини заҳарласа-да, барибир, бирор кимсага муҳаббат қўймоқчи бўлади, чунки севиб туриб, севган кишисини ҳурмат қилмайди. Биз Таняни севишимиз керак эди, чунки ундан бошқа севадиган кимсамиз йўқ эди.

Гоҳ-гоҳда орамиздан биронтамиз негадир, тўсатдан гап бошлаб қолар эдик:

— Қизчани мунчаям бошга кўтарамиз? Нимасига шунча оворагарчилик, айтингла-чи?

Бундай гапларни айтишга журъат қилган одамнинг дарров оғзига урардик, чунки биз бирон нарсани севишимиз керак эди-да, чунки биз севиш мумкин бўлган нарсани топган ва уни севган эдик, йигирма олти кишининг севгани ҳар биримиз учун бузилмас, муқаддас қонун бўлиши керак, бу ишда бизга қаршилиқ кўрсатувчи кимса бизнинг душманимиз бўлар эди. Бизнинг севганимиз балки ҳақиқатда севишга муносиб эмасдир, аммо биз — йигирма

олти кишимиз, шунинг учун бизга қиммат кўринган нарсани бошқаларга муқаддас қилиб кўрсатишга тиришардик.

Бизнинг севгимиз ғазабимиз каби оғирдир... балки шунинг учун ҳам баъзи гурурли кишилар бизнинг ғазабимизни севгимиздан кўра яхшироқ деб атайдилар... Шундай бўлса, нега улар биздан қочмайдилар?

Хўжайинимизнинг тешиккулча пиширадиган ишхонасидан бошқа яна булкахонаси ҳам бўлар эди; булкахона ҳам ўша бинода эди, биз ишлайдиган ўра билан унинг орасини фақат девор тўсиб турарди. Булкапазлар — тўрт киши — ўз ишларини бизникидан тоза деб, ўзларини биздан баланд тутиб, бизга қўшилишмасди, ишхонамизга ҳам киришмасди; ҳовлида учрашгудай бўлсак, бизларни менсимай, тесқари қараб ўтиб кетишар, бизни масхара қилиб кулишарди. Биз ҳам уларникига кирмасдик, чунки хўжайин ширмонбулка ўғирлашимиздан қўрқиб, у ерга бизни киритмас эди. Биз булкапазларни ёмон кўрардик, уларга ғайирлигимиз келарди: уларнинг иши бизникидан енгил эди, мойнани ҳам биздан кўп олишарди, овқатлари ҳам яхши эди; улар кенг, ёруғ ишхонада ишлар эди; ўзлари ҳам покиза, соғлом эди, хуллас, биз уларни ёмон кўрар эдик. Бизнинг ранг-рўйимиз эса, сарғайиб, бўзариб кетган; шерикларимиздан уч киши сифилисга йўлиққан, кўплари қўтир, яна бировимизни бод касали букиб қўйган эди. Ҳайит кунлари ва ишдан бўш вақтларда булкапазлар пиджак ва ғарчиллама этик кийиб юришарди; иккитасининг гармони ҳам бор эди, ҳаммаси ясаниб, шаҳар боғида сайр қилиб юрарди, биз эсақ устимиздаги увада, оёғимиздаги чоботдан бошқа нарсага ёлчимас эдик, полиция бизларни шаҳар боғига киритмасди, шундай бўлгач, қандай қилиб булкапазларни ёмон кўрмайлик?

Бир куни, уларнинг устаси ўлгудек ичиб, ишга чиқмай қолганини, хўжайин уни бўшатиб, бошқа одам олганини, бу одам солдатлардан бўлиб, атлас жилетка кийиб, тилла занжирли соат тақиб юришни эшитиб қолдик. Биз, у олифтани кўришга жуда қизиқар эдик, уни учратиш мақсадида ҳаммамиз бирин-кетин ҳовлига югуриб чиқар эдик.

Бироқ ишхонамизга унинг ўзи кириб келди. Эшикни оёғи билан бир тепиб очди-да, ланг қолдириб, остонада илжайиб тўхтади ва:

— Ҳорманглар! Салом, йигитлар!— деди.

Муздек совуқ ҳаво эшиқдан тумандай бостириб кириб, унинг оёқлари атрофида ўйнади, у бўлса баланд остонадан бизга қараб турарди; ғалати қилиб буралган малла мўйлови остидан сап-сариқ йирик тишлари ялтираб кўринади. Эғнидаги кўк жилеткаси ҳақиқатан ҳам алламбало бўлиб, ранг-баранг гул солиб тикилганидан ялт-ялт этиб турарди, тугмалари эса аллақандай қизил тошдан эди. Кўкрагида тилла занжири ҳам бор эди...

Солдат чиройли эди, бақувват, қомати тик, юзлари қип-қизил, катта-катта кўк кўзлари мулойим ва ёқимли боқарди. Бошига оҳорлик оқ қалпоқ кийиб олган, тоза фартуғининг этаги тагидан ялтиллаб мойланган олифта этигининг учи кўриниб турарди.

Бизнинг новвой аҳтиром билан, эшикни ёпинг, деб ундан илтимос қилди; солдат шошилмасдан бу илтимосни ба-жарди, кейин хўжайинимиздан гап очди. Биз, бир-биримизга гап бермай, хўжайинимизнинг хасислигини, муттаҳам, золимлигини, бу ерда ёзиш мумкин бўлмаган, аммо айтиш мумкин бўлган бор нарсаларни гапириб бердик. Солдат мўйловларини қимирлатиб, бизга мулойим кўзлари билан қараб, тингларди.

— Сизларда қизлардан сероб экан...— деди у бирдан.

Баъзилар уни ҳурмат қилиб, уялибгина кулиб қўйди, баъзилар афтларини буруштирди, кимдир биров тўққизта қиз бор, деб солдатга тушунтирди ҳам.

— Фойдаси тегиб турадимиз?— деб сўради солдат, кўзини қисиб.

Биз яна хижолатдан пиқирлаб кулдик... Кўпимиз ўзини солдат сингари тап тортмас йигит қилиб кўрсатмоқчи бўлса ҳам, ҳеч биримиз бундай қила олмасдик. Кимдир биров:

— Бизларга йўл бўлсин...— деб иқрор ҳам бўлди.

— Ҳа, бу иш сизларга анча қийин бўлса керак,— деди солдат, бизларга бир-бир қараб қиқиб.— Мазанглар йўқ кўринади... Кўринишларинг ҳам унчалик эмас! Хотин зоти эркакнинг ташқи кўринишини яхши кўради! Унга қомат бўлса... ҳамма ёғи келишган бўлса! Иннайкейин, билакда куч ҳам бўлсин... Қўл деган мана бундай бўлиши керак!

Солдат, тирсагигача енги шимарилган ўнг қўлини чўнтагидан чиқариб кўрсатди... Ҳа, тилла ранг жун босган оппоқ қўли кучли эди.

— Оёқда, кўкракда ҳам, ҳамма ерда куч бўлсин... Ундан ташқари, эркак деган олифта кийиниши керак... Мени

ҳамма хотинлар яхши кўради. Мен уларни чақирмайман ҳам, уларга тегишмайман ҳам, ўзлари бўйнимга осилиб олишади.

У, ун тўла қоп устига ўтириб олиб, хотинлар уни қандай яхши кўришини, улар билан қандай муомала қилишини гапириб берди. Кейин чиқиб кетди. Унинг кетидан эшик гийчиллаб ёпилгандан кейин, биз унинг ўзи ва ҳикоялари ҳақида ўйлаб, анчагача жим ўтирдик. Кейин ҳаммамиз бирдан тилга кириб кетдик, солдатнинг бизга ёқиб қолганлиги маълум бўлди. Соддагина одам экан, келиб, пича ўтириб, суҳбатлашиб кетди. Бизга ҳеч ким келмас, биз билан ҳеч ким дўстона гаплашмас эди... Унинг тўғрисида, зардўз қизлар орасида у тез кунда ғалаба қозониши ҳақида узоқ сўзлашиб ўтирдик. Зардўз қизлар билан ҳовлида учрашганимизда улар лабларини буриб, ўтиб кетишарди ё бўлмаса, бизни писанд қилмай, тўғри устимизга бостириб келишаварди. Биз эсак, ҳовлида учратганда ҳам, деразамиз ёнидан ўтганда ҳам уларга анграйиб қараб қолардик. Улар қишда аломат шапochкалар, мўйна пўстинлар, ёзда эса, гулдор шляпалар кийиб, қўлларида ранг-баранг соябонлар кўтаришиб юришарди. Аммо биз уларни ўзаро шундай сўзлар билан таърифлар эдикки, агар улар эшитиб қолсами,— бўлди, уятига ва аламига чидолмай, жон-понлари чиқиб кетарди.

— Бироқ... у Танюшкани ҳам... бузмасайди!— деди бирдан новвой хавотирлик билан.

Бу сўздан ҳайратланиб, ҳаммамиз жимиб қолдик. Биз Таняни унутган эдик, солдат ўзининг келишган қомати билан гўё уни биздан тўсиб олгандай бўлган эди. Кейин қизишиб баҳслашиб кетдик: баъзилар Таня бунга йўл қўймайди, дейишса, баъзилар қизча солдатга бас келолмайди, дерди; яна биров, агар солдат Таняга тегишадиган бўлса, унинг қовурғаларини уриб синдириш керак, деб айтди. Оқибат, солдат билан Таняга кўз-қулоқ бўлиш ва қизга, ундан ўзингни тортиброқ юр, деб маслаҳат бериш керак деган қарорга келинди. Шу билан баҳс тугади.

Орадан бир ойча ўтди. Солдат булка ёпар, зардўз қизлар билан юрар, бизнинг ишхонамизга тез-тез кириб турар эди. Аммо, қизлар орасидаги омадидан гапирмас, фақат мўйловини бураб, лабларини ялаб ўтирар эди.

Таня ҳар куни эрта билан тешиккулчага келиб турарди, биз билан ҳар вақтдагидек хушчақчақ, ёқимли, мулоқим муомала қилар эди. Биз, у билан солдат ҳақида сўз

очиб кўрган эдик, Таня уни «бузоқ кўз» деб ва шу каби кулгили лақаблар билан атаб, чиқиб кетди, биз хотиржам бўлдик. Биз, зардўз қизларнинг солдатга ёпишиб олганларини кўриб, қизчамиздан фахрланар эдик. Танининг унга бўлган муносабати бизнинг руҳимизни анча кўтарар эди, унинг муносабатига суянгандек, биз ҳам солдатни менсимай бошладик. Танини бўлса, янада кўпроқ яхши кўриб қолдик, ҳар куни эрталаб уни илгаригидан ҳам зўр қувонч ва вақти чоғлик билан қарши олардик.

Бир куни солдат бизнинг ишхонамизга кайф билан келди-да, ўтириб олиб, кула бошлади, биз ундан «нега куласан?» деб сўраган эдик, у:

— Иккитаси мени деб бир-бири билан қирилишипти... Лидька билан Грушка...— деб жавоб қилди.— Хўб юмалашиб ҳамма ёғини дабдала қилиб юборишипти! Ха-ха-ха! Бири бирининг сочидан тортиб даҳлизга судраб чиқиб, устига миниб олиб, роса дўппослашишипти-да! Ха-ха-ха! Юзлари қонаган, мўматалоқ... усти бошлари йиртилиб кетган... ана уришишу, мана уришиш! Нега хотинлар ҳалол уришишмайди-я, ҳайронман! Нега бирини бири юмдалайди, а?

Соғлом, усти боши тоза, вақти хуш солдат скамейкада ўтириб, маза қилиб кулар эди. Биз жим ўтирар эдик. Бу сафар у бизга негадир ёқмади.

— Ажаб, хотин масаласида жудаям ови юрган йигит эканман-да, а? Кўзимни қисиб қўйсам, бас, ўзи югуриб келади-я! Маза!

Унинг тилла ранг жун босган қўллари кўтарилиб, яна тиззасига тушди. У, аёллар билан муносабатда омадли эканлигига худди ўзи ҳам ҳайрон бўлгандай, бизга ажабланиб қарарди. Унинг қип-қизил ва мағрур, кепчикдай афт-башараси бахтиёрлигидан йилтирар, ўзи эса, ҳадеб лабларини чалпиллатиб яланар эди.

Новвойимиз белкуракни жаҳл билан печга бир урди-да, масхараомуз деди:

— Арчага кучинг етипти, қарағайни ҳам йиқитиб кўрчи...

— Менга айтяпсанми?— деди солдат.

— Сенга бўлмай, кимга бўларди...

— Нима дединг?

— Ҳеч нима... ўзи битта эди!

— Йўқ, шошма, нима дединг? Қанақа қарағай?

Новвойимиз индамасдан тез-тез ишини давом этти-



рар, сувда қайнаб пишган тешиккулчаларни белкурак билан печга ташлар, қизарганларини чиқариб, ипга тизиб ўтирган болаларнинг олдига ирғитар эди. У, гўё солдатни ҳам, унга айтган гапини ҳам унутгандай эди. Бироқ, солдат бирдан безовта бўлиб қолди. Ўрнидан туриб, ҳавода учиб юрган белкуракнинг сопидан ҳам қўрқмай печь ёнига борди.

— Йўқ, айт-чи, ким ўзи? Сен мени хафа қилдинг... Мендан-а? Мендан биттаси ҳам қочиб қутулолмайди! Сен бўлсанг, мени шунақа сўзлар билан хафа қиласан...

У ростдан ҳам хафа бўлгандек эди. Унинг хотин-қизларни йўлдан уриб, бузишдан бошқа фазилати йўқ бўлса керак; балки, шу қобилиятдан бошқа унинг ҳеч нарсаси бўлмай, фақат шу қобилиятигина ўзини инсон деб юришига асос бўлса керак.

Дунёда, руҳий ёки жисмоний хасталикни ҳаётда энг қиммат ва энг яхши нарса деб юривчи одамлар бор-ку, ахир. Улар умр бўйи шу хасталикни бошда кўтариб юрадилар, бу дарддан қийналсалар ҳам, ўзларини шу билан боқадилар, ҳаммага зорланадилар ва шу билан одамларнинг диққатини ўзларига тортадилар. Уларнинг бундан бўлак ҳеч нарсаси йўқ. Қани, хасталигини йўқотиб, бу дарддан тузатиб кўринг-чи, улардан бахтсиз одам бўлмайди, чунки улар турмушнинг ягона воситасидан маҳрум бўладилар, пуч бўлиб қоладилар. Баъзан кишининг ҳаёти шу қадар қашшоқ бўладики, беихтиёр у, ўз нуқсонларини қадрлашга ва шу билан кун кўришга мажбур бўлади.

Хафа бўлган солдат бизнинг новвойга ёпишиб олди:

— Қани, айт-чи, ким ўзи?

— Айтайми?— деди новвой, бирдан унга бурилиб.

— Айт!

— Таняни биласанми?

— Хўш?

— Билсанг бўпти! Уришиб кўр-чи...

— Менми?

— Сен!

— Ушаними? Бирпасда!

— Кўрамиз!

— Кўрасан! Ха-ха!

— У сени...

— Бир ой муҳлат берасан!

— Кўпам мақтанма солдат!

— Икки ҳафта! Кўрсатаман! Ўзи ким? Таньками?

Тфу!

- Йўқол кўзимдан, халақит берма!
- Икки ҳафтада — вассалом! Сени қара-я...
- Йўқол дейман!

Новвойнинг бирдан жаҳли чиқиб, белкуракни кўтариб унга ўқталди. Солдат ажабланиб орқага тисланди-да, ҳаммамизга индамай қараб турди, кейин ваҳимали овозда секингина: «Шошманглар!» деди-ю, чиқиб кетди.

Бу баҳс вақтида ҳаммамиз қизиқиб, жим ўтирган эдик. Бироқ, солдат чиқиб кетиши билан ўртамизда шовқин-сурон кўтарилди.

Кимдир новвойга қараб:

- Чакки қилдинг, Павел!— деб қичқирди.
- Ишингдан қолма!— деб бақириб берди новвой.

Биз, солдатга алам қилганини ва Танянинг таҳлика остида қолганини сезардик. Биз буни яхши сезардигу, аммо шу билан бирга бизни «Нима бўларкин?» деган нарса жуда қизиқтирар эди ҳам. Таня солдатга бўш келмас, дердик баримиз.

— Таньками? Бўш келмайди! Уни қўлга олиш осон эмас!— деб қичқиритардик.

Биз, ўз илоҳимизнинг мустаҳкамлигини синаб кўришни истар эдик; илоҳимизнинг мустаҳкам эканлигини ва бу тўқнашувдан голиб чиқишини бир-биримизга ўлиб-тирилиб исбот этардик. Охирда биз, солдатни оз-моз гиж-гижлаб қўйдигу, бироқ у баҳсни унутиб юборгандир, шунинг учун иззат-нафсини янада қўзғатишимиз керак, деб ўйлардик. Шу кундан бошлаб биз, нима бўларкин, деган асабий бир кайфият билан яшай бошладик. Ҳеч қачон бундай бўлмаган эдик. Эртадан кечгача бир-биримиз билан баҳслашардик, ҳаммамизга ақл кириб, тилимиз ҳам бийрон, сўзларимиз ҳам туппа-тузук бўлиб қолганди. Биз ўзимизни гўё бир шайтон билан қимор ўйнагандай ва бу ўйинда Таняни дов тикандай сезардик. Бир куни булкапазлардан, солдатнинг «Танькамизга илакишиб» қолганини эшитиб, кайфимиз кўтарилиб кетди, шу қадар ўйинга қизиқиб кетибмизки, ҳатто хўжайин бизнинг ғайратга келганимиздан фойдаланиб, кунига яна ўн тўрт пуд хамир қўшиб қўйганини билмай қолибмиз. Биз чарчаш нималигини ҳам сезмай қолган эдик. Таня кун бўйи тилимиздан тушмасди. Ҳар куни эрталаб биз уни тоқатсизланиб кутардик. Баъзан, мана, ҳозир Таня киради, аммо илгариги Таня эмас, ўзгариб кетган бошқа Таня киради, деб ўйлардик.

Аммо ўртада бўлаётган гап тўғрисида унга индамасдик.

Ундан ҳам ҳеч нима сўрамас, аввалгидек севиб, яхши муомала қилардик. Аммо, шу муомалага, Таняга бўлган алоқамизга қандайдир янги бир ёт нарса аралашиб қолган эди, бу — пўлат пичоқ сингари ўткир ва хунук қизиқиш эди...

Бир куни эрталаб новвой иш бошлаётиб:

— Оғайнилар! Бугун муҳлат тўлди!— деди.

У айтмаса ҳам ўзимиз бунни яхши билар эдик, шундай бўлса-да, бир сесканиб тушдик.

— Яхшилаб қаранглар, ҳозир келиб қолади,— деди новвой. Кимдир афсусланиб:

— Бир қарашда билиб бўлмайди-да!— деди.

Орамизда яна қизгин баҳс бошланиб кетди. Бор-йўғимизни, бутун яхши бисотларимизни солиб юрган муқаддас идишнинг нақадар покиза ва булғанмаслигини ниҳоят, бугун биламиз. Шу куни эрталаб ҳаммамиз бирданига ҳақиқатан катта қимор ўйнаётганимизни, илоҳимизнинг поклигини синаб кўриш — бизни ундан маҳрум қилиши мумкинлигини сездик. Шу кунларда солдатнинг Таняни қаттиқ туриб, тинмай таъқиб этишини эшитган бўлсак-да, аммо қизнинг унга бўлган муносабатини нима учундир Танянинг ўзидан сўрамабмиз. Таня ҳар куни эрталаб тешиккулча олгани келишдан тинмас эди ва аввалгидек шўх ва хушчақчақ эди.

Бугун эрталаб ҳам унинг товуши келди:

— Аристонлар! Мен келдим...

Биз шошиб-пишиб эшик очдик, у кирганидан кейин, одатдан ташқари, ҳаммамиз жим туриб кутиб олдик. Биз унга чақчайиб қарар, нима дейишимизни, нима сўрашимизни билмай, қаққайиб турар эдик. Унинг олдида соқов бўлиб қолган эдик. Таня бунақанги қаршилашимиздан ҳайрон бўлган бўлса керак, бирдан ранги оппоқ оқариб кетди, шошиб қолди, турган ерида типирчилаб, бўғиқ бир товуш билан:

— Нега... бунақасизлар-а?— деб сўради.

— Сен-чи?— деди қовоғи солиқ новвой, қиздан кўзини узмай.

— Менга нима қипти?..

— Ҳеч нима...

— Қани, тешиккулчани тезроқ беринглар.

Илгарилари қиз бизни ҳеч шошилтирмасди.

— Шошилма!— деди новвой, жойидан қўзғалмай ва ундан кўзини узмай.

Қиз бирдан ўгирилиб, эшикдан югуриб чиқиб кетди.

Новвой қўлига белкурагини олиб, печга ўгирилди-да, бамайлихотир:

— Демак, иш тамом бўпти!.. Солдат қурғур... Аблаҳ!— деди. Биз подадаги қўй сингари бир-биримизни итаришиб стол ёнига келиб, жой-жойимизга ўтирдик, ланж ва бўшашган бир ҳолда ишга тушдик. Бир оздан кейин аллаким:

— Балки, ҳали...— дея бошлади.

— Ишингдан қолма!— деб ўшқириб берди новвой.

Новвойнинг ҳаммамиздан ақлли эканини билар эдик. Унинг бўкиришини ҳам солдатнинг ғалаба қилганлигига далил деб билдик... Кўнглимиз хира ва беҳузур эди...

Соат ўн иккида, тушки овқат пайти бўлганда солдат кириб келди. У ҳар вақтдагидек тоза ва олифта кийинган, одамнинг юзига тўғри қарар эди. Биз эсак, унга қарай олмас эдик.

— Хўш, тақсирлар, ҳозир сизларга солдатнинг ким эканлигини кўрсатайми?— деди у кибр билан кулимсираб.— Даҳлизга чиқиб, девор тирқишидан қараб туринглар... Тушундингизми?

Даҳлизга чиқдик, бир-биримизга ёпишиб, даҳлиздаги тахта деворининг тирқишидан ҳовлига қарадик. Кўп кутмадик. Ҳовлидан, кўлмак сув ва балчиқлардан сакраб-сакраб чеҳрасида хавотирлик акс этган Таня ўтиб қолди. Қиз шошилганича ертўлага кириб кетди. Унинг кетидан шошилмасдан ҳуштак чалиб солдат ҳам кириб кетди. Қўллари чўнтагида, мўйловлари қимирлар эди...

Ёмғир ёғарди, унинг томчилари зарбидан кўлмак сув бурушарди. Нам, булутли, одамни зериктирувчи бир кун эди. Томлардан ҳали қор кетмаган, ер эса, қоп-қора балчиққа айланган пайт эди. Томлардаги қорни ҳам куя қорайтирганди. Ёмғир савалаб ёғар, кўнгилни баттар хира қиларди. Биз совқотиб, кутишга тоқатимиз тоқ бўлган эди.

Ертўладан олдин солдат чиқиб келди; у одатдагидек мўйловини қимирлатиб, қўллари чўнтагида, шошилмай ҳовлидан ўтиб кетди.

Кейин Таня чиқди. Кўзлари... кўзлари севинч ва бахтга тўлган эди, лабларида табассум ўйнардди... У, худди уйқусираган одамдай гандираклаб келар эди...

Биз бунга чидаб туrolмадик. Ҳаммамиз бирдан, эшикдан ҳовлига отилиб чиқдик-да, унга қараб ғазаб билан ваҳшиёна қийқира бошладик, ҳуштак чалдик, бақирдик.

Бизни кўриши билан у бир сесканиб тушди, турган ерида тошдай қотиб қолди. Биз уни ўртага олиб, уни ға-

заб ичида энг ёмон ва хунук сўзлар билан сўка бошладик, уятсиз, номуссиз, дедик.

Унинг биздан кочиб қутулолмаслигини, қўлимизга тушганини ва тўйгуниimizча қийнашимизни билиб, ишимизни шошмасдан бемалол қилардик. Билмадим, негадир урмадик. У ўртамизда туриб, бизнинг ҳақоратларимизни эшитиб, бошини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўгирарди. Биз бўлсак, уни баттар ҳақорат қилардик, сўзимизнинг ифлос заҳрига уни баттар булғардик.

Қизнинг юзи оппоқ оқариб кетди. Бундан бир онгина бурун бахт билан порлаб турган кўм-кўк кўзлари энди бақрайганича қолган, кўкраги огир-огир нафас олар, лаблари титрар эди.

Биз уни ўртага олиб, ундан қасдимизни олардик, чунки у бизнинг бор-йўғимизни ўғирлаб кетган эди. У — бизники эди, кўнгил бисотимиздаги энг қимматли ҳисларимизни унга сарфлар эдик, гарчи бу бисотимиз гадолар бисоти бўлса-да, биз йигирма олти киши эдик, у якка ўзи эди, шунинг учун унинг қилган гуноҳига қанча жазо берсак ҳам озлик қиларди! Роса ҳақорат қилдик!.. У бўлса ҳамон чурқ этмай турар, даҳшат босган кўзларини биздан узолмас, бутун танасини титроқ босиб турар эди.

Биз кулардик, масхара қилардик, қийқирардик, бақирардик... ёнимизга қаёқдандир яна одамлар келиб қўшилди... Ичимиздан кимдир Танянинг енгидан тортиди...

Бирдан қизнинг кўзлари чақнаб кетди; қўлларини аста кўтарди-да, сочларини тузатиб афтимизга осойишта қараб туриб, баланд овоз билан:

— Вой шўринг қурғур аристонлар-ей! — деди.

Деди-ю, гўё олдида биз йўқдай, гўё биз унинг йўлини тўсиб турмагандай, устимизга қараб бостириб келаверди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким унинг йўлини тўсмади.

Қуршовдан чиққач, бизга қарамасдан, яна боягича баланд овоз ва мағрурлик билан назар-писандсиз:

— Аблахлар... газандалар... — деди-ю, қаддини баланд кўтариб гўзаллик, мағрурлик билан ёнимиздан ўтиб кетди...

Биз бўлсак, ҳовлининг ўртасида, балчиқда, қуёшсиз осмон ва ёмғир тагида қаққайиб қолавердик...

Кейин биз ҳам ўзимизнинг захлаган тош ўрамызга тушиб кетдик. Унинг деразасидан сира офтоб тушмасди. Таня ҳам ортиқ бизга келмай қўйган эди!..

## АМЕРИКАДА

### САРИҚ ИБЛИС ШАҲРИ

... Океан ва ер устини тутун билан аралашган қуюқ туман босган, ёмғир майдалаб, шаҳарнинг қорайган иморатларига, рейднинг<sup>1</sup> лойқа сувига оқиста савалаб турибди.

Пароход бортларига муҳожирлар йиғилиб, теварак-атрофдаги барча нарсаларга умид ва ҳадиксираш, қўрқув ва шодлик билан жимгина тикилиб қарайдилар.

Поляк қизи Озодлик ҳайкалига таажжубланиб боқар экан, секингина сўради:

— Бу ким?

Кимдир жавоб берди:

— Америка худоси...

Бронзадан ишланган хотиннинг каттакон гавдаси бошдан-оёқ яшил занг билан қопланган. Бу совуқ чеҳра туман орасидан океан бўшлиғига сўқир кўзларини тикарди, гўё ўзининг жонсиз кўзларига нур беришни қуёшдан кутаётгандек туюлади. Озодлик ҳайкалининг оёғи тагида — ер оз, гўё бу ҳайкал океан тубидан кўтарилиб чиққанга, унинг пьедестали қотиб қолган тўлқинларга ўхшайди. Ҳайкалнинг океан устида ва кема мачталари тепасида баланд кўтарилган қўли унинг кўринишига улуғворлик ва гўзаллик беради. Маҳкам қисилган бармоқларидаги машъал гўё шу ондаёқ порлаб кетиб, кул ранг тутунни тарқатиб юборадигандай, атрофдаги ҳамма нарсани қайноқ ва қувноқ нурга чўмлтирадигандай эди.

Бу ҳайкал турган бир парча ер атрофидаги океан сувида эса, қадимий аждаҳолар сингари баҳайбат темир кемалар сузиб юрар, оч қолган йиртқич ҳайвонларга ўхшаган

<sup>1</sup> Р е й д — денгиз четида кемалар кириб тўхтайдиган жой.

кичик катерлар визиллаб ўтиб туради. Гудоклар афсонавий махлуқлар сингари ўкиради, чуриллаб ҳуштаклар чалинади, лангар занжирлари шарақлайди, океан тўлқинлари шиддат-ла ўшқиради.

Атрофдаги ҳамма нарса зўр бериб югуради, интилади, сесканади. Пароходларнинг винтлари ва парраклари тез-тез сувга урилади. Сув сариқ кўпик билан қопланган, ажин босганга ўхшайди.

Гўё ҳамма нарса — темир, тошлар, сув, дарахтлар — оғир меҳнат асоратидаги қуёшсиз, қўшиқсиз, бахтсиз ҳаётга қарши исён қилаётгандай. Инсонга душман бўлган қандайдир яширин кучнинг иродасига бўйсунган ҳамма нарса фарёд чекади, увлайди, ғижирлайди. Ҳамма ёқда темир билан ковланган ва бурдаланган, нефтнинг ёғли доғлари, пайраҳа ва қиринди, похол ва овқат қолдиқлари билан ифлосланган сув сийнасида кўзга кўринмайдиган совуқ ва ёвуз куч ҳукмини юргизади. Бу куч ана шу поёнсиз машинани шиддат билан ва бир маромда ишга солиб туради, кема ва доклар<sup>1</sup> — бу машинанинг кичик қисмларигина холос, одам эса — темир ва ёғочларнинг майиб, ифлос тўқилмалари, боши-кети кўринмас кемалар, қайиқлар ҳамда вагонлар ортилган аллақандай ясси баркалар<sup>2</sup> орасида анчайин бир винт, кўзга кўринмас нуқтадир. Шовқин-сурондан эсанкираган, гаранг бўлган, жонсиз модданинг бу рақсидан тинкаси қуриган, қора куя ва ёғга буланган икки оёқли махлуқ қўлларини шимининг чўнтагига суқиб, менга таажжубланиб қараб турибди. Унинг юзи қора куя ва мойга бўялган, унда жонли одам кўзлари эмас, тишларининг оқ суяги ярқираб кўринади.

Кемалар тўдаси ичида бир кема аста ўрмаламоқда. Муҳожирларнинг юзлари бўзариб, таниб бўлмас қолга кирди, кўзлари бақрайиб, оқи, сариғи аралашиб, қўй кўзларига ўхшаб қолди. Одамлар борт олдида туриб, туманга жимгина тикиладилар.

Туманда эса, ақл бовар қилмайдиган, оҳ-зор тўла аллақандай бир нарса вужудга келиб, юксалиб боради, одамлар қаршисида оғир, сассиқ нафас олади, унинг шовқинидан даҳшатли, очкўз бир нарсанинг садоси эшитилади.

<sup>1</sup> Док — кема ва пароходларни ремонт қиладиган ишхона.

<sup>2</sup> Барка — юк ташиладиган кеманинг бир тури.

Бу шаҳар Нью-Йоркдир. Қирғоқда йигирма қаватли уйлар, сокин ва қорамтир «осмон миноралари» туради. Гўзалликдан маҳрум тўрт бурчакли, оғир бинолар кўкка ўшшайиб, қаддини хунук кўтарган. Ҳар бир уй ўз баландлиги ва хунуклиги билан кибрланиб турганлиги сезилади. Деразаларда гуллар йўқ, болалар кўринмайди...

Олиддан шаҳар баланд-паст қоп-қора тишлари кўриниб турган жуда катта жағ суягига ўхшайди. У ўз нафаси билан осмонга паға-паға тутун пуркаб, семизликдан азоб чекаётган суқ ва ялмоғиз одамдек ҳансирайди.

Шаҳарга кирган киши ўзини тош ва темирдан ясалган сшқозонга тушиб қолгандай, бир неча миллион одамни ютиб юборган ва уларни эзиб, ҳазм қилаётган меъдага тушиб қолгандай сезади.

Кўча — сирғанчиқ, тўймас бир кекирдак; шаҳар овқатининг қора парчалари — жонли одамлар мана шу кекирдакдан қандайдир пастликка сузиб кетадилар. Ҳамма ерда — бошлар устида, оёқлар остида ва одамларнинг ёнида ўз ғалабасини тантана қилиб темир яшайди, бўкиради. Олтиннинг кучи билан ишга солинган, жонлангирилган бу темир одамни ўз занжирига ўраб олиб эзади, қонини ва миясини сўради, гўшлари ва асабларини кемиради, тилсиз тошга суяниб туриб, ўз занжирини тобора кенг ташлаб ўсаверади.

Вагонларни судраган локомотивлар жуда катта қуртлар каби ўрмалайди, автомобилларнинг карнайлари семиз ўрдакларга ўхшаб қиғилайди, электр поезд зарда билан чинқиради, намга тўлган булутдай дим ҳаво минглаб қичқирӣқ товушларга тўлган. Бу ифлос шаҳарда қисилиб қолган фабрикаларнинг тутунидан бузилган ҳаво, ис билан қопланган баланд деворлар орасида қимирламай туради.

Майдонлар ва кичик скверлардаги дарахтларнинг шохларида жонсизгина осилиб турган чанг босган япроқлар орасида қорамтир ҳайкаллар тиккайиб туради. Бу ҳайкалларнинг юзларини қалин лой босган; бир вақтлар ватанга муҳаббат билан қараб, порлаб боққан кўзлари шаҳарнинг чанги билан тўлган. Бронзадан ясалган бу одамлар кўп қаватли уйлар ораларида жонсиз ва ёлғиз, улар баланд деворларнинг қора соясидаги митти кишиларга, ўз атрофларидаги чалкаш-чулкаш бўлиб кетган тартибсизлик орасида адашиб тўхтаб қолганга ва оёқлари остидаги ҳовлиқ-



қан одамларнинг югур-югурига юраклари ачиб, ожиз кўзлари билан ғамгин қараётганга ўхшайдилар. Кичкина, қора одамлар ҳайкаллар ёнидан ҳовлиқиб югуриб ўтадилар ва ҳеч ким қаҳрамоннинг юзига назар солмайди. Капитал ҳайвонлари озодлик ижодкорларининг аҳамиятини одамларнинг хотирасидан ўчириб юборганлар.

Бронзадан ясалган одамлар гўё бир оғир фикр андишасида:

«Мен шундай ҳаёт яратишни хоҳлаган эдимми?» — деб сўраётгандай.

Теварак-атроф эса, худди саросима ҳаёт қозонидаги шўрвадай қайнайди, бу қайнашда ҳам шўрвадаги заррадай, денгиздаги пайраҳадай кичик одамлар елиб-югуриб, айланиб, йўқолиб турадилар. Шаҳар ўкиради, унинг тўймас оғзи бу одамларни бирин-кетин ютиб туради.

Қаҳрамонларнинг баъзилари қўлларини қуйи солганлар, бошқалари қўлларини одамларнинг бошлари узра кўтариб, гўё огоҳлантирмоқчи бўлиб:

— Тўхтанг! Бу ҳаёт эмас, бу телбалик... — дейдилар.

Уларнинг барчаси чалкаш кўча ҳаётида ортиқча кишилардир, уларнинг барчаси очкўзликнинг ёввойи ўкириши ичида, тош, ойна ва темирдан иборат бадхаёлнинг занжирбанд асорати ичида — ўз ўрнида эмас.

Кунлардан бир кун кечаси бу барча ҳайкаллар пьедесталлардан тушиб, таҳқир этилган кишилардек вазмин қадам ташлаб, кўчалардан ўтадилар, ёлғизлик қайғу-ҳасратлари билан бирга бу шаҳардан ой ярқираб турган баҳаво ва тинч далага чиқиб кетадилар. Агар одам бир умр ўз ватанининг бахт-саодати учун меҳнат қилган экан, ўлимидан кейин тинч қўйишларига шубҳасиз ҳақлидир.

Одамлар йўлкалар бўйлаб у ёқ-бу ёққа, кўчаларнинг ҳар бир томонига шошилиб юрадилар. Уларни тош деворлардаги чуқур тешиклар ютиб юборади. Темирнинг тантанали гулдураши, электрнинг қаттиқ увлаши, янги металл тармоқлари ва янги тош деворлар қуриш ишларининг шовқин-суронлари одамларнинг товушини, океандаги довул қушларининг қичқирғини босгандай босиб юборади.

Одамларнинг юзлари хотиржам — гўё ҳеч ким ҳаётга қул бўлиш, аждаҳо — шаҳарнинг еми бўлишдек бахтсизликни сезмаётганга ўхшайди. Улар қайғули манманлик

гафлатида ўзларини ўз тақдирларининг эгаси деб биладилар — гоҳо уларнинг кўзларида ўз мустақилликларини ҳис этиш тушунчаси жилваланади, аммо улар, бу — дурадгорнинг қўлидаги болтанинг, темирчининг қўлидаги болғанинг, кўзга кўринмас ғишт терувчининг қўлидаги ғиштнинг мустақиллиги каби нарса эканини тушунмайдилар чоғи. Ғишт терувчи эса, илжайиб ишлар экан, ҳамма учун битта, катта, лекин тор турма қуриб беради, холос. Кўпгина ғайратли шахслар ҳам бор, лекин қайси бир башарага қарасанг, аввало, тишларини кўрасан. Одамларнинг кўзларида ички эркинлик, руҳан озодлик жилванмайди. Озодликдан маҳрум бўлган бу ғайрат ҳали ўтмаслантирилмаган пичоқнинг совуқ ялтирашини эслатади. Бу, Сариқ Иблисининг — Олтиннинг қўлидаги кўр қурооллар озодлигидир.

Мен биринчи марта шундай баҳайбат шаҳарни кўриб турибман. Одамлар ҳеч қачон менга бу қадар кичик, бу қадар қуликда кўринмаган эди. Шу билан бирга, очкўзликдан телбалик даражасига етган, мия ва асабларни йиртқич ҳайвон каби ўкириб кемираётган бу очофат ва ифлос қориндаги одамларнинг бу қадар ҳам фожиали, ҳам кулгили аҳволларидан мамнун бўлганларини мен ҳеч қаерда кўрмаганман...

Одамлар ҳақида гапирганда қалб қўрқув ва аламга тўлади.

«Ҳаво йўли» вағони тор кўчадаги уйларнинг деворлари оралаб, темир балкон ва зинапоялари бир хил панжаралар билан ўралган учинчи қаватларнинг тепасидан кетган излардан увиллаб ва гулдураб югуради. Деразалар очиб қўйилган, деярли ҳар бир деразада одамлар кўринади. Бу одамларнинг баъзилари ишлайдилар, алланима тикадилар ёки стол устида бошларини эгиб, алланарсаларни ҳисоблайдилар. Бошқалари деразалар олдида ўтирадилар, деразага кўкракларини босиб, ҳар бир дақиқада кўз олдиларидан визиллаб ўтувчи вагонларга қарайдилар. Кексалар, ёшлар, болалар — ҳаммалари бир хилда жим, бир хилда хотиржам. Улар бу мақсадсиз интилишларни кўришга, мана шу интилишларда бирор мақсад бор деб ўйлашга одатланиб қолганлар. Кўзларида темир ҳукмронлигига қарши ғазаб йўқ, унинг тантанасига нисбатан нафрат йўқ. Вагонларнинг лип-лип ўтиши уйларнинг деворларини ларзага келтиради, хотинларнинг кўкракларини, эркакларнинг

бошларини силкитади; балконларнинг панжараларида болалар гавдалари ёпишиб ётади, улар ҳам титраб, бу жирканч ҳаётни зарур ва муқаррар бир нарса деб қабул этишга одатлана борадилар. Доим тебраниб, ларзага келиб турган мияларда, эҳтимол, гўзал ва дадил фикрлардан гулдасталар яшаш, жонли, мардонавор орзулар яратиш мумкин эмасдир.

Мана, кўкраги очиқ, ифлос кофта кийган кампирнинг қорамтир юзи кўриниб қолди. Заҳарланган беором ҳаво, вагонларга йўл бераман, деб ларзага келди-да, деразаларга урилди, шунда кампирнинг оппоқ сочлари худди кул ранг қушнинг қанотлари каби ҳурпайиб кетди. У ўзининг қўрғошин тусли нурсиз кўзларини юмди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Гира-шира ёруғ хоналарнинг ичида латта-путта ёйилган каравотларнинг темир панжаралари, стол устидаги ифлос идиш-товоқлар, овқат қолдиқлари кўзга чалинади. Деразаларда гулларни кўргинг келади, қўлнда китоб кўтарган одамни излайсан. Деворлар гўё эриётганга ўхшаб кўз олдингда оқади, ифлос оқин каби қаршингга келади, индамас одамлар оқин тезлиги ичида машаққат чекиб, ғимирлаб юрадилар.

Бир қатлам чанг билан қопланган ойна орқасидан сочсиз бир калла хира йилтираб кўринди. У, аллақандай дастгоҳ тепасида бир маромда тебранади. Қизғиш сочли, ингичкагина қиз дераза олдида ўтириб, қора кўзларини тикиб, пайпоқ тўқимоқда. Кучли ҳаво тўлқини қизни хонанинг ичига итарди, у кўзини ишдан узмади, шамол этагини учирган кўйлагини тузатиб ҳам қўймади. Беш ёшлардаги икки бола балконда пайраҳадан уйча қурмоқда. Силкинишдан уйча ағнаб тушди. Пайраҳалар балкон панжаралари орасидан кўчага тушиб кетмасин деб, болалар кичкина қўлчалари билан юпқа пайраҳаларга ёпишдилар. Улар ҳам ўйинга халал берган нарсага эътибор бермадилар. Деразаларда бирин-кетин бошқа-бошқа одамлар кўринавердилар, улар гўё каттакон бир нарсанинг парча-парча қилиб юборилган арзимас бўлакчаларига, майдаланган заррачаларга ўхшайдилар.

Вагонларнинг қутуриб учиб боришидан зарбага учраган ҳаво одамларнинг кўйлак ва сочларини ҳурпайтиради, уларнинг юзларига илиқ, дим тўлқинларни уради, уларнинг қулоқларига минг хил товуш келтиради, аччиқ чанг-тўзонни кўзларига уриб, кўр қилади, муттасил уввос товуш билан қулоқларини кар қилади...

Фикрловчи, ўз миясида орзулар, манзаралар, образлар яратувчи, умидлар туғдирувчи, соғинувчи, истак билан яшовчи, инкор қилувчи, интизор бўлувчи жонли одамга бу ваҳшиёна аюҳаннос, қичқириқ, бўқириш, девор тошларининг ларзага келиши, дераза ойналарининг зириллаб туриши — буларнинг ҳаммаси халал берган бўлар эди. У ғазабланиб, уйдан чиқиб, бу қабиҳ «ҳаво йўли»ни вайрон қилиб ташлаган бўлар эди: у, темирнинг безбетлик билан увлашини тинишга мажбур этар эди, у — ҳаёт соҳибидир, ҳаёт унинг учундир, демак, унинг яшашига халал берадиган ҳамма нарса йўқ қилиб ташланиши керак.

Сариқ Иблис шаҳрининг аҳолиси эса, одамни ҳалок этувчи ҳамма нарсага тинчгина тоқат қилиб турибди.

Пастда, «ҳаво йўли»нинг темир тўрлари остида, тош йўлларнинг чанги ва лойи қучоғида болалар жимгина ғимирлашиб, жимгина юрадилар, улар бутун дунёдаги болалар каби кулиб, вағирлаб юрадилару, бироқ уларнинг товуши устларидаги гулдурос остида денгизга бир томчи ёмғир тушгандек бўлиб кетади. Улар, аллакимнинг кўпол қўли билан ана шу уйларнинг деразаларидан кўчага улоқтириб ташлаган гулларга ўхшайдилар. Улар баданларига шаҳарнинг мойли буғларини сингдириб, бўзариб, заъфарон бўлиб кетганлар, уларнинг қонлари заҳарланган, занг босган металлнинг ёвуз қичқириғидан, асоратга тушган яшинларнинг баҳайбат ҳайқириғидан уларнинг асаблари бузилган.

Сен ўзингдан: «Шу болалардан соғлом, мард, мағрур одамлар етишадими?» деб сўрайсан. Бу саволга жавобан, ҳамма ерда ғижирлаш, қаҳқаҳа, ёвуз чинқириқ эшитилади.

Вагонлар камбағаллар квартали, шаҳарнинг ахлатхонаси Ист-Сайд ёнидан ўтади. Чуқур тор кўчалар одамларни шаҳарнинг ичкарасига олиб киради ва у ерда гўё каттакон қозон ёки кастрюлга ўхшаш тубсиз ғор қурилган. Мана шу одамларнинг ҳаммаси ўша ерга оқиб боради ва у ерда бу одамларни эритиб, олтин қўйилади. Тор кўчалар бижир-бижир болалар билан тўлган.

Мен қашшоқликни жуда кўп кўрганман, унинг кўкимтир, қонсиз, қуруқ суякдан иборат башарасини яхши танийман. Қашшоқликнинг очликдан филтиллаган ва очкўзликдан ёниб турган, айёр ва қасоскор ёки қулларча итоаткор

ва ҳамиша ваҳшиёна кўзларини мен ҳамма ерда кўрганман, аммо Ист-Сайддаги қашшоқликнинг даҳшати мен билган барча қашшоқликдан мудҳишроқдир.

Бу кўчаларда одамлар худди дон солган қопларни зич қилиб тахлагандай тўла. Болалар йўл ёқасида турган ахлат яшиқларидан чириган сабзавот қидирадилар ва топишлари билан аччиқ чанг ва нафасни бўғувчи ҳавода, шу ернинг ўзидаёқ ифлослигича еб юборадилар.

Бу болалар бир парча моғорлаб ириб кетган куюк нон топсалар, ораларида ваҳшиёна душманлик пайдо бўлади: шу бир парча нонни тезроқ ютиб юбориш истагида кучуклардек олишадилар. Улар оч қолган каптарлардек тўда-тўда бўлиб, тош кўчаларга тўлиб кетадилар; кечаси соат бир-иккида ва ундан кечроқ ҳам, Сариқ Иблисининг бадавлат бандаларига, уларнинг очкўзлигига жонли таъна бўлган қашшоқликнинг бу ожиз микроблари ахлатларни титадилар.

Ифлос кўчаларнинг бурчакларида аллақандай печь ёки ўчоқлар бор, буларда алланималар пиширилади, тор мўридан ҳавога уриб чиққан буғ шу мўрининг учигаги кичкина ҳуштакчани чалади. Қулоқни тешиб юборувчи бу ингичка титроқ садо кўчадаги барча товушларни босиб кетади, кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ, ёқимсиз ип каби буғ аралаш сўнги кўринмай чўзилади, кекирданни бўғади, миядаги фикрларни чалкаштиради, одамнинг жонини ҳалқумига келтириб, бу фикрларни аллақаёққа қувиб кетади ва бир секунд ҳам тинмай, ҳавони тутган чиринди ҳид ичида титрайди, ифлослик қўйнидаги бу ҳаётни ёвузлик билан масхаралаб қалтирайди ва уни тешиб ўтиб кетади.

Бу ерда ифлослик — табиий нарса, у ҳамма нарсага, уйларнинг деворларига, деразаларнинг ойналарига, одамларнинг кийимларига, баданларининг ҳужайраларига, миялари, орзулари, фикрларига сингиб кетган...

Бу кўчаларда эшикларнинг қоронғи тешиклари тош деворлардаги йирингли жароҳатларга ўхшаб кўринади. Уларга назар ташлаб, ахлат босган ифлос зинапояларни кўрар экансан, уларнинг ичкарасидаги ҳамма нарса мурда қорнидай чириб ва йиринглаб тургандай туюлади. Одамлар эса, қуртларга ўхшаб кўринади...

Кўзлари қоп-қора ва катта-катта, новча хотин эшик олдида турибди, қўлида чақалоқ, кофтасининг тугмалари қадалмаган, кўкимтир сийнаси узун ҳамёндай шалвираб ётибди.

Чақалоқ онасининг шалвираган, сутсиз сийнасини бармоқлари билан таталаб қичқиради, бошини онасининг кўкрагига уради, лабларини чўлпиллатади, бир он тинмай, тобора қаттиқроқ чинқиради, онанинг кўкрагига қўллари билан уради, оёқлари билан тепади. Она эса, тошдан ясалгандек тек туради, унинг кўзлари бойқушнинг кўзлари каби юмалоқ, қаршидаги бир нуқтага тикилганича қотиб қолган. Бу кўзларнинг нондан бошқа ҳеч нарсани кўрмаслиги сезилиб туради. Она лабини маҳкам юмиб, бурни билан нафас олади, кўчанинг бадбўй, қуюқ ҳавоси кирган бурун тешиклари титрайди; бу одам кеча ютган овқати ҳақидаги хотира-ю, энди қачон топиб ейиши мумкин бўлган бир неча парча нон орзуси билан яшайди. Чақалоқ кичкина, сариққина баданини дилдиради қичқиради, она эса, унинг қичқириқларини эшитмайди, боласи кўкрагига муштлаётганини сезмайди...

Новча, озғин, йиртқичсимон, сочлари оппоқ, бошида шляпаси йўқ бир чол, оғриқ кўзларининг қизарган мижжаларини қисиб, бир уюм ахлатни оҳиста титиб, кўмирини ажратиб олмоқда. Бирор кимса унга яқинлашса, бўри каби бесўнақай ўгирилиб, хўмрайиб алланималар дейди.

Рангида қони йўқ ва озғин ёш йигит фонарь устунига суяниб кўкиш кўзларини кўчага югуртиради-да, гоҳо жингалак соч бошини силкитиб қўяди. У, қўлларини шимининг чўнтақларига тиқиб олган, бармоқлари чўнтақларида гимирлаб туради...

Одам шу ерда, мана шу кўчаларда кўзга бемалол кўринади, унинг ғазабли, асабий, қасоскор овози эшитилиб туради. Бу ерда одамнинг чеҳраси маълум: оч, асабий, ғамгин. Одамларнинг ҳис этаётганликлари кўриниб, ўй ўйлаётганликлари билиниб туради. Улар пастқам, ифлос кўчаларда уймалашиб юрадилар, лойқа сув оқимидаги хас-чўплар каби бир-бирларини туртадилар, очликнинг кучи уларни гирдикапалак қилиб айлантиради, бирор нарсани еб олиш истаги уларни ҳаракатга келтиради.

Улар таом интизорлигида, тўйиб овқат еб лаззатланиш орзусида, заҳарланган ҳавони ютадилар ва қалбларининг қоронғи тубларида ўткир фикрлар, ҳийлагарликлар, жиний истақлар уйғонади.

Улар шаҳар меъдасидаги касаллик қўзғатувчи микробларга ўхшайдилар, бир кун келиб улар ўзлари ҳозир ютаётган ана шу микроблар билан шаҳарнинг ўзини ҳам заҳарлайдилар!

Фонарь ёнидаги йигит тишларини бир-бирига қаттиқ босиб, гоҳ-гоҳ бошини силкиб қўяди. Менимча, у алланималар тўғрисида ўйлаб, алланимани орзу қиляпти. Менимча, у ниҳоятда кучли каттакон қўлни ва зўр қанотни орзу қиляпти. Кунлардан бир кун шаҳар тепасига кўтарилиб, иккита пўлат дастак каби қўлларини унга узатиш учун, бу ердаги ҳамма нарсани — ғишт ва марваридни, олтин ва қуллар гўштини, ойна ва миллионерларни, ахлатни, муттаҳамларни, ибодатхоналарни, ифлослик билан заҳарлаган дарахтларни ва бу бемаъни, кўп қаватли «осмон миноралари»ни, ҳамма нарсани, бутун шаҳарни ахлат ва харобага айлантириш, бир уйдум қилиб тўплаш, ахлатдан ва одамларнинг қонидан хамир қориб, хунук хароба пайдо қилиш учун у шундай кучли қўлларни орзу қиляпти. Озгин, касалманд одамнинг баданида яра нақадар табиий бўлса, ёш йигитнинг миясидаги бу даҳшатли орзу ҳам шу қадар табиийдир. Қуллар иши кўп бўлган ерда, эркин ижодий фикр учун ўрин бўлиши мумкин эмас, у ерда фақат харобалик идеялари гуллаши, ҳайвоннинг зўр исёни авж олиши мумкин. Бу нарса тушунарлидир — одамлар инсон қалбини майиб қилиб қўйгандан кейин, ундан шафқат кутмасликлари керак.

Инсон қасос олиш ҳуқуқига эгадир — унга бу ҳуқуқни одамларнинг ўзлари берадилар.

Ис босган хира осмонда кун ботмоқда. Катта уйлар яна мудҳишроқ, яна вазминроқ кўринмоқда. Бу уйларнинг гоҳ у, гоҳ бу қора бурчакларида чироқлари ёқилиб, бу мақбараларнинг жонсиз бойлигини кечаси билан қўриқлаши лозим бўлган ғалати йиртқичларнинг сариқ кўзларига ўхшаб ялтирамоқда.

Одамлар кундузги ишни тамомладилар. Улар бу ишнинг нима учун қилинганини, ўзлари учун нима кераги борлигини ўйламай, ухлаш учун югуриб уйларига кетмоқдалар. Йўлкалар инсон гавдаларининг қорамтир оқинлари билан тўлган. Ҳамма одам бошига бир хил юмалоқ шляпа кийиб олган, ҳамма миялар ҳозирданоқ уйқуга кетганини кўзидан билиш мумкин. Иш тамом бўлди, энди ўйлайдиган бошқа нарса қолмади. Ҳамма фақат хўжайини учун ўйлайди, ўзи тўғрисида ҳеч ўйламайди, агар иш бўлса — нон

ҳам, арзон турмуш лаззати ҳам бўлади. Сариқ Иблис шаҳридаги одамларга бундан бошқа ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ.

Одамлар ўз ётоқларига, ўз хотинлари, ўз эрлари олди-га борадилар, кечаси дим хоналарда терлаб-пишиб, шаҳарга янги ем туғилиши учун ўпишадилар...

Улар кетяптилар. На кулги, на гурунг эшитилади, на табассум кўринади.

Автомобиллар ғақиллайди, қамчилар шарақлайди, электр симлари гингиллайди, вагонлар гулдурайди. Эҳтимол, аллақерда музика чалинаётгандир.

Болалар газеталарнинг номларини чинқириб айтадилар. Шарманканинг ёқимсиз овози ва аллакимнинг фарёди, қотил ва қизиқчининг ҳам фожиали, ҳам кулгили равишда бел олишиб қучоқлашига ўхшаб, қўшилиб кетади. Кичкина одамлар жимгина борадилар — гўё тоғ этагига тошлар думалаб тушаётгандай...

Сариқ чироқлар тобора кўпроқ ёна бошлайди — бутун-бутун деворларни қоплаб, пиво, май, совун, янги устара, шляпа, сигара, театрлар ҳақидаги сўзлар ялтирайди. Олтиннинг васвасага солувчи турткиси остида кўчалар бўйлаб ҳамма ёққа кириб бораётган темирнинг гулдуриси пасаймайди. Энди, ҳамма ерда чироқлар ёнган пайтда, бу узлуксиз фарёд яна зўраяди, янги маънога, янада вазминроқ кучга эга бўлади.

Уйларнинг деворларидан, вивескалардан, ресторанларнинг деразаларидан — эритилган Олтиннинг кўзни қамаштирувчи нури қуйилади. Бу сурбет, ярқироқ нур, ҳамма ерда тантанали равишда дидрайди, кўзни олади, хунук ярқироқ шуъласи башараларни буруштириб кўрсатади. Бу нурнинг алдамчи ярқираши одамларнинг иш ҳақларига берилган арзимас чақаларни тортиб олиш йўлидаги суқ истак билан тўлган, бу нурдан ясалган ёлқинли сўзлар кўз қисади ва ишчиларни арзон баҳо кайфи сафога чақиради, уларга қулай нарсалар таклиф этади...

Бу шаҳарда электр ёғдуси ҳаддан ташқари кўп! Биринчи қарашда, бу нарса гўзал кўринади, кишини руҳлантиради ва қувонтиради. Ёғду — эркин табиий ҳодиса, қуёшнинг мағрур фарзанди. У порлаб яшнаганда унинг гуллари елпинади, ер юзидаги барча гуллардан гўзалроқ яшнайдди. Ёғду ҳаётни тозалайди, чиркин, ўлик ва ифлос нарсаларнинг ҳаммасини йўқ қилиб юбора олади.

Аммо бу шаҳарда ойналардан ясалган, тиниқ зиндон-



ларга қамалган ёғдуга кўз ташласанг, бу ердаги ҳамма нарса каби, унинг ҳам қул этилганини фаҳмлайсан. Ёғду Олтинга, Олтин учун хизмат қилади: у, одамларга душман, одамлардан олис...

Темир, тош, ёғоч — ҳамма нарса каби, ёғду ҳам одамга қарши уюштирилган фитнага қўшилган; у, одамнинг кўзини кўр қилиб:

— Бу ёққа кел,— деб чақиради уни.

Ва алдаб-сулдаб:

— Пулингни бер!..— дейди.

Одамлар уни гапига қулоқ солиб, олдига борадилар. Ўзларига кераксиз ва ярамас нарсаларни сотиб оладилар, ақл-идрокига путур етказадиган томошани кўрадилар.

Шаҳар марказининг бирор ерида катта Олтин бўлаги шаҳвоний қийқириқ ва даҳшатли тезлик билан айланиб турганга ўхшайди. У барча кўчаларга майда-майда заррачаларини сочади-ю, одамлар кун бўйи очкўзлик билан шу заррачаларини излаб топиб, тутиб олаётганга ўхшайди. Бироқ кеч ҳам киради, энди Олтин бўлаги тескари томонга айлана бошлайди, аллақандай хунук, ўтли гирдоб ҳосил қилади-да, одамлар кундуз кунни топиб олган заррачаларни қайтариб олиш учун бало-ю қазодай уларни ўз дамига торта бошлайди. Одамлар кундузи олган нарсаларидан кўпроқ нарсани берадилар, эртаси кун эрталаб Олтин бўлагининг ҳажми ортади, у яна тезроқ айлана бошлайди, унинг қули бўлган темирнинг тантанали бўкириши яна баландроқ авжга минади, Олтин қул қилган барча кучларнинг шовқин-сурони янада кучаяди.

Одамларнинг қонини ва миясини кечга томон совуқ, сариқ металлга айлантириш учун Олтин одамларнинг қони ва миясини бугун кечагидан кўра баттарроқ очкўзлик, баттароқ зўравонлик билан сўра бошлайди. Олтин бўлаги — шаҳарнинг қалби. Бутун ҳаёт шу Олтиннинг айланишига, бу ҳаётнинг бутун маъноси шу Олтин ҳажмининг ўсишига боғлиқ.

Мана шунинг учун одамлар кун бўйи ер ковлайдилар, темир қуядилар, уй қурадилар, фабрикаларнинг тутунидан нафас оладилар, баданларининг ҳужайраларини касал тарқатувчи ифлос, заҳарланган ҳаво билан тўлдирадилар, шунинг учун улар ўзларининг гўзал баданларини сотадилар.

Бу ярамас сеҳргарлик одамларнинг кўнгилларини овутади, уларни Сариқ Иблис қўлида чаққон қурол қилиб

қўяди, шундай бир руда қилиб қўядики, Сариқ Иблис бундан ўзининг жони тани бўлган Олтинни тинмай эритиб қуяверади.

Океан бўшлиғидан тун келмоқда, шаҳарга салқин, шўр нафасини ёймоқда. Совуқ нурлар тун бағрига минг-минг найзалардек санчилмоқда, тун уйларнинг хунуклигини, тор кўчаларнинг разолатини, чувринди қашшоқликнинг ифлосликларини раҳмдиллик билан қора либосга ўраб келмоқда. Туннинг тинчлигини бузиб, очкўз телбаликнинг ваҳшиёна фарёди тун қаршисига бормоқда — тун келмоқда ва ўзининг юмшоқ қўли шаҳарнинг йиринг босган яраларини ёпиб, қул қилинган ёғдунинг сурбет ярқироғини аста сўндирмоқда.

Аммо тун, ўргимчак ини каби чатишиб кетган кўчалар орасига кирази-ю, бироқ шаҳарнинг заҳарли буғларини ўзининг тоза нафаси билан енгишга, қувиб юборишга қодир эмас. Тун деворларнинг қуёш қиздирган тошларига суркалади, томларнинг занг босган тунукаларида, ифлос тош кўчаларда ўрмалайди, заҳарли чангни ўзига сингдиради, ҳидларни ютади ва қанотлари қайрилиб, мажолсизланиб, уйларнинг томларига, кўчаларнинг ариқларига жимгина чўзилади. Унинг фақат зулмати қолади — ундаги тозаликни, шабадани тошлар, темирлар, ёғочлар, одамларнинг кир ўпкалари ютиб юборади. Энди туннинг ороми ҳам йўқ, латофати ҳам...

Шаҳар дим ҳаво қучоғида ухлайди, каттакон ҳайвон каби гўлдирайди. У кун бўйи жуда кўп ҳар хил овқат еган, иссиғи баланд, аҳволи ноқулай, алоқ-чалоқ қўрқинчли тушлар кўради.

Ёғду ўзининг игвогарлик вазифасини реклама учун майлилик хизматини бажариб, қалтираб сўнади. Уйлар тош деворлари ичига одамларни бирин-кетин ямлаб ютади.

Озгин, новча ва букчайган одам кўчанинг муюлишида туриб, нурсиз, маъюс кўзларини ўнгга, чапга ташлайди, оҳиста бош чайқайди. У қаерга борсин? Ҳамма кўчалар бир хил, ҳамма уйларнинг оқ тушган кўзга ўхшаш хира ойналари, бир-бирларига бир хилда бепарволик билан индамай қараб туради...

Оғир кулфат илиқ қўли билан кекирдакни қисиб, нафасни бўғади. Уйларнинг томларида эса, бу лаънати бадбахт шаҳардаги кундузги буғланишлардан пайдо бўлган тиниқ

булут ҳаракатсиз туради. Мана шу парда орасидан поёнсиз юксакликда сокин юлдузлар хира нур сочиб жимирлайди.

Бояги одам шляпасини олиб, бошини кўтаради, тепага қарайди. Бу шаҳардаги уйларнинг баландлиги, бошқа жойлардагидан кўра ердан осмонни олисроқ қилиб қўйипти. Юлдузлар майда-майда, якка-ёлғиз...

Узоқда мис труба ваҳимали товуш тарқатди. Бояги одамнинг узун оёқлари ғалатиноқ қалтирайди, у аста қадам ташлаб, бошини қуйи солганича қўлларини силкитиб, кўчалардан бирига кириб кетади. Алламаҳал, кўчаларда тобора одам камаяди. Якка-ёлғиз майда-майда одамлар қоронғиликда пашшалардай кўздан ғойиб бўладилар. Муюлишларда кул ранг шляпа кийган, таёқ ушлаган полициячилар туради. Улар иякларини аста қимирлатиб тамаки чекади.

Бояги одам шуларнинг ёнидан, сим ёғочлар ёнидан, уйларнинг деворларидаги жуда кўп қора эшиклар — тўрт бурчак оғзини мудроқ ҳолда очиб турган қоронғи эшиклар ёнидан ўтиб кетади. Аллақаерда — олисларда трамвай вагони ғийқ этиб, фарёд кўтаради. Тун, кўчаларнинг чуқур қафасларида димиқиб қолди, тун жон берди.

Бояги одам вазмин қадам ташлаб, новча, эгик қоматини бир маромда тебратиб боради. Унинг вужудида аллақандай ўйчанлик бор, гарчанд қатъий бўлмаса ҳам, аммо ҳал қилувчи ўй...

Менимча, у ўғри бўлса керак.

Шаҳарнинг зулмат пардаси ичида ўзини тирик деб билувчи одамни кўриш ёқимлидир.

Очиқ деразалар одам танасидан чиққан тернинг қўланса хидидан нафас олади.

Дим, юракни эзадиган зулматда тушуниб бўлмас бўғиқ товушлар уйқу аралаш кезади...

Сариқ Иблиснинг мудҳиш шаҳри уйқуга кетди ва тушида алаҳламоқда.

1906.

## РЕСПУБЛИКА ҚИРОЛЛАРИДАН БИРИ

... Қўшма Штатларнинг пўлат, керосин ва ўзга ҳамма қироллари доим хаёлимни чалғитиб келардилар. Бунчалик серпул одамларни мен оддий кишиларга сира ўхшата олмас эдим.

Менга уларнинг ҳар бирида, ҳеч бўлмаганда, учта қорин ва юз элликта тиш бордек туюларди. Мен ўзимча ўйлардим: миллионер ҳар кун эрталаб соат олтидан, кечаси соат ўн иккигача сира тинмай овқат ейди; у энг қимматбаҳо овқатларни: ғозлар, куркалар, чўчқа болалари, мой солинган редиска, пудинг, кэк ва бошқа нози неъматларни паққос туширади; кечга бориб, ковшана беришдан жағи шундай толадики, овқатни негрларга чайнатиб, ўзи фақат ютибгина ўтиради; ниҳоят, у тамом ҳолдан кетади, терга тушади, нафаси қиснади, ана шундан кейин негрлар уни олиб кириб ётқизадилар; эрталаб, соат олтида, у ўзининг азобли ҳаётини яна янгидан бошлайди, деб юардим.

Мана шундай зўр берса ҳам, у барибир, капиталдан келадиган даромадининг ақалли ярим процентини ҳам еб битира олмайди.

Албатта, бундай ҳаёт қийин бўлади. Лекин, начора? Оддий кишидан кўра кўпроқ еб-ичмагандан кейин миллионер бўлишдан нима фойда?

Менга шундай туюлардики, унинг кўйлак-лозими энг аъло шойидан, этигининг пошналарига қоқилган михлар тилладан, бошига кийган шляпаси эса бриллиантдан ясалган аллақандай нарсадан. Камзули энг қимматбаҳо бахмалдан, узунлиги камида эллик фут, камида уч юз дона олтин тугма билан безалган. Байрам кунлари бирданига

саккиз қават камзул, олти қават шим кияди. Албатта, шунча кийим қўполлаштиради ва қийнайди... Ахир, шунча бой бўла туриб, эл қатори кийиниш ҳам ярамайди-да...

Миллионернинг чўнтагини шундай чуқур деб билардимки, унга бутун бошли черковни, сенат биносини ва керакли нарсаларнинг ҳаммасини бемалол жойлаб юбориш мумкин... Шундай жанобнинг қорнини денгиз пароходининг каттакон омборига ўхшатардим, лекин бу махлуқнинг оёқлари билан шимлари қанчали узунлигини ҳеч кўз олдимга келтиролмас эдим. Ҳар ҳолда, у ёпиниб ётадиган аёлнинг катталиги бир квадрат милдан кам бўлмаса керак, деб ўйлардим. Агар у тамаки чекадиган бўлса, шубҳа йўқки, унинг тамакиси энг аъло навдан, у бирданига икки қадоғини чекади. Борди-ю, бурнаки ҳидлайдиган бўлса, бирданига бир қадоғини ҳидлайди. Пулни харажат қилиш керак-да, ахир...

Қўлининг бармоқлари жуда ажойиб сезгига ва исталган даражада чўзилиш макрига эга: агар у Нью-Йоркда ўтириб, Сибирнинг аллақаерида доллар униб чиққанини сезиб қолса, Берингов кўрфази орқали қўл чўзади-да, жойидан жилмасданоқ, ўша дилрабо ниҳолни юлиб олади.

Қизиқ, шунча нарсаларни тасаввур қилдим, лекин махлуқнинг калласи қандайлигини ҳеч кўз олдимга келтира олмадим. Буни ҳам қўйинг, ҳамма нарсани сиқиб, ундан олтин чиқариб олиш иштиёқи-ла жонланган шу қадар мускул ва суяк устида яна калла бўлиши жуда ҳам ортиқча туюларди. Хуллас, миллионер тўғрисида ҳосил қилган тасаввурларим тугалланмаган бир шаклда эди. Қисқаси, миллионер ғоят узун ва эгилувчан қўллардан иборат эди. Бу қўллар бутун ер куррасини қамраб олиб, уни каттакон бир қора оғизга келтириб ташларди, бу оғиз эса, бизнинг еримизни худди қўрда сингдириб пиширилган иссиқ картошқадай ғажир, сўлакайини оқизиб кавшарди...

Бир кун бир миллионерни кўриб, жуда ҳам ҳайрон бўлдим: у ҳам росмана одам экан.

Менинг қаршимда чуқур креслога ботиб, новча, қотма бир чол тириш босган сарғиш қўлларини қорни устига қовуштириб ўтирарди. Унинг қўли ҳам оддий инсон қўлидай эди. Юзининг нозик териси соқол-мўйловдан яхшилаб тозаланган, ҳорғинликдан сўлжайган пастки лаби — келишган жағини очиб, олтин тишларини кўрсатиб турарди. Мўйлови олинган, қони қочган, устки нозик лаби унинг кавшаниш машинасига жипс ёпишган; чол гапирганда уст-

ки лаби қарийб қимирламас, нурсиз кўзлари устида қошдан асар йўқ, тақир калласида битта ҳам тук кўринмас эди. Бу шахснинг териси торлик қилаётганга ўхшарди, чунки унинг қизғиш, ҳаракатсиз силлиқ юзи чақалоқнинг юзини эсга туширарди. Бу махлуқ ўз ҳаётини энди бошляптими ёки уни тамом қияптими, буни аниқлаш қийин эди...

У ҳам оддий кишилардай кийинган. Узуги, соати ва тишлари олтиндан, ундаги бор-йўқ олтин шуларгина, холос. Агар ҳаммаси бир ерга тўпланса, ярим қадоқдан ортмаса керак. Хуллас, бу одам Европа аристократлари уйдаги қари хизматкорни эслатар эди...

У шундай бир хонада қабул қилдики, унинг жиҳозлари ўзининг ҳашаматли ва чиройи билан мени ҳайратда қолдирмади. Мебели салобатли. Бу ҳақда айтиладиган гапнинг ҳаммаси шу.

Мебеллар менда: «Балки бу уйга филлар ҳам кириб турар», деган фикр туғдирди.

— Миллионер... сиз бўласизми?— деб сўрадим, ўз кўзларимга ишонмай.

У дадил бош силкиб:

— О, албатта!— деб жавоб берди.

Мен, сўзингизга ишонаман, дегандай қиёфа олиб, унинг асли-наслини аниқлашга киришдим.

— Нонуштада қанча гўшт ея оласиз?— деб сўрадим ундан.

— Мен гўшт емайман!— деди у.— Бир кесим апельсин, бир дона тухум еб, бир пиёла чой ичаман — бўлгани шу...

Унинг чақалоқники сингари маъсум кўзлари каттакон икки томчи лойқа сувдай қаршимда хирагина мўлтиради. Мен бу кўзларда заррача ёлгон, сохталик кўрмадим.

— Яхши!— дедим ажабланиб.— Лекин самимият билан ростини айтинг, бир кунда неча маҳал овқат ейсиз?

— Икки маҳал!— деди у оҳистагина.— Нонушта-ю тушлик овқат менга кифоя. Тушда бир тарелка шўрва, оқ гўшт ва бирор ширинлик, мева есам бас. Бир чашка кофе ичаман. Сигара...

Менинг ҳайратим ошқовоқдай тез ўса борди. У менга авлиёдай қараб турарди. Мен нафасимни ростлаб:

— Агар шу айтганларингиз чин бўлса, пулларингизни нима қиласиз?— дедим.

Шундан кейин у кифтларини бир оз кўтарди, кўзлари чаноғида ҳаракатга келди, сўнг шундай деб жавоб берди:

— У пуллар билан яна пул топаман...

— Нима учун?

— Яна янги пул топиш учун...

Яна қайтариб сўрадим:

— Нима учун?

У, кресло қанотига тирсагини қўя туриб, мен томонга энгашди-да, мароқлангансимон:

— Сиз жиннимисиз?— деб сўради.

— Ўзингиз-чи?— деб саволга савол билан жавоб бердим.

Чол калласини солинтириб, олтин тишлари орасидан тўнғиллади:

— Аломат йигит... умримда сендақасини энди кўришим...

У шу сўзлардан кейин бошини кўтарди ва оғзини қулоқларига етар даражада очиб, мени жимгина кузата бошлади. Юзидаги хотиржамликка қараганда у ўзини ақли расо киши деб ҳисоблар эди. Галстугига қадалган кичкина бриллиант кўзли бир тўғнағичга кўзим тушди. Агар бу тош пошнадай катта бўлганда, мен бирор нарсага тушунган бўлар эдим.

— Нима иш билан шуғуланасиз?— деб сўрадим.

У кифт қоқиб:

— Пул қиламан!— деб қисқагина жавоб берди.

— Ҳа, қалбаки пул ясайсизми?— деб суюниб сўрадим; унинг сирини фош қилишимга оз қолгандай туюлди. Шу пайт у паст овоз билан ҳиҳилай бошлади. Гўё кўзга кўринмас бир қўл унинг биқинини қитиқлаётгандай, бутун гавдаси силкинар эди. Кўзлари тез-тез пирпирарди.

— Мана буниси қизиқ бўлди!— деди у тинчланиб ва юзимга қониққан кишидай назар солди.— Яна бир савол берсангиз-чи!— деди-ю, негадир бетларини шиширди.

Мен бир оз ўйлаб, сўнгра шу саволни қатъий қилиб қўйдим:

— Пулни қандай қилиб топасиз?

— А! Тушундим!— деди у бош ирғаб.— Бу жуда осон нарса. Менинг темир йўлларим бор. Фермерлар мол етиштиради. Мен молларни бозорга етказиб бераман. Даромад-ни ҳисоблаб чиқаман-да, фермер очидан ўлмаслигини ва кейин ҳам ишлаб туришини мўлжаллаб, унга бир улушни бераман, қолганини эса, ташиб берганим учун ўзимга оламан. Бундан осони йўқ.

— Фермерлар ризо бўлишадими?

— Ҳаммаси ҳам ризо бўлавермаса керак деб ўйлайман!— деди у болаларча соддалик билан.— Лекин одамзоднинг феъли маълум: ҳеч вақт у нолишини қўймайди. Тўнғиллаб юрадиган тентаклар ҳар вақт топилади...

— Ҳукумат сизга халал бермайдими?— деб камтарлик билан сўрадим.

— Ҳукуматми?— деб такрорлади ва пешанасини қашиб, ўйланиб қолди. Кейин бир нарса эсига тушгандай, бош ирғади.— Ҳа-ҳа... Ҳа, у... Вашингтондагиларми? Йўқ, улар халал бермайди. Улар жуда яхши одамлар. Уларнинг орасида менинг клубимга алоқадор кишилар ҳам бор. Лекин уларни жуда кам кўришга тўғри келади... Шу сабабли баъзан эсдан ҳам чиқариб юборишади. Йўқ, улар халал бермайди,— деб такрорлади-да, яна дарҳол мароқланиб сўради:— Ажабо, одамларнинг пул топишига халал берадиган ҳукуматлар ҳам борми?

Мен ўзимнинг соддалигим ва унинг донолигидан пича хижолат бўлдим.

— Йўқ,— дедим паст овоз билан,— мен у тўғрида гапираётганим йўқ... Мен, сизга айтсам, баъзан ҳукумат очиқ-ошкор талончиликни тақиқ қилиши керак, деб ўйлайман...

— Бироқ,— деб эътироз билдирди у.— Бу идеализм. Бу ерда бундай қонда йўқ. Ҳукуматнинг хусусий ишларга аралашишга ҳақи йўқ...

Бу гўдакнинг оғир, босиқ донолиги олдида менинг камтарлигим оша борди.

— Ажабо, кўп кишининг бир киши томонидан хонавайрон қилиниши хусусий иш ҳисобланадими?— деб назокат билан сўрадим.

— Хонавайрон қилиниши?— дея такрорлади у, кўзларини чаноғидан чиқариб.— Ишчи кучи қиммат тургандагина хонавайронлик бўлиши мумкин. Сўнгра иш ташланган пайтда ҳам шундай бўлади. Лекин бизда муҳожирлар бор. Улар ҳар вақт ишчилар ҳақини камайтирадилар ва иш ташлаганларнинг ўрнига бажону дил кириб ишлайдилар. Улар мамлакатда етарли даражада кўпаяверса, арзонга ишласа ва кўп нарса сотиб олаверса — иш қантдек бўлади.

У бирмунча жонланди, у ҳам чолга, ҳам гўдакка ўхшар, энди ўзига сира ўхшамасди. Нозик қорамтир бармоқлари қимирлаб қолди, қалдироқ овози эса қулоқларимга урилиб, ғашимни келтирди.



— Ҳукумат? Бу, дарҳақиқат, қизиқ савол, ҳа. Яхши ҳукумат зарур. У мана шу масалаларни ҳал қилиши керак: мамлакатда мен сотишни хоҳлаган нарсаларимнинг ҳаммасини батамом сотиб олишга етадиган халқ бўлиши лозим; ишчи шу даражада кўп бўлиши керакки, мен уларга муҳтож бўлмай, лекин битта ҳам ортиқ бўлмасин! Ана шунда социалистлар бўлмайди. Иш ташлаш ҳам бўлмайди. Ҳукумат катта солиқлар олмаслиги керак. Халқ бериши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзим оламан. Мана шундай ҳукуматни мен яхши ҳукумат дейман.

«У бемаънилигини ошкор қиляпти, бу шубҳасиз, ўзини улуғ билиш аломати,— деб ўйладим.— Балки у чинакам қиролдир...»

У ишонч ва қатъият билан давом этди:

— Мен мамлакатда тартиб бўлишини истайман. Ҳукумат озгина ҳақ билан ҳар хил файласуфларни ёлмайди; улар ҳар якшанба камида саккиз соатдан ваъз ўқиб, қонунни ҳурмат қилиш масаласидан халққа таълим беради. Агар бу ишга файласуфлар ярамаса, солдатни ишга солиш керак. Бунда усул эмас, фақат натижа муҳим. Ишлатувчи ҳам, ишчи ҳам қонунни ҳурмат қилишга мажбур. Гап шундай!— Бармоқларини ўйнаб туриб сўзини тугатди миллионер.

«Ўйўқ, у эси паст одам эмас, қарийб қирол!» деган ўйга бориб:

— Сиз ҳозирги ҳукуматдан мамнунмисиз?— деб сўрадим.

У дарҳол жавоб бера қолмади.

— Ҳозир ҳукумат ўз имкониятидан камроқ иш қиляпти. Мен демоқчиманки, мамлакатга муҳожирларни ҳозирча кирита бериш керак. Лекин бизда сиёсий эркинлик бор, улар шундан фойдаланадилар — бунинг учун ҳақ тўлаш керак. Майли, ҳар бир муҳожир лаоқаал беш юз доллардан олиб келсин. Беш юз долларли киши эллик долларли кишидан ўн марта яхшироқ. Ёмон одамлар — саёқлар, гадойлар, касаллар ва бошқа танбаллар ҳеч кимга керак эмас.

— Лекин бу талаб муҳожирларнинг келишига путур етказди-ку...— дедим.

Чол ҳа дегандай бош қимирлатди.

— Вақти келганда уларни мамлакатга бутунлай киргизмасликни таклиф қиламан... Ҳозирча, майли, ҳар бир муҳожир бир оздан тилла келтириб турсин. Бундан мамлакат наф кўради. Сўнгра, гражданлик ҳуқуқини олиш муд-

датини ҳам чўзиш зарур. Кейинча бу ҳуқуқни бутунлай битиришга тўғри келади. Америкаликлар фойдасига иш-лашни хоҳлаганлар бўлса, ишлай берсинлар, лекин уларга Америка гражданлиги ҳуқуқини асло бериб бўлмайди. Америкалик граждан етиштириш энди кифоя. Ҳар бир америкалик мамлакат аҳолисини ўстириш тўғрисида ўзи ғамхўрлик қила билади. Буларнинг ҳаммаси — ҳукуматга тааллуқли ишлар. Ҳукуматни бошқачароқ қилиб қўйиш зарур. Ҳукумат аъзоларининг ҳаммаси саноат корхоналарида ҳиссадор бўлсин, ана шунда улар мамлакат манфаатларини тезроқ ва яхшироқ тушунадилар. Энди мен сенаторларни сотиб олишим ва менга... ҳар хил майда-чуйда нарсалар зарурлигига уларни ишонтиришим керак. Ана шундай қилсам яхши бўлади...

У уҳ тортди, оёғини типирчилатди, кейин илова қилди:

— Ҳаётни олтин тоғининг чўққисидангина тўғри кўра биласан.

Энди унинг сиёсий қарашлари етарли даражада равшан бўлгандан кейин, мен ундан сўрадим:

— Дин тўғрисида нима дейсиз?

— О!— деди у тиззасига бир уриб ва қошларини чи-мириб.— Дин тўғрисида фикрим жуда яхши! Дин — халққа жуда зарур. Мен бунга астойдил ишонаман. Ҳатто яқ-шанба кунлари ўзим ҳам черковда динни тарғиб қила-ман... ҳа, бўлмаса-чи!

— Ростдан-а?— деб сўрадим.

— Черковда ҳақиқий христиан айтиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай айтаман!— деди у ишонч билан.— Мен, албатта, камбағалларни худо-жўйликка чақираман — камбағаллар ҳар вақт ширин сўз-нинг ва оталик насихатларнинг гадолари бўлади... Мен уларга...

Унинг юзи бир он чақалоқ юзига ўхшаб кетди, кейин эса лабларини маҳкам жуфтлаштириб, кўзларини шифтга кўтарди: шифта фаришталар Йоркшир чўққасиникига ўх-шаш териси пушти ранг семиз бир хотиннинг яланғоч гав-дасини уялиб ёпиб турарди. Унинг рангсиз чуқур кўзлари шифтдаги ола-була бўёқларни акс эттирар ва ранг-баранг учқунлар сочиб чақнар эди. У секин-аста гап бошлади.

— Диндош қариндошларим ва ҳамшираларим маккор Иблиснинг васвасасига учмангиз, ер роҳати ва бахтидан воз кечингиз. Ерда ҳаёт қисқагина: одам фақат қирқ ёши-гача ишлай олади, сўнгра уни ҳеч ким фабрикага олмайди.

Ҳаёт — омонат. Сиз ишдасиз, қўлингиз нотўғри ҳаракат қилса — машина суюқларингизни майдалаб ташлайди, офтоб урса, биратўла шўрингиз қурийд! Сизни ҳар ерда касаллик, ҳар ерда бахтсизлик таъқиб этади! Иуда саҳобанинг укаси Ёқуб саҳоба айтганидек, камбағал одам бами-соли томга чиқиб олган кўрдайдирки, қаёққа қадам босмасин — йиқилади ва чилпарчин бўлади. Қариндошларим! Бу дунёга кўнгил қўймангиз, бу дунё — кишиларни васвасага солувчи шайтон инидир. О, ҳазрати Исонинг меҳрибон умматлари, сиз гашту роҳатни бу дунёда эмас, падарни бузруквор айтган арши аълодан топасиз. Магар сиз ердаги умрингизни зорланмай, нолимай, сабру тоқат билан жимгина ўтказсангиз парвардигори олам сизга биҳиштни раво кўргай ҳамда бу дунёда тортган азиятларингиз учун сизга абадий айшу ишрат бахш этгай. Бу фоний дунёда кечириётган умрингиз руҳингизни пок этувчи бир омилгина, ҳозир қанча кўп азобу уқубат кўрсангиз, у дунёда шунча айшу ишрат ва роҳат кўргайсиз. Бу сўзларни саҳоба Иуда айтган эдилар.

У қўли билан шифтга ишора қилди, ўйлади ва совуқ, қаттиқ бир оҳангда давом қилди:

— Шундай, азиз қариндош ва ҳамшираларим! Агар биз жонимизни яқин кишиларимизга — уларнинг кимлигидан қатъий назар — фидо қилмасак, бу бебаҳо ва бевафо дунёдан кўзимиз очиқ кетгай. Қалбингизни ҳасадчи Иблисга тутқизмангиз. Бу дунёда нимага ҳасад қиласиз? Бу дунёда кўрадиган роҳатингиз — анчайин бир шарпа, Иблисининг ўйинидир. Бир кун ҳаммамиз, бойлар ва камбағаллар, шоҳлар ва кўмир қазувчилар, банкирлар ва кўча супурувчилар — баримиз ўлиб кетамиз. Кўмир қазувчилар балки Боғи Эрамда подшо бўлиб ўтирарлар, ҳозирги подшолар эса, ҳар кун сиз еб ташлаган конфет қоғозлари ва япроқлар тўқилган боғ йўлларини супуриб юрарлар. Қариндошлар! Бу дунёдан, инсон руҳи чақалоқ каби адашиб юрадиган бу қоронғи гуноҳлар ўрмонидан нимани ҳам кутиш мумкин? Муҳаббат ва итоат билан жаннатга борингиз, бошингизга тушган мушкулотларга сукут ва қунт билан бардош қилингиз. Ҳаммани ҳам ҳатто сизни оёқ ости қилганларни ҳам севингиз...

У кўзларини юмди ва креслода тебраниб, давом этди:

— Бировларнинг камбағаллигини ва бошқаларнинг бойлигини айтиб, қалбингизда гуноҳқорона ҳасад ҳислар уйғотган кишиларнинг сўзларига қулоқ солмангиз. Ундай

одамлар Иблис югурдакларидир: парвардигори олам яқин одамларга ҳасад қилишни ман этади. Бойлар ҳам камбағаллардирлар, чунки улар ўз яқинларига меҳр-муҳаббат қўйганликлари учун ҳам камбағалдирлар. «Бойларни севингиз, зеро, улар парвардигорнинг севган бандаларидир!» Ҳазрати Исонинг саҳобаларидан бири авлиёлар авлиёси Иуда шундай деган эди. Тенгликни ва Иблиснинг бошқа найрангларини тарғиб қилувчиларнинг сўзига кирмангиз. Бу фоний дунёда тенглик кимга керак? Парвардигори олам олдида қалбингизни пок қилиш учунгина бир-бирингизга тенглашинг. Тақдирга тан бериб сабру тоқат билан чинданг, итоат қилинг, ана шундагина оғир юкингиз енгил бўлгай. Фарзанди қобилларим, парвардигори олам сизларга паноҳдир, шунинг ўзи кифоя!

Чол оғзини катта очиб жим қолди ва тилла тишларини ярақлатиб, менга тантанали бир назар билан қаради.

— Сиз диндан яхши фойдаланар экансиз!— дедим.

— О, албатта! Диннинг қадрини биламан,— деди у.— Такрор айтаманки, дин — камбағаллар учун зарур нарса. Шунинг учун ҳам менга ёқади. Дин: ердаги ҳамма нарса Иблисники, дейди. О, инсон, агар ўз қалбингнинг поклигини сақлаб қоладиган бўлсанг, ер юзидаги ҳеч нарсага тегма, орзу ҳам қилма. Улганингдан кейин, охиратда ҳаёт лаззатини тотасан, аршу аълода ҳамма нарса сеники! Одамлар шу нарсаларга ишонса, уларни қўлга олиш осон бўлади. Ҳа. Дин нима-ю, мой нима. Мана шу мойни ҳаёт машинасига қанча кўп суртсак, машина қисмлари шунча равонлашиб, машинистнинг иши енгиллашади...

«Ҳа, бу одам қиролнинг худди ўзи!» деган фикрга келдим ва ота-бобоси чўчқабоқар ўтган бу жанобдан ҳурмат билан сўрадим:

— Хўш, сиз ҳам ўзингизни христиан деб биласизми?

— О, албатта,— деб тўла қаноат билан хитоб қилди.— Лекин мен,— у қўлларини юқорига кўтариб, таъсир қолдириш истагида гапирди:— айти замонда америкалик ва шу билан бирга қаттиқ қўл ахлоқ муҳибиман.

Унинг юзи фожиали тус олди: лаблари дўрдайди, қулоқлари бурнига томон силжиди.

— Хўш, нима демоқчисиз?— овозимни пасайтириб сўрадим.

— Гап шу ерда қолсин!— деб секин огоҳлантирди.— Америка фуқароси Исони тан ололмайди!

— Тан ололмайди?— деб бир нафасдан кейин оҳиста сўрадим.

— Албатта, тан ололмайди-да!— У ҳам оҳиста тасдиқлади. Мен бирпас жим турганимдан кейин:

— Нима учун?— деб сўрадим.

— Исо ҳароми! Чол менга кўзини бир қисди-ю, тева-ракка жаланглаб қаради.— Тушундингизми? Америкада ҳаромилар наинки худо, ҳатто амалдор ҳам бўла олмайди. Бундай кишиларни тузукроқ одамлар ёнларига ҳам йўлатмайди. Унақа кишиларга қизлар ҳам тегмайди. О, биз шунақа қаттиқ қўл одамлармиз! Агар биз Исони тан оладиган бўлсак, унда ҳамма ҳаромиларни... мабодо, у негр билан оқ кишидан туғилган бўлса ҳам, яхши одамлар деб билишга тўғри келар эди. Ўйлаб кўринг, қандай мудҳиш нарса! А?

Бу чинакам мудҳиш нарса бўлса керак, чунки чолнинг кўзлари кўкариб, бойқушниги сингари чаноғидан чиқиб кетаёзди. У пастки лабини кўтариб, тишларига қапиштирди. Балки, шу қилиғи билан юзига ишонарли ва жиддий тус беришни истагандир.

Демократик мамлакатнинг ахлоқ ақидаси таъбимни тирриқ қилди.

— Сизлар негрни одам ўрнида кўрмайсизларми?— деб сўрадим. У афсусланиб хитоб қилди:

— Вой, содда одам-эй! Ахир улар қоп-қора занжирлар-ку! Яна қўлансалигини айтинг. Негр оқ тан хотин билан яқинлик қилганини билиб қолсак, ўша заҳоти адабини берамиз. Пайсалга солиб ўтирмаймиз! Дарров бўйнига сиртмоқ солиб, дарахтга осамиз... Ахлоқ масаласида жуда қаттиқ қўлмиз...

Бу жаноб менда, киши сасиб қолган жасадга беихтиёр қараганда ўзини қандай ёмон ҳис қилса — шундай ҳис уйғотди. Лекин бошлаган ишимни охирига етказишим керак эди. Мен ҳақиқат, ҳуррият, ақл ва фаросатни ҳамда ўзим ишонган бутун муқаддас нарсалар жараёнини тезлатиш мақсадида устма-уст савол берардим.

— Сиз социалистларга қандай қарайсиз?

— Иблиснинг малайлари худди ана ўшалар-да!— У тиззасига бир уриб, дарров жавоб қилди: Социалистлар — ҳаёт машинасига тушиб қолган қум; улар шундай қумки, машинанинг ҳамма ерига кириб олиб, механизмнинг тўғри ишлашига халақит беради. Яхши ҳукумат даврида социалистлар бўлмаслиги керак. Америкада эса улар туғилиб

кўпаймоқда. Демак, Вашингтондаги кишилар ўз вазифаларини яхши англамайдилар. Улар социалистларни граждандлик ҳуқуқларидан маҳрум қилишлари керак. Бунинг аҳамияти катта. Мен ҳукумат ҳаётга яқинроқ турсин демоқчиман. Бунинг учун унинг барча аъзолари миллионерлар орасидан танлаб олиниши лозим. Худди шундай бўлиши керак!

— Сиз жуда одамохун экансиз!— дедим.

— О, албатта!— дея калласини қимирлатиб тасдиқлади. Энди унинг юзида гўдаклик қиёфаси батамом йўқолди, бетларида чуқур-чуқур ажинлар пайдо бўлди.

Мен ундан санъат ҳақидаги фикрини сўрамоқчи бўлдим.

— Сиз қандай қарайсиз...— деб сўрай бошлаган эдим, у бармоғини кўтариб, ўзи гапира кетди:

— Социалистнинг калласида даҳрийлик, қорнида эса анархистлик бор. Иблис унинг қалбини телбалик ва ғаддорлик қанотига ўтказиб учириб юради... Социалистга қарши курашиш учун дин ва кўпроқ солдат керак бўлади. Дин — даҳрийликка қарши, солдатлар эса анархияга қарши. Аввало, социалистнинг миясига черков ваъзаларининг қўрғошинини қуйиш керак. Агар бу ҳам кор қилмаса, солдатлар унинг қорнига қўрғошин отсинлар!..

У ишонч билан бош ирғаб қатъият билан:

— Иблиснинг кучи зўр!— деди.

— О, албатта!— деб мен ҳам рози бўлдим.

Сариқ Иблис, яъни Олтин таъсирининг кучини мана шундай равшан шаклда биринчи марта кўришим эди. Чолнинг подагра ва бод касали кемирган қоқ суяклари, эски терига тиқилган заиф чувак бадани — бутун бу чурук ахлат тўплами энди алдовлар ва руҳий фаҳшлар сариқ Олтиннинг совуқ ва мустаҳкам иродаси билан жонланиб кетди. Чолнинг кўзлари янги тангадек ярқирарди; унга жон кирди, тетиклашди. Энди у малайга яна ҳам кўпроқ ўхшай бошлади, лекин мен унинг хўжайини кимлигини билиб олдим.

— Санъат тўғрисида сиз нима дейсиз?— деб сўрадим.

У менга қаради, юзини қўли билан силади-да, қаттиқ ғазаб ифодасини юзидан сидириб ташлади. Унинг юзида яна қандайдир болалик ифодаси пайдо бўлди.

— Нима дедингиз?— деб сўради.

— Санъат тўғрисида сиз нима дейсиз?

У хотиржамлик билан деди:

— А, э-ҳа! Мен санъат устида бош қотириб ўтирмайман, тиккасига сотиб оламан қўяман...

— Мен буни биламан. Лекин бу ҳақда сизнинг ўз қарашингиз ва унга нисбатан талабингиз бордир?

— А, э-ҳа! Албатта, талабларим бор... Санъат кулдирадиган бўлиши керак — мен шуни талаб қиламан. Ҳар ҳолда, мени кулдирсин. Менинг ишимда куладиган нарса кам бўлади. Баъзан мияни тинчитадиган... баъзан эса, аъзойи баданни ғайратга келтирадиган нарсалар зарур. Шифтга ёки деворга солинадиган санъат нусхалари иштаҳани очиши керак. Эълонлар энг яхши, энг ярқироқ бўёқлар билан ёзилиши лозим. Шундай бўлсинки, эълон чорлаган жойга сизни узоқдан, бир милча наридан бурнингиздан тортиб келтирсин. Ана шунда унга сарф қилинган пул бекор кетмайди. Ҳайкаллар ёки вазалар — мрамор ёки чиннидан кўра бронзадан қилингани маъқул, негаки, хизматкорлар чиннидан кўра бронзани камроқ синдирадидлар. Хўроз уриштириш ва каламуш тутиш жуда қизиқ бўлар экан. Мен Лондонда кўрдим... Жуда қизиқ! Бокс ҳам яхши, лекин бир-бирини уриб ўлдиришга йўл қўймаслик керак... Музикада ватанпарварлик руҳи бўлсин. Марш ҳаммага ёқади, лекин Америка марши ҳаммасидан яхши. Америка дунёда энг яхши мамлакат, шунинг учун ҳам Америка музикаси дунёдаги музикаларнинг ҳаммасидан аъло. Яхши одамлар бор жойда яхши музика бўлади. Америкаликлар ер юзида энг яхши одамлардир. Уларнинг пули ҳамманикидан кўп. Ҳеч кимда бунчалик пул йўқ. Шунинг учун ҳам яқин орада бутун дунё бизнинг қўлимизга ўтади...

Мен бу хаста гўдакнинг худбинлик билан валақлашини эшитар ва миннатдорлик билан Тасмания ёввойи одамларнинг яхшилигини ўйлар эдим. Уларни ҳам одамхўр дейдилар, лекин уларда, ҳар ҳолда, эстетик ҳислар кўпроқ тараққий этган.

Ўз ҳаёти билан бир мамлакатни булғатган ва бу мамлакатни тилга олиб мақтанаверишига чек қўйиш учун, Сариқ Иблиснинг кекса қулидан сўрадим:

— Театрларга бориб турасизми?

— Театрга? О, албатта! Биламан, у ҳам санъатга киради! — деди ишонч билан.

— Сизга театрнинг нимаси ёқади?

— Яланғоч хонимлар ўйнаб турса-ю, мен тепада ўтириб томоша қилсам! — деди у, бир оз ўйлаб тургач.

Мен қизишиб сўрадим:

— Сизга театрнинг нимаси кўпроқ ёқади?

Оғзини карнайдай очиб хитоб қилди:

— О! Албатта, мен ҳам эл қатори артист қизларни ёқтираман. Агар артист қизлар қанчалик чиройли ва ёш бўлса, шунчалик уста бўлади... Лекин қайси бири ҳақиқатан ёш эканлигини дарҳол билиб бўлмайди. Ҳаммаси ҳам ўзини ёш кўрсатишга уринади. Биламан, уларнинг асл касби шунақа. Баъзан ҳа-ҳа, ана шуниси қиз деб ўйлайсан! Кейин қарабсанки, ёши элликда, ўзи ҳам икки юздан ортиқ ўйнашни кўрган. Буниси ёқмайди... Театрникидан цирк артист қизлари яхшироқ. Улар ҳамма вақт ёш ва тикма-чоқдай бўлади...

Афтидан, бу соҳада унинг тажрибаси зўр эди. Бутун умр гуноҳларга ботиб, суягим шу билан қотганига қарамай, мен ундан кўп нарсаларни биринчи марта эшитдим.

— Қалай, сизга шеър ёқадими?— деб сўрадим.

У этигига қаради ва пешанасини тириштириб туриб:

— Шеър?— деб такрор сўради. Бир оз ўйлади ва бошини кўтариб ҳамма тишларини биратўла кўрсатган ҳолда:— Шеър? О, албатта! Менга шеър жуда ёқади,— деди.— Агар ҳамма эълонларни шеър билан нашр қиладиган бўлса, турмуш, ҳаёт жуда хушчақчақ бўлиб кетар эди-да.

Мен иккинчи саволни беришга шошилдим:

— Сиз қайси шоирни севасиз?

Чол ҳайратланиб менга қаради-да, шошилмасдан сўради:

— Нима дедингиз?

Мен саволимни такрорладим.

— Хм... кўп аломат одам экансиз!— деди у шубҳа билан бош чайқаб.— Шоирнинг нимасини яхши кўрай? Уни яхши кўришнинг нима кераги бор?

Пешанамдаги терларни арта туриб:

— Кечиринг мени!— дедим.— Мен қайси китобни яхши кўрасиз деб сўрамоқчи эдим. Албатта, банка чеклари китобини айтмоқчи эмасман...

— О! Бу бошқа гап!— деди у.— Мен китобни яхши кўраман: инжил билан Бош бухгалтерияни яхши кўраман. Уларнинг ҳар иккови ҳам ақлни оширади. Қайси бирини қўлга олсанг, унда зориққан нарсангни беришга қодир бўлган куч борлигини сезасан.

«У мендан кулаётир!» деб ўйладим-да, юзига тикилиб қарадим. Йўқ. Унинг кўзлари бу гўдакнинг астойдиллигига бўлган ҳар қандай шубҳани рад этар эди. У ўз пўст-



лоғида қуриб қолган ёнғоқдай креслода ўтирар ва ўз сўзларининг чинлигига ишонгани ошкор кўриниб турарди. У, тирноқларига қараб туриб, давом этди:

— Шундай! Булар жуда яхши китоблар! Бирини пайғамбарлар ёзган бўлса, икинчисини ўзим бунёдга келтирганман. Менинг китобимда сўз кам, рақамлар бор. У рақамлар ҳалол ва астойдил ишлаган одамнинг нималар қилиши мумкинлигидан баҳс этади. Ўлганимдан кейин ҳукумат менинг китобимни нашр қилиши керак. Одамлар мана шундай юксакликка кўтарилиш учун қандай йўллардан бориш кераклигини кўрсинлар.

Шу сўзларни айтиб, ғолиб кишилар сингари тантанали қиёфа билан теварагига қаради.

Суҳбатга хотима бериш заруратини сеза бошладим. Ҳар қандай одам ҳам оёқ ости қилинишга бепарво қарай олмайди.

— Балки фан тўғрисида бирон нарса дерсиз?— деб сўрадим.

У бармоғи ва кўзларини юқорига кўтарди-да, шифтга қараб туриб:

— Фан тўғрисида?— деди. Кейин вақтни билиш учун ёнидан соатни олиб қаради, қопқоғини ёпди ва занжирини бармоғига ўраб, соатни айлантди. Шуларни қилгандан кейин бир хўрсиниб гап бошлади:

— Фан... ҳа, биламан! Фан ҳам китоблар деган сўз. Агар унда Америка мақталган бўлса, демак фойдали китоблар. Лекин китобларда ҳақиқат кам тилга олинади. Улар... яъни китоб ёзадиган шоирлар кам пул топишса керак, деб ўйлайман. Иш билан банд бўлган мамлакатда китоб ўқишга ҳеч кимнинг қўли тегмайди... Ҳа, шоирларнинг жаҳли чиқади, чунки уларнинг китобларини сотиб олмайдилар. Ҳукумат китоб ёзганларга яхши ҳақ тўлаши керак эди. Тўқ киши ҳар вақт мўмин-қобил ва хушчақчақ бўлади. Агар Америка тўғрисида умуман, китоб керак бўлса, яхши шоирларни ёллаш лозим. Ана шунда Америка учун лозим бўлган китобларнинг ҳаммаси ёзилади. Вассалом!

— Фан чегарасини бирмунча торроқ белгилаяпсиз,— дедим. У, киприкларини юмуб, ўйланиб қолди. Кейин яна кўзларини очиб, ишонч билан давом этди:

— Албатта, ўқитувчилар ҳам, файласуфлар ҳам... ҳаммаси фанга алоқадор кишилар. Профессорлар ҳам, доялар ҳам, тиш докторлари ҳам, биламан. Адвокатлар, докторлар, инженерлар ҳам All right. Булар зарур нарсалар. Яхши

фан ёмон нарсани ўргатмаслиги керак. Лекин қизимнинг ўқитувчиси бир кун менга ижтимоий фанлар ҳам бўлади деб айтди... Мен бу нарсага тушунмайман. Мен буни зарарли деб биламан. Социалист яхши фан ярата олмайди. Социалистлар умуман, фанни яратмасликлари лозим. Фойдали ёки мароқли фанни Эдисон яратади, ҳа. Фонограф, синематограф фойдали нарса. Лекин фандан лоф урадиган китоблар кўпайиб кетмасин — бу ортиқча. Мияда ҳар хил шак-шубҳалар уйғотадиган китобларни одамлар ўқимаслиги керак. Дунёда ҳар нарса ўз йўли билан боради... шунинг учун китобларни ишга аралаштириш ҳеч ярамайди.

Мен ўрнимдан турдим.

— О! Кетяпсизми? — деб сўради у.

— Ҳа! — дедим. — Ҳозир кетаётганлигим учун менга, миллионер бўлишда қандай маъно борлигини балки тушунтириб берарсиз?

У жавоб ўрнига хиқиллаб, оёқларини ликиллата бошлади. Балки унинг қулиши шундай бўлса керак?

У нафасини ростлаб туриб:

— Бу одат! — деди.

— Нима одат? — деб сўрадим.

— Миллионерлик... бу ҳам бир одат!

Мен, бир оз ўйлаиб тургач, сўнги саволимни бердим:

— Саёқлар, қорадори чекувчилар ва миллионерлар — бир хил одат кишилари деб ўйлайсизми?

Бу сўзим уни хафа қилган бўлса керак. Кўзлари чақчайиб, зардоб қуйилиб яшил тусга кирди; у қуруққина жавоб қилди:

— Назаримда, ёмон тарбияланган кишига ўхшайсиз.

— Хайр! — дедим.

У мени эшик олдиғача илтифот билан узатиб қўйдида, этигининг учига диққат билан қараб, зинанинг юқориги поғонасида тик туриб қолди. Уйи олдида теп-текис қилиб ўрилган кўкаламзор майдонча бор эди. Мен, бу одамни ортиқ кўрмайман, деган фикр билан роҳатланиб, шу кўкатлар устидан борар эдим.

Орқамдан:

— Халло! — деган овозни эшитдим.

Қайрилиб қарадим. У ҳамон бояги жойда, эшик олдида менга қараб турар эди.

— Ҳой, сизларнинг Европангизда ортиқча қироллардан борми? — деб салмоқлаб сўради.

— Назаримда, қиролларнинг ҳаммаси ҳам ортиқча! — деб жавоб бердим.

У ўнг томонига бир туфлаб:

— Яхши қиролдан иккитасини ёлласам қалай бўлар экан, а? — деди.

— Ёллаб нима қиласиз?

— Жуда қизиқ бўларди-да, билсангиз. Уларни мана шу ерда бокс туширардим, — деди уй олдидаги майдончага ишора қилиб, сўнг савол оҳангида қўшиб қўйди: — Ҳар кун соат бирдан бир яримгача муштлаштираман, а? Нонуштадан кейин ярим соат вақтни санъатга бағишламан — маза бўлади-да.

У жиддий тусда гапирар ва авзойидан ўз ниятини амалга ошириш учун бутун кучини сарф қилажаги кўришиб турарди.

— Бундай мақсад учун қиролларнинг нима кераги бор сизга? — деб сўрадим.

— Бу ердаги одамлардан ҳали ҳеч кимда бунақаси йўқ! — деб қисқагина изоҳ берди.

— Лекин қироллар фақат бировларнинг қўли билан муштлашардилар! — дедиму, кетавердим.

У яна чақирди:

— Халло!

Мен яна тўхтадим. У қўлларини чўнтақларига солиб, ҳамон бояги жойда турар эди. Юзида қандайдир бир хаёлчанлик ифодаси бор эди.

— Нима дейсиз? — деб сўрадим. У лабини тишлаб туриб, секингина:

— Қандай деб ўйлайсиз: иккита қирол олсам, уларни уч ой мобайнида ҳар кун ярим соатдан бокс туширсам, неча пўл турар экан-а? — деди.

## АХЛОҚ МУҲИБИ

У менинг ҳузуримга кечаси алламаҳалда келди-да, хонамга шубҳали назар ташлаб, оҳиста сўради:

— Ярим соатгина сиз билан хилватда суҳбатлашсам бўладими?

Унинг овозида ва букчайганроқ, озгин гавдасида қандайдир сир ва ҳаяжон бор эди. У узун ва қиррали суякларини стул кўтаролмаслигидан чўчигандай, жуда эҳтиёт билан ўтирди.

— Деразанинг пардаларини тушира оласизми? — деб сўради секингина.

— Марҳамат! — дедим ва унинг истагини дарҳол бажо келтирдим.

Бош силкиб, ташаккур билдирди-да, дераза томонга имо қилиб, янада секинроқ овоз билан огоҳлантирди:

— Доим назорат қиладилар!

— Кимлар?

— Мухбирлар, албатта.

Мен диққат билан унга тикилдим. Анча тузук, ҳатто олифтароқ кийинган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, фақрга ўхшар эди. Унинг суяги бўртиб турган тепакал боши унга камтар ва одобли киши қиёфасини бериб турарди. Юзи жуда ориқ, соқоли тоза қирилган, сарғиш киприклари беркитиб турган чала юмуқ кул ранг кўзлари гуноҳкорона жилмаяр эди. Кипригини кўтариб юзимга тик қараганида, мен ўзимни қандайдир саёз, туманли бўшлиқ олдида ҳис этдим. У оёқларини стул остига букиб, ўнг қўлини тиззасига қўйиб, шляпа ушлаган чап қўлини пастга осилтириб ўтирибди. Узун бармоқлари бир оз қалтирар, маҳкам жипс-

лашдан лабларининг икки чети ҳорғинликдан осилган бўлиб, бу унинг устидаги костюми қимматга тушганидан дарак бераётгандек эди.

Чуқур нафас олиб, деразага қиё боқди-да, сўз бошлади:

— Ўзимни танитмоққа рухсат этинг, мен, ҳалигидай, гуноҳкорликни касб қилган одамман...

Мен ўзимни унинг сўзларини эшитмаганликка солдим ва ички ҳайратимни яшириб, сўрадим:

— Нима дедингиз?

— Гуноҳкорликни касб қилган одамман,— деди яна,— менинг касбим — ижтимоий ахлоққа хилоф жиноятлар қилиш...

Бу гап оҳангида камтарлик бор эди, холос; мен унинг сўзларида ёки юзида таассуфдан асар ҳам тополмадим.

— Сиз... бир стакан сув ичиб олмайсизми? — деб сўрадим.

— Йўқ, ташаккур! — деди у, гуноҳкорона жилваланган кўзлари гавдамга тикилди.

— Сиз, сўзларимни яхши тушунмаётганга ўхшайсиз?

Мен ҳам европалик журналистлар сингари нодонликни такаллуфсизлик ниқоби остига яшириб, унга эътироз билдирдим:

— Йўқ, нега тушунмай?

Аммо у менга ишонмади шекилли, шляпасини айлантириб туриб камтарлик билан кулди ва сўзга киришди:

— Менинг кимлигим сизга аён бўлсин учун ўз фаолиятимдан бир неча фактлар келтираман...

Шу чоғ чуқур нафас олиб бошини қуйи солди. Мен унинг нафасида ҳорғинлик сезиб, яна ҳайратда қолдим.

У шляпасини аста айлантириб давом этди:

— Газетада бир одам ҳақида ёзиб чиққан эдилар... Эсингиздами, бир ароқхўр ҳақида?.. Театрда бўлган жанжал ҳақида, эсингизда бордир, а?

— Саҳнада ўйиннинг таъсирли жойи келганда ўрнидан сакраб туриб, шляпасини кийган ва биринчи қатордан туриб извошчини чақирган бир жаноб ҳақидами? — деб сўрадим.

— Ҳа! — деб тасдиқ этди ва мулоимлик билан қўшиб қўйди.— Уша мен эдим. «Болаларни азобловчи йиртқич» деган мақоланинг чиқишига ҳам мен сабабчи. «Ўз хотинини сотган эр» деган бошқа бир мақола чиқди, у ҳам менинг ҳақимда... Кўчада бир хонимни ножўя таклифлар

билан безовта қилган одам ҳам мен... Умуман, мени камида ҳафтада бир марта ва ҳар гал ахлоқнинг бузилганини исбот қилиш лозим бўлганда газетага ёзадилар.

Бу сўзларни у секин, жуда аниқ ва лекин мақтанмасдан сўзлади. Мен ҳеч нарса тушунмасам ҳам, буни унга билдиргим келмас эди. Барча ёзувчилар сингари, мен ҳам ўзимни доимо турмушни ва одамларни беш бармоқдай билган киши қилиб кўрсатаман.

— Ҳмм,— деб қўйдим файласуфларча.— Қалай, ахир, бу хил машғулот сизга завқ бағишлайдими?

— Очиқ айтиш керакки, ёшлигимда бу машғулот менга завқ берар эди,— деди у,— аммо ҳозир мен қирқ бешга кирдим, уйланганман, икки қизим бор... Бу аҳволда ҳафтада икки-уч марта газетага ёзиб чиқсалар, албатта жуда ўнғайсиз. Топшириқни аниқ ва ўз вақтида бажариш учун мухбирлар ҳаминша кетимдан юрсалар...

Ҳайрон қолганимни билдирмаслик учун йўталдим, кейин ачингансимон сўрадим:

— Шундай дардингиз борми?

Бошини чайқаб «йўқ» ишораси билан жавоб берди, шляпасини елпиғич қилиб, юзини елпиди ва деди:

— Йўқ, ҳунарим шу. Мен сизга айтдим-ку: менинг касбим кўчада ва гавжум жойларда майда жанжаллар қўзғаш... Бюромиздаги бошқа ҳамкорларимиз бундан кўра масъулиятлироқ ва йирикроқ ишлар билан машғул бўладилар, масалан: диний ҳиссиётни таҳқир қилиш, хотин ва қизларни бузиш, минг доллардан ортиқ бўлмаган миқдордаги молга ўғрилик қилиш...— У чуқур нафас олди, ён-атрофга боқди, яна тушунтирди: — Ахлоққа хилоф бўлган ва бошқа қилиқлар... Мен эса фақат майда жанжаллар қўзғайман...

У худди ўз ҳунари ҳақида гапираётган ҳунарманддай сўзлар эди. Бу ҳол менинг гашимни келтирди ва истехзо билан сўрадим:

— Майда жанжаллар сизни қониқтирмайдими?

— Йўқ! — деди у соддалиқ билан.

Унинг соддалигига қарши бир нима деб бўлмас эди. Мен жуда қизиқа бошладим. Бирпас жим туриб яна сўрадим:

— Қамоқда бўлганмисиз?

— Уч марта. Умуман, мен жарима миқёсидагина иш кўраман. Лекин жарималарни, албатта, бюромиз тўлайди...

— Бюро? — деб беихтиёр такрорладим.

— Ҳа, албатта! — деди у кулиб.— Маълумки, мен ўзим жарима тўлай олмайман. Тўрт кишилик оила учун бир ҳафтага эллик доллар нима бўлади дейсиз...

— Шу ҳақда бир оз ўйлаб олишга рухсат этинг, — деб ўрнимдан турдим.

— Марҳамат! — деб розилик билдирди у.

Мен руҳий касалликларнинг барча турларини зўр бериб эсга олиб, уйда нари-бери юра бошладим. Ундаги дарднинг характерини аниқламоқчи бўлсам ҳам, аниқлай олмас эдим. Бир нарса аниқ эди: бу одам ўзини улуғ деб билиш касалидан холи эди. У озгин ва қотма юзида мулоим жилмайиш акс эттириб, мени кузатар ва сабр билан кутар эди. Унинг қаршисида тўхтаб:

— Демак, бюроларинг борми? — дедим.

— Ҳа,— деди у.

— Хизматчилар кўпми?

— Бу шаҳарда бир юз йигирма беш эркак ва етмиш беш хотин...

— Бу шаҳарда? Демак... Бюроингиз бошқа шаҳарларда ҳам бор экан-да?

— Албатта, мамлакатимизнинг ҳамма ерида бор,— деди у ва гурур билан кулди.

Ўз ҳолимга раҳмим келди.

— Лекин... Улар ахир...— деб ҳадиксираб сўрадим,— улар, у бюролар нима иш қилади?

— Ахлоқ қоидаларини бузадилар,— деди у камтарлик билан, стулдан туриб, креслога ўтирди-да, керишиб олиб, ошкора мароқ билан юзимга тикилди. Афтидан, мен унга ёввойи бўлиб кўриндиму, у андишани йиғиштириб қўйди.

«Нима бўлса бўлар,— дедим хаёлимда — ҳеч нарса тушунмаётганимни билдирмаслигим керак». Қўлларимни бир-бирига ишқалаб туриб, тетиклик билан айтдим:

— Бу қизиқ. Жуда қизиқ. Лекин... Бунинг нима кераги бор ўзи?

— Ниманинг?— деди кулиб у.

— Ана шу ахлоқ қоидаларини бузиш бюросининг.

У ёш боланинг тентаклигидан кулган катталар сингари ҳузур қилиб кулди. Мен унга қарадим, чиндан ҳам турмушдаги барча кўнгилсизликларнинг манбаи нодонлик экан, деган фикрга келдим.

— Сиз қандай ўйлайсиз, яшаш керакми?— деб сўради у.

— Албатта!

— Яхши яшаш керак дерсиз?

— Турган гап!

У одам ўрнидан туриб, менинг ёнимга келди ва кифтимга қоқиб:

— Ахлоқ қонунларини бузмай туриб, яхши яшаб бўладими, а?— деб сўради.

У мендан четроқ туриб, кўз қисди, пишган балиқни тарелкага ташлаган сингари, гавдасини креслога ташлади-да, ёнидан сигара олиб, мендан рухсат сўрамай, чека бошлади. Сўнг яна давом этди:

— Карболовая кислота билан маймунжон ейишга кимнинг тоби бор?

У ёниб турган гугуртни полга ташлади.

Ўзи ҳар вақт шундай бўлади. Одам ўзининг ҳамсуҳбатидан устун эканлигини сезиб қолса, унга чўчқадай муомала қила бошлайди.

— Мен сизга тушунолмай қолдим,— деб иқрор бўлдим, юзига қараб.

У кулди ва деди:

— Мен сизнинг қобилиятингиз ҳақида яхшироқ фикрда эдим...

У ўзини яна ҳам эркинроқ сезиб, тамаки кулини полга қоқди, кўзини қисиб, тамаки тутунининг нозик ҳалқаларини киприк остидан томоша қилди, сўнгра билимдон кишидай гапира кетди:

— Кўриб турибманки, сиз ахлоқ масаласи билан унча таниш эмассиз...

Мен камтарлик билан эътироз билдирдим:

— Йўқ, ахлоқ масаласи билан баъзан тўқнашиб турар эдим.

Сигарасини оғзидан олиб, учига бир қаради-да, файласуфларча деди:

— Пешанани деворга урган билан — деворни ўрганиб бўлмайди.

— Тўғри, мен бунга қўшиламан. Лекин негадир, мен ахлоқ масаласига ҳар тўқнашганимда, деворга урилган коптокдай сакраб кетаман...

— Тарбиянгизда камчилик бор,— деди у ҳақиқатни очиб ташлаган кишидай.

— Бўлиши мумкин,— дедим.— Менинг бобом ахлоқ билимдонлари ичида энг ашадийси эди. У, жаннатга борадиган ҳамма йўлларни билар ва учраган кишини жаннат-



га йўллар эди. Ҳақиқат ёлғиз унинг ўзига аён эди ва у шу ҳақиқатни ўз оиласи аъзоларининг қалласига дуч келган нарса билан уриб киргизар эди. Худонинг одамдан нима истаганини жуда яхши билар эди, у ҳатто ит билан мушукларни ҳам абадий роҳатга эриштириш мақсадида юриш-туришга ўргатар эди. Шу билан бирга бобом хасис ва зolim эди, ҳамиша ёлғон гапирар, судхўрлик билан шугулланар, барча ва ҳар бир ахлоқ билимдони юрагининг хусусияти бўлмиш қўрқоқнинг қаттиқ қўллигига мубтало эди, бўш ва ўнғай вақтларда уйдагиларни қўлига тушган нарса билан урар эди. Мен бобомни бир оз юмшатиш мақсадида унга таъсир қилишга уриндим: бир марта чолни деразадан ирғитиб ташладим, яна бир кунни ойна билан туширдим. Дераза ва ойна парчаланиб кетди, лекин бобом ўшандоқлигича қолаверди. У ахлоқ донишманди бўлганича ўлиб кетди. Мен эса ўшандан бери ахлоқ масаласига жирканиб қарайман. Балки сиз менга ахлоқ масаласи билан ярашишга ёрдам берувчи бирор гап айтарсиз?— деб таклиф қилдим.

У соатини олиб қаради ва деди:

— Сизга лекция ўқиш учун вақтим йўқ... Лекин бу ерга келиб қолган эканман, майли, бошлаган ишни тамомлаш керак. Балки, сиз ҳам менинг учун бирор хизмат қила оларсиз... Мен чўзиб ўтирмайман...

Яна кўзларини қисди ва улуғворлик билан сўзлай бошлади:

— Ахлоқ сиз учун зарур, буни эсда тутиш керак! У нима учун зарур? Чунки у ҳар вақт сизнинг шахсий тинчлигингизни, сизнинг ҳуқуқларингизни ва мулкингизни қўриқлайди — бошқача айтганда, у «яқин кишингиз»нинг манфаатларини ҳимоя қилади. «Яқин киши» — ўзингиз, димо фақат ўзингиз, бошқа киши эмас, тушундингизми? Агар сизнинг чиройли хотинингиз бўлса, атрофингиздаги ҳамма одамга: «Ўз яқин кишингнинг хотинига кўз олайтирма», деб айтасиз, агар одам пул, ҳўкиз, қул ва эшакка эга бўлиб, ўзи аҳмоқ бўлмаса, у одам — ахлоқ билимдони. Ҳамма зарур нарсангиз муҳайё ва бу нарсаларни ёлғиз ўзингиз учун сақлаб қолишни истасангиз, ахлоқ сиз учун фойдали. Агар бошингиздаги сочдан бошқа ҳеч нарсангиз бўлмаса, ахлоқ сиз учун фойдасиз.

У тап-тақир калласини силаб қўйиб, давом этди:

— Ахлоқ — ўз манфаатларингизнинг соқчиси, сиз уни атрофингиздаги кишилар кўнглига синдириш учун ури-

нинг, кўчага сиз полицияларни, айғоқчиларни қўясиз, одамлар орасида талай принципларни тарғиб этасиз, бу принциплар одамлар миясига сингиб, унда сизга зид бўлган, сизнинг истак, ҳуқуқларингизга хавф соладиган барча фикрларни боғлаш, бўғиш ва йўқ қилиш учун хизмат қилади. Иқтисодий зиддиятлар кўзга кўриниб турган жойда ахлоқ масаласи қаттиқроқ қўйилади. Пулим қанчалик кўп бўлса, мен ахлоқни шунчалик қаттиқ туриб тарғиб қиламан. Мана шунинг учун ҳам Америкада давлатманд одамлар жуда кўп, шунинг учун ҳам улар ахлоқ масаласини юз от кучига тенг қувват билан тарғиб қилишади. Тушунарлими?

— Ҳа,— дедим,— лекин бюро нимага керак, ахир?

— Сабр қилинг,— деб эътироз билдирди у ва мўътабар насиҳатгўй сингари қўлини кўтарди,— шундай қилиб, ахлоқдан мақсад — сизни тинч қўйиш кераклигини бошқаларга англатиш. Аммо сизда пул кўп бўлса, орзуларингиз ҳам кўп, орзуларни юзага чиқаришнинг тўла имконияти ҳам бор, шундайми? Бироқ ахлоқ принципларини бузмай туриб, кўп орзуларингизни юзага чиқара олмайсиз... Нима қилиш керак? Ўзинг инкор қилган нарсани одамлар ўртасида тарғиб қилиш мумкин эмас: бу ярашмайди, одамлар ҳам ишонмаслиги мумкин. Ахир, одамларнинг ҳаммаси аҳмоқ эмас... Айтайлик, сиз майхонада ўтирибсиз, шампан виносини ичаётгисиз, жуда чиройли хотинни ўпмоқдасиз, гарчи, у сизнинг хотинингиз бўлмаса ҳам... Ҳамма учун мажбурий бўлган одоб нуқтаи назаридан қараганда, бундай машғулот ахлоқсизликдан иборат. Аммо шахсан сиз учун бу тарзда вақт ўтказиш бир зарурат: бу сизнинг севимли одатингиз, бу сизга кўп лаззат беради. Сизда савол туғилади: лаззатли нуқсонлардан тийилиш назарияси билан шу лаззатларга бўлган ишқибозлигингизни қандай қилиб келиштириш керак? Бошқа бир мисол, сиз ҳаммага: Ўғрилиқ қилма!— дейсиз. Агар ўз молингизни ўғирлай бошласалар, сизга сира ёқмайди, шундай эмасми? Лекин айни замонда, ёнингизда пулингиз бор бўлса ҳам, яна бир оз ўғирлагингиз келаверади. Учинчи мисол, сиз: одам ўлдирма!— деган принципни қатъият билан тарғиб қиласиз. Чунки сиз учун ҳаёт қадрли, ширин, лаззатларга тўла. Бирдан кўмир конингиздаги ишчилар маошни кўпайтиришни талаб қилиб қолдилар. Сиз беихтиёр солдатлар чақиртириб бир неча ўнлаб ишчини оттириб ташлайсиз! Ёки масалан: чиқарган молингиз касот бўлиб қолди. Сиз бу аҳволни ҳукуматингизга маълум қиласиз ва сиз учун янги бозор очишни талаб

этасиз. Ҳукумат сизга марҳамат қилиб, Осиёга ёки Африкага озгина қўшин юборади ва бир неча юз ёки бир неча минг ерли аҳолини қириб ташлаб, сизнинг истагингизни ба-жо келтиради... Буларнинг ҳаммаси сизнинг одамшаванда-лик, ўз-ўзини тийиш, тўғрилиқ ҳақидаги тарғиботларингиз-га ҳеч мос келмайди. Лекин ишчиларни ёки ерли аҳолини қириб, сиз давлат манфаатлари деган баҳонада ўзингизни оқлай оласиз, чунки одамлар сизнинг манфаатларингизга бўйсунмаса, давлат яшай олмайди. Давлат — сиз демак, агар сиз бадавлат бўлсангиз. Албатта сизнинг бузуқлик, ўғрилиқ каби майда-чуйда ишлар билан шуғулланишингиз анча қийин. Умуман, бадавлат одамнинг мавқеи фожиали-дир. Уни, албатта, ҳамма севиши керак, унга қарашли мулкнинг бутунлигига таҳдид қилишдан ҳамма сақланиши керак, унинг одатларини ҳеч ким бузмаслиги керак, унинг хотини, синглиси ва қизларига нисбатан ҳамма беғараз бў-лиши керак. Айни замонда, унинг ўзи учун одамларни се-виш, ўғрилиқдан тийилиш, хотинларга нисбатан беғараз бўлиш ва бошқалар асло шарт эмас, аксинча! Бу ишлар унинг шахсий фаолиятини сусайтиради ва ишдаги ютуқла-рига шаксиз зарар етказди. Одатда, унинг бутун ҳаёти ях-лит ўғрилиқдан иборат, у минглаб одамларни, бутун мам-лакатни талайди, бу сармойанинг кўпайиши учун, яъни мам-лакатнинг тараққиёти учун зарур, тушуняпсизми? У ўнлаб хотинларни бузуқликка бошлайди — бу бекорчи одам учун жуда кўнгилли машғулот. У бировни нега севсин? Бутун одамлар унинг назарида икки гуруҳга бўлинади: бир гуру-ҳини у талайди, яна бир гуруҳи эса, шу машғулотда у би-лан рақобат қилади.

Масалани яхши билгани учун ўзидан мамнун бўлган но-тиқ жилмайиб қўйди ва чекаётган сигарасининг қолдигини бурчакка иргитиб, давом этди:

— Шундай қилиб, ахлоқ бойлар учун фойдали ва барча одамлар учун зарарли, аммо айни вақтда, у давлатманд-ларга керак эмас ва барча одамларга зарур. Мана шунинг учун ахлоқ донишмандлари ахлоқ принципларини одамлар-га зўрлаб сингдиришга уринадилар, ўзлари эса, ахлоқни галстук ва қўлқоп сингари ташқи безак ўрнида ишлатади-лар. Ундан кейин, одамларни ахлоқ қонунларига бўйсунуш зарурлигига қандай инонтириш керак? Муттаҳамлар ораси-да виждонли бўлишдан ҳеч кимга фойда йўқ. Лекин агар ишонтира олмасангиз, гипноз қилинг. Бу чора доимо муваф-фақиятли чиқади...

У бош қимирлатиб. ўз фикрини яна тасдиқ қилди ва кўз қисиб, такрор айтди:

— Ишонтира олмасангиз, гипноз қилинг!

Сўнгра қўлини тиззамга қўйиб, юзимга қаради ва овозини пасайтириб, давом этди:

— Ундан кейин... Бу ўз орамиздаги гап, хўпми?

Мен бош силкиб «хўп» дедим.

— Мен хизмат қилаётган бюро афкори оммани гипноз қилиш билан шуғулланади. Бу — Американинг ажойиб муассасаларидан бири, шунга эътибор қилинг!— деди ғурур билан.

Мен яна бош силкиб қўйдим.

— Сиз биласизми,— деди у,— бизнинг мамлакатимиз ёлғиз бир истак билан — пул яшаш истаги билан яшайди. Бу ерда ҳамма бой бўлгиси келади ва одам — бир неча зарра олтин чиқариб олиш мумкин бўлган бир хомашё, холос. Бутун ҳаёт одамнинг гўшт ва қонидан олтин чиқариш жараёнидан иборат. Халқ бу ерда сариқ металл берадиган руда, эшитишимча, ҳамма жойда ҳам шундай. Тараққиёт бу ерда омманинг жисмоний кучини бир жойга тўплаш, яъни одамнинг гўшти, суяги ва асабларини йиғиб, ундан олтин яшашдан иборат. Ҳаёт соддагина тузилган...

— Бу сизнинг шахсий фикрингизми?— деб сўрадим.

— Буми? Йўқ, албатта,— деди ғурур билан,— бу, шундай, кимнингдир хаёли... Бу менинг калламга қандай қилиб кириб қолганини билмайман... Мен тентаклар билан гаплашгандагина бу фикрдан фойдаланаман... Давом этаман... Бу ерда нуқсонлар билан шуғулланишга халқнинг вақти йўқ, бунинг учун халқда бўш вақт қолмайди. Узлуксиз меҳнат одамни шу қадар ҳолдан тойдирадики, у дам олиш вақтида бирор гуноҳ иш қилиш учун на куч, на истакка эга бўлади. Одамларнинг ўйлашга вақти йўқ, бир нарсани исташга қуввати йўқ, улар фақат иш билан, иш учун яшайдилар ва бу ҳол уларни жуда ахлоқли ҳаёт кечиришга мажбур этади. Агар баъзан байрам кунларида бир неча йигитлар бир жуфт ҳабашни осиб қўйсалар, бу ахлоққа хилоф бўлмайди, чунки ҳабаш оқ эмас, бунинг устига бу ерда ҳабаш жуда кўп. Ҳамма ўзини маълум даражада сипо тутуди, киши кўзига ахлоқли кўринувчиларнинг эски тор рамкалари ичида сиқилган ҳаракатсиз ҳаётнинг умумий кўнгилсизлигида ахлоқ принципларнинг ҳар қандай бузилиши — қора доғ сингари кўзга яққол ташланади. Бу — яхши, лекин бу — нобоп. Жамиятнинг юқори синфлари қуйи синфлар-

нинг ахлоқи билан фахрланса бўлади, ammo, айни вақтда, бу ахлоқ бойларнинг эркин ҳаракат этишига ҳалал беради. Уларда пул бор — демак, улар ахлоқ билан ҳисоблашмасдан истаганларича яшашга ҳақли. Бойлар—хасис, тўқлар—идрокли, бекорчилар — бузуқ. Бурган ўт семиз тупроқда ғовлагани сингари, бузуқлик ҳам тўқликдан келиб чиқади. Нима қилиш керак? Ахлоқни инкор қилиш керакми? Бу—мумкин эмас, чунки бу — аҳмоқлик. Одамларнинг одобли бўлиши сен учун фойдали бўлса, ўз нуқсонларингни яшира бил... Мана шу. Бунда бир оз янгилик бор...

У ён-атрофга қараб, овозини яна пасайтирди:

— Шундай, Нью-Йоркда юқори синф вакиллари ажойиб яхши бир фикрга тармашиб олдилар, улар мамлакатда ахлоқ қонунларини ошкора равишда бузадиган яширин жамият тузишга қарор бердилар. Аъзолик бадали йиғиш йўли билан кўп сармоя тўпланди ва мамлакатнинг турли шаҳарларида, яширин равишда, албатта, афкори оммани гипноз қилиш бюрolari очилди. Мана, сизнинг камина қулингиз каби ҳар хил кишиларни ёллаб, уларга ахлоққа хилоф бўлган жиноятлар қилиш вазифасини юкладилар. Ҳар бир бюрога, ундаги хизматчиларнинг фаолиятига раҳбарлик кўрсатувчи ва уларга топшириқлар берувчи ишончли ва тажрибали бир одам бошчилик қилади... Одатда, у киши бирорта газетанинг муҳаррири бўлади...

— Мен бюрolarнинг мақсадини тушунмаётирман!— дедим ғамгинлик билан.

— Оддий гап!— деди у. Бирдан унинг юзида ташвиш кўринди, ниманидир тоқатсизлик билан кутаётгандай бўлди. Ўрнидан турди ва қўлини орқасига қўйиб, хонада нарибери юра бошлади.

— Оддий гап!— деб такрорлади у,— мен сизга айтдим-ку, қуйи синфлар вақт йўқлигидан кам гуноҳ қилдилар. Ахлоқнинг бузилиши зарур ахир, уни қари қиз сингари ҳосилсиз қолдириш ярамайди. Одамлар ахлоқ тўғрисида доим қичқириб турсинлар, бу жамиятни қар қилади, унга ҳақиқатни эшитишга имкон бермайди. Агар дарёга жуда кўп пайраҳа ташланса, улар орасида катта хода ҳам кўзингизга илинмай оқиб ўтиши мумкин. Ёки, агар сиз ёнингизда турган кишининг чўнтагидан ҳамёнини эҳтиётсизроқ суғуриб олсангиз, ammo халқнинг диққатини айни вақтда бир ҳовуч писта ўғирлаган болага қарата олсангиз, сиз шу билан жанжалдан қутулиб кетасиз, лекин «ўғри!» деб қаттиқроқ қичқиришингиз керак. Бизнинг бюромиз йирик жино-

ятларни хаспўшлаш мақсадида жуда кўп майда жанжаллар кўзгаш билан шуғулланади.

У чуқур нафас олди, хонанинг ўртасида туриб, бир оз жим қолди.

— Масалан, шаҳарда бир ҳурматли ва обрўли одамнинг ўз хотинини урганлиги ҳақида гап тарқалди. Бюро тезда менга ва бошқа бир неча ҳамкоримга ўз хотинларимизни уришни топширди. Биз урамиз. Хотинларимиз ҳам, албатта, шу ишга бел боғлаган ва урганимизда жуда қаттиқ додлайдилар. Бу ҳақда барча газеталарда ёзилади. Газеталар кўтарган шов-шув остида ҳалиги ўз хотинини урган обрўли одам ҳақидаги гап ҳамманинг эсидан чиқиб кетади. Газетада чиққан фактлар олдида аҳоли орасида тарқалган гап-сўзнинг аҳамияти қоладими? Ёки сенаторларнинг сотқинлиги ҳақида гап тарқалади. Бюро дарҳол бир неча полиция мансабдорларини сотиб олишни уюштиради ва уларнинг сотқинлигини халқ олдида фош этади. Яна фактлар олдида овоза аҳамиятини йўқотади. Юқори жамият аъзоларидан бири хотин кишини ҳақорат қилган. Шу соатдаёқ ресторанларда, кўчаларда бир қанча хотинларни ҳақорат қилиш ходисаси ташкил қилинади. Юқори жамият вакилининг гуноҳи шу хил ҳодисалар орасида бутунлай сезилмай кетади. Биз ҳар ишда ва ҳар доим шундай иш тутамиз. Улгуржи ўғрилиқлар, жуда кўп майда ўғрилиқ ҳодисалари билан ва умуман, ҳамма улгуржи жиноятлар жуда кўп майда жиноятлар билан хаспўшланади. Бюромизнинг фаолияти ана шундан иборат.

У деразага яқинлашиб, эҳтиёт билан кўчага қаради ва яна стулга ўтириб, секин овоз билан сўзда давом этди:

— Бюро Американинг юқори синфларини халқ нафратидан ҳимоя қилади, аynи вақтда, ахлоқ қонунларининг бузилиши ҳақидаги доимий шов-шувлар ёрдамида, бойларнинг бузуқлигини яшириш учун ташкил этилган майда жанжаллар билан халқнинг бошини айлантиради. Халқ ҳамиша гипнозланган ҳолатда туради, мустақил ўйлаб кўришга унинг вақти йўқ, у фақат газеталар овозини тинглайди. Газеталар миллионерларга қарашли бюроларни ҳам улар ташкил қилган?.. Тушунаётирсизми? Бу жуда ажойиб иш...

У жим қолди ва бошини эгиб, ҳаёл сурди.

— Раҳмат сизга!— дедим,— сиз менга кўп қизиқ гаплар айтдингиз.

У бошини кўтариб, менга мунғайиб боқди.

— Ҳа-а, бу қизиқ албатта,— у секин ва ўйчанлик билан гапира бошлади,— лекин мен бундан чарчадим. Мен оилали одамман, уч йил бундан муқаддам уй солган эдим. Бир оз ором олгим келди. Менинг хизматим оғир. Жамиятда ахлоқ қонунларига ҳурмат сақлашга кўмаклашмоқ! Бу чиндан ҳам енгил иш эмас. Ўйлаб кўринг: ичкилик мен учун зарарли, аммо мен ичишим керак, мен хотинимни ва оиланинг тинч ҳаётини яхши кўраман, лекин ресторанларда юриш, жанжал кўзгашга мажбурман. Ўзимни доим газета саҳифаларида кўришим керак... Газеталар мени бошқа ном билан ёзадилар, албатта. Лекин ҳар ҳолда... Бир вақт келиб ўзимнинг ҳақиқий исми очилиб қолса... Шаҳардан кўчиб кетишга тўғри келади... Менга маслаҳат беринг, мен ўз ишим ҳақида сизнинг фикрингизни билгани келдим... Бу жуда чалкаш иш...

— Гапиринг!— дедим.

— Биласизми,— деб гап бошлади у,— сўнги вақтларда жанубий штатларнинг юқори синф вакиллари орасида ҳабаш қизларидан ўйнаш тутиш одат бўлган... Бирданига иккита ва учтадан. Бу тўғрида гап тарқай бошлади. Хотинлар ўз эрларига норозилик билдирмоқдалар. Баъзи газета идораларига ўша хотинлардан ўз эрининг хиёнатини фош этувчи хатлар ҳам келган. Қаттиқ жанжал кўзгалиши мумкин. Бюро дарҳол бир неча жойда «қарши — фактлар» (бизда шундай сўз бор) ташкил этишга киришди. Ўн уч агент — шу жумладан мен ҳам — ҳабаш қизларидан ўйнаш тутишимиз керак. Бирданига иккитадан ёки учтадан.

У асабий равишда стулдан сакраб турди ва қўлини камзулининг чўнтагига қўйиб:

— Мен буни бажара олмайман!— деди.— Мен хотинимни яхши кўраман... У ҳам бунга йўл қўймайди, асосий масала мана шунда! Лоақал биттагина бўлса ҳам кошкийди...

— Рад қилинг!— деб маслаҳат бердим.

У менга афсуслангандай назар ташлади.

— Ҳафтасига эллик долларни менга ким беради? Муваффақиятли чиққандаги мукофотларни ким беради? Йўқ, бу маслаҳатингиз ўзингизга буюрсин... Америкаликлар ўлган кунининг эртасига ҳам пулдан бош тортмайди. Бошқа бирор маслаҳат беринг.

— Бу менга қийин,— дедим.

— Жим! Нимага қийин? Сиз, европаликлар, ахлоқ масаласида жуда енгилтаксиз... сизларнинг бузуқлигингиз бизга маълум.

Буни у сўзининг тўғрилигига қатъий ишонган ҳолда айтди.

— Менга қаранг,— деди у менга томон эгилиб,— эҳтимол, сизнинг европалик танишларингиз бордир? Ишонаманки, бўлса керак.

— Нима эди?— деб сўрадим.

— Нима эди, дейсизми?

У мендан бир қадам чекиниб ва драматик қиёфада туриб давом этди:

— Мен ҳабаш қизлари билан бўладиган вазифани зиммамга ололмайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: хотиним бунга йўл қўймайди, мен уни яхши кўраман. Йўқ, мен зиммамга ололмайман!

У бошини қаттиқ силкиди ва тепакал бошини силаб, сирли товуш билан гапирди:

— Балки сиз менга шу иш учун европаликлардан бирор кишини тавсия эта оларсиз? Европаликлар ахлоқни инкор этадилар, уларга барибир! Камбағал муҳожирлардан бирортаси йўқми, а? Ҳафтасига ўн доллар тўлайман, хўпми? Кўчада ҳабаш қизлари билан ўзим юраман... Умуман, ҳамма ишни ўзим қиламан, у киши фақат зурёд масаласида ғамхўрлик қилса бас... Масалани шу бугун кечгача ҳал қилиш керак... Ўйлаб кўринг, агар жанубий штатдаги бу ишни ўз вақтида ҳар хил майда-чуйда ишлар билан хаспўшламасак, жуда катта жанжал қўзғалиши мумкин. Ахлоқ ва одоб манфаатлари учун ишни тезлатиш зарур...

... У хонамдан қочиб чиқиб кетганидан кейин, мен дераза ёнига келиб, унинг яланғоч калласига тегиб лат еган қўлимни совутиш учун ойнага босдим.

У дераза тагида туриб, менга қандайдир имолар қилар эди.

— Сизга нима керак?— деб сўрадим деразани очиб.

— Мен шляпамни қолдирибман,— деди камтарлик билан.

Шляпасини полдан олиб, кўчага улоқтирдим. Деразани ёпар эканман, жиддий савол эшитдим.

— Ҳафтада ўн беш доллар берсам-чи? Бу яхши ҳақку, ахир!



## ИТАЛИЯ ҲАҚИДА ЭРТАКЛАР<sup>1</sup>

Ҳаётнинг ўзи яратган эртақлар энг яхши эртақлардир.

*Андерсен*

Неаполда трамвай ишчи-хизматчилари иш ташладилар: Ривьера Кияянинг бошидан охиригача бўш вагонлар тизилиб кетди. Ғалаба майдонига эса трамвай ҳайдовчилар ва кондукторлар тўпланди. Улар хушчақчақ, сершовқин, симоб сингари югурдак эди. Уларнинг тепаларида, боғнинг панжаралари устидаги ҳавода фонтан, юпқа қилич сингари отилиб турибди. Катта шаҳарнинг ҳар томонига иш билан бориши керак бўлган ғазабнок кишилар трамвайчиларни ўраб олган. Булар — гумашталар, фабрика-завод ишчилари, майда савдогарлар, тикувчилар — иш ташлаганларга зарда қилиб, бақириб қойишади. Аччиқ сўзлар, ilmoқдор киноялар эшитилиб туради, қўлларини пахса қилиб тинмай гапиршади. Неаполикларнинг тиллари бийрон, лекин қўллари ҳам ундан қолишмайди: бир-бирига жуда ҳам мос тушган.

Денгиздан майин шабада эсади. Шаҳар боғининг каттакон хурмо дарахтлари ям-яшил шохларини елпиғичдай аста тебратади. Уларнинг танаси баҳайбат филларнинг қўпол оёқларига ўхшаб кетади. Неаполь кўчаларидаги ярим яланғоч болалар ҳавони шовқин ва кулгига тўлдириб, чумчуқлардай чуғурлашиб юради.

Эски гравюрага ўхшаган бу шаҳар жазирама офтоб нурига фарқ бўлиб, орган сингари куйлайди; кўрфаздаги кўмкўк тўлқинлар норозилик ва қичқирӣқ садаларига жўр бўлиб қирғоқ тошларига чилдирма чалингандай гумбурлаб уриларди.

<sup>1</sup> «Италия ҳақида эртақлар»нинг рақам қўйилган белгилари бор. Бу нашрига қуйидаги рақамли эртақлар кирган: I, II, III, IV, VII, VIII, XI, XII, XIV, XX, XXII, XXVI. (Ред.)

Иш ташловчилар оломоннинг бақиришларига эйтибор бермай, қовоқларини солиб, бир-бирининг пинжига суқилади, боғ панжаралари устига чиқиб, одамлар тепасидан бамайлихотир кўчага қарайдилар. Улар итлар ўраб олган бўрилар галасига ўхшайди. Ҳаммага маълумки, бир хил кийинган бу одамлар бир-бирлари билан қатъий қарор асосида маҳкам бирлашган ва ён бермасликка, чекинмасликка аҳд қилишган. Бу эса, оломоннинг жиғига баттар тегади, бироқ улар орасида бамайлихотир папиросини тутатиб, иш ташловчиларнинг ашаддий душманларига насиҳат қилувчи файласуфлари ҳам бор.

— Э, синъор! Олган маошлари бола-чақага макарон учун етмаса, нима қилишсин!— дейди улар.

Муниципиал полициясининг олифтанамо кийинган агентлари иккита-учтадан бўлиб, экипажлар юришига оломон халақит бермаслигини кузатиб туради. Улар қатъиян бетараф: айбдорларга ҳам, айбловчиларга ҳам бирдай бамайлихотирлик билан қарашади, қўлни пахса қилишлар ва бақиришлар ҳаддидан ошгандагина ҳар иккала томонга мулойимлик билан гап қотиб ҳазиллашади. Жиддий тўқнашувнинг олдини олиш мақсадида тор кўчада девор бўйлаб, калта ва енгил милтиқ ушлаган карабинёрлар отряди турибди. Булар машъум ишлар учун белгиланган бўлиб, учбурчакли қалпоқ, калта плаш кийган, шимларида худди икки ёқдан қон сизаётгандай қип-қизил лампаслари бор.

Сўкишишлар, мазах қилишлар, таъналар ва панду насиҳатлар — ҳаммаси тўсатдан тўхтайтиди, оломон тепасидан қандайдир янги, гўё кишиларни яраштирувчи бир шабада учиб ўтгандай бўлади, иш ташловчилар хўмрайиброқ қарашади, шу билан бирга маҳкамроқ жипслашади, оломон ичидан:

— Солдатлар!— деган товуш эшитилади.

Иш ташловчиларни масхара қилиб ва хурсанд бўлиб ҳуштак чалишади, табрик хитоблари қулоққа чалинади, енгил кул ранг костюм ва бошига панама кийган қандайдир бир семиз киши оёғини катта кўча тошига уриб, ўйин туша бошлайди. Кондукторлар, трамвай ҳайдовчилар аста-секин оломонни ёриб ўтиб, вагонларга қараб йўл олади. Баъзилар вагон майдончаларига чиқади, уларнинг қовоқларидан қор ёғиб, оломоннинг гап-сўзига қўрслик билан жавоб қайтариб, йўл беришга мажбур қилишади. Орага жимлик чўқади.

Денгиз қирғоғидаги Санто Лючия кўчасида кичкина-кичкина кул ранг солдатчалар оёқларини бир текис ташлаб, чап қўлларини бир хилда силтаб келишяпти. Улар худди тунукадан ясалганга, мурватли ўйинчоқлардай омонат турганга ўхшайдилар. Қошини чимирган ва лабини нафратомуз қийшайтирган чиройли новча офицер уларни бошлаб кетяпти. Унинг ёнида цилиндр кийган семиз одам сакраб-сакраб чопқиллайди. У қўл ҳаракатлари-ла дам-бадам ҳавони кесиб, алланарса тўғрисида тўхтовсиз гапирарди.

Халойиқ вагонлар атрофидан гуриллаб орқага тисарилди. Солдатлар уларнинг олдига ўтиб, кул ранг маржон сингари ҳар томонга сочилишди-да, вагонлар олдида тўхташди. Вагон майдончаларида эса иш ташловчилар турарди.

Цилиндр кийган одам ҳамда унинг атрофини ўраб олган аллақандай басавлат кишилар жаҳл билан қўлларини силтаб бақиршади:

— Охирги марта... *Ultima volta!*<sup>1</sup> Эшитяпсанларми?

Офицер бошини унинг томонига буриб эринчоғлик билан мўйловини бурайди. Семиз киши цилиндрини силкитиб чопиб келади ва негадир хириллаб бақиради. Офицер унга кўз қирини ташлаб, қаддини ростлайди, кўкрагини керади, шундан сўнг қаттиқ команда эшитилади.

Ҳар бир вагонга иккитадан солдат сакраб чиқишади, шу онда вагон ичидан трамвай ҳайдовчилар, кондукторлар тўпираб тушади.

Оломонга бу кулгили кўринади — бўкиришлар, ҳуштак-бозлик бошланади, хохологан овозлар эшитилади, лекин шу заҳотиёқ тинади. Одамлар анграйиб, кўзларини катта-катта очганча, вагонлардан аста чекиниб, ҳаммалари биринчи вагонга томон боришади.

Ўша вагоннинг гилдиракларидан икки қадам нарида, рельс устида сочлари оқарган, фуражкасини ечиб қўйган, солдат башарали трамвай ҳайдовчи кўринади. У чалқанчасига ётибди, мўйловлари даҳшатли равишда диккайиб қолибди. Маймундай чаққон ёшгина йигит у билан ёнма-ён ётиб олди. Унинг орқасидан бошқалар ҳам бирин-кетин чўзила бошладилар...

Оломон гувиллайди, қўрқа-писа биби Марямдан мадад сўрашлар эшитилади, баъзилар тўнғиллаб сўкинади, чинқиршади, хотинлар оҳ-воҳ қилишади, бу ҳодисадан ажаб-

<sup>1</sup> Охирги марта! (*Итал.*)

ланган болалар резина коптокдай ҳамма ёқда дик-дик сак-рашади.

Цилиндрли киши йиғлоқи товушда бир нима деб бақиради. Офицер унга қараб елкасини қисади: у ўз солдатларини трамвай ҳайдовчиларнинг ўрнига қўйиши керак, лекин унинг қўлида иш ташловчилар билан курашиш ҳақида буйруқ йўқ.

Шундан сўнг цилиндрли киши атрофидаги хушомадгўй кишилар билан карабинёрлар томонга югуради. Мана, улар қўзғалишди, яқинлашди, рельсга ётиб олганларнинг тепасига энгашдилар, уларни кўтариб олмоқчи бўладилар.

Кураш бошланади. Тўс-тўполон. Лекин бирданига, чанг босган кул ранг томошабин ҳалойиқ ёппасига чайқалди, бўкирди, чинқирди, рельслар томон югурди. Панама кийган киши бошидан қалпоғини юлиб олди-да, осмонга отди ва иш ташловчининг елкасига қоқиб, далда берувчи овоз билан бақирди ва биринчи бўлиб, унинг ёнига ётиб олди.

Унинг кетидан, қандайдир қувноқ, шўх одамлар, худди оёқлари кесилгандай рельсларга юмалай бошладилар. Бу одамлар бундан икки мигут олдин бу ерда йўқ эди. Улар ерга юмалар, бир-бирига юзларини қийшайтириб кулишар, офицерга қараб бақиришарди. Офицер бўлса қўлқопини цилиндрли одамнинг тумшуги тагида ўйнатиб жилмаяр, чиройли бошини силкитиб, унга ниманидир дерди.

Одамлар ҳамон рельслар устига думалар, хотинлар ўзларининг саватларини, қандайдир бўҳчаларини ташлар, болалар эса, худди совуқ қотган кучуклардай ғужанак бўлиб ётиб олишар, қандайдир тузуккина кийинган одамлар у ёқдан-бу ёққа ағнаб, тупроққа буланишар эди.

Бешта солдат биринчи вагоннинг эшигида туриб, филдираклар тагида ётган гавдаларга бокиб чайқалишар, тутқичларни ушлаганларича бошларини орқага ташлаб, эгилиб-букилиб, хохолаб кулишарди. Энди улар заводда ясалган тунука қўғирчоққа ўхшамас эди.

... Ярим соатдан кейин бутун Неаполь бўйлаб чинқириб, ғижирлаб трамвай вагонлари югура бошлади. Эшиклар олдида ғолиблар шодиёна жилмайиб туришарди. Улар вагон ичида ҳам юриб мулойимгина:

— Билбетти?!— деб сўрашади.

Одамлар уларга қизил ва сариқ қоғозларни узата туриб, кўзларини қисишар, жилмайишар, очиқ кўнгиллик билан гап отишарди.

Генуяда, вокзал олдидаги кичкина майдонда халқ гав-жум — уларнинг аксарияти ишчилар, лекин башанг кийинган, семиз одамлар ҳам анча. Оломонга муниципалитет аъзолари бошчилик қилади, уларнинг тепаларида шаҳарнинг чиройли шойи байроғи ҳилпираб турибди, у билан ёнма-ён ишчи ташкилотларининг ранго-ранг байроқлари ҳилпирайдди. Олтин шокилалар, популар ва боғичлар ялтирайди, байроқ учидаги найзалар порлайди, шойи шилдирайди ва хор сингари киргойи қилиб куйлаётган тантанали кайфиятдаги оломон ғувиллайди.

Унинг тепасида, баланд пьедесталь устида ишонгани учун азоб-уқубат чеккан ва ишончи туфайли енгган, хаёлпараст Колумбнинг ҳайкали турибди. У ҳозир ҳам пастдаги одамларга тикилади ва мрамор лаблари гўё:

«Ишонганларгина енгадилар», деётганга ўхшайди.

Унинг оёғи остига, пьедесталь атрофига музикачилар трубаларини қўйганлар, улар қуёшда олтиндай ялтирайди.

Ярим доира шаклида эгилган, мрамордан ишланган вазмин вокзал биноси, одамларни қучоғига олгандай бўлиб, қанотларини ёзиб турибди. Портдан пароходларнинг ҳансираб оғир нафас олгани, винтнинг сувдаги бўғиқ товуши, занжирларнинг жаранг-журунги, ҳуштак овозлари ва қий-қириқлар эшитилади; майдон эса жимжит, дим, иссиқ, қуёш нурига фарқ бўлган. Уйларнинг балконларида ва деразаларида қўлларига гул ушлаган хотинлар кўринади, ясанган болалар худди гулларга ўхшайди.

Станцияга кириб келаётган паровоз чинқиради — оломон чўчиб тушади, ғижимланган бир неча шляпалар қора қушлар сингари осмонга учади, музикачилар мис трубаларини қўлларига оладилар, аллақандай жиддий қиёфали кексароқ одамлар олдида ўтадилар, улар одамларга юз ўгириб, қўлларини ўнгга, сўлга ёзиб, алланималар дейдилар.

Оломон шошмасдан, вазминлик билан, сал ортга чекиниб, кўчага ўтиш учун кенг йўл очиб беради.

— Кимни қарши оляптилар?

— Пармалик болаларни!

Пармада иш ташлаганлар. Хўжайинлар ён бермаяпти. Ишчиларнинг аҳволи оғир, шунинг учун улар очликдан касал бўла бошлаган болаларини тўплаб Генуядаги ўртоқлари олдида жўнатганлар.

Вокзал колонналари ёнидан кичкина одамлар саф-саф бўлиб чиқиб келадилар, улар ярим яланғоч ва жулдур кийимларида — аллақандай ғалати пахмоқ ҳайвончалар сингари ҳурпайиб кўринадилар. Улар қўл ушлашиб, ҳар қатордан бештадан бўлиб юриб келадилар — ҳаммаси кичкина-кичкина болалар, устларини чанг босган, афтларидан чарчаганлари билинади. Қиёфалари жиддий бўлса-да, кўзлари тийрак ва равшан, чарақлаб турибди. Музыка уларни қаршилаб, Гарибальди гимнини чалганда, шу ориқ, шу суяги чиққан озгин ёноқларга, баданларини жимирлатиб, шодлик табассуми югуради.

Оломон келажак насли қулоқни кар қиладиган қийқириқ билан кутиб олади, болалар олдида байроқлар эгилади, уларнинг қулоқларини батанг қилиб, кўзларини жимирлатиб мис трубалар янграйди — улар бу қабул маросимидан бир оз гангиб қоладилар ва бир лаҳза орқага чекинадилар-да, бирданига ўзларини тутиб оладилар, қоматларини тиклайдилар, бир ёқадан бош чиқариб, юзлаб овоз билан бараварига:

— Viva Utalia!<sup>1</sup>— деб қичқирадилар.

Оломон уларга ёпирилиб:

— Яшасин ёш Парма!— деб қичқиради.

— Evviva Garibaldi<sup>2</sup>— деб қичқиради болалар ва кул ранг пона шаклида оломон ичига кириб кўринмай кетадилар.

Меҳмонхоналарнинг деразаларида, уйларнинг томларида оқ қушларга ўхшаб рўмолчалар силкинади, ўша ёқдан одамлар устига ёмғирдай гуллар ёғилади ва қувноқ, қаттиқ қийқириқлар янграйди.

Ҳамма ёқ байрам тусини олади, ҳамма нарсага жон киради, кул ранг мрамар ҳам аллақандай кўзни оладиган ёруғ нур сочиб яшнаб кетади.

Байроқлар чайқалиб, шляпалар ва гуллар осмонга отилиб туради. Катта кишиларнинг бошларидан баландда кичкина болаларнинг каллалари кўринар, жажжи қора қўлчаларнинг отилган гулларни ушлаб олмоқчи бўлгани ва табриклаб силкингани кўзга чалинар, ҳамон тўхтовсиз давом этаётган қудратли:

— Viva ie Sozializm!<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Яшасин Италия! (Итал.)

<sup>2</sup> Яшасин Гарибальди!

<sup>3</sup> Яшасин Социализм!

— Evviva Utalia!<sup>4</sup>

— деган қичқириқлар осмонни ларзага келтирар эди.

Қарийб ҳамма болаларнинг қўлларидан ушлаб олганлар, улар катталарнинг елкаларида ўтиришар, алланечук жиддий қиёфадаги мўйловли одамларнинг кенг кўкраклари оғушида эдилар: шовқин-сурон, кулги-қийқириқ садолари ичида музика аранг эшитиларди.

Хотинлар қолган меҳмон болаларни олмоқчи бўлишиб, оломон орасига шўнғиб киришарди-да, бир-бирларига қичқиришарди:

— Аннита, сиз иккаласини оласизми?

— Ҳа. Сиз ҳам икковини оласизми?

— Чўлоқ Маргаритага ҳам бирини оламан...

Ҳамма ёқда шод-хуррамлик, чеҳраларда байрам қувончи, меҳрибон кўзларида ёш, баъзи бир жойларда иш ташлаганларнинг болалари нон ейишарди.

— Бизнинг замонамизда буни хаёлга келтиришмасди!— дейди қора сигара тишлаб турган қуш бурун чол.

— Буни қаранг, қандай оддий-а...

— Ҳа! Ҳам оддий, ҳам маънодор.

Чол оғзидан сигарани олиб, учига қаради-да, чуқур тин олиб кулини қоқди. Кейин ёнгинасида турган, афтидан, ака-ука, пармали икки болани кўриб, юзини бужмайтирди-да, ҳурпайиб олди. Болалар чолга жиддий қиёфада тикилиб қолишди; чол шляпасини кўзига тушириб, қулочини ёзди, болалар эса, бир-бирининг пинжиларига кириб, қовоқларини солиб олди, чол орқага чекиниб, бирдан чўнқайиб ўтирди-да, овозининг борича бошлаб хўроз бўлиб қичқириб юборди. Болалар яланг товонлари билан тошни депсиб, хохолаб кулдилар; чол ўрнидан турди, шляпасини тўғрилаб олди-да, вазифамни бажариб бўлдим дегандай қилиб оёқларини қинғир-қийшиқ босиб нари кетди.

Афти ялмоғизни эслатадиган қиррадор иягида тикандай қаттиқ кўкиш жунлари бор букри кампир Колумб ҳайкали тагида тик турар ва унниқиб кетган шол рўмолининг учи билан қизарган кўзларини артиб йиғларди. Туси қоралиги, ҳаддан зиёда хунуклиги учун бу кампир шод-хуррам одамлар орасида ғалати кўринар ва жуда ҳам ёлғиз эди...

Генуялик бир аёл ўйнаб келяпти, у ёғоч кавуш кийган, елкасигача бостириб кул ранг шляпа кийган етти яшар болани қўлидан ушлаб олган. Бола шляпасини орқасига суриш учун кичкина бошини силкийди, шляпа бўлса, нуқул

<sup>4</sup> Яшасин Италия!

юзини қоплайди, аёл шляпани унинг жажжи бошидан юлиб олади-да, баландга силкитиб, аллақандай қўшиқни айтади, ҳам кулади, бола бўлса, бошини орқасига ташлаб унга боқади, хохолаб кулади, шляпани олмоқчи бўлиб ирғишлайди, сўнгра иккови одамлар ичига кириб ғойиб бўлади.

Олдига тери фартук тутган, каттакон қўллари яланғоч, узун бўйли киши, туси кул ранг сичқонга ўхшаган олти ёшлардаги қиз болани елкасига миндириб олган ва оловдай малла ранг ўғил болани қўлидан ушлаб олиб, унинг билан ёнма-ён бораётган аёлга дейди:

— Биласанми, агар бу иш амалга ошса... Бизни енгиш қийин бўлади дейман, а?

Шундай дейди-ю, қотиб-қотиб, баланд овоз билан тантанали равишда хохолаб кулади ва ўзининг кичкина арзандасини осмонга отиб: «Evviva Parma-a<sup>1</sup>», деб қичқиради.

Одамлар болаларни эргаштириб ва қўлларига кўтариб олиб кетишади, майдонда сўлиган гуллар, конфет қоғозлари, бир тўда қувноқ факино ва уларнинг тепасида Янги Дунёни — Американи топган одамнинг олижаноб сиймоли ҳайкали қолади.

Кўчаларда эса, янги ҳаётни қаршилагани бораётган одамларнинг шод-хуррам қийқириқлари, худди баҳайбат карнайлардан чиққандек бутун гўзаллиги билан кўнгишларга қуйилади.

Дим чошгоҳ пайти баҳайбат палағда тухум ёрилгандай аллақаердан тўп отилди — майин, ғалати овоз эшитилди. Портлашдан ларзага келган ҳавода шаҳарнинг ачиган-бижиган ҳиди баттар ҳамма ёққа тарқаб зайтун мойи, саримсоқ, вино ва иссиқ тупроқ ҳиди димоғни ёргудай бўлди.

Тўпнинг оғир нафаси қоплаган Жануб кунининг қайпоқ шов-шуви бир лаҳза кўчаларнинг қизиган тошларига бағрини бериб пасайди-да, яна кўчалардан ошиб, кенг лойқа дарё сингари денгиз томон оқиб кетди.

Шаҳар байрам кунларидай порлоқ ва попнинг кимхобдан тикилган зарвароқ либосидай ранго-ранг эди; унинг серэхтирос қичқириқларида, титраб-қақшашлари ва фиғонларида ибодатга ўхшаш ҳаёт қўшиғи янграрди. Ҳар бир шаҳар—одамлар меҳнати билан бунёдга келтирилган ибодатхона, ҳар қандай иш эса — келажакка ибодат.

Қуёш қоқ тепага келган, қизиган мовий осмон кўзни қамаштиради, гўё унинг ҳар бир нуқтасидан ерга, денгизга

<sup>1</sup> Яшасин Парма! (Итал.)



кўкимтир оловли нур қўйилиб, шаҳар тошлари ва сувларининг ич-ичга санчилаётгандай бўлади. Денгиз зич-зич кумуш қадаб тикилган шоҳи каби ялтирайди. Яшил рангли илиқ тўлқинлар мудрагандай, қирғоқ лабига сал урилиб, ҳаёт ва бахт манбаи бўлган қуёш тўғрисидаги ажойиб ашулани оҳиста куйлайдилар.

Чанг босган, терлаган одамлар шод-хуррам, шовқинлашиб, бир-бирларини чақиритиб овқатлангани чопадилар, кўплари соҳилга боргани ошиқадилар, етиб борган ҳамон кул ранг кийимларини ечиб, денгизга шўнғийдилар — қорачадан келган баданлар сувга тушгач, худди катта идишдаги винога тушган қорамтир чанг зарраси каби кичкиналашиб, денгизга юк бўлмай кетадилар.

Сувнинг ипакдай шилдираши, тетикланган баданларнинг шўх қийқириқлари, болаларнинг барала кулиши ва қий-чуви, қолаверса, одамлар сувни ёриб сакрашганда денгиздан камалаксимон бўлиб сув сачраганлари хуллас, ҳаммаси бирга қўшилиб қуёшга қилинган қувноқ назр-эҳсон сингари осмонга кўтарилади.

Каттакон уйнинг сояси тушиб турган йўлакда тўртта тош терувчи овқатлангани шайланиб ўтирибди, тўрттови ҳам — тошдай қаттиқ, оғир ва рангпар. Худди устига кул сепгандай чангга ботган мўйсафид ваҳшиёна кўзларини қисиб олиб, бир бўлаги иккинчисидан кам-ортиқ бўлмасин деб, пичоқ билан узун нонни кесяпти. Бошидаги попукли қизил қалпоғи ҳадеб юзига сирғалиб тушмоқда, мўйсафид каттакон бошини силкийди, силкиган сайин тўтиникига ўхшаган узун бурнининг тешиклари керилиб, пишиллайти.

Унинг ёнида бронза рангли, қўнғиздай қоп-қора навқирон йигит иссиқ тош устида чалқанча ётибди: сочилган нон ушоқлари унинг юзига урилади. йигит эринчоқлик билан кўзларини қисиб, овозини сал-пал чиқариб, алаҳлагандай бир нимани хиргойи қилади. Қолган иккитаси бўлса, унинг оппоқ деворига суяниб, ўтирган жойида мудрайди.

Бир қўлида вино, бир қўлида тугун кўтарган бир бола улар олдида келяпти — у бошини осмонга кўтарган ҳолда кушдай чийиллаб қичқириб келади, шунинг учун қўлидаги вино идиши қийшайганини ҳам, ўраб қўйилган похолдан сирқиб, қондай ялтираб, дур сингари чак-чак томаётганини ҳам кўрмайди.

Чол буни кўриб қолади-да, нон билан пичоқни йигитнинг кўкаргига қўя солиб, ҳаяжон билан қўлини силкиб, болани чақиради:

— Тезроқ юр, ҳой кўр! Винога қара!

Бола идишни юзи баравар баланд кўтарди-да, «вой» деб юборди ва тош терувчилар олдига тез чопиб келди — тош терувчилар ҳаммаси бирдан қимирлаб қолишди, идишни ушлаб кўриб, ҳовлиқиб қичқиришди, бола бўлса ўқдай отилиб аллақайси ҳовлига кириб кетди-да, қўлида каттакон сариқ идиш билан яна ўқдай отилиб чиқиб келди.

Идишни ерга қўйдилар, мўйсафид қип-қизил оби ҳаётни авайлаб идишга қуя бошлади—тўрт жуфт кўз вионинг қуёш нурида мавж урганидан завқланадилар, қақраган лаблари ташналикдан пирпирайди.

Оч-яшил кўйлак кийган бир хотин кела бошлади, қопқора сочларида олтинсимон тўр шарф, жигар ранг ботинкасининг баланд пошналари дукиллагани аниқ эшитилади. У жингалак сочли қизчани етаклаб келмоқда. Унг қўлида икки дона қирмизи чинни гул, йўл-йўлакай ҳадеб қўлини силкитади ва:

— О, ма, о, ма, о, миа ма-а...— деб ашула айтади.

Қиз, мўйсафид тош терувчининг орқасига келиб тўхтади-да, жим бўлиб қолди ва оёқ учиде туриб, чолнинг елкасидан оша қараб вионинг сариқ идишга қандай қўйилишини томоша қилади, худди унинг ашуласини давом эттираётгандай қултиллаган оҳангига қулоқ солади.

Қизча аёл қўлидан ўз қўлини бўшатди ва гул баргларини узиб-узиб олди-да, чумчуқ қанотларига ўхшаш қўлчаларини баланд кўтариб, қирмизи гул баргларни вино идишига ташлаб юборди.

Тўрт киши сесканиб тушди, чанг босган қошларини жаҳл билан чимиришди: қиз бўлса, кичкина оёқлари билан депсиниб, чапак чалиб куларди, хижолатда қолган онаси алланималар деб бақирар ва унинг қўлидан ушламоқчи бўларди, ўғил бола бўлса, икки букилиб қотиб-қотиб куларди, идишдаги вино юзида қизил қайиқчаларга ўхшаб, гул барглари сузиб юрар эди.

Мўйсафид аллақаердан бир стакан топиб, идишга ботирди, гул аралаш винодан олди-да, зўрғаттан тиззалаб турди ва стаканни оғзига олиб бораркан, тинчлантирган бўлиб, жиддий оҳангда:

— Ҳечқиси йўқ, синьора! Бола ҳадяси — худо ҳадяси... Сизнинг саломатдигингиз учун ичаман, гўзал синьора, сен ҳам саломат бўл, қизча! Ойингдай хушрўй бўл, сенга ундан икки ҳисса ортиқ бахт насиб бўлсин...— деди.

Оқ мўйловларини стаканга тиқиб, кўзларини сузди-да, майдалаб, аста-аста қултиллади, қийшиқ бурнини жийириб, тим қора шаробни симира бошлади.

Қизнинг ойсиди кулиб таъзим қилди-да, қизини қўлидан етаклаб нари кетди; қиз эса оёқчаларини тошларга сирғантириб ва кўзларини қисиб ижирғанганича:

— О, ма-а... о, миа-а, ма-а,— деб чинқирарди.

Тош терувчилар бошини ҳорғин ўгириб, гоҳ винога боқишар, гоҳ қизчанинг орқасидан қараб кулишар, жанубликларга хос тили бийронлик билан лаблари лабларига тегмай, бир-бирларига алланималар деб гап сотишарди.

Идишда, қип-қизил вино юзида эса қирмиз гул барглари қалқиб юрарди.

Денгиз куйлар, шаҳар гулдулар, эртақлар яратиб қуёш порлар эди.

\* \* \*

Абадий қорлар билан қопланган тоғ дараси ўртасида сокин мовий кўл; тоғ этақларидаги кўкаламзор боғлар пастлаб бориб, кўл бўйига тақалган, қирғоқдаги оппоқ уйларнинг акси сувда кўринади, гўё улар қантдан ясалганга ўхшайди, атрофдаги ҳамма нарса ёш боланинг ширин уйқусини эслатади.

Тонг. Қуёш эндигина кўтарилган, тоғ бағриларидаги гулларнинг оромбахш ҳиди келиб туради, шудринг ҳали дарахт баргларида, майсаларда йилтирайди. Кул ранг лентига ўхшаган йўл жимжит дарани кесиб ўтган. У тош йўл бўлса-да, худди бахмалга ўхшаб майин кўрингани учун уни кўл билан силагинг келади.

Бир тўп шағал ёнида кўкрагига медаль таққан, қўнғиздек қоп-қора ишчи ўтирибди, унинг юзи жиддий ва ёқимли. Бронзадай кафтларини тиззасига қўйиб, бошини кўтариб, у каштан дарахти остида турган ўйловчининг юзига қараб:

— Синьор, бу медални Симплон туннелидаги меҳнатим учун олганман,— дейди, сўнгра кўкрагидаги чиройли металлга кўз ташлаб, жилмаяди.

— Эҳ, ҳар қандай меҳнат ҳам токи уни севмасанг оғир, агар севсанг сени илҳомлантиради ва енгил бўлиб қолади. Ҳа, у ерда оғир эди!

У қуёшга қараб кулимсираб, секингина бош чайқади, лекин тўсатдан руҳланиб, қулочларини ёйди, қора кўзлари эса чарақлаб кетди.

— Баъзан, ҳатто даҳшатли бўлар эди. Ахир, ер ҳам ниманидир сезиши керак-да, шундай эмасми? Биз тоғ бағрини чуқур ғор қилиб ўйиб кирганимизда, ер ости бизни қаҳр билан қарши олди. У бизга иссиқ нафасини сочар, бундан юракларимиз орзиқиб, бошимиз гангир, суякларимиз зирқирар эди. Бу ҳол кўпларнинг бошидан ўтган. Сўнг-ра, ер одамлар устига тош ёғдирди, иссиқ сув қўйди: бу жуда ҳам даҳшатли эди! Баъзан чироқ шуъласида сув қизил кўринарди, шунда отам менга: «Ерни биз жароҳатладик, кўрасан ҳали, у ҳаммамизни куйдиради, қонига ғарқ қилади!» дерди. Тўғри, бу афсона, лекин дим қоронғилик ичида сувнинг шалоплаши ва темирнинг тошга тегиб ғижирлаши эшитилиб турганда, чуқур ер бағрида киши бу сўзларнинг афсоналигини унутади. У ерда ҳамма нарса афсонавий эди, ҳурматли синьор. Буни тушуниш учун биз одамлар шундай майда эканлигимизни, бағрини ўяётган тоғимиз осмонга туташганлигини киши ўз кўзи билан кўриши керак! Бунинг учун биз ўйган қора ҳалқумни ва бу ҳалқумга қуёш кўтарилаётганда кираётган одамларни ва уларнинг кетидан маъюс қараб қолган қуёшни кўриш керак. Машиналарни, тоғнинг баджаҳл қиёфасини кўриш, унинг ичидан чиққан бўғиқ овозни ва телбанинг қаҳқаҳасига ўхшаш портлашнинг акс садоларини эшитиш керак.

У қўлини кўздан кечириб, кўк калта камзулдаги медалини тўғрилаб, чуқур нафас олди.

— Киши, ҳар ишнинг уддасидан чиқади!— деб ғурур билан давом этди у.— О, синьор, кичик одам, агар у меҳнат қилишни хоҳласа, енгилмас кучдир! Ишонингки, бу кичик одам нимани хоҳласа, ҳаммасини бажаради. Отам аввал бунга ишонмаган эди.

«Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга тоғни тешиб ўтиш, ерни тоғлар билан ажратиб қўйган худога қарши чиқишдир. Кўрасиз, биби Марям бизга мадад бермайди!»— дерди. У янглишган эди; биби Марям уни севган одамлар билан бирга эди. Мен сизларга гапирётгандек, кейинроқ отам ҳам шундай ўйлай бошлади, чунки у ўзини тоғдан баланд, кучли деб сизди. Лекин шундай вақтлар ҳам бўлар эдики, байрам кунларида бир шиша вино қўйилган стол ёнида ўтириб менга ва бошқаларга:

—«Э, худонинг бандалари»,— дерди, бу унинг энг севган сўзи эди, чунки у раҳмдил ва диндор одам эди. «Э, худонинг бандалари, ер билан бундай курашиш яхши эмас, у бир кунмас бир кун ўзининг жароҳатлари учун қасос олади

ва енгилмай қолади! Мана кўрасизлар; биз тоғни юрагигача ўйиб бориб, унинг юрагига текканимизда у бизга ўт сочади, куйдиради, чунки ернинг юраги ўтлидир, буни ҳамма билади! Ерни ҳайдаш, унинг ҳосил беришига ёрдамлашиш бизга меросдир; лекин биз унинг қиёфасини ва шаклини бузаётимиз. Кўриб турибсизки, қанчалик ер бағрига кирмайлик, шунчалик ҳаво иссиқ бўлиб, нафас олиш қийинлашаётир...»

Гапираётган киши икки қўлининг бармоқлари билан мўйловларини бураб, секингина кулиб қўйди.

— Биргина отам эмас, бошқалар ҳам шундай ўйлашар эди, бу ҳам тўғри эди: қанча ичкари кирсак — туннель шунча иссиқ, тобора одамлар кўпроқ касал бўлар ва ҳолдан кетиб йиқилар эди. Бунинг устига иссиқ булоқлардан сув отилиб чиқар, тоғ жинслари устимизга қулар эди. Бизнинг Луганодан келган икки киши эса, ақлдан озди. Казармада одамлар кечаси билан алаҳлаб чиқар ва алланарсадан кўриқиб, ўрнидан ирғиб туриб кетар эди...

— «Ахир мен ҳақлимасманми?»— деди отам ва аввалгидан ҳам бўғиқ ва тез-тез йўталиб...— «Ахир мен ҳақлиманми?»— деб такрорларди.— Ер енгилмасдир!»

Шундан сўнг у ҳеч туролмайдиган бўлиб, бутунлай ётиб қолди. Отам бақувват одам эди, у ўлим билан уч ҳафтадан ортиқроқ қаттиқ олишди. Ўз қадр-қимматини билгани учун ҳеч бир шикоят қилмади.

— «Менинг меҳнатим тугади, Паоло,— деди у бир куни кечаси.— Ўзингни сақла ва уйга қайт, сенга биби Марям мададкор бўлсин!»— У кўзини юмиб, нафаси бўғилиб узоқ жим қолди.

Медалли киши ўрнидан туриб, тоғларни кўздан кечирди ва шундай куч билан керишдики, суяклари қисирлаб кетди.

— Отам қўлимдан ушлаб, ўзига тортди ва шундай деди: «Биласанми, Паоло ўғлим, ўйлайманки, мақсад амалга ошади — биз нариги томондан ковлаб келаётганлар билан тоғнинг ичида учрашамиз — сен шунга ишонасанми?» Ҳа, мен бунга ишонар эдим. «Ўғлим, яхши! Шундай бўлиш керак! Ҳамма нарсани яхши ният билан, муваффақиятли бўлишига ишонган ҳолда, мададкор худога тоат-ибодат билан бажариш керак. Мен сендан илтимос қиламан, ўғлим, агар шу нарса содир бўлса, агар кишилар бир-бирига дуч келса менинг қабримга келиб дегил: ота, бажарилди! Токи мен билай!..»

— Ҳурматли синьор, бу жуда яхши гап эди, мен унга ваъда бердим, отам беш кундан кейин вафот этди. Улимидан икки кун илгари у, мендан ва бошқалардан ўзи меҳнат қилган ўша туннелга кўмишни қайта-қайта илтимос қилди, лекин бу гап менимча, алаҳлаш эди...

Биз ва тоғни у томондан ёриб келаётган кишилар отам ўлгандан ўн уч ҳафта кейин учрашдик. Синьор, бу ниҳоятда қувончли кун бўлди! О, қачонки у ерда, қоп-қоронғи ер тагида нариги томондан бизга яқин келиб қолган кишиларнинг гурсиллатиб қазишини, шовқин-суронни эшита бошлаганимизда, қандай ваҳм босганини бир тушунинг-а, синьор, ахир ҳаммамизни бирданига оғир ер босиб қолиши мумкин эди!

Биз шундай бўғиқ товушларни бир қанча кун эшитиб турдик. Бу товушлар кундан-кунга равшанроқ, очиқроқ эшитилар эди, бизларни эса, ғалаба қозонган кишиларнинг телбаларча шодлиги бутунлай қамраб олган эди. Бизлар ёвуз девлардек жони танзимизни аямай, чарчаганимизни сезмай, топшириқни кутмай, астойдил меҳнат қилар эдик. Бу ҳол қуёшли кунда рақсга тушгандек оромбахш эди, сўзим чин! Ҳаммамиз болалардек мулойим ва меҳрибон бўлиб қолдик. Оҳ, агар сиз, узоқ ойлар давомида худди кўрсичқондек ерни ковлаб кирган кишиларни, ўша зулмаг ичида одамлар билан учрашишни чидаб бўлмас даражада жўшқин истак билан орзу қилганларини билсангиз эди!

У қизишиб кетиб, гапларига қулоқ солувчи кишига жуда ҳам яқин келиб, одамгарчилик акс этувчи тийран кўзларини унинг кўзларига тикиб, қувонч билан секин давом этди.

Хуллас, охирги қатлам қулаб, ундаги тешикда қизил машғала шуъласи чарақлаб, кимнингдир шодликдан оққан кўз ёши билан буланган қоп-қора юзи, яна машғаллар ва юзлар кўриниб, ғалаба ва шодлик қичқириқлари жаранглаб кетди. О, бу менинг ҳаётимда энг қувончли кун эди — шу кунни эслар эканман, умрим бекор ўтмаганини аниқ сезаман! Бу, синьор, сизга айтсам, бу иш, менинг меҳнатим, муқаддас эди! Бизлар ер остидан ёруғликка чиққанимиздан кейин кўплар кўкрагини ерга бериб, уни ўпар, йигларди — бу ҳодиса худди эртақлардагидек жуда ҳам ажойиб эди! Ҳа, биз енгилган тоғни, ерни ўпар эдик — айниқса, ўша кунни ернинг менга жудаям яқинлигини тушундим, синьор, мен уни худди аёл кишини севгандек севиб қолдим!

Албатта, мен отамнинг олдига бордим, ҳа! Тўғриси, мен ўликлар ҳеч нима эшитмасликларини билсам ҳам, ба-рибир, бордим. Чунки биз учун меҳнат қилганларнинг ва чеккан азоби бизникидан кам бўлмаган кишиларнинг орзу-умидини ҳурмат қилиш керак, шундай эмасми?

— Ҳа, ҳа, мен унинг қабрига бордим, ерни оёғим би-лан туртиб, отам орзу қилгандек:

«Ота, бажарилди! Одамлар ғалаба қозонди. Бажарил-ди, ота!» дедим.

\* \*  
\*

Рим билан Генуя ўртасидаги кичик бир станцияда кон-дуктор купе эшигини очди-да, уст-боши исқирт мойловчи ёрдамида, жиккаккина бир кўзи кўр чолни қўлтиғидан ушлаб, олдимизга олиб кирди.

— Жуда мункиллаб қолибди!— дейишди улар барава-рига, очиқ чеҳра билан жилмайишиб.

Аммо чол тетик экан. У ажин босган қўлларини қо-вуштириб, ёрдам берганларга миннатдорлик билдирди-да, мулойимлик ва қувноқлик билан қордек оппоқ бошидаги бужмайган шляпасини сал кўтариб қўйди, кейин диван-ларни кўздан кечириб:

— Утиришга ижозат этадиларми?— деб сўради.

Унга жой бердик, у ўтириб, енгил нафас олди, сўнгра қўлларини тиззалари устига қўйиб, тишсиз оғзини сал очди-да, чеҳраси ёришиб илжайди.

— Йўл бўлсин, бобо?— деб сўради ўртоғим.

— Э, атиги уч станцияга, болам!— деб мамнунлик би-лан жавоб берди бир кўзли чол.— Неварамнинг тўйига боряпман...

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, у гўё ёмғирли кунда эгилиб қолган шохдек тебраниб, поезд ғилдирагининг та-қир-туқури остида дилкашлик билан сўзлаб кетди:

— Мен лигурияликман, биз лигурияликлар ҳаммамиз жуда бақувват бўламиз. Менинг ўн учта ўғлим, тўртта қизим бор, набираларимни санасам, адашиб кетаман, бу уйланаётган иккинчи набирам: яхши-да, шундай эмасми?

Шу гапларни айтиб, у ҳаммамизга ғурур ва хушнудлик билан қараб:

— Кўрдингизми, мен мамлакатга ва қиролга қанча одам бордим!— деб секингина кулиб қўйди.

— Кўздан қандай айрилдинг, дейсизми? Э-ҳа, бунга

кўп вақт бўлган, у вақтда мен ёш бола эдим, эндигина отамга қараша бошлаган эдим. Отам тоқзор учун ер ҳозирламоқда эди, бизнинг ерларимиз заранг, кўп меҳнат сарф қилиш керак, тошлоқ ер. Отам чўкич билан ер қазиётганда бир тош учиб келиб, кўзимга тегди; оғриганини билмайман, аммо тушки овқат устида кўзим оқиб тушди — бу мислсиз бир даҳшат эди, синьорлар!.. Кўзимни жойига солиб, иссиқ нон босиб, боғлаб қўйишди, лекин фойдаси бўлмади!

Чол қорамағиздан келган, бурушган бетини қаттиқ ишқаб, яна очик чеҳра ва қувноқлик билан:

— У вақтларда ҳозиргидек докторлар кўп эмас, одамлар ҳам соддароқ эди, ҳа, шундай! Эҳтимол, улар соф кўнгил бўлгандирлар? А?— деди.

Энди унинг пўпанак сингари кўкиш-қўнғир жун босган чуқур ажинли бир кўзли юзи айёрона чимирилиб, қувончли тус ола бошлади.

— Мен каби узоқ умр кўрган киши одамлар тўғрисида дадил гапираверса бўлади, тўғрими?

Шундай деб, у эгри қора бармоғини бировга дўқ қилгандек дадил кўтариб, деди:

— Сизларга, синьорлар, энди одамлар тўғрисида баъзи бир гапни айтиб бермоқчиман...

Отам вафот этганда ўн уч ёшда эдим. Мана, кўриб ўтирибсизки, ҳозир ҳам кичкина жиккак одамман. Лекин ишлаб чарчамайдиган эпчил бола эдим — отамдан менга қолган мерос шу эди, еримиз ва уйимиз қарзимиз учун сотилди. Шундай қилиб, мен бир кўз, икки қўл билан тирикчилик қила бошладим, иш топилган жойда ишлайвердим... Кўп машаққатлар тортдим, аммо ёшлик меҳнату машаққатни енгар экан, шундайми?

Ўн тўққиз ёшимда бир қиз билан танишиб қолдим, ятешанамга уни севиш ёзилган экан. Қиз ҳам ўзим сингари жамбағал экан, лекин мендан кўра жуссали, бақувват бўлиб, касалманд онаси билан бирга турар ва мен сингари иш топилган жойда ишлаб юрар экан. Ҳусни унча чиройли бўлмаса-да, яхши ва ақлли қиз эди. Овози ҳам о, ажойиб эди! Худди артисткадек ашула айтарди, бу эса бир бойлик эди! Менинг ҳам овозим чакки эмасди.

«Менга тегмайсанми?»— деб сўрадим ундан.

«Бу жуда ғалати бўлади-ку, сўқир!»— деб хомуш жавоб берди у.— Сенинг ҳам, менинг ҳам ҳеч вақомиз йўқ — қандай тирикчилик қиламиз?»



Ҳақиқатан менда ҳам, унда ҳам ҳеч нарса йўқ эди! Хўш, муҳаббат ва ёшлик учун нима керак? Ҳаммангиз биласизки, муҳаббат учун ортиқча мол-дунё керак эмас, мен ўз сўзимни маъқуллаб, ахийри ғолиб келдим.

«Ҳа, гапинг тўғрига ўхшайди,— деди ниҳоят, Ида.— Ҳозир биз якка-якка яшаётганимизда биби Марям сен билан менга ёрдам бераётган экан, биз бирга яшасак, бизга ёрдам бериши янада осонроқ бўлади, албатта!»

Шу тариқа биз никоҳ ўқитиш учун попнинг олдига бордик.

«Бу аҳмоқчилик!— деди поп.— Лигурияда гадойлар каммики, сизлар бола-чақа орттириб, уларни яна кўпайтирмоқчисиз? Эй, шўрпешаналар, шайтоннинг васвасасига учманглар, бўлмаса, нафсингизни тиёлмаганингиз учун... бошингизга балолар ёгилади!»

Шундан кейин, ҳамма йигит-яланглар биздан кулишди, қариялар маломат қилишди. Аммо ёшлик — бебошлик, унинг ҳам йўли тўғри! Тўй куни ҳам илгари қандай бўлсак, шундай эдик, биринчи кеча қаерда тунашни ҳам билмасдик.

«Очиқ далага кетамиз!— деди Ида.— Бунинг нимаси ёмон? Биби Марям ҳар ерда ҳам бир хилда меҳрибонлик қилаверади».

Худди шундай қилмоқчи бўлдик: «Ер тўшагимиз эди, энди осмон кўрпамиз бўлсин!»— дедик.

Лекин шундай деб аҳд қилиб қўйганимиздан кейин аҳвол ўзгариб қолди, синьорлар, диққат қилишингизни сўрайман, бу узоқ умрим ичидаги энг яхши бир воқеа! Тўйимизга бир кун қолганда, мен уйда кўп вақт ишлаган Джиованни деган чол эрталаб барвақт менга, гўё гап арзимас нарса устида бораётгандек, бепарвогина деди:

«Уго, сен эски қўйхонани тозалаб, похол тўшагин. У ер қуруқ, бир йилдан бери қўй кирмаган, агар сен Ида билан туришни хоҳласанг, яхшилаб тозалаш керак».

Шундай қилиб, бизларга уй ҳам топилиб қолди!

Тозалашга киришиб кетдик, хурсандлигимдан ашула айтаман. Қўйхона эшиги олдида турган дурадгор Констанцио, деди:

«Уго, сен Ида билан шу ерда турасанми? Каравотинг қани?— Йўқ бўлса, бўшаганингдан кейин бизникига бориб олиб кела қол, битта ортиқча каравот бор».

Унинг уйига кетаётганимда дўкандор хотин Мария қовоғини солиб:

«Пешанасига на бир чойшаб, на бир ёстиқ битмагану, бу шўрпешанага уйланишни ким қўйибди! Сўқир, сен ғирт тентак экансан! Қаллиғингни юбор олдимга...» — деб қичқирди.

Бод касалидан оёқсиз бўлиб, безгак ҳолдан кетказган Этторе Виано уйининг остонасида туриб Марияга:

«Ундан сўраб кўр-чи, меҳмонларга етадиган виноси бормикин? Оҳ, одамлар, одамлар, шундай бефаросатлик ҳам бўладими?» — деб бақирди.

Чолнинг ажинли юзларида қувонч ёшлари ялтирар эди, у бошини орқага ташлаб, диккайиб чиққан кекирдигини ўйнатиб, сўлгин юзларининг терисини шалвиратиб, унсиз кулар, болалар сингари қўлини ликиллатарди.

— Эй, синьорлар, синьорлар! — деди чол кулиб ва ҳарсиллаб. — Тўй бўладиган куни эрталабгача уйга нимаики керак бўлса, ҳаммаси муҳайё бўлди — биби Марямнинг ҳайкалчаси дейсизми, идиш-товоқ дейсизми, кўрпа-чойшаб дейсизми, мебель дейсизми, хуллас ҳаммаси топилди, худо ҳаққи! Ида гоҳ йиғлар, гоҳ куларди, мен ҳам; тўй куни йиғлаш яхши эмас деб ёру биродарларимиз биздан кулишарди.

— Синьорлар! Одамларни ёру биродарларимиз деб аташ ҳуқуқига эга бўлиш қандай яхши-я! Ҳаётингни ўйинчоқ, бахтингни ҳазил деб билмайдиган одамларни ўз одамларим, қариндошларим деб ҳис қилишдан ҳам роҳат нарса борми!

Шундай қилиб, тўй бошланди, э, асти қўяверинг! Жуда ажойиб кун бўлди. Бутун халойиқнинг кўзи бизда эди, ҳамма бизнинг қўйхонамизга келди, бирдан қўйхонамиз бадавлат хонадонга айланиб кетгандай бўлди... Бизда ҳамма нарса: вино, мева-чева, гўшт-ёғ, нон, ҳаммаси бор эди, меҳмонлар еб-ичишди, ҳамма хурсанд бўлди... Мен сизларга айтсам, синьорлар, хурсандчиликдан, одамларга яхшилик қилишдан афзал нарса йўқ экан дунёда, яхшиликдан кўра гўзал, ёқимли нарса йўқ экан, шу гапимга ишонаверинглар!

Тўйда поп ҳам бор эди. У одамларга қараб:

«Мана, кўрдингларми, — деди жиддий қиёфада, ширин сўзлик билан, — келин билан куёв сизларнинг ҳаммангиз учун тер тўкиб ишлашган эди, сизлар ҳам уларнинг ҳаётидаги унутилмас шу кун яхши ва кўнгилли ўтсин, деб уларга ғамхўрлик қилдингиз. Ана шундай қилишингиз керак ҳам эди, чунки улар сизлар учун ишлаганди, иш эса мис

ва кумуш пуллардан юқори туради, иш ҳамиша тўланадиган ҳақдан юқори туради! Пул қўлнинг кири, кетади қолади, иш эса йўқолмай, кўзга кўриниб туради... Бу меҳнаткашларга бир қаранг, улар ҳам хурсанд, ҳам камтар, улар кўп машаққатлар чекди, лекин зорланмади, улар янада оғирроқ кунларни бошдан ўтказди, ўшанда ҳам оҳ-воҳ қилмайди, чунки оғир дақиқаларда сизлар уларга ёрдам берасизлар. Буларнинг қўллари гул, олтин, юраклари эса ундан ҳам яхши ва пок...»

У менга, Идага ва шу ерда ўтирган барча халойиққа кўп ширин ва бамаъни гаплар айтди.

Чол купеда ўтирганларга тийрак ва дадил қараб чиқиб, сўради:

— Мана, синьорлар, одамлар тўғрисида билган баъзи нарсаларимни сўзлаб бердим, бу жуда нашъали, шундай эмасми?

\* \*  
\*

Баҳор, қуёш чарақлаб турибди, одамлар шод-хуррам, ҳатто эски тош уйларнинг деразаларидаги ойналар ҳам илиқ табассум билан боқаётгандек.

Кичкина шаҳарча кўчасида байрам либоси кийган одамлар жилваланиб оқади, шаҳарнинг ҳамма аҳолиси — ишчилар, солдатлар, буржуйлар, поплар, амалдорлар, балиқчилар — ҳаммаси шу ерда. Баҳор нашъасидан уларнинг кайфи чоғ, ҳаммаси баланд овоз билан гаплашар, қаҳ-қаҳ уриб кулишар, ашула айтишар, гўё бир соғлом тан каби ҳаёт қувончидан баҳраманд.

Хотин-қизларнинг ранг-баранг соябонлари ва шляпалари, болалар қўлидаги қизил ва зангори шарлар турлитуман ажойиб гулларга ўхшайди; ер юзининг қувончи болалар эса, афсонавий қиролнинг зарбоф тўнига қадалган ранг-баранг садафлар каби яшнайтиди ва хандон ташлаб кулади.

Дарахтларнинг оч яшил барглари ҳали тўла ёзилмай, бўртиб ўралиб турар ва қуёшнинг иссиқ нурини тўймай эмарди. Узоқда музика шўх куй таратиб, ҳаммани чорлайди.

Ҳамманинг кайфи шундай чоғки, гўё одамлар ўз бахтсизликларини бошларидан кечириб бўлган, тинкани қуритган оғир кун тугаб, бугун ҳамма болалардек шод, ўзига, ўз иродасининг энгилмаслигига қаттиқ ишонган ҳолда уйғон-

ган ва бу ирода олдида ҳамма бош эгиши керак, мана энди бир жон-бир тан бўлиб, ишонч билан истиқбол томон бораётгандек.

Бу ушчақчақ одамлар орасида ҳамгин чехрани кўриш ҳам галати, ҳам кўнгилсиз, ҳам қайғули эди: Шу пайт ёш жувонни қўлтиқлаб олган баланд бўйли, бақувват бир киши ўтиб қолди; афтидан, ёши ўттизлардан ошмаганда-ю, лекин сочлари ошпоқ эди. У шляпасини қўлига ушлаб олган, унинг думалоқ боши кумушдек ялтирар, ориқ, соғлом юзи хотиржам, лекин ҳамгин. Киприклари ўсиқ, шахло қора кўзлари шу қадар маъюс эдики, бошидан кечирган оғир дардни унутолмайдиган кишиларнинг кўзларига ўхшарди.

— Анави бир жуфт одамга назар сол,— деди менга ўртоғим,— айниқса, эрига эътибор бер: у, кўпинча шимоллий Италия ишчилари бошига тушадиган фожиалардан бирига дучор бўлган.

Шундан кейин ўртоғим менга қуйидагиларни сўзлаб берди:

«Бу одам — социалист, кичкина маҳаллий ишчилар газетасининг редактори, ўзи ишчи, бўёқчи. У олган билими эътиқодга айланадиган ва эътиқоди билимга ташналигини янада авж олдириб юборадиган одамлардан бири. Ақлли ва ашаддий антиклерикал<sup>1</sup>, қора руҳонийлар орқасидан унга қандай қараётганини кўряпсанми?»

Беш йил аввал, у пропагандист бўлиб юрган вақтида, ўз тўгаракларидан бирида бир қизни кўриб қолади, бу қиз дарров унинг эътиборини ўзига тортади. Бу ернинг қизлари бир нарсага унсиз, қаттиқ эътиқод қўйишга ўрганишган, руҳонийлар улардаги бу қобилиятни кўп асрлар давомида мустаҳкамлаб, истаган нарсаларига эришишган, шунинг учун ҳам кимдир, католик черкови хотин-қизлар кўкрагига қурилган, деб тўғри айтган. Биби Марямни худо деб билиш чиройлигина эмас, ҳатто маъноли, биби Марям Исога қараганда содда, юракка яқин, унда қарама-қаршилик йўқ, у дўзах азоби билан қўрқитмайди, у севади, раҳм қилади, кечиради, шу сабабдан биби Марям хотинлар қалбини бир умр осонгина аср қилиб олган.

Шу тариқа у қизни кўриб қолади, у гапга чечан, савол-жавоб қила оладиган қиз бўлади, қизнинг саволлари-

---

<sup>1</sup> Антиклерикал—Диннинг ўзига эмас, черков ва руҳонийларнинг имтиёзларига қарши киши.

дан у доим ўз идеяларига содда диллик билан таажжубланиш ва ўзига ошкора ишончсизлик аломатларини, кўпинча, ҳатто қўрқув ва нафрат сезади. Италиян пропагандистга дин тўғрисида, папа ва руҳонийлар тўғрисида кўп ва аччиқ гаплар айтишга тўғри келади, ҳар сафар у шу тўғрида гапирганда, қизнинг кўзларида унга нисбатан нафрат ва ғазаб кўради, қиз ундан бирор нарса тўғрисида сўраб қолгудек бўлса, сўзлари ғазабли, мулоийм овози эса қаҳрли бўлиб эшитилади. Қиз католикларнинг социализмга қарши адабиёти билан таниш экани ва бу тўғарақда унинг сўзлари ўзиникидан кам эътиборга эга эмаслиги сезилиб туради.

Бу ерда Россияга нисбатан хотин-қизларга анча оддий ва қўпол муомала қиладилар. Бунга бир жиҳатдан — то сўнги вақтларгача — италия хотин-қизларининг ўзлари сабаб бўлганлар; улар черковдан бошқа ҳеч нарсага қизиқ-масликлари устига, эркакларнинг маданий ишларига ҳам қатнашмасдилар ва бунинг аҳамиятини тушунмасдилар.

Бу қиз билан бўлган тўқнашувларда моҳир пропагандистнинг иззати нафси койиб, шуҳратига путур етаверади, у асабийлашади, бир неча бор у қизни боплаб масхара қилади, лекин қиз ҳам бўш келмай, гапига яраша ўткир жавоблар қайтаради ва аини вақтда ўзига нисбатан ҳурмат уйғотиб, уни ўзи қатнашадиган жойдаги тўғарақ машғулотларига айниқса яхши тайёрланиб келишга мажбур этади.

Лекин шулар билан бирга, у ҳар сафар ҳозирги замоннинг шармандали башараси ҳақида, одамни эзиб, тани ва қалбини майда қилиши ҳақида, келгуси ҳаёт манзараларини тасвирлаб, унда одамнинг ич-тоши эркин бўлиши ҳақида гапирганда қиз унинг кўзига бошқа қиёфада кўринишини сезади: қиз бунинг сўзларини, ҳаётнинг ҳаддан ташқари оғирлигини билган ва ғазабга тўлган иродали ва ақлли аёлдек, қалби сингари сирли бўлган ажойиб эртакни тўймай эшитадиган ёш боладек тинглайди.

Бу нарса унинг қалбида ажойиб ўртоқ бўлиши мумкин бўлган душман устидан ғалаба қозониш ҳиссини уйғотади.

Тортишиш қарийб бир йилга чўзилади, аммо иккаласи ҳам бир-бирига яқин келиб, яккама-якка тортишишни истамайди. Ниҳоят, йигит қизнинг ёнига келиб:

— Синьорина, менинг доимий рақибим, бир-биримиз билан яқиндан танишсак, иш манфаати нуқтаи назаридан дуруст бўлмасмикин, нима дейсиз? — дейди.

Қиз унинг гапига жон деб рози бўлади, аммо биринчи гап бошлашданоқ бир-бирларига қарши жангга кириб кетишади: қиз жон-жаҳди билан черковни ҳимоя қилади: бу ерда азоб чеккан киши руҳан дам олади, кийими ҳар хил бўлса ҳам, шафқатли биби Марям олдида ҳамма баравар, дейди; у қизга эътироз билдириб: одамларга дам олиш керак эмас, кураш керак, моддий бойликлар тенг тақсимланмай туриб, одамлар тенг бўлолмайди, биби Марямнинг сурати орқасида бошқа бир одам беркиниб турибди, одамлар қанчалик бебахт ва аҳмоқ бўлсалар, унга шунчалик кўп фойда келади, дейди.

Ушандан кейин уларнинг ҳаёти узлуксиз тортишув билан ўтади, ҳар бир учрашув ана шу тариқа баҳснинг давоми бўлар ва ўз эътиқодларида уларнинг муросага келолмаслиги кундан-кунга ойдинлашиб боради.

Иигитнинг эътиқодича: ҳаёт — билимни кенгайтириш учун курашдан, табиатнинг сирли кучларини инсон иродасига бўйсундириш учун курашдан иборат, бунинг учун ҳамма одам ўзига яраша қуроолланган бўлиши керак, оқибат, биз озодликка ва ақлнинг тантанасига эришамизки, ақл — дунёда онгли равишда ҳаракат қиладиган яккаю ягона қудратли куч.

Қизнинг эътиқодича: ҳаёт — алақандай номаълум нарсага қурбон қилиш учун одам зиммасига юкланган оғир юк, ақл ўша кучга бўйсунishi керак, бунинг қонунлари ва мақсадларини фақат руҳоний билади.

У, қизнинг бу гапларидан ҳайратда қолиб, сўрарди:

— Бўлмаса, нега сиз меннинг лекцияларимга қатнаб юрибсиз, социализмдан нимани кутяпсиз?

— Бу гапингиз тўғри, мен гуноҳ қилиб, ўзимга ўзим терс иш қилаётганимни биламан! — дерди қиз маъюс иқрор бўлиб. — Лекин сизнинг гапларингизни эшитсам ва барча одамларнинг бахтли бўлишини ўйласам, роҳат қиламан.

Қиз унчалик чиройли эмасди — нозик, истараси иссиқ, шахло кўз эди, бу кўзларнинг нигоҳи ҳам ювош, ҳам ғазабли, ҳам меҳрибон, ҳам қаҳрли эди; у ипак фабрикасида ишлаб, кампир онаси, чўлоқ отаси ва синглиси билан бирга турарди, синглиси ҳунар мактабида ўқирди. Баъзан у хурсанд кайфиятда бўлар, енгилтаклик қилмас, гоят дилбар бўлиб кетарди; у музейларга, эски черковларга боришни яхши кўрар, суратлар ва гўзал нарсаларни кўрганда севинчи қалбига сиғмас, уларга тикилиб қарар экан, дерди:

— Мана шу гўзал нарсалар бир вақтлар одамлар уйига беркитиб қўйиб, улардан фақат бир киши фойдаланишга ҳақли бўлганини ўйлаш жуда ғалати туюлади! Гўзалликни ҳамма кўриши керак, ўшандагина у барҳаёт бўлади!

Қиз кўпинча шундай ғалати фикрларни гапирар, булар йигитга унинг номаълум дардли қалбидан чиқаетгандек туюлар ва сўзлари яраланган одамнинг инграшига ўхшаб кетарди. У қизнинг ҳаётни ва одамларни она муҳаббати сингари чуқур, ҳаяжон ва изтироб билан севишини сезади; у ўз эътиқоди қизнинг юрагига ўт ёқишини ва беозор муҳаббат кучли эътиросга айланишини чидам билан кутади, чунки назарида, қиз унинг сўзларини тобора диққат билан тинглаётгандек, дилда унинг фикрларига қўшилаётгандек кўринади. У эса қизга одамни — халқни, инсониятни эски кишандан, занги юракка ўтиб, уни қора қилиб юборган ва заҳарлаётган кишандан озод қилиш учун чарчамай курашиш зарурлиги тўғрисида тобора қизгин гапиреради.

Бир кун у қизни уйига кузатаётиб, уни севишини, агар қиз истаса, унга уйланиш нияти борлигини айтади-ю, бу сўз қизга қандай таъсир қилганини кўриб, қўрқиб кетади; қиз гўё калтак егандек гандираклаб, кўзларини катта очган ва ранги бўздек оқарган ҳолда қўлларини орқасига олиб, деворга суяниб қолади ва унинг юзларига ваҳима билан боқиб, дейди:

— Мен шундай бўлишини билардим, мен бунга деярли сезган эдим, чунки кўпдан бери сизни севаман, бироқ, ё парвардигор, энди нима бўлади?

— Энди сен билан менинг бахтиёр кунларимиз, бизнинг биргалашиб ишлайдиган кунларимиз бошланади!— дейди у хитоб билан.

— Йўқ,— дейди қиз бошини қуйи солиб.— Йўқ! Биз муҳаббат ҳақида гапирмаслигимиз керак.

— Нега?

— Сен черковда никоҳ ўқитасанми?— деб секин сўрайди қиз.

— Йўқ!

— Ундай бўлса, хайр!

Шундай деб, қиз тез қадам ташлаб унинг олдидан кетади.

У қизга етиб олиб, уни кўндиришга ҳаракат қила бошлайди, қиз унинг гапларига жимгина эътирозсиз қулоқ солиб, кейин дейди:

— Мен, ойм ва дадам — ҳаммамиз худога ишонадиган одамлармиз ва шу эътиқод билан ўламиз. Черковда никоҳланмаслик — бу менинг учун никоҳ эмас; бундай никоҳдан туғиладиган болалар бахтсиз бўладилар, мен буни биламан. Фақат черков никоҳигина муҳаббатни ёритади, фақат ўша никоҳ бахт ва ором бағишлайди.

У қизнинг тезда рози бўла қолмаслигини аниқ биларди, ўзи эса сира рози бўлмасди, албатта. Шундай қилиб, улар ажралишди; хайрлаша туриб, қиз дейди:

— Энди бир-биримизни ортиқ қийнамайлик, мен билан учрашишни ўйлама! Оҳ, бу ердан кетсанг қандай яхши бўларди-я! Мен кетолмайман, камбағалман...

— Бу тўғрида ҳеч нарса деёлмайман,— дейди йигит.

Ана шундан кейин иродаси кучли одамларнинг кураши бошланади: улар учрашиб туришади, албатта, ҳатто аввалгидан кўра тез-тез учрашиб туришади, деса ҳам бўлади. Бунга сабаб тобора аланга олаётган муҳаббат азобларига чидай олмай, иккиларидан бири ён берса ажаб эмас, деган умид бўлади. Уларнинг учрашувлари умидсизлик ва ғам-ҳасрат билан тугайди, у ҳар гал қиз билан учрашгандан кейин ўзини шикастланган ва ожиз ҳис қилади, қиз эса, кўзларида ёш билан тавба-тазарру қилиш учун кетади; йигит буни билади ва назарида тепа сочи қирилган<sup>1</sup> руҳонийлар уларнинг орасига девордай пусиб олганча ва бу қора девор тобора баланд, кун сайин мустаҳкамроқ бўлиб бораётганга ва уларни бир-биридан абадий ажратаётганга ўхшайди.

Бир кун байрамда у шаҳар атрофидаги далада қиз билан сайр қилиб юриб, уни қўрқитиш учун эмас, йўқ, шунчаки унга эшиттириб:

— Биласанми, баъзан сени ўлдириб қўядиганга ўхшайман...— дейди.

Қиз индамайди.

— Гапимни эшитдингми?— деб сўрайди у.

Қиз унинг юзига мулойим тикилиб:

— Ҳа,— дейди.

У, қизнинг ўлса ҳам таслим бўлмаслигини англайди. Мана шу «ҳа» деган сўз лабидан учганга қадар у баъзан қизни қучоқлайди ва ўпади, қиз қаршилиқ кўрсатади, аммо қизнинг қаршилиги тобора сусаяверади. Шундан

---

<sup>1</sup> Католик мазҳабидаги руҳонийлар сочларини шундай қирдириб юрадилар.



кейин у, бир кун эмас бир кун қиз рози бўлади, ўшанда хотинлик қалби эътиқодидан устун келади деб ўйлайди. Аммо кейин билса, бу ғалаба эмас, қизни қулликка солиш бўлар экан, шундан сўнг у, қизда хотинлик ҳиссини қўз-гашга чек қўяди.

Шу тариқа у қиз билан унинг ҳаёт ҳақидаги қоронғи тасавури доирасида юраверади, қизнинг кўз олдига қўлидан келганча маърифат чирогини ёқади, бироқ қиз кўр сингари унинг гапларига ўйчанлик билан жилмайиб қулоқ солади-ю, ишонмайди.

Бир кун қиз унга:

— Мен баъзан гапларинг тўғри бўлиши мумкин, деб биламан, лекин буни сени севганим учун шундай туюлаётгандир, деб ўйлайман. Мен ҳамма гапингга тушунаман, аммо ишонмайман, ўз эътиқодимдан кечолмайман! Сен кетсанг, сенинг ҳамма фикрларинг ўзинг билан кетади,— дейди.

Шу аҳвол қарийб икки йил давом этади ва ниҳоят, қиз бетоб бўлиб ётиб қолади; йигит ишини ташлайди, ташкилот ишлари билан шуғулланмай қўяди, қарзга ботади, ўртоқлари билан учрашишдан қочиб, қизнинг уйи атрофида юради ёки каравот ёнида ўтиради ва қизнинг оташ бўлиб ёнишини, кун сайин ранги кетиб, кўзларида касаллик кароҳати тобора равшанроқ кўринаётганини кузатади.

— Менга келажак ҳақида бирор нарса гапириб бер,— дейди қиз унга.

У ҳозирги вақтда одамларни ҳалок этаётган нарсалар тўғрисида ғазаб билан бирма-бир сўзлаб беради, у ана шу нарсаларга қарши доим курашажагини, эски-туски, ифлос латталардай жоҳил одамларни ҳаётдан улоқтириб ташлаш кераклигини сўзлайди.

Қиз унинг гапларини диққат билан тинглади ва оғриқ зўрига чидолмай қолган пайтларда унинг қўлини ушлаб, ёлворгансимон кўзларига тикилиб, гапини тўхтатар эди.

Бир кун доктор қизнинг тез авж оладиган сил касалига дучор бўлгани ва аҳволи оғирлигини йигитга гапиргандан анча кун кейин қиз ундан:

— Мен ўлар эканманми?— деб сўрайди.

У қизга жавоб бермай, кўзларини ерга тикади.

— Биламан, тез кунда ўламан,— дейди қиз.— Менга қўлингни бер.

У қизга қўлини чўзади, қиз иссиқ лаблари билан унинг қўлини ўпиб, дейди:

— Мени кечир, сенинг олдингда гуноҳқорман, хато қилдим ва сени кўп қийнадим. Ўлиш олдидан энди кўзим очилди, менинг эътиқодим — ўз истагим ва сенинг уқтиришларингга қарамай, тушунолмаган нарсам олдидаги ваҳима экан, холос. Бу ваҳима туғилган вақтимда қонимда бор экан! Менинг ақлим сеникига ўхшаши мумкин, лекин қалбим ўхшамасди, бошқа эди; сен ҳақлисан, мен бунни тундундим, лекин қалбим сенга қўшилолмади...

Бир неча кундан кейин қиз ўлади, у жон бераётган пайтда йигитнинг сочлари тамом оқариб кетади — ўшанда у йигирма етти ёшда эди.

Яқинда йигит қизнинг якка-ю ягона дугонаси, ўзида ўқиган қизга уйланди; ҳозир улар қабристонга кетишяпти, ҳар якшанба ўша ёққа боришиб, марҳуманинг қabri устига гул қўйишади.

Ҳозир у ўз ғалабасига ишонмайди, марҳума унга «сен ҳақлисан!» деб уни юпатиш учун ёлғон гапирганини у билди. Хотини ҳам шу фикрда; улар иккови марҳумани меҳр-муҳаббат билан хотирлайдилар, яхши одам ҳалокати ҳақидаги бу даҳшатли воқеа уларда қасос олиш иштиёқини кўзгаб, биргаллашиб ишлашлари учун зўр чидам, матонат ва айниқса, бошқача кенг чирой бағишлайди».

...Қуёш нурлари остида байрам либосини кийган одамлар жилваланиб оқади, шод-хуррам овозлар бу оқимга жўр бўлади, болалар қийқиришади, кулишади; албатта ҳамма қувноқ, хурсанд эмас, балки кўп одамларнинг қалби огир қайғудан қаттиқ қисилган, кўп ақлли одамлар қарама-қаршиликлар гирдобиди қийналиб, азоб чеккандир, лекин, барибир, ҳаммамиз озодлик сари, эркинлик сари бормоқдамиз!

Қанчалик иноқ бўлсак, шунчалик тез борамиз!

\* \* \*

\*

Оналар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Шаҳарни совут кийган душманлар бир неча ҳафтадан буён ҳалқадек ўраб олган эди; кечалари гулханлар ёқилар, ўтнинг сон-саноқсиз кўзлари қоп-қоронғи зулмат ичидан шаҳар деворларига тикилар ва бировнинг бахтсизлигидан қаҳ-қаҳлаб кулгандек ловиллар ва хавф-хатардан дарак бериб, шаҳар аҳолисини қайғу-аламга соларди.

Шаҳар деворларидан қараганда, ёв ҳалқаси тобора сиқиб келаётгани, гулхан атрофида душманларнинг қора кў-

ланкалари липиллаётгани кўринарди; семиз отларнинг кишнаши, яроғ-аслаҳаларнинг жаранглаши, қаҳқаҳа, ғалабасига ишонган одамларнинг шўх ашулалари эшитиларди. Душманнинг кулгиси ва қўшиғини эшитишдан баттар азоб борми дунёда?

Шаҳарни сув билан таъминлайдиган ҳамма наҳрларни душман ўликлар билан тўлдирди, шаҳар атрофидаги тоқзорларни ёндириб юборди, экинларни пайҳон, боғларни яксон қилди, тўрт томони очиқ қолган шаҳар устига ёв ҳар куни тўп, пилта милтиқлардан чўян ва қўрошин ёғдирар эди.

Шаҳарнинг тор кўчаларида жангларда силласи қуриган оч солдатлар қовоқларини солиб юрардилар; уйларнинг деразаларидан ярадорларнинг инграши, алаҳлаб бақиришлари, хотинларнинг тоат-ибодатлари ва болаларнинг йиғиси эшитилади. Одамлар шивирлаб сўзлар, бир-бирининг сўзларини тўхтатиб, ёв бостириб келаётгани йўқми, деб диққат билан қулоқ соларди.

Кеч кириб, ҳамма ёққа жимлик чўккач, йиғи ва фарёдлар кучайганда, йироқдаги даралардан кўкимтир қора булутлар кўтарилиб, ёв лагерини қоплаб, ярим хароба ҳолдаги деворлар сари босиб келганда, қилич зарбаси билан кесилган қалқон каби ой тоғ чўққилари устида пайдо бўлганда ҳаёт айниқса, чидаб бўлмас даражада оғир бўлиб кетарди.

Оғир меҳнат ва очликдан тинкаси қуриган одамлар ҳеч кимдан мадад кутмай, кун сайин умидсизланиб, ана шу ойга, тоғларнинг ўткир чўққиларига, қорайиб кўринган дараларга ва шовқин-суронли душман қароргоҳига ваҳима билан боқардилар — буларнинг ҳаммаси одамларга ўлимдан дарак берарди, уларни юпатадиган биронта ёруғ юлдуз кўринмас эди.

Уйларда чироқ ёқишдан қўрқардилар, кўчалар қоп-қоронғи, зулмат, шундай тунда, гўё дарё тубида сузиб юрган балиқдек қора плашга ўранган бир аёл кўзга чалиниб қолади.

Уни кўрган одамлар бир-бирларидан сўрардилар:

— Шу хотинми?

— Ҳа, шу хотин!

Шундан сўнг улар дарвозалар орқасига беркинар ёки бошларини қуйи солиб, унинг ёнидан индамай ўтиб кетарди. Патруль бошлиқлари эса, бу аёлни жиддий равишда огоҳлантирардилар:

— Яна кўчага чиқдингизми Марианна-она? Эҳтиёт бўлинг, сизни ўлдириб қўйишлари мумкин, кейин айбдорни ҳеч ким қидириб ҳам ўтирмайди....

Аёл қаддини ростлаб, кутиб турар, патруль эса, журъат этолмай ёки унга қўл кўтаришдан ҳазар қилиб ёнидан ўтиб кетарди; қуроли кишилар мурдани четлаб ўтгандек ўтиб кетишар, у эса зулмат ичида ёлғиз ўзи қолиб, йўлга тушар, худди шаҳар бошига тушган бахтсизлик тимсолидек, сўзсиз, индамай кўчадан кўчага ўтиб, қаёққадир борар, атрофида эшитилган қайғу садолари: инграш, йиғи, тоат-ибодат ва ғалабадан умидлари узилган солдатларнинг дағал овозлари унга эргашиб, таъқиб этиб юарди.

Ватанпарвар она ўз ватани ва фарзанди ҳақида ўйларди; шаҳарни вайрон қилганларнинг бошлиғи унинг шўх, хушрўй ва шафқатсиз ўғли эди; яқиндагина у ўз ўғлига ватанимга қилган қимматбаҳо совғам, ўз ватандошларимга ёрдам берувчи паҳлавоним деб қарар ва фахрланар эди, чунки онанинг ўзи ҳам шу шаҳарда туғилган, фарзандини ҳам шу ерда вояга етказган эди. Унинг қалби қадим замонлардан қолган шу тошлар билан, ота-боболари бино этган тош иморатлар ва деворлар билан, қон-қариндошларининг суяклари кўмилган ер билан, одамларнинг афсоналари, қўшиқлари, орзу-умидлари билан чамбарчас боғланган эди. Мана шу қалб, шу юрак ўзига энг яқин кишини йўқотиб, йиғларди: қалб бир тарози эди-ю, аммо фарзандга бўлган муҳаббати билан ватанга бўлган муҳаббатни ўлчаб, қайси бирининг оғирлигини билолмасди.

Шу кўйда у кечалари кўчаларда юриб чиқарди, кўп одамлар уни танимай, қоп-қора қиёфасини кўриб, устимизга келаётган ажал тимсоли деб қўрқишар, хоиннинг онаси эканини билгач, ўзларини ундан четга оларди.

Бир кун у шаҳар девори ёнидаги хилват жойда бошқа бир аёлни кўриб қолди: у хотин ўлик ёнида тиз чўкиб тошдай қотиб турар, ҳаракатсиз, қайғули юзини юлдузларга тикиб, ибодат қилар, девор устида, аёлнинг тепасида қоровуллар аста-секин гаплашар, уларнинг яроғ-аслаҳалари тош девор қирраларига тегиб жаранглар эди.

Хоиннинг онаси сўрайди:

— Эрингми?

— Йўқ.

— Инингми?

— Ўғлим. Эрим ўн уч кун аввал ўлдирилган, бу ўғлим — бугун ўлдирилди.

Шундай деб, ҳалок бўлган фарзанднинг онаси тик турди-да, тақдирга тан бериб, дейди:

— Ҳаммасини биби Марям кўриб турибди, ҳаммаси ўзига аён, мен ундан миннатдорман.

— Нима учун?— деб сўрайди биринчи аёл. Иккинчиси унга дейди:

— Энди, ўғлим ватан учун ҳалоллик билан курашиб шаҳид бўлгандан кейин очиқ айтаманки, мен доим ваҳимада юрардим: у энгилтак, ўйин-кулгини яхши кўрарди, шунинг учун ҳам, худо ва инсон душмани, ёвларнинг бошлиғи Марианнанинг ўғли сингари у ҳам ўз ватанига хиёнат қилмасайди, деб кўрқардим, лаънат у хоинга, лаънат уни туққан онага!..

Марианна юзларини беркитиб, нари кетади, эрталаб шаҳар ҳимоячиларининг олдига келиб, дейди:

— Ўғлим сизларга душман бўлгани учун ё мени ўлдириллар, ё дарвозани очиб беринглар, мен унинг ёнига кетайин...— Улар жавоб берадилар:

— Сен инсонсан, ватанни азиз билишинг керак; ўғлинг бизга қанчалик душман бўлса, сенга ҳам шунчалик душман.

— Мен онаман, уни севаман, шундай бўлиб чиққани учун мен ўзимни гуноҳкор деб биламан.

Шу гапдан кейин улар аёлни нима қилиш ҳақида маслаҳатлашиб, унга бундай жавоб берадилар:

— Ҳақиқатни айтганда, ўғлинг гуноҳи учун сени ўлдиролмаймиз, бу даҳшатли жиноятни унга сен ўргатмаганингни биламиз, сен қандай изтироб чекишингни ҳам тушунамиз. Аммо сен шаҳарга гаров сифатида ҳам керак эмассан, чунки ўғлинг ғамингни емайди, фикримизча, у шайтон сени унутиб юборган, агар сен шунга яраша бирор гуноҳ қилган бўлсанг, бу сенга катта жазо! Бу жазо, фикримизча, ўлимдан ҳам даҳшатлироқдир!

— Шундай!— дейди аёл.— Бу ўлимдан ҳам даҳшатлироқ.

Улар аёлга дарвозани очиб, уни шаҳардан чиқариб юбордилар ва ўғли тўккан қон билан мўл суғорилган жонажон тупроқни босиб боришини анча вақтгача девордан кузатиб турадилар. У оёғини ердан зўрға узиб аста юриб борар, шаҳар ҳимоячиларининг жасадларига таъзим қилар, пачақланган яроғ-аслаҳаларни нафратланиб оёғи билан четга итариб ташларди — оналар ҳужум қуролларини ёмон кўрадилар, улар фақат ҳаётни ҳимоя қилувчи қуролларни тан оладилар.

У гўё плаши ичида сув тўла пиёла олиб кетаётганга ва сувни тўкиб юборишдан хавотирланиб бораётганга ўхшарди. Узоқлашган сари у кичикроқ кўринар, девор устида қараб турувчиларга эса, аёл билан бирга, уларнинг бутун хафаликлари ва умидсизликлари ғойиб бўлаётгандек туюларди.

Аёлнинг ярим йўлга бориб тўхтаганини ва бошидан плашини олиб ташлаб, шаҳарга узоқ вақт қараб қолганини кўрдилар, душман қароргоҳидагилар майдон ўртасида тўхтаб қолган ёлғиз аёлни кўриб қолишди. Аёл сингари қора кийим кийган кишилар аста-секин, эҳтиёт билан унга яқин келишди.

Аёл ёнига келиб: «Кимсан, қаёққа кетаётирсан?»— деб сўрашади.

— Сизларнинг сардорингиз менинг ўғлим бўлади,— дейди аёл. Бу жавобни эшитган солдатларнинг биронтаси ҳам бунга шубҳа қилмайди. Солдатлар аёл билан ёнма-ён кета туриб, унинг ўғлининг ақлли ва мард эканини мақтаб сўзлайдилар, у эса, бошини ғурур билан баланд кўтариб, уларнинг сўзларини тингларкан, бунга таажжубланмайди, чунки унинг ўғли шундай бўлиши ҳам керак эди!

Ниҳоят у, туғишидан тўққиз ой илгари ҳам уни билган, бир дақиқа ҳам қалбидан нари ҳис этмаган одами ҳузурига келди. Аёл олдида ипак ва бахмалларга фарқ бўлган, аслаҳалари қимматбаҳо тошлар билан безатилган ўғли турарди. Ўғлининг туриш-турмуши кўнгилдагидек эди; у ўғлини худди шу тахлитда — бадавлат, машҳур ва севимли қиёфада кўп марта тушида кўрган эди.

— Она!— дейди у онасининг қўлидан ўпиб.— Сен менинг олдимга келибсан, демак, мақсадимни англабсан, энди эртагаёқ бу лаънати шаҳарни ишғол этаман!

— Ўзинг туғилиб ўсган шаҳарни-я?— деб эслатиб қўяди она.

Ўз муваффақиятларидан маст бўлган, бундан ҳам зиёда шуҳрат орттириш орзусида эс-ҳушини йўқотган ўғил ёшликнинг телба жўшқинлиги билан дейди:

— Мен одамларни ҳайратга солиш учун дунёга келганман! Мен сен туфайли бу шаҳарни вайрон қилмай турган эдим, оёғимга қирган тикан каби шуҳрат томон тез юришимга халаал бериб, тўхтатиб турган эди. Энди эса, эртагаёқ бу ўжарлар маконини вайрон қилиб ташлайман!

— Бу маконнинг ҳар бир тоши сени ёшлигингдан биларди ва эслаб келади-ку,— дейди онаси.

— Тошлар — соқов, инсон уларни гапиришга мажбур этади — тоғу тошлар менинг шуҳратимни мадҳ этсин, мен шуни истайман!

— Инсонлар-чи? — деб сўрайди она.

— Ҳо, уларни унутмайман, она! Улар менга керак, чунки, қаҳрамонлар фақат инсонлар хотирида абадий яшайдилар!

Она дейди:

— Улимни енгиб, ҳаётни барпо этувчиларгина қаҳрамон бўла оладилар...

— Йўқ! — деб эътироз билдиради ўғли. — Шаҳарлар барпо этувчилар билан бир қаторда уларни хароб этувчилар ҳам машҳурдирлар. Ўзинг ўйла, Римни Эней ё Рамул қурган, буни аниқ билмаймиз, аммо бу шаҳарни вайрон қилган Аларих ва бошқа қаҳрамонларнинг номи ҳаммага аниқ маълум...

— Ҳамма номлар унутилган, аммо бу шаҳар барқарор, — деб эслатади она.

Шу зайлда у онаси билан қуёш ботгунча сўзлашади; она ўғлининг телба сўзларини тобора камроқ бўлади, унинг мағрур боши эса, борган сайин қуйи тушаверади.

Она — яратувчи, — она — ҳимоя қилувчи зот, унинг ҳузурида барбод этиш тўғрисида сўзлаш — унга қарши чиқиш деган сўз, аммо ўғил буни тушунмас ва унинг ҳаёти мазмунини инкор этар эди.

Она ҳамма вақт ўлимга қарши туради; юртга ўлим келтирувчиларни оналар ёмон кўрадилар, ашаддий душман деб биладилар, аммо қалбни музлатувчи совуқ шуҳрат билан кўр бўлган ўғил буни билмасди.

Шунингдек, гап она ўзи яратган ва ҳимоя қилган ҳаёт устида борганда, она доно, шер каби довурак ва шафқатсиз бўлишини ҳам ўғли фаҳмламасди.

Она букчайиб ўтирарди. Сардорнинг муҳташам чодирининг очиқ эшигидан шаҳар кўриниб турарди: у шу шаҳарда ҳомиланинг дастлабки севинчини туйган ва ҳозир шу шаҳарни вайрон этмоқчи бўлаётган болани туғишнинг азобли тўлғоқларини бошидан кечирар эди. Ботаётган қуёшнинг алвон нурлари шаҳар девори ва минораларини қип-қизил қонга бўяди, дераза ойналари ваҳимали равишда ялтирарди, бутун шаҳар ярадор бўлиб, юзлаб жароҳатлардан қип-қизил ҳаёт шарбати оқаётгандек туюларди. Вақт ўтиб борарди, шаҳар мурда сингари қорая бошлади

ва ўлик тепасига ёқилган шамлардек шаҳар устида юлдузлар милтиллаб қолди.

Она ўша ёқдаги шаҳарни, душман диққатини жалб этишдан қўрқиб, чироқ ёқилмаган уйларни, сасиган мурдалар ҳиди келиб турган қоронғи кўчаларда ўз ажалини кутиб турувчи кишиларнинг шивирлаб гапиришларини, ҳамма нарсани ва ҳаммани кўриб турар эди. Таниш жонажон шаҳар кўз олдидан ҳеч нари кетмас, сукут ичида унинг ҳукмини кутарди, у ўзини шаҳардаги барча кишиларнинг онаси деб сезарди.

Тоғларнинг қоронғи чўққиларидан водийга булут туша бошлади, улар худди қанотли отлар сингари ҳалокатга маҳкум этилган шаҳар устига бостириб борарди.

— Тун қоронғи бўлиб турса, балки шу кеча шаҳарга ҳужум қилармиз. Кўзга офтоб тушиб турганда ва қуроласлаҳалар ялтираши кўзни қамаштирганда одам ўлдириш ноқулай бўлади, чунки бундай пайтда қўл адашади,— дейди ўғли қиличини кўздан кечириб.

Она унга дейди:

— Бери кел, бошингни кўкрагимга қўйиб, ёшлигингда қандай шўх ва қувноқ бўлганингни, ҳамма сени яхши кўриб, эркалашини эслаб, дамингни ол...

Ўғли кўнади, онасининг тиззасига бош қўйиб, кўзларини юмади-да, дейди:

— Мен фақат шуҳратни ва мендай ўғилни туққанинг учун сени яхши кўраман.

— Хотинларни-чи?— деб сўрайди она унга энгашиб.

— Хотинлар жуда кўп, ҳаддан ортиқ ширинликдек тез жонга тегади.

Она сўнги марта сўрайди:

— Фарзанд кўриш орзуси йўқми сенда?

— Нима кераги бор? Уларни бировлар ўлдирсин учунми? Менга ўхшаш биров уларни ўлдирса, мен азоб чекаман, улар учун қасос оламан деганимда, қариб, кучсиз бўлиб қоламан.

— Сен гўзал, аммо чақмоқ каби самарасизсан,— дейди она чуқур нафас олиб.

Ўғил жилмайиб, дейди:

— Ҳа, чақмоқ каби...

Шундай деб, у онасининг кўксига бошини қўяди-да, гўдак сингари уйқуга кетади.

Шунда она ўғлининг устига қора плашини ёпиб, унинг юрагига пичоқ санчади, ўғли бир сесканади-ю, шу заҳоти



жон беради — она ўз фарзандининг юраги қаердалигини яхши билар эди-да. Кейин ҳайратда қолган соқчилар оёғи остига ўғлининг жасадини ташлайди-да, шаҳар томонга қараб, дейди:

— Инсонман, ватан учун қўлимдан келганини қилдим, онаман, ўз фарзандим ёнида қоламан! Энди бошқа фарзанд кўришдан ожизман, ҳаётим ҳеч кимга керак эмас.

Она шундай деб, яна ўша пичоқни, фарзанд қони — ўз қони билан ҳали илиқ турган пичоқни дадил ўз кўксига санчади, пичоқ бу сафар ҳам юракни адашмай топади — оғриқ қалбни топиш қийин эмас эди.

\* \* \*

\*

Чигирткалар чириллайди.

Гўё зайтун дарахтининг қалин баргларига минглаб сим торлар тортилган, шамол қаттиқ қаттиқ баргларни тебратади, баргларнинг торларга аста, дам-бадам тегаверишидан ҳаво иссиқ, маст қилувчи куйга тўлади. Бу ҳали музика эмас, лекин кўринмас қўллар юзлаб арфаларни созлаётганга ўхшайди, шунинг учун киши дам ўтмай сукунат чўкишини, ундан кейин қуёшга, кўкка ва денгизга аталган зўр гимн янграшини диққат билан кутади.

Шамол эсади, дарахтлар учларини силкитиб, тоғдан денгизга томон келаётгандек тебранади. Қирғоқдаги харсангларга тўлқинлар бир маромда ва бўғиқ овоз билан урилади; денгиз бети оппоқ жонли нуқталарга тўла, гўё унинг мовий сатҳига беҳисоб қушлар галаси қўнгану, бир тарафга қараб сузаётганга ўхшайди. Денгиз тубига шўнғиб ғойиб бўлишади-да, яна қайта юзага чиқишади ва қулоққа чалинар-чалинмас чирқиллашади. Гўё буларни ўз орқаларидан эргаштириб кетаётгандек уфқда уч қатор елканларини баланд кўтарган икки кема чайқалиб туради, улар ҳам кул ранг қушларга ўхшайди; буларнинг барчаси — эски, унутилаёзган тушни эслатади — ҳаётга ўхшамайди.

— Кечаси қаттиқ шамол туради! — дейди кекса балиқчи, чақир тошли чоғроқ пляжда, харсанглар кўланкасида ўтириб.

Тўлқинлар тошлоққа малла, зангори ва тилла ранг хушбўй денгиз ўтларини чиқариб ташлаган; ўтлар қуёшда ва иссиқ тошлоқда сўлган, шўртан ҳаво нордон иод ҳидига қоришган. Жингалак тўлқинлар бирин-кетин пляж томон чопқиллашади.

Балиқчи чол қушга ўхшайди — унинг юзи кичкина, қирғий бурун, қат-қат қорамтир қовоғи тагида кўринмай кетган кўзлари эҳтимол, ўткир ва юмалоқдир. Қўллари-нинг панжалари чангаксимон, сушт ва қуруқшаб қолган.

— Ярим аср муқаддам, синьор,— дейди чол тўлқин ва чигирткаларнинг чириллашига монанд товушда,— худди шу бугунгидай завқли ва шовқинли, ҳамма куладиган ва қўшиқ айтадиган кун эди. Дадам қирқда, мен ўн олти ёшда эдим. Ошиқу беқарор бўлган пайтларим, ўн олти ёшда ҳар ким шундай бўлади, айниқса, офтоб тепангда қиздириб турганда...

«Гвидо, пеццони тутгани борамиз»,— деди отам; пеццони, синьор, пушти ранг қанотли, нозик ва мазали балиқ, уни маржон балиқ ҳам дейишади, чунки маржонлар бўлган жойда, жуда чуқурда яшайди. Уни лангар ташлаб қўйиб, оғир чўкдиргичли қармоқ билан тутишади. Чиройли балиқ.

Биз овимиз ўнг келишидан бошқа ҳеч нарсани ўйламай жўнадик. Дадам бақувват киши, тажрибали балиқчи эди, аммо шундан сал илгари у ётиб турган кўкрак оғриғи ва бод касалидан панжалари майишиб қолган эди, бу — балиқчиларнинг касали.

Бизни денгизга аста ундаб, қирғоқдан мулойим эсаётган манави шамол бор-ку, бу ўта маккор, қаҳрли шамол — денгизда у сездирмай келади-да, сиз уни ҳақорат қилгандай, устингизга бирдан ташланади. Қайиғингиз ўша заҳоти лангардан узилади-ю, шамол олиб кетади, баъзан тўнтарилиб тушади, сиз бўлсангиз, сувда қоласиз. Бу бир дақиқа ичида содир бўлади, сўкинишга ёки калима келтиришга ҳам тилингиз келмай қолади, сизни чирпирак қилиб айлантиради, узоқларга оқизади. Қароқчи ҳам бу шамолдан кўра инсофли. Аслида-ку, одамлар табиат ҳодисаларига қараганда инсофли-я.

Ҳа, бу шамол бизни қирғоқдан тўрт километр нарида ёмон урди-да, кўриб турибсиз-ку, жуда яқин жойда, тўсатдан худди қўрқоқдек, олчоқдек тушириб қолди.

«Гвидо!— деди отам майиб қўллари билан эшқакка ёпишиб.— Ҳушёр бўл, Гвидо! Якорни кўтар!»

Якорни кўтараётганимда дадамнинг кўкрагига эшқак қаттиқ урилди — унинг қўлидан эшқак чиқиб кетди — дадам қайиқнинг ичига беҳуш йиқилди. Ёрдамлашишга фурсат бўлмади, секунд сайин қайиқни ағдариши мумкин эди. Олдинига ҳамма нарса жуда тез қилинади: мен эшқакка

ўтирганимда сув тўзонига кўмилиб, қаёққадир оқмоқда эдик, шамол тўлқинларнинг уч-учини узиб олиб, худди попга ўхшаб, зўр ҳафсала билан бизга сув сепар, лекин сепганда ҳам бизни гуноҳдан тозалаш учун эмас, албатта.

«Бу жуда жиддий, ўғлим!— деди дадам ҳушига келгач, қирғоқ томонга боқиб.— Бу анчага чўзилади, чирогим; мен

Одам ёшлигида хавф-хатардан унча қўрқмайди; мен эшкак эшишга ҳаракат қилдим, сувда бу шамол — ёвуз иблисининг дами — мулойимлик билан минглаб тўр ковлаб, ҳеч қандай чиқим-харажатсиз жаноза ўқиб турган хавфли пайтда нима қилиш зарур бўлса, мен барини қилдим.

«Жим ўтир, Гвидо,— деди дадам, жилмайиб ва бошидан сувни силкитди.— Денгизни гугурт чўпи билан чуқилашдан нима фойда? Кучингни асра, бўлмаса уйда сенинг қайтишинга кўз тутаётганларнинг умиди бекор кетади».

Ям-яшил тўлқинлар бизнинг қайиғимизни ёш болалар тўп ўйнаганидай ирғитиб ўйнатади, қайиқ четларидан мўралашади, тепамизга чиқиб гувиллайди, биз чуқур ғорларга ағанаймиз, оппоқ чўққиларга кўтариламиз — қирғоқ эса, борган сари биздан қочади ва у ҳам бизнинг қайиғимиздек ўйин тушади. Шунда дадам менга деди:

«Сен, балки эсон-омон қайтарсан, мен — қайтмайман! Қулоқ сол, мен сенга балиқ ҳамда иш тўғрисида гапирмоқчиман...»

Шундай қилиб, у менга ҳар хил балиқларнинг одати — уларни қачон ва қандай қилиб ушлаш қулай экани тўғрисида нима билса — барини сўзлаб берди.

Аҳволимиз чатоқ эканига кўзим етгач: «Калима келтирсакмижан, дада?» — деб маслаҳат солдим, биз ҳамма томондан тишларини иржайтириб турган итлар галаси ўртасида қолган бир жуфт қуёнга ўхшардик.

«Худойи таоло ўзи кўриб турибди! — деди у.— Қуруқликда яшашга яратилган одамлар денгизда ҳалок бўлаётгани, улардан биттаси қутулишига кўзи етмай билганларини ўғлига васият қилиб қолдиришга мажбур бўлаётгани — барч унга аён. Иш — ерга ҳам, инсонга ҳам зарур — буни ҳам худо билади...»

Шундай қилиб, дадам иш тўғрисида нима билса — барини айтиб бўлиб, одамлар билан иноқ бўлиш ҳақида сўзлай бошлади.

«Ҳозир менга насиҳат қилиш пайtimi? — дедим.— Қуруқликда эканингда қилмовдинг!»

«Қуруқликда ажалнинг бунчалик яқин эканини сезма-  
гандим».

Шамол йиртқич ҳайвондай увиллар, тўлқинлар шовиллар — менинг эшитишим учун дадам қичқариши керак эди, у қичқирарди ҳам:

«Сен ҳамма вақт ўзингни, ўзингдан яхши киши йўқдек ва сендан ёмон киши йўқдек тута бил — энг тўғриси шу! Дворян ва балиқчи, руҳоний ва солдат — бари бир тан, этдан суякни ажратиб бўлмаганидек, сен ҳам ўша тананинг керакли аъзосисан. Инсон боласига муомала қиладиган бўлсанг, унда фазилатидан кўра разолати кўпроқ деб ўйлай кўрма — унинг фазилати кўп деб бил — аслида ҳам шундай! Одамлардан нима изласанг шуни топасан».

Албатта, бу сўзлар бир вақтнинг ичида эмас, чунончи, команда берилганга ўхшаб айтилди: ахир бизни шамол тўлқиндан тўлқинга, дам пастга, дам юқорига отар, бу сўзларни сув тўзони ичида эшитардим. Менга етмасданоқ кўп сўзларни шамол учириб кетарди, анчасига тушунмасдим — уқадиган пайтми, синьор, ҳар бир минутда ўлим хавфи бор-ку! Қаттиқ қўрқдим, денгизнинг бунчалик қутуришини биринчи бор кўришим, ўзимни ниҳоятда ожиз ҳис этардим. У дамларни эсласам, хотиримда шу қадар аниқ сақланган ўшандай таассурот олдин ҳам, кейин ҳам қолмаганини англайман.

Ҳамон отам кўз олдимда: у қайиқ ичида дардчил қўллари яқин ёйиб, панжалари билан қайиқ четига ёпишиб ўтирган эди, шляпаси бошидан учиб кетган, тўлқинлар гоҳ ўнг томонидан, гоҳ чап томонидан бошига ва елкасига ташланар, олдидан ва орқасидан келиб урилар, у бошини силкитар, пишқирар ва дам-бадам менга қараб қичқирарди. Ивиб, кичкина бўлиб қолди, кўзлари қўрққанидан олазарак бўлиб кетди, эҳтимол, қўрққанидан эмасдир, оғриқдан шундай бўлгандир. Мен оғриқдандир деб ўйлайман.

«Тингла! — деб бақирди менга, — ҳей, эшитяпсанми?»

Баъзан жавоб қайтариб кўярдим:

«Эшитяпман!»

«Эсингда тут! Яхшилик фақат инсон боласидан қайтади».

«Хўп!» — дердим.

У қуруқликда ҳеч қачон мен билан бундай гаплашмаган эди. Хушчақчақ, хушмуомала эди, лекин у менга мас-

хараомуз ва ишонмай қарагандай, мени ёш бола фаҳмлагандай туюларди. Баъзан шунга хафа бўлардим — ёшлик иззати нафси қойирди.

Унинг қичқиришлари менинг қўрқувимни жиловлар, эҳтимол, шунинг учун бари эсимда қолган бўлса...

Балиқчи чол жим бўлиб қолди, оппоқ денгизга қаради-жилмайди ва кўзини қисиб деди:

— Одамларга зеҳн солиб юриб, шундай қарорга келдимки, синьор, эсда тутмоқ — билиш билан баравар экан, қанча кўп билсанг, яхшилиқни ўшанча кўп кўрар экансан, ишонаверинг, оламнинг иши шундай экан.

Хўш, шундай қилиб, унинг менга азиз ҳўл юзи ва олазарақ кўзлари эсимда. У менга жиддий, меҳр билан тикилди, шу куни ўлмаслигимни унинг кўзларидан пайқаб олдим. Қўрқдим, аммо ўлмаслигини билардим.

Ниҳоят, қайиғимиз ағдарилди. Мана, иккимиз ҳам қайнаётган, кўпираётган сув ичидамиз. У бизнинг кўзларимизни қамаштиради, тўлқинлар баданларимизни ирғитади, қайиқнинг қорнидаги қиррасига уради. Биз аввалданоқ денгизнинг саёз жойига олиб бориш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини уйдан олганмиз, қўлларимизда арқон, куч-қувватимиз борича қайиғимиздан ажралмасликка ҳаракат қиламиз, аммо сувда чидаб туриш оғир. Бир неча бор гоҳ отам, гоҳ мен қайиқнинг қорнидаги қиррасига урилдик ва шу заҳоти ювиб туширилдик. Ёмони шуки, бошимиз айланарди, гаранг бўлиб қолгандик, кўзимиз кўрмасди — кўз ва қулоқларимизга сув тўлган, кўп сув ютардик.

Бу узоққа чўзилди — етти соатча давом этди, кейин шамол бирдан ўзгарди, қирғоққа қараб чопди, бизни ҳам қуруқликка олиб кетди. Буни кўриб мен қувониб:

«Хушёр бўл!» — деб бақирдим.

Дадам ҳам алланима деб қичқирди, унинг гапидан фақат бир сўзинигина англай олдим:

«Мажақлайди...»

У харсанг тошларни ўйлаган экан, улар узоқда бўлгани учун ҳам мен унинг гапига ишонмадим. Бироқ у денгизнинг тилини мендан яхшироқ билар эди — биз тоғдай тўлқинлар ичида анчагина саваланган, дармондан кетган ва тилдан қолган бир ҳолатда, боқувчимиз денгизга ёпишиб, шиллиқ қуртлардай оқиб келардик. Бу узоққа чўзилди, лекин қирғоқдаги қора гунгурт тоғлар кўриниши ҳамон, ҳамма нарса ақл бовар қилмайдиган

даражада тезлаб кетди. Ҳаммаси ёпирилиб бизга томон чайқалиб яқинлаша бошлади, бизнинг тепамизга босиб тушаётгандай бўлиб сувга томон эгиларди, яна-яна, оппоқ тўлқинлар таналаримизни улоқтиради, қайиғимиз этик пошнаси тагида чақилган ёнғоқдай қарсиллайди, мен қайиқдан ажраб қолдим, қояларнинг пичоқдай ўткир эгрибурри қора қовурғалари кўзимга чалинади, мендан анча юқорида дадамнинг бошига кўзим тушади, сўнгра дадамни шу иблислар чангалида кўрдим. Уни бели синган, боши ёрилган ҳолда, икки соатлардан сўнг топиб олишди. Бошидаги яраси жуда катта, миясининг бир қисми ювилиб кетган эди, аммо худди мраммарга ёки қон теккан кўпикка ўхшаш кул ранг, қизил томирчалар билан ўралган яра ўрнидан кўриниб турган мия парчаси эсимда қолган. У жуда ёмон мажақланган, ҳамма ёғи синиқ, лекин юзи топ-тоза, хотиржам кўзлари ҳам бутун, қаттиқ юмулган эди.

Менми? Ҳа, мен ҳам анчагина мажақланган эдим. Қирғоққа мени беҳуш тортиб чиқаришди. Бизни денгиз тўлқинлари қуруқликдаги Амальфи деган ёт қишлоққа элтиб ташлаган эди, албатта у ерда ҳам ўз одамларимиз бор — улар ҳам балиқчилар, бунақа ҳодисалар уларни ажаблантирмайди, лекин кўнгилларини юмшатади, хавф хатарда яшайдиган одамлар ҳамма вақт раҳмдил бўлади!

Ўйлашимча, дадам тўғрисида дилимдагининг барини айта олмадим, бу хотираларни, ахир, эллик бир йилдан бери кўнглимда асраб юрибман-а, шунинг ўзиёқ алоҳида сўз билан безанишни, ҳатто қўшиқ қилиб айтишни талаб этади, аммо биз мўмин бандалармиз, балиқдаймиз, истганимизча чиройли гапира олмаймиз! Дилингда ҳис этган ва билган кўпгина нарсаларинг доимо тилингга келавермайди.

Бу ерда ҳамма гап шундаки, дадам вақти-соати яқин қолганини билиб туриб кўрқмади, мени — ўз ўғлини унутмади, муҳим деб билганларининг барини менга айтиб қолдиришга куч ва вақт топа олди. Олтмиш етти йил умр кўрдим ва айтишим мумкинки, қулоғимга қуйганларининг бари — тўғри!

Чол қачонлардир ранги қизил бўлган, энди кўнғир рангга кирган қалпоғини олиб, ундан трубкасини суғурди-да, тақир, бронза тусли бошини эгиб, қаттиқ гапирди.

— Бари тўғри, азизим синьор! Одамларни қандай қиёфада кўришни хоҳласангиз улар ўшандай, уларга очиқ

чеҳра билан боқинг-а. Ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз, улар-  
ҳам! Бу жуда оддий нарса.

Шамол борган сари кучаярди, тўлқинлар янада баландга кўтарилар, ўткирлашар, оппоқ бўла борар эди; денгизда тўсатдан қушлар пайдо бўлиб қолди, улар борган сари тезроқ қанот қоқиб, узоқ жойларга учиб кетмоқда, уч қатор елканли икки кема эса, мовий уфқ чирогидан нарида ғойиб бўлди.

Оролнинг тик қирғоқлари тўлқинлардан кўпирган, кўм-кўк сув қутуриб шовиллайди, чигирткалар ҳам тинмай қаттиқ чириллайди.

\* \*  
\*

Эски токнинг йўғон занглари орасига яширинган оқ уйнинг шундоққина эшиги олдида, гулпечак ва майда-майда хитой гуллари чирмашиб кетган шу занглар бостирмаси соясида, бир графин вино қўйилган стол ортида бўёқчи Винченцо ҳамда слесарь Джиованни ўтирибди. Бўёқчи — кичкинагина, қоқ суяк, қора киши; унинг тим қора кўзларида хаёлкашнинг мулойим табассуми йилтираб кўринади: устки лаби ва ёноқлари тозалаб қирилганидан кўкариб турса ҳам, бу табассумдан юзи болаларникидай бачкана кўринади. Оғзи қизларникидек кичкина, чиройли, панжалари узун, у бармоқлари билан тилла ранг атир гулни айлантиради-да, уни шишган лабларига босиб, кўзларини юмади.

— Эҳтимол, мен билмасман, эҳтимол! — дейди у секингина, чаккалари сиқик бошини чайқаб, шунда унинг малла ранг соч толалари кенг пешанасига тушади.

— Ҳа, рост! Шимолга борган сари, одамлар саботлироқ,— деб тасдиқлайди боши катта, елкаси кенг, қора сочи жингалак Джиованни; унинг юзи қизил мис рангида, бурнини офтоб олган ва жонсиз терининг оқ пўстлоқлари қоплаган; кўзлари катта-катта, хўкиз кўзи сингари мулойим, ўнг қўлининг бошмалдоғи йўқ. Унинг гапи ёғ босган ва темир чанглари ўтириб қолган қўлларининг ҳаракати сингари секин. Джиованни тирноқлари синиқ қора бармоқлари билан вино стаканини қисиб, йўғон овоз билан сўзини давом эттирди:

— Милан билан Турин — янги одамлар, янги ақл бунёдга келадиган ажойиб устахоналардир! Бир оз сабр қил, кўрасан, ер юзи мусаффо ва маънодор бўлиб қолади.

— Ҳа! — деди-да, жуссаси кичкина бўёқчи, стаканни кўтариб ва виносига қуёш шуъласини тушириб, куйлади:

Оҳ, замонамиз тонгида ер қайноқ эди!  
Биз вояга етганда ер бўлди совуқ!

Шимолга яқин борган сари, иш яхши бўлаверади, деяпман... Французлар ҳозир бизлардай такасалтанг умр кўришмайди, ундан нари немислар, оқибат русларни ол, асл одамлар!

— Ҳа!

Хуқуқсизлар, озодлик ва ҳаётни қўлдан бериб қўйиш хавфи остида улар оламшумул иш қилишади — уларнинг шарофати билан бутун шарқ ҳаёт сари отланди.

— Мардлар бамлақати, — деди бўёқчи бошини эгиб. — Ушалар билан бирга яшасам дейман...

— Сен-а? — деб хитоб қилди слесарь, кафтини ёни билан тиззасига уриб. — Бир ҳафта ўтар-ўтмас у ерда бир парча музга айланарсан дейман!

Иккови қотиб-қотиб кулди.

Атрофида кўк ва олтиндай сариқ гуллар барқ урар, осмондан қуёш ҳовуч-ҳовуч нур сочар, зилол шиша графин ва стаканлар ичидаги вино чўғдай товланар, узоқ-узоқлардан денгизнинг ипақдай майин садоси эшитилар эди.

— Шундай, меҳрибоним Винченцо, — дейди слесарь, оғзи қулоғига етиб жилмаяркан, — менинг қандай қилиб социалист бўлганимни шеър билан айтиб бер. Сен буни биласан-а?

— Йўқ, — дейди бўёқчи, стаканларга вино қуяр экан, унинг қип-қизил бўлиб оқиб тушишига жилмайиб қараб. — Сен ҳеч қачон бу тўғрида гапирмаган эдинг. Бу фазила-тинг ўзингга шундай ярашиб турибдики, мен сени шу зайлда туғилгансан, деб ўйлайман.

— Мен ҳамма одамларга ва сенга ўхшаб яп-яланғоч ва ақсиз туғилганман; ёшлигимда мен бой хотинни орзу қилардим, солдатликда офицерлик лавозимига имтиҳон бериш учун ўқидим, ёшим йигирма учга кирганда билсам, дунёдаги ишларнинг ҳаммаси ҳам яхши бўлавермас экан, шунинг учун аҳмоқ бўлиб умр ўтказгани уялдим!

Бўёқчи столга суянди-да, бошини баланд кўтариб, жарнинг шундоққина лабида, шохларини чайқаб баҳайбат қарағайлар турган тоққа қарай бошлади.



— Бизларни — менинг ротамни Болоняга юбордилар; у ерда деҳқонлар қўзғолон кўтарган эканлар, бир хиллари ижара ҳақини камайтиришни талаб қилар, бошқалари иш ҳақини кўпайтириш зарурлигини айтиб бақирарди, менга униси ҳам, буниси ҳам ноҳақ бўлиб кўринар эди: ер ижарасини камайтириш, ишчи ҳақини кўпайтириш — шу ҳам гап бўлди-ю, деб ўйлардим,— ахир, бу нарса ер эгаларини хонавайрон қилади-ку. Шаҳарлик бўлганим учун менга булар бемаъни ва бўлмағур нарса бўлиб кўринарди. Жуда жаҳлим чиқди, кун иссиқ, кейин бир жойдан иккинчи жойга доимий равишда кўчиб юриш устига кечаси соқчилик ишлари қўшилиб хуноб бўлдим, у додюраклар эса, билсанг, катта ер эгаларининг машиналарини синдиришгани синдиришган, шунингдек, улар буғдойларни ёндиришни ва ўзлариники бўлмаган ҳамма нарсани бузиб-янчиб ташлашни яхши кўришади.

У винони ҳўплаб-ҳўплаб ичди-да, борган сари қизишиб давом этди:

— Улар далалардан қўйлар сингари зич, тўда-тўда юриб боришарди, лекин чурқ этишмас, қовоқларини солиб, вазмин қадам қўйишарди, биз уларни найза ўқталиб, гоҳида қўндоқлар билан туртиб ҳайдардик. Улар бўлса тап тортмай, шошмай тарқалишар ва яна тўпланишарди. Бу нарса кундузги ибодатдек кўнгилсиз ва безгакдай кундан-кунга чўзилиб, охири кўринмас эди, бизнинг унтеримиз Луото яхши йигит, ўзи абрудезли, асли деҳқон, роса қийналди: сарғайиб, ориқлаб кетди ва бир неча марта бизларга:

— Жуда расво бўлди, болаларим! Афтидан, отишга тўғри келади, ўлай агар!— деди.

Унинг зорланиши кайфимизни баттар бузди, нимага десанг, ҳар бурчакдан, ҳар тепа ва дарахт ортидан деҳқоннинг бўй эгмас қайсар калласи кўринади, уларнинг ғазабноқ кўзлари сени излаб, текшириб юради албатта, бу одамлар бизларга унча хушмуомала эмас эди.

— Ич! — деди кичкина Винченцо, назокат билан улфати олдига лим-лим стаканни суриб.

Слесарь:

— Ташаккур, яшасин матонатли одамлар! — деб хитоб қилди-да, винони ичиб, кафти билан мўйловини артди ва давом этди:

— Бир кун кичкина тепаликда, зайтун чакалакзорида, дарахтларни қўриқлаб турар эдим, нимага десанг деҳқон-

лар дарахтларни қийратмоқда эдилар, тепа тагида икки киши — чол билан йигит ишлар, улар аллақандай хандақ қазирдилар. Кун иссиқ, қуёш олов сингари куйдирар, балиқ бўлиб ўзингни сувга ургинг келарди, зерикарди киши, кейин эсимдаки, бу одамларга жуда аччиғланиб қарар эдим. Чоштгоҳ бўлганда, бу одамларга жуда ачиниб қарар эдим. Чоштгоҳ бўлганда, улар ишни ташлаб, нон, пишлоқ, бир кўза винони олдиларига қўйдилар, оббо жин ургурлар-ей, дедим ичимда. Шу пайтгача менга бир мартаба ҳам қайрилиб боқмаган чол йигитга бир нималар деди, у бўлса йўқ, дегандай бош чайқади, чол бўлса бирдан:

«Бор!» — деди қатъий қичқириб.

Йигит қўлида кўза билан олдимга келиб, зўрға:

«Дадам сизни ичкиси келяпти деб ўйлайди, винодан ичар экансиз!» — деди.

Жуда ўнғайсиз бўлса ҳам, кўнгилга хуш ёқди, мен чолга бош чайқаб рад этдим ва ташаккур билдирдим, чол бўлса осмонга имо қилиб жавоб берди:

«Ичинг, синьор, ичинг! Биз буни солдат бўлганингиз учун эмас, одам бўлганингиз учун таклиф этяпмиз, умид қиламизки, виномизни ичиб, зора солдат кўнгли юмшаса».

«Қопма, жин ургур!» — дедим ичимда ва уч қултум вино ичиб, ташаккур билдирдим, улар бўлса пастда овқат ейиша бошлади; кейин менинг навбатим тугаб ўрнимда салертинлик Уго турди, мен унга бу икки деҳқон яхши одамлар экан, деб секингина шипшитдим. Худди шу кун кечқурун, машиналар сақланадиган сарой девори олдида турганимда томдан бошимга черепица тушса борми, бошимга унча қаттиқ тегмади, лекин биттаси қирраси билан келиб елкамга шундай қаттиқ урилдики, чап қўлим шалвираб қолди.

Слесарь оғзини катта очиб ва кўзларини қисиб хохлаб кулди.

— Черепицалару, тошлар, таёқлар,— деб айтди у кула туриб,— ўша ерларда ўз ҳолича устимизга отилаверарди, мана шу жонсиз нарсаларнинг мустақиллиги бошимизда анча-мунча катта-катта ғурралар пайдо қилди. Солдат бир жойда турибдими ё юриб кетяптими — бирдан ер остидан калтак унга ҳамла қилади, осмондан тош ёғади. Биз ға-забланардик, албатта!

Кичкина бўёқчининг кўзларида хафалик кезиб, юзлари оқарди, кейин у секингина деди:

— Доим бу гапларни эшитсанг уяласан киши...

— Начора! Одамларга ақл аста-секин кирар экан. Ундан кейин мен ёрдам беринглар деб одамларни чақирдим, мени бир уйга олиб кирдилар, у ерда юзига тош тегиб яраланган бир одам ётарди. Мен ундан қандай қилиб бундай бўлди, деб сўровдим, у хафалик билан кулиб, деди: «Кампир урди, ўртоқ, оқсоч жодугар кампир урди ва мени ўлдира деди!»

«Қамадиларми?»

«Мен:— Ўзим йиқилиб яраландим,— деб айтдим. Командир ишонмади, ишонмагани кўзларидан билиниб турар эди. Лекин кампир уриб ярадор қилди дейишга тил бормаиди-да, биласан-ку! Иблис! Уларнинг аҳволи танг эди, шунинг учун ҳам бизни ёмон кўришарди, маълум нарса».

— Шундай! — деб ўйладим. Бир доктор билан икки аёл келди — бири жуда чиройли, малла соч, венецианка бўлса керак, иккинчиси эсимда йўқ. Улар ярамни кўришди, арзимайдиган яра экан, менга компрессор қўйишди-ю, кетишди.

Слесарь қошини чимириб, жимиб қолди ва қўлнинг қаттиқ ишқади; шериги яна стаканларга вино қуйди — у вино қуяр экан, графинни баланд кўтарди, вино ҳавода кип-қизариб оқиб қилқиллаб тушаверди.

— Биз икковимиз дераза олдига бориб ўтирдик,— деб маънос давом этди слесарь,— шундай ўтирдикки, бизга кун нури тушмас эди. Шунда ҳалиги малла соч аёлнинг майин овозини эшитиб қолдим — у дугонаси ва доктор билан шундоққина дераза ёнидан, боғдан ўтиб борар, мен яхши тушунадиган француз тилида гапирар эди.

«Назар солдингизми, кўзлари қандай, а?— деди у.— Афтидан, у ҳам деҳқон бўлса керак. Мундирини ечиб, ҳамма биздагиларга ўхшаб, у ҳам социалист бўлади. Шундай, бундақа кўзли одамлар бутун дунёни эгалламоқчи; ҳамма ҳаётни бошқатдан қурмоқчи, бизларни ҳайдамоқчи; ер билан яксон қилмоқчи бўладилар. Бу ишларнинг ҳаммасини улар аллақандай кўр-кўрона, кўнгилсиз адолатнинг тантана қилиши учун қилмоқчи бўладилар!»

Доктор:

«Эси йўқ болалар, чала тентак, чала йиртқичлар!» деди.

«Ҳалиги умумий тенглик ҳақидаги орзулар-чи...»

«Ўйлаб кўринглар — мен ҳўкиз кўзли йигитга ва юзи қуш юзига ўхшаган унисига ўхшаш бир одамман, бизлар — сиз, мен ва бу қиз ҳаммамиз — ўша бузуқ одамлар

билан тенгмиз — бир тукимиз ҳам бошқача эмас! Улар сингари йиртқич бўлиши лозим одамларни чақириш учун бундай одамларга...»

Хотин қизишиб, жуда кўп гапирди, мен бўлсам унинг сўзини эшитиб: «Ҳа, шундай синьора!» дедим ичимда. Мен уни биринчи марта кўраётганим йўқ эди, сен албатта, биласанки, ҳеч ким хотин кишини солдатдай ташналик билан орзу қилмайди. Мен уни меҳрибон, ақлли, соф юрак деб фараз этардим, шу билан бирга менга дворянлар, айниқса, ақлли бўлиб кўринарди.

Ўртоғимдан: «Бу тилга тушунасанми?» деб сўрадим. Йўқ, тушунмас экан. Мен унга малла соч аёлнинг гапларини айтиб бердим — йигитнинг жон-пони чиқиб кетди, у кўзини чақчайтириб, хонада депсиниб юра бошлади — унинг бир кўзи боғлиқ эди.

— Шундақа де! — дўнғиллади у. — Шундақа де! У мендан фойдаланади-ю, мени одам ҳисобламайди-я! Мен унинг учун ўз қадримни оёқ ости қилиб юрибману, у бўлса буни тан олмайди! Мен унинг мол-жони омон бўлсин деб жонимни тикиб юрибман...»

У ақлли йигит эди, ўзини бениҳоят ҳақоратланган деб билди, мен ҳам. Иккинчи куниеқ биз иккимиз бу аёл тўғрисида овозни баланд қўйиб, бемалол гапириша бошладик. Фақат Луото бўғилиб насиҳат қилар эди:

«Хушёр бўлинглар, болаларим! Эсинглардан чиқмасинки, сиз солдатсиз, шундай экан интизом бор — риюя қилиш керак!»

Йўқ, биз уни унутганимиз йўқ. Лекин жуда кўпчилик, ростини айтсам, деярли ҳамма, кўр ва кар бўлиб олди, довюрак деҳқонлар эса, бизнинг кар ва кўр бўлиб олганимиздан жуда боплаб фойдаланишди. Улар ютишди. Улар бизга жуда хушмуомала бўлиб қолишди. Малла соч аёл улардан кўп нарса ўрганса бўларди, масалан, улар қандай қилиб соф кўнгил одамларнинг қадрига етишни бу аёлга яхшилаб ўргатиб қўя олардилар. Бу ерга биз қон тўкиш ниятида келган эдик, лекин кетаётганимизда кўпчилигимизга гуллар берилди. Қишлоқ кўчаларидан ўтиб кетаётганимизда бизга тош ва черепициялар улоқтирилмай, улар ўрнига гуллар отдилар, дўстим! Мен, шунга лойиқ иш қилдик деб ўйлайман! Яхшилаб кузатилганингдан сўнг, ёмон кутиб олишганини унутар экансан!

У кулди-да, кейин сўзини давом эттирди:

— Мана шуни сен шеърга солишинг керак, Винченцо...

Бўёқчи хаёл суриб туриб, шундай деб жавоб берди:  
— Ҳа, бу нарса поэмабоп экан! Мен уни поэма қиламан, киши йигирма бешдан ошгандан кейин яхши лирик бўлолмас экан.

У ғижимланган гулни ташлаб, бошқасини узиб олдида, давом этди:

— Она кўкрагидан ёр кўксига етгунча йўл босган одам, янада нари бошқа бахт сари бориши керак...

Слесарь стакандаги винони чайқаб жим турар эди. Денгиз майин шувиллар, пастроқда, тоқдан нарироқда, гулларнинг ҳиди иссиқ ҳавода анқиб турар эди.

— Бизни бунчалик майин, бунчалик эринчоқ қилаётган қуёш,— деб тўнғиллади слесарь.

— Мен яхши лирик шеърлар ёзолмайдиган бўлиб қолдим, ўзимдан ўзим хафаман,— деди секингина Винченцо, ингичка қошларини учуриб.

— Сен бирор нарса қилдингми?

Бўёқчи гапни пайсалга солиб деди:

— Ҳа, кеча «Кома» отелининг томида бир нарса ёздим.

Шундай деб у овозини пасайтириб, хаёлчан ҳолда, оҳангдор қилиб ўқиди:

Саҳродай бўш соҳилга, кўҳна намхуш тошларга  
Куз қуёши хайрлашиб нурни сепар мулойим.  
Қора тошларга уриб ўзни хасис тўлқинлар,  
Совун кўм-кўк денгизга чўмилтирар қуёшни  
Куз шамоли учирган мис сингари япроқлар.  
Кўпик аро кўрinar жонсиз чипор қушлардай.  
Оқ осмон ғамгин, шаддот денгиз бўлса—тунд,  
Қуёш кулади ёлғиз уфққа ёнбошларкан.

Иккови ҳам анча маҳалгача жим қолишди; бўёқчи бошини эгиб ерга тикилади, каттакон, оғир-вазмин слесарь илжайди ва охири шундай дейди:

— Ҳамма нарса тўғрисида чиройли гап айтиш мумкин, лекин ҳаммасидан ҳам яхшиси, инсон ҳақидаги сўз, яхши одамлар тўғрисидаги қўшиқ энг яхшидир!

\* \*  
\*

...Ресторан эшиги олдидаги темир столчага оч ранг костюм кийган, соч-соқолини олдирган ориқ бир киши ке-

либ ўтирди. У худди америкаликка ўхшаб ўтирди-да, эринчоқлик билан хиргойи қилиб:

— Га-агсон-н...— дейди.

Ерга бир эллик акация гуллари тўкилган — ҳамма ёқ оппоқ, ҳамма ёқда қуёш нури тилладай ялтирайди, ерда ва кўкда майин баҳор завқи. Кўча ўртасида туёқларини шиқиллатиб шалпанг қулоқ пакана эшаклар чопишади, суяги оғир отлар салмоқдор қадам ташлайди, одамлар бамайлихотир ўтишади — барча тирик мавжудот қуёшда, гуллардан бол ҳиди анқиб турган ҳавода иложи борича кўпроқ юришга хоҳиши борлиги кўринади.

Баҳор жарчилари — болалар ора-чора ўтиб туради, офтоб уларнинг кийимларини равшан бўёқларга бўййди; ола-була кийим кийган аёллар қилпилаб, сузиб ўтишади — кечаси юлдузлар қанчалик зарур бўлса, аёллар ҳам қуёшли кунда шунчалик даркор! Оч ранг костюм кийган кишининг кўриниши ғалати: худди унинг ҳамма ёғи қопқора кир бўлгану, шу бугун ювинтиришган, лекин ювинтиришганда эса, ортиқча ҳафсала билан унинг афт-ангоридаги чиройли белгиларнинг барини қириб ташлагандай эди... У худди уйларнинг деворларига, кул ранг кўча ва бульвардаги кенг плиталар бўйлаб кетаётган ҳамма нарсаларга тушиб турган шуълаларни санаётгандай, атрофга туссиз кўзларини тикади. У сўлиган лабларини гул шаклида чўччайтириб, ғалати, ғамгин бир куйни диққат билан аста айтади, оппоқ қўлининг узун бармоқлари билан столнинг жарангдор четига чертади — тирноқлари билинар-билинемас йилтиллайди — иккинчи қўлида сариқ қўлқоп — бу қўли билан куй оҳангига мослаб, тиззасига уриб-уриб қўяди. Унинг юзида донолик ва катъийлик белгиси бор, лекин афсуски, қандайдир дағал нарса бу фазилатни ўчириб ташлагандай.

Гарсон<sup>1</sup> ҳурмат билан таъзим қилиб унинг олдида чашкада кофе, кичкина бутилкада яшил ликёр ва бисквит қўйди, столнинг у четига кўкраги кенг, кўзлари ақиққа ўхшаган киши келиб ўтирди, унинг юзлари, бўйни, қўллари дуддан сарғайган, важоҳати бесўнақай, темирдай пишиқ, қандайдир каттакон машинанинг бир бўлагига ўхшайди.

Озода кишининг ҳорғин назари унга тушганда, у салгина қўзғалиб, қўлини шляпасига тегизди ва қалин мўйловлари орасидан деди:

---

<sup>1</sup> Гарсон — ресторан ходими. (Тарж.)

- Хуш кўрдик, жаноби инженер.
- Ия, бу сизмисиз Трама!
- Ҳа, бу менман, жаноби инженер...
- Бирор ҳодиса бўлишини кутиш керакдир, а?
- Ишларингиз қалай?

Инженер нозик лабларини салгина қимирлатиб жилмайди-да:

— Фақат савол бериб суҳбатлашиш жўн бўлмаса керак дейман, дўстим...— деди.

Унинг ҳамсуҳбати бўлса шляпасини қулоғига суриб, очиқ чехра билан қаттиқ кулди.

— Ҳа, албатта! Лекин ҳақиқатан шундай билгим келадими...— деди кулиб туриб.

Кўмир ортилган аравага қўшилган ола қўтир эшак тўхтаб, бўйинини чўзди-да, қайғули ҳангради, бироқ бугунги товуши ёқмади шекилли, авжига чиққан жойида ўсал бўлгандай шартта тўхтади-ю, шалпанг қулоқларини қимирлатди ва бошини эгганча туёқларини шиқиллатиб нарига чопди.

— Ақлимга ақл қўшадиган китоб чиқишини кутгандек, сизнинг машинангизни зориқиб кутяпман.

Инженер кофени ичиб туриб деди:

— Бу ўхшатишингизга унча тушунмадим...

— Наҳотки сиз яхши китоб кишининг руҳини кўтаргани каби, машина унинг жисмоний кучини озод қилади деб ўйламасангиз?

— Ҳа!— деди инженер бошини кўтариб.— Шундай!

У бўш чашкани столга қўйиб сўради:

— Сиз, албатта, ташвиқот қила бошларсиз?

— Бошлаб ҳам юбордим...

— Яна иш ташлашлар — тартибсизликлар, шундайми?

Ҳамсуҳбати жилмайиб туриб, елкасини қисиб:

— Бусиз иложи бўлганда-ку...— деди.

Қовоғи солиқ, монахга ўхшаган қора кўйлакли кампир инженерга бинафша гулдасталарни тутди, инженер иккитасини олди-да, биттасини ҳамсуҳбатига узатар экан:

— Сизнинг миянгиз жойида, Трама, лекин афсус — идеалистсиз...— деди ўйланиб туриб.

— Гулингиз ва мақтовингиз учун раҳмат, сиз «афсус» дедингизми?

— Ҳа, сиз аслда шоирсиз, шунинг учун ҳам сиз қобилиятли инженер бўлиш учун ўқишингиз керак...

Трама оппоқ тишларини кўрсатиб, аста куларкан, деди:

— Ҳа, бу тўғри! Инженер — шоир, мен бунга сиз билан ишлаб юриб ишондим ..

— Сиз илтифотли одамсиз...

— Мен ҳам жаноб инженер социалист бўла қолса нима қиларкин, деб ўйлардим. Социалист ҳам шоир бўлиши керак...

Улар иккиси ҳам бир-бирига бир хилда маъноли боқиб кулишди, улар бир-биридан бутунлай бошқа: бири — ориқ, асаби сийқаланган, рангсиз кўзли, иккинчиси — худди кеча тоблаб ясалган-ку, ҳали силлиқланмагандай.

— Йўқ, Трама, мен ўз устахонаму, ўттизтача сиздақа бақувват йигитларим бўлишини афзал кўрардим. Ҳа, ана унда биз бирор нарса яратган бўлардик...

У аста столга чертиб қўйди ва гулларни костюмининг ёқасига тақаётиб хўрсинди.

— Оббо,— Трама фиғони чиқиб гапиради,— арзимаган нарсалар яшашга, ишлашга халақит беради-я...

— Ие, сиз, инсоният тарихини арзимаган нарса деяпсизми, уста Трама? — жилмайиб сўради инженер.

Ишчи бошидаги шляпасини юлиб олди, уни силкитиб, қизишиб ва дадил гапирди:

— Ҳе, менинг ота-боболаримнинг тарихи нимадан иборат?

— Сизнинг ота-бобларингизнингми? — деб сўради инженер, олдинги сўзни алоҳида қайд қилиб, яна қаттиқроқ истеҳзоли куларкан.

— Ҳа, менинг! Бу беадабликми? Майли, беадаблик бўла қолсин! Аммо нега Джордано Бруно, Вико ва Мадзини менинг ота-боболарим бўла олмас экан — нима, мен улар яшаган дунёда яшамаяпманми, уларнинг улуғ ақлидроклари сешиб кетган неъматларидан баҳраманд бўлмаяпманми?

— Бу жиҳатдан тўғри!

— Бу дунёда ўтганлар жаҳонда нимаики қолдириб кетган бўлса, бари меники!

— Албатта,— деди инженер қошларини жиддий чимириб.

— Менгача, бизгача нимаики қилинган бўлса, ҳаммаси бир руда, ундан биз пўлат қуйишимиз керак, тўғри эмасми?

— Нега тўғри эмас экан? Турган гап!



— Ахир сиз, олимлар ҳам биз ишчиларга ўхшаб ўтмишдаги донолар иши эвазига яшайсизлар-ку.

— Йўқ демайман,— деди инженер бошини эгиб; унинг ёнида кичкина, ўйналавериб абжағи чиқиб кетган тўпдай бир бола кул ранг латта-путталарга ўралиб, ифлос қўлларида бойчечакдан гулдаста ушлаб турар эди; у зўр бериб гапирарди:

— Синьор, гулимни олинг...

— Ҳали олувдим...

— Гул ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди...

— Яша, бола! — деди Трама.— Яша, менгаям иккитасини бер...

Бола унга гулдасталарни берганда, у шляпасини кўтариб, инженерга таклиф этди.

— Истайсизми?

— Ташаккур.

— Ажойиб кун, тўғри эмасми?

— Буни мен тенги — элликка кирганлар ҳам ҳис этиши мумкин...

У хаёлчан кўзини сузиб атрофга қаради, кейин уҳ тортди.

— Сиз, менинг билишимча, баҳор офтобининг нашъасини айниқса жуда кучли ҳис этсангиз керак. Бу, ёш бўлганингиз учунгина эмас, билишимча, бутун жаҳон мен ҳис этганимга қараганда сизга бўлакча туюлади, шундай эмасми?

— Билмадим! — деди Трама, жилмайиб,— лекин ҳаёт ажойиб!

— Ўзининг ваъдалари биланми? — деб сўради инженер ишонқирамай, савол ҳамсуҳбатининг жиғига тегди, у шляпасини кийиб:

— Ҳаёт ҳаммага ҳам гўзал, шуниси менга ёқади! — деди у шартта.— Азизим инженер, меним учун сўзлар фақат товушлар ва ҳарфлардангина иборат эмас, мен китоб ўқиганимда манзараларни кўраман, гўзалликдан баҳра оламан, гўё буларнинг барини ўзим қилгандай ҳис этаман!

Иккови ҳам кулди, биттаси ўзининг хохолаб кулиши билан мақтангандай, бошини орқага ташлаб, кўкрагини чиқариб, қаттиқ ва очиқчасига кулди, иккинчиси деярли овоз чиқармай, тишларини очиб, худди хўрсингандек кулди, гўё у яқинда тилла чайнагану, ораларида тилла кириб қолган кўкиш тишларини тозаламагандек эди.

— Сиз шоввоз йигитсиз, Трам, сизни кўрганимда ҳамма вақт кўнглим кўтарилади,— деди инженер ва кўз қисиб қўйиб:— Агар ғалаён кўтармасангиз эди...

— О, мен ҳамма вақт ғалаён кўтараман...

У чеҳрасига жиддий тус олиб, қоп-қора чуқур кўзларини қисиб сўради:

— Биз ўтган сафар ўзимизни яхши тута олган бўлсак керак! А?

Инженер елкасини қисиб, ўрнидан турди.

— Ҳа, албатта! Биласизми, ўша воқеа корхона учун қанчага тушди! Ўттиз етти минг лирага...

— Агар ўша пулни иш ҳақиға қўшиб берилса, жуда яхши иш бўларди...

— Ҳм! Сиз ёмон ҳисоблар экансиз. Жуда яхши иш эмиш? Ҳар каллада бир хаёл.

У қуруқшаган сариқ қўлини чўзди, ишчи унинг қўлини сиққач:

— Яна такрор айтаман, сиз ўқишингиз керак, ўқиш...— деди инженер.

— Мен доим ўқийман...

— Сиздан зўр фантазияли инженер чиқарди.

— Ҳалиям фантазия яшашимга ҳалал бераётгани йўқ...

— Хайр, қайсар йигит...

Инженер акациялар таги билан қуёш нурлари тўр ёйган жойларни оралаб, ингичка бармоқли ўнг қўлига қўлқопини ҳафсала билан кияркан, ингичка оёқларини аста-аста босиб узоқлашди, пакана қоп-қора гарсон ресторан эшигидан нари кетди. У ерда бу уларнинг суҳбатини эшитиб турган эди. Гарсон чўнтагини ковлаб мис чақаларни чиқараётган ишчига:

— Бизнинг донгдоримиз тез қарияпти...— деди.

— У ҳозирча ўзини ҳимоя қила олади!— ишонч билан деди ишчи.— Унинг бош чаноғининг тагида чўғ кўп...

— Келаси сафар қаерда нутқ сўзлайсиз?

— Ўша жойда, меҳнат биржасида. Сиз менинг нутқимни эшитувдингизми?

— Уч марта, ўртоқ...

Улар қўлларини маҳкам қисишиб, жилмайишганча ажрашди; биттаси инженер кўздан ғойиб бўлган томоннинг қаршисига жўнади, иккинчиси, ўйчан куйлаб, столлардан идиш-товоқларни йиғиштира бошлади.

Кўча ўртасидан олдиларига фартук тутган мактаб болалари— ўғил болалар ва қизлар саф тортиб ўтишмоқ-

да, улардан шўхлик ва кулги худди учқун сачрагандай ҳар ёққа учеди; олдинда кетаётган иккита бола зўр бериб қоздан ясалган карнайни чалади, гўё болаларнинг устига акация гулларида аста қор ёғади. Ҳамма вақт, айниқса, болаларга ҳавас билан тикилгинг ва уларнинг ортидан:

— Ҳей, одамлар! Яшасин сизларнинг келажагингиз! — деб шўх ва қаттиқ қичқиринг келади.

\* \* \*

\*

Муқаддас сукунат ичида қуёш чиқмоқда, оролдаги тошлардан кўтарилган кўкиш туман тилла ранг бута гулларида анқиган хушбўй ҳидга қоришиб ҳавога тарқамоқда.

Мудраётган кўм-кўк сувлар водийсида, рангпар осмон гумбази остидаги орол худди ҳаёт султони — Қуёшга назр қўйиладиган супага ўхшайди.

Юлдузлар ҳозиргина сўнди, лекин оппоқ Зуҳра юлдузи, парқудек булутларнинг тип-тиниқ сафлари устидаги хира осмоннинг муздай юксаклигида ёлғиз ўзи ҳамон порлаб турибди; ним пушти рангга салгина бўялган булутлар илк нурлар оловида ёнади, уларнинг акси сокин денгиз сатҳида худди кўм-кўк сув тагидан қалқиб чиққан садафларга ўхшайди.

Кумуш шудринглар оғирлигидан эгилган ўтлар ва гул барглари офтобни қутлаб тикланмоқдалар. Тип-тиниқ шудринг томчилари ўтларнинг уч-учида осилиб турибди, улар тўлишиб-тўлишиб, иссиқ уйқуда терлаган ерга томади. Уларнинг аста томишини эшитгинг келади — афсуски, эшитиб бўлмайди-да...

Қушлар уйғониб, зайтун баргларида қанот силкитади, сайрайди, пастликда эса, офтоб уйғотган денгизнинг оқ уриши тоғу тошларга туташади.

Шундай бўлса ҳам жимжит, одамлар ҳали уйқуда. Мусаффо тонгда гуллар ва ўтларнинг ҳиди товушлардан аниқроқ.

Худди денгиздаги қайиқни ям-яшил тўлқинлар ўраб олганига ўхшаш ток новдалари ўраб олган кичкина оқ уйнинг эшигидан нуроний мўйсафид Этторе Чекко қуёшга рўпара чиқади. У якка-ёлғиз, одамови, қўллари маймунникидай узун-узун, донишмандларникидай тап-тақир; давр унинг юзини шу қадар бужмайтириб ташлаганки, қовоқлари шалвираб осилиб қолганлигидан кўзлари кўринмайди.

У тук босган қоп-қора қўлини аста кўтариб, пешанасига тутади-да, қизараётган осмонга, кейин атрофига боқади: кўз ўнгида оролнинг кул ранг ақиқ тошида зумрад ва тилла ранг бўёқлар қўшилиб товланади, пушти ранг, сариқ ва қизил ранглар ловиллайди; чолнинг бронза тусли юзи мулойим табассумдан титрайди, у юмалоқ оғир бошини маъқуллагандек қимирлатади.

У ўз мувозанатини сақлагандек қаддини сал эгиб, оёқларини кериб турибди. Унинг атрофида эса, энди туғилган куннинг шўхлиги зўраяди, тоқлардаги яшиллик ёрқинроқ ялтирайди, синчалак ва саъва қаттиқроқ чуғурлашади; чакалакзорда маймунжонлар, ломонослар, ихрож ўтлари орасида беданалар сайрайди, қаердадир, олифта, беғам неаполликка ўхшаш қорашақшақ ҳуштак чалади.

Кекса Чекко узун, ҳорғин қўлларини боши устига кўтариб, худди пастга, косадаги май сингари сокин денгизга қараб учишга ҳозирланаётгандай чўзилади.

У қари суяқларини ростлаб бўлгач, эшик олдидаги тошга ўтирди, куртқасининг чўнтагидан очиқ хат олди, уни кўздан йироқроқ тутиб, чимирилиб тикилди ва овоз чиқармай лабларини қимирлатди. Унинг кўпдан бери соқолли олинмаган, худди кумуш суви юритилгандек катта юзида янги кулги жилваланди. Унинг кулгисида меҳр, қайғу ва ғурур бир-бири билан ғалати қўшилган эди.

Унинг олдидаги картон парчасида кўк бўёқ билан иккита яғриндор йигитнинг сурати чизилган. Улар жингалак соч, кекса Чекко сингари бошлари катта, елкама-елка ўтирибди, хурсанд, кулишяпти. Уларнинг тепасига йирик ва аниқ қилиб, шундай деб ёзиб қўйилибди:

### «АРТУРО ВА ЭНРИКО ЧЕККО.

Ўз синфининг манфаатини ҳимоя қилган икки олижаноб курашчи. Улар бир ҳафталик иш ҳақлари 6 доллар бўлган 25 000 тўқувчини уюштирганлар, шунинг учун уларни турмага қамашди.

Яшасин ижтимоий ҳаққоният курашчилари!»

Кекса Чекко саводсиз, ёзув ҳам бошқа тилда, лекин ҳар бир сўз унга таниш, мис карнайлар сингари янграйдиган, куйлайдиган қилиб битилганлигини билади.

Бу кўк очиқ хат чолни анча ташвишга солди: у хатни икки ойча олдин олган эди. Уша заҳотиёқ унинг оталик қалби бирор фалокат юз берганини сезган эди: ахир, кам-

бағал қонунга хилоф иш қилганидагина унинг расми очиқ хатта чизилар әди-да.

Чекко бу бир парча қоғозни чўнтагига яширди, лекин бу хат юрагига тошдай қадалиб, кундан-кунга оғирлаша борди. Бир неча марта хатни попга кўрсатмоқчи ҳам бўлган әди. Аммо кишиларнинг: «Поп одамлар тўғрисида худога ҳақиқатни айтса айтарки, аммо одамларга ҳеч қачон ҳақиқатни гапирмайди» деган сўзларнинг тўғрилигини узоқ умр давомида билиб олгани учун кўрсатмади.

Очиқ хатнинг сирини энг олдин бир ажнабий малла ранг рассомдан сўради. Бу новча ориқ йигит Чекконинг уйига тез-тез келиб турар, мольбертини ўнғай жойлаштиради-да, яқинда чиза бошлаган расмининг тўрт бурчак соясига бошини пана қилиб, ётиб ухлар әди.

— Синьор.— деб сўради чол рассомдан,— бу кишилар нима қилишибди?

Рассом чол болаларининг қувноқ афтига тикилиб деди:

— Бирорта кулгили иш қилишганга ўхшайди...

— Улар тўғрисида нима деб ёзишибди?

— Инглизча экан. Инглизларнинг тилини ўзларидан бошқа фақат битта худо ва гапи рост бўлса, менинг хотинимдан бўлак ҳеч ким билмайди. Хотиним шундан бошқа ҳамма масалада ҳеч тўғри гапирмаган...

Рассом саъвага ўхшаш сайроқи бўлганидан, афтидан, жиддий гаплаша олмасди. Чол қовоғини солганича рассомдан йироқлашди; бир куни рассомнинг хотини — семиз хонимнинг олдига борди. Уни боғдан топди. Хоним кенг оқ ҳарир кўйлақда кўк кўзларини кўм-кўк осмонга ғазабли тикиб беланчакда ётарди, иссиқдан эриб кетгудек қийналмоқда әди.

— Бу кишилар турмага қамалган,— деди бузуқ талаффузда.

Бутун орол зарбадан чайқалиб кетгандек чолнинг оёқлари қалтиради. Шунга қарамай сўрашга ўзида куч топа олди:

— Ўғрилиқ қилишганми ё бировни ўлдирганми?

— Асло! Шунчаки, улар социалистлар.

— Социалистлар деганингиз нима?

— Сиёсий деганим,— хоним ҳолдан кетган одамдай жавоб қилди ва кўзини юмди.

Чекко ажнабийларнинг ўтакетган бепаросатлигини, ҳатто калабрияликлардан ҳам нодонроқ эканлигини билар, шундай бўлса-да, болалари тўғрисида ҳақиқатни билишни

истагани учун ҳам, хоним қачон эринчоқ кўзларини очаркан, деб анчагача кутиб турди. Ахийри, хоним кўзларини очгандан сўнг чол расмга бармоғини қадаб:

— Бу ростми?— деб сўради.

— Билмайман,— деб хуноб бўлиб жавоб қайтарди хоним.— Айтдим-ку, ахир, бу — сиёсат деб, тушунасанми?!

Йўқ, у тушунмас эди: сиёсатни Римда министрлар ва бой одамлар камбағалларга солинадиган солиқни кўпайтириш учун қилишади. Унинг ўғиллари эса — ишчилар, улар Америкада яшайди, азамат йигитлар бўлса — уларга сиёсатнинг нима кераги бор?

У ўғилларининг расмларини қўлидан қўймай кечаси билан ўтириб чиқди. Ойдинда у қоп-қора кўринар ва кишини ваҳимага соларди. Эрталаб пойдан сўрашга қасд қилди. Қора жанда кийган поп жиддий равишда:

— Социалистлар худонинг иродасига қарши чиққан кишилардир. Шуни билсанг бас,— деди гапни қисқа қилиб.

У чолнинг орқасидан янада жиддийроқ қилиб қўшиб қўйди:

— Шу ёшга кириб, бундақа нарсалар билан қизиқиш уят сенга!..

«Яхшиям расмни кўрсатмаганим», деб ўйлади Чекко.

Орадан яна уч кун ўтгач, олифта ва енгилтак сартарошнинг олдига борди. Бу ҳанги эшакдай бақувват йигит тўғрисида одамлар денгиз гўзаллигидан лаззатланиш баҳонасида келувчи, аслида, камбағал йигитларни топиб айшишрат қилишни кўнгли тусаган қари америкалик аёлларни севариш, лекин пулини шилиб олармиш, дейишарди.

— Ия!— деб бақирди у нодон йигит очиқ хатдаги ёзувни ўқиб. Унинг лунжлари қувончдан шишиб кетди.— Булар менинг ўртоқларим, Артуро ва Энрико-ку! Э-ҳа, Этторе ота сизни ва ўзимни юрагимдан табриклайман! Мана, ҳамшаҳарларимдан яна иккитаси машҳур бўлибди, бу билан фахрланмай бўладими?

— Бекордан-бекорга вайсама,— деб огоҳлантирди чол. Лекин у қўлини пахса қилиб бақирар эди.

— Жуда соз!

— Улар ҳақида нима деб ёзишибди?

— Уқиймайман, лекин имоним комилки, ҳақ гапни ёзишган. Камбағаллар, улар ҳақида ниҳоят, рост гап айтилиши учун улуғ қаҳрамон бўлишлари керак!

— Жим, илтимос қиламан сендан,— деди-да Чекко, жаҳл билан ёғоч кавушини тошларга дўқиллатганича кета-верди.

Чол рус синьорнинг олдига кетди. Уни хушфеъл ва соф дил дейишарди. Келди-да, кундан-кунга ажали яқинлашаётган синьор ётган каравотга ўтириб сўради:

— Бу кишилар ҳақида нима дейишибди?

Рус касалдан нурсизланган, ғамгин кўзларини сузиб, очиқ хатдаги ёзувни заиф овозда ўқиди ва чолга мулойим жилмайди.

— Синьор, ўзингиз кўриб турибсиз — мен жуда қариб қолдим. Тез орада худойимнинг даргоҳига қадам ранжида қиламан,— деди Чекко,— биби Марям мендан болаларимни қандай тарбиялаганимни сўраб қолгудай бўлса, мен барини тўппа-тўғри батафсил айтиб беришим керак. Бу расмдагилар менинг болаларим, лекин мен тушунмаяпман,

— Турма улар учун иснод эмас экан-да?

Шунда рус унга жиддий ва содда қилиб маслаҳат берди:

— Биби Марямга айтингки, сизнинг болаларингиз унинг ўғли Исонинг асосий васиятини яхши англашган: улар яқин кишиларига меҳр-муҳаббат қўйишган...

Ёлғон гапни шунчаки айтиб бўлмайди: ёлғон гапириш учун тумтароқ ва ялтироқ сўзлар керак, чол руснинг гапига ишонди ва унинг меҳнатда пишмаган кичкина қўлини қаттиқ сиқди.

— Турма улар учун иснод эмас экан-да?

— Йўқ,— деди рус.— Ахир ўзингиз биласиз-ку, бойлар бениҳоят кўп жиноятлар қилиб, уни ёпиб кета олмаган тақдирдагина қамалади, камбағаллар бўлса, салгина яхшилик талаб қилишсаёқ қамоққа тушади. Мен сизга айтсам, сиз бахтли отасиз!

У Чеккога заиф овозда виждонли одамлар дунёда ниманишлар қилаётгани, улар очарчилик, разолат вужудга келтирган барча даҳшатлар ва ёвузликларни енгмоқчи эканликлари ҳақида узоқ гапириб берди...

Қуёш кўкда оловдан ясалгандек ёниб туради, кул ранг харсанглар уюмига ўз нурларининг зарини сочмоқда. Ҳар бир харсангнинг ажинларидан зумрад майсалар, осмондай кўм-кўк гуллар қуёшга илҳақ бўлиб буй чўзмоқда. Қуёш нурининг тилла учқунлари юм-юмалоқ биллур шабнам томчиларида ялт этади ва ўчади.

Чол атрофдаги ҳамма нарса, ёруғликнинг жонли маҳсулини эмиб, нафас олишига, қушлар оворагарчилик би-

лан уя қуриб, сайрашига разм солади. У ўз болаларини ўйлайди: йигитлар океан ортидаги катта шаҳар турмасида, бу, албатта уларнинг соғлиғига зарар, ҳам ёмон...

Аммо умр бўйи виждони тоза бўлган отаси каби улар ҳам виждонли йигитлар бўлиб ўсишди, шунинг учун ҳам қамоқда ётишибди — бу жиҳатдан уларга яхши, ўзининг кўнгли учун ҳам яхши.

Чолнинг бронза тусли юзи ифтихор туйғуси билан жилмайишдан эриб кетгандай бўлади.

— Ер — бой, одамлар — камбағал, қуёш — сахий, киши — ёвуз. Умр бўйи мен шу ҳақда ўйладим, уларга буни гапирмаган бўлсам ҳам улар отанинг фикрини тушунибди. Ҳафтасига олти доллар, ў-ҳў, бу қирқ лира! Лекин улар буни оз деб билишибди, ўзларига ўхшаган йигирма беш минг киши уларга қўшилибди — яхши яшашни истаган киши учун бу оз...

Болаларида эса ўз юрагидаги яширин фикрлари ўсганига ва ривож топганига ишонди. Бу билан фахрланади, лекин одамлар ўзлари ҳар куни тўқийдиган эртақларига ўзлари ишонмаслиқларини билиб, жим бўлиб қолади.

Фақат баъзан, унинг қари, кенг юраги болаларининг келажаги ҳақида ўйлар билан тўлади. Шундай пайтда кекса Чекко букчайган қаддини ростлаб, чуқур нафас олиб, кучининг борича йироқларга, болалари кетган денгиз томон қараб хирқироқ овоз билан:

— Ҳор-манг-лар!..— дейди.

Қуёш қуюқ ва майин денгиз суви узра кулиб, тобора юқори кўтарилади, узумзорлардаги одамлар эса чолга жавобан:

— Бор бў-линг...— дейишади.

\* \*

\*

Авлиё Яков маҳалладагилар ўз фонтани билан мақтанса арзийди, чунки бу фонтан бўйида ўлмас Джованни Боккачио яйраб суҳбатлашиб, дам олиб ўтиришни яхши кўрар эди. Бунинг устига Томазо Аниелло — Мазаниеллонинг дўсти буюк Роза Сальватор кўп марта бу фонтаннинг суратини катта қилиб чизган. Камбағал халқнинг озодлиги учун курашиб ҳалок бўлган бу кишини шу халқ Мазаниелло деб атаган эди. Мазаниелло ҳам бизнинг шу маҳалламизда туғилган эди.

Умуман, бизнинг маҳалламизда кўп ажойиб одамлар



туғилиб ўсан. Ҳозиргига қараганда қадим бундай одамлар тез-тез туғилиб турар ва машҳурроқ эди. Эндиликда эса, ҳамма пиджак кийиб, сиёсат билан шуғулланадиган бўлганидан кейин, бировнинг бировдан юқорироқ кўтарилиши қийин гап бўлиб қолди, газета қоғозларига йўрғаклангандан кейин кишининг қалби ҳам яйраб ўсмайди.

Ўтган йил ёзига қадар маҳалламизнинг яна бир ифтихори сабзавотфуруш Нунча эди. Дунёда энг қувноқ ва маҳалламизда энг чиройли аёл шу эди. Шаҳарнинг бошқа жойларига қараганда қуёш доим унинг тепасида кўпроқ тўхтаб ўтар эди. Фонтан ҳозир ҳам албатта, ҳар вақтдагидек турибди; вақт ўтиши билан тобора сарғайиб ажнабийларни ўзининг ажойиб ҳуснига маҳлиё қилиб тураверади — мармар болалар қаримайди ҳам, ўйиндан чарчамайди ҳам.

Ўзал Нунча эса, бултур ёзда кўчада танца тушаётиб ўлиб қолди — бундақа ўлим жуда камдан-кам бўлади, шунинг учун бу тўғрида гапирса арзийди.

У жуда ҳам қувноқ ва дилдор эдики, эри билан ссойишта ҳаёт кечирishi маҳол эди; эри унга анча вақтгача тушунолмаб бақирар, сўкинар, қўл силтар, одамларга пичоқ ўқталар эди. Бир кун пичоқни ишга солиб, бировнинг биқинини тешиб ҳам қўйди. Аммо полиция бунақа ҳазилни ёқтирмайди. Стефано турмада бир оз ётгач, кейин Аргентинага жўнаб кетди, ҳаво алмашишнинг сержаҳл одамларга нафи катта-да.

Нунча йигирма уч ёшида беш яшар қизчаси билан бева қолди.

Эридан яна бир жуфт эшак, арава ва сабзавот экиладиган пича ер қолди. Қувноқ кишига кўп нарса керакмас, унинг учун эса бу — кифоя эди. Унинг қўлидан иш келар. Унга ёрдам бермоқчи бўлганлар ҳам кўп эди. Меҳнат ҳақи тўлаш учун пули етмаганда эса, у кулги, ашула билан ва ҳар вақт пулдан қадрли кўнгил қувончи билан тўлар эди. Унинг ҳаётидан баъзи хотинлар, албатта, баъзи эркаклар ҳам хурсанд эмасди. Соф кўнгил бу аёл хотинлик кишиларга тегишиш у ёқда турсин, аксари эркакларни хотинлари билан яраштириб қўйишга ҳам уста эди. У кўпинча:

— Хотинидан кўнгли қолган киши, севишни ҳам билмайди...— дерди.

Йигитлик чоғидан диний семинарияда ўқиб, руҳонийликка тайёрланган, аммо денгизда, майхоналарда ва кўнгил

очар жойларда тентираб юриб, руҳоний бўлиш ва жаннатга кириш йўлини йўқотган балиқчи Артур Лано бемаза қўшиқлар тўқишга уста эди. Бир кун у Нунчага:

— Сен дейман, ишқ-муҳаббат диний илмдек қийин бир нарса деб ўйлайсанми?— деди.

— Мен илм деган нарсани билмайман, лекин сен тўқиган қўшиқларнинг ҳаммасини биламан,— деди ва бочкага ўхшаш бу гирдиғум кишига қўшиқ айтиб берди.

Шундай бўлади бирдан:

У пайтда баҳор эди,  
Биби Марям ғойибдан  
Ҳомиладор бўлган эди.

Артур хохолаб кулганда қип-қизил лўппи юзларида доно кўзлари йўқолиб кетгандек бўлди.

Нунча ўзи ҳам хурсанд бўлиб, бошқаларни ҳам хурсанд қилиб, кўнглини кўтариб ҳаёт кечирарди. Ҳатто дугоналари ҳам, одамнинг табиати — унинг қон-қонига сингиб кетганлигини, ҳатто азиз-авлиёлар ҳам ўзларини тутиб тура олмаслигини фаҳмлаб у билан иноқ бўлиб қолган эдилар. Ахир, эркак киши худо эмас, фақат худо хиёнат қилмайди-да...

Нунча ҳамма қойил қолган маҳалланинг энг гўзал, энг яхши раққосаси бўлиб, ўн йил юлдуздек порлаб турди. Башарти, қиз бўлганида уни, албатта, бозор маликаси қилиб сайлаган бўлардилар, чунки ҳамманинг назарида маликадек эди.

Уни ҳатто ажнабийларга ҳам кўрсатдилар. Улардан кўплари бу нозанин билан танҳо гаплашмоқни жуда-жуда орзу қиларди; Нунча бундан доим ичаги узилгудек бўлиб куларди.

— Бу сийқаси чиққан синьор мен билан қайси тилда сўзлашаркин?

— Олтин пул тилида-да, тентак,— дейишарди унга серсавлат одамлар. Шунда у:

— Бегоналарга мен пиёз, саримсоқ, памидордан бўлак нарса сотмайман,— деб жавоб қиларди.

Унга чин кўнглидан яхшилик истовчи баъзи кишилар ҳам у билан қаттиқ туриб гаплашган маҳаллари бўларди:

— Атиги бир ой деган гап, Нунча, сен бой бўласан кетасан! Шу тўғрида яхшироқ ўйлаб кўр, қизинг борлигини унутма...

— Йўқ,— деб эътироз билдирарди, у,— мен танимни

севаман ва уни ҳақорат қилдириб қўя олмайман. Мен билманки, бир нарсани истар-истамас бир карра қилдингми, ўзингни бир умр бибурд қиласан...

— Аммо сен бошқаларга йўқ демайсан-ку!

— Ўзимизникиларга, қачон истасам...

— Ўзимизникилар деганинг нимаси?

У буни яхши биларди:

— Қалбим шулар орасида ўсган ва уни тушунадиган кишилар...

Шундай бўлса-да, англиялик бир сайёҳ билан бу аёл ўртасида қизиқ бир воқеа бўлиб ўтди. Бу одам гарчи бизнинг тилимизни яхши билса-да, жуда қизиқ ва камгап эди. Ўзи ёш бўлса ҳам сочи оқарган, юзида кўндаланг тиртиғи бор эди. Важоҳати қароқчиникига, кўзлари авлиёникига ўхшарди. Бировлар бу одам китоб ёзгпти, деса, бошқалар қиморбоз, дерди. Нунча у билан ҳатто қаёққадир Сицилияга кетиб қолиб, у ёқдан жуда озиб-тўзиб қайтган эди. Аммо у одам бой эмас экан. Нунча ҳеч нарса олиб келмади: на пул, на совға. Яна ўз кишилари орасида ҳар қачонгидек ҳаммани хурсанд қилиб яшайверди.

Бир байрам куни одамлар черковдан чиқиб келаётганда, кимдир ажабланиб:

— Қаранглар, Нина худди онасига ўхшаб кетяпти-я! — деди.

Бу кундек равшан ҳақиқат эди: Нунчанинг қизи одамлар сезмаган ҳолда онаси каби ёруғ юлдуздек порлаб, улғайиб борарди. Ёши атиги ўн тўртга кирган бўлса-да, лекин бўй-басти расо, патила соч, кўзлари чарақлаган эди. У балоғатга етгандек ва хотин бўлса бўлгудек кўринарди.

Ҳатто онаси ҳам қизига ҳайрон бўлиб қараб:

— Ёпирай, наҳотки мендан ҳам чиройли бўлсанг?

Қизи табассум билан жавоб қилди:

— Йўқ, сиздек бўлсам бас, шуниси ҳам кифоя...

Шундагина кишилар бу қувноқ хотиннинг юзида ҳафалик асарини биринчи марта кўрдилар. У кечқурун дугоналарига:

— Бизнинг турмушимиз ана шундоқ! Стаканингдаги чойингни ичиб яримлатмасингданоқ, унга биров қўл чўзди... — деди.

Албатта. Нина билан онаси ўртасида рақибалик асари илгари кўринмас эди: чунки қизи ўзини содда ва эҳтиёт тутар, ёруғ дунёга бепарво назар ташлар, эркаклар

олдида оғиз очмасди. Онасининг кўзлари эса, эҳтирос билан ёнар, овози ҳамон ёқимли эди.

Одамлар унинг атрофида илк тонг нури тушган елканли кемадек товланар эди. Дарҳақиқат тўғри: Нунча кўплар учун ишқ-муҳаббат кунининг илк нури эди. Кўплар унинг ўз араваси ёнида кўчада хиромон юриш қилиб келаётганини кўриб, овози томларга парвоз қилаётганини эшитиб, мамнуният ичида сукут қилардилар. Буюк рассом томонидан черковнинг оқ деворига солинган суратдек, ранг-баранг сабзавотлар орасида бозорда туриши ҳам жозибадор эди. Унинг жойи авлиё Яков черкови жиловхонасининг сўл томонида эди. Дарҳақиқат, у шу жойдан уч қадам нарида ўлди. У худди нур сочгандек турар, унинг ҳазил-мутуйибалари, кулишлари у билан ва минглаб қўшиқлар нур сочиб, одамларнинг бошлари узра парвоз қилиб юргандек эди.

У ясанишни ҳам жойига қўяр, кийими унинг жамолини баайни тиниқ стакандаги винодек кўрсатарди. Стакан қанчалик шаффоф бўлса, вино шунчалик яхшироқ кўринади. Чунки винонинг ранги унинг тами билан ҳидига қўшилиб, кўнглимизга андаккина қуёш қонини қуйиш билан биз ичадиган сўзсиз қўшиқни тугаллайди. Оҳ, вино қандай соз! Агар одамга ўз ғариб кўнглини бир стакан лаззатли қизил вино билан овутиш насиб бўлгандами, бу серговға ва серташвиш олам эшакнинг туёғига ҳам арзимас эди, чунки яхши вино ваҳдад майи сингари бизларни гуноҳ юкидан халос қилади, ифлосликлар тўлиб-тошиб ётган бу дунёни севишга ва кечиришга ўргатади... Сизлар стакандаги вино орқали қуёшга боқсангиз, вино сизларга шундай эртакларни сўйлайдики...

Нунча офтоб нурлари остида туради ва одамларнинг кўнглида қувноқ фикрларни уйғотиб, уларда ўзига ёқиш истагини кўзгатади: гўзал хоним олдида кўз илғамас одам бўлиш уят, одам ўзини каттароқ кўрсатгиси келади. Нунча кўп яхши ишлар қилар, не-не кучларни уйғотиб, ҳаётга йўллар эди. Яхшилиқ кишида доним яхши истаклар уйғотади.

Шундоқ қизи худди монахиня ёки қин ичидаги пичоқдек онаси ёнида аксари бирга бўлади. Эркаклар уларни таққослаб кўради, балки баъзилар, хотин буни сезаётганини ва яшамоқ унга алам қилаётганини билади.

Замон шошиб-пишиб, майда қадам ташлаб, ўтиб боради, одамлар қуёшнинг заррин нурлари остида олтин зарраларидек липиллаб кўринади. Нунча тез-тез қалин қошларини

чимириб, баъзан лабларини тишлаб, худди рақибининг қўлидаги картасини билмоқ ҳаракатида бўлган картабоздек, қизига қараб-қараб қўяди...

Бир йил, икки йил ўтади, қизи борган сари онасига тенглашиб, ундан ўзади. Ҳигитлар энди қайси бирига мулоким боқишни билмайдилар — бу ҳаммага аён. Дугоналар-чи, дўстлар ва дугоналар ҳам ачишган ерига туз сепишни яхши кўрардилар.

— Ҳа, Нунча;— қизинг сени йўлда қолдирыптимми?— деб сўрайдилар. Нунча кулиб туриб:

— Катта юлдузлар ой ёруғида ҳам кўринади,— дейди.

Онаси бўлгани учун қизининг ҳусн-латофатидан фахрланарди, аммо хотин бўлгани учун Нунча ёшликка ҳасад қилмаслиги мумкин эмасди; қизи Нина онасидан қуёш юзини тўсиб қўйди — сояда қолиш алам қиларди Нунчага.

Лано Нунчага атаб янги қўшиқ тўқиди, унинг биринчи бандида шундай дейилган:

Эр бўлсайдим, қизингга  
Буюрардим дунёга  
Гўзал бир қиз туғмоғин  
Мен ундай ёш чоғимдай...

Нунча бу қўшиқни айтгиси келмасди. Нина онасига гўё бир неча бор:

— Агар сен эслироқ бўлганингда биз яхшироқ яшаган бўлар эдик,— дебди, деган миш-мишлар юрарди.

Ахир бир куни онасига қизи шундай дейди:

— Ойи, сен мени одамлардан мунча тўсасан, ахир мен ёш эмасман, ҳаётдан ўз ҳиссамни олишни истайман! Сен кўп умрингни хурсандчилик билан ўтказдинг — менинг яшайдиган вақтим келмадимикан?

— Узи нима гап?— деб сўрайди онаси, кўзларини ерга тикиб, чунки она нима гаплигини биларди.

Австралиядан Энрико Борбоне қайтиб келди. Бу одам у ерда ўтинчи эди. Бу ажойиб мамлакатда ҳар бир киши истаганча пул топа оларди. У ўз юртининг қуёшида исинмоқ учун келган ва эркинроқ кун кўриладиган жойга яна қайтиб кетиш ниятида эди. Ўттиз олти ёшга кирган, серсоқол, бақувват ва қувноқ бу одам ўз саргузаштларини, чакалакзор бўлиб кетган қалин ўрмонлардаги турмуш қанақалигини ажойиб сўзлар билан ҳикоя қилиб берарди: ҳамма унинг гапларини афсона деб билар, она билан қиз эса, ҳақиқат деб тушунарди.

— Мен Энрикога ёқиб қолганга ўхшайман,— дейди Нина онасига,— сен эса у билан ўйнашасан, уни енгилтак қилиб қўясан, бу ишинг менга халақит беради.

— Биламан,— дейди Нунча.— Яхши, онанг устидан биби Марямга шикоят қилмассан...

Шундан кейин бу хотин ҳаммадан кўра кўпроқ ёқиб қолган (бу ҳаммага аён эди) бу одамдан виждонан ўзини олиб қочди.

Маълумки, осонликча қўлга киргизилган ғалаба ғолибларни кеккайтириб юборади, башарти, ғолиб ҳали бола бўлса иш чатоқ!

Нина онасига номуносиб муомала қиларди; авлиё Яков куни, маҳалламизнинг ҳайитида одамлар баҳузур яйраганда, Нунча гарантелла рақсига қойил қилиб тушганда, қизи барала шундай деди:

— Ҳадеб ўйин тушаверишинг нимаси? Ёшинга ҳам тўғри келмаса керак, юракни аяш лозим...

Қизнинг мулойимгина қилиб айтган бу қаттиқ гапини эшитганлар бирдан жим қолдилар, Нунча эса, хипча белига қўлларини тираб, ғазаб билан ўшқирди:

— Менинг юрагим? Сенга ташвиши тушиб қолдими-а? Яхши, қизча, саломат бўлинг! Аммо, кўрамиз, кимнинг юраги кучли экан!

Ўйланиб туриб таклиф этди:

— Икковимиз шу ердан фонтангача уч марта чопиб бориб, қайтамиз, дам олмаймиз...

Хотинларнинг бу пойгаси кўпларга эриш туюлди, баъзилар бунга шармандалик, манжалақилик деб қарадилар, аммо кўпчилик Нунчани ҳурмат қилиб, унинг таклифига ҳазил аралаш жиддий қараб, онасининг таклифини қабул қилишга Нинани мажбур этдилар.

Судьялар тайинланди, чопиш муддатини белгиладилар — худди пойгадагидек ҳаммаси мукамал ва аниқ қилинди. Кўп эркак ва аёллар онасининг ютиб чиқишини чин кўнгилдан истаб, уни дуо қилдилар, агар биби Марям Нунчага мадад қилиб, қувват берадиган бўлса, назр-ниёз атаб қўйдилар.

Мана, она билан қиз бир-бирига қарамай ёнма-ён турди: доира гумбурлади, улар жойларидан қўзғалиб, иккита оппоқ қушдек кўча бўйлаб майдонга ўқдек учдилар — онасининг бошида қизил рўмол, қизининг бошида эса, ҳаво ранг рўмол.

Бир минутдан кейин қизнинг чаққонликда ва кучда онасидан орқада қолиши аниқ бўлиб қолди — ер Нунчани, худди она боласини кўтаргандек кўтариб, чиройли елдириб бемалол учириб бормоқда эди. Одамлар деразалардан ва йўлақлардан унинг оёғи остига гулдасталар отардилар, чапак чалиб, ҳайқиришиб уни олқишлардилар. Икки марта бориб келганида қизидан тўрт минут илгарилаб кетди. Муваффақиятсизликдан ранжиган, ҳолдан кетган Нина кўзлари жиққа ёшга тўлиб, ҳарсиллаганича жиловхона остонасига келиб йиқилди. Учинчи марта чопишга мадори қолмади.

Нунча абжир мушукдек унинг тепасида энгашиб, кўплар билан бирга қўшилишиб кулди:

— Болам,— деди у қизнинг тўзғиб кетган сочларини кучли қўли билан силаб,— болагинам, шуни билгинки, энг кучли юрак ўйин-кулги, ишқ ва муҳаббатда — ҳаётда чиниққан хотиннинг юрагидир, ҳаётни ўттиздан ошганингдан сўнг биласан... Қизим, хафа бўлма!..

Нунча пойгадан кейин ўзига дам бермай яна тарантелла танцасига тушмоқчи бўлди:

— Талабгор борми?

Эрико ўртага чиқиб, шляпасини қўлига олиб, бу хотинга таъзим қилди, унинг олдида узоқ вақт ҳурмат билан бош эгиб турди.

Доира гумбурлаб чалинди, ўткир эски винодек одамни маст қилувчи шўх рақс авжига минди. Нунча илондек тўлғонди — бу эҳтиросли рақснинг мазмунини чуқур тушунарди, унинг гўзал ва чарчамас гавдасини — яйраб-яшнаб ўйнаётганини кўриш роҳат эди.

У кўплар билан узоқ ўйин тушди, эркаклар ҳолдан кетди, у ҳамон ўйинга тўймас эди. Ярим кечадан ошгандан кейин:

— Кел, Энри, сўнги марта! — деб у билан секин танца бошлади, унинг кўзлари кенгайиб, мулойим нур сочиб, кўп нарса ваъда қиларди, аммо бирдан қичқириб, чапак чалиб, худди тиззасидан чопилгандек йиқилиб тушди.

Докторнинг айтишича, ёрилиб юраги ўлган эмиш.

Эҳтимол...

\* \*  
\*

Пепе — ўн ёшлардаги бола, ўзи нозик, ингичка ва калтакесакдек абжир. Ола-була йиртиқ кийимлари тор елка-

ларида осилиб ётади, офтобдан ва ифлосликдан қорайган бадани сон-саноқсиз илма-тешиклар орасидан мўралаб туради.

У қуриган хас-чўпга ўхшайди, денгиздан эсган шамол уни учуриб ўйнайди. Пепе кун чиққандан то ботгунча оролардаги тошлар устида ирғишлаб юради ва ҳар соат унинг толмас товущаси бирор ёқдан жаранглаб эшитилиб қолади:

Гўзал Италия,  
Италиям менинг!..

Ҳамма нарса унга эрмак: сербарака ерлар устида чамандек яшнаб ётган гуллар, кўкимтир тошлар орасида юрган қалтакесаклар, зайтун дарахтининг жимжимадор барглари, яшил тош сингари ток новдалари орасидаги қушлар, денгиз тубларидаги қоронғи боғлардаги балиқлар, шаҳарнинг тор ва чалқаш кўчаларида юрган сайёҳлар: қилич тиғидан юзи тиришиб қолган семиз немис, одамови ролини ўйнашга ўрганиб қолган артистнамо инглиз, зўр бериб инглизга ўхшашни истаган, лекин эплай олмаган америкалик, шақилдоқдек оғзи тинмайдиган нусхаси топилмас француз — ҳаммаси ҳам эрмак эди.

Пепе ўртоқларига, кеккайганлигидан сочлари диккайиб турган димоғдор бир немисни синчков кўзлари билан кўрсатиб:

— Башарасини қаранг-а!— деди,— юзи менинг қорнимдан кичиклик қилмайди!

Пепенинг немисларни кўрарга кўзи йўқ: у кўчалар, майдонларда ва қоронғи дўкончаларда вино ичиб, карта ўйнаб ва газета ўқиб, сиёсат тўғрисида баҳс қилишадиган ўз одамларининг фикрлари ва кайфиятлари билан яшайди.

— Бизларга,— дейдилар улар,— биз камбағал жана нубликларга дўстлигимиз эвазига Африка қумларини бизга инъом қилган хушмуомала иттифоқчиларимиздан кўра Болқон славянлари яқинроқ ва дилкашроқдир.

Жанубнинг оддий кишилари бу гапни кўп гапирадилар. Пепе эса ҳамма гапни эшитади ва ҳаммасини ёдида сақлаб қолади.

Бир инглиз қайчига ўхшаш оёқларини хунук ташлаб боради. Пепе эса унинг олдига тушиб олиб, ўликларга ўқиладиган дуони ўқийди ёки ғамгин бир ашулани айтади:



Дўстим яқинда ўлди,  
Хотиним жуда хафа.  
Мен тушуна олмайман  
Ғам чекади у нега?

10

Пепенинг ўртоқлари кула-кула, юмалашиб унинг орқасидан борадилар, сайёҳ нурсиз кўзларини мулоиймгина тикиб қараганида, улар чакалакдаги сичқонлар сингари ўзларини бурчак-бурчакка урадилар.

Пепе ҳақида жуда кўп қизиқ ҳикоялар сўзлаб бериш мумкин.

Бир куни аллақандай бойвучча унга ўз дугонасига ўз боғидан бир сават олма олиб бориб беришни буюрган.

— Бир сольдо ишлаб қоласан,— дейди у хотин.— Зарар қилмайсан.

Пепе жон деб саватни бошига кўтариб жўнаб қолади, сольдони олиш учун кечқурун қайтиб келди. Аёл унга:

— Жуда имнлаганга ўхшайсан,— деди.

— Чарчаганимни айтмайсизми, азизим синьора,— деб жавоб қилади хўрсиниб Пепе.— Улар ўнтадан кўп экан.

— Лиқ тўла саватда-я? Ўнта олма?

— Болалар, синьора.

— Олмалар-чи?

— Олдинига — Микеле, Жовонни деган болалар...

Хотиннинг жаҳли чиқиб, болани елкасидан ушлаб:

— Айт, олмани обориб бердингми?— деб силтади.

— Майдонгача, синьора! Билсангиз, мен ўзимни яхши тутдим: бошда уларнинг масхара қилганига парво қилмадим, мени эшак десалар ҳам майли, сиз синьорага ҳурматим туфайли ҳаммасига чидай, деб ўйладим. Лекин онамни ҳақорат қила бошлаганларидан кейин, ҳаҳ сенларни, бу қилиқларинг кетмайди, деб ўйладим. Шунда саватни ерга қўйиб, бу муттаҳамларга шундай мўлжаллаб отдимки, кўрсангиз қота-қота кулардингиз, марҳаматли синьора!

— Улар олмаларни талаб кетишдими!— деб қичқирди аёл.

Пепе уҳ тортиб, дейди:

— Йўғ-э. Болаларга тегмаган олмалар деворга тегиб эзилиб кетди, душманларимни енгиб, улар билан ярашганимдан кейин қолган-қутганини едик...

Аёл шаллақилик қилиб Пепени оғзига келганини қайтармай қарғайди, бола тек туриб қарғишларга қулоқ солади, баъзан тилини тақиллатиб, баъзан эса маъқуллагандай секин:

— Тоза боплаяпсиз, гапга уста экансиз,— дейди.

Аёл чарчаб нари кетганидан кейин бола унинг орқасидан гап қилади.

— Агар сиз боғингизда пишган чиройли олмалар билан ўша муттаҳамларнинг ифлос бошига боплаб туширганимни кўргангизда бунчалик ташвишланмасдингиз, оҳ қани эди кўрсангиз! Ушанда менга ваъда қилган бир сольдо ўрнига икки сольдо берардингиз!

Бу қўпол аёл ғолиб боланинг гўзал ғурурини англамайди, болага темирдек қаттиқ мушт билан таҳдид қилади.

Пепенинг ўзидан катта тентакроқ опаси бир бой америкаликнинг виллосига оқсоч бўлиб (уй йиғиштириш хизматига) қиради. Опаси яхши овқат еб, августда қизариб етилган нокдек тўлишади.

Пепе бир куни ундан:

— Сен ҳар куни овқат ейсанми?— деб сўрайди.

— Хоҳласам уч марта ейман,— деб мақтанади опаси.

— Тишларингни аясанг бўларди!— дейди унга Пепе, кейин ўйланиб, яна сўрайди:

— Хўжайиннинг жуда бойми?

— Хўжайиним? Билишимча, қиролдан ҳам бой!

— Ҳа, майли, бачкана гапни қўяйлик! Хўжайиннинг нечта шими бор?

— Айтолмайман.

— Унтами?

— Балки кўпдир...

— Бориб менга калтароқ ва иссиқроқ битта шимини олиб кел,— дейди Пепе.

— Нега?

— Меникини қара!

Шимлик тахлити йўқ эди — Пепенинг оёғида шимдан бир парчаси илиниб қолган эди.

— Ҳа,— деб кўнади опаси,— сен бошқа шим кийшинг керак! Аммо у бизни ўғри қилиши мумкин-ку?

Пепе ишонтирарли қилиб дейди:

— Одамларни биздан кўра аҳмоқ деб ўйламаслик керак! Кўпдан оз-оз олсанг, бу ўғрилик эмас, шунчаки баҳам кўриш!

— Бу қўшиқ-ку,— деб унамайди опаси. Аммо Пепе дарров уни кўндиради. Опаси ошхонага кўкиш бир шимни келтирган эди, бироқ у Пепенинг бўйидан ҳам узун келди. Пепе нима қилиш кераклигини дарҳол топди.

— Пичоқни бер!— дейди у.

Икковлари америкаликнинг шимини дарҳол бачкана костюмга айлантирдилар: кенгроқ бўлса ҳам жуда қулай, қопга ўхшаган нарса пайдо бўлди. Елкасини боғич билан боғлаб, бўйнидан айлантириб қўйиш мумкин эди. Шимнинг чўнтаклари енг бўлди.

Агар хўжайиннинг хотини уларга халал бермаганда, яна яхшироқ ва қулайроқ қилиб олишлари мумкин эди. У ошхонага кириб, ҳамма тилда ҳам хунук эшитиладиган ва америкаликларда ҳақорат, деб билинган сўзларни ёғдиради.

Пепе уни бидирлашдан тўхтата олмайди. У афтини бужмайтирар, қўлини юраги устига қўяр, бошини чангаллар, уҳ тортарди: хуллас, эри келгунча бу хотиннинг жағи тинмайди.

— Нима гап?— деб сўраб қолади эри.

Шунда Пепе гап қотиб:

— Синьор, хотинингизнинг шовқин солишига жуда ҳайронман,— дейди.— Мен сизни деб ранжидим. Билишимча, аёлингиз ўйлайдики, биз шимни бузибмиз. Сизга айтсам, шим менга жуда боп! Хотинингиз ўйлайдики, мен сизнинг битта-ю битта шимингизни олибман. Сиз бошқасини сотиб ололмас эмишсиз...

Америкалик унинг гапига индамай қулоқ солиб туриб дейди:

— Ўйлайманки, йигитча, полиция чақирмасак бўлмас.

— Шундоқ денг?— дейди Пепе ҳайрон бўлиб.— Нега?

— Сени турмага қамасинлар.

Бу гап Пепега жуда қаттиқ тегади, йиғлаб юборишига оз қолади, аммо ўзини тутиб олиб, сипогарчилик билан дейди:

— Агар шуни маъқул кўрсангиз, синьор, одамларни турмага қамашни яхши кўрсангиз, майлига! Агар шимим кўп бўлса, мен ундай қилмас эдим, сизда ахир биттамаску! Мен эса сизга иккита, ҳатто учтасини берардим: гарчи уч шимни бирдан кийиб бўлмаса ҳам, айниқса, иссиқ кунда!

Америкалик хохолаб кулиб юборади, чунки, гоҳо бойларнинг ҳам вақти чоғ бўлиши мумкин...

Кейин у Пепени шоколад билан сийлаб, унга бир франк беради. Пепе тангани тишлаб кўриб, миннатдорлик билдиради:

— Ташаккур сизга синьор! Чинакам тангага ўхшайди-я,— дейди.

Пепе баъзан бирон жойда, харсанглар устида туриб оларди-да, ундаги чизиқларга гўё тошларнинг қора тарихини ўқиётгандек қаттиқ тикилиб, ўйга ботиб, бир ўзи хаёл сурарди. Шундай дақиқаларда кўзлари катта очилиб, чиройли туман пардаси босганга ўхшарди, ингичка қўлларини орқасига қилиб оларди, ўшанда сал-пал бир ёққа қийшайган боши гул косасидек майин тебраниб туради. Ўшанда Пепе жудаям ажойиб кўринади. У аста гўнғиллайди, доим қўшиқ айтади.

Унинг гулларга боқиб турган маҳали ҳам ажиб: Пепе деворга чирмашган бинафша ранг глициния гуллари олдида туриб, ипакдай майин гулбаргларнинг денгиздан эсан шабада нафаси билан аста шилдираётганига, гўё тордек тараф бўлиб қулоқ солади.

Кўзини узмай, қўшиқ айтади:

— Фиорино-о... фиорино-о...

Денгизнинг бўғиқ гулдуриси йироқдан каттакон доиранинг зарбига ўхшаб эшитилади. Гуллар устида капалаклар ўйнайди. Пепе бошини кўтариб, офтобдан кўзларини қисиб, уларни томоша қилади. Уларга ҳасад қилгандек, бир оз маъюслик, лекин меҳрибонлик табассуми билан жилмаяди, чунки у, минг қилганда ҳам катта-да.

— Хушт! —деб қичқиради у чапак чалиб, ям-яшил калтакесакни ҳуркитиб.

Денгиз тинчиб, ойнадай тиниқлашгач, тошлар устидаги оппоқ тўлқин кўпиклари тарқалганда, Пепе бирор тош устида ўтириб, ўткир кўзлари билан шаффоф сувни, сарғиш йўсинлар орасида сузиб юрган балиқларни, липллаб ўтган қисқичбақаларни, ёнбоши билан сузиб кетаётган крабни томоша қилади. Сукунат ичида, мовий сув устида боланинг қўнғироқдек оҳангдор овози аста оқиб ўтгандек бўлади.

— Оҳ, денгиз... денгиз...

Катта ёшдаги кишилар унинг тўғрисида:

— Бу бола анархист бўлади!— дейдилар.

Кўнгли юмшоқ бир-бирига меҳрибон кишилар эса, бошқача фикрда:

— Пеле бизнинг шоиримиз бўлади,— дейдилар.

Боши қумушдан қуйилгандек, юзи эса худди қадимги румо тангасига ўхшаш, доно ва ҳамма ҳурмат қиладиган дурадгор чол Пасквалино шундай дейди:

— Болалар бизлардан яхшироқ бўладилар ва бизлардан кўра яхшироқ ҳаёт кечирадилар!

Кўпчилик унинг гапига ишонади.

1911—1913

## РОССИЯ БҮЙЛАБ

### ИНСОННИНГ ТУҒИЛИШИ

Бу ҳодиса 92-йилдаги очарчилик вақтида, Сухуми билан Очемчирами ўртасида, денгизга яқин Кодор дарёси бўйида тоғдан келаётган дарё жилвали сувининг шалдираши орасидан денгиз тўлқинларининг гувиллаши равшан эшитиладиган жойда юз берган.

Куз. Кодорнинг оқ кўпикларида тафлон дарахтининг барглари гўё кичкина ва абжир лосос балиқлари сингари бир шўнғиб, бир чиқиб, айланиб боради. Мен дарё соҳилидаги тошда ўтириб, чағалай ва бакланлар балки баргларни балиқ деб алданаётгандир, чапда, дарахтлар орқасида шувиллаб турган денгиз устида қушларнинг зорланиб чириллаш сабаби ҳам шу бўлса керак, деб ўйлайман.

Тепамда каштан дарахтлари сарғайиб, олтин тусга кирган, оёқларим остида одам кафтига ўхшаш барглар сочилиб ётади. Нариги қирғоқдаги қайин дарахти япроқ ташлагани учун шохлари осмонда осилиб қолган йиртиқ тўр сингари кўринади: сариққа мойил қизғиш тоғ қизилиштони бу тўрга илингандай, у ёқдан бу ёққа сакраб, тумшуғи билан дарахт пўстлоғини чўқийди ва у ерда яширинган ҳашаротларни қувлаб чиқаради, узоқ шимолдан келган чаққон читтак ва кўк қушчалар эса, бу ҳашаротларни чўқиб-чўқиб ейдилар.

Чап ёғимдаги тоғ чўққилари устига тутун сингари қуюқ булут осилиб, ёғиб юборгудек бўлиб туради, ундан яшил тоғ ён бағирларига соя тушади, у ерда ўлик дарахт — шамшод ўсади, кекса қора қайин билан арғувон дарахтларининг ковакларидан «маст қилувчи асал» топиш мумкин. Бу асал маст қилувчи шарбати билан қадим замонда римликлар-

нинг бутун бошли қўшинини ҳушидан кеткизиб, улуғ Помпейнинг аскарларини ҳалок қилаёзган: асаларилар бу асаларни дафна ва азалия ўсимликларнинг гулларидан йиғади, «ўткинчи» одамлар эса коваклардан олиб, ловасига — бугдой унидан ёпилган нонларга суртиб ёйдилар.

Аччиғи чиққан бир ари чақиб олгандан кейин каштан дарахти остидаги тошга ўтириб, асал тўла котелокка нон ботириб ердим ва ҳорғин куз қуёшининг нурларини томоша қилар эдим.

Кузда Кавказ, улуғ донишмандлар (айни замонда улуғ гуноҳкорлар) тиклаган ҳашаматли жомега ўхшайди ва гўё донишмандлар ўз ўтмишларини тийрак виждон кўзидан яширмоқ ниятида бу жомени олтидан, фирузадан, зумраддан қургандай туюлади, туркманларда, Самарқандда, Шамохида тўқилган энг яхши пат гиламлар билан тоғларни безаганлару, бутун дунёни талаб, ҳамма нарсени шу ерга — қуёш ҳузурига келтирганлар ва гўё:

— Сеники! Сеникилардан — Сенга! — демоқчи бўлганлар.

... Мен хаёлан соқоллари белига тушган, кўзлари каттакатта, лекин ёш боланикидай қувноқ паҳлавонларнинг тоғдан тушиб келаётиб ерни қандай безаганларини, ҳар ёққа ранг-баранг дурдоналар сочганларини, тоғ чўққиларини кумуш қатламлари билан, ён бағирларни хилма-хил дарахту мевазорлар билан ўраб олаётганларини ва бу бир парча ҳаётбахш ер улар қўли билан ажойиб чирой касб этаётганини кўраман.

Ер юзида одам бўлиш — улуғ мартаба, нақадар ажойиб нарсаларни кўрасан, гўзаллик олдида юрагинг нақадар лаззатланиб уради.

Ҳа, баъзан кўп оғир ҳам бўлади, кўнгил нафрат ўтида ёнади. Қайғу-ҳасрат юрак қонини сўради, лекин бу узоққа чўзилмайди, охири, қуёшнинг ўзи ҳам одамларга қараб туриб, кўпинча сиқилиб кетади: наҳотки шунчалик жон куйдириб овора бўлса-ю, барибир, тузукроқ одам яратиб ололмай қолаверса...

Табий, одамлар орасида яхшилар ҳам оз эмас, лекин уларни тузатиш ёки яхшиси, янгидан яшаш керак.

... Чап ёғимдаги буталар устида қорайган бошлар тебранади: денгиз тўлқинларининг гувиллаши, дарёнинг шувуллаши ичидан одамларнинг товушлари сал-пал эшитилиб туради — улар Сухумида йўл қурилишида ишлаб, энди Очемчирамига иш қидириб кетаётган очлар.

Мен уларни танийман — орловликлар, улар билан бирга ишладим, кеча бирга бўшадик; қуёшнинг чиқишини денгиз соҳилида томоша қилиш учун улардан олдин, кечаси жўнаган эдим.

Тўрт эркак ва ёноқлари бўртган кул ранг кўзлари қўрқув билан жаланглаб турган қорни катта ёш жувон. Унинг сариқ рўмол ўраган боши буталар устида кўринар, шамолда тебранаётган кунгабоқардай чайқалар эди. Эри Сухумида мевани кўп еб қўйиб ўлган эди. Мен бу одамлар орасида баракда турганман: улар русларнинг ажойиб одатича ўз бахтсизликлари тўғрисида шу қадар кўп ва баланд овоз билан сўзлашардики эҳтимол, бу зорланиш садолари беш чақирим наридан ҳам эшитилгандир.

Улар ўз қайгулари остида эзилиб кетган ғамгин одамлар. Қайғу уларни ўз еридан, унумсиз тупроғидан юлиб, олиб, шамол кузда қуруқ хазонни учиргандай, шу ерга келтириб ташлаган, бу нотаниш табиат гўзаллиги уларни ҳайратга солиб, кўзларини қамаштирган, оғир меҳнат шароити эса, уларнинг тинқасини батамом қуритган. Улар бу ердаги нарсаларга хиралашган ғамгин кўзларини пирпиратиб қарашади-да, бир-бирларига мулойимгина илжайиб, секин дейишади:

- Уҳ-ҳў... заб ер эканми...
- Жаннат-а, жаннат...
- Лекин... тош кўп экан-да...
- Ишлашга боп эмас экан...

Бу сўзлардан кейин улар ўз жойларини — Кобилъе, Сухое, Мокренъкоеларни — ҳар бир сиқими боболарининг хокидан иборат бўлган, уларнинг терлари билан суғорилган таниш, азиз ерларини эслайдилар.

Улар билан бирга бўйи узун, қадди расо, тахта сингари ясси, от жағли, бадқовоқ, ғилай кўзлари кўмирдай қоп-қора бир хотин ҳам бор эди.

Кечқурунлари бу хотин, бояги сариқ рўмолли хотин билан баракдан чиқиб, ташқарида уюлиб ётган шағал устига ўтирарди-да, бетини кафтига қўйиб, бошини бир ёнга ташлаган ҳолда, баланд ва аламли овоз билан куйлар эди:

Мозористон кети...  
Яшил бутазор...  
Қум устига ёйиб  
Қўйя оқ рўмол...  
Келмасмикин...



Ёниб севган азиз ёр  
Ерим келса...  
Бошим агай мен дарҳол...

Сариқ рўмолли хотин ҳамиша бўйнини эгиб, қорнига қараб, жимгина ўтирар, гоҳ бирдан эркакча йўғон овоз билан ҳасратга тўлиқ оғир ва мунгли сўзлар-ла жўр бўлади:

Оҳ, севганим...  
Оҳ, азизим ўргилай...  
Сени кўриш...  
Менга nasib бўлмагай...

Жануб кечасининг димиққан зулмати ичидаги бу қайғули овозлар шимолни, қорли соҳилларни, довул гувиллашини ва бўриларнинг узоқдан увиллашини эсга туширди...

Сўнгра ғилай хотин безгак бўлиб қолди, уни брезент замбилга солиб шаҳарга олиб кетдилар. У дир-дир титрар ва яна ўз ёри ва қишлоқ ҳақидаги ашуласини айтаётгандек эди.

...Сариқ рўмолли бош кўздан ғойиб бўлди.

Нонушта қилиб бўлдим, котелокдаги асалнинг устини барглар билан ёпдим, нарсаларимни тугиб, кетганлар орқасидан шошилмай қўлимдаги ҳассамни заранг йўлга тақтуқ уриб жўнадим.

Мана мен ҳам бўзарган торгина йўлда кетаётибман: ўнг ёғимда кўм-кўк денгиз чайқалиб ётади, гўё уни кўринмас дурадгорлар минглаб рандалар билан рандалайди — оппоқ қириндилари эса, соғлом хотин нафаси каби ҳароратли, хушбўй, намхуш шабада олдига тушиб, шитир-шитир қирғоққа югурадилар. Бир турк кемаси чап ёнига қийшайиб Сухумига кетмоқда, унинг ёйилган елкани — шамолда шишгани учун ўзига бино қўйган сухумилик инженерга ўхшайди. Бу инженер ҳамма вақт:

— Жим! Юрагингда ёлинг бўлсаям, кўз очиб юмгунингча полицияга бериб юбораман...— дерди.

У одамларни полицияга тутиб беришни севар эди, мана энди ўша инженерни гўристон қуртлари суякларигача кемириб юборгандир, деб ўйлайсану роҳат қиласан.

...Юриш осон, киши ҳавода учиб бораётгандай. Турлитуман хотираларга чулганган ёқимли ўйлардан миямда

бир туркум хаёлот жавлон уради; лекин бу хаёлот денгиз тўлқинлари устидаги оппоқ кўпиклар сингари юзада, аммо пастда, чуқурликда эса — осойишталик, у ерда денгиз тагидаги кумуш балиқлар сингари ёрқин ва навқирон ёшликнинг орзу-умидлари жимгина сузиб боради.

Йўл денгизга, тўлқинлар ялаб ётган қумлоққа илон изи бўлиб боради, буталар ҳам тўлқин жамолини кўрмак истаб, сув саҳросининг мовий кенгликларига салом бераётгандек, йўлдан бошларини чўзиб қарайдилар.

Тоғдан шамол турди, демак, ёмғир ёғади.

...Буталар ичидан инграш эшитилди, қулоққа танишлиги билан киши қалбини ҳар чоқ титратувчи одам инграши.

Буталарни ёриб қарасам, бояги сариқ рўмолли хотин орқасини ёнғоқ дарахтига суяб ўтирибди, калласи қийшайган, оғзи ўхшовсиз очилган, кўзлари чақчайган ва аланг-жаланг: қўллари билан дўппайган қорнини ушлаб шу қадар ғайри табиий, қўрқинчли нафас оладики, бутун қорни дир-дир титрайди, ўзи эса, қорнини ушлаганича, бўри тишидай сариқ тишларини ғижирлатиб, бўғилиб ўкиради.

— Ҳа, биров урдими? — деб сўрадим мен энгашиб. У ялангпоя оёқлари билан тупроқ тепиниб оғир бошини чайқаб, хириллади:

— Жўна-а... уятсиз... жўн-а...

Воқеани англадим, бундай ҳолни илгари ҳам бир марта кўрган эдим, табиий қўрқдим, тисландим, хотин эса чўзиб қаттиқ ингради, чаноғидан чиқаёзган кўзларидан лойқа ёш келиб, қип-қизариб шишган юзидан оқди.

Раҳмим келди, яқинлашдим, тугунчамни ва котелогимни ерга қўйиб, уни чалқанчасига ётқиздим, оёқларини тиззасидан букмоқчи бўлган эдим, мени итариб юборди, юзимга ва кўкрагимга қўли билан уриб, ўгирилиб олди ва айиқдай ўкириб, хириллаб, эмаклаб буталар ичига кираётиб:

— Босмачи... шайтон...— деди.

Қўллари толди, бети билан ерга йиқилди, қалтираган оёқларини тортиб, яна ингради.

Ҳаяжон ичида, шундай ҳолда нима қилиш кераклигини дарров эслаб, хотинни чалқанчасига ётқиздим, оёқларини букладим — қоғоноғи кўрингач:

— Ёт, ҳозир туғасан...— дедим.

Денгизга югурдим, енгларимни шимардим, қўлларимни ювдим ва қайтиб келиб доялик қилдим.

Хотин ўтга тушган чувалчанг сингари тўлғанар, қўл остидаги ерни урар, эзилган кўкатларни юлиб, оғзига солмоқчи бўлар, одам қиёфасидан чиқиб қолган қўрқинчли юзига тупроқлар сочарди, кўзлари ола-кула бўлиб, қипқизил қонга тўлган, эндигина қоғоноғи ёрилиб чақалоқнинг кичкина боши чиқа бошлаганда — мен унинг оёқларини титрамаслиги учун ушлаб туришим, чақалоққа ёрдам беришим ва ўкираётган оғзига кўкатларни солдирмаслигим керак эди...

Биз, бир-биримиз билан бир оз уришиб олдик: у гижиниб гўлдиради, мен ҳам бир нималар дедим: у, оғриқдан ва уялганидан бўлса, мен, хижолатдан ва унга қаттиқ раҳмим келганидан...

— Э-эҳ, худо,— деб хотин хириллади, кўкариб кетган лаблари тишланган ва кўпик босганди, офтобда ранги ўчгандай кўринган кўзларидан чидаб бўлмас азоблар тартаётган онанинг ёшлари ҳамон тирқираб оқар, бутун бадани иккига бўлиниб кетадигандай қаттиқ оғрир эди.

— Қо-оч, ҳаёсиз...

Кучсиз эгри қўллари билан ҳадеб мени итаради, мен эса:

— Вой эси паст, туғсанг-чи тезроқ...— деб унга ёлвораман.

Жуда ҳам раҳмим келади, унинг ёшлари кўзларимга сачрагандай бўлади, юрагим сиқилади, бақиргим келади ва бақираман ҳам:

— Ҳа, бўл, тез бўл! — дейман.

Мана, қўлимга қип-қизил гўшт одам тушди. Кўз ёшлари орасидан бўлса ҳам кўраман: чақалоқ қип-қизил, ҳали онасидан узилмаган бўлса ҳам дунёдан норозидек типирчилайди, тўполон қилади, чинқиради. Кўзи кўк, қизил ва эзилган юзига бурни ғалати бўлиб ўтирган, лаблари қимирлайди ва чўзиб-чўзиб:

— Инга-а... инг-га-а...— дейди.

Шу қадар шилимшиққи, қўлимдан сирганиб чиқиб кетай дейди. Тиз чўкиб уни томоша қиламан ва қаҳ-қаҳлаб куламан, кўрган сайин қувонаман! Шу алфозда нима қилиш кераклигини ҳам эсдан чиқарибман...

— Кес...— деди она секин шивирлаб: унинг кўзлари юмулган, юзи сўлиб ўлик тусига кирган, кўкарган лаблари зўрға қимирларди:

— Пичоқ билан... кесиб юбор...

Пичоғимни баракда ўғирлатиб қўйган эдим — киндигини тишлаб уза бошладим. Чақалоқ орловликларга хос йўғон овоз билан бақиради, онаси эса кулади. Чуқур кўзларининг ажойиб жилваланишини, кўм-кўк олов каби чақнаганини кўраман, қорайган қўли чўнтагини излаб юбкасини тимироскилайди, тишланган ва қонаган лаблари шивирлайди:

— Д-дармоним... қолмапти... чўнтагимда... ип бор... киндигини боғлаш керак...

Ипни олиб боғладим, у борган сайин очилиб жилмаяди, шу қадар очиқ ва шу қадар яхши жилмаядики, мени бу жилмайиш маст қилади.

— Ўзингни тузатиб ол, мен буни обориб ювиб келаман...

— Ҳазир бўл, секин юв... эҳтиёт бўл...

Бу қип-қизил одамча эҳтиёт бўлишни бутунлай талаб қилмайди: муштини думалоқлаб муштлашишга чақиргандай, нуқул бўкиради;

— Ингг-а... ингг-а...

— Ҳай, ҳай! Бардам бўл, куч тўпла ука, йўқса, яқинларинг бир зумда каллангни танангдан жудо қилиб қўйишади...

Баданига кўпирган денгиз тўлқинлари текканда у жуда ҳам жиддий ва қаттиқ овоз билан бақириб юборди, тўлқин икковимизни ҳам шапатилаб ўтди. Кўкраги билан орқасини ишқаётганимда кўзларини қисиб типирчилади, чинқирди; тўлқин кетма-кет келиб ҳамон уни чўмилтирарди.

— Шовқин солавер, орловлик йигит! Кучинг борича бақир.

Биз қайтиб келганимизда она кўзларини яна юмиб, лабларини тишлаб йўлдошининг тўлғоғини кечирарди; лекин шунга қарамай, унинг инграшлари ва ҳансираши ичидан тобора сўнаётган шивирлашини эшитдим:

— Бер.. бер уни...

— Шошма.

— Бер-гин...

Итоатсиз титроқ қўллари кофтасининг тугмасини еча бошлади. Табнат томонидан йигирмата бола учун тайёрланган кўкрагини очишга ёрдам бердим, унинг иссиқ баданига бетоқат орловликни қўйдим, у бирдан тушунди ва яндамай қолди.

— Э, авлиёлар авлиёси, покизалар покизаси,— деб она

безгакдай қалтирар ва тугунча устидаги сочлари ҳурпайган бошини гоҳ бу ёққа, гоҳ у ёққа сурар эди.

Бирдан астагина қичқирди-ю, жим бўлди, сўнгра мисл-сиз гўзал ўша кўзлар яна очилди — онанинг бу муқаддас кўм-кўк кўзлари, кўм-кўк осмонга қарайди, бу кўзларда табассум ва шодлик жилваланади. Она оғир қўлларини кўтариб, ўзини ҳам, болани ҳам чўқинтиради...

— Шукур сенга, покизалар покизаси, ҳазрати Исо онаси... шукур сенга...

Кўзлари сўнди, ичига тушди, зўрға-зўрға нафас олиб узоқ жим турди, кейин бирдан дадилланиб, қаттиқ овоз билан:

— Тугунчамни еч, йигитча...— деди.

Ечдим, у менга тикилиб қаради ва кулимсиради, сўлгин юзига ва терли пешанасига билинар-билинемас қизил югурди.

— Нарироқ тур...

— Кўп уринма...

— Қани... нарироқ.

Яқиндаги буталар ичига кириб турди. Юрагим гўё чарчагандек, кўкрагимда эса алақандай гўзал қушлар сайрашади ва бу денгизнинг тинмас гувиллаши билан бирга қулоққа шундай ёқадик, йил бўйи эшитгинг келади...

Қиз ўз севгилиси тўғрисида дугонасига гапираёгандек, аллақерда сув шилдирарди.

Буталар устида, яхшилаб танғилган сариқ рўмолли бош кўринди.

— Ҳай, ҳай, вақтли туриб қолибсан!

У бута шохини ушлаб ўтирар, юзида қон асари қолмаган, кўм-кўк катта кўзлари чуқур тушган, лаблари севинч-ла пичирлаб:

— Қара, ухлашини...— дейди.

Бола ширингина ухлаб ётарди, лекин менинг назаримда, бошқа болалар уйқусидан афзаллиги йўқ эди, агар фарқи бўлганда ҳам, бу фарқ шароит ҳисобига тушарди: у бир бута тагида сап-сариқ хазонлар устида ётарди, бундай буталар Орлов губернасида ўсмайди.

— Ҳай, онаси, ётсанг-чи...

Она, қилтиллаб турган бўйнидаги калласини чайқаб, деди:

— Йў-ўқ, йиғиштиришим ва жўнашим керак...

— Очемчирамигами?

— Ҳа-а! Шерикларим анча жойга бориб қолишгандир ҳали...

— Ия, ҳали сен юроласанми?

— Ҳа, биби Марям-чи? Мадад берар...

Биби Марямга сизинга, нима ҳам деб бўлади!

Она бута тагида қовоғини солиб ётган чақалоқнинг кичкина юзига қарайди, кўзларидан унга меҳр-муҳаббат ёғдусининг илиқ нурларини тўкиб, лабларини ялайди, астагина кўксини силайди.

Мен ўт ёқдим ва чойнакни қўйиш учун тош ўрнатдим.

— Ҳозир сени, онаси, чой билан зиёфат қиламан...

— А? Қайнат... сийнам бутунлай қурушиб кетди...

— Шерикларинг сени нега ташлаб кетишди?

— Ташлагани йўқ, нега ташласин! Ўзим орқада қолдим, улар маст эдилар... кетгани яхши, уларнинг олдида уялар эдим...

Менга бир қаради-ю, юзини тирсаги билан бекитиб олди, кейин қон туфуриб, уялиб жилмайди.

— Тўнғичингми бу?

— Тўнғичим... ўзинг ким бўласан?

— Одамга ўхшаш бир нарса...

— Албатта, одамсан! Уйланганмисан?

— Насиб қилгани йўқ...

— Ёлғон айтмайсанми?

— Нега?

У ерга қараб, ўйланиб қолди.

— Бўлмаса, хотинларнинг ишини қаёқдан биласан?

Энди ёлғон гапира бошладим:

— Мана шунга ўқиганман. Студентман, эшитганмисан шундай сўзни?— дедим.

— Бўлмаса-чи! Бизнинг попимизнинг катта ўғли ҳам студент, попликка ўқияпти...

— Ҳа, баракалла, мен ҳам шунақа. Хўп, энди сувга бориб келай...

Хотин, нафас оляптимикин деб, бошини ўғли устига энгаштирди, кейин денгиз томонга қаради.

— Ювиниб олсам бўларди, лекин бу сув ўзгача... Бу ўзи қандай сув-а? Ҳам шўр, ҳам аччиқ...

— Худди шунда ювин — яхши сув!

— Йўқ-е?

— Рост. Соё сувидан илиқроқ, бу ердаги соё сувлари муздек...

— Сен биласан...

Мудраб, боши кўрагига солиниб қолган абхазлик от-да ўтди; бутун пайдан иборат бўлган кичкина ва чайир от қулоқларини чимириб, думалоқ қора кўзларини бизга тикиб, пишқирди, отлиқ ҳам бароқ қалпоқли бошини кўтариб, бир қаради-да, яна бошини солинтириб олди.

Орловлик хотин секингина:

— Бу ёқларнинг одамлари аллақандай ғалати, ваҳи-мали бўларкан,— деди.

Мен кетдим. Тошдан-тошга симоб каби жонли, мусаффо сув ирғишлаб қўшиқ айтади, унда куз япроқлари умбалоқ ошиб шўнғийдилар. Бирам ажойиб! Бет-қўлимни ювдим, чойнакни тўлғазиб сув олдим-да, қайтдим; қарасам, хотиннинг кўзлари бежо жаланглаб, тошлар устида эмакламоқда.

— Нима қиляпсан?

Хотин қўрқди, ранги ўчди ва бир нарсани остига бер-китди, мен пайқадим.

— Менга бер, кўмиб ташлай...

— Вой, айланай! Қандай бўларкин? Ҳаммом даҳлизининг тагига кўмиш керак эди-да...

— Бу яқин ўртада бу ерга ким ҳаммом қуради дейсан, ўйлаб кўр!

— Сен ҳазиллашасан, мен қўрқаман-да! Бирон йиртқи-ч еб кетса нима бўлади... боланинг йўлдошини албатта ерга кўмиш лозим...

Юзини ўгириб, ҳўл оғир тугунчани менга узатиб, уялган ҳолда, секингина илтимос қилди:

— Ишқилиб, яхшилаб чуқурроқ кўм, хазрат Исо ҳаққи... айланай, ўғлимга раҳминг келсин, чуқурроқ кўм...

... Қайтиб келганимда, қўлини олдинга чўзган ва гандираклаган ҳолда денгиз томондан қайтаётганини кўрдим, юбкаси белигача ҳўл, юзи эса, худди ичидан ёритилгандек салгина қизарган, ўт олдига етиб келишига ёрдамлашдим.

«Худди шердай кучлиг-а!» деб ҳайрат билан ўйладим.

Кейин асал билан чой ичдик. Чой устида секингина суриштира бошлади:

— Ўқишни ташладингми?

— Ташладим.

— Ичкиликка берилиб кетдингми?

— Ҳа, ичкиликсиз туrolмайдиган бўлиб қолдим!

— Ҳали шунақа де! Ҳа, Сухумида ҳақ талашиб бошлиқ билан сўкишганинг эсимда бор, мен ўшанда: кўрқмаслигига қараганда бу ароқхўрга ўхшайди, деб ўйлаган эдим...

Шишган лабларидаги асални тили билан ялар ва янги орловлик жимгина ухлаб ётган бута тагига тез-тез кўк кўзларини ташлаб қўяр эди.

У энтикиб:

— Шу ҳам ўсиб-унармикин? — деди ва менга қараб: — Ердам қилдинг, раҳмат... лекин бунинг унга фойдаси бормикин, бунисини билмайман... — деди.

Чойни ичиб, овқатни еб бўлди, чўқинди ва ашқол-дашқолларимни йиғиштириб бўлгунимча, яна сўник кўринган кўзларини ерга тикиб, ўй ичида мудради. Кейин ўрнидан турди.

— Кетаётганингми? — деб сўрадим.

— Кетаётганим.,

— Ҳой, онаси, қийналасан!

— Нега ҳам ейсан: биби Марям мадад берса-чи?.. Ўғлимни олиб бер!

— Буни мен кўтараман...

Болани бир оз талашдик, у рози бўлди, кейин елкамни елкасига тегизиб ёнма-ён кетдик.

У гуноҳкордай кулимсираб:

— Йиқилиб кетмасам яхши эди, — деди қўлини елкамга ташлаб.

Рус ерининг янги кишиси, тақдири номаълум бу одам қўлимда баҳузур ухлаб борарди. Оқ қиринди чиқариб денгиз ҳамон чайқалар ва гувиллар, буталар шивирлар, қуёш чошгоҳ адирдан ошиб нур сепарди.

Секин-секин борамиз, она оғир нафас олиб тўхтайди, бошини юқорига ташлайди, атрофга — денгизга, ўрмонга ва тоғларга қарайди, кейин ўғлининг бетига разм солади — азоб ёшлари билан ювилган кўзлари яна ажойиб равшанлашган, гуллаган ва туганмас муҳаббат олови билан ёнади.

Бир тўхтаганимизда, деди:

— Э парвардигори олам! Мунча ҳам яхшики! Кошки ҳамиша шундай бўлса, кошки дунёнинг у четигача шундай юриб борсам, кошки ўғлим ҳам эркинликда ўсса. У ҳамиша онасининг ҳузурда бўлса, ҳо-жонимни қоқай...

... Денгиз гувиллайди, тўхтовсиз гувиллайди...



## МУЗ КҮЧДИ

Шаҳарнинг рўпарасида, дарё бўйида етти дурадгор уста муз кесар қайиқни шошиб-пишиб тузатмоқда; слободалик мешчанлар унинг тахталарини кўчириб олиб, қиш ичи ёқиб юборишган.

Уша йили кўклам анча ҳаяллаб келганидан, навқирон Мартни Ноябрьдан ажратиб бўлмасди; фақат қиём пайтларида булут босган осмонда йилт этиб қишки офтоб кўришиб қоларди, кўринганда ҳам, хўмрайиб ерга бир қиё боқарди-ю, мовий булутлар ичига шўнғиб кириб кетарди, гоҳ кунлари бўлса, бутунлай чиқмай қўя қоларди.

Муқаддас ҳафтанинг<sup>1</sup> жума куни, айни баҳор кези эканига қарамай, кечга томон бўғотларни ярим газ келадиган кўк сумалак босиб кетарди; дарёдаги муз бетида қор қолмаган, у ҳам қиш булутини сингари кўкиш, мовий эди.

Дурадгорлар иш билан банд, шаҳар томондан черков кўнғироқларининг мунгли садоари, жаранг-журунг нидолари эшитиларди. Дурадгорлар бошларини баланд кўтариб кўкиш қоронғилик ичидаги шаҳарга ўйчанлик билан боқарди; қўлларидаги болта ҳавода бир он тўхтаб қолар, гўё ёқимли жаранг-журунг нидоларни болта кесмасин деб, эҳтиёт қилинаётганга ўхшарди.

Дарёнинг кенг ўзанида унда-бунда муз тагидан чиқиб турган қинғир-қийшиқ қарағай новдалари кўринади; булар — фарқ бўлаётган одамнинг жон талвасасида чўзган қўлларини эслатади; кенггина из солиб кетган шу новдалар

<sup>1</sup> Пасха байрамидан олдинги ҳафта. (Тарж.)

йўл қайсилегини кўрсатиб, музнинг қаери дарз кетган, қаери тўнгмаганини билдиради.

Дарёга қаралса, тинка қуриб, хуноб бўлинади, холос: дарё эмас, шипшийдам чўлнинг ўзгинаси, ҳамма ёғи илма тешик, худди тикка кетган бефайз йўлга ўхшайди, этаги бора-бора қоронғилик ичида ғойиб бўлади ва ўша томондан захоб, изғирин шамол чала-чулпа эсиб, дами одамни безор қилади.

...Иш боши Осип — озодагина, хушбичим бир мужик; кумушдай бекам-кўст соқолининг жингалак-жингалак майда толалари мағиздай икки юзига, қирғий бўйнига заб ярашибди; уни ҳамиша ва ҳар ерда овозидан билиш мумкин. Иш боши Осип одамларга пўписа қилиб, бақириб қўйди:

— Тезроқ қимирласанг-чи, жўжаҳўрозлар!

Сўнгра менга мурожаат қилиб, масхараомуз насиҳат қилишга тушди:

— Сен назоратчисан, мунча осмонга қараб анқаясан, шўр тумшуқ? Бу ерда нима учун турибсан, биласанми ўзинг? Сен пудратчи Василь Сергеич одамисан? Демак, сен биздақа ишчиларга ҳай-ҳайлаб турмоғинг керак: тезроқ ишла деб қистагин, ундай-ю, мундай деб сўкиб тургин! Ишни қойил қилади, деб сени бу ерга тайин қилишган, сен бўлсанг, иш бу ёқда қолиб, анқаясан, холос, ҳе болам-эй, қоққан қозиққа ўхшайсан-а! Анқаймоқлик сенга муносиб эмас; кўзингни каттароқ оч, одамларга бақириб-ҳайқириб тургин, сени ўн боши деб теппамизга обкелиб қўйишдими, кировий ўн бошига ўхшаб тургин, тергагин-да, ахир, лавашанг!

Осип одамларга қараб яна бақирди:

— Шалвиллама! Ҳой қора босқурлар, ахир, иш бугун битсинми, ё эртагаям қолсинми?

Ўзи бўлса, артелнинг бориб турган ялқови. Ўз касбини ниҳоятда яхши биледи, ишга чаққон ва моҳир, завқ билан астойдил берилиб ишлайди, бироқ ўзини асло койитгиси келмайди, ажойиб-ғаройиб ҳикоялар айтиб беришни яхши кўради. Айни иш қизиган маҳалда, одамлар энди ҳамма ишни чиройли ва бекам-кўст бажариш ниятида жон-жаҳди билан тармашиб, чурқ этмай ишлаётган пайтда бирданига Осипнинг тили қичиб қолади ва:

— Кунлардан бир кун, укалар, ғалати бир ҳодиса...— деб гапга тушиб кетади.

Одамлар олдин икки-уч минутгача унинг гапига қулоқ солмагандай бўлиб, болта-ю арра, рандадан бош кўтариш-

майди, лекин майингина овоз булбулигүе сингари сайрай-вериб, ҳаммани ўзига маҳлиё қилади, бутун диққату эътиборни батамом ўзига жалб этади. Осип симобдай типтиник кўзларини қисинқираб, жингалак соқолини ҳадеб бармоғига ўрайверади, завқидан лабларини чўпиллатиб, сўзларни бирма-бир худди маржондай тизади...

— Ҳалиги балиқни тутиб олиб, ғорга элтиб қўйипти, сўнгра: «Балиқ шўрвага роса тўядиган бўлдим», деб ўрмон ичида хаёл суриб кетаверибди. Бирданига номаълум тарафдан: «Елеся, ҳой Елеся!..» деган овоз эшитилибди, хотин кишининг товушига ўхшармиш...

Лёнька исмли новча, қотмадан келган, қисик кўз мордвин йигит болтасини қўйди-да, оғзини очганича қараб тураверди; унинг лақаби «Келгинди».

—...Ғордан йўгон бир овоз: «Бу ёқдаман!..» деб жавоб қилибди. Уша заҳотиёқ балиқ питирлаб қолибди, бир сакраб ғордан чиқибди-ю, келган ёғига қайтиб, ўз камарига кириб кетибди...

Солдат Синявин ўлгудай пианиста бир чол, доим қовоғидан қор ёғиб туради, ҳансирайдиган дардга йўлиққан, кўпдан бери алланимадан қаттиқ ранжиб юради, у сўрайди:

— Бу қанақаси? Балиқ ҳам ерда юрадимми, у ахир балиқ-ку!—дейди хириллаб.

— Бўлмаса-чи, балиқ ҳам тилга кириб гапирармиди?—деб мулойимгина важ қилиб қутулди Осип.

Мокей Бударин ит башара, рангсиз бир мужик: ёноқ ва жағ суяклари туртиб чиққан, аксинча, пешанаси орқасига тортиб кетган; ўзи жуда кам гап, ҳеч ким уни назарга илмайди. Мокейнинг ўзига ёққан учта сўзи бор, доим шошмасдан шуни минғиллаб айтади холос:

— Жуда тўғри гап...

Агар биров ажойиб-ғаройиб ҳикоялардан ёки олдиқочди ваҳимали гаплардан оғиз очадиган бўлса, у дарҳол аралашади ва овозини қаттиқ чиқармасдан:

— Жуда тўғри гап,— деб қатъий қилиб айтади қўяди.

Унинг шу учта сўзи кўксимга уч марта оғир мушт билан ургандай тегади.

Иш тўхтаб қолди, чунки ғилай кўз ва тили дудуқ Яков Боев ҳам балиқлар тўғрисида аллақандай бир нарса айтгиси келиб, эндигина ҳикоясини бошлаган эди, бироқ ҳеч ким гапига ишонмади, ҳаммаси дудуқлигини масҳара қилиб кулаверди; лекин у «рост» деб қасам ичади, сўкинади, жаҳди чиқиб исканасини ўқталади, ғазабига чидолмай энтикиб-

энтикиб тупукларини ютади ва баттар кулги бўлиб бақиради:

— Анави қанча ёлгон-яшиқни тўқиса, ишонаверасиз, мен сизларга чин гапни айтсам, кулги қилиб хохолайсиз, холос, ўпкангга қурт тушкурлар-эй!..

Иш қолиб кетди, одамлар қўлларини силкитиб, шовқин-сурондан бўшамай қолди; Осип бу аҳволни кўриб дарҳол шапкасини олди ва кумушдай оқарган тепакал бошини силкитиб қаттиқ бақирди:

— Бас қилинглар, ҳей! Бирпас вағиллашиб ҳордиқ чиқардинглар, бўлди-да, энди!

— Ўзинг бошладинг-ку,— деб хирилади солдат кафтига туфлаётиб.

Осип менга тирғилди:

— Назоратчимиш-а...

Менинг билишимча, Осип ҳикоя айтиб одамларни бекорга ишдан қўяди, нега бундай қилишини мен сира тушунмадим: ўзининг дангасалигини яширмоқ учун шу хилда гап сотадими ёки одамларга дам бериш хаёлида шундай қиладими, ишқилиб, сабабини мен билолмадим. Пудратчига роса тилёғламалик ишлатади, унинг олдида икки букилиб туради, ҳар шанба куни хилма-хил майнабозлик кўрсатиб, артель учун хўжайиндан «чой пули» тилаб олишга жуда уста.

Умуман Осип «артелбоп» одам-ку, бироқ чоллар уни масхарабоз, ишёқмас деб ёмон кўради, ҳурмат қилмайди, чоллар у ёқда турсин, ёшлар ҳам унинг сафсаталарига қулоқ солишга солишади-ю, лекин ўзини одам ўрнида кўришмайди, дам-бадам ғазабланиб, ошқора ишончсизлик билдиради.

Мордвин саводли йигит, баъзан иккимиз ҳасратлашиб қоламиз, бир куни мен ундан:— Осип қанақа одам,— деб сўраганимда, бир кулиб қўйди-да:

— Не билай... қанақалигини билиш қийин... Ҳайтовур, ёмон одамга ўхшамайди...— деган эди.

Сўнгра ўйланиб туриб:

— Раҳматли Михайло ўткир ва ақлли одам эди, бир куни у Осип билан айтишиб қолганда: «Сен ҳам одамми-сан? Ишчи бўлиб — ишламасанг, хўжайин бўлиб — эпломасанг, бўзчининг моксидай нари бориб, бери келасан, холос, эсиз умринг шу алфозда ўтиб кетади», деб сўккан эди. Бир ҳисобда, тўппа-тўғриси ҳам шу-да...

Мордвин безовталаниб яна ўйланиб қолди ва:

— Ишқилиб, ёмон эмас, кўнгилчан одам...— деб қўшиб кетди.

Менинг бу одамларга аралашиб юрганим, улар орасида тутган мавқеим — сира ақлга тўғри келмайди. Мен ўн беш яшаргина бола бўлсаму, қанча материал кетганини ёзиб туришлик, усталарнинг мих ўғирлашига, қовоқхонага тахта ташишига йўл қўймаслик каби вазифани пудратчи менга топшириб қўйганининг ўзи қизиқ нарса эмасми ахир? Барибир улар, менинг бору йўқлигимга парво қилмай, мих ўғирлашини қўймайди, ўзларича мени орага суқилган кераксиз ва ёқимсиз бир одамга чиқариб, дам-бадам шунга шама қилишади, холос. Агар биронтаси, тахтанинг учи билан мени бир туртиб кетиш, ёки бошқача йўл билан таъбимни хира қилиш имкониятини топса борми, сира қараб турмайди, қилғиликни қилиб, билмаган кишидай қараб тураверишга булар заб уста.

Мен булар орасида юрганимга ўнғайсизланаман, уялман; уларга бирон нарса дегим, улар билан эл бўлиб ярашиб олгим келади-ю, бироқ керакли сўзлари тушкур топилмайди, натижада, ортиқча, нокерак бир киши эканимни янада яққолроқ сезаман, юрагим баттар эзилади.

Ҳар сафар мен қанча материал олинганини дафтарга ёза бошласам, Осип аста-секин ёнимга келиб, суриштиришга тушади:

— Чизиб бўлдингми? Қани, кўрсат-чи...

Кўзларини сузиб ёзганларимни кўриб чиқади ва мужмал қилиб:

— Хатинг жуда майда...— деб қўяди.

Осип фақат босма ҳарфларни ўқий олади, ёзувида ҳам черковда расм бўлган босма ҳарфни ишлатади — расмана ёзувни сира билмайди.

— Манави қалмоққа ўхшаганинг қанақа сўз?

— Соз.

— Со-о-оз! Гажагини қара-я... Манави сатрга нималар ёзилган?

— Тўққиз газлик қалин тахтадан — бешта.

— Бешта эмас, олтита.

— Бешта.

— Нега бешта бўлади? Ана, солдат биттасини кесиб ташлаган-ку...

— Бекор кесибди, кесишга ҳожат йўқ эди...

— Нега ундай дейсан? Яримтасини қовоқхонага обориб берди ахир...

Осип кулимсираб турган кўм-кўк шўх кўзларини юзимга тикиб, томоша қила бошлайди, соқолининг жингалак толаларини бармоғига ўраётиб, ҳеч қандай андишасиз буюради:

— Олтита деб чиз, тўғриси шу! Кўзингни каттароқ оч, шўр тумшуқ, иш оғир, захда, аёзда ишлаш осон эмас. Одамлар жонига пича ором бериши, оз-моз вино тотиб, қизишиб олиши лозим эмасми? Сен бахиллик қилма, бахилнинг боғи кўкармайди...

Осип анчагина насиҳат қилди, гаплари ширин ва жим-жимадор эди, сўзлар ёмғир сингари ёғилавериб, мени биратўла ғарқ қилиб юборди; мен бешни олти қилиб тузатганимни унга индамай кўрсатиб қутулдим.

— Мана, буниси тўғри! Киройи рақамга ўхшайди, зап чиройли чиқибди, худди бойвучча хотинга ўхшаб талтайиб ўтирибди, ўзиям хўппа семиз, ювошгина экан...

Мен Осипнинг, энди бу гапни шерикларига бориб айтишини, сўзимни ўтқаздим, деб мақтанишини биламан, унга бўш келганим учун ҳаммаси мендан нафратланишга ҳам ақлим етади, шунинг учун ҳам ўн бешга тўлган навқирон қалбим аламдан йиғлайди, миямда бўлмағур бебурд хаёллар ўралашади:

«Булар ҳаммаси бемаъни мулоҳазадан бошқа нарса эмас. Осип бекордан-бекор мақтанаверади. Олтини яна беш қилиб тузатиш қўлимдан келмас эканми? Битта тахтани сотиб, ичишганини пудратчига айтсам — қўрқаманми?»

Бир уни улар беш вершоклик қозик, михдан икки қадоғини ва аллақанча темир скобаларни ўғирлашди.

Мен Осипни огоҳлантириб:

— Билиб қўйинг, мен буни албатта дафтарга ёзаман,— дедим.

Осип оппоқ қошларини учира-учира, рози бўлди.

— Майли! Нафсламрига, бу нима майнабозлик, ахир? Билганингни қил, чизавер баччағарларни...

Ўша заҳотиёқ бақириб, одамларига хабар қилди:

— Ҳой, қора боскурлар, қозик мих билан скобалар учун штрафга қолдингиз, бўйнингизга ёзиб қўйилди!..

Солдат қовоғини солиб

— Нечук?— деб сўради.

— Нечук бўларди: штрафга лойиқ иш қилиб қўйгандирсиз-да,— деб Осип хотиржам жавоб қилди.

Дурадгорлар менга хўмрайиб тикилди, чуғуллаш бошлади, лекин мен дафтарга ёзаман деб дўқ қилишга қилдим,

бироқ буни амалга оширишимга сира кўзим етмасди, мабодо ёзсам-чи, жуда соз бўларди.

— Шу пудратчидан кетмасам, бўлмайди,— дедим Осипга.— Ҳамманг жин урган одам экансан. Сизлар билан юрaversам қип-қизил ўғри бўламан.

Осип соқолини силаб ўйланиб қолди, сўнгра ёнма-ён ўтирди-да, эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Тўғри қиласан!— деди.

— Нима?

— Кетганинг маъқул. Ўн бошилиқни, гумашталиқни сенга ким кўйибди? Бу ишни қиладиган одам мол-мулк нималигини тушунмоғи лозим, хўжайин нарсасини онадан қолган меросдай қилиб асрамоғлик учун ит феъл бўлиб олиш керак бўлади... Сен бундай ишларга ёшлиқ қиласан, мол-мулк деган нарсанинг талабини ҳали билмайсан. Агар Василь Сергеичга бизларни дориломон ташлаб кўйганингни гапириб берсакми, ўша заҳотиёқ бир тепиб, ҳайдаб юборади — рост гап! Чунки сен унга фойда эмас, зиён келтиряпсан, хизматкор бўлганингдан кейин хўжайинга фойданг тегиши керак, тушундингми?

Осип махорка ўраб, менга тутди.

— Буни чеккин, миянг жойига келади. Муңчалиқ хатинг бўлмаганда, ўжарлигинг ҳам пича эвида бўлганда-ку, ибодатхонага киргин, дея қолардим. Бироқ феъл-атворинг монахликка сира бопамас, дағаллигинг, бағритошлигинг бор, мутаваллиликка ҳам ярамайсан. Монах деган чумчуқдай бир махлуқ бўлади: узумини ёйди-ю, боғини суриштирмайди, «кимнинг боғи, тагида нима гап бор», деб ўтирмайди, ишқилиб қорни тўйса бас. Бу гапларни мен чин кўнглимдан сенга айтяпман, чунки сен бизнинг ишимизга бекор аралашгансан, қарқуноқ тухумига ўхшаб, бегона уяда адашиб юрибсан...

Осип шапкасини олди, у бирон муҳимроқ гапдан оғиз очмоқчи бўлса, доим шундай қиларди; сўнгра айниган осмонга қаради-да, арзи бандалиқ қилаётгандай баланд овоз билан:

— Ишимиз ўғрилиқдан иборат, худойим олдида гуноҳимиз катта, ярлақашига сира-сира кўзим етмайди...— деб кўйди.

— Жуда тўғри гап,— деб гинғиллади Мокей Будирин.

Ўша-ўша бўлди-ю, оппоқ жингалак соч, тиниқ кўз, хафасимон Осип менинг учун жуда дилкаш ва ҳамдард бўлиб

қолди, бора-бора иккимиз чинакам дўстдай бўлиб кетдик; бироқ у орамиздаги яқинликдан, негадир, ор қилгандай бўларди: одамлар олдида менга сира қарамасди, чучмома ранг кўзлари ҳадиксирагандай аланглайверар, типирчилаб турарди, лаблари бирам хунук бўлиб қийшайиб кетар ва ўшанда:

— Ҳой, кўзингни каттароқ оч, сенга бекорга ойлик тўлаяптими, у ёқ-бу ёғинга тузукроқ қарагин-да, ахир, кўрдингми, солдат бир талай михни еб қўйди...— деб кесатар эди.

Ёлғиз иккимиз қолсак, бирам ширин гап, насиҳатгўй бўлардики, ҳайрон қоламан; кўзлари кулимсираб, чақнаб туради, кўм-кўк нур сочиб, кўзларимга тикилиб олади. Мен бу одамнинг гапларини зеҳн солиб тинглайман, чунки у тўғрисини, кўнглида роса текшириб чиққан нарсасини гапирди, лекин баъзан ғалати гаплар ҳам бўлади.

Бир куни мен унга:

— Яхши одам бўлиш керак,— дедим.

— Ҳа, албатта!— деб тасдиқлади Осип, лекин ўша заҳотиёқ бир кулиб қўйди-ю, мenden кўзини олиб, секин-секин гапира бошлади:— Аммо яхши одам деганинг ўзи қанақа бўлади? Мен бундай тушунаман: бошқаларга нафи тегмагандан кейин сенинг яхшилигингнинг кимга кераги бор? Йўқ, сен агар яхши бўламан десанг, одамшаванда бўл, одам боласининг дилига озор берма, ширин гапир, кўнглини кўтар... бир куни бўлмаса, бир куни ахир қайтади, роҳатини кўрасан! Албатта, мен яхши одамман деб, башарангни ойнага солиб ўтираверишдан маза нарсая йўқку-я!.. Лекин мен бошқача тушунаман: ўғри бўлсанг ҳам ўзинга, тўғри бўлсанг ҳам, одамлар учун барибир, фақат дилозор бўлма, қўлингдан келган яхшилиқни аяма... Энг кераклиги мана шу!..

Мен одамларга астойдил зеҳн солиб, қараб юраман ва назаримда, ҳаётнинг ана шу ноаниқ, чалкаш, аламли томонларини тушуниб олмоғим учун ҳар бир одам менга ёрдамлашмоғи шартга ўхшаб кўринаверади; ана шунинг учун ҳам миямда нотинч бир савол мудом ўралашаверади, кўз очгани қўймайди:

«Одамзоднинг кўнгли нимадан иборат?»

Мен ўзимча баъзи одамларнинг кўнглини айни мис қуббага ўхшатаман ва кўкраги ичига маҳкам ўрнаштириб қўйилган бўлса керак, деб гумон қиламан; бундай кўнгиллар тамомий нарсани бир нуқтаси билангина — фақат бир ёқ-



лама акс эттира олади, шунинг учун қинғир-қийшиқ, хунук ва нотўғри кўрсатади.

Аmmo мен кўпинча одамзодни кўнглини булут сингари шаклсиз ола-була ва хирамтил нарса деб фараз қиламан, худди сохта биллур сингари, ниманинг акси тушса, бир пасда ўшанинг рангига кириб товланиб тураверади.

Лекин мен нуроний сифат Осипнинг кўнгли қандайлигини тушуна олмадим — ақлим бунга ожизлик қилди.

Кўзим музлаган дарёга, тоғ бағрига ёпишган шаҳарга тикиларди-ю, бироқ ана шу савол миядан кетмасди, қулонингга шаҳардаги жами черковлардан баб-баравар осмонга кўтарилган кўнғироқ садолари эшитиларди ва бу жангир-жунгур, поляклар ибодатхонасидаги мен севган органининг ёқимли овозини эслатарди. Черковлар тепасидаги крестлар худди булутли осмон қўйнида адашиб қолган ғариб юлдузлар сингари мўлт-мўлт термилади, шамол тўзитган парча-парча булутлар ортидаги мовий осмон сари парвоз қилмоқчи бўлиб, толпинаётганга ўхшайди; гоҳ югуришган булутлар сояси шаҳарнинг ранг-баранг манзарасини хиралаштириб ташлайди, гоҳ осмон туйнугидан мўралаган қуёш нурлари ҳамма ёқни ярқиратиб юборади, лекин ўша заҳотиёқ булутлар югура-югура тушиб, уни бутунлай қоплаб олади, соя баттар сийраклашади-да, шаҳарни қоронғилик босади, бирпаснинг ичида қувноқ манзарадан асар ҳам қолмайди.

Шаҳар уйлари — худди уюб ташланган булғончиқ қор тепаларга ўхшайди, ҳамма ёқ шипшийдам, ерлар қорайган, ҳатто боғлардаги дарахтлар ҳам дўнг тепаларга ўхшайди, бўзрайган иморатларнинг ойналаридан тушиб турган хирагина ёғду қишни эслатади; теvarак-атрофдаги тамомий нарсани шимол ўлкасининг бефойда баҳори маъюс ва оҳиста қуршаб олган.

Қуён даҳан, малла рўй, бесўнақайдан келган йигит — Мишук Дятлов кўшиқ айтмоқчи бўлди:

Хотини эрталаб кўргали келса  
Қазо қилибди эри бечора...

Солдат уни койиб...

— Ҳай, падар қусур! Бугун ашула айтадиган кунми, тентак? — дейди.

Боевнинг ҳам жаҳли чиқди, Дятловга мушт ўқталиб ўшқирди:

— Итвачча!

Муз кесар қайиқнинг энг баланд жойига миниб олган Осип Будиринга қарата гапира бошлади:

— Бизнинг халқимиз ўрмонда ўсган, кўп яшаган сертомир халқ. У кўз қисиб ходанинг ётигини бир чамалаб кўрди:— Учинчи бир вершок чапроқ ол — бас!.. Тўғриси айтганда — ваҳший халқ! Қайси куни архиерей келятувди, одамлар олдидан тўсиб чиқиб, уни ўраб олишди, тиз чўкиб таъзим қилишди; жаноби ҳазрат, ҳамма ёқни бўри босиб кетди, ўзингиз дуо дафъини қилмасангиз, ҳолимиз хароб, деб ялиниб, йиғлашади денг! Ҳазрат бирам тутатиб кетдики: «Ҳа, сизлар тагин православ христиансиз-а? Мен сизларни, бирам қаттиқ суд қилдирайки!» дейди, жуда ёмон жаҳли чиқди, ҳатто одамларнинг башарасига тупуриб юборди. Ўзи анчага борган мулойимгина бир чол, кўзлари ҳадеб ёшланаверади...

Муз кесар қайиқ турган жойдан йигирма сажень пастроқда матрослар ва чувринди одамлар баржалар атрофидаги музни синдирмоқда; кўкимтир бўлиб, ивий бошлаган дарё тўнини чўкичлар билан қиртиллатиб ўйилаётгани эшитилади, ингичка дастали чангаклар билан муз парчаларини туртиб, ўйилган жойларга киритиб юборилаётган кўринади; сув шалолайди; қум босган қирғоқ томондан ариқларнинг шилдирагани эшитилади. Биз турган жойда рандалар шириллаши, арралар визиллаши, сип-силлиқ сариқ ходаларга мих қоқаётган болталарнинг тақ-туқи аримайди ва бу овозларнинг ҳаммасига черков қўнғироқларининг олисдан келаётган мунгли садолари аралашиб, кўнгилни безовта қилади. Мундоқ қаралса, гўё бўзарган бечора кун тамомий ҳунарини ишлатиб, ивиган ер юзига баҳорни чорлаётганга ўхшайди, лекин ерлар эригани билан ҳали ҳамма ёқ яланғоч ва тап-тақир...

Аллаким ҳаста овоз билан бақиради:

— Немисни чақириво-ор! Одам етишмай қолди-и!..

Қирғоқдан овоз келади:

— Ўзи қаёқда?

— Қовоқхонани қара-а...

Ҳавонинг захлигидан овозлар дўнғиллаб зўрға эшитилади, мадори қуригандай бўлиб кенг дарё устида тарқалиб кетади.

Одамлар қанчалик шошиб, қизишиб уринганлари билан иш юришмайди, қўл ҳам қовушмайди; ҳаммаси нари-бери бўла қолишнинг пайида, чунки хаёл шаҳарда, ҳаммомда,

черковда. Айниқса Сашок Дятлов кўп безовта бўлди; бу ҳам ишқорга тушгандай, маллаликда акасидан қолишмайди, бироқ жингалак соч, хушбичим ва чаққон йигит. Сашок ҳадеб дарёнинг юқори томонига боқар ва эшитилар-эшитилмас қилиб акасига дерди.

— Ие, қисирлагандай бўлдими?

Кечаси муз силжиган эди, дарё полицияси кеча эрталабдан бери муз устидан от-арава ўтказмай қўйди, кўприк қилиб қўйилган тахталар устидан аҳён-аҳёнда одамлар ўтади, ана ўшанда тахта эгилиб, сувга тегади-да, шалп-шалп этган овоз эшитилади.

— Қисирляпти,— деди Мишук оппоқ киприкларини пирпиратиб.

Осип кафти остидан дарёга бир қаради-да, уни жеркиб ташлади.

— Миянгдаги қуриган похол қисирлаётгандир! Ўз ишингни бил, жин урган! Ҳой назоратчи, ҳайдасанг-чи буларни, ахир, мунча китобга тикилиб қолдинг?

Яна икки соатлик иш қолган эди, муз кесарнинг тумшугига сап-сарик ёғдай тахталарни қоқиб бўлишган, энди энлик темир билан ўраб чиқишса, қутулишарди. Боев билан Синявин темир ётадиган қилиб из ўйишди, бироқ из тор келиб, темир сиғмади.

— Кўр бўғур мордвин!— деб бақирди Осип.— Шу ҳам иш бўптими?

Бирданига қирғоқ томондан аллакимнинг севиниб қий-қиргани эшитилди:

— Қўз-ғал-ди... о-хо-хо-о!

Кетма-кет шу қийқириққа жўр бўлгандай дарё устидан шарпага ўхшаш бир нарса аста-секин қисирлаб ўтди: муз устида ётган қарағай новдаларга жон кириб, ҳавода бирор нарсага тармашмоқчи бўлгандай питирлаб қолди, матрослар билан чувриндилар бўлса, чангакларни саланглатиб, олатасир қочдилар ва арқонга осилиб баржаларига чиқа бошладилар.

Дарё бўйига бирпасда мунча одам қаёқдан етиб келганига ақл ҳайрон қоларди: муз тагидан чиқиб келдими деб ўйлайди киши; мана ҳозир одамлар ўқдан ҳурккан зағчалар сингари у ёқдан бу ёққа югуришади, сакрашади, чопишади, тахта-ю, ходаларни судрашади, бири ташлаганини иккинчиси келиб кўтаради.

— Асбобларни йиғиштир!— деб буюрди Осип.— Даров ўзингни четга ол, итваччалар... қирғоққа чиқ!

— Ана энди пасха байрами ҳам расво бўлди!— деб аламга чидаёлмай бақириб юборди Сашок.

Одамнинг назарида дарё тек турипти-ю, шаҳар қўзғалганга ўхшаб кўринади, гўёки, бир силкиниб олгандай бўлди-ю, остидаги тоғ-поғ билан бирга дарёнинг юқорисига қараб аста-секин сузиб кетаётганга ўхшайди. Биздан ўн саржин нари рўпарамиздаги бўз қумлоқ ҳам, жойдан қимирлаб, силжий-силжий биздан узоқлашди.

— Қоч!— деб бақирди Осип ва мени туртиб юборди.

— Мунча анқаясан?

Даҳшат ваҳмидан юрагим орқамга тортиб кетди; турган жойимдаги муз силжиганини оёқларим сезди ва ўзидан-ўзи кўтарилиб, гавдамни қумлоқ сари элтиб қўйди; у ерда қишқи бўрон маҳалида синиб тушган тол новдалари ётарди. Боев ҳам, солдат ва Будирин ҳам, ака-ука Дятловлар ҳам аллақачон қумлоққа чиқиб чўзилишган эди. Мордвин менинг ёнимда чошиб келар ва жаҳли чиқиб сўкинарди, Осип бўлса, орқамизда келар ва ҳадеб вағилларди:

— Акиллама, Келгинди...

— Ахир, бу нима деган гап, Осип тоға...

— Ҳамиша шунақа бўлган...

— Шу ёқда икки сутка қолиб кетамиз энди...

— Қолсанг қолипсан-да...

— Байрам нима бўлади?

— Бир йил сенсиз байрам қилишса ҳеч бокиси йўқ...

Қумлоқда ўтирган солдат трубкасини тортаётди:

— Юракларинг йўқ экан...— деди.— Қирғоққача уч қадам келмайди-ю, ҳаллослаб чопасиз, холос...

— Олдин сен қочдинг,— деди Мокей.

Лекин солдат гапида давом этди:

— Нимасидан қўрқасиз? Ҳазрати Исо ҳам ўлимдан қочиб қутула олмаган...

— Амо ҳазрати Исо яна тирилган,— деб гудинглади ранжигансимон бўлиб мордвин, бироқ Боев уни жеркиб ташлади:

— Овозингни ўчир, итвачча! Бунақа гапларни сенга ким қўйибди? Тирилган дейди-я! Бугун якшанба эмас — жума.<sup>1</sup>

Булути тўзган мовий осмон ковагидан март қуёши ялт этиб кўринди, муз ярқираб, кулиб, бизни масхара қилаёт-

---

<sup>1</sup> Исо якшанба кунини тирилган демоқчи. (Тарж.)

гандай бўлади. Осип кафти остидан мўралаб бўшаб қолган дарё бетига қараб чиқди ва:

— Тўхтади,— деди,— бироқ тезда яна қўзғалади...

— Байрамдан қолдик,— деди қайғуриб Сашок.

Мордвиннинг соқолу мўйсиз кўса башараси, арчилмаган картошкага ўхшаш қоп-қора ва гадир-будур юзи ғазабидан бужмаяр, киприклари пирпирарди, у ҳадеб нолир эди:

— Нонимиз йўқ, пулимиз йўқ, ҳақ деб ўтирамыз шу ерда... Одамлар хурсанд, ҳамма байрам қилади, биз шўрлик... Ит сингари очкўзлик қилиб шу ишга ёпишмаганимизда...

Осип кўзини узмай дарёга тикиларди ва аллақандай бошқа нарсаларни ўйлаётганданми, уйқусида гапиргандай секингина овози чиқди:

— Гап очкўзликда эмас, бу заруратнинг иши! Бу муз-кесар ҳўкизлар нима учун даркор? Баржаларни муздан эҳтиёт қилмоқ ва шунинг сингари юмушлар учун. Музнинг эси борми, баржаларни бир сиқмоққа тушгандан кейин тамомий молу мулк билан хайр-маъзур қилавер...

— Бўлганича бўлмайдими, бизга нима?

— Аҳмоқнинг гапини қара!..

— Олдинроқ тузатиш керак эди-да...

Солдат юзини бирам хунук қилиб бужмайтирди-да, унга хайқирди:

— Бас қил, келгинди мордвин!

— Тўхтади,— деди яна Осип.— Хўш...

Баржалар турган ёқдан матрослар қийқириғи эшитилди, совуқ ел эсади, дарё даҳшатли ва фирибгар жимликдан дарак беради. Муз устини безаб ётган қарағай барглари бояги жимжимадор қиёфасини анча ўзгартган эди, тамомий нарса ўзгарган ва алланимани интизор бўлиб кутаётганга ўхшарди.

Ёш йигитлардан аллақайсиси эшитилар-эшитилмас қилиб, оҳиста қўрқа-писа сўради:

— Энди нима бўлади, Осип тоға?

— Нима?— деди у уйқусирагансимон.

— Шу аҳволда ўтираверамизми?

Боев рўйирост пичинг қилиб, пинғиллади:

— Сиз кофирларга муқаддас байрамни худо ўзи раво кўрмагандан кейин, ўтирмай иложингиз нима?

Солдат ҳам шеригининг гапини маъқуллаб, қўлидаги трубкаси билан дарёни кўрсатиб кулди:

— Шаҳарга боргинглар келяптими? Қимирланглар бўлмасам! Муз ҳам қимирлайди. Чўксангиз чўкарсиз, йўқ-

са полиция қўлига тушарсиз... байрам кунлари маза қилиб ётиб чиқасиз!..

— Бу тўғри гап,— деди Мокей.

Қуёш бурканди, дарё қорайди, шаҳар эса боягисидан ҳам равшанроқ кўрина бошлади, ёшлар аламазада ва қайғули кўзларини унга тикканча жим қотиб қолди.

Ҳамиша мен атрофимдаги одамларнинг фикри фикрига, иши ишига қовушмаганини кўрсам, ораларини боғловчи ва буларни мустақкам яхлит куч қилиб бирлаштирувчи бирон мақсад бўлмаганини ўйласам, қаттиқ азоб чекаман: мана ҳозир ҳам кўнглим бузилиб, юрагим сиқила бошлади. Булардан ажралиб танҳо ўзим муз усти билан кетавергим келади.

Осип уйқудан чўчиб уйғонган одамдай ирғиб ўрнидан турди-да, шапкасини олди ва шаҳар томонга қараб чўқинди, сўнгра соддагина ва қатъий қилиб буюрди:

— Қани, йигитлар, худо ёр бўлсин, қимиранг...

— Шаҳаргами?— деб севиниб кетди Сашок ва ўрнидан ирғиб турди.

Солдат дадил овоз билан:

— Чўкиб кетамиз!— деди-ю, жойидан кўзгалмади.

— Бўлмаса сен қолавер.

Сўнгра Осип бирма-бир ҳаммага қараб чиқди-да:

— Қани, қимиранглар, тезроқ!— деб қистади.

Ҳамма ўрнидан туриб, говжум бўлишди; Боев асбобларни чуқурга жойлаётиб, мингиллай бошлади:

— Юринглар дедими, демак, юриш керак! Бошга нима келса, буюрган одам ўзи жавоб қилар ахир...

Осипнинг ёшлиги қўзиб, дадил ва бардам бўлиб олди: қип-қизил юзларидаги мулойимгина айёрлик табассумидан асар қолмади, қовоқлари осилиб, одамга қаттиқ ва жиддий тикила бошлади; бояги бамайлихотир шалпайиб юришлари ҳам йўқолган — энди у шахдам-шахдам қадам ташларди.

— Ҳар қайсинг биттадан тахта ол, кўндалангига белингдан ушлаб оласан, агар худо кўрсатмасин, сувга тушиб кетсанг, тахтанинг икки учи музга тиралаб, сақлаб қолади — чўкмайсан! Дарз кетган жойлардан ҳам ўтаверинглар... Арқон борми? Келгинди, ватерпасни менга бер... тайёр бўлдиларингми? Хўш, мен олдинда бораман, энг оғиринг ким? Ўша кетимдан юрсин! Сен юр, солдат! Ундан кейин Мокей, сўнгра мордвин, Боев, Мишук, Сашок, Максимич ҳаммадан енгил, энг кейинимизда бўлади...

Шапкаларингни ол, биби Марямга сифининглар. Ана, садағанг кетай офтоб ҳам бизга пешвоз чиқди...

Ҳамма баб-баравар шапкасини олди, ҳурпайган, оқарган ва малламўй бошлар яланг бўлди, қуёш оппоқ, сийрак булут орасидан буларга бир боқди-ю, бу шўрликларни бекорга умидвор қилмайин дегандай, дарҳол яшириниб олди.

— Кетдик!— деди Осип бошқача бир хунук овоз билан.— Худо ёр бўлсин! Менинг оёғимга қараб босинглар. Орқада турма, ораларинг бир саржиндан кам бўлмасин, қанчалик узоқ бўлса шунчалик яхши! Қимирла, болалар!

Осип шапкасини қўлтиққа урди ва ватерпасни ушлаганича, оёқлари билан аста-секин ва мулоғим сийпалана-сийпалана муз устига тушди, лекин ўша заҳоти унинг орқасидан қирғоқда турган биров, овози борича бақирди:

— Қаёқ-қа, қўйлар, ма-а...

Лекин йўлбошчининг:

— Орқанга қарама, юравер!— деган буйруғи қўнғироқдай жаранглаб кетди.

— Қайт дейман, иблислар...

— Юравер, азаматлар, таваккал худога! Бизларни у, байрамда меҳмон бўлинглар деб чақираётгани йўқ...

Полиция ҳуштаги тўхтамади, солдат яна минғиллай бошлади:

— Ана, ботирлар, энди кўрасиз... Бемаза ишни бошладингиз! Энди нариги қирғоқдаги полицияга хабар қилишадилар... Сувга чўкмай омон-эсон ўтганимизда ҳам, барибир, қўлга тушамиз, қандалага емиш бўламиз... Бир айтдимиз қўйдим, жавобгарлигини мен бўйнимга олмайман...

Осипнинг дадил овози одамларни ипга чизгандай судраб борарди:

— Оёғинг остига яхшилаб қара!..

Одамлар дарёнинг юқори томонига қарата қия кесиб йўл олдилар, мен орқада кетаётганим учун оппоқ сочли, кичкина ва келишган Осипнинг оёқ кўтармасдан абжирлик билан муздан-музга сирғаниб ўтгани менга бемалол кўринар эди. Унинг кетидан, худди ипга тизиб қўйилгандай олти кишининг қораси йўрғалаб борарди; баъзан буларнинг соялари ёнма-ён муз устида пайдо бўларди. Бошлари қуйн солинган, гўёки одамлар тоғдан тушиб келаётгандай, қоқилиб йиқилишдан ўзини эҳтиёт қиларди.

Ортдан бақирган овозлар яна ҳам кучайди, афтидан одамлар роса тўпланганга ўхшайди, нима деяётганини англаб бўлмайди, фақат ёқимсиз олағовур эшитилади.

Муз устида тизилишиб бу қадар эҳтиёткорона қимирлашимиз менга ёқмади ва зериктира бошлади; мен тез-тез юришга одатланганман, шунинг учун ҳозир мен, кўнгилдаги тамомий нарса тарқалиб, мияга ҳеч қандай фикр келмайдиган ғалати бир чала уйқу, чала уйғоқ ҳолатга тушдимки, бундай пайтларда одам ўзини сезмайди-ю, лекин атрофида нима бўлаётганини қайтага яққолроқ кўради ва аниқроқ эшитади. Оёғим остида кўкимтир кул ранг қўрғошиндай муз сув ялайверганидан анча чўкибди, йилт-йилт қилавериш кўзни қамаштиради. Унда-бунда муз ёрилиб туртиб чиққан жойлар кўринади, қатнов вақтида майдаланган муз парчалари уюм-уюм бўлиб ётибди; баъзиси ковак-ковак жилвир тошга, баъзиси синган ойнанинг қиррасига ўхшайди. Музи ёрилган жойлар кўм-кўк, хунук жардай илжаяди ва оёқдан тортиб кетмоқчи бўлади. Оғир ва қўпол пойафзалнинг шалолаб босгани эшитилади. Боев билан солдатнинг нолигани кишини безор қилади — иккиси бир гапни ҳадеб такрорлайди, холос:

— Мен жавобгарликни бўйнимга олмайман.

— Албатта, мен ҳам олмайман...

— Бу одам ўз билганича буюравераркан, балки ундан кўра ақллироқ одам бордир...

— Бизда ким ақл билан яшайди дейсиз? Ҳамма қорнига қулоқ солади, томоғининг қули...

Осип калта пўстинининг барларини белига қистириб олган, солдатча кўк мовут шим ичидаги оёқлари енгил-елпи силжир ва пружинадай эгилиб-букиларди. Осипнинг юришига мундоқ разм солинса, ўзидан бошқага кўринмайдиган бир нима олдига тушиб олгану, оёғи остида ўралашиб, унинг яқин йўл билан тикка кесиб чиқишига халақит беряпти деб гумон қилиш мумкин; Осип худди ўша нарса билан қурашаётганга, унга чап бериб олға ўтмоқчи бўлаётганга ўхшайди: гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга юради, гоҳ шартта бурилиб, орқасига қайтади ва шу аҳволда тўхтовсиз рақс тушиб, муздан-музга доира ва ярим доиралар шаклини чизиб боради. Унинг овози бир дам ҳам тинмайди, оҳангдор ва ширали овози қўнғироқ садоларига мос тушган — қулоққа жуда-жуда ёқади...

Одамлар тўрт саржин келадиган музнинг ўртасига энди етганларида, дарёнинг юқори томонида шув этган хунук бир овоз пайдо бўлди, ўша заҳоти тегимдаги муз юришиб, мен қалқиб кетдим ва ўзимни тута олмай тиззалаб ўтириб қолдим. Олдин нималигини тушунмадим, лекин дарёнинг



юқори томонига қарашим билан нафасим тиқилиб, овозим чиқмай қолди, кўзимни қоронғилик босди — кўкимтир муз қобиғига жон кириб, дўнг-дўнг бўлиб кўтарила бошлаган ва теп-текис сатҳида қиррадор муз парчалари остидан туртиб чиқмоқда эди; ҳамма ёқни ғалати бир қисир-қисир босиб кетган — худди синиқ ойналар устидан биров юрганга ўхшарди.

Ёнгинамда сизғиб оққан сувнинг чулдирагани, дарахтнинг тарс-турс қасирлагани, одамларнинг бир жойга тўпланиб олиб, дод-вой кўтаргани эшитиларди, лекин ана шундай ваҳима босган сурон маҳалида ҳам Осипнинг жаранглаган овози ўчмади:

— Тарқал... тарқалиб юр, бир-бирингга яқин келма, худойимнинг севган қуллари... Қўзғалди, азим дарё, қўзғалди! Бўшашма, шоввозлар! Ана, қўзғал-ди...

Осип ари талагандай ирғир ва бир саржин келадиган ватерпасни милтиқ сингари ушлаб олиб, аллакимлар билан жанг қилаётган одамдай, атрофини турткилар эди, лекин шаҳар унинг рўпарасидан лопиллаб сузиб кетаётганга ўхшарди. Остимиздаги муз қисирлаб, парчаланиб кетди, оёғимни сув босди, мен жон талвасасида бир ирғиб Осипнинг пинжига ўзимни олдим.

— Қаёққа?— деб бақирди у ватерпасни ўқталиб.— Тўхта, шайтон!

Мен Осипни танймай қолдим — чеҳрасида ғалати бир ёшлик аломати пайдо бўлган ва юзларидаги таниш белгилардан асар қолмаган, кўм-кўк кўзлари бўзариб кетган ва назаримда бўйи ярим газ ўсинқирагандай кўринди... Икки оёғини бир ерга зич қилиб, силлиқ янги михдай, тиккасига бўйи чўзилар ва оғзини борича очиб:

— Ликилайверма, тўплана кўрма, уриб бошларингни мажақлайман!— деб бақирарди.

— Сен қаёққа?— деди менга яна ватерпасни ўқталиб.

— Чўкадиганга ўхшаймиз,— дедим секингина.

— Жим! Овозингни чиқарма...

Лекин менга бир қараб олди-да, овозини пасайтириб мулойим гапирди:

— Эси йўқ одам чўкади, сен эсон-омон ўтиб олиш иложини қил, сен чўкмай чиқишинг керак!

Осип кўксини кериб, бошини рўйирост кўтариб олди-да, яна қўнғироқдай овози жаранглаб кетди; унинг ҳар бир сўзи кишига далда берарди.

Муз дарз кетиб, қисирлар ва секин-аста ёрилиб, бизларни шаҳардан пастга шошмасдан оқизиб борарди; ерда аллақандай баҳайбат куч уйғониб, қирғоқни биратўла судраб кетяпти, деб ўйлаш мумкин: қирғоқнинг биздан пастки қисми ҳали тек турибди, лекин рўпарамиздаги қисми борган сари юқорига силжийди ва ҳадемай ер тарс ажраладиганга ўхшайди.

Бу мудҳиш ва секин ҳаракат одамни ерни сезиш ҳиссидан маҳрум этар экан: тамомий нарса кўз ўнгидан ўтиб, кўнгилини ғуссага тўлдириб, оёқдан мадорини қуритаверар экан. Осмонда қизарган булутлар оҳиста сузиб юради, унинг шуъласи акс этган муз парчалари ҳам қизариб кўринар ва менга етиб олмоқчи бўлиб ҳаракат қилаётганга ўхшарди. Бутун ер юзига жон кириб, баҳор тўлғоғи бошланди: ер керишяпти, пахмоқ, сернам кўксини баланд кўтариб нафас оляпти, бу қисирлаётган нарса — ернинг устихонлари, унинг ҳам иссиқ жони, қуюқ қони бор, дарё унинг сергўшт баданидаги қон томири бўлади.

Бунчалик дадил ва салобат билан ҳаракатга келган масалар ичида инсон ўзини жуда ожиз ва кичкинагина нарса эканини сезиш ёмон алам қиларди; аммо кўнгилда аламзадалиқдан бир инсоний орзу туғилиб, борган сари улғайиб, хуруж қиларди: қўлни чўзсангу, дарёни даст кўтариб тепаликка, қирғоққа қўйсанг-да:

«Мен ўтиб олгунча қимирламай тур!..» деб буйруқ қилсанг...

Черковнинг майда кўнғироқлари нола қилаётгандай зўрғатдан жингирайди, лекин орадан бир кун ўтса, эрта кечаси булар шўх-шўх жаранглаб, муқаддас якшанба хабарини куйлашига ақлим етади.

Қани, шунгача эсон-омон бўлсак!..

...Етти нафар бечоранинг гавдаси қорайиб кўринар, муз устида ирғишар, чайқалишарди; қўлларидаги тахталар эш-как сингари ҳавода у ёқдан-бу ёққа салангларди, энг олдинда авлиё Николай Чудотворец қиёфасидаги пастаккина нуроний чол чилвирдай эшилиб йўл кўрсатиб борар, унинг кўнғироқдай жаранглаган қатъий сўзлари кетмакет такрорланиб турарди:

— Ҳуш-ёр бў-а!..

Муз гадир-будур бўлиб қолди, кўтарилган жойлар жон киргандай силкинар ва «Қанотли Тулпор» дostonидаги наҳанг сингари тўлғанарди, ўшанда муз қобиғи остидан сачраган совуқ, лойқа сув оёқларни шалаббо қиларди.

Одамлар чуқур жар устига қўйилган энсиз холадан ўтаётгандай зўрга қимирлашарди. Сув секин-секин шалоплаб, худди дамига тортмоқчи бўлаётганга ўхшайди, кўз ўнгингда таги йўқ чуқурлик намоён бўлади, агар фалокат босиб қулайдиган бўлсанг, то муз тагига етгунингча не-не азобларга дучор бўлишинг эсингга тушиб, юрагинг орқанга тортиб кетади. Илгари чўкиб ўлган одамларнинг жасадлари, пўсти ириб кетган каллалари, шишган башаралари, бақрайган шиша кўзлари, панжалари, керилиб қолган сўлақмон қўл-оёқлари, кафтларининг териси латтадай ивиб кетгани кўзга кўринаверади...

Аввало Мокей Будирин муз тагига кириб кетди; у мордвиннинг олдида ҳар қачонгидай индамасдан ўз ҳолича келар ва ҳаммадан кўра авайлаброқ қадам ташларди, бироқ худди биров унинг оёғидан тортиб кетгандай тўсатдан ғойиб бўлди; муз устида унинг боши-ю, тахтага тармашган қўллари кўринарди, холос.

— Тортиб ол!— деб бақирди Осип.— Ҳамманг борма, иккитанг ёрдамлашсанг бўлади!

Мокей бечора ҳадеб сув пуркар ва мордвин билан менга:

— Нарн туринг, йигитлар... мен ўзим бир амаллаб... ҳеч бокиси йўқ...— дерди.

У муз устига чиқиб олди ва уст-бошини силкитиб:

— Бир жойга уюлишиб олибмиз-ку, бу аҳволда чиндан ҳам чўкиб кетиш ҳеч гап эмас,— деди.

Мокей дир-дир қалтираб, тишларини такиллатар, тилини борича чиқариб, мўйловини ялар ва айниқса шу туриши каттакон, ювош кўппакни эслатарди.

Шу топда негадир, ўтган ой чап қўлининг бош бармоғини болта билан шартта чопиб олгани эсимга тушди. ўшанда у, тирноғи кўкариб кетган бир бўғин қонсиз бармоқни ердан олган ва хиралашган ғалати кўзлари билан унга роса термилиб туриб:

— Мен шу бечорани неча марта кесганман, асти ҳисоби йўқ!.. Ўзиям қалтис еб, эгри битиб қолган эди... Энди дафн қилишим керак...— деган эди.

Мокей бир парча бармоқни қириндига яхшилаб ўраб, чўнтагига солиб қўйган ва шундан кейингина кесилган жойини боғлаган эди.

Унинг кетидан Боев ҳам чўмилиб чиқди, ўзи атайлаб муз тагига шўнғигандай бўлди-ю, лекин ўша заҳотиёқ додвой сола бошлади:

— Войдод, чўкиб кетдим, ўладиган бўлдим, барака топ-курлар, ёрдам қилинлар!..

Жон талвасасида у шунчалик типирчилардики, ит азобида зўрға тортиб олинди ва сал бўлмаса, уни қутқазаман деб мордвин ҳалок бўлай деди: бечора боши билан биратўла шўнғиб кетди.

Мордвин зўрға муз бетига чиқиб олди; у тагинам ингичка тортиб, бужмайиб қолган ва:

— Сал бўлса, улуғ айём кечаси дўзахга равона бўлувдим-а!— деб хижолатдан кулимсиради.

Бир минут ўтар-ўтмас Боев яна сувга тушиб кетди ва бақира бошлади.

— Бақирма, Яшка!— деб ўдағалайди Осип ватерпасни ўхталиб.— Такачалик юрагинг йўғ-а! Одамларни қўрқитаверасанми? Худди расвойингни чиқараман! Камарларингни еч, шоввозлар, чўнтакларингни ағдар, енгил ва чаққон бўласан...

Ҳар ўн қадамда оғзини очиб, тишларини ғижирлатиб, лойқа сув сочган муз коваклари дуч келади, унинг кўмкўк ханжар тишлари хиппа оёқдан тутади: худди илон қурбақани сўриб ютгандай, дарё ҳам одамларни сўриб ютиб юбормоқчи бўлади. Пойафзал ва кийимларнинг ивиганлиги сакраб ўтишга халақит беради, одамни пастга судрайди: ҳамма бошдан-оёқ шалаббо бўлган, уст-бошларининг шиллиги чиқиб кетган, бесўнақайлигига қараб бўлмасди; лекин шу аҳволда оғиз очмай, гап қайтармай, аста-секин зўрғатдан қимирлашарди.

Лекин Осип эл қатори ивиганлигига қарамай, худди муздаги ёриқларни олдиндан санаб чиққан одамдай, муздан-музга қуён сингари бемалол сакраб ўтарди; ирғиб ўтади-ю, бир секунд қотиб қолади, сўнгра у ёқ-бу ёғига қараб:

— Кўриб ол, мана шундай ўтиш керак, ҳой!— деб қийқиради.

Осип дарё билан бекинмачоқ ўйнарди: дарё уни тутмоқчи бўлса, у кичкинагина эмасми — сира тутқич бермасди, дарё қанчалик уринмасин, барибир, у усталик қилиб, адаштириб кетар, яширин қўйган қопқонларига чап бериб илинмай ўтиб оларди. Шундоқ разм солинса: музлар ҳаракатини идора қилаётган, бизнинг оёқларимиз остига каттакатта, қалин муз парчаларини ҳайдаб, суриб келаётган шу Осип эмасмикин, деган хаёлга борилади.

— Асти бўшашма, худойимнинг севган қуллари, қани, ҳа!

— Яша-эй, Осип тоға!— деб завқланарди мордвин.— Мана одам! Асл одам шунақа бўлади...

Қирғоққа яқинлашган одамлар энди тез-тез сувга қулай бошлади. Шаҳарнинг деярли ҳаммаси рўпарамиздан ўтиб кетди, Волгага бориб қуйилишимизга оз қолди, лекин ундаги муз ҳали юришмаган, бизларни у энди остига тортиб кетади.

Мордвин чап ёқдаги кўкимтир хира қоронгиликқа назар ташлаб:

— Чамамда, фарқ бўладиганга ўхшаймиз,— деди астагина овозини чиқариб.

Худди бизларнинг ғамимизни егандай, тўсатдан улкан бир муз палахсаси келиб, қирғоққа тиралиб қолди ва қасир-қусур синиб бир учи устига чиқиб кетди, ниҳоят, кўндалангига тўхтаб қолди.

Осип жон-жаҳди билан бақирди:

— Югур! Жонинг борича тармаш!

Олдин ўзи сакради, бироқ тойиб кетиб, музнинг бир четига ўтириб қолди ва юзларига сув сачраб туришига қарамай, ҳамма одам батамом ўтиб бўлгунча қимирламай ўтирди. Беш киши қирғоққа чиқиб олган, бир-бирини туртар ва биридан бири ўзиб югурарди. Мордвин билан мен Осипга ёрдамлашмоқчи бўлиб тўхтадик.

— Югуринглар, итваччалар, тезроқ!..

Унинг юзлари кўкариб кетган ва қалтирарди, кўзлари хиралашган, оғзи ғалати бўлиб очилиб қолган эди.

— Туринг тоға...

Осип бошини қуйи солди.

— Туролмайман, оёғим синганга ўхшайди...

Биз уни кўтариб турғиздик ва суяб олиб кетдик, у бўлса — қўлларини елкамизга ташлаб олган, тишлари такилар ва оғзи тинмасди:

— Фарқ бўласиз, дардисарлар... уҳ, худога шукур-а, ўзи додимизга етди, меҳрибон-да... Хушёр бўлинглар, уч кишини кўтармайди, авайлаб ўт! Қор босмаган жойлардан юр, музи маҳкам бўлади... мени қўйиб, ўзларинг кетаверсанг бўларди!..

Осип кўзларини қисиб юзимга тикилди:

— Ҳалиги номан аъмолимиз ёзилган дафтарчанг тоза ивиб, яроғли жойи қолмагандир-а?

Биз ҳалиги қирғоққа тиралган палахса муздан тушар-тушмас унинг сувда ётган қисми аллақандай қайиқни ма-

жақлаб тилка-тилка қилди ва ғарчиллаб бир силкинди-ю, гоҳ ботиб, гоҳ қалқиб сузганича кетди.

— Баракалла-э! Йўлини топиб олди!— деб алланимани маъқуллаб қўйди мордвин.

Ҳаммамиз ивиган, совуқ қотган ҳолда қирғоққа чиқиб олган ва севиниб-севиниб слободалик мешчанларга аралашиб кетган эдик, Боев билан солдат аллақачоноқ улар билан сўкишиб кетди, биз Осипни шу ердаги ходалар устига ётқиздик.

— Йигитлар, дафтарчага омин дейверинг: ивиб тамом бўпти...

Лекин бу дафтарчани мен қўйнимда асраб келган эдим: ҳеч кимга сездирмай уни олдим-да, дарёнинг ўртасига улоқтирдим; дафтарча қорайган сувга қурбақа сингари шалоплаб тушди.

Дятловлар тепага қараб югурганча кетишди — ака-ука энди қовоқхонага бориб ароқ ичишади, совуқдан бири-бирини муштлайди ва астойдил чопиб бақиривади холос:

— Ҳу-ув!

— Вой-э-эй!..

Новча бўй, авлиёнамо пахмоқ соқол, ўғри кўз бир чол қулоғим тагида гап маъқуллайди холос:

— Бекордан-бекорга шунча одамни безовта қилиб, бу ерга тўпладинглар, сиздақа кофирларни уриб ўлдирса савоб бўлади...

Этигини бошқатдан ечиб кияётган Боевнинг жаҳли чиқиб:

— Биз нучук сизларни безовта қилибмиз?— деди.

Боягисидан баттар овози хириллаган солдат ҳам аралашди:

— Бечора христианлар ҳалок бўлмасин деб бирон иш кўрсатдингларми?

— Нима иш кўрсатар эдик?

Осип оёғини узатиб ерда ётибди, у калта пўстинини қўли билан ушлаб кўрди-да, нолий бошлади:

— Хах, хона саллот-а, бутунлай ивиб кетибди... аттанг, нобуд бўлди-я... ҳали бир йил ҳам кийганим йўқ эди...

У биратўла бужмайиб, кичкина бўлиб қолган ва ётган жойида эриб, ерга сингиб кетаётгандай борган сари қутн учиб кичкиналашарди.

Бирданига гавдасини кўтариб ўтириб олди, аламли бир оҳ тортди-ю, ингичка овозини жаранглатиб гапира бошлади:

— Шайтон гапига кириб, ҳадеб ҳаммомга тушамиз, черковга борамиз, деб безор қилдинглар, аҳмоқлар, ана ҳаммом! Жин чалганлар!.. Ана боринг... Худойимнинг байрами сиз бормасангиз қизимас эмиш... Сал бўлмаса ўлингиз байрам қиларди... бутун уст-бош мохов бўлди, худо кўтарсин сизни...

Ҳаммамиз уст-бошимизни сиқиб, пойафзаларимизни ечиб, бошқатдан кияр эканмиз, ўлгудай чарчаб, пишиллар, ынқиллар эдик, одамлар билан сўкишар эдик, лекин Осип борган сари тутақиб, бақиршини қўймасди:

— Топган важларингни қара-я, баччагарлар! Ҳаммомни қўмсаб қолишибди... полиция келса ҳаммомингни чиқарар ҳали...

Одамлар орасидан биров дарҳол хунук гап қотди:

— Полицияга одам кетди...

— Ўзинг нима деяпсан?— деб бақирди Осипга Боев.— Сен нега муғамбирлик қиласан?

— Менми?

— Сен.

— Шошма! Бу нима деганинг?

— Хўш, одамларга йўл кўрсатган ким?

— Ким?

— Сен!

— Мен-а?

Осип қаҳ-қаҳ кулиб, тутқаноқ ушлагандай қотиб қолди ва хириллаган овозини зўрға чиқариб:

— Мен-а?— деб яна такрорлади.

— Бу тўғри гап,— деди Будирын ҳар бир сўзини дона-дона қилиб.

Мордвин ҳам қайғули овоз билан секингина тасдиқлади:

— Худо урсин, рост. Осип тоға!.. Эсингдан чиқибди...

— Албатта, ҳамма ишни сен бошладинг-да,— деди қатъий қилиб, қовоғи осилган солдат.

— Эсидан чиқади-я!— деб овози борича бақирди Боев.— Нучук эсдан чиқаркан? Йўқ, у ўз айбини бошқаларнинг бўйнига ағдармоқчи бўляпти, биламиз уни!

Осип жим бўлди, у кўзларини қисиб, атрофидаги ивиган, қалтираган, ҳали кийиниб бўлмаган шерикларини қараб чиқди.

Сўнгра ғалати овозда пиқирлаб юборди — унинг на кулганини, на йиғлаганини билиб бўлмасди — кифтини қоқиб, қўлини пахса қилар:

— Ие, рост айтасиз... дарвоқе, мен бошловдим-а... хаёлимни қаранг!— деб валдирар эди.

— Ҳа, ҳа, шундай!— деб қўйди солдат мағрурланиб.

Осип юзини бужмайтириб, шовла сингари биқирлаб қайнаётган дарёга қаради ва гуноҳкор одамдай кўзларини қўйи қилиб, гапида давом этди:

— Тўғриси, унутибман, садаганг кетайлар... вой эшонам қурсин-эй! Қандай қилиб эсон-омон ўтганимизга сира ақлим етмайди... Ё, тавба-эй!.. Йигитлар, энди ҳалиги... сизлардан илтимос, байрам ҳурмати учун, мендан хафа бўлманглар... гуноҳимдан ўтинглар!... Миям айниб, адашган бўлсам керак... Рост гап: мен бошладим... қаригандан кейин эс қолади дейсизми...

— Ҳо!— деди Боев.— Агар мен ҳали чўкиб ўлганимда нима жавоб қилардинг?

Назаримда Осип қилган ишининг кераксиз ва аҳмоқона эканини тушуниб, чиндан пушаймон еяётганга ўхшайди — у, худди янги туғилиб, сигир ялаб қўйган бузоқ сингари ҳамма ёғи шалаббо бўлиб ерда ўтирар ва бошини чайқар, қўллари билан қум титар ҳамда ҳеч кимга боқмасдан ҳадеб ғалати оҳангда тавба-ю, тазарру қиларди.

Мен унга қараб туриб, ҳалигина шунча одамнинг олдига тушиб, дарёдан олиб ўтган ғамхўр, оқил ва уддабуро саркардамиз қаёқда қолди, деб ўйладим. Бояги Осипдан асар қолмаган эди.

Кўнглим бузилиб, эгасиз қолгандай бўлди, мен Осипнинг мунчалик ўзини ерга урганига ўкиниб, ёнига ўтирдим ва астагина:

— Бас, мунча энди...— дедим.

Осип кўз қирида менга бир қаради-да, панжалари билан соқолини тараб, секингина:

— Кўрдингми? Шундай бўлар экан...— деб қўйди.

Осип ўша заҳоти ҳаммага эшитиларли қилиб, баланд овоз билан яна пинғиллади:

— Ҳазилакам гапми-а?

... Тоғнинг тепасида, қорамтир осмон бағрида дарахтлар учи кўринади, тоғ каттакон бир махлуқ сингари қирғоқ устига ёнбошлабди. Кўкимтир соясини ёйиб кеч ҳам кирди, бу соялар тоғ терисига канадай ёпишган уйларнинг томлари орқасидан кўринар, дарёни ютиб юбормоқчи бўлиб тикилган жарнинг сап-сарик, лойқа, гордай оғзидан мўраларди; ҳақиқатан ҳам бу жар балои азим сингари тумшу-



ғини чўзиб дарёга човт қилаётганга, сувини симириб қуртмоқчи бўлаётганга ўшарди.

Дарё қорайди, музларнинг шувиллагани, қасир-қусури анча пасайиб, бир меъёрда оқа бошлади; баъзан муз палах-саси чўчқа сингари тумшуғи билан қирғоққа санчилиб қолар ва бирпас шу аҳволда қимирламай турарди, сўнгра бир силкиниб ўзини ўнглаб оларди-да, сузиб кетарди, унинг ўрнига секингина иккинчиси келиб тиқиларди.

Сув борган сайин кўпайиб, ерларга тошиб чиқар ва балчиқларни ювар, балчиқ эса сувда хира кўк лойқа из солиб қорайиб оқарди. Ҳамма ёқни ғалати овоз босиб кетган; худди каттакон бир ҳайвон тилини яланглатиб, алланимани чап-чулп, ғарч-ғурч чайнаётганга ўшарди.

Шаҳарда чалинаётган мунгли қўнғироқ садолари, оралик узоқлашгани учун бўғиқроқ эшитилар ва қулоққа ёқимлироқ туюлар эди.

Тепадан худди иккита шўх кучук бола сингари ака-ука Дятловлар, қўлларида бутилка, чопганларича тушиб келмоқда; дарё бўйлаб уларнинг йўлини кесиб чиққан эллик-боши билан иккита миршабнинг қораси кўринди.

Осип аста-аста тиззасини силаб:

— Вой, худойим-эй!— деб нолиди.

Одамлар миршабларни кўриб, орани кенг очишди ва жим бўлиб кутиб туришди; қотмадан келган, кичкина юзли, малла мўйловини кериб қўйган қотма эллик боши бизнинг ёнимизга келди ва хирилдоқ овозини жўрттага ғўдинглатиб дўқ қилди:

— Ҳа, малъунлар, сизлар ҳали...

Осип чалқасига ерга ётиб олди-да, лаби-лабига тегмай чулдураб кетди:

— Мен, жаноби олий, мен қилдим... ҳаммасига мен сабаб! Мени кечиринг, улуғ айём ҳурмати гуноҳимдан ўтинг, жаноби олий...

— Сен ўзинг кимсан, қари шайтон?— деб қичқирди эллик боши, лекин унинг қичқириғи кетма-кет ёғилаётган ширин сўзлар, ялиниб-ёлворишлар ичида кўмилиб кетди.

— Қўшхонамиз шу ёғда, ана шу шаҳарда; нариги қирғоқда ҳеч нимамиз йўқ, пулимиз ҳам йўқ, нонимиз ҳам йўқ, индинга ҳазрати Исо тирилган кун, жаноби олий... ҳаммомга тушиш керак, черковга бориб ибодат қилгимиз келади, биз ҳам ахир христианмиз... Мен бўлсам: «Юринглар, йигитлар, насиб қилганини кўрамыз, худо шохид, ниятимиз холис, ёмон ишга отланганимиз йўқ», деб йўл бошлабман...

Энди қилмишимга яраша жозоимни тортдим, мана, оёғим чўрт синди...

— Ҳо!— деб қўйди жаҳл билан эллик боши.— Борди-ю, чўкиб кетганларингда нима бўларди?

Осип чуқур ва ҳорғин нафас олди.

— Нима бўларди, жаноби олий? Ҳеч нима бўлмасди, кечирасиз...

Миршабнинг оғзи сўкишдан тўхтамас, ифлос ва уят сўзлар билан ҳамманинг онасини роса ҳақорат қиларди, одамлар эса, гўёки бу малъун ҳамма учун зарур ва фойдали ваъзу насиҳат қилаётгандай, чурқ этмай, астойдил қулоқ соларди.

Миршаб бизнинг номларимизни ёзиб олиб, жўнаб қолди; биз аччиқ ароқни ичиб, қизишиб олдик, жонларимиз кирди ва уйга бориш ҳаракатига тушдик; Осип миршабнинг кетидан масхараомуз бир кулиб қаради-ю, ирғиб ўрнидан осонгина туриб олди ва жон-жаҳди билан чўқинди.

— Ана, иш деган мундай бўлибди, худога минг қатла шукур!..

Боев ҳайрон бўлиб, анқайиб қолди.

— Демак, ундай бўлса, оёғинг соғ экан-да? Демак, синмабди-да?

— Синса севинармидинг?

— Вой, найрангбоз-эй! Тулки экансан, бадбахт...

Осип ивиган шапкасини бостириб кийди-да:

— Қани, кетдик, шоввозлар,— деб буюрди.

...Мен унинг қаватида, ҳаммадан кейин борар эдим, у ёлғиз ўзидан бошқа ҳеч ким билмаган бир сирни айтаётгандай қилиб секин-секин, мулойим гапирарди:

— Минг қилганиндаям, минг овора бўлганиндаям, барибир, ҳийла ишлатмасанг, алдамасанг яшамоқни асти иложи йўқ, чунки турмуш шунақа, мунақа турмушни худо кўтарсин... Сен тоққа чиқай десанг, шайтон оёғингдан ушлаб гўрға судрайди...

Қоп-қоронғи; қоронғиликда йилт-йилт қизил, сариқ чироқлар ёқилгани кўринади ва:

«Бу ёққа келинглар!» деб қақиргандай бўлади...

Биз кўнғироқ садолари келаётган тепага чиқиб бораётибмиз, оёқларимиз остига оқиб тушаётган ирмоқлар чулдурашиб, Осипнинг ёқимли овозига жўр бўлишади.

— Полицияни, шу, роса бопладим-да! Иш деганни мана шундоғ қойил қилиш керак — биронтаси фаҳмига бормасин; ҳалигина ҳар қайсиси ўз бошига талтайиб, одамлар-

ни мен қутқардим деб гумон қилаётган эди, ҳо... Майли, ҳар ким нимани ўйласа ўйлайверсин, ўшалар ишбилармон, устомон бўла қолсин...

Мен Осипнинг гапини тинглайману, маъносига яхши тушунмайман.

Бир ҳисобда унчалик тушунгим ҳам келмасди, чунки кўнглим шод, таъбим равшан эди; чинини айтсам, Осип менга ёқадими, йўқми, билмайман, лекин у билан ҳар жойга боришга тайёрман, агар керак бўлса ана шу дарёдан, ана шу оёқ турмас, кўчган музлардан яна бир карра ўтишдан ҳам қайтмайман.

Қўнғироқлар гулдураб жангир-жангир ашула қиларди, мен:

«Яна неча бор баҳорни кўраркинман!» деб шод ва хурам хаёл сурардим...

Осип эркин нафас олиб:

— Одамзод ғалати нарса. Юрагида қаноти бор — тушида парвоз қилади...— деди.

Қаноти бор? Бу ажойиб гап!..

1912

## МУРДА

...Мен аста-секин қадам ташлаб, кўксим барабар келадиган буғдойзор орасидаги юмшоққина бўз йўлдан бораётибман, йўл шу қадар торки, бошоқлар қора мойга буланибди, бири-бирига ўралашиб қолибди ва синиб-янчилиб арава изларида ётибди.

Сичқонлар шитирлатади, оғир бошоқ бир чайқалиб, қақраган ерга қулайди, осмонда узун қанот қалдирғочлар визиллаб учиб юрибди, демак, шу яқин орада сув бор, иморат бор. Кўзим олтиндай буғдойлар денгизида саросима аланглайди: кеманинг мачтаси сингари осмон барабар қўнғироқ минорасини, йироқдан қорамтил елканга ўхшаб кўринадиган дарахтларни излайди-ю, бироқ зарвароқ даштдан ўзга ҳеч нима кўринмайди: дашт ҳам осмон сингари жимжит, енгил-елпи тўлқинланиб, жануб-ғарб томонга қиялаб кетган, лекин биронта қорайган нарса кўзга чалинмайди.

Даштда киши ўзини, лаганнинг ўртасига қўнган пашадай ҳис қилади, гала-гала юлдузларни маҳлиё қилган қуёш қўйнида, осмон бағрида ернинг яшаганини сезади.

Ана офтоб — лоладай қизариб, каттакон бўлиб, кўм-кўк баланд осмоннинг бир чеккасидаги оппоқ булутлар доvonига ботяпти; бошоқлар ҳам қизғиш шафақ нурига чўмилади, чучмомалар ҳам тўқроқ тусга киради; одамзод ана шу кун ботишдаги сукунат маҳалида ер нималар куйлаганини жуда аниқ эшитаверади.

Қизғиш нурлар тарам-тарам бўлиб, елпиғич сингари осмонга ёйилибди, бири келиб, худди Мусонинг ҳассасидай кўксимга тегиб, юрагимдаги соф ҳисларимни уйғотди ва

қизгин ҳаёт сари отлантирди: кун ботар чоғида яшнаган ерни маҳкам қучгим, унга атаб оҳангдор, улуғвор сўзлар айтгим, ҳеч ким билмаган дostonлар куйлагим келади.

Осмонда лак-лак юлдуз сочилган, ер ҳам бир юлдуз; сон-саноқсиз одам боласи ер юзига тарқалган, мен ҳам шулар орасида битта жонман, тамомий йўллари мардонавор босиб ўтишим, жамийи ғам-ғуссаларни кўришим, турмушнинг ҳамма ҳаловату роҳатини билишим ва шу одамлар қатори бол тотишим, заҳар ичишим керак.

...Кўнглим овқат тусайди, бироқ халтамда эрталабдан бери бир тишлам нарса топилмайди, бу нарса хаёлимни чалғитади, ўйлагани қўймайди. Ерларимиз шунчалик бой, ҳосилдор бўлса, одамзод қанча-қанча куч сарф қилиб ишласа-ю, мен кабилар оч юрса... одамга бир оз алам қилар экан.

Йўл тўсатдан ўннга бурилди-да, девор сингари тўсиб турган экинзорнинг ораси очилиб, адирдаги жар кўринди; жар тагида кўм-кўк сой илон изи бўлиб оқмоқда, устида янги осма кўприк сояси сувга тушиб турибди, кўприк сап-сарик, худди шолғомдан қилинганга ўхшайди. Кўприкнинг нариги ёғидаги қия кетган ён бағирда еттида оқ уй кўрилади, тепа остида чорбоғ, баланд-баланд тераклар қишлоқ устига узун ва майин сояларини ёйибди, кумуш ранг кўкиш дарахтлар орасида тушовланган от кўринди, думни силкитиб, ўтлаб юрибди, аччиқ тутун, қорамой, ивитган наша уруғининг ҳиди келади, товуқларнинг қақиллагани, чақалоқнинг ингалагани эшитилади, мана ҳозир ухлайди у... Агар мана шу садолар бўлмаганда, жар атрофидаги тамомий манзарани уста бир одам томонидан хуш ранг бўёқлар бериб чизилган сурат, деб ўйлаш мумкин эди, бироқ бўёқлари офтобда ўнгиб кетибди.

Ярим доира шаклида тизилишган уйларнинг ўртасида қудуқ, унинг қаватида ингичка ва баланд, қизғиш ранг ибодатхона — узоқдан худди бир кўзли қоровулга ўхшайди. Қудуқнинг узун ҳавозаси гижираб ерга таъзим қилади; оппоқ кийинган бир аёл енгсиз қўлларини баланд кўтариб, астойдил чўзилиб сув тортмоқда ва бу чўзилишда ҳавоза уни ҳадемай осмонга учириб юборса ҳам ажаб эмас.

Қудуқ ёнида, мижиғланган духобадаё бўлиб, қоп-қора балчиқ йилтираб кўрилади; уч ва беш ёшлар чамасидаги иккита азамат бола, иккиси ҳам иштонсиз, белигача ялан-

гоч бўлиб олиб, сап-сарик оёқлари билан индамай лой те-  
пишяпти, қизгин офтоб шуъласини лойга қормоқчи бўлаёт-  
ганга ўхшайди. Буларнинг ғайратига ҳавасим келди, мен бу  
жинқарча шоввозларни астойдил қизиқиб томоша қилдим;  
таажжуб нарса: офтоб балчиққа қорилса ҳам, офтоблigni  
ни қилади, ерга қанчалик чуқур сингса шунчалик яхши, ер-  
га ҳам яхши, одамларга ҳам!

Тепадан қаралса ҳамма ёқ кафтдай кўринади. Қишлоқ-  
да ҳаммаси бўлиб етти уй холос, демак, бу ерда бирон иш  
топиб бўлибсан, лекин бир кеча соф дил кишилар билан  
гурунглашилса кўнгил яйрайди. Кўприкка қараб юрдим;  
кўнглим тўла жўшқин ва қувноқ ниятлар: мен одамларга  
ажойиб-ғаройиб ҳикоялар айтиб бермоқчиман, ахир бу  
инсонга нондай зарур эмасми?

Худди бир палахса ерга жон киргандай бўлиб, кўприк  
тагидан биров кўтарилиб йўлимни кесиб чиқди; бу ўзи  
анчадан бери ювинмаган, таранмаган, соқоли олинмаган,  
кенггина кўк чолвор, олди очиқ, яғири чиққан бўз яхтак  
кийган забардаст бир киши эди.

— Хайрли кеч!

— Сизга ҳам хайрли бўлсин. Қаёққа йўл тутдингиз?

— Бу қайси дарё?

— Буми? Сағайдоқ-ку...

Дум-думалоқ бошидаги ярим-ёрти оқарган сочи роса  
жингалак бўлиб тўзиган, мўйлови калта қўйилган. Кички-  
на кўзлари одамга ўткир ва шубҳали тикилиб, худди эг-  
нимдаги йиртиқ-ямоқларни санаб чиқаётганга ўхшайди. У  
чуқур нафас олди-да, чўнтагини ковлаб, лойдан ясалган  
қамиш найлик трубкасини чиқарди ва бир кўзини қисиб  
сарҳона ковагига астойдил мўралаб қаради.

— Гугурт борми?— деб сўради.

— Бор.

— Тамаки-чи?

— Оз-моз топилади.

У булутлар орасига беркина бошлаган қуёшга қараб ўй-  
ланиб турди-да:

— Менга тамакидан чўзинг. Гугурт ўзимда ҳам бор,—  
деди.

Иккимиз тамаки чекишдик. У кўприк панжарасига тир-  
сакларини қўйиб, орқаси билан хомага суяниб олди ва шу  
алфозда анчагача ҳавода буралишган кўк тутунни искаб  
тураверди. Сўнгра бурнини жийириб туфлади.

— Москва тамакисими?

— Роменск тамакиси, Риморенка.

— Ҳа,— деди у ва ўша заҳотиёқ бурнининг жийрилагани тарқалиб кетди.— Асл тамаки экан!

Соҳиби хонадон олдин юриш одобдан эмас; мен бу одамнинг саволлари тамом бўлишини кутиб ёнида анчагача турдим, менинг ким ва қаердан эканимни, қаёққа ва нега кетаётганимни роса эзмаланиб суриштирарди, бунга менинг жаҳлим чиқар: тезроқ қишлоққа бориб, нималигини билгим келарди.

— Иш дейсизми?— деди мижғовланиб.— Бе, иш йўқ. Шу топда иш нима қилсин?

Юзини ўгириб, дарёга туплади.

Дарёнинг нариги ёғида кеккайган она гоз соллона-соллона зўрға боряпти, сап-сарик тук босган жўжалари унга эргашиб олишибди; икки қизалоқ буларни ҳайдаб бормоқда, бири қизил рўмол ўраган, қўлида чивик, гоздан салгина баланд, иккинчиси худди гозга ўхшаган оппоқ, дум-думалоқ, маймоқ оёқ, кеккайган бир қиз.

— Юфим!— деб чинқирган овоз қулоқни тешиб юбораёди, лекин чақирганнинг ўзи кўринмади, ҳалиги одам бунга қойил қолгандай бошини чайқади:

— Ана овоз!

Сўнгра у териси ёрилиб кетган қоп-қора оёқ панжаларини қимирлатиб, анчагина синган тирноқларига тикилиб қолди, ниҳоят:

— Айтгандай, саводдан қалайсиз?— деб сўради.

— Нима эди?

— Агар саводингиз бўлса, ўлик тепасида китоб ўқиб берсангиз қалай бўларкин?

Афтидан, бу фикр ўзига ёқди шекилли, бужмайган башараси тиржайиб кетди.

— Бу иш эмасми?— деди у, қуралай кўзларини юмиб.

— Сизга ўн тийинча ақча берардик, ўлик эғнидаги яхтак ҳам сизники бўларди.

— Овқат ҳам беришар,— деб юбордим.

— Бўлмаса-чи!

— Ўлик қаерда?

— Уйда ётибди, борасизми?

Қийқириқ келган томонга юрдик.

— Юфи-му-у, худоё сени...

Икковимиз юмшоққина йўлдан майин соялар ичида бо-рамиз, дарахтзор орқасидан дарёдаги болаларнинг чувла-лашгани, сувнинг шопиллагани эшитилди, аллаким тахта

йўняпти — ҳадеб қиртиллаган овоз келади. Ёнимдаги одам шошмасдан гапирарди:

— Битта отин момомиз бор эди, бирам бало кампир эди-да! Шол бўлиб оёқдан қолди, шаҳарга элиб ташладик... Тилдан қолса соз бўларди-я! Ўзи жуда зарур одам эди-ю, бироқ оғзи қурғур ёмон эди, акиллайвериб безор қиларди...

Каттагина бақадай келадиган қоп-қора кучук бола уч сёқлаб пилдираганча оёғимиз тагига келди-да, қип-қизил тумшукчаси билан ҳавони искаб, думини кўтарди ва дўқ қилиб ириллади.

— Ёт!

— Бирданига аллақайси ёндан лип этиб оёқ яланг ёшгина жувон чиқиб келди-ю, жаҳолатдан қарсак уриб, бақирди:

— Юфим, сени мен чақиряпман ахир, мен...

— Биласан-ку, қулоғим оғир...

— Ўзинг қаерда юрибсан?

Ҳамроҳим жавоб ўрнига унга уч бармоғини кўрсатди-да, хотин турган уйнинг ёнидаги қўрага мени бошлаб кирди, хотин бўлса нобоп гапларни айтиб, қарғаб, турган жойида қолаверди.

Кичкина уйчанинг даҳлизидида икки кампир ўтиришарди — бири дум-думалоқ, худди тепилаверилгандан ёрилиб, тўзган чарм коптокка ўхшар, иккинчиси, бели букчайган, қорача юз, бадқовоқ, қуруқ устихондан иборат эди; уларнинг олдида туллаган, шилпиқ, қўйдай келадиган каттакон бир кўппак тилини латта сингари осилтириб ётарди.

Юфим, менга қандай йўлиққанини, қўлимдан нима келишини уларга батафсил сўзлаб берди, икки жуфт кўз унга тикилганча қараб турди; қорачадан келган қил бўйин кампирнинг боши ўқтин-ўқтин қалқиб кетарди, иккинчи кампир масалани тушунди-да:

— Утиринг, сизга бирон овқат обкелайин,— деди.

Шундай яхши ҳовлини тугмача гул ва отқулоқ босиб кетган, қоқ ўртасида гилдираксиз арава турибди, қоп-қора косовдай ўқларининг учи чиқиб ётибди. Пода қайтди: бора-бора қишлоқнинг ҳамма ёғини ёқимли овозлар босиб кетди; ҳовлининг бурчак-бурчакларида бўзарган соялар ўрмалаша бошлади ва ўтлар устига ёйилиб қоронғилаштирди.

Юфим астойдил ишонч билан:



— Ҳаммамиз ўлармиз, дўстим,— деди ва трубкини тик-тик деворга урди, лекин бояги оёқ яланг. қизил юз хотин дарвоза олдида туриб олиб пастак овоз билан:

— Сен юрасанми, йўқми?— деб сўрайди.

— Олдин бу ишни бир ёқлик қилай, ахир, иннай-кейин...

Бир бўлак нон билан кўзадада сут келтириб, олдимга қўйишди, кўппак дарҳол ўрнидан туриб сўлаги оққан абгор тумшугини тиззамга қўйди-да:

«Ширин эканми?» деб савол бергандай, шира босган кўзларини юзимга тикди.

Ҳовлида юрган букчайган кампирнинг хирилдоқ овози қуриган ўтларни шамол шитирлатганига ўхшаб эшитилади:

— Шунча ялиниб-ёлвордим, мушкулумни осон қил, деб худога сиғинганим бекор кетди, қайтага ғамимга ғам қўшилди, бир дардим икки бўлди...

Бахти қаро кампирнинг ингичка қора бўйни чўзилади, илон бош калласи ҳадеб чайқалади, қулоғимга кираётган кўҳна ва ожиз сўзлари битта-битта томиб оёғим остига тушаётганга ўхшайди.

— Анавилар истаса ишлайди, истамаса — йўқ, баъзи одамлар ҳечам қўлини совуқ сувга урмайди, бизникилар бўлса ўлганига қарамай ишлагани ишлаган, кошки роҳатини кўрса...

Кичкина кампирнинг шивирлагани эшитилди:

— Роҳатини у дунёда кўради... Биби Марям ҳаммани ўзи ярақайди...

Орани бирпас оғир жимлик босди.

Бу шундай вазмин жимлик эдики, назаримда, унинг кетидан бир улкан ҳодиса юз берадиганга ўхшарди, шу топда, қандайдир, муҳим фикрлар туғилаётганига кўнглим қаттиқ инонган ва мен аломат сўзлар эшитишга ҳозирланган эдим.

Букчайган кампир белини кўтармоқчи бўлиб уринди ва:

— Мен сенга айтсам,— деди,— чолимнинг кўп нодўст ўртоқлари ичида битта жонажон дўсти бор эди, оти Андрей эди, вақтики келиб, эрим бояқишни одамлар турткилайвериб, қийнайвериб кўз очгани қўйишмади, ғажиб ташлайдиган бўлишди, ота-бобомиз туғилиб ўсган ўз юртимиз Донда сира-сира яшамоқнинг иложи қолмади; ана ўшанда Андрей бизникига келиб: «Мунчалик бўшашганинг яхши

эмас. Яков, олам кенг, қаерга борсанг бир кунинг ұтади. Борди-ю, бу ердаги одамлар сени чиқиштирмаса улардан хафа бўлма, бунга нодонлик ва жаҳолат сабаб, сен эркин яшайвер: улар — ўз ҳолича, сен — ўз ҳолингча, асти парво қилма. Секин-аста тирикчилигингни қилавер. Лекин ҳеч кимга ҳақингни юборма, ана ўшанда ҳаммани енгиб оласан», деган эди.

— Менинг Василим ҳам кўпинча: улар — ўз ҳолича, биз — ўз ҳолимизча, дерди-я...

— Бўлмаса-чи... Яхши гап сира ўлмайди, қаерда айтилган бўлсаям қалдирғоч сингари оламни кезиб юриверади...

Юфим бошини қимирлатиб, унинг гапига қўшилди:

— Тўғри айтасиз, бу жудаям ҳаққоний гап! Яхши сўз Исодан чиққан, чакки сўз — поплардан, деб рост айтилган...

Кампир бирданига бошини кўтариб, хириллаб деди:

— Поплардан эмас, сендан чиққан... Вой, Юфим-эй, сочинг оқарса ҳам ўйламай гапираверар экансан...

Бирданига Юфимнинг хотини аралашиб кетди; у қўлларини элак сингари тебратиб, қийқириб, сўзларни кетмакет элаб ташлайверди:

— Ё худоё тавба-ей! Бу ўзи қанақа одам-а? На гапиргани қўяди, на эшитгани! Худди ойга қараб акиллаган кучукка ўхшайди.

-- Бас-э!— деб чўзди Юфим.— Ана, энди, бошланди, уҳ...

Ғарбда кўкимтир тунга ҳамда қонли алангага ўхшаган булутлар борган сари шишиб кўпаймоқда ва одамнинг назарида, ҳадемай тамомий қирларни лоп этиб аланга оладигандай туюлади. Майингина оқшом шабадаси адирларни эркалатади, бошоқлар ерга эгилиб салом қилишади, қизғиш ранг тўлқинлар бугдойзор устида нари бориб, бери келади. Шарқ томон аллақачоноқ қорайди, зим-зиё димиққан тун ўша ёқдан босиб кела бошлади.

Бош ёғимдаги деразадан илиққина мурда ҳиди келди — итнинг бурни ва оқарган мўйлови қалтирай бошлади, қайғули кўзлари пирпираб, ойнага тикилди. Юфим осмонга қараб турди-да, ўзига тасалли бериб:

— Ёмғир ёғмайди, дараги йўқ...— деб қўйди.

— Сизларда ҳафтияк топиладими?..— деб сўрадим.

— Нима?

— Китоб — ҳафтияк.

Ҳаммаси жим.

Ғарб туни, ер юзидаги тамомий нарсани чаңг босгандай хиралаштириб, тобора шитоб билан келмоқда. Қани энди, хушбўй пичан орасига кириб олсанг-да, кун чиққунча ухласанг.

— Балким, Панкада бордир,— деди хижолат бўлгандай қилиб Юфим.— Унда суратлиги ҳам топилади...

Улар шивир-шивир қилишиб, ҳовлидан чиқиб кетишди, думалоқ кампир уҳ тортиб:

— Агар хоҳласангиз, бориб уни кўриб келинг,— деди.

Кампирнинг кичкина, жажжигина боши қуллақ изҳор қилиб, эгилганча қолди. У қўлларини қовуштириб шивирлайди.

— Ё биби Марям...— деб ёлворди.

Ўликнинг турқи жуда жиддий ва басовлат. Уни оппоқ қуюқ қошлари чимирилиб, каттакон бурни устига босиб тушибди, мўйлови бурнини ўраб олибди, чуқур кўзлари чала юмуқ, оғзи ҳам бир оз очилиб қолибди — авзойидан, бу одам алланималарни астойдил ўйлаётганга ўхшайди, ҳозир у аламзада ўйларга чўмган ва шу топда бирданига бақириб юборадиганга, алақандай бошқача, сўнгги сўзини айтадиганга ўхшайди.

Мурданинг бош томонида ингичка шам ёнарди; унинг кўкимтир шуъласи бир нимадан чўчигандай қалт-қалт қилар ва зўрға-зўрға ёруғ сочарди, лекин марҳумнинг кўз остларига ва юзларидаги чуқур ажинлар орасига тушган жонсиз сояларни ёритолмасди. Яхтагининг кўкимтир доғи устида дўннга ўхшаб қўллари ётибди; панжалари эгри-бугри, ҳатто ўлим ҳам уларни тўғрилай олмабди. Деразадан кирган ҳаво эшик томонга интилади — шувоқ, ялпиз, райҳон, исиріқ ва чириган нарсанинг ҳидини анқитади.

Кампир борган сайин қизишиб, шивирламоқда, овози ҳам аниқроқ эшитилмоқда; у энди хўрсиниб-хўрсиниб шивирлай бошлади; деразадан, қоп-қоронғи тўрт бурчак осмонда хўмрайиб мўралашган юлдузлар кўринади ва мана шу тобутдай торгина уйчага мовий шуъла тушар-тушмас эриб кетган шамнинг ёруғи бекинмоқчи бўлгандай, липиллаб қолади-да, мурданинг оппоқ сочлари балиқ тангасига ўхшаб ялтираб кетади, юзлари биратўла хўмрайиб қолади.

Кампирнинг шивирлаши кўксимга қадалади, юрагим увушади, қаттиқ ачишади, хотиримга қадимги, маънодор сўзлар келади-ю, бироқ қайғум босилмайди:

«Мен учун йиғлама, онажон, кўз ёшларингни кўрсам тобутдан туриб кетгайман...»

Лекин бу ётган сира турмайди.

...Қотма кампир қайтиб келиб, қишлоқда ҳафтияк топилмаганини айтди:

— Бошқа китоб обкелдим, шу бўлмасмикин?— деб сўради.

Бошқа китоб дегани славянча черков тилининг грамматикаси бўлиб чиқди, унинг аввалги варақлари йиртилган ва: «дўст», «дўстлик», «дўстлар» сўзи билан бошланган эди.

Мен, грамматика марҳумга тўғри келмаслигини айтганимда кичкина кампир:

— Энди нима қиламиз? — деган ғамгин саволни берди. Унинг болача юзлари хафагарчиликдан титрай бошлади, қовоғи шишган кўзлари яна бир карра ёшга тўлди.

У хўрсиниб йиғлар ва:

— Эсиз одам, дунёга келиб шунча умр кўрибди-ю, одам қатори элтиб кўмиш учун ўлимлигини ҳам ғамлай олмабди.

Мен унга, эрининг ўлиги тепасида ўзим билган ҳамма дуоларни ўқишимни айтдим ва унинг уйдан чиқиб туришини илтимос қилдим: мен бундай вазифани кўп ўтаганимни, лекин тирик одам қулоқ соладиган бўлса баъзи дуолар хаёлимдан кўтарилиб, адашиб кетишимни билдирдим.

Кампир ё менинг гапимни тушунмади, ё важимга инонмади шекилли, эшик олдида анчагина ивирсиб юрди: ҳадеб пишиллар, кичкинагина бурушган юзини енги билан артарди.

Ниҳоят, чиқиб кетди.

Адирлар денгизга туташган, қирлар ўлкасининг зим-зиё осмонида юлдузлар чарақлайди, уй кўм-кўк туманга тўлди, дим уйда жимжит тун қоронғиси изғийди, шамнинг чўчима шуъласи липиллаб нур сочади, лекин мурда чала юмуқ кўзлари билан кўкраги устида, оппоқ шифт ва деворларда ўралашган сояларнинг рақсини томоша қилиб ётибди.

Мен кўз қиримда қўрқа-писа унга қараб-қараб кўяман, мурданинг нималигини билиб бўладими ахир. Пастак овоз билан ҳолисанилло тиловат қилмоқдаман:

«Худоё, тамомий осий бандаларни ярлақағайсан ва шулар ичра, энг гуноҳкор, ҳайвондан ҳам абгор бандангни ўзинг кечиргайсан...»

Тилим бу сўзларни такрорлайди-ю, аммо:

«Гуноҳкор бўлмоқ осон, ҳаққоний бўлмоқлик қийин...» деган фикр миямдан кетмайди.

«...Била туриб гуноҳга ботган бўлсам, ёки беихтиёр гуноҳ ишлар қилган бўлсам кечиргайсан, ўзингга аён гуноҳларимни, менга ноаён гуноҳларимни кечиргайсан, ёшлик ғуруридин, нодонлик касридин, жаҳолатдин ва гумроҳликдин содир бўлган гуноҳларимни...»

«Бу дуолар сенга тўғри келмайди, биродар...»

Бепоен зим-зиё осмонда юлдузлар йилтирайди, шу топда, мана шу соатда мендан бошқа яна ким уларни кўраётган экан?

Йироқларда момақалдироқ гулдурайди, тамомий борлиқ юлдузларнинг милтиллаганига қўшилиб ларзага келгандай бўлади.

Тирноқлари билан ерни тапиллатиб ит кириб келди, у дам ташқарига чиқади, дам уйга киради, оёқларимни искайди-ю, оҳиста нола қилади-да, яна чиқиб кетади. Чамада, у ҳам, бошқа итлар сингари овози борича вовилаб эгаси билан хайрлашмоқчи бўлди-ю, бироқ қариганлиги учун бунга мадори етмайди. Ит ташқарига чиқиб кетаётганда назаримда, соялар ҳам таъзия билдириб унга эргашгандай, эшик томонга силжигандай, салқин шабадаси юзимни елпигандай бўлади. Шам алангаси титраб-қалтирайди, шамдонни ташлаб, юлдузлар қошига учиб кетмоқчи бўлаётганга ўхшайди, лекин юлдузлар орасида ҳам ўзи сингари кичкина ва ожизлар кўп. Мен бунинг ғойиб бўлишини истамайман, шунинг учун ҳам ундан кўзимни узолмайман, шу қадар зеҳн солиб астойдил тикиламанки, ҳатто кўзларим ачишади; нафасим тикилади, ваҳима босиб юрагим ўйнайди, мен мурданинг ёнгинасида қимир этмай турибман ва негадир зўр бериб жимликка қулоқ соламан, холос.

Уйқу енга бошлади, унга қарши курашиш жуда қийин, мен қийнала-қийнала улуғ Макариннинг, Златоуст ва Дамаскининг гўзал муножотларини зўрға эслаганимда, бошим арининг уясидай ғувиллаб, олтинчи ҳадиснинг «абодий уйқуга кетганлар учун» ўқиладиган дуолар миямни чалғитади:

«Юмшоқ ёстиқдан кечгин. Исони десанг тошга ястангайсан. Қиш уйқусида ҳаловат бўлмагай, бунга ҳам шукур қилиб дегилки: «Ажабо, бошқалар уйқудан буткул маҳрумдирлар».

Ухлаб қолмаслик учун мен хиргойи қилиб, хониш бошладим:

«Худоё, гуноҳи азим остида букчайган жисмимга ўзинг дармон бағишлагайсан».

Эшик орқасида шивирлаган, ширасиз овоз сал-пал эшитилади:

— Эй меҳрибон биби Марям, менинг жонимни ҳам олгин энди...

Мен, кампирнинг жони бўз каптардай бўзарган ва ундан ҳам ҳурковуч бўлса керак, деб гумон қиламан. Бу жон худонинг даргоҳига учиб борганда, биби Марям оппоққина нозик ва саховатли қўллари унга чўзади, ўшанда бечора жон силкиниб, калта қанотларини ёзади-ю, лекин ўз суюнчидан ўзи чўчиб, шу заҳотиёқ, таслим бўлади.

Ўшанда биби Марям ўғли Исога:

«Мана, кўрдингми, болам, ердаги умматларинг шу қадар юрагини олдириб қўйганларки, ҳатто севинчини ҳам ичларига сиғдира олмайди, бечоралар! Эй, фарзанд, бу қандоғ гап?» деб сўрайди.

Лекин Исо нима жавоб қиларкан?

Билмадим. Мен унинг ўрнида бўлсам индамай қизариб тураверардим.

Жимжит сукунат мудраган дала ёқдан менга жавоб келгандай бўлди, алакимнинг ашуласи эшитилди. Сув сепгандай чуқур жимлик ичида йироқдан келаётган бу овоз гира-шира эшитилар ва ўз хонишимнинг ғайри табиий акси садосига ўхшарди. Мен индамай қулоқ солиб турдим — овоз борган сари аниқроқ эшитилиб, яқинлашаверди; гурс-гурс оёғини босиб, алаким келяпти.

— Йў-ўқ... ва асло мумкин эмас...

«Нега итлар вовилламайди?» деб ўйладим кўзимни ишқалаб.

Назаримда, мурданинг қошлари чимирилиб, лаблари бесўнақай кулимсирагандай бўлди.

Ҳовлида йўғон хирилдоқ овоз гўнғиллайди:

— Нима, нима? Ҳе, кампир... Мен ўлишини билувдим, бўлар иш бўпти... овозингни ўчир! Мунақанги одамлар ҳамиша сўнгги дамигача ётмайди, бир ётади-ю, қайтиб турмайди... Ким экан? Йўловчимми... ҳа, майли!

Девдай каттакон бир нарса эшикка сиғмасдан пишиллаб, энтикиб зўр-базўр уйга кирди, боши бориб шифтга теккудай бўлди; бу бесўнақай одам қўлини кенг ёйиб, шам-

га қараб чўқинди, сўнгра гандираклаб бориб пешанасини мурданинг оёғига уриб олаёзди.

— Хўш, Василь? — деб секингина сўради-ю, пиқирлаб йиғлагандай бўлди.

Ароқ ҳиди бурқсаб кетди. Эшик олдида турган кампир унга илтижо қиларди:

— Отахон, китобни бу йигитга берсангиз бўларди...

— Нечук? Мен ўзим ўқийман...

Сўлақмондай қўлини кифтимга қўйиб, жун босган баркашдай юзини энгаштириб, юзимга тикилди.

— Ҳали ёш экансану! Руҳонийларданмисан?

Унинг боши ниҳоятда катта, узун сочлари эса, латта сингари шокила-шокила осилиб тушган, ҳаттоки, мана шу ғира-шира шам нурида ҳам олтиндай товланиб турарди. У ҳадеб гандираклайди, мени ҳам тебратиб, гоҳ пинжигга тортади, гоҳ нари итаради. Сассиқ ароқ ҳидидан димоғим битиб кетди.

— Отахон, сиз ахир...— деб кампир йиғлоқи овоз билан яна ялина бошлаган эди, унинг жаҳли чиқиб, гапини бўлиб ташлайди:

— Мен сенга неча марта айтганман-ку, ахир, дьяконни отахон дейиш мумкин эмас! Бор, кириб ухлагин, энди-гиси менинг вазифам, сен бу ерда турма!.. Сен-чи, яна битта шам ёққин, кўзим ҳеч нимани кўролмапти...

У курсига ўтирди ва китобни тиззасига уриб, мендан сўради:

— Май ичасанми?

— Бу ерда май йўқ.

— Ҳе, нега бўлмасин? — деди у қовоғини солиб.— Мана, чўнтагимда бир бутилка бор!

— Бу ерда ичилса яхши бўлмас.

— Бу гапинг тўғри! — деди у ўйлаб туриб.— Ташқарига чиқиб ичиш керак, бу гапинг маъқул,— деб такрорлади.

— Сиз ўтириб ўқийсизми?

— Менми? Мен ўқимайман... Сен ўқий қол... Менинг мазам йўқ... рост гап! «Голеим забун, душманларим зўр, алар мени кун бўйи қистайвериб безор қилдилар», дейилган, шунинг учун қиттай ичиб олдим...

У китобни менинг пинжигга тикди-да, бошини қўйи қилиб ғамгин чайқата бошлади.

— Одамлар кетма-кет ўлишяпти, лекин барибир, ер юзи тор... Яхшилик кўрмай, дунёдан ўтиб кетишяпти...

Мен китобни кўриб:

— Бу ҳафтияк эмас-ку,— дедим.

— Бекор айтибсан!

— Мана, қаранг.

У китобнинг муқовасини очди ва шам тутиб қизил ҳарфларни ўқиди:

— Аларки...

Ҳайрон бўлиб қолди.

— Аларки? Бу қандоғ бўлди? Ҳа-ҳа, чатоқ бўляпти...

Бунинг катталиги ҳам бошқароқ, ҳафтияк деган кичкина, қалин бўлади, буни қара... Ҳаммаси, шошганимнинг касофати...

Хатосини англаб ҳушига келди шекилли, дарҳол ўрнидан турди-ю, соқолини ушлаганича мурданинг тепасига бориб энгашди.

— Кечирасан, Василь... нима қиламиз энди?

Қаддини ростлади, осилиб тушган узун сочларини қўли билан орқага қайтариб ташлади, сўнгра чўнтагидан бутилкани олди-ю, оғзига солиб, симира бошлади ва шу аҳволда анчагача пишиллаб роса сўрди.

— Ичасанми?

Уйқум келиб зўрға турибман, ичсам қулайман.

— Қуласанг қуларсан...

— Ким ўқийди?

— Уқиш нима керак? Ўзинг тушунмаган сўзларни чулдираганинг бу ерда кимга керак?

Курсига ўтирди, энгашиб бошини ушлаганча жим бўлиб қолди.

Июль тунининг ранги ўчиб, қоронғиси бурчак-бурчакларга яшириниш тараддудига тушди, деразадан шабнам ҳиди, субҳидам шабадаси кела бошлади. Икки шамнинг баттар ранги ўчиб, милтилаган ёруғ қўрққан боланнинг икки кўзидай жавдираб қолди.

Дьякон валдирашга тушди:

— Эй, Василь, сенки бор эдинг, менинг ҳам борар жойим тайин эди, ана энди қайга бораман? Сўнгги одамим дунёдан ўтди... Худоё, ҳақиқатинг қани?

Мен дераза ёнида бошимни ҳавога тутиб ўтирар, мудраб тамаки чекар ва унинг оғир ҳасратларини тинглар эдим.

— Бечора хотинимни тамом қилишди, улар мени ҳам қўймайди, тўнғиз карамни ғажигандай қилиб, мени ҳам тамомлашади энди... Рост гап, Василь...



Дьякон яна бутилкани олиб, майни симирди, соқолини артди ва мурдага энгашиб пешанасидан ўпди.

— Алвидо, дўстим...— деб хайрлашди.

Сўнгра у менга бурилиб, бирданига дадил бўлиб олди-да, ўткир ва бардам гапира бошлади:

— Ўзи жуда оддий, эл қатори бечораҳол бир одам эди, зағчалар орасида бир зағча сингари юрарди, аммо зағча эмас, оппоқ асл кабутар эди, лекин буни ҳеч ким билмасди, ёлғиз мен билардим, холос!.. Мана энди, шундай одам «дунёнинг оғир ташвишларидан» йироқлашди-ю, мен бўлсам ҳали ҳам тирикман, бироқ жоним «душманлар таъна-ю маломатидан безор бўлиб» ажални кутмоқда...

— Қайгунгиз зўрми дейман?

У бир оздан сўнг жавоб берди:

— Ҳаммада қайғу зўр, бошдан ошиб ётибди... Меники ҳам шундай! Сен ҳам бу насибадан қуруқ қолмайсан.

Дьякон ўз оёғига ўзи қоқилиб, устимга қулади.

— Ашула айтгим келяпти, бироқ мумкин эмас: одамлар уйғониб қолади, сўкавериб безор қилади. Нима бўлса бўлар, айтмасам туrolмаяпман, ке, майлига!

Қулоғим тагида фингиллаб ашула қилди:

Мен кимга айтай ҳасратларимни?

Бошимга тушган кулфатларимни?

Ким қўл-лим-дан...

Тиканак соқоли юзимни тирнайверганидан мен ўгирилиб олдим.

— Ёқмадими? Сатқан ашула кет, ухлайвер бўлмасам...

— Соқолингиз тирнаб гашимга тегяпти-ку...

— Йўқса, сени деб соқолимни олдириб ташлайми, ойимтилла?

У ерга ўтириб олди ва бирпас пишиллаб ўйлаб турди-да, менга қатъий буюрди:

— Қани, ўқи, мен ётиб ухлайман. Китобни кўтариб жўнаб қолмагин тагин, бу китоб черковники-я! Қиммат турради. Сендақа дайдиларни мен яхши биламан, кўпингни кўрганман! Бормаган жойларинг йўқ, мунча дайдисизлар-а? Бошларинг оққан томонга кетаверасизлар! Майли, сен ҳам боргин. Дьякон вафот этди дегин, биронта раҳми келадиган одамшавандага айтсанг бўлади. Диомид Кубасов деган дьякон, мендирман, қайтмас сафарга кетдим...

У уйқуга кетди. Мен таваккалига китобна счдим-да, дуч келган жойидан ўқий бошладим:

«Унумсиз ерларда ҳосил ундирган, саховатли қўллари билан ҳаммани тўйдирган, тамомий жониворларга ризқ берган...»

«Ҳаммани тўйдирган» бечора, мана энди хушбўй гиёҳларга ўралиб қаршимда ётибди; мен мудроқ босган кўзларимни тикиб, унинг қорамтил, сирли юзига қарайман ва бу одамнинг бошидан нималар ўтганини ўйлайман: дон сочай, экин экай, йўқни бор қилай, деган ташвишга тушиб бир парча ерининг теварагида сон минг марта айланганлари кўз олдимга келади. Ўшанда кўз ўнгимда аломат бир образ пайдо бўлади: мингта қўли бор тоғдай одам таптақир қақраган даштни гир айланиб кезади ва борган сари доирани кенгайтириб, кўпроқ ерни айланиб чиқишга интилади, бирпасда шипшийдам гиёҳсиз даштга жон кириб, босган жойлари кўм-кўк экинзорга айланади, қишлоқлар, шаҳарлар пайдо бўлади, лекин у сира тўхтамайди, тобора юриб нариги томонларга ўтади ва юрган йўлига ҳаёт уруғини, барака уруғини, одамгарчилик уруғини тинмай сепади боради... Кўнглим ўсади, ширин хаёлларга чўмиб, ер юзидаги жами инсонлар тўғрисида ўйлайман: одамзодда зўр истеъдод, номаълум бир куч бор ва шу куч туфайли ўлимни енгиш, борлиқ нарсага ҳаёт бағишлаш вазифаси абадий, узил-кесил инсонлар зиммасига тушган, инсон ўлим йўлини босиб ўтади ва мангуликка эришади, ўлим сояси одамларни қуршаб босади-ю, лекин ютиб юбора олмайд.

Юрагимда хилма-хил хаёллар мавж уриб қайнайди, қанот қоқади, қанотларининг шабадаси гоҳ севинтиради, гоҳ кўнглимни совутади, қани, бирон одам учраса-ю, мен ундан сўрасам, қўрқмасдан, яширмасдан тўғрисида соддагина жавоб бера оладиган одам бўлса...

Менинг олдимда бири ўлган, бири ухлаган икки одам ётибди, даҳлизда учинчиси шитирлайди, буниси, ошини ошаган, ёшини яшаган кампир. Ҳа, зарари йўқ! Оламда одам кўп, бугун бўлмаса, эртага, кўнглим саволига жавоб берадиган кишини мен албатта топаман...

Мен хаёлан уйдан даштга чиқаман ва ўша ердан туриб бепоён оламнинг чеккасида қолиб кетган бу қишлоққа назар ташлайман: бир-бирининг пинжига тикилган кулбаларни кўраман, ҳамма деразалари сўқирнинг кўзидай қоп-

қоронғи, аммо биттасида ғира-шира ёруғ кўринади, бу — инсон асир этган ўтнинг ўз ўлиги тепасида лип-лип ёнган шуъласи...

Бу сўнган юрак тириклигида ўйлаган ҳамма гапларини айта олганмикин, дунёга келиб, лоақал энг кичкина муддаоларига эришганмикин? Мен эл қатори кичкина бир одам ўлганини билиб турибман, бироқ унинг тамомий ишини бир бошдан ўйлаб чиқсам, мислсиз даражада каттакон, жуда-жуда улкан ишлар қилганини англайман... Ўша дашт йўлидаги арава изида пишмай синиб ётган бошоқлар кўм-кўк осмон бағрида, олтиндай зарвароқ буғдойзор устида учиб юрган қалдирғочлар, поёнсиз дашт куррасининг тепасида, ҳавода муаллақ қотиб қолган чўл қарчиғайи эсимга келади...

Қанотлар визиллагани эшитилади — шабнамдан ялтираган кўкатлар устида қуш сояси лип этиб бир кўринди-ю, ҳовли бўйлаб ўтиб кетди.

Хўрозлар кетма-кет қичқиришади — ҳаммаси бўлиб бешта, холос, ғозлар уйғонди, сигир маъради, аллақардаги четан дарвоза ғирчиллаб очилди.

Мен ҳали даштга чиққандан кейин қоқ-қуруқ ва илиқ-қина уватда ерга бағримни бериб ухлашни ўйлайман: дьякон бўлса чалқанчасига тушиб олиб, менинг оёғим остида ухлаб ётибди. Малла ранг сочлари боши атрофида оловдай товланарди, қип-қизил шолғом сингари бақалоқ юзлари қовоғи осилганидан бўртиб кетибди, оғзи очиқ, мўйлови қимирлайди. Кўллари жуда узун, ҳар бир кафти куракдай келади.

Шундай бақувват, каттакон одам хотинни қандай қучоқлар экан, деган савол беихтиёр мияга келди, хотин бечоранинг юзи соқол орасида бутунлай кўмилиб кетса керак ва қитиғи келиб бошини орқага ташлаб кулса ҳам ажаб эмас. Бу одамнинг боласи нечта бўлса экан?

Шундай бир одамнинг кўксига дарди, ғами борлигини ўйласанг бирам алам қиладики, ахир бу тоғдай кўксига хурсандлик ярашмасмиди, дейсан!

Эшикдан кампирнинг бир парча юзи мўралади, деразадан қуёшнинг биринчи шуъласи боқди.

Ипакдай майин буралиб оқаётган мусаффо дарё устида кўм-кўк туман ўралашади, тамомий дарахт ва кўкатлар қимирламай қотгану қолган, улар ажойиб субҳидам пайтини шу қадар сабрсизлик билан кутмоқдаларки, мундоғ разм солган киши — шу топда ҳаммаси бирданига силки-

## БҮРОҢҚУШ ҲАҚИДА ҚҶШИҚ

Бепоеґ денгизнинг кумуш ранг сатҳи узра қора булутларни йиғмоқда шамол. Булутлар билан денгиз оралиғида мағрур парвоз қилмоқда Бўронқуш<sup>1</sup>, мисоли қора яшиндай.

Гоҳ тўлқинларга қанот уриб, гоҳ булутларга ўқдай отилиб қичқиради у; шунда жасур қуш наърасининг шодиёна садосини эшитади қора булутлар.

Бу қичқариқда бўронга ташналик бор! Ғазаб шиддатини, эҳтирос алангасини ва зафар ишончини эшитади қора булутлар бу қичқариқдан.

Чағалайлар инграйди бўрон олдидан, инграб, ҳаллослаб учишади денгиз остига яширинишга тайёрланиб.

Ғагарлар ҳам инграйдилар, улар ҳаёт жангларидан лаззат ололмайдилар: зарбалар садоси қўрқитади уларни!

Нодон пингвин<sup>2</sup> ҳуркиб яширади семиз танасин қоялар бағрига... Фақат мағрур Бўронқушгина дадил ва эркин учади кўпиклар тўла мўйсафид денгиз устида!

Денгиз устидаги қора булутлар тобора хўмайиб, пастлашиб боради; тўлқинлар эса куйлайди, момақалди роқ сари юксақларга талпинади.

Момақалди роқ гуриллайди. Ғазаб кўпикларида инграйди тўлқинлар, шамол билан олишиб. Ана шамол тўлқинлар галасини тортмоқда забардаст қучоғига ва зарб билан,

---

<sup>1</sup> Бўронқуш—денгиз қушлари оиласига кирадиган каттакон парранда; қанотлари ёйилганда икки метрга етади, бу қуш дуненинг ҳамма ерида бор.

<sup>2</sup> Пингвин—қушлар оиласига киради, фақат Шимолий денгиз қирғоқларида яшайди, учмайди, сувда сузиб юради.

ваҳшиёна ғазаб билан урмоқда уларни қоя тошларга — ба-  
ҳайбат зумрад тўлқинларни тўзғитиб, чилпарчин қилиб.

Бўронқуш чинқириб учади, мисоли қора яшиндай, бу-  
лутлар бағрини тешади, отилган ўқдай, кўпирган тўлқин-  
ларини қанот билан тилиб кетади.

Ана, у девдай парвоз этмоқда, бўронлар қора девидай  
мағрур, ҳам қаҳқаҳа уради, ҳам фарёд қилади... Қора бу-  
лутлардан кулади, севинчлардан йиғлайди!

Момақалди роқ қаҳрида ҳорғинлик борлигини зийрак  
қора дев аллақачоноқ сезган. У ишонадики, қора булутлар  
тўсолмайди, қуёш юзини асло тўсолмайди!

Шамол увиллайди... Момақалди роқ гулдирайди...

Қора булутлар галаси тубсиз денгиз устида барқ ура-  
ди, мовий ёлқин сингари. Денгиз яшин найзаларини ушлаб  
слиб ўчиради ўз қаҳрида. Яшинлар шуъласи, ўт илон каби  
тўлғаниб, йўқолади денгиз ўпқонида.

— Бўрон! Ҳадемай бошланади бўрон!

Ғазаб-ла ўқирган денгиз узра яшинлар оралаб мағрур  
парвоз этган жасур Бўронқушдир бу; ғалаба пайғамбари  
ҳайқирмоқда:

— Яна ҳам кучлироқ авж олсин бўрон!

## МУНДАРИЖА

Макар Чудра. <i>Ойбек таржимаси</i> . . . . .	5
Қиз ва ўлим. <i>Ж. Шарипов таржимаси</i> . . . . .	19
Изергиль кампир. <i>М. Исмоилий таржимаси</i> . . . . .	26
Челкаш. <i>Ҳ. Олимжон таржимаси</i> . . . . .	47
Лочин ҳақида қўшиқ. <i>М. Исмоилий таржимаси</i> . . . . .	88
Коновалов. <i>О. Раҳимий таржимаси</i> . . . . .	94
Йигирма олти йигит ва бир қиз. <i>О. Раҳимий таржимаси</i> . . .	150

## АМЕРИКАДА

Сариқ иблис шаҳри. <i>Ҳамид Ғулом таржимаси</i> . . . . .	164
Республика қиролларидан бири. <i>М. Исмоилий таржимаси</i> . . .	178
Ахлоқ муҳиби. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i> . . . . .	194
Италия эртаклари. <i>Коллектив таржимаси</i> . . . . .	207

## РОССИЯ БУЙЛАБ

Инсоннинг туғилиши. <i>М. Исмоилий таржимаси</i> . . . . .	276
Муз кўчди. <i>О. Шаропов таржимаси</i> . . . . .	287
Мурда. <i>О. Шаропов таржимаси</i> . . . . .	314
Бўронқуш ҳақида қўшиқ. <i>М. Исмоилий таржимаси</i> . . . . .	332

*На узбекском языке*  
**АЛЕКСЕЙ МАКСИМОВИЧ ГОРЬКИЙ**  
**СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ**  
В 10-ти томах  
Том I

*При издании использовано собрание сочинений М. Горького  
в 18-ти томах. Москва, Гослитиздат, 1960 г.*

Редактор О. Шаропов  
Рассом В. Битков  
Расмлар редактори Ю. Павлов  
Техн. редактор М. Мирқосимов  
Корректор М. Жўраева

Босмахонага берилади 12/XII 1967 й. Босишга рухсат этилди 30/I 1968 й. Формати 84×108<sup>1/32</sup>.  
Босма л. 11,75. Шартли босма л. 19,74. Нашр л. 21,22. Тиражи 10000. Ғафур  
Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30, Шартнома  
№ 157—67.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг 3- босмахонасида  
№ 1 қозоғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1968 йил. Заказ № 1032.  
Баҳоси 97 т.



## КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг ўн томлик танланган асарларини нашрга тайёрламоқда. Максим Горький туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан тайёрланган ушбу ўн томликка адибнинг жаҳон адабиёти хазинасидан жой олган ҳикоялари, эртаклари, повесть ва романлари киритилди. Шунингдек, китобхонларга буюк адибнинг «Клим Самгин ҳаёти» номли машҳур роман — эпопеяси биринчи марта ўзбек тилида тақдим этилади.*

*Қўлингиздаги ушбу китоб улкан сўз санъаткори Максим Горький асарлари тўпламининг дебочасидир.*



*Горький М.*

Асарлар, 10 т. (Сўз боши С. Азимовники).  
Т. 1 Т., Ғафур Ғулом номидаги бадий  
адабиёт нашр. 1968.

Т. 1. Ҳикоялар. Эртақлар. Поэмалар.  
40+338 бет. Тиражи 10000.

*Горький М.* Собрание сочинений. В 10-ти т.  
Т. 1.

P2